

ДЕМОГРАФИЯ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ Г.В. ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ
РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФИЛИАЛИ

ДЕМОГРАФИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан 5231600 – "Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси" ва 5A230110 "Меҳнат иқтисодиёти" мутахассислиги талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган

Дарслик

ТОШКЕНТ – "IQTISODIYOT" – 2014

УЎК: 314(075)
КБК: 60.7
А 139

Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. /Зокирова Н.К., Шоюсупова Н.Т., Габдалилова В.Т., Абдураманов Х.Х., Абдурахмонова Г.К., Шакаров З.Г. Демография. Дарслик. – Т.: "IQTISODIYOT", 2014. -364 б.

Ушбу *дарслик Тошкент давлат иқтисодиёт университети* ҳамда Тошкент шаҳридаги Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг филиали профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган. Унда демографиянинг *фан сифатида шаклланиши, демографик жараёнларни ўрганиш* манбалари, туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишнинг демографик моҳияти, аҳолининг сон ва сифат хусусиятлари, такрор хосил бўлиши қонуниятлари, жинс, ёш, никоҳ ва оилавий таркиби, оиланинг демографик, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳоли миграцияси, демографик прогнозлаштириш ва демографик сиёсат масалалари ёритилган.

Дарсликда хорижий мамлакатлар тажрибаси илмий жиҳатдан кенг миқёсда умумлаштирилди ҳамда чет эл олимлари фикр ва мулоҳазалари такомиллаштирилди, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшовчи аҳолининг демоиқтисодий омиллари киёсланди, натижада Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусиятлари очиб берилди.

Дарслик олий таълим муассасалари талабаларига, шунингдек, демография масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходимлар, мустақил тадқиқотчилар ва шу соҳага қизиқувчи кўп сонли китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Абдурахмонов Қ.Х.

Тақризчилар: и.ф.д., проф.. – Р.А. Убайдуллаева – ЎзР ФА академиги, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори,
и.ф.д., проф.. – Артикова Д.А. – ТДИУ "Макроиқтисодиёт" *кафедраси профессори*,
и.ф.д., проф., – Худойбердиев З.Я. – Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази директори ўринбосари

Тошкент давлат иқтисодиёт университети 2013 йил 29 ноябрдаги 4-сонли ва Тошкент шаҳридаги Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети филиалининг 2013 йил 30 ноябрдаги 6-сонли Илмий кенгаш Қарорлари билан нашрга тавсия этилган.

УЎК: 314(075)
КБК: 60.7
А 139

ISBN 978-9943-4024-1-6

© Қ.Х. Абдурахмонов ва бошқалар, 2014.
© "IQTISODIYOT" нашриёти, 2014.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 5

1 боб. ДЕМОГРАФИЯ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ 7

1.1 *Демография фани сифатида* 7

1.2 *Демография фани усуллари* 15

1.3 *Демография фанининг ривожланиш тарихи* 19

1.4 *Демография фанида ихтисослашиш ва унинг бошқа фанлар билан узвий алоқадорлиги* 31

2 боб. ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ ЎРГАНИШ МАНБАЛАРИ 38

2.1 Аҳоли тўғрисидаги маълумотлар 38

2.2 Аҳолини рўйхатга олиш ва уни ўтказиш тамойиллари 41

2.3 Аҳолини рўйхатга олиш тартиби ва усуллари 48

2.4 Аҳолини рўйхатга олиш дастурлари 51

2.5 Демографик жараёнларни жорий статистик қайд этиш тартиби 61

2.6 Ташаббус ўтказиладиган тадқиқотлар ва аҳоли регистрлари 65

3 боб. АҲОЛИНИНГ МИҚДОР ВА СИФАТ ХУСУСИЯТЛАРИ 73

3.1 Аҳоли сони динамикаси кўрсаткичлари 73

3.2 Аҳоли сони динамикасининг нисбий кўрсаткичлари 81

3.3 Аҳоли сифати ва унинг хусусиятлари 85

4 боб. АҲОЛИ ТАРКИБИ ВА УНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ 96

4.1 Аҳоли таркиби тўғрисида тушунча 96

4.2 Аҳолининг жинсий таркиби 97

4.3 Аҳолининг ёш таркиби 105

4.4 Аҳолининг ёш-жинс пирамидаси 111

4.5 Аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий таркиби 118

4.6 Аҳолининг жойлашиши 126

4.7 Аҳолининг касбийлиги ва бунинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари 129

5 боб. НИКОҲ ВА АЖРАЛИШНИНГ ДЕМОГРАФИК МОҲИЯТИ 138

5.1 Никоҳнинг демографик моҳияти ва унинг турлари 138

5.2 Никоҳ ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар 142

5.3 Аҳолининг никоҳ ва оила таркиби 148

5.4 Ажралиш ва унинг кўрсаткичлари 154

6 боб. ТУҒИЛИШ 164

6.1 Туғилишнинг демографик тушунчаси 164

6.2 Аҳолининг репродуктив майли ва унинг турлари 168

6.3 Туғилиш даражасини прогнозлашнинг тарихий босқичлари 174

6.4 Туғилиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими 182

533479

7-боб. АҲОЛИ ЎЛИМИ ВА УМР КЎРИШ ДАВОМИЙЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ 201
7.1. Ўлимнинг демографик моҳияти ва унинг турлари 201
7.2. Эпидемиологик ўтиш назарияси 204
7.3. Ўлим сабабларининг халқаро таснифи 212
7.4. Аҳоли ўлимини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими 215
7.5. Махсус ва хусусий коэффициентлар 220
7.6. Аҳолининг умр кўриш давомийлиги 227
7.7. Ҳаёт жадвали ва уни тузиш тартиби 231
8-боб. АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ 240
8.1. "Саломатлик" тушунчасининг моҳияти ва таркиби 240
8.2. Аҳоли саломатлигини баҳолаш 252
8.3. Меҳнатга қобилиятини вақтинчалик йўқотишга олиб келувчи касалликлар ва ногиронлик маълумотлари 256
8.4. Инсоннинг ўзини сақлаш майли 263
9-боб. АҲОЛИНИНГ ТАКРОР ҲОСИЛ ҚИЛИНИШИ 271
9.1. Аҳолининг такрор ҳосил қилиниши турлари 271
9.2. Аҳоли такрор ҳосил бўлишининг асосий кўрсаткичлари 274
9.3. Демографик баланс 278
9.4. Барқарор аҳоли ва аҳолини такрор ҳосил қилиш тартиби 280
10-боб. АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ 284
10.1. Аҳоли миграцияси ва унинг таснифи 284
10.2. Миграцияни ҳисобга олиш усул ва кўрсаткичлари 295
10.3. Меҳнат миграцияси 298
11-боб. ДЕМОГРАФИК ПРОГНОЗ 307
11.1. Демографик прогнозларнинг моҳияти ва турлари 307
11.2. Аҳоли сони ва таркибини прогноз қилиш 312
11.3. Туғилишни истиқболли баҳолаш 319
11.4. Ўлимни истиқболли баҳолаш усуллари 325
11.5. Аҳолининг оилавий таркибини прогноз қилиш 329
12-боб. ДЕМОГРАФИК СИЁСАТ 334
12.1. Демографик сиёсатнинг мазмуни ва уни амалга ошириш услублари 334
12.2. Туғилиш ва оила соҳасидаги демографик сиёсат 339
12.3. Ўлим даражасини камайтириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича демографик сиёсат 346
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 355

КИРИШ

Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган узоқ муддатли стратегик мақсади – замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш. Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдир. Бу мақсадга эришиш йўлида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Кейинги етти йил давомида миллий иқтисодиётнинг ўсиши 8 фоиздан юқори бўлмоқда, 2000 йилга нисбатан мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 1,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсди, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошди, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад 8,4 баробар кўпайди.

Миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги муваффақиятлар аҳоли саломатлиги ва умр кўриш давомийлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "... юртимизда аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани оғзимизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради"[1].

Ҳар қандай – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар демографик хусусиятлар билан боғлиқ бўлиб, барча давлатлардаги жамият ҳаётига уз таъсирини кўрсатади. Туғилиш даражасининг тебранишни муайян вақтдан кейин таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришга, меҳнат бозорида иш билан бандликда, давлатнинг ижтимоий соҳага харажатларида бевосита ўз аксини топади.

Ер юзидаги аҳоли жаҳонда яшаётган одамлар такрор ҳосил қилишининг мутаносиб жараёнидир. Жаҳондаги демографик вазият аҳоли сони мутаносиб кўпайиб бораётганлигидан далолат беради. I асрда ер юзида 300 миллион киши яшарди. XX аср 60-йилларидан бошлаб аҳолининг ўсиш даражаси камая бошланган бўлса ҳам кейинги 50 йил ичида Ер юзида навбатдаги миллиард аҳоли ҳар қачонгидан барвақт пайдо бўлмоқда. Хусусан, курраи заминимиздаги 7-миллиард одам 2011 йилда туғилди ва жаҳон аҳолисининг яна бир миллиардга кўпайиши учун атиги 12 йил кифоя қилди. Прогнозларга кўра, 2050 йилга бориб, ер юзидаги аҳоли сони 9,1 миллиард кишига етади[2].

[1] Каримов И. А. // Халқ сўзи. 2013 йил 1 сентябрь.

[2] Мировые демографические тенденции / Доклад Генерального секретаря ООН 21 января 2011 года. – http://www.un.org

Жаҳон аҳолисининг кўпайиши асосан ривожланган мамлакатлар, биринчи навбатда Африка китъаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Айни пайтда ривожланган давлатлардаги аҳоли сони кескин камаяди ва бу жараён сакланиб қолмоқда. Бундай ҳолат дунёда аҳоли таксимотида номутаносиблик келтириб чиқармоқда, окибатда демографик вазият иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва ижтимоий баркарорликка ўз таъсирини кўрсатмоқда.Бугунги вақтда Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият вужудга келган ва у аҳоли ўсиш суръатининг пасайиши, тугилишнинг камайиши, аҳолининг ёш таркибида кекса ёшдагилар улушининг ортиши, ёшлар салмоғининг камайиши, шу билан бир вақтда ўрта ёшдаги аҳоли сонининг кўпайиши, аҳолининг урбанизация жараёни ортаётганида намоён бўлмоқда.

2013 йилда Ўзбекистонда аҳоли сони 30,0 миллион кишидан ортди. Аҳолининг умумий сонига кўра республика жаҳоннинг 230 мамлакати орасида 43, Осиёда эса 18-ўринда туради.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда демографик жараёнларнинг ўрни катта бўлиб, аҳоли сонининг ўсиши, жойлашиши, демографик таркиби ва бошка кўпгина мухим жиҳатларини илмий ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки аҳоли ҳам асосий ишлаб чиқарувчи куч, ҳам истеъмолчи сифатида жамият тараккиётида хал килувчи аҳамиятга эгадир.

Мазкур вазифа демография фани зиммасига юклатилган. Демография фани аҳолининг ривожланиш назариясини ишлаб чиқиш, демографик жараёнлар конуниятларини илмий жиҳатдан асослаш ва баҳолаш, демографик сиёсат ва демографик прогнозлашнинг назарий асосларини ишлаб чикишга даъват этилган. Шу вазифалардан келиб чиккан ҳолда демография фани демографик сиёсат ва прогнозлашни, тугилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш, аҳолининг сон ва сифат, жинс ва ёш хусусиятлари, такрор хосил бўлиш конуниятлари, миграцияси, оилалар таркибини ўрганади.

Дарсликнинг ҳар бир бўлимида демография фанига оид назарий масалалар билан бир каторда аҳолишуносликнинг долзарб амалий муаммолари ҳам баён этилган.

Ушбу дарслик **5231600 – "Меҳнат иқтисодиёти ва социология-си" ва 5А 230110 – "Меҳнат иқтисодиёти" мутахассислиги талаба-лари** учун мўлжалланган "Демография" намунавий дастурига асосан тайёрланган.

Дарсликдан, шунингдек, бошка йўналиш ва мутахассисликдаги таълим олаётган талабалар ҳам фойдаланиши мумкин.

1-боб. ДЕМОГРАФИЯ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Демография фан сифатида

Демография (қадимий юноча "δῆμος" - "халқ" ва "γράφω" - "ёзаман" сўзларидан) - аҳоли такрор ҳосил килинишининг хусусиятлари, бунинг ижтимоий-иқтисодий, табиий шароитлар, миграцияга боғлиқлигини, аҳоли сони, ҳудудий жойлашиши ва таркибини, уларнинг ўзгариши ва бу ўзгаришларнинг сабаб-окибатларини ўрганувчи ҳамда уларни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чикувчи фандир.

Демография фанининг **тадқиқот объекти аҳоли** ҳисобланади (1.1-расм). Лекин аҳоли фақат демография томонидан эмас, балки жуда кўп бошка – табиий ва гуманитар фанлар томонидан ҳам ўрганилишини таъкидлаш лозим. Жумладан, иқтисодчилар кишилар ўртасидаги *иқтисодий муносабатларни, яъни моддий неъматларни ишлаб чикариш*, таксимлаш, айирбошлаш ва истеъмол килиш бўйича муносабатларни тадқиқ этадилар. Ҳуқуқшунослар аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни ўрганадилар. Этнологлар тадқиқотлари марказига миллий ва миллатлараро муносабатлар, сиёсатшуносларда – сиёсий муносабатлар, социологларда – кишиларнинг ижтимоий ҳаёт турли соҳаларидаги хатти-ҳаракатлари қўйилган. Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин. Бундан аҳоли жуда кўп фанлар учун умумий тадқиқот объекти эканлиги тўғрисида хулоса чикариш мумкин.

"Демография" атамасини илмий муомалага француз олими Ахилл (Ашиль) Гийяр киритган. У 1855 йилда Парижда чоп этилган "Инсон статистикаси унсурлари ёки нисбий демография" китобида демографияга инсоннинг табиий ва ижтимоий тарихи ёки аҳолини, унинг ўзгаришини ҳамда жисмоний, фукаровий ва ахлокий шарт-шароитлари ўзгаришини математика усулларида ўрганиш, деб таъриф берган[1].

Аҳолига демография нуқтаи назаридан қаралишининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Демография тарихи бу хусусида узоқ вақт давомида баҳслар давом этганлигидан далолат беради. Фақат XX аср ўрталарига келгандагина демография шунчаки аҳоли сонининг динамикасини, аҳоли таркиби ва жойлашишининг турлича ўзгаришини ва ҳ.к.ларни ўрганиш билан чекланмаслиги тўғрисидаги фикрга келинди[2]. Натижада **демография фанининг предмети аҳолининг табиий такрор ҳосил қилиниши қонуниятлари**, яъни

---

[1] Guillard A. Elements de statistique humaine ou demographie compare. Paris, 1855.

[2] Вестникова И.Н. Теоретические основы демографии. // Демография: Учебник / Под ред. Н.А. Волгина. – М., 2003. – с. 20.

туғилиш ва ўлим жараёнларида авлодлар алмашиши оркали унинг сони ва таркиби муттасил янгиланиб бориш жараёни эканлиги, деган тўхтамга келинди[1].

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ҳам демография тушунчасига худди шу нуқтаи назардан ёндашилган: "Демография – ҳар йили турли сабабларга кўра вафот этган аҳоли ўрнини янгидан дунёга келган авлод ҳисобига тўлдириб бориш қонуниятларини ижтимоий-тарихий шароитларга боғлиқ ҳолда ўрганадиган фан"[2].

Шу билан бирга илмий адабиётда ҳали ушбу масаладаги мунозараларга аниқ нуқта қўйилганича йўқ. Масалан, демография фани бўйича умумэътироф этилган нуфузли дарслик муаллифлари Г.С. Шройк ва Ж.С. Зигель тор ва кенг маънодаги демография ўртасидаги фаркка ургу беради. Улар томонидан тор маънодаги демография аҳоли миқдори, жойлашиши, таркиби ва уларнинг ўзгаришини ўрганадиган фан сифатида талқин этилади. Бунда **миқдор** – аҳоли (кишилар) сони, **жойлашиш** – муайян вақтда аҳолининг макондаги тақсимоти, **таркиб** – аҳолининг тор маънодаги жинси ва ёшига кўра тақсимланиши, **ўзгариш** – *умуман аҳоли ёки унинг* таркибий қисми сони ўсиши ёки камайишидир. Кенг маънодаги демография деганда эса муаллифлар, шунингдек, ушбу фаннинг этник, ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари тадқиқ этилишини тушунадилар[3].



1.1-расм. Демография фанининг объекти ва предмети

[1] Медков В.М. Демография. Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2008. – С.22.
[2] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.3. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. –248-б.
[3] Shryock H.S., Sigel J.S. The Methods and Materials of Demography. – N.Y., San Francisco. London, 1973. – P.1.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти мутахассислари томонидан тайёрланган "Кўп тилли демографик луғат"да ҳам демография тушунчаси юқоридагидек талқин этилади: "Демография – инсонлар аҳолисини, асосан уларнинг миқдори, таркиби ва ривожланишини илмий ўрганиш бўлиб, ўзида аҳолининг асосий хусусиятларини миқдор жиҳатидан мужассамлаштиради"[1].

Америкалик демографлар П. Хаузер ва О. Дункан демография талқинига тор ва кенг маънода ёндашишларга тўхталар экан, **тор маънода** бу – **демографик таҳлил** (demographic analysis), **кенг маънода – аҳоли тўғрисидаги фан** (population studies), деган фикрни билдиради: "Демографик таҳлил – аҳолининг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзгариши турличалиги билан иш кўради. Аҳоли тўғрисидаги фан марказида фақат демографик ўзгаришларгина эмас, балки аҳолининг ўзгариши билан бошқа – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, биологик, генетик, географик ва ҳ.к. ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқлик туради"[2].

Демографиясиз ижтимоий жараёнларни бошқариб бўлмайди, чунки аҳоли бутун ижтимоий ҳаётнинг асоси ва субъекти ҳисобланади. Демография фанининг **асосий вазифаси** – демографик қонунлар, қонуниятлар, ўзаро боғлиқликларни аниқлаш ва билишдир. Демография фани **тадқиқотлари** жаҳондаги, муайян давлатдаги, унинг минтақаларидаги, аҳоли гуруҳлари ўртасидаги демографик вазиятни таҳлил этишга йўналтирилган. Демография фани демографик таҳлил асосида истиқболда аҳоли сони, таркибидаги ўзгаришларни баҳолайди ва демографик прогнозларни ишлаб чиқади.

Шу жиҳатдан демография фанининг энг муҳим амалий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- демографик маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш асосида демографик жараёнларнинг хусусиятлари ва омилларини ўрганиш;
- демографик прогнозларни ишлаб чиқиш;
- демографик статистика тадбирларини ишлаб чиқиш (1.2-расм).

Демографиянинг тадқиқот объекти **аҳоли** бўлганлиги боис, унга батафсилроқ тўхталамиз.

Одатда аҳоли деганда, бирор ҳудудда яшайдиган кишилар жамланмаси тушунилади: "Аҳоли – Ер юзида ёки унинг муайян ҳудуди, қитъа, мамлакат, туман, шаҳарда истиқомат қилувчи одам

[1] Multilingual Demographic Dictionary. English Section. Liege, 1982. – P.15.

[2] Hauser P.M. Overview and Conilusion The Study of Population. An inventory and Appraisal. – Chicago, 1959. – P.2-3.

(инсон)лар мажмуи"[1]. Бундан аҳолининг икки асосий: миқдори (яъни у инсонлар жамланмаси эканлиги) ҳамда ҳудудий (аҳолининг муайян ҳудудда яшаши) белгиси аён бўлади. Лекин демография фани учун унинг бундай тасаввур этилиши камлик қилади. Юқоридаги белгилар фақат демографик таҳлил учун бошланғич манба, холос.



1.2-расм. Демография фанининг назарий ва амалий вазифалари

Демография фани учун бу билан бирга Ер юзидаги, қитъадаги, давлатдаги, минтақадаги, аҳоли яшаш жойидаги аҳолининг сонини, бу аҳоли сони қайси йўналишда ва қандай тезлик билан ўзгараётганини, аҳоли таркибида эркаклар ва аёлларнинг сонини, уларнинг никоҳда ёки никоҳда эмаслиги, иқтисодий фаол ёки фаол эмаслиги, билим даражаси, аҳолининг турли ёш гуруҳларидаги нисбати ва ҳ.к.ларни билиш зарур. Ушбу хусусиятлар демография фанининг таркибий қисми – демография статистикаси ёки аҳоли статистикаси томонидан ўрганилади.

Шу билан бирга демография фани учун, шунингдек, туғилиш ва ўлим жараёнларида авлодлар алмашиши орқали аҳолининг такрор ҳосил қилиниши – муттасил янгиланиб бориш жараёни муҳимдир.

Аҳоли ҳақидаги билимлар ва унинг ривожланиш қонуниятлари шундан далолат беради, фақат XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб "аҳоли" тушунчаси илмий истеъмолга киритилган. Унгача "одамлар", "яшовчилар" каби тушунчалардан фойдаланилган.

[1] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.1. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. –563-б.

Аҳоли, моҳиятига кўра, ўзаро фарқ қилувчи учта жиҳатга эга. Биринчиси, аҳолининг **биологик бирлик** эканлигидир. Ушбу жиҳатга кўра, инсонга биологик мавжудот сифатида кўпайиш, биологик жамланма сифатида такрор ҳосил бўлиш хос. Иккинчи жиҳатга мувофиқ, аҳоли ижтимоий-биологик категориядир. Бу жиҳат бўйича аҳоли ижтимоий ва биологик муносабатларнинг ўзига хос давомчиси ҳисобланади. Ниҳоят, учинчи жиҳат шу билан изоҳланадики, аҳоли ижтимоий ҳодиса бўлиб, ижтимоий алоқалар орқали бирлашган инсонлар жамланмаси сифатида юзага чиқади (1.3-расм).



1.3-расм. Аҳоли тушунчаси

Маълумки, инсонлар жамланмасига кирган ҳар бир шахс, авваламбор, биологик ҳодиса ҳисобланади, чунки одам тирик табиат мавжудотларининг бир туридир. Овқат ҳазм қилиш, мушаклар фаолияти, қон айланиши ва ниҳоят, кўпайиши ҳам биологик жараён ҳисобланади. Инсонларнинг бошқа ҳайвонот олами вакиллари билан ўхшашлик жиҳатлари айнан ушбу табиий аломатларда юзага чиқади. Лекин инсон нафақат биологик, балки ижтимоий жараёнларнинг ҳам давомчисидир.

Аҳоли кўплаб хусусият ва вазифаларга эга. Улардан энг асосийлари – ишлаб чиқариш, истеъмол ва кўпайиш вазифалари бўлиб, улар турли тарихий даврлар ва жамиятларда турлича ўлчовга эга. Масалан, ишлаб чиқариш вазифаси ижтимоий меҳнат самарадорлиги кўрсаткичлари ёрдамида юзага чиқса, истеъмол – аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилиши сифатида, такрор ҳосил бўлиш эса репродуктив ёшдаги аёл томонидан дунёга келтирилган болалар сони сифатида юзага чиқади[1].

[1] Демография: Учебник для вузов. / Под ред. Н.А. Волгина, Ю.Н. Рыбаковского. – М.: Логос, 2008. – с. 9-10.

Булардан ташқари, аҳолининг бошқа хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, улар жумласига ижтимоий, миграция ҳаракатчанлиги киради. Мазкур вазифалар аҳоли фаолиятининг турли жиҳатларини тавсифлаб беради. Аҳолининг кўп қиррали эканлигини инсонларнинг турли жиҳатлардан ўрганувчи кўпгина фанлар ҳам тасдиқлаб беради. Масалан, демография, аҳоли географияси, этнография, аҳолишунослик иқтисодиёти, социология, меҳнат иқтисодиёти, ижтимоий психология ва ҳ.к. каби фанлар учун аҳолининг умумий ёки унинг маълум бир қисмининг тадқиқот объекти бўлиб юзага чиқади.

Аҳоли барча унсур ва вазифалари доимий ҳаракатда бўлган динамик тизимдир. Аҳоли ҳаракатининг учта тури фарқланади: ижтимоий, табиий ва миграцион. **Аҳолининг ижтимоий ҳаракати** тор ва кенг маъноларда талқин қилиниши мумкин. Кенг маънодаги ижтимоий ҳаракатга барча ижтимоий муносабатлар, шу жумладан, демографик муносабатлар ҳам киритилади; тор маънодаги ижтимоий ҳаракат деганда, одатда фақатгина ўзига хос доирадаги муносабатлар тушунилади. Бунга мисол қилиб аҳолининг ижтимоий соҳадаги ҳаракатларининг барча турларини киритиш мумкин, фақатгина табиий ва миграцион ҳаракатлар бундан мустасно. Аҳоли ҳаракатини учта қисмга ажратиб кўрсатиш уларнинг ҳар бири бўйича аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Қадимдан маълумки, дунёдаги барча жараёнлар ўзаро боғлиқ бўлган. Мос равишда аҳоли ҳаракатларининг барча турлари ҳам узлуксиз равишда, органик бирликда инсонлар жамланмасининг бирор-бир хусусиятини ўзгартиргани ҳолда амалга ошади.

Ҳар қандай инсон учта хусусиятга эга (1.4-расм):

• ундаги баъзи хусусиятлар (жинс, ирқ, ёш ва ҳ.к.лар) туғма бўлиб, ҳаёти давомида ўзгармасдан қолади ёхуд вақт ўтиши билан ўзгаради;

• инсон ижтимоийлашуви мобайнида орттириб борилувчи хусусиятлар (*билим, тил* ва ҳ.к.);

• қисқа вақт мобайнида ўзгартирилиши мумкин бўлган хусусиятлар (масалан, тоифа, ижтимоий мақом ва ҳк.).

Демографияда **"аҳоли таркиби"** атамаси кўпинча кишиларнинг ёши, жинси, никоҳ мақоми, касби ва ҳ.к.лар каби тақсимланиши сифатида қўлланилади. Аммо бу тушунча баъзан аҳолининг фақат ёши ва жинсига кўра таснифланиши маъносида ишлатилади[1].

[1] Multilingual Demographic Dictionary. English Section. 2-Edition. Liege, 1982. – P.27.

Шахсларнинг хусусиятлари (физиологик, биологик, ижтимоий, иқтисодий, миллий-маданий ва б.) бисёрлиги сабабли бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин. Бироқ демографияни бевосита бу таркиблар эмас, балки аҳолининг такор ҳосил қилиш билан бевосита тўғридан-тўғри ва тескари боғлиқ бўлганлари қизиқтиради. Шунинг учун ҳам улар **демографик таркиблар**, деб аталади.



1.4-расм. Инсон хусусиятлари

Демографик таркибларга фақат жинсий, ёш ҳамда никоҳ ва оила таркиблари киради. Бевосита айнан шу таркиблар, бир томондан, аҳолининг такрор ҳосил қилинишига ҳамда унинг таркибий қисмлари бўлган туғилиш, ўлим ва никоҳга тўғридан-тўғри ва бевосита таъсир кўрсатади, иккинчи томондан, ўзлари ана шу жараёнлар билан тўғридан-тўғри ва бевосита алоқадор.

Туғилиш, ўлим ва никоҳлар эса **демографик жараёнлар**, деб аталади. Бошқача айтганда, ёш, жинс ва оилавий таркиблар бевосита демография таркибига киради, бошқа барча хусусиятлар аҳолининг такрор ҳосил қилинишига маълум даражада, лекин бевосита эмас, балки билвосита таъсир кўрсатиши учун **демографик жараёнларнинг экзоген ўзгарувчан омиллари**, деб ҳисобланади.

Шундай хусусиятлар ҳам борки, улар расмий нуқтаи назарга кўра шахснинг ижтимоий ривожланишидан далолат бериб, фақатгина яхшиланиши мумкин, лекин шундайлари ҳам борки, улар ҳар икки томонга ўзгариши ҳам мумкин. Булардан биринчилари қаторига таълим даражасини, иккинчиларига эса саломатлик ҳолатини киритиш мумкин.

Инсонларнинг ҳар қандай жамланмаси миқдор ва сифат ўзгаришларига дучор бўлиши табиий. Миқдор ўзгаришлар "ички" ҳаракат оқибатида, яъни кўпайиш жараёни ва "ташқи" – **аҳоли миграцияси** оқибатида юзага келади. Иккаласи ҳам миқдор, ҳам сифат ўзгаришларига олиб келса-да, ижтимоий ҳаракат аҳоли хусусиятларининг фақат сифат ўзгаришларига олиб келади, холос. Миграция жараёни кўп ҳолларда нафақат ижтимоий ривожланиш, балки табиий ҳаракат билан ҳам боғлиқ. У билан ижтимоий ҳаракат ҳам ўзаро таъсирлашувга киришади. Ҳақиқатда ҳам инсон улғайиши билан тажрибаси, малакаси ортиб боради, унда бошқа ўзгаришлар ҳам вужудга келади.

Аҳолининг такрор ҳосил бўлиши натижасида унинг миқдори туғилиш ва ўлим, демографик таркиби эса аҳоли қатламларининг бир ёшдан иккинчи ёшга ўтиши билан ўзгаради. Демак, аҳолининг такрор ҳосил бўлиши нафақат туғилиш ва ўлим оқибатлари асосида авлодлар алмашинувига, яъни айрим кишиларнинг "кириш"и ва бошқаларининг "чиқиш"ига, балки "демографик макон"да уларнинг ҳаракатланишига олиб келади.

Табиий ҳаракатдан фарқли ўлароқ миграция – аҳолининг макондаги ҳаракатидир, унинг ҳудуд бўйлаб тақсимланишидир. Ушбу маънода миграция кўчиб ўтишлар содир бўлаётган маълум бир ҳудуд доирасида аҳоли миқдорининг ўзгаришига олиб келмайди, фақатгина ушбу ҳудуд (мамлакат, минтақа)нинг айрим қисмларидаги аҳоли таркиби ва миқдори ўзгаради, холос.

Тадқиқотлар миграция ва аҳолининг такрор ҳосил бўлиши ўртасида ўхшашлик мавжудлигини кўрсатади. Уларнинг иккаласига ҳам таркибий қисмларнинг ўзаро таъсири хосдир: ижобий (туғилиш, кириш) ва салбий (ўлим, чиқиш). Миграция ва такрор ҳосил бўлиш жараёнлари – демографик динамиканинг икки таркибий қисмидир. Лекин аҳолининг такрор ҳосил бўлиши ва миграцияси ўртасида қуйидаги тафовутлар мавжуд:

биринчидан, бу икки жараён аҳоли ҳаракатининг икки тури ҳисобланади. Такрор ҳосил бўлиш жараёни айнан бир инсонлар жамланмасида содир бўлади ва унинг учун ички ҳаракат хосдир. Миграция жараёнлари эса бундан мустасно, яъни миграция ташқи ҳодиса ҳисобланади;

иккинчидан, аҳолининг такрор ҳосил бўлиш жараёнида айрим ҳодисалар (ўлим, туғилиш) ҳар бир иштирокчи учун бир марта содир бўлади, миграцияда эса айрим ҳодисалар (эмиграция, иммиграция) иштирокчилар учун кўп марта такрорланиши мумкин;

учинчидан, репродуктив майл аҳолининг такрор ҳосил бўлиш хулқига бевосита таъсир қилувчи эҳтиёжлар билан детерминант-ланади. Бу бола орттириш эҳтиёжи ёки болалар қондириши мумкин бўлган баъзи бошқа эҳтиёжлар; ўзини-ўзи асраш эҳтиёжи, яъни ҳаётий эҳтиёж; оила қуриш эҳтиёжидир. Миграцияда эса бошқача, яъни кучли миграция эҳтиёжлари билан эмас, балки аҳоли айрим гуруҳларининг ижтимоий-иқтисодий мақомини ўзгартириш эҳтиёжлари билан асос-ланади. Биринчи ҳолатда эҳтиёжлар – демографик жараённинг ички мақсади, унинг бирламчи унсури бўлса, иккинчи ҳолатда – миграция бошқа, одатда моддий эҳтиёжларни қондириш воситаси бўлиб юзага чиқади. Айнан шунинг учун оиланинг фарзандлик даражаси болаларга бўлган эҳтиёжга нисбатан қарама-қарши боғлиқликда бўлса, миграция-вий кўчишларга нисбатан тўғри боғлиқликда бўлади;

тўртинчидан, такрор ҳосил бўлиш жараёнлари билан аҳолининг шундай демографик хусусиятлари ўзаро боғлиққи, улар инсон ҳаёти давомида ўзгармай қолади (жинс) ёки вақт ўтиши билан ўзгаради (ёш). Шу билан бирга, миграция ўзгарувчан ижтимоий хусусиятлар билан ҳам ўзаро боғлиқ, уларнинг айримларини миграция доимо (турмуш тарзи, меҳнат соҳаси), бошқаларини эса баъзан (касб, малака) ўзгартириб туради;

бешинчидан, миграция аҳолининг такрор ҳосил бўлишидан объектив омилларга етарли даражада кучли боғлиқлиги билан тубдан ажралиб туради. Миграция ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари – ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви, урбанизация жадаллиги ва ҳ.к.лар билан чамбарчас боғлиқдир.

1.2. Демография фанининг усуллари

Демография фани усуллари умумилмий ва демографик усуллари бўлиб, улар алоҳида сифат ва миқдор таркибларига, амал қилиш ва ривожланиш жараёнларига эга бўлган такрор ҳосил бўлувчи кишилар жамланмасининг, аҳоли кўпайишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Демографик тадқиқот услубиятида тарихийлик тамойили муҳим ўрин тутади. Тарихий ёндашув нафақат демография фанининг предметини, балки демография билимлар тадрижий ривожланишини ўрганишда ҳам жуда муҳим.

Демография фанида тадқиқотнинг **умумилмий услублари** – оддий мавҳумлик ва мавҳумликдан аниқликка кўтарилиш, қиёслаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, гипотезаларни илгари суриш

ва уларни текшириш, экстраполяция ва моделлаштириш кенг қўлланилади (1.5-расм).



1.5-расм. Демография фанининг умумилмий усуллари

Демография фанининг **ўз усуллари** демографик тадқиқот предметига, жумладан, аҳолининг жинс-ёш ва никоҳ таркиби ҳамда ёш ва жинс хусусиятларига боғлиқ демографик жараёнларга мос келади. Демографик усулларга қуйидагилар киради (1.6-расм):



1.6-расм. Демография фанининг ўз усуллари

Жипс саф усули – бу усул бир авлод умри давомида бирор-бир жараённи ўрганишда қўлланилади. У аниқ бир авлод усули ёки бўйлама таҳлил усули, деб ҳам аталади. Унда демографик жараёнлар, масалан, туғилиш ва ўлим даражаси, никоҳ ва ажралишлар бир вақтда маълум демографик ҳолатга кирган инсонлар жамлан-масида таҳлил қилинади. Ушбу усулнинг вазифаси аҳолининг мазкур жипс сафи учун жипс саф танкил топиши ва бирор-бир демографик жараён бошланишига боғлиқ бўлган вақт оралигидаги демографик жараёнлар хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Кўндаланг таҳлил усули. бошкача қилиб айтганда шартли ёки фаразий авлод усулидир. Ушбу усул авлодлар умри давомида демографик ҳодисалар такрорланиши изчиллигининг тўплами сифатида нисбатан узоқ бўлмаган вақт оралиғида тегишли демографик ҳолатлар давомийлигига мос бўлган ораликда олинган демографик ҳодисаларнинг такрорланиш кўрсаткичларини талқин этишга асосланган. Бу аслида жипс саф усули бўлиб, авлодлар умрига кўндаланг кечаётган ҳодисаларнинг график тасвирини олиш имконини беради.

Бўйлама ва кўндаланг таҳлиллар бир қатор авлодлар такрор ҳосил бўлиш хусусиятларини қиёслаш имконини беради, бу айниқса, тарихий демография учун жуда муҳимдир. Чунки улардан ҳам ижтимоий, ҳам демографик прогнозлаш ва ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш учун фойдаланилади.

Аниқ ва шартли авлод усуллари орқали кишиларнинг ёшини ва уларнинг умри давомида содир бўлаётган баъзи демографик ҳодисаларни билиш бизга аҳолининг ёш таркиби ҳақида тасаввурга эга бўлиш, шунингдек, қайси ёшларда баъзи ҳодисалар рўй беришини билишга ёрдам беради.

Демографик таҳлилда "авлод" тушунчаси муҳим роль ўйнайди, чунки у маълум бир даврда туғилган (кўп ҳолларда тақвим йилига тенг) кишилар жамланмаси хусусиятларини кўрсатиб беради. Одатда, *аниқ авлодни* таркиб топтирувчи тенгдошлар жамланмаси ва фаразий авлод деб номланувчи авлодни таркиб топтирувчи турли ёшдаги замондошлар жамланмаси фарқланади.

Авлодлар давомийлиги ота-оналар туғилиши билан уларнинг болалари туғилиши ўртасидаги вақт оралиғи билан ифодаланади. *Инсоният ривожланишининг* турли тарихий даврларида авлоднинг умр кўриш давомийлиги доимо бир хил бўлмаган. Ҳозирги даврда маълум бир шартлилик асосида у 32-35 йилга тўғри келади, деб ҳисобланади.

5.3579

Демографик коэффициентларни стандартлаштириш усуллари демографик коэффициентларнинг бирор-бир демографик жараёнга таъсирини киёслаш, унинг ҳолати ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Шунинг учун умумий коэффициентлар стандартлаштирилгандан сўнггина киёсланади. Бунда жараённинг жадаллиги ва киёсланаётган демографик жамланма стандарт, деб ҳисобга олинади, қолганлари учун эса ҳар бирининг стандартига нисбатан ўзига хос индекси ҳисоблаб чиқилади. Ушбу индексни стандарт кўрсаткичларига кўпайтириш орқали киёсланаётган демографик жамланмалар учун стандартлаштирилган демографик коэффициентлар ҳисоблаб чиқилади.

Демографик моделлаштириш усуллари аҳолининг такрор ҳосил бўлиш жараёнларини таҳлил қилиш ва прогнозлашда кенг кўлланилади. Улар аҳолининг умумий ўзгаришини ёки унинг ривожланиш таркибий қисмларининг ўзгаришини тавсифлаб беради.

Демографияда демографик жадваллар кўринишидаги **муким аҳоли** ва **барқарор аҳоли моделлари**, шунингдек, фаразий авлод учун демографик жараёнларнинг **рақамли моделлари, стохастик (эҳтимолий) моделлар** ва ҳ.клар ҳам кенг кўлланилади.

Демографик билимлар ривожланишининг ҳозирги давр боскичи унда математик моделлаштириш усуллари ва услубиятининг тез ривожланиши билан тавсифланади. Жумладан, ижтимоий бошқариш амалиётида ушбу билимлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Ушбу усулларнинг барчаси маълум бир демографик ходисанинг оммавий кўринишига асосланади. Шунинг учун демография услубиятида демографик ходисаларнинг миқдорий ўлчовларига нисбатининг таҳлил ва ўрганиш усуллари, статистик ва математик усуллари муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг ёш-жинс таркибини якқол намоён этиш учун ёш-жинс пирамидаси кўлланилади. Уни тузиш учун вертикал ўқда ёш, чапда – ёшлари бўйича эркаклар, ўнгда – аёллар ёши бўйича таксимланади. Ўлчов бирлиги сифатида, одатда, беш йил қабул қилинган.

Демографик ҳолатлар ва жараёнларни ҳудудлар бўйича киёслаш **картографик усул** ёрдамида амалга оширилади. Бунда харитадардан фойдаланилади: ҳудудий жойлашиш бўйича аҳоли зичлиги, ёш-жинс таркиби, шунингдек, аҳолининг табиий ва механик; ижтимоий-маданий, жумладан, ижтимоий-касбий, сшифий ҳаракати этномаданий таркиби; демографик жамланмаларнинг маданий, маиший, антропологик ва лингвистик хусусиятлари; аҳолининг жойлашиш хусусиятлари, жумладан, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси хусусиятлари, ҳудудлар ва аҳоли манзилларининг ҳар хил турлари аниқланади.

Аҳоли хусусиятлари ва демографик жараёнларни тадқиқ этишда **демографик тўр тузиш усули** муҳим аҳамият касб этади. унинг статистик шакллари ёрдамида турли-туман хусусиятларни, шу жумладан бевосита кузатилмайдиган ва вақт ўтиши давомида таҳлил қилиш мураккаб саналган авлоддаги демографик жараёнларни кузатиш мумкин.

Демографик прогнозлаштириш усуллари аҳолининг истиқболдаги тархиби ва миқдорига таъсирини киёслаш оркали аҳоли ўзгаришининг асосий таркибий қисмлари ролини баҳолаш имконини беради. Аҳолини прогнозлаштиришда **экстраполяция, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, имитацион моделлаштириш, ёшлар бўйича силжиш** ва бошқа қатор усуллардан фойдаланилади.

Масалан, кишиларнинг демографик хулқ-атворини ўрганар экансиз, оила аъзоларининг ижтимоий-психологик меъёрларини аниқлаймиз ва шундан келиб чиққан ҳолда инсонларнинг хатти-ҳаракати уларнинг турли масалалар бўйича фикрига боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Оила неча фарзанд кўришини хоҳлашини билишгина эмас, балки нима учун фарзандлари кўпчилик бўлмаслигини хоҳлаши (ёки хоҳламаслиги) ва нима учун кўп эмас, битта ёки иккита бола кўришни исташини аниқлаш муҳимдир. Мавжуд шароитларда оила нечта фарзандни (кутилаётган болалар миқдори) таъминлай олишини ва мавжуд турмуш шароити, ўз имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда канча фарзанд кўришини хоҳлашини аниқлаш муҳим. Бундай тадқиқотлар асосида демографик жараёнларнинг шаклланишини ва аҳолининг ўсиш захираларини белгилаш сиёсати мақсади ётади.

1.3. *Демография фанининг ривожланиш тарихи*

Демография бевосита қачон пайдо бўлганлиги масаласи ҳозир ҳам баҳсларга сабаб бўлади. Демография фан сифатида пайдо бўлиши хусусида эса оммалашган нуқтаи назар 1662 йил 25 январида атторлик молчари билан савдо қилувчи ишқибоз олим Ж. Граунтнинг Лондонда туғилиш ва ўлим ҳақидаги 80 йиллик маълумотлар таҳлил этилган, таҳминан 90 бетдан иборат, "Ўлим ҳақидаги рисолалар асосида олиб борилган ва мунтазамлаштирилган табиий ва сиёсий кузатиш натижалари. Кўрсатилган шаҳарнинг бошқаруви, дини, савдоси, ҳавоси, ўсиши ва бошқа ўзгаришлари хусусида Лондон фуқароси Жон Граунтнинг асари"[1] чоп этилиши билан боғлиқ.

[1] Graunt J. Natural and Political Observation Mentioned in a following Index and Made upon the Bill of Mortality. By John Graunt? Citizen of London. With Reference to the Government Religion Trade Growth, Ayre, Difeales, and the feveral Chandes of the faid City London. 1662. VII

Ана шу даврда Англияда вабо ва бошқа юқумли касалликлар таркалиб, аҳоли ўртасида ўлим ҳоллари ниҳоятда кўпайиб кетган. Шу боис Лондонда ҳар ҳафта ўлим ҳақида рисолалар, яъни махсус маълумотлар чоп этилиб, аҳолига таркатилган. Ж. Граунт рисоласида ўз олдига кенг қамровли ижтимоий ҳодисаларни баён этишни мақсад қилиб қўйган. Шу билан бирга, асарда демографик жараёнларнинг ривожланишида ижтимоий-иқтисодий конуниятларнинг таъсирини ўрганишга ҳаракат килинган.

Замондошларининг гувоҳлик беришича, Ж. Граунт лотин ва француз тилларини билган, санъатга қизиққан. Савдо-сотик ишларини халол олиб борганлиги учун жамиятда обрўси юқори бўлган. У, ҳатто дўсти, инглиз иқтисодчиси Уильям Петтига коллежда профессор ўрнини эгаллашга кўмаклашган.

Ж. Граунтнинг асари катта шов-шувларга сабаб бўлган, муаллиф рисоласи чоп этилгандан бир ойдан кейин Англия Қироллик жамиятининг ҳакикий аъзоси этиб сайланган. Ушбу тадқиқотни муаллифнинг замондошлари баҳолашган, лекин кейинги давр олимларидан фаркли ўлароқ, ушбу асарга аҳоли динамикаси муаммоларининг таҳлили сифатида каралмаган. Демографияга тамал тоши қўйган шахс сифатида Ж. Граунт XIX-XX асрларда демография аҳоли статистикаси, социология ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсатшунослик фанларининг гуркираб ривожланаётган даврида тан олинган.

Ж. Граунт асари М.В. Птуха томонидан чукур таҳлил қилинган, лекин унинг карашлари ўзига хос бўлган. 1930-йиллар охирида у Аҳолишунослик бўйича III Халкаро конгрессга тақдим этган маърузасида у Ж. Граунтни демографиянинг асосчиси сифатида тилга олган, лекин бир неча йил кейин чоп этилган асарларида XVII аср статистикасининг асосчилари сифатида уч кишини – Ж. Граунт, В. Петти ва Э. Галлейларни эътироф этган[1].

Шунга қарамай хозиргача демографиянинг ривожланиш даври Ж. Граунтдан бошланиши эътироф этилади. Машҳур олим Б.Ц. Урланиснинг Ж. Граунтнинг юқорида қайд қилинган асари чоп этилишининг 300 йиллигига бағишланган мақоласида ёзилишича, "ўтган асрлар туманлари орасида колиб кетган" бошқа фанлардан фаркли ўлароқ, демография фанининг вужудга келиш вақтини аниқ белгилаш мумкин ва Ж. Граунт "демография фанининг отаси" ҳисобланади[2].

---

[1] Шелестов Д.К. Демография: история и современность. – М., 1985, – с. 13-14.

[2] Урланис Б.Ц. Трехсотлетие демографии // Ученые записки по статистике. – М., 1963. Т.VII.

Демография" китобининг муаллифи В.А. Борисов Ж. Граунтнинг нафақат демография фани, балки статистика ва социологиянинг ҳам асосчиси ва отаси, деб тан олади. Юқорида қайд этилган тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ Д.И. Валентей, А.Г. Вишневский, Д.И. Шевестов ва бошқа олимлар демографиянинг вужудга келиши фақатгина чоп этишни билан боғлиқ бўлмай, балки жамият ва ундаги аҳоли ҳақидаги билимларнинг бойиши натижасидир, деган фикрда.

Ҳақиқатан ҳам, қадимий даврлардаёқ аҳолини рўйхатга олиш зарурати туғилган. Тўғри, кўҳна Юнонистон, Рим, Хитойда, кейинчалик Ўрта Осиёда аҳолишуносликка тўғрисидаги билимлар ва тасаввурлар маълум, лекин бу фақатгина бўлганлиги тушунарлидир. Айрим мамлакатларда олимлар, туғилишни тартибга солишга ҳаракат қилиб келишган. Ўша даврлардаёқ мутафаккирлар аҳоли сони билан инсон ривожланишини ўртасидаги алоқадорликка эътибор қаратганлар.

Конфуций (милоддан илгари тахминан 551-479 йиллар) ишлов берилаётган экин майдонлари билан аҳоли сони ўртасидаги энг мақбул нисбатни аниқлашга ҳаракат қилиб кўрган. Унинг фикрича, бу нисбатнинг бузилиши қуйидаги сабабларга олиб келиши мумкин:

- аҳоли сони кам бўлса, экинзорларга ишлов бериш ёмонлашади ва деҳқонлар солиқ тўлашдан бош тортади;
- аҳоли ниҳоятда зич бўлса, одамларнинг қашшоқланиши, осоишталарнинг кўпайиши сабабли ижтимоий муаммолар кучаяди.

Бундан аҳоли сони давлат томонидан тартибга солиниши кераклиги ҳамда одамларни аҳоли зич минтақалардан аҳоли кам ўтган ҳудудларга кўчириш масаласини ҳал қилиш талаб этилиши каби хулосалар чиқарилган.

Платон (милоддан аввалги 428-347 йиллар) идеал давлат тўғрисидаги таълимотида эркин фукароси 5040 нафар бўлган давлат ташкилотидан моделга жавоб беришини кўрсатган. У никоҳ муносабатларига ҳам муайян тартиб ўрнатишни таклиф этган. жумладан эркаклар фақат 30 ёшдан 55 ёшгача фарзанд кўриши мақсадга мувофиқлигини асослаган. Платон шундай ёзади: "никоҳлар сонини белгилашни ҳамда уруш, касалланиш ва ҳ.кларни ҳисобга олган ҳолда эркаклар сони имконият даражасида муқим бўлиши, давлат имкониятлари борича ҳам катталашмаслиги ҳам, кичиклашмаслиги ҳам чораларини кўришни ҳукмдорлардан сўраймиз".

Аристотель (милоддан аввалги 384-322 йиллар) ҳам эркин фукаролари камсонли бўлган давлатни идеал деб ҳисоблаган. Унинг

фикрича, фуқаролар сонининг кам бўлиши ижтимоий уйғунликни таъминлайди, аҳоли ҳаддан ташқари кўп бўлганда эса бунга эришиш мумкин эмас. Аҳолининг ортиқчалиги улар томонидан эътирозлар билдирилиши ҳамда жиноятлар сони кўпайишига сабаб бўлади. Шу билан бирга аҳоли кўпайса, фуқароларнинг бир қисми ерга эга бўлмасдан қашшоқлашади.

Демографиянинг фан сифатида чинакам шаклланиши XVII аср иккинчи ярмига тўғри келади. Ана шу вақтда капитализмнинг ривожланиши аҳолишунослиқни ўрганишга доимий эҳтиёж туғдирди.

Тарихан олиб қаралганда, демографияда илмий ўрганишнинг биринчи объекти одамлар ўртасидаги ўлим бўлди. Авлодлар ўлими ҳақидаги билимлар умр кўриш давомийлигини (туғилиш даражаси муқим бўлса, аҳоли сони ҳам барқарор бўлади) аниқлаш ҳамда ҳаётни сугурталашда умр кўриш давомийлигига боғлиқ равишда сугурта тўловлари миқдорини ҳисоблаб чиқиш имконини берарди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ж. Граунт даврида, яъни XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб билимларнинг интенсив тарзда йиғилиши даври бошланди, фақатгина юз йиллардан сўнг сиёсий иқтисод, тарих, ҳуқуқшунослик, жумладан, статистика ва сиёсий арифметиканинг қисми бўлган давлатшунослик, замонавий сиёсий иқтисодиётнинг бирламчи кўриниши ва қисман социология каби фанларга ажралиш жараёни бошланган.

Аҳоли, унинг сони, ёш таркиби, жойлашуви ва ниҳоят табақаларга бўлиниши ҳақидаги батафсил маълумотларга эга бўлиш тўғрисидаги аниқ эҳтиёж ижтимоий муносабатлар тизимидаги кескин бурилишлар содир бўлиш давридан, аҳолини ижтимоий ва макондаги жойлашув нуқтаи назаридан тамоман янги шароитларига олиб келган феодал табакалашув жамиятидан капиталистик жамиятга ўтиш даврида, аграр иқтисодиётдан индустриал иқтисодиётга ўтиш даврида бошланди. XVII-XVIII асрлар миграция жараёнларининг ривожланишида кескин бурилиш даври бўлди, унинг асосида мамлакатлараро, қитъалараро миграция давлатларининг демографик манбаи бўлиб қолди.

Тарихий ривожланишнинг янги шартлари ва у билан боғлиқ ҳолда давлатчиликнинг ривожланишида аҳолининг ролини кўрсатиш ҳолатлари Н. Макиавелли (1469-1527), Ж. Боден (1530-1596), Д. Ботеро (1540-1617) асарларида ўз ифодасини топди, улар биринчи навбатда, сиёсатчилар ёки сиёсий ёзувчилар бўлишган. Аҳоли муам-

ёндашувларига ҳатто ижтимоий утопистлар, авваламбор Т. Кампанелла (1568-1639) ҳам кизикиш билдирган.

Аҳоли ҳақидаги маълумотларнинг тўпланиши ва таҳлили сиёсий арифметика ва давлатшунослик каби иккита фан тармокларининг ривожланиши билан баробар бўлган. Биринчиси, янги давр ҳосиласи бўлса, иккинчиси юз йиллик тарихий анъаналарига эга бўлган. Шунга қарамай Ю. Ф. Янсоннинг фикрича, давлатшуносликнинг (тавсифий статистика) асосчиси сифатида немис олими Г. Конринг (1606-1681) ҳисобланиши керак. У фан таркибига давлатларнинг тавсифини, давлат бошқаруви шаклини, шу жумладан, аҳолини ҳам киритган. Ушбу фан XVIII асрнинг орадан юз йил ўтгандан сўнггина статистик олим Г. Ахенвел (1719-1772) илмий ишлари натижасида ўзгартирди. У янги номни чоғиш тилидаги "status" – давлатнинг ҳосиласи экани-лигини исботлаб берди.

Германияда сиёсий статистика асосчилари ҳисобланган А.Л. Шлецер (1735-1809) ва А. Нимандларнинг (1761-1832) асарлари аҳоли статистикасининг ривожланишига туртки бўлган. Уларнинг ахборотларга чоғиш ёндашувларига кўра, давлатнинг фаровонлиги аҳоли сони ва уларнинг иқтисодий фаолиятининг доимий тарзда ўсиши билан боғлиқ эди.

Аҳоли динамикасининг ижтимоий-иқтисодий омилларини ўрганиш бўйича ёндашувлар сиёсий арифметикачилар ҳисобланган В. Петти (1623-1687), Ж. Граунт (1620-1674) ва Э. Галлей (1656-1742) каби олимлар асарларида ҳам кузатилади. Уларнинг демография фани ривожига кўшган ҳиссаларини каттадир: улар кейинчалик "аҳолининг табиий ҳаракати" деб ном олган янги билимлар соҳаси чегараларини аниқлаб берганлар ва миқдорий (сон жиҳатдан) ўрганиш асосларини яратган-лар. Улар биринчилардан бўлиб "ижтимоий далилларни ҳисоблаб чиқиш" бўйича ҳаракатларни амалга оширганлар.

Аҳоли ва ижтимоий омилларнинг ўзаро таъсир назарияси ривож-ланишига В. Петти беқиёс ҳисса қўшган, у XVII асрнинг энг йирик назариётчи иқтисодчиларидан бири бўлган. У мамлакат аҳолисини тақсимлашни асосий бойлиги, "инсон капитали", деб ҳисоблаган. "Меҳнат бойликнинг отаси, ер – унинг онаси" машҳур ҳикмат бевосита У. Петтига тегишлидир. Шунинг учун олим давлат аҳоли сони ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши кераклигини уқтирган[1].

Аҳоли динамикаси муаммолари ва унинг ўсиш суръатларининг ўзгариш сабабларини талқин қилишдаги ўзига хос ёндашувни

[1] Географический энциклопедический словарь. – М., 1985. – с. 326.

Э. Галлей таклиф этган: "Инсониятнинг кўпайиши ва унинг ўсиши нафақат инсон табиатида мавжуд бўлган баъзи ҳолатлар, балки унинг оилани бокиш бўйича вазифа ва ташвишларнинг истиқболдаги кўпайиши бўйича никоҳга кириш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда кўпчилик аҳоли томонидан йўл қўйиладиган эҳтиётқорлигига ҳам боғлиқдир". Бу билан Э. Галлей туғилишнинг чегараланиш сабабларини кўрсатиб, давлат болалар туғилишини қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблаган.

Аҳоли статистикасининг такомиллашмаганлиги, маълумотларнинг фрагментарлиги ва камчиликларининг кўплиги сабабли ушбу соҳада математик усулларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Масалан, аҳолини ўрганишда эҳтимоллар назариясининг қўлланилиши, асосан ўлим ва умр кўриш давомийлигини ҳисоблаш Д. Бернулли (1700-1782) ва Л. Эйлерлар томонидан ишлаб чиқилган.

Аҳолини тадқикот объекти сифатида ўрганишга қизиқишнинг ортиши ва ниҳоят маълумотларнинг тўпланиши ҳамда таҳлил қилиш усулларининг такомиллашуви ўша даврларда демографияни мустақил фан сифатида оёққа турган, деб ҳисоблашга имкон бермасди. Худди шундай *фикрни аҳоли статистикасига ҳам нисбатан айтиш мумкин.* Бу ҳақида йирик француз маърифатпарварлари бўлган Ш. Мостескье (1689-1755), Ф. Вольтер(1694-1778), Ж. Руссо (1712-1778)ларнинг фикрларини келтириш мумкин. Уларнинг асарларида аҳолига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омили сифатидаги ёндашувлар устунлик қилади, бунга мувофик давлатнинг вазифаси аҳолининг кўпайиши чораларини кўришдан иборат бўлиши керак, жумладан, конунлар такомиллаштирилиши ва мехнат шароитлари яхшиланиши лозим. Ж. Руссонинг фикрича, фуқаролари доимий равишда кўпайиб бораётган ҳукумат энг яхшиси, аҳолиси камайиб ва ўлиб бораётган ҳукумат – энг ёмонидир.

Аҳолининг иқтисодий мақсадларга кўра ўсишини инглиз иқтисодчилари Д. Юм (1711-1776) ва А. Смитлар (1723-1790) ҳам маъқуллаган. Уларнинг фикрича, аҳоли сонининг кўп ва ишлаб чикариш самарадорлигининг юқори бўлиши давлат учун ҳар томонлама фойдалидир. Бу ички ва ташқи сиёсат, жумладан, давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ҳар қандай давлат жадал ривожланишининг *инкор этиб бўлмайдиган исботи ҳисобланади.*

Бу фикрларга Ф. Кенэ (1694-1774)нинг қарашлари ҳам жуда яқин. У жамиятнинг ривожланиши аҳоли сонининг ўсишига олиб келади ва аҳоли ҳолати, инсонлар мехнатидан фойдаланиш давлат

ижтимоий сиёсатининг энг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. деб ёзган.

Демография фанининг вужудга келишида буюк рус қомусшунос олими М.В. Ломоносов (1711-1765)нинг ҳам ўрни катта. У мамлакат бойлигининг асосини ҳеч ким яшамайдиган бепоён ҳудудлар эмас, балки айнан аҳоли ташкил килади, деб ҳисоблаган.

XVIII асрда аҳолини ўрганиш бўйича муваффақиятларга эришилганлигига қарамай, уни ҳисобга олиш ишлари жуда содда, оддийлаштирилган эса жуда муаммоли, яъни давлат бошқаруви манфаатлари бўйича амалга оширилган. Ушбу ҳолат аҳоли статистикаси фанини илмларнинг мустақил тармоғи сифатида ажралиб чиққанлигини таъкидлаш имконини бермас эди. Шунингдек, аҳолининг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фан – демография ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланган саноат инқилоби ва унинг кейинчалик кўплаб Европа мамлакатларига ёйилиши янги – индустриал цивилизациянинг жадал шаклланиши, шаҳарларнинг тез ўсиши фан учун кенг имкониятлар яратиб берди. Жумладан, кишиларнинг турмуш тарзи ва шароитлари ҳам кескин ўзгарди. Бунинг натижасида XIX асрда демографик вазиятнинг кескин ўзгариши бошланди: ўлимнинг камайиши ва юқори даражадаги туғилиш натижасида аҳоли тез кўпая бошлади.

Б.Ц. Урланиснинг ҳисоб-китоб-ларига кўра, XIX асрда аҳоли сонининг ўсиши Европа аҳолисининг ўсиш суръатларига нисбатан 2 марта, бирламчи тўпланиш даврига нисбатан 3 марта кўп бўлган. Европа аҳолиси 100 йилда икки марта, яъни 1800 йилдаги 193,0-208,0 млн. кишидан 1900 йилдаги 423,0-430,0 млн. кишигача кўпайган.

Европадаги аҳолининг зичлиги ва янги ерларни ўзлаштиришга интилиш Шимолий ва Жанубий Америкага оммавий миграция учун катализатор бўлиб қолди. Ўз миқёсларига кўра, у аввалги юз йилликларга нисбатан қиёслаб бўлмайдиган даражага чиқди. Юз йилда 48,0 млндан ортиқ киши Европани тарк этди. Бунинг ярмидан кўпи охирги ўн йилликларга – аҳолининг зичлиги кўзга яққол ташланаётган пайтга тўғри келди.

Аҳоли сони билан мавжуд ресурслар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муаммоси аҳолишунослик назариясига муҳим ҳисса қўшган Т. Мальтуснинг (1766-1834) асарларида ўз ифодасини топган. У унинг "Аҳолишунослик қонуни хусусидаги тажриба ва унинг келажакдаги фаровонликни яхшилашга таъсири, тадқиқотга жаноб

Годвин, Ж. Кондорсе ва бошқа муаллифларнинг мулоҳазалари билан" (1798) тарихий ишида, фикрича, инсоният рўпара бўлган энг буюк муаммога: аҳолининг такрор ҳосил қилиш имкониятлари ернинг кишиларни тирикчилик воситалари билан таъминлашга қодирлигидан беқиёс катталигига эътибор қаратган. Олим бунга мисол тариқасида Англия, Франция, Америка каби давлатларда аҳоли ҳар 25 йилда икки бараварга кўпайиб, геометрик катталикда ортаётган бўлса, тирикчилик воситалари арифметик катталикда ортаётганлигини келтирган.

Умуман, XIX асрдаги демографик манзара – туғилишнинг ошиши, ўлимнинг камайиши, шунингдек, никоҳ ва миграция жараёнлари асосидаги аҳоли сонининг ўсиши аҳолини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича тадқикотларнинг ривожланиши учун имкон яратди. Ўз навбатида, бу доимий тарзда демографик ҳодисаларни жорий статистик ҳисобга олиш ишларининг йўлга қўйилиши ва аҳолини рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга оширишда ўз ифода-сини топди.

Ушбу даврдаги аҳоли статистикаси унинг бошқа тармоқларига нисбатан жуда илгарилаб кетди. Бунга йирик олимлар томонидан ишлаб чиқилган усул ва услубиятлар сабаб бўлди. Масалан, бельгиялик олим А. Кетле (1796-1874) аҳолини рўйхатдан ўтказиш дастурини ишлаб чиққан. Шунингдек, олимнинг демография фани ғояларининг ривожланишида "Инсон имкониятларининг ривожланиши ёки ижтимоий физика тажрибаси" номли асари (1835) ва бирор-бир жамият ўртача статистика кўрсаткичи хусусиятини кўрсатувчи "ўртача одам" концепцияси муҳим аҳамият касб этди.

А. Кетли аҳоли статистикаси соҳасидаги йирик инглиз мутахассиси, Англия ва Уэльсдаги аҳоли регистрларининг ташкилотчиси У. Фарр (1807-1883) билан ўз илмий-ташкилий фаолиятини ҳамкорликда олиб борган. Бу олимлар томонидан Халқаро статистика конгрессини ташкил қилиш ғояси илгари сурилган. Ушбу конгресс сессияларида замонавий аҳоли статистикаси ва рўйхатдан ўтказиш ишларининг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган. Масалан, конгресснинг VIII сессиясида (1872) аҳолини рўйхатга олишнинг "энг кичик халқаро меъёрлари" қабул қилинган. Таъкидлаш жоизки, конгресс сессиялари номларида демографик мавзулар ўз ифодасини топмаган. Лекин нашрларда иккита атама кенг қўлланилган ва улар XIX асрнинг охирги учинчи чорагига қадар бир маъно касб этган: булар "популяционистика" ва "демография" атамалари. Моҳиятан айнан шу даврни нафақат демография тарихи, балки унинг предмети ҳақидаги баҳслар тарихининг бошланиши, унинг мавзулари доираси, тадқикот объекти сифатида инсон ва инсоният ҳамжамияти билан боғлиқ бошқа фанлар

онган алоқадорлиги, ривожланиб бораётган атроф-муҳит ва бир вақтнинг ўзида ушбу муҳитни шакллантирувчи аҳолини ўрганишнинг зарурлиги даври, деб ҳисоблаш мумкин.

"Популяционистика" атамаси 1841 йилда швейцариялик олим Х. Бернулли (1782-1863) томонидан таклиф этилган, олим фан доирасида иккита йўналишни ажратиб кўрсатган: аҳоли статистикаси (статистик маълумотларни йиғиш, тизимга солиш ва тавсифлаш); аҳоли жойлашуви ҳақидаги билим ёки популяционистика. Юқорида қайд қилинганидек, француз математиги А. Гийяр (1790-1876) "демография" тушунчасини илмий муомалага киритиб, фан номини аниқлаштирган. А. Гийярнинг илмий қизиқишлари доирасида демографиянинг ўзи Х. Бернулли қарашларига нисбатан анча тор маъно касб этган, яъни у демографияни "инсон популяцияси, унинг умумий ҳаракатланишини, ақлий, фуқаролик, интеллектуал ва маънавий ҳолатини математик тафаккур этиш" деб тушунган. Унинг фикрича, демография аҳолини сонлар ёрдамида тавсифлаши керак.

Кейинги бир неча ўн йилликлар давомида демография фанини *назарияга кўплаб ҳаракатлар қилинган*. Бу, биринчи навбатда, олимларнинг аҳоли ривожланиш қонуниятларини ўрганишга оид ёндашувлари билан боғлиқ. 1870 йилда немис статистиги Э. Энгель (1821-1896) "демология" деб номланадиган янги атамани муомалага киритган. Ушбу атама демографиядан фарқли ўлароқ, фаннинг аҳоли ривожланиши ва унинг омилларини ўрганувчи фан эканлигини кўпроқ намоён этар эди. Унинг фикрича, демология аҳоли статистикаси фани билан уйғунлашиб кетиб, у тавсифий хусусият касб этади.

1883 йилда Демография ва гигиена бўйича халқаро конгрессда фаннинг якуний номи тасдикланди. Бу вактда Ж. Бертильон (1851-1922) ва бошқа олимларнинг ишларига мувофиқ ягона тўхтамга келинди ва демография статистика усуллари ёрдамида аҳолини тавсифловчи мустақил фан сифатида тан олинди. Бу масалада Ж. Бертильоннинг алоҳида хизмати шундан иборат бўлдики, у фаннинг предметини аниқлаш нуқтаи назаридан демографиянинг мазмунини иккига: статистика ва динамикага ажратди. Статистика демографияси аҳолининг жорий вақт давомидаги анатомиясини; динамик демография эса аҳолида содир бўлаётган жараёнлар физиологиясини очиб беради, яъни турли йилларда туғилиш ва ўлим жараёнлари нисбатининг ўзгаришини аниқлаб беради. Моҳиятан, у демографияни аҳоли такрор ҳосил бўлиши ҳақидаги фан деб белгилаган, бу эса тавсифий статистикага нисбатан бир қадам илгарилаш дегани эди.

XX асрнинг бошларида француз демограф олими А. Ландри (1874-1956) аҳоли сонининг ўсиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга боғлиқлигини асослашга ҳаракат қилиб, демографик инқилоб концепциясини ишлаб чиқди. Кейинчалик у аҳолининг такрор ҳосил қилиниш турлари ўзгариши сабабларини очиб берадиган демографик ўтиш концепцияси номини олди.

Австралиялик демограф олим Ж. Колдуэлл 1976-1978 йилларда демографик ўтиш коцепциясини янада ривожлантирди. У бу масалага ўз қарашларини қуйидагича баён этди:

1. Туғилиш тури барча жамиятларда оқилона бўлиб, оила тури ва оиладаги иқтисодий муносабатлар хусусияти билан белгиланади.

2. Аграр иқтисодиёти якин қариндошлар гуруҳидан иборат бўлган, биргаликдаги иқтисодий фаолият ва умумий мажбуриятлар билан бирлашган катта оилаларга асосланган. Бундай оилаларда "неъматларнинг соф оқими" кичик авлодлардан катталарига йўналтирилган бўлиб, туғилиш кўп бўлиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ, деб топилади.

3. Индустриал жамият оилани жамиятнинг асосий иқтисодий ҳужайраси функциясидан маҳрум этади; оилада "неъматларнинг соф оқими" кўпроқ ота-оналардан фарзандлар томон ўзгартирилади. Бу оилада иккинчи ва учинчи бола туғилишини иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ қилмайди.

4. Шу билан бирга анъанавий катта оила ўзга хос бўлган туғилиш даражаси билан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг саноатлаштирилиши шароитларига мосланиши мумкин.

5. Демак, демографик ўтиш умумий жараён эмас, унинг амалий умумийлиги (бу жараённинг Шарқдаги ривожланаётган давлатларга ёйилиши назарда тутилмоқда) Ғарб давлатларида шаклланган ижтимоий ташкилот, турмуш тарзи ва дунёкараш импорт қилинишининг оқибатидир. Аммо бундай қадриятлар жамият саноатлашишга ўтиш умумий жараёнида ўзлаштирилиши мумкин.

Демографик ўтиш концепцияси жаҳондаги барча давлатларда қўллана олинмаслиги сабабли XX асрнинг 50-йилларида ривожланаётган мамлакатларда аҳоли сонининг ортиши муаммоси бўйича Мальтус назариясига эътибор кучайди. Демография фанида ушбу йўналиш вакиллари (Д. Боут, А. Коуэл ва бошқалар) "аҳолининг ноль даражада ўсиши" концепциясини илгари сурди. Улар ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишда орқада қолаётганлари, очарчилик, глобал экологик инқирознинг сабабларини аҳоли сонининг назоратсиз ҳаддан ташқари ортишида, деб ҳисоблайди. Бу ҳисобга олинган ҳолда

мазкур мамлакатларда туғилишни кескин камайтириш ҳисобига "аҳолининг ноль даражада ўсиши" таъминланиши лозим.

Мазкур концепция кўпгина олимлар (А. Сови, К. Кларк, П. Кууси, Ж. Саймон ва бошқалар) томонидан кескин танқидга учради. "Аҳолининг ноль даражада ўсиши" концепциясига "инсон капитали" концепцияси (Т.В. Шульц, Г. Беккер ва бошқалар)га қарши қўйилди. Олимларнинг таҳлиллари сўнгги 1500 йил давомида аҳоли-нинг ўсиши ошган аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўртасида муайян боғлиқлик бўлган тўрт давр аниқ кўзга ташланишидан далолат беради.

Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш 1000 йил (500-1500 йиллар) давомида кўпаймаган ва ана шу давр мобайнида аҳолининг йиллик ўртача кўпайиши суръати 0,1 %ни ташкил этган. Мазкур кўрсаткичларнинг бирмунча ўсиши кейинги уч юз йил (1820 йилгача) давр-ида аниқланган, лекин бунда ўсиш суръати жуда паст бўлган. Ўсишда кескин сакраш замонавий капитализм босқичида (1820-1980 йилларда) содир бўлган. Бунда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши суръатлари йилига 1,6 %ни ташкил этган ҳолда, аҳоли сони йиллига тахминан 1,0 %га кўпайган.

Юзаки қараганда, аҳолисининг сони кўп бўлган ва улкан бўш ишчи кучи захирасига эга давлатлар иқтисодий ўсишда юқори суръатларга эришиш имкониятларига эга. Амалда эса аҳолиси кўп бўлган аксарият мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари жуда паст, аксарият ҳолларда аҳолининг табиий ўсиш суръатларидан кам. Ваҳоланки, иқтисодий ўсиш фақат табиий – ер, ишлаб чиқариш воситалари, капиталгагина эмас, балки бу ресурслардан ҳам муҳимроғи — инсонга, аниқроғи инсон капитали – билими, малакаси, тажрибаси, саломатлиги ва ҳ.к.ларга боғлиқ.

Жумладан, Т. Шульцнинг фикрича, инсонга инвестиция киритишнинг асосий натижалари кишиларда меҳнат қобилиятининг ортиши, уларнинг жамиятда самарали бунёдкорлик фаолиятини амалга оширини, саломат бўлиши ва ҳ.к.ларда ўз ифодасини топади. У инсон капитали жамланиш ва такрор ҳосил қилинишга қодир, деб ҳисоблаган. Олимнинг фикрича, жамиятда ишлаб чиқарилаётган жамланма маҳсулот умумий ҳажмининг тўртдан уч қисми инсон капиталини тўплашга сарфланмоқда. Ҳолбуки, XX асрдаги такрор ҳосил қилишга доир кўпчилик назарияларда бу кўрсаткич тўртдан бир қисмни ташкил этади, деб кўрсатилар эди[1].

[1] Schultz T. Human Capital, family planning and their etfects on population growth // American Economic Review. 1994. -May. P.45.

Г. Беккер эса инсон капиталига инвестициялар рентабеллигининг миқдорини аниқлаган ва уни АҚШдаги кўпгина фирмаларнинг рентабеллиги билан таққослаган. Хусусий таълим муассасалари сони кўпайиши, қисқа муддатли семинарлар ва махсус курслар ташкил этувчи консалтинг фирмалари фаолиятининг кенгайиши натижасида таълим фаолиятининг хусусий сектордаги рентабеллик даражаси тижорат фаолиятининг бошқа турлари рентабеллиги даражасидан 10,0–15,0 % ортиқ эканлиги исботланган[1].

Ўзбекистонда ҳам демографиянинг ривожланиши ўз тарихига эга. Республикада демографик билимлар жуда қадимдан мавжуд бўлган. Булар ҳақида қадимги қўлёзмалар, археологик ёдгорликлар ва илмий манбалар гувоҳлик беради. Лекин мамлакатда мақсадли демографик тадқиқотларни ўтказиш 1960-йиллардан бошланган.

Ўзбекистонда 1950-йилларнинг охирига қадар демография соҳасида кенг кўламли чуқур тадқиқотлар олиб борилмаган. Чунки бунинг учун асосий манбалар, энг аввало, демография статистикаси маълумотлари етишмаган, умуман, амалда фаннинг мазкур соҳаси таъқиқ остида бўлган. Фақат 1960 йилдан бошлаб, аҳолишунослик бўйича илмий тадқиқотлар кўпая бошланган. Бу кўп жиҳатдан республикада 1959, 1970, 1979-йилларда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилгани билан изоҳланади.

Республикада демография фанини ривожлантиришда, айниқса М.Қ. Қорахоновнинг ҳиссаси катта. Демограф олим республиканинг XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, демографик тарихини тиклаган. Шу билан бирга М. Қорахонов Ўзбекистон аҳолисининг сон ва сифат хусусиятларини, туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш каби демографик жараёнларни илк бор комплекс ўрганган ҳамда демографик прогнозни амалга оширган, ушбу мавзуларда илмий асарлар яратган[2].

Ўзбекистонда демография фанининг ривожланишига М.Қ. Қорахонов, И.Р. Муллажонов, Р.А. Убайдуллаева, О.Б. Ота-Мирзаев, Л.П. Максакова, Д.Б. Бобожонова, М.Б. Бўриева ва бошқалар ҳам салмоқли ҳисса қўшганлар[3].

---

[1] Беккер Г. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории / Пер. с англ., сост., научн. ред., послес. Капелюшников Р.И. – М.: ГУ ВШЭ, 2003. - с. 121.

[2] Караханов М. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. - Т., 1983;Демографические процессы в Средней Азии // Брачность, рождаемость, смертность в СССР. - М., 1977. -191-213 стр.

[3] Мулляджанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. -Т., 1983; Народонаселение Узбекской ССР. - Т., 1967; Убайдуллаева Р.А. Мустақил Ўзбекистон: аёл – оила – жамият. – Т.: Ижтимоий фикр, 2006; Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития /

1.4. Демография фанида ихтисослашиш ва унинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги

Ҳозирги даврда демографияси аҳоли (аҳолишунослик) тўғрисидаги фанлар мажмуасидан иборат. Демография фанининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- демография тенденцияларини ўрганиш (аҳоли тўғрисидаги статистикаларни тўплаш, уларни изоҳлаш ва таҳлил этиш);
- демография ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ва мазкур ўзгаришлар омилларини ўрганиш;
- демография прогнозларини ишлаб чиқиш;
- ошкий ва демографик сиёсатни ишлаб чиқиш.

Демографик ривожланишнинг тенденцияларини аниқлаш жуда мураккаб вазифадир. Биринчидан, зарур маълумотларни тўплаш ва уларнинг сифатини баҳолаш талаб қилинади. Иккинчидан, демографик жараёнларни пухта танланган кўрсаткичлар орқали изоҳлаш лозим. Учинчидан, алоҳида демографик ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни. Шунингдек, бир томондан демографик, иккинчи томондан, ижтимоий, иқтисодий, эпидемиологик, экологик ва бошқа ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиб чиқиш даркор.

Бошқа фанларда бўлгани каби демография фанида ҳам табақаланиш тобора мураккаблашиб бормоқда. Бу табақаланиш учун учта асосий мезон қабул қилинган (1.7-расм):

1) вужудга келаётган жараённи илмий талқин этишнинг назарий парадигмаси;

2) объект-предметга мезон;

3) амалиёт олдида алоқадорлик, амалий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилганлик[1].

Юқорида қайд этилган мезонларнинг биринчиси илмий тадқиқотнинг таснифловчи ва тушунтирувчи тартибини фарқлашга асосланган демография ички табақаланишини акс эттиради. Шу нуктаи

Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. –Т., 2009; Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умаров Н.О. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли барқарорлиги (илмий-ўқув қўлланма). – Т.: Университет, 2006; Ота-Мирзаев О., Муллажонов И., Каюмов А. Ўзбекистон аҳолиси. – Т.: Давлат статистика қўмитаси ахборот-нашриёти, 1997; Ата-Мирзаев О.Б. Особенности формирования новой демографической ситуации Узбекистана в годы независимости / Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы. – Т., 2012; Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. – Т.: Издательство «Фан», 2000; Миграция населения: проблемы регулирования. -Т., 2001; Ата-Мирзаев О.Б. Место России в системе международных миграций //Постсоветские трансформации: отражение в миграциях. Под ред. Зайончковской Ж.А. и Витковской Г.С. / Центр миграционных исследований, Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН.-М.: ИТ "АдамантЪ". 2009; Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. - Т.,1995; Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муаммолар. -Т., 1999.

Демография: учебное пособие./коллектив авторов. /Под ред. В.Г. Глушковой, Ю.А. Симагина. 7-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2013. – с. 13.

назардан демография фани ичида демографик статистика, тавсифловчи демография, расмий демография, математик демография ва бошқаларни келтириш мумкин.



1.7-расм. Демография фанлари тизими

Мезонларнинг иккинчи гуруҳи демография фани тизимида моҳияти жиҳатидан ёндош, демографиянинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи фанларни ажратиб кўрсатишга хизмат қилади. Улар каторига иқтисодий демография, тарихий демография, сиёсий демография, социологик демография, этнодемография, геодемография, тиббий демография ва бошқаларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳ мезонлари эса демография баъзи бўлимларининг амалиёт, унинг эҳтиёжлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Демографик таҳлил, амалий демография. минтақавий демография график демография, ҳарбий демография, демографик прогнозлаш шулар жумласидандир[1].

Демография фанидаги ихтисослашиш натижасида мазкур фан тизимининг қуйидаги таркибий йўналишлари шаклланди:

Демографик статистика – демографиянинг илк бўлимларидан ҳисобланиб, унинг предмети аҳоли такрор ҳосил бўлишининг статис-

[1] Медков В.М. Демография. Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2008.– с.39–41.

ички конуниятлари ҳисобланади. Демографик статистика фанининг асосий вазифаларига статистик кузатув усулларини ишлаб чиқиш, демографик ҳодисалар ва жараёнларни ўлчаш, аҳолининг такрор ҳосил бўлиши тўғрисидаги бирламчи статистика маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш киради.

Амалий демография – бу атама илмий адабиётларда XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган. Унинг асосий мақсади аҳолининг кўпайиши конуниятларини ўрганишнинг амалий асосларини кўрсатиб беришдан иборат. Фан демографик жараёнлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширади ва истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, уй-жойларни қуриш ва режалаштириш, коммунал хўжалиги, хизматлар, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ҳамда бошқа соҳаларда қўлланилади.

Геодемография – аҳоли такрор ҳосил бўлишининг ҳудудий хусусиятларини ўрганувчи фан ҳисобланади.

Геронтодемография – аҳолининг кексайиши, унинг шаклланиши, турлари, омиллари ва демографик, ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ўрганувчи фан соҳаси саналади.

Иқтисодий демография – аҳоли ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлигини, аҳоли такрор ҳосил бўлишининг иқтисодий оқибатларини, демографик ривожланишга иқтисодий омилларнинг таъсирини ўрганади. Иқтисодий демографиянинг асосий вазифаси демографик жараёнлар билан иқтисодий ҳодисалардаги ўзгаришларнинг миқдорий боғлиқлигини аниқлаш ҳисобланади. Масалан, оилалардаги туғилиш ва умр кўриш даражасининг ўзгариши. Иқтисодий демография учун демографик жараёнларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирини ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Математик демография – унинг предметини демографик жараёнлар ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш учун математик усулларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, уларни моделлаштириш ва прогнозлаштириш ташкил қилади. Демографик моделлар қаторига туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш жадваллари, доимий яшайдиган ва муқим аҳоли моделларини киритиш мумкин.

Социологик демография – кишиларнинг субъектив ва ихтиёрий демографик ҳаракатларига ижтимоий-психологик ва социологик омилларнинг таъсирини ўрганади.

Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини, шунингдек, *демография фанининг ривожланиш тарихини ўрганади.*

Тиббий демография – аҳоли саломатлиги ва унинг асосий кўрсаткичлари ҳамда омилларини, касалликларнинг вужудга келиши, уларнинг демографик, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини ўрганади.

Этник демография – тарихий демографияга туташ фан ҳисобланиб, аҳоли кўпайишининг этник хусусиятларини, омилларини ўрганади. Маълумки, халқлар хаёти, турмуш тарзининг этник хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналари, оилавий муносабатларининг тузилмаси туғилиш даражасига (оиладаги болалар сони), саломатлик ҳолатига ва ўртача умр кўриш давомийлигига, никоҳ хусусиятлари ва никоҳнинг мустаҳкамлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Ҳарбий демография ҳарбий хизмат ва ҳарбий иқтисодиётдаги демографик омилнинг сон ва сифат хусусиятларини ўрганувчи фан тармоғидир. Шунингдек, ҳарбий демографияда урушда иштирок этган давлатларнинг сафарбарлик имкониятлари, яъни захираларни сафарбар килиш, урушда, куролли кучларда, иқтисодиётда, аҳолида йўқотилиш, уруш ҳаракатларининг аҳолининг такрор ҳосил бўлишига таъсири ва ҳ.к.лар ўрганилади.

Ҳарбий демография ҳарбий статистика ҳарбий-тиббий статистика билан чамбарчас боғлиқ. Ҳарбий демографияда статистика назарияси, эҳтимоллар назарияси, аҳоли статистикасида қўлланиладиган усуллардан кенг фойдаланилади.

Демография бошқа фанлар билан ҳам ўзаро алоқадор (1.8-расм). Демографиянинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатда бўлиши зарурати, бир томондан, аҳолининг такрор хосил килиниши демографиянинг предмети сифатида мураккаб ҳодиса эканлиги билан боғлиқ. Бу ҳодисанинг хусусияти ва динамикасига инсон турмушининг барча томонлари, кишилар ўз ҳаёти давомида муттасил дуч келадиган барча ижтимоий муносабатлар таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан, аҳолининг такрор ҳосил килиниши, демографик жараёнлар демографик вазиятнинг ўзгариш хусусиятлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир ўтказиб, кўп жиҳатдан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, этник ва бошқа жараёнлар кечишини белгилаб беради.

Демография тадқиқ этиш предмети жамият ва турли ижтимоий ҳодисалар ҳисобланган **социология** фани билан узвий боғлиқликка эга. Социологияда бўлгани каби, демографияда ҳам тадқиқот объекти инсон ҳисобланади, лекин ушбу фанлар ижтимоий жиҳатдан инсонга ёндашувлари бўйича ўзаро фарқ қилади. Социолог инсонни шахс сифатида, жамият аъзоси ёки унинг алоҳида гуруҳлари аъзоси сифатида кўриб чиқади ва жамият ҳамда инсоннинг ўзаро муносабат-ларини

ўрганади. Демография эса инсон аҳоли жамланмасининг умумий ҳолатини ўрганади, бунда ҳар бир шахс умумий яхлитликда ўз шахсий хусусиятларини йўқотган ҳолда жамият ва унинг гуруҳларида қоришиб кетади.



1.8 расм. Демография фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Демография **иқтисодиёт назарияси**нинг бир қатор қонуниятларидан фойдаланади, чунки аҳоли ишчи кучини такрор ҳосил қилишда муҳим унсурлардан бири ҳисобланиб, жамиятнинг табиий асосини ташкил қилади.

Демографиянинг **тарих** фани билан боғлиқлиги шу билан изоҳланадики, ана шундай алоқадорликда барча демографик жараёнлар тарихий ҳодисалар мисолларида ўрганилади, яъни демографик қонуниятлар маълум бир тарихий тавсифга эга ва тарихий ҳодисалар ҳамда далилларнинг оқибатларини ўзида акс эттиради.

Демография **ҳуқуқшунослик** фани билан ҳам узвий алоқадорликка эга. Қонун ҳужжатлари аҳоли билан давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солади ҳамда демографик жараёнларга ўз таъсирини кўрсатади.

Демография фанининг **этнография** билан алоқадорлиги шу билан белгиланадики, этнография турли халқлар турмуш тарзи ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларини, демографик жараёнларга таъсирини очиб беришга ёрдам беради.

Ижтимоий психология демография билан демографик жараёнларни ижтимоий бошқариш механизмларидаги ролини ўрганишда узвий алоқани таъминлайди.

Геронтология инсоннинг кексайиш қонуниятларини тадқиқ этиши сабабли демография билан боғлиқдир.

Демографиянинг **ижтимоий гигиена** билан боғлиқлиги ўлим даражасига, аҳоли саломатлигига, ижтимоий шарт-шароитларнинг таъсирини ўрганиш заруратидан келиб чиқади.

Демография **тиббиёт** билан ҳам узвий алоқадорликка эга. Ўз навбатида, бу алоқадорлик туғилиш ва ўлимнинг айрим сабабларини ўрганишни амалга оширишда ёрдам беради.

Демографияда **статистика** назариясининг тамойиллари жуда ҳам кенг қўлланилади. Демография кўплаб кузатувлар, ижтимоий ҳаётдаги оммавий ҳодисалар билан боғлиқ, уларнинг қонуниятлари эса катта сонлар қонунида ўз аксини топади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Демография атамаси қайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади?
2. Аҳоли қайси фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади?
3. Демография фан сифатида қачон шаклланган?
4. Фаннинг асосий вазифаларини санаб беринг.
5. Демография фанининг предметини айтиб беринг.
6. Фанни ўрганишда қандай усуллардан фойдаланилади?
7. Демография фанининг асосчиси ким?
8. Демография фанининг ривожланиш тарихини айтиб беринг.
9. Ўзбекистонда демографиянинг ривожланишига қайси олимлар катта ҳисса қўшган?
10. Демография фани таркибий жиҳатдан қандай тармоқларга ажралади?
11. Демография қайси фанлар билан ўзаро алоқадор ҳисобланади?

Адабиётлар рўйхати

1. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – 223 с.
2. Борисов В.А. Демография: Учебник для вузов. 4-е изд. – М.: Нота Бене, 2004.
3. Бреева Е.Б. Основы демографии: Учебное пособие. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Дашков и К, 2009.
4. Демография: учебное пособие. /Коллектив авторов. Под ред. В.Г. Глушковой, Ю.А. Симагина. 7-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2013. – 304 с.

5. Денисенко М. Б., Новоселова С. В. Основы демографии. Пособие для государственных служащих. /Под общ. ред. С. Калина.- Мн.: Альтиора - Живые краски, 2012.
6. Денисова М.Б., Калмыкова Н.М. Демография: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010.
7. Пилеико С.Н. Демография. Учебно-практическое пособие. – М.: Вузовский учебник, 2010.
8. Медков В.М. Демография: Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2009.
9. Основы демографии: Учебное пособие. Косов П.И., Берендеева А.Б. 2-е изд. доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010
10. Сагадов, А.А. Экономическая демография: учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 2010. – 254 с.
11. Харченко Л.Н., Демография: Учебное пособие. – М.: Изд-во «Омега-Л», 2011.- 372 с.
12. Уозйдуллаева Р.А. Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития. /Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. – Т., 2009.

2-боб. ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ ЎРГАНИШ МАНБАЛАРИ

2.1. Аҳоли тўғрисидаги маълумотлар

Демографик жараёнларни тадқиқ ва таҳлил этиш учун аҳоли тўғрисида муфассал маълумотларга эга бўлиш талаб қилинади. Ушбу маълумотлар ҳам илмий мақсадлар, ҳам амалий мақсадлар – аҳоли сонини прогнозлаш, турли режа ва дастурлар ишлаб чиқиш учун зарур.

Аҳоли тўғрисидаги маълумотлар **бирламчи ва иккиламчи**га бўлинади (2.1-расм).

Аҳоли тўғрисидаги **бирламчи маълумотлар**, одатда, махсус статистика хизматлари томонидан аҳолини рўйхатга олиш, демографик ҳодисаларни жорий ҳисобга олиш ва аҳоли ҳолатини текшириш орқали тўпланади. Аҳоли ўртасида танлаб ўтказиладиган текширувлар махсус давлат хизматлари билан бирга илмий тадқиқот, социология ва жамоат ташкилотлари томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Аҳоли тўғрисидаги **иккиламчи маълумотлар**, одатда, ёки бирламчи маълумотлар асосида амалга оширилган тадқиқот ишларида ёки нодемографик мақсадлар учун тўпланган материалларда бўлади. Улар, асосан, демографик жараёнлар кечишининг турли омиллари ёки шароитларига тааллуқли бўлади. Иккиламчи маълумотларга, шунингдек, махсус маълумотномалар ва монографиялардаги мамлакатлар ёки мамлакат минтақаларига оид бирламчи маълумотларнинг умумлашмаси, шарҳи ва таҳлиллари ҳам киради.

Ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи демографик маълумотлар муайян талабларга жавоб бериши керак. Энг аввало, улар муфассал, батафсил ва кенг қамровли бўлиши лозим. Жумладан, уларда аҳоли умумий сони ва умумий демографик ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларнинг ўзигина эмас, балки бу маълумотларнинг баъзи белгилари бўйича қандай фарқланиши ҳам акс этиши даркор. Масалан, туғилиш тўғрисидаги маълумотлар ўрганилаётган бўлса, маълум вақт оралиғида туғилиш сони билан бирга, бола никоҳда ёки турмуш қурмаганларда туғилганлиги, уларнинг қишлоқ ёки шаҳарда туғилганлиги, оналарнинг ёши, оиладаги болалар сони, ота-оналарнинг маълумот даражаси ва ҳ.к.лар ҳам қайд этилган бўлиши талаб қилинади.



2.1-расм. Аҳоли тўғрисидаги маълумотлар

Демографик маълумотларга нисбатан энг муҳим талаблардан бири *уларнинг ишонарли бўлишидир*. Бунда гап фақат демографик маълумотларни атайин чалкаштириш тўғрисидагина эмас, балки аҳоли тўғрисидаги маълумотларни тўплаш жараёни билан боғлиқ ҳолда йўл қўйиладиган хатолар ҳақида ҳам кетмоқда. Масалан, аҳоли ёши тўғрисида маълумот тўпланаётганда бу ишни амалга оширадиганлар томонидан респондентга нотўғри савол берилиши окибатида ишонарли бўлмаган маълумот олинади. Янглиш маълумотлардан фойдаланиш эса амалий фаолиятда нотўғри хулосалар чиқаришга олиб келади.

Аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг тизимли бўлиши ҳам жуда муҳим. Демографик маълумотлар баъзи бир вақтда эмас, уларнинг ҳар бир кўрсаткичи учун қатъий белгилаб қўйилган муайян вақт оралиғида муттасил йиғилиши, умумлаштирилиши, эълон қилиб борилиши ва таҳлил этилиши керак.

Аҳоли ва демографик жараёнлар тўғрисидаги маълумотларнинг бош манбаи – **аҳоли рўйхатлари,** шунингдек, жорий расмий статистика ҳисоботлари (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг материаллари) ҳисобланади. Бундан ташқари, аҳоли тўғрисидаги маълумотлар давлат маҳаллий органлари (вилоят, туман,

шаҳар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, ҳуқуқ-тартибот органлари), жамоат ташкилотларининг расмий ҳужжатларида ҳам бўлади (2.2-расм).



2.2-расм. Аҳоли ва демографик жараёнлар тўғрисидаги маълумотларнинг бош манбаи

Энг нуфузли халқаро демографик нашрлардан бири – **Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Ҳар йиллик демография маълумотномаси** (UN Demographic Yearbook/Annuaire Dernographique)**дир.**

Мазкур халқаро маълумотнома 1949 йилдан буён БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментининг Статистика бюроси томонидан Бирлашган Миллатлар ташкилотига аъзо давлатлар тақдим этган материаллар ва расмий статистика маълумотлари асосида инглиз ва француз тилларида эълон қилинади. БМТ Ҳар йиллик демографик маълумотномаси муайян мавзуга - туғилиш, ўлим, миграция ва х.кларга бағишланган бўлади. Хусусан, унинг 1948, 1953, 1960, 1970 йилдагилари – аҳолининг ўсиши, 1955, 1962, 1963, 1964, 1971, 1972, 1973, 1979 йилдагилари – аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари, 1949,1950, 1954, 1959, 1965, 1969, 1975 йилдагилари – туғилиш, 1951, 1957, 1961, 1966, 1967, 1974, 1980 йилдагилари-ўлим, 1958, 1968, 1976 йилдагилари – аҳолининг иқтисодий ва этник хусусиятлари, 1977 йилдагиси – халқаро миграциянинг статистикаси, 1952 йилдагиси – аҳолининг жойлашишига бағишланган. Ҳар йиллик демографик маълумотномасининг 1978 йилги нашрида биринчи марта махсус тарихий илова берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳам ҳар йили демографияга оид расмий маълумотларни эълон қилиб боради. Бу маълумотлар мамлакат доимий аҳолисининг ҳар йил бошидаги сони, туғилган ва ўлганлар, кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар, никоҳлар ва ажралишлар сонини камраб олади.

Аҳоли, унинг таркиби, бошқа кўрсаткичлари туғилиш, ўлим, никоҳлар ва ажралишлар, миграция жараёнлари натижасида доим ўзгариб туради. Аҳолининг сони, кишиларнинг жинси, ёши, маълумотининг даражаси, миллий мансублиги ва ҳ.к.лар ўзгариб туради. Яъни, кимдир туғилади, кимдир вафот этади, кимдир оила қуради, кимдир ажралади, кимдир янги жойга кўчиб келади, кимдир бошқа мамлакат, шаҳар ёки қишлоққа кўчиб кетади. Натижада аҳоли кўрсаткичлари, демографик жараёнлар узлуксиз янгиланиб боради. Бу жараёнларнинг ҳаммаси муттасил назорат қилиниши, аҳоли тўғрисидаги маълумотлар тизимли тўплаб ва умумлаштириб борилиши талаб қилинади.

Аҳолининг қўнимсизлиги, у тўғрисидаги маълумотларнинг ўзгариб туриши демографик ҳодисалар (туғилиш ва ўлим, никоҳ ва ажралишлар, миграция) тўғрисидаги бирламчи маълумотларни муайян вақт оралиғида ҳисобга олиб боришни тақозо этади. Бу аҳолини рўйхатга олиш, демографик ходисаларни жорий ҳисобга олиш, махсус танлаб текширувлар ўтказиш ҳамда аҳоли рўйхатлари ва регистрларини тузиш орқали амалга оширилади.

2.2. Аҳолини рўйхатга олиш ва уни ўтказиш тамойиллари

Аҳоли тўғрисида энг аниқ ва ишонарли маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш орқали тўпланади ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Аҳолини рўйхатга олиш махсус илмий асосланган статистика амали бўлиб, унинг мақсади аҳолининг сони ва таркиби тўғрисида маълумот олишдан иборатдир. Аҳолини рўйхатга олиш мамлакатнинг мутлақ бутун аҳолиси тўғрисида демография хусусиятига эга маълумотларни йиғиш, демографик хусусиятлар ва жараёнларни ўрганиш ҳамда тизимга солиш имконини беради, аҳоли сони ва таркиби прогнозлари, шунингдек, бошқа демографик прогнозлар ишлаб чиқиш учун асос вазифасини ўтайди.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Статистика комиссиясининг таърифига кўра, "Аҳолини рўйхатга олиш – бу мамлакатдаги ёки унинг аниқ чегараланган қисмидаги барча шахсларга тааллуқли бўлган, аниқ белгиланган вақтдаги демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил этиш ва эълон қилиш ёки бошқа тарзда тарқатишнинг яхлит жараёнидир"[1].

[1] Principles and recommendations for population and housing censuses.- N.Y. (UN), 1980.

Аҳолини ҳисобга олиш жуда қадим замонларда солиқ йиғиш, яъни бож олиш ва ҳарбий мақсадлар учун олиб борилган. Ҳиндистоннинг қадимий даврларидаги қонунларида ўз қудратларини баҳолаш ва солиқларни белгилаш учун аҳоли ҳисобини юритиш кўрсатилган. Аҳолини бундай ҳисобга олишда фақат эркаклар ҳисоблаб чиқилган. Чунки у пайтларда эркакларнинг иқтисодий мавқеи юқори бўлган, солиқ тўлашда фақат эркаклар, яъни оила бошлиқлари иштирок этган. Мисрда ҳам милоддан аввалги 2800–2250 йилларда аҳоли ҳисоби юритилган. Қадимги Хитой ва Японияда ҳам шундай қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар сақланиб қолган.

Энг қадимги аҳолини рўйхатга олиш милоддан аввалги VI асрда (510 йилда) Римда император Серви Тулл даврида ўтказилган. Мазкур аҳоли рўйхатини олишда оила бошлиқлари ўзи, оиласи аъзолари ва мол-мулклари ҳақида маълумот берган.

Аҳолидан солиқ ундириш мақсадларида вақти-вақти билан уларни рўйхатга олиш Ўрта асрларда ҳам амалга оширилган. Масалан, 1086 йилда Англияда қирол Вилгельмнинг буйруғига кўра, 34 та графликда яшовчи аҳоли ҳисобга олинган, бу рўйхатга олиш натижалари "Даҳшатли суд китоби" номини олган. Европанинг қатор шаҳарларида: Нюренбергда – 1449 йилда, Цюрихда – 1567 йилда, Флоренцияда – 1427-1430 йилларда уй хўжаликлари ҳисобга олинган. XVIII аср ўрталаридан бошлаб, аҳолини рўйхатга олиш Европа, Австрия, Бавария, Голландия, Дания ва Испанияда, шунингдек, Япония ва Америкада йўлга қўйила бошлаган.

Аҳолини энг биринчи расмий рўйхатга олиш 1790 йилда АҚШда амалга оширилган. Бу иш 1800 йилда Швеция ва Финляндияда, 1801 йилда – Англия, Дания, Норвегия ва Францияда йўлга қўйилган.

Ана шу даврдан бошлаб аҳолини рўйхатга олиш ўзига хос уч босқични босиб ўтган (2.3-расм). Унинг биринчи босқичида (XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг биринчи ярми) аҳолини рўйхатга олишнинг асослари яратилган, уларнинг дастурлари белгиланган. Ана шу даврда аҳолини рўйхатга олиш АҚШ ва Англияда ҳар 10 йилда, Франция ва Швецияда – ҳар 5 йилда, Австрияда – ҳар 3-4 йилда ўтказила бошлаган. Аммо бу аҳолини рўйхатга олиш кенг қамровли бўлмаган. Жумладан, аҳолини дастлабки рўйхатга олишда АҚШда фақат уй хўжалиги бошлиги, озод шахслар ва қуллар сони, оқ танли аёллар сони, Англияда уй хўжалиги бошлиғининг жинси ва машғулоти (деҳкончилик, саноат ёки савдо соҳаси), Францияда шахснинг жинси ва никоҳи ҳисобга олинган.



2.3-расм. Аҳолини рўйхатга олишни такомиллаштириш босқичлари

Иккинчи босқичда (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи ярми) аҳолини рўйхатга олиш Европа ва Американинг барча давлатларида ҳамда Осиё ва Африканинг айрим мамлакатларида йўлга қўйилган. Бу даврга келиб, демография назарияси чуқурлашган, аҳолини рўйхатга олиш дастурлари бирмунча такомиллашган. Мазкур тадбирни янада такомиллаштиришда А. Кетле раҳбарлигида Бельгияда 1846 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу аҳоли рўйхати бир кунда ўтказилган ва мавжуд барча аҳоли ҳисобга олинган. Ўша даврда А. Кетле "рўйхатда қайд этиладиган аҳоли тоифаси" тушунчасини биринчи марта илмий муомалага киритган.

Аҳолини рўйхатга олишни илмий жиҳатдан асослашда Халқаро статистика конгрессларининг ўтказила бошлаши ҳам катта роль ўйнайди. Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий қоидалари ушбу конгресснинг 1853 йилда Брюсселда ўтказилган бюросида ишлаб чиқилган. Ушбу конгрессларда аҳолини рўйхатга олишнинг асосий тамойиллари, уларни ўтказиш оралиғи, ҳисобга олинадиган белгилар

(15 та мажбурий, 8 та қўшимча) ишлаб чиқилган. Кейинчалик аҳолини рўйхатга олиш юзасидан тавсиялар махсус ташкил этилган Халқаро статистика институти томонидан ишлаб чиқила бошлади.

XX асрнинг ўрталаридан бошланган учинчи босқичда аҳолини рўйхатга олишнинг муҳим аҳамияти жаҳондаги барча давлатлар томонидан эътироф этилди. Аҳолини рўйхатга олиш Осиё ва Африкадаги янги мустақил мамлакатларда ўтказила бошлади. 1970 йилларда эса бу иш биринчи марта Яман, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Афғонистон каби мамлакатларда ўтказилди.

Аҳолини рўйхатга олиш қуйидаги **тамойилларга** асосланади (2.4-расм):



2.4-расм. Аҳолини рўйхатга олиш тамойиллари

1. **Марказлаштириш**. Аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг қатъий марказлаштирилиши ушбу тадбирни муваффақиятли ўтказишнинг асосий шартларидан биридир.

2. **Аҳолини рўйхатга олишнинг мунтазамлиги**. БМТ тавсияларига кўра, аҳолини рўйхатга олишни 10 йилда камида бир марта ўтказиш тавсия этилади.

3. **Аҳолини рўйхатга олишни бу тадбир учун махсус тайёрланган мутахассислар – ҳисобчилар томонидан ўтказиш.** Аммо бу тадбирни амалга ошириш учун ҳисобчиларнинг беҳисоб сони талаб қилинади. Шунинг учун аҳолини рўйхатга олишга махсус мутахассилардан ташқари зиёлилар, талаба ёшлар ҳам жалб этилади.

4. **Аҳолини рўйхатга олишни аниқ бир муддатда ўтказиш.** Бу тадбирни амалга оширишга одатда 7–10 кун талаб этилади. Аҳолини рўйхатга олиш бир неча кун давомида ўтказилса ҳам у тўғрисидаги маълумотлар аниқ бир вақтда – кўпинча аҳолини рўйхатга олишнинг биринчи куни 0 соатдаги ҳолат бўйича қайд этилади. Бу **аҳолини рўйхатга олишнинг позик вақти,** деб ҳам аталади. Масалан, кимдир аҳолини рўйхатга олиш вақтида, аммо ана шу аниқ муддатдан кейин туғилган бўлса, у рўйхатга киритилмайди. Лекин кимдир бу аниқ позик муддатда ҳаёт бўлиб, шундан кейин аҳолини рўйхатга олиш давом этганда вафот этса, у рўйхатга киритилади.

5. Аҳолини рўйхатга олишнинг белгилаб қўйилган аниқ *дастурининг мавжудлиги ва тадбирни унга қатъий риоя қилган* ҳолда ўтказиш. Аҳолини рўйхатга олиш дастури – рўйхатга олишда муайян талаблар ҳисобга олинган ҳолда аҳолига мурожаат қилинадиган саволлар рўйхати, маълумотларни қайд этиш ва тўплаш, маълумотлар билан ишлаш, якунларни эълон қилиш тартибларидир.

6. Аҳолини тўла қамраб олиш. Аҳолини рўйхатга олишда кимдир унутиб қолдирилиши ёки икки марта рўйхатга олиниши ҳоллари учрайдиган бўлса ҳам мавжуд аҳолининг рўйхатдан ўрин олиши асосий вазифа ҳисобланади.

7. Маълумотларнинг махфийлиги ва шахсийлаштирилиши. Аҳолини рўйхатга олишда алоҳида ҳар бир шахс тўғрисидаги маълумотлар тўпланади. Шу билан бирга респондентлардан олинган маълумотларнинг номеизлиги кафолатланади. Аҳолини рўйхатга олиш варақасидан фақат натижаларни умумлаштириш учун фойдаланилади.

8. Ихтиёрийлик. Шахс тўғрисидаги маълумотлар сўралаётган (респондент)нинг жавоблари (кичик ёшдагилар учун – ота-оналари ёки улар ўрнини босадиганларнинг) асосида қайд қилинади ва буни ҳужжат билан тасдиклаш талаб этилмайди.

Аҳолини рўйхатга олиш аҳоли сони ва унинг демографик жиҳатлари (аҳолининг ёш-жинсий таркиби, оилалар таркиби) тўғрисидагина эмас, балки унинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, яъни аҳолининг маълумот даражаси, иш билан бандлиги, тирикчилик

манбаларига доир маълумотларни ҳам беради. Аҳолини рўйхатга олиш дастурига давлат аҳамиятига эга бўлган саволларни ҳам киритиш мумкин. Масалан, иш билан бандлик ва ишсизлик, аҳолининг турмуш шароитлари, ногиронлик ва бошқалар.

Аҳолини рўйхатга олишнинг **асосий вазифалари** қуйидагилардан иборат:

• рўйхатга олиш орасидаги даврда аҳоли сони ва таркибида юз берган ўзгаришлар ҳақидаги ахборотга эга бўлиш ҳамда шу асосда ҳудудлар бўйича аҳоли сони ва таркибига бахо бериш;

• аҳоли прогнозлари учун маълумотлар асосини тайёрлаш;

• мамлакат аҳолисининг аниқ бир вақт бирлигидаги ҳолатига эга бўлиш.

Аҳолини рўйхатга олиш даврида барча маълумотлар маълум вақт, яъни рўйхатга олишнинг аник вақти учун жамланади. Бу аниқ бир кун, соат бўлиб, барча жамланган ахборотни таққослаш учун шу вақтга нисбатан олинади. Шу вақтга қадар ўлганлар ва ундан кейин туғилганлар рўйхатда қайд этилмайди, рўйхат варақасига киритилмайди ҳамда аҳоли рўйхатига қўшилмайди. Шу сабабдан кўпчилик ҳолларда аҳоли рўйхати бир зумда тайёр бўладиган фотосурат билан таққосланади. Одатда, аҳолини рўйхатдан ўтказиш учун аҳоли нисбатан кам ҳаракатланадиган мавсум танланади, яъни меҳнат таътили, ўқувчиларнинг таътили, байрам кунларидан ташқари вақт олинади.

Рўйхатга олиш жараёнида **аҳолининг** тўртта **тоифаси** фарқланади:

• **мавжуд аҳоли** – рўйхатга олиш вақтида маълум ҳудудда бўлган жами аҳоли, шу жумладан, вақтинчалик яшаб турган аҳоли;

• **доимий аҳоли** – рўйхатга олиш вақтида маълум ҳудудда доимий яшовчи аҳоли. Шу билан бирга, бу ҳудуддаги вақтинчалик сафарга кетганлар ҳам доимий аҳолига киритилади. Доимий яшаш муддатининг мезони сифатида олти ойга тенг давр олинади. Доимий аҳолига қуйидагилар киради: мунтазам тарзда шу ҳудудда яшовчилар, улар орасида 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга сафарга кетганлар, ўқиш ёки ишлаш учун келиб, 6 ой ва ундан кўп муддат давомида мазкур ҳудудда яшовчилар;

• **вақтинчалик яшовчилар** – мазкур ҳудудда доимий яшаб қолишни истамаган, лекин бу ерда рўйхатга олиш даврида бўлган аҳоли. Вақтинчалик кетганлар – мазкур ҳудудда доимий яшайдиган, бироқ рўйхатга олиш даврида у ерда бўлмаганлар;

• **юридик қайд этилган аҳоли**. Уларга муайян ҳудудда шу мамлакат қонунларига кўра қайд этилган аҳоли киради. Масалан, тураржой бўйича рўйхатда турувчи аҳоли. *Юридик аҳоли сони доимий ёки мавжуд аҳоли сони билан мос келмайди, шунинг учун ҳозирги даврда аҳолини рўйхатга олишда ушбу тоифа жуда кам ҳолларда қайд этилади.*

Аҳолини рўйхатга олишда аҳоли тоифаларидан бири – ё мавжуд, ё доимий ёки иккала тоифаси ҳам бир вақтнинг ўзида қайд этилиши мумкин. Ҳудуднинг мавжуд ва доимий аҳоли сони ўзаро кескин фарқ қилиши мумкин, аммо жамоат транспорти тармоғини, савдони ва ҳ.кларни режалашда айнан мавжуд аҳолига мўлжалланиши лозим. Бу маълумотлар мавсумий хусусиятга эга бўлиб, муҳим аҳамият касб этувчи ҳудудлар учун долзарбдир. собиқ Иттифоқда 1926 ва 1939 йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олишда мавжуд аҳоли қайд этилиб, кейингиларида ҳам мавжуд, ҳам доимий аҳоли рўйхатга киритилган. Бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатларида фақат доимий аҳоли рўйхатга олинади.

Ҳарчи аҳолини рўйхатга олиш ўтказилганда маълумотлар ҳар бир фуқаро ҳақида тўпланса ҳам, рўйхатнинг қайд этиш бирлиги сифатида оила ёки уй хўжалиги олинади. Ушбу тамойил аҳолининг оилавий таркиби ёки уй хўжалиги бўйича тақсимланишига оид ахборотга эга бўлиш имконини беради.

Статистикада **оила** - *қариндошлик* (*ота-она – фарзандлар, ака-ука, опа-сингиллар*) ёки бир хусусият (эр-хотин, куёв – қайнона/қайнота, келин – қайнона/қайнота)га кўра бирлашган, биргаликда яшовчи ёки умумий бюджетга эга шахслар гуруҳидир.

Оиладан фарқли равишда, **уй хўжалиги**га бирлашган инсонлар қариндошлик ёки бир хусусият билан боғланмасликлари мумкин (масалан, ётоқхонада бир хонада яшаб, умумий хўжалик юритувчи). *уининг таркибида хизматкорлар бўлиши ҳам кузатилади. Оиладан фарқли ўлароқ, уй хўжалиги бир кишидан иборат бўлиши мумкин. Оилавий уй хўжалиги ва жамоавий уй хўжаликлари ўзаро фарқланади* (масалан, қариялар уйида яшовчилар, ҳарбий қисм "аҳолиси").

Айрим мамлакатларда танлаб рўйхатга олиш саволлари ҳам қўлланилиб, унда саволлар барча аҳолига эмас, балки унинг маълум қисмига берилади. Танлаб рўйхатга олишнинг ўтказилиши унга сарфланувчи харажатларни қискартиради, чунки саволлар бутун аҳолига берилмайди, бироқ ўргапилиши лозим бўлган долзарб муаммолар батафсил тадқиқ этилади.

2.3. Аҳолини рўйхатга олиш тартиби ва усуллари

Кўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш тартиби қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, Буюк Британияда 1920 йилда Қўшма Қироллиқда аҳолини рўйхатга олиш қонуни қабул қилинган. Мазкур қонун ҳужжатида аҳолини рўйхатга олишнинг барча қоидалари, фукаролар, уй хўжаликлари, корхоналар ва муассасаларнинг қайси тоифалари рўйхатга олиниши, аҳолини рўйхатга олишни ким ўтказиши, сўров варақалари қандай бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, аҳолини рўйхатга оладиган ҳисобчиларни ёллаш қоидалари, уларнинг хизмат вазифалари ҳамда аҳолини рўйхатга олиш қоидалари кўрсатилган.

Буюк Британияда ҳар галги аҳолини рўйхатга олишдан тахминан бир йил аввал бунга доир алоҳида қонун ҳужжати қабул қилинади (унда албатта 1920 йилги қонун ҳужжатига ҳавола қилинади). Бу қонун ҳужжатида аҳолини рўйхатга олиш услубига аниқлик киритилади, аҳолини рўйхатга олиш муддати ва бунинг учун ажратиладиган маблағ миқдори белгиланади. Буюк Британияда аҳолини рўйхатга олиш ҳар ўн йилда, одатда, апрель ойида ўтказилади. Бу сананинг танланиши мамлакатда аҳоли ўртасида оммавий тадбирларнинг ўтказилиши учун об-ҳаво қулай бўлиши билан изоҳланади.

Мамлакатда аҳолини рўйхатга олишга жалб қилинадиган ижтимоий ходимларга қатъий талаблар қўйилади. Улар махсус курсларда тайёргарликдан ўтишлари шарт. Бу ходимлар рўйхатга олиш бошланишидан уч кун аввал ўз ҳудудларидаги аҳолини сўров варақасини тўлдириш билан таништириб чиқишлари талаб қилинади.

АҚШда 1790 йилдан буён ҳар 10 йилда аҳолини рўйхатга олиш ўтказиб келинади. Аҳолини рўйхатга олиш мамлакатнинг кўп асрлик қонунчилик асосига таянади. XVIII асрда қабул қилинган АҚШ Конституциясининг 1-моддасида "Вакиллар палатасидаги жойлар ва тўғридан-тўғри солиқлар Иттифоққа кирувчи штатлар бўйича уларнинг аҳолиси сони асосида тақсимланади... Аҳолининг амалдаги сони Қўшма Штатлар Конгресси биринчи мажлисидан кейин уч йил мобайнида, кейин ҳар ўн йилда мунтазам ҳисоблаб чиқилади", деб қайд этилган.

Анъана бўйича АҚШда аҳолини рўйхатга олишга муҳим умумдавлат аҳамиятига эга тадбир сифатида қаралади, унда барча аҳолининг иштирок этиши Америка демократияси амал этишининг зарур шарти, деб баҳоланади.

Польшада аҳолини рўйхатга олиш узоқ тарихга эга. Бу ерда мазкур тадбир Европада илк бор – 1764 йилда ўтказилган. Ҳозирги пайтда мамлакатда аҳолини рўйхатга олиш халқаро меъёрлар асосида ўтказилади. Ҳар 10 йилда ўтказиладиган бу тадбирда аҳоли анъанавий: ёши, жинси, маълумоти, иш жойи, миллати, шунингдек, тураржойи ва унинг маиший асбоблар билан жиҳозланиши каби саволларга жавоб бериши керак бўлади. Аммо уй хўжалигининг аъзолари ва тураржой тўғрисидаги саволлар жуда батафсил – саволларнинг 34 гуруҳидан иборат.

Польшанинг 1999 йилги Аҳоли рўйхати тўғрисидаги қонунига мувофиқ, мамлакат фуқаролари рўйхатга олувчи ҳисобчини хонадонига киритиб, унинг саволларига жавоб бериши ёки сўровнома варағини ўзи тўлдириши мумкин. Лекин аҳолини рўйхатга олиш тартиб-қоидаларидан батафсил таниш бўлмаган фуқаролар учун бу осон бўлмайди. Чунки аҳоли рўйхатини ўтказиш йўриқномаси 200 бетдан иборат.

Қонунга мувофиқ, Польшанинг ҳар бир фуқароси сўровнома саволларига тўла ва ҳаққоний жавоб бериши шарт. Маълумот беришдан бош тортиш учун жарима тўланади, ёлғон маълумот берганлик учун эса озодликдан маҳрум ҳам этилиши мумкин.

Аҳолини рўйхатга олиш – кўп маблағ талаб этадиган тадбир ҳисобланади. Масалан, Польшада сўнгги марта аҳолини рўйхатга олиш тадбирига 150,0 млн. АҚШ долларига яқин маблағ сарфланган. АҚШда рўйхатга олинган ҳар бир киши учун 24 доллар сафрланган бўлса, Испанияда мазкур тадбирга 147,0 миллион доллар сарфланган.

собиқ Иттифоқда аҳолини рўйхатга олиш 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989-йилларда рўйхатга олиш варақларини тўлдириш орқали ўтказилган. Ҳисобчилар ва йўриқчилар фаолияти белгилаб қўйилган қоидалар асосида ташкил этилишини таъминлаш ва уларнинг *ишларини назорат қилиш* учун 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989-йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатларига "Ҳисобчининг ён дафтарчаси" ва "Йўриқчининг ён дафтарчаси" киритилган.

Шу билан бирга 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989-йиллардаги аҳолини рўйхатга олишларда "назорат бланкаси" қўлланилган. У бошқа жойлардаги, эътибордан четда қолдирилиши мумкин бўлган шахслар учун ҳисобчи томонидан тўлдирилган (хусусан, қатъий белгилаб қўйилган нозик вақтдан кейин рўйхатга олишдан ўтмаган маълумотномасиз келганлар учун). Аҳолини рўйхатга олиш маълумотларини қайта ишлашдан олдин назорат бланкалари рўйхатга олиш

варақалари билан солиштирилган. Бу эса натижаларнинг аниқлигини ошириш имконини берган.

Аҳолини рўйхатга олишда **иккита усул: сўров ўтказиш** ва **ўзини-ўзи рўйхатга олиш** қўлланилади. Бу усуллар сўров ўтказишда рўйхатга олиш варақаларини ҳисобчи, ўзини-ўзи рўйхатга олишда эса рўйхатдан ўтувчиларнинг ўзлари тўлдириши билан фарқланади. Сўров ўтказишда бирор-бир шахс тўғрисидаги маълумотларни ҳисобчи уларнинг ўзларидан бевосита оғзаки сўраш орқали олади, ўзини-ўзи рўйхатга олишда одатда оила бошлиғи ёки оиланинг ёши катта аъзоси аввал тарқатилган сўров варақасини тўлдириб, бу варақлар маълум муддатдан сўнг йиғиб олинади. Бунда ҳисобчи уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текшириб чиқади.

Бу икки усулдан кай бири танланиши, биринчидан, аҳолининг тайёргарлик даражасига, иккинчидан иложи борича кам сарф билан иложи борича аниқ ва муфассал маълумот олиш мақсадига боғлиқ бўлади. Ўзини-ўзи рўйхатга олиш ҳам маблағни, ҳам вақтни тежаш имконини беради, бироқ бунда маълумотларнинг аниқ бўлмаслиги хавфи катта. Сўров варақларини тўлдиришга махсус тайёргарликка эга бўлмаган кўп сонли ҳисобчиларни жалб этиш талбирда иштирок этаётган аҳоли сўров варақларидаги саволларни тўғри ва аниқ талқин этишига эришиш учун саволлар сонини кўпайтириш заруратини келтириб чикаради.

Ўзини-ўзи рўйхатга олиш усулида рўйхатга олиш варақаси бир оила (уй хўжалиги) учун мўлжалланган бўлади. Сўров ўтказиш усулида рўйхатга олиш варақалари рўйхатга олувчи ҳисобчининг қўлида бўлади. У ҳар бир рўйхатга олинувчи учун алоҳида шаклларни тўлдириши мумкин.

Ҳозирги вақтда сўров варақлари маълумотларни янги ахборот технологиялари асосида электрон ҳисоблаш техникаси ёрдамида қайта ишлаш ҳисобга олинган ҳолда тайёрланади.

Аҳолининг умумий сонини аниқлаш ва унинг натижаларини тўлиқ қайта ишлаб чиқиш учун махсус якуний рўйхатлар тузилиши назарда тутилади. Улар муайян бир аҳоли яшаш жойларидаги аҳолининг сони тўғрисидаги ягона манба ҳисобланади. Уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

• шаҳарларда уй хўжалигини юритувчилар ва қишлоқ жойларда аҳоли жойлашуви бўйича;

• ҳисобчи участкаси бўйича;

• йўриқчи участкаси бўйича;

• рўйхатга олиш бўлинмаси бўйича ва туман бўйича.

Сўров ўтказиш усулининг афзаллиги ҳисобчи бевосита рўйхатга олинувчи билан шахсан учрашишининг зарурати билан изоҳланади. Ҳамма ҳамиша ҳам ҳисобчи барча мавжуд аҳоли билан учрашиш имконини бўлмайди. Рўйхатга олиш пайтида мавжуд бўлмаган шахс тўғрисидаги маълумотларни оиланинг бошқа аъзоларидан, агар ёлғиз яшайдиганлар бўлса, ҳатто қўшниларидан ҳам сўраш орқали олишга изоҳат берилади.

Ўзини-ўзи рўйхатга олишда ҳам ҳисобчи нафақат рўйхатга олиш варақаларини тўлдиришга ёрдам бериш, балки уларни бевосита тўлдиришнинг ўзида иштирок этишига ҳам ижозат берилади. Айрим рўйхатга олинувчилар билан оғзаки суҳбатлашиш варақанинг тўғри тўлдирилишини таъминлашда ҳам жуда муҳим.

Ўзини-ўзи рўйхатга олиш усули Европанинг аксарият мамлакатларида, Австралия ва Янги Зеландияда қўлланиб келинади. Охирги вақтларда эса ушбу усулга бошқа мамлакатларда ҳам ўтилмоқда. Ўзбекистонда ўтказилган барча аҳоли рўйхатлари сўроқ ўтказиш усули орқали амалга оширилган.

2.4. Аҳолини рўйхатга олиш дастурлари

Аҳолини рўйхатга олиш дастури – аҳолига йўналтирилган саволлар рўйхатидир[1]. Дастур саволларига жавобларнинг жамланмаси *аҳолини рўйхатга олиш* кўзда тутган аҳоли тўғрисидаги маълумотларни ташкил этади. Одатда аҳолини рўйхатга олиш дастурининг саволлари ушбу мақсад учун махсус тайёрланган, аҳолидан олинган жавобларни ҳисоблаб чиқиш усулига боғлиқ равишда шакли турлича бланкларда қайд этилади. Бу бланклар рўйхатни (оила, бир неча кишига мўлжалланган) ёки шахсий (бир кишига мўлжалланган) бўлиши мумкин.

Аҳолини рўйхатга олиш дастури муайян қоидалар бўйича ва аҳолининг ҳар қандай социологик тадқиқотларга одатий бўлган муайян талаблар ҳисобга олинган ҳолда тузилади. Дастурдаги саволларнинг бир қисми аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятлари таркибида рўй берган ўзгаришларни аниқлаш имконини берувчи аҳолини рўйхатга олишда қайд этилганларга мазмуни ва моҳияти бўйича аниқ мос бўлиши мақсадга мувофиқ (лекин, шарт эмас). Шу билан бирга, аҳолига оид халқаро маълумотлар каби

[1] Харченко Н.М. Демография: учебник для вузов /2-е изд., исправленное. – М.: ЮНИТА-ДАНА, 2003. – 49

маълумотларни олиш учун аҳолини рўйхатга олиш бўйича халқаро тавсияларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Халқаро тавсияларга мувофиқ, аҳолини рўйхатга олиш дастурига киритилган саволлар респондентлар (яъни, сўралаётган шахслар) уларга тўғри жавоб бера олишлари ҳисобга олинган ҳолда тузилиши керак. Бошқача айтганда, саволлар сўралаётганларнинг аксарият кўпчилиги учун мураккаб бўлмаслиги ва аҳолини рўйхатга олиш тадбирини бойкот қилмаслик учун уларда қўркинч уйғотмаслиги лозим. Шу билан бир қаторда саволлар аҳоли саводхонлигининг умумий даражаси, миллий хусусиятлар, шу жумладан, урф-одатларни ҳам ҳисобга олган бўлиши керак.

Аҳолини рўйхатга олишда, одатда, қуйидаги саволлар ўрганилади (2.5-расм):



2.5-расм. Аҳолини рўйхатга олиш дастури

1) аҳолининг сони, уларнинг мамлакат ҳудудлари бўйича жойлашуви, аҳоли миграцияси;

2) аҳолининг жинси, ёши, никоҳдалиги ва оилавий ҳолати бўйича таркиби;

3) аҳолининг миллий (этник) мансублиги ва сўзлашадиган тили, фуқаролиги бўйича тақсимланиши;

4) аҳолининг маълумот даражаси, тирикчилик ўтказиш манбалари, иқтисодиёт тармоқлари (тирикчилик ўтказишга иқтисодий фаолият манбалари бўлганлар учун), машғулотлари, ижтимоий аҳволи бўйича тақсимланиши;

5) оилаларнинг сони ва уларнинг ижтимоий хусусиятлар (ижтимоий ва миллий хусусиятлар бўйича бир хил ёки аралашлиги) бўйича таркиби;

6) туғилиш (туғилган болалар ва аҳолини рўйхатга олиш ўтказилаётган вақтдаги тириклари), фарзанд кўришга нисбатан келажак истак ва режалари;

7) аҳолининг тураржой аҳволи.

Аҳолини рўйхатга олиш дастурини қуйидаги учта шартли қисмга ажратиш мумкин:

• манзил қисми;

• бевосита рўйхатга олиш дастури саволлари;

• аҳолини рўйхатга олишнинг бошқа тадқиқотлар билан боғлиқ элементлари.

Аҳолини рўйхатга олишнинг манзил қисми ўз ичига қуйидагиларни олади:

• вилоят, туман, шаҳар, аҳоли манзилгоҳи номи;

• кўча номи, уй ва хонадон рақами;

• фамилия, исм ва шариф;

• оила бошлиғига муносабати.

Манзил маълумотлари аҳолини рўйхатга олиш билан нақадар тўла камраб олинганлигини текшириш имконини беради ва тадбирни пухта ташкиллаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, улар аҳолини рўйхатга олиш маълумотларини ҳудудий кесимда автоматик тарзда қайта ишланишини таъминлайди.

Аҳолини рўйхатга олишда қайд этилган фамилия ва исм катта аҳамият касб этмайди. Улар аҳолининг масъулиятини ошириш ва турли назорат тадбирлари учун керак бўлади (рўйхат билан солиштириш, олдин эса етишмаётган маълумотларни олишда аҳолига мурожаат этиш учун ва ҳ.к.). Баъзан аҳолини рўйхатга олишда ёзиб олинадиган фамилиялар генеологик, оносматик (оносматика – номлар тўғрисидаги фан) ва лингвистик тадқиқотлар мақсадларида фойдаланилади.

Оила бошлиғига муносабат аҳолини оилаларга тўғри тақсимлаш учун хизмат қилади, бу эса аҳолини рўйхат билан тўлиқ камраб олишга ёрдам беради. Мазкур саволга олинадиган жавоблар оила ва уй хўжалиги ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш мақсадини кўзлайди ва шунингдек оила аъзоларини мустақил тадқиқ этиш имконини таъминлайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, оила бошлиғи тоифасининг ўзи қонунчилик тамойилларига жавоб бермайди ва рўйхатга олинган маълумотларни кейинчалик

ишлашда фойдаланилмайди. Ушбу мақсадга аҳолини биринчи рўйхатга олишда қайд этилган оила аъзосига нисбатан қариндошлик муносабати хусусидаги ёзувлар орқали эришиш мумкин.

Аҳолини рўйхатга олиш дастурини қуйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

1. **Аҳоли тоифаларини хисобга олишни кўзловчи масалалар.** Амалиётда бунинг учун рўйхатга олишнинг нозик вақтида хонадонда ким яшаши, жумладан, унинг доимий ёки вақтинчалик яшаши аниқланади. Бундан ташқари, доимий яшовчилар орасидан вақтинчалик йўқлар ҳам инобатга олинади. Яшаш тавсифини янада аниқлаштириш учун вактинчалик йўк бўлиш давомийлиги ёки вақтинчалик яшаш сабаблари хусусида саволлар қўйилади. Чунки аксарият кишилар хисобчилар билан доимий яшаш жойида учрашади ва рўйхатга ўтказишнинг нозик вақтида мавжуд бўлганликлари учун вақтинчалик йўқлиги ёки вақтинчалик яшаётганлиги тўғрисидаги далилни инобатга олишнинг ўзи кифоя қилади.

Яшовчилар рўйхатидаги доимий яшовчилар, лекин вақтинча йўқлар учун хонадонда бўлмаганлигининг давомийлиги ва сабаби, вақтинчалик яшовчилар учун эса доимий яшаш жойи ва у ерда бўлишининг давомийлиги ёзиб қўйилади. Сўроқ варақларида эса "вақтинчалик йўқ" ёки "вақтинча яшайди", деб белги қўйилади. Агар бу белгиларнинг биринчиси бўлмаса, ушбу киши мавжуд кишилар таркибига киришини, агар иккинчиси бўлмаса, доимий яшовчилар сонига киришини, агар иккаласи ҳам бўлмаса, унда ушбу киши рўйхатга қўйилган жойидаги аҳолининг мавжуд кишилар таркибига ва доимий яшовчилари таркибига киритилади.

2. **Шахсий демографик тавсифлар: жинс, ёш, никоҳ ҳолати.** Респондентнинг жинси тўғрисидаги савол алоҳида изоҳларни талаб этмайди. Ушбу савол барча рўйхатга олиш дастурларидан чиқариб ташланади. Аҳолининг жинси бўйича таркиби аҳолининг такрор ҳосил бўлиши, меҳнат ресурслари ва ҳ.к.ларни ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

Респондентнинг ёши рўйхатга олиш дастурининг энг муҳим саволларидан биридир. Аҳолини рўйхатга олишда ёши ёки туғилиш санаси тўғрисида савол қўйилади, чунки ёш узлуксиз аломат бўлиб, тўлик йилларнинг бутун саналарини ўзида акс эттиради. Бир ёшгача бўлган болалар учун одатда умр кўришнинг ойлари инобатга олинади.

Рўйхатга олинувчининг ёши тўғрисидаги савол ўзига хос мураккабликларга эга. Гап шундаки, кишилар ҳамиша ҳам аниқ ёшларини кўрсатмайдилар. Ёшни ноаниқ кўрсатишнинг асосий сабаби – аҳоли маданий даражасининг пастлигидир. Мустамлакадан халос бўлиб, яқиндагина мустақилликка эришган мамлакатларнинг аҳолиси кўпинча ўз ёшларини умуман билмайди ва бу ерларда аҳолини рўйхатга олишда йиллар сонини кўрсатиш ўрнига кишиларга ўзларини оддийгина қилиб учта гуруҳ – болалар, катталар ёки қариялардан бирига киритиш сўралади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг аксариятида сўроқ вақтида кўпинча кишининг туғилган санаси тўғрисидаги савол қўйилади. Туғилган сана демографик ҳисоб-китоблар, хусусан, бошқа ҳолисалар (бола туғилиши, никоҳга кириш ва ҳ.к.) билан таққослаш учун муҳим. Кишининг туғилган санасини билган ҳолда рўйхатга олиш вақтидаги аниқ ёшни аниқлаш мумкин.

Туғилган санани рўйхатга олиш йилидан туғилган йилнинг сонини айириб ташлаб, тўлган йилларга айлантириш мумкин. Бунда, агар туғилган сана рўйхатга олиш йилидаги унинг санасидан кейинроқ бўлса, мавжуд фарқни бирга кичрайтиришга тўғри келади. Шу билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида баъзан аҳолини рўйхатга олишда ёшнинг тўлган йиллари миқдори тўғрисидаги савол ҳам қўйилади. Жумладан, собиқ Иттифоқда барча аҳолини рўйхатга олишларда тўлган йиллар миқдори инобатга олинган (1 ёшгача бўлган болалар учун – ойлар кўрсатилган).

Никоҳ ҳолати тўғрисидаги савол одатда ўзида тўрт жавоб вариантини мужассамлаштиради: никоҳда; рўйхатга олиш вақтида никоҳда бўлмаганлар учун – ҳеч қачон никоҳда бўлмаган; бева ва ажрашган. Айрим мамлакатларда, хусусан АҚШда оила таркиби таснифига янада аниқлик киритиш учун "бўлинганлар" (separated), яъни алоҳида яшовчи турмуш ўртоқларга ажратилиб, никоҳда бўлганлар орасида эса турмуш ўртоғи ушбу уй хўжалиги ёки оила аъзолари таркибига кирмайдиганлари ажратиб кўрсатилади.

Аҳолини рўйхатга олишда, авваламбор, никоҳдагиларга кимлар киришини аниқлаб олиниши муҳим. Кўп ҳолларда амалдаги никоҳ муносабатлари мавжуд қонунлар ва одатларга кўра расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар инобатга олинади. Баъзи мамлакатларда бу парсага янада аниқлик киритилади. Масалан, Мексикада оила қурилиши фуқаро никоҳи ёки диний никоҳ эканлиги. Болгарияда никоҳ рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида

сўралади. Ушбу аниқликлар маълумотларни жорий ҳисоб билан қиёслашни таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бунда никоҳда тугилганлар, деб фақат ота-оналарининг никоҳи амалдаги конунчиликка асосан расмийлаштирилганлар ҳисобланади.

Шунингдек, кимларни ажралишган, деб хисоблашни ҳам аниклаштириб олиниши керак. Фақатгина рўйхатга олинган никоҳ ҳисобга олинадиган бўлса, бу осон ҳал қилинади. Амалдаги никоҳни хисобга олишда эса бу масала мушкуллашган: эр ёки хотиндан бири вафот этган бўлса, никоҳ ҳолати тўхтатилишига олиб келмаган.

собик Иттифокдаги сўнгги – 1979 ва 1989 йилларлаги аҳолини рўйхатга олишда никоҳ ҳолатининг тўртта ҳолати ҳисобга олинган: хеч қачон никоҳда бўлмаганлар; никоҳда бўлганлар; бевалар ва ажрашганлар.

3. **Ижтимоий-демографик тавсифлар.** Рўйхатга олиш дастурининг ижтимоий гуруҳлар миқдорий нисбатларини аниклаш имконини берувчи аҳолининг ижтимоий таркиби бирламчи аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда аҳолини рўйхатга олишда учта тоифа фаркланади: иш берувчилар, ёлланма ишчилар, оиланинг ёрдам берувчи аъзолари. Иш берувчи – йирик корхонанинг эгаси ва ҳунарманд, ёлланма ишчи – қурувчи ва йирик фирма директори, оиланинг ёрдам берувчи аъзолари - фермернинг хотини ва монополистнинг иш ўрганаётган ўғли бўлиши мумкин.

Аҳолини рўйхатга олишда ижтимоий гуруҳларнинг бевосита ҳолати қайд қилиниб, унга кўра рўйхатга олинувчи ишлаётган бўлса – ўзининг мавжуд ҳолати асосида, ишламаётган бўлса, айтайлик, пенсионер бўлса – ана шу макоми, агар карамоғидаги вояга етмаган бўлса, кимнинг карамоғидалигига караб қайд қилиниши лозим. Умуман, аҳолини рўйхатга олиш дастурнинг ушбу қисми жавоблари шундай шакллантирилиши керакки. бунда, авваламбор, машғулотга эга, мустақил даромад олиш манбаларига эга шахслар, давлат ёки жамоат ташкилотларининг карамогида бўлган кишилар гуруҳ ажратиб кўрсатилиши лозим.

Сўнгра иш билан банд бўлганларни иктисодиёт тармоклари ёки ижтимоий фаолиятнинг бирор соҳасига тааллуқлигини ажратиб кўрсатиш зарур. Бунга оддийгина қилиб иш жойи ҳақидаги саволни қўйиш йўли билан эришилади. Аҳоли рўйхати маълумотларини қайта ишлаш жараёнида иш билан бандлар тармоқлар бўйича корхона ёки муассасанинг тавсифи асосида гуруҳланади. Бунда мустақил иш жойи нимадан иборат эканлиги аниқ кўрсатилиши керак. Мазкур

маълумотларсиз, масалан, заводнинг болалар боғчасида ишловчи хизматчилар ушбу саноат тармоғи ишчилари таркибига кириб қолиши (агар ишчилар ўз иш жойини завод, деб айтадиган бўлса), бошқа ҳолда эса маориф ходимлари таркибида бўлиб қолиши (агар улар ўзларини боғча хизматчилари, деб ҳисоблайдиган бўлса) мумкин.

Шунингдек, шахсий функциялар тавсифини ҳам аниқлаб олиш керак, чунки уларни иш жойи бўйича аниқлаб бўлмайди. Масалан, чилангар (слесарь) саноатнинг исталган тармоғида, кишлоқ хўжалигида, уй хўжалигида ва ҳ.к.ларда иш билан банд бўлиши мумкин.

1989 *йилда аҳолини* рўйхатга олишда ижтимоий-иқтисодий тавсифлар қуйидаги тўрт савол билан аниқланган:

1. Мавжуд маблағ манбаларига кўра. Яъни респондентнинг корхона ёки муассасада, томорқа хўжалигида ишлаши кўрсатилиши ёки пенсия, нафақа, стипендия олиши (давлат қарамоғида) ёки хусусий шахс қарамоғида эканлиги кўрсатилиши талаб қилинган.

2. Иш жойи (корхона, ташкилот, муассаса ёки хўжалик номи).

3. Иш жойидаги машғулоти, бунда эгаллаб турган лавозими ёки бажарадиган машғулоти кўрсатилган.

4. Ижтимоий гуруҳи. Бу масалада қуйидаги гуруҳлар ажратилган: ишчи, хизматчи, ҳунарманд, якка тартибдаги деҳқон, маданият ходими ва ҳ.к.лар.

Кўпинча аҳолини рўйхатга олиш дастурида аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада аниқроқ тавсифлаш имконини берувчи саволлар назарда тутилади: масалан, иккинчи (қўшимча) машғулоти ёки аввалги машғулоти (ногиронлар ва пенсионерлар учун). Охирги вақтларда аҳолини рўйхатга олишда даромад миқдори ҳақида ҳам маълумотлар олишга ҳаракат қилинмоқда.

4. **Таълим даражаси ва саводхонлик.** "Таълим даражаси" ва "саводхонлик"ка доир саволларнинг аҳолини рўйхатга олиш дастурига киритилиши аҳолининг умумий маданий даражасини аниқлашга қаратилган.

Аҳолини рўйхатга олишда саводхонликни ўрганиш учун нафақат ўқий олиш, балки ёза олиш ҳақида ҳам савол қўйилади. Масалан, 1926 йилдаги аҳолини рўйхатга олишда кишиларнинг саводхонлиги тил олиниш билан биргаликда ўқиш ва ёзишни ҳам билиши бўйича аниқланган. собиқ Иттифоқда саводсизликнинг йўқ қилиниши билан боғлиқ ҳолда 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989-йиллардаги аҳолини рўйхатга олишларда саводхонлик хусусида махсус савол қўйилмаган, у таълимга оид саволда инобатга олинган.

Барча рўйхатга олишларда бирон-бир тилда ўқий олиш саводлилик аломати ҳисобланган, шунинг учун олинган материаллар қиёсланиши мумкин эди – ўқий олиш таърифи деярли ўзгаришларга учрамаган. 1926 йилги рўйхатга олишда босма сўзларни бўғинлаб ўқий олишнинг ўзи саводхонлик ҳисобланган; 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989-йилларда саводхонлик учун ўқий олиш талаб қилинган, 1989-йилдаги саводхонлик тўғрисидаги савол фақатгина 7 ёш ва ундан катталарга берилган.

1926 йилдаги рўйхатга олиш дастурида таълим хусусидаги савол мавжуд бўлмаган, кейинги иккитасида эса сўралаётган шахсдан ўрта ёки олий мактабни тугатганми ёки йўқлиги тўғрисида сўралган. 1959, 1970, 1979 ва 1989-йиллардаги рўйхатга олишда таълимнинг кенгайтирилган тавсифи қабул қилинган бўлиб, унга кўра олинган таълим даражаси аниқ кўрсатилиши талаб этилган.

Аҳолининг таълими ва саводхонлиги тавсифида таълим муассасасига қатнаш билан боғлиқ ҳолда кўрилган. Биринчи маротаба у 1939 йилдаги рўйхатга олиш дастурига киритилган ва қуйидаги тарзда ифодаланган: "Нечанчи синфда ёки нечанчи курсда ўқийсиз?" 1959 йилдаги рўйхатга олишда ўқувчиларга муассасанинг аниқ номи ҳақида савол киритилган бўлиб, 1970, 1979 ва 1989 йилларда шахс ўқийдиган муассасанинг тури ҳам аниқланган. Шу билан бирга, аҳолини рўйхатга олиш дастурлари неча йил таълим олганлиги тўғрисидаги саволни ҳам ўз ичига олишган.

5. **Этник тавсифлар.** Ушбу гуруҳга аҳолининг миллий таркибини аниқлашга йўналтирилган саволлар киради. Бу, айниқса, Ўзбекистон Республикаси каби кўп миллатли мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Аҳолининг миллий таркибини аниқлаш билан боғлиқ саволлар Ўзбекистонда ўтказилган аҳолини рўйхатга олишда ўз аксини топган. Миллат (1926 йилда – халқ)га мансублик барча аҳолини рўйхатга олишларда ҳисобга олинган.

Айрим шахслар учун этник мансублик тўғрисидаги саволларнинг мураккаблиги шу билан изоҳланадики, бунга жавоб бериш учун маълум бир "объектив аломат" етарли бўлмай қолади. Масалан, Францияда яшовчи ва ишловчи италиялик француз миллати билан иқтисодий ва ҳудудий жиҳатдан боғлиқ бўлишига қарамай, кўпинча бирданига француз бўлиб қолмайди. Вақт ўтиши билан унинг этник мансублиги ўзгариши мумкин. Шунинг учун маълум миллатга мансублилик хусусидаги мезонлар барча рўйхатдан ўтказишларда

сўралувчининг ўзини англашига қаратилган, яъни сўралувчи ўзи кўрсатган миллат тури ёзиб қўйилган.

Болаларнинг миллатини ота-оналари кўрсатадилар. Аммо турли миллатга мансуб ота-оналар болаларининг миллатини аниқлашда қийналади, бунда баъзан отанинг, айрим ҳолларда онанинг миллатига устуворлик берилган. собиқ Иттифоқдаги 1926 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш кўрсатмаларида фуқароликни миллат билан аралаштирмаслик ҳақида махсус огоҳлантирилган.

Тил миллатнинг асосий аломатларидан бири бўлганлиги учун она тили ҳақидаги саволнинг қўйилиши аҳолининг миллий таркибини тасаввур қилишга ёрдам берган. Бу ерда ушбу тушунчага аниқ таъриф бериш муҳим аҳамият касб этади. Она тили ва сўзлашув тили фарқланади. Одатда, респондент она тилини сўзлашув тили билан аралаштириб юбормаслиги учун ундан болалигидан гаплашадиган тили ҳақида алоҳида сўралган. Аҳолининг аксарият қисми учун сўзлашув тили ва она тили бир хил бўлади. Бироқ бундан истисноларнинг бўлиши мумкин. Масалан, 1961 йилда Югославияда аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари шундан далолат беради, словенияликка турмушга чиққан хорват аёли эрининг уйида словения тилида сўзлашадиган бўлса ҳам ўз она тилини серб-хорват тили, деб кўрсатишни талаб қилишган.

Сўзлашув тили ҳақидаги савол маълум тилнинг тарқалганлигини кенгроқ ўрганишда, этник ассимиляция ва бошқа бир қатор амалий вазифаларни ўрганишда аҳамиятга эга. Шунинг учун кўп тилли мамлакатларда аҳолини рўйхатга олишда кўпинча респондентнинг иккинчи тилни билиши ҳақидаги савол қўйилади.

Ўзбекистонда ўтказилган барча рўйхатга олишларда миллат билан бирга она тили ҳақидаги савол ҳам инобатга олинган. Бироқ унинг аниқлаштирилиши ҳар доим ҳам бир хил бўламаган. 1926 йилдаги рўйхатга олишда сўралувчи энг яхши эгаллаган ёки у гаплашадиган тил она тили ҳисобланган. Охирги аҳолини рўйхатга олишларда сўралувчи ўзи она тили деб ҳисоблайдиган тил - она тили деб ҳисобланган. 1959 йилдаги рўйхатга олиш кўрсатмасида агар сўралаётган шахс она тилини аниқлаши қийин бўлса, у энг яхши эгаллаган ёки одатда оилада ишлатиладиган тилни ёзиб қўйилиши ҳақида кўрсатма берилган. 1970, 1979 ва 1989-йиллардаги аҳолини рўйхатга олишларда сўралувчи эркин гаплаша оладиган бошқа тили ҳам кўрсатилган. Респондентнинг она тили унинг миллатига мос тушмаслиги ҳам мумкин. Умуман, одатда "она тили" тушунчаси сўзлашув тили тушунчасига мос тушади.

Саволларнинг ушбу гуруҳига диний мансублик ҳақидаги савол ҳам киритилган. Қайси динга мансублик тўғрисидаги савол 1897 ва 1937 йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш дастурларига киритилган.

6. **Аҳолининг такрор ҳосил бўлиши.** Охирги йиллардаги аҳолини рўйхатга олиш дастурларида аҳолининг такрор ҳосил бўлишини ўрганишга тааллуқли саволларга ҳам кенг ўрин берилмоқда. Улар никоҳга кириш санаси ҳақидаги савол шаклида бўлиб, кўпинча биринчи никоҳ тўғрисидаги санани ажратиб кўрсатиш, шу жумладан, никоҳ ҳолатининг тугатилиши санаси (агар, у тўхтатилган бўлса) ҳақидаги саволлар ҳам киритилиб, улардан никоҳ давомийлигини ҳисоблаш ва никоҳлиликнинг турли хил кўрсаткичларини аниқлаш учун маълумотларни олиш мумкин.

Ушбу саволлар қаторига аёл томонидан дунёга келтирилган фарзандлар сонини кўрсатиш ёки тирик туғилган болалар ҳақидаги саволларни киритиш мумкин. Бу саволлар кўпгина мамлакатларнинг аҳолини рўйхатга олиш дастурларига киритилган. Ушбу саволлар бўйича олинган жавоблардан туғилишни ва унинг истиқболдаги ўзгаришини ўрганиш учун зарур маълумотлар олиш мумкин. Аёлларнинг улар туққан болалари сони ёки уларда мавжуд фарзандлар бўйича тақсимланиши болалар учун нафақаларни тўлашни режалаштириш ва бошқа ижтимоий масалаларни ҳал қилишда жуда муҳимдир. 1979 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш дастурида биринчи марта аёллар учун улар томонидан туққан болалар тўғрисида савол қўйилган эди.

7. **Миграция.** Дастурнинг ушбу қисмига аҳолининг ҳозирги ва олдинги тураржойидаги яшаш давомийлиги, кочоқлар ёки кўчирилган шахслар, бирор ҳодиса билан боғлиқ ҳолда кўчганларнинг таркибини ўрганиш билан боғлиқ саволлар киритилган. Шу билан бирга, рўйхатга олиш дастурларига урушда ёки ҳарбий хизматда қатнашганлик, жисмоний ва руҳий нуқсонлар ҳақидаги саволлар ҳам киритилган.

Аҳолини рўйхатга олиш дастурларида яшаш шароитлари хусусидаги саволлар алоҳида аҳамият касб этади. Кўпинча яшаш жойини рўйхатга олиш аҳолини рўйхатга олиш билан бирга мустақил олиб борилади. собиқ Иттифоқда аҳолини рўйхатга олишда яшаш шароитлари фақат 1926 йилдаги аҳолини рўйхатга олишда ҳисобга олинган ва мазкур аҳоли рўйхатида яшаш шароитлари ҳақидаги маълумотлар махсус оила харитасига ёзилган.

Аҳолини рўйхатга олиш дастурига киритилган саволларнинг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, уларда кузатув бирлиги сифатида оила эмас, балки уй хўжалиги олиниб, бу ҳолат аҳолини рўйхатга олиш натижаларини бошқа мамлакатларда олинган натижалар билан таққослаш имконини беради. Шу билан бирга, аҳоли ҳақидаги маълумотларни жамлашнинг ўзи кифоя қилмайди, балки тўпланган ахборотни қайта ишлаш, олинган маълумотларни жадвалларга гуруҳлаш лозим. Шу боис, аҳолини рўйхатга олиш маълумот йиғиш билан чекланмайди. Аҳолини рўйхатга олиш маълумотларини қайта ишлаш дастури турли саволларга доир кўплаб жадваллар тузишни назарда тутади. Ушбу жадвалларнинг катта қисми кейинчалик мамлакат ва унинг алоҳида ҳудудлари бўйича тузилиб, нашр этилади.

2.5. Демографик жараёнларни жорий статистик кайд этиш тартиби

Аҳоли табиий ҳаракатининг қайд этилиши фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишга асосланади. Аҳолининг табиий ҳаракати, унинг такрор ҳосил бўлиши бевосита (туғилиш, ўлим) ва билвосита (никоҳ, ажралиш) таъсир этувчи демографик жараёнларни ўз ичига олади. Табиий ҳаракат ҳақидаги маълумот мамлакат аҳолисининг сони, табиий ҳаракатининг нисбий кўрсаткичлари ҳисобланиб, улар асосида аҳоли сони ва таркибининг истикболдаги прогнози амалга оширилади.

Туғилганлар ва ўлганларнинг рўйхати қадимий Юнонистон ва Римда олиб борилган. Ўрта асрларда туғилганларни чўқинтириш ва вафот этганларни дафн этиш черковларда метрика китобларида олиб борилган. Рўйхатга олишнинг бу тартиби 1563 йилда черков маъмурияти томонидан конунлаштирилган, бу ҳужжатда никоҳларни ҳам мунтазам рўйхатга олиш кўрсатилган. Демографик ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар Европа мамлакатларида статистика муассасалари ташкил этилгандан кейин, XVII асрнинг охири – XVIII асрнинг бошида марказлаштирилган ҳолда тўплана бошланган[1]. Аммо демографик ҳодисаларни ҳисобга олишнинг замонавий шакллари XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида таркиб топган.

Демографик ҳодисаларни қайд этиш, биринчи навбатда, уларнинг ҳуқуқий окибатлари билан боғлик. Шу боис у мамлакатнинг барча аҳолиси учун мажбурий ҳисобланади. Демографик жараёнларни кайд этиш муддатлари ва тартиби ҳар бир мамлакатнинг тегишли конунларида белгилаб қўйилади.

---

[1] Демография. Учебник для вузов. /Под ред. Н.А. Волгина, Л.Л. Рыбаковского. – М.: Логос, 2005 – С. 43.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида "Қонун фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоялашни ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар ҳаётидаги муҳим воқеалар – туғилиш, никоҳ тузиш, ўлим ва инсоннинг муҳим субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларининг юзага келиши, ўзгариши ва тўхтатишига сабаб бўладиган бошқа ҳолатларнинг ваколатли органларда қайд этилишини белгилайди. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари пайдо бўлишига сабаб бўлиб хизмат қилувчи ҳужжат (гербли гувоҳнома) бериш учун асос бўлади"[1], деб қайд этилган.

Мамлакатда демографик ходисаларнинг жорий ҳисобини олиб бориш ваколатли орган – Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари томонидан амалга оширилади.

ФҲДЁ органлари қуйидаги фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этади:

а) туғилганлик;

б) никоҳ тузиш;

в) никоҳдан ажралиш;

г) ўлим.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш давлат аҳамиятига молик ҳужжат бўлиб, икки нусхада тузилади ва ФҲДЁ органларида қайд этилган вақтдан бошлаб 75 йил мобайнида сақланади.

Туғилганликни қайд этиш. Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФҲДЁ органида амалга оширилиши лозим.

Туғилганликни қайд этиш учун: тиббиёт муассасасининг бола туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотномаси, ота-оналарининг паспортлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гербли гувоҳнома ёки оталикни белгилаш ҳақидаги ариза тақдим этилади. Тиббиёт муассасаси томонидан бериладиган туғилганлик тўғрисидаги маълумотномада:

- онанинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи;
- боланинг туғилган вақти ва санаси, жинси;
- берилган вақти тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур.

Туғилганлик ҳақидаги ариза бола туғилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида берилиши лозим. Бола туғилганлиги тўғрисидаги

---

[1] Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари. /Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарорига 1-илова // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006 й., 17-сон, 142-модда.*

ариза ота-онаси ёки улардан бири, алоҳида ҳолларда эса қариндошлари, қўшнилари, тиббиёт муассасалари маъмурияти, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан берилиши мумкин.

Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома боланинг туғилганлигини, унинг ота-онаси ким эканлигини тасдиқловчи ягона ҳужжат ҳисобланади.

Никоҳ тузишни қайд этиш. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 14- ва 15-моддаларига мувофиқ, никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари никоҳ тузишнинг асосий шартлари ҳисобланади. Никоҳ никоҳ тузишни хоҳловчи шахслар бу тўғрида улардан бирининг яшаш жойидаги ФҲДЁ органига белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат этган кундан бир ой ўтгач қайд этилади.

Никоҳни қайд этиш фақат никоҳланувчи шахсларнинг иштирокида амалга оширилади. ФҲДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигига ҳамда ушбу текширувларнинг натижалари тўғрисида уларнинг хабардор эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Никоҳни қайд этишда никоҳланувчилар ўз хоҳишларига кўра иккаласидан бирининг фамилиясини умумий фамилия сифатида танлашлари ёки ўзларининг никоҳгача бўлган фамилияларида қолишлари мумкин.

Эр ва хотиннинг паспортларига ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларига штамп қўйилади ва никоҳнинг тузилган вақти ва жойи, далолатнома ёзуви рақами, эр (хотин)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ёзиб қўйилади.

Никоҳ қайд этилганлиги ҳақида гувоҳнома никоҳдан ўтган шахсларнинг эр-хотинлигини тасдиқловчи ва улар ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келганлигини ифодаловчи ҳужжатдир.

Никоҳни бекор қилишни қайд этиш:

1. Вояга етмаган фарзандлари бўлмаган эр-хотинларни уларнинг ўзаро розилигига кўра никоҳини бекор қилиш қайд этиш.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 42 ва 218-моддаларига мувофиқ ФҲДЁ органи мулкий низолари ҳамда вояга етмаган фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олинганлари) бўлмаган эр-хотинлардан никоҳдан ажралиш тўғрисидаги аризани қабул қилади. Никоҳни бекор қилиш қайд этиш эр-хотиннинг ёки улардан бирининг иштирокида *никоҳдан ажратиш ҳақида ФҲДЁ органига ариза*

берганларидан кейин уч ой ўтгач амалга оширилади ва собиқ эр-хотинларнинг ҳар бирига никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳнома берилади.

2. Эр ёки хотиндан бирининг аризаси асосида никоҳини бекор қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 43 ва 219-моддаларига мувофиқ:

• суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

• суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

• содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари бор-йўқлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра ФҲДЁ органларида никоҳдан ажратиш қайд этилади.

Бундай ҳолларда аризага қўшимча равишда қуйидагилар илова қилинади:

• эр (хотин)нинг муомалага лаёқатсиз ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги тўғрисида қонуний кучга кирган суд қарори;

• эр (хотин)нинг уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисида қонуний кучга кирган суд ҳукмидан кўчирма, шунингдек, судланган эр (хотин)нинг никоҳдан ажратишга ўртада болалари ва мол-мулки юзасидан низоси йўқлиги тўғрисидаги розилиги.

Болалари тўғрисида, биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр(хотин)га таъминоти учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

Ўлимни қайд этиш марҳумнинг яшаш жойи ёки ўлим содир бўлган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Ўлимни қайд эттириш тўғрисида марҳумнинг қариндошлари ёки яқин кишилари, шунингдек, тиббий муассаса маъмурияти мурожаат этишлари мумкин, улар ўлим тўғрисида тиббий гувоҳнома ва марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этадилар.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилувчи қарорига асосан ўлимни қайд этиш мазкур қарорни чиқарган суд жойлашган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади. Ҳаётининг биринчи ҳафтаси давомида ўлган болаларнинг туғилганлиги ва ўлими тиббий муассаса жойлаш-

ган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида қайд этилади. Ўлимни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этмасдан марҳумни дафн этиш тақиқланади.

Ўлимни қайд этиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ўлим ҳақида тиббий маълумотнома ёки суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори, шунингдек, марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

2.6. Танлаб ўтказиладиган тадқиқотлар ва аҳоли регистрлари

Аҳоли ва демографик жараёнлар тўғрисидаги маълумотларнинг яна бир қўшимча, лекин ниҳоятда муҳим манбаларидан бири танлаб ўтказиладиган тадқиқотлардир. Улар аҳолини рўйхатга олишга *нисбатан фақат кам чиқимли бўлибгина* қолмасдан, шунингдек, одатда, аҳолини рўйхатга олиш дастурига қараганда анча батафсиллиги ва чуқурроқлиги билан ажралиб туради.

Танлаб ўтказиладиган тадқиқотлардан ҳаётнинг деярли барча соҳаларига доир маълумотларни тўплашда фойдаланилади. Асосий ахборот манбаларидан фарқли равишда ушбу тадқиқотлар аҳолининг муайян гуруҳига тегишли маълумот олишга имкон яратади.

Танлаб ўтказиладиган тадқиқотлар аҳоли рўйхатларини тайёрлаш ва ўтказилишида алоҳида ўрин тутади. *Бунинг учун умумий аҳоли* рўйхати дастури бўйича ўтказиладиган кичик рўйхатлар тузилади. Бу тадқиқотларда мамлакатнинг барча аҳолиси эмас, балки унинг бир қисмигина қатнашади. Кичик рўйхат сўнгги аҳоли рўйхати ўтказилгандан кейинги даврда аҳоли таркибида содир бўлган ўзгаришларни аниқлаш имконини беради. Лекин унинг асосий вазифаси режалаштирилаётган аҳоли рўйхати дастурини синаб кўришдан иборат.

Аҳолини умумий рўйхатга олиш ўтказилаётган даврда ҳам *осонгина танлаб ўтказиладиган тадқиқот амалга оширилиши мумкин.* Унинг ёрдамида айни вақтда, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик тараққиётида аҳамиятли бўлган ҳодисалар батафсил ўрганилади. Масалан, собиқ Иттифоқда 1970 ва 1979 йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари жараёнида танлаб ўтказилган тадқиқот меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли таркибини аниқлашда қўлланилган.

Танлаб ўтказиладиган тадқиқотлар икки: ретроспектив (анамнестик) ва истиқболли усулда олиб борилади. Агар респондентларга уларнинг ўтмишида бўлиб ўтган воқеалар хусусида саволлар берилса, ундай маълумот тўплаш усули **ретроспектив** (ўтмиш) тадқиқоти.

деб аталади. Шу билан бирга муайян аҳоли гуруҳи орасида бутун умри ёки унинг бир қисми давомида бўлаётган ҳодисаларни улар рўй бериши биланоқ қайд этиб бориш ҳам мумкин. Бундай маълумот йиғиш усули **перспектив** (истиқболли), деб номланади ва у шахсларнинг истиқбол прогнозларига қаратилган бўлади.

Ретроспектив (ўтмиш) тадқиқотлардан тугилиш ёки никоҳ тузишни, яъни бунинг натижасида шахслар жипс сафни тарк этмайдиган жараёнларни таҳлил қилишда фойдаланиш, айниқса самаралидир. Бу усулни **анамнестик,** деб ҳам аталади. Мазкур услуб туғилишни талқин этишда кенг қўлланилади. Масалан, репродуктив ёшдан чиққан аёлларга уларнинг репродуктив тарихи ҳақида саволлар бериш мумкин (тирик тугилган фарзандлар, тугилишлар оралиғи, контрацептив воситалардан фойдаланганлари ҳақида ва ҳ.к.лар). Анамнестик талқинотлар аник бир авлодда ўтмишда кечган демографик жараёнлар тўғрисида маълумотлар бериб, жипс саф аъзоларининг ёши билан боғлиқ ҳодисалар кетма-кетлигини кузатиш имкошини беради. Ушбу маълумот тўплаш усулида қўлга киритиладиган натижалардаги ноаниқликларни ҳам эътиборга олиш лозим, масалан:

• агар одамларга анча олдин бўлиб ўтган ҳодисалар тўғрисида савол берилса, воқеаларнинг бир қисми ёддан чиқиб, жавоб тўлиқ бўлмаслиги мумкин, чунки респондентлар саналарни аниқ эсламаслиги эҳтимолдан холи эмас;

• респондентлар ҳодисаларни вақт бўйича бир текис тақсимламасликлари ва ҳаётларидаги воқеаларни мамлакат, ҳудуд ҳаётидаги ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисалар билан боғлашлари мумкин;

• респондентлар ҳодисалар орасидаги богланишларни ўзларига қулай шаклда ўзгартиришлари мумкин. Масалан, никоҳгача тугилган фарзандни никоҳда туғилган фарзанд деб, унинг тугилган ва тугилиши қайд этилган саналарнинг ўрниларини алмаштириб кўрсатишлари мумкин.

Вақт ўтиши билан ҳодисаларга бериладиган ижтимоий баҳолар ҳам ўзгаради. Масалан, баъзи давлатларда ҳозирги вақтда ёшларнинг аксарияти расмий қайд этилмаган никоҳни катта авлодга қарағанда оддий ҳол, деб ҳисоблайди. Шу сабаб никоҳ тарихи ўрганилаётганда ёшлар катта авлод вакилларига нисбатан кўпроқ ҳаётларидаги норасмий никоҳ мавжудлиги ҳақида сўз юритади. Бу каби хатоларни қисман демографик ҳодисаларни жорий қайд этиш ёки аҳоли регистрлари маълумотлари ёрдамида текшириш мумкин;

•сўралаётган аҳоли гуруҳи таркиби билан боғлиқ алоҳида хатолар тури мавжуд. Масалан, маълумот тўплашнинг ретроспектив

...ўтган шахснинг кузатувдан чиқарилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таҳлил этишда фойдаланиб бўлмайди, чунки вафот этган респондентларни уларнинг ўлими сабаби ва ҳаёти давомидаги саломатлиги ҳолати тўғрисида сўрашнинг имкони йўқ.

Перспектив (истиқболли) танлаб ўтказиладиган тадқиқот олиб боришнинг жинс саф ҳаётидаги ҳодисалар улар юз бериб бориши шароитларига қараб эшилади. Бундай услубда муайян бир авлод ўлимини ўрганиш кийин, албатта, чунки бунинг учун у билан бирга бутун умрини бирга яшаб ўтиш лозим. Айни вақтда, мазкур усул ёрдамида бевосита ёки тўдакдар ўлими, касалланиши ва соғайиши тўғрисида маълумотлар йиғиш қийин. Агар жинс саф ҳаётидаги ўрганилаётган ҳодисалар кенг кўлам бўйича жамланган бўлса, ушбу ахборот йиғиш усулининг самарасини фойдаланиш мумкин. Жумладан, ҳозирги даврда Европа мамлакатларида фарзанд кўриш даври жуда қисқа. Шу сабаб туғилиш жараёнини лонгитюд, бир авлодни кузатиш орқали ўрганиш мумкин ва бунда 15-20 йил керак бўлади. Бундай ёндашув ёрдамида туғилишлар ўлимини ёки туғилган тўдакдар ҳаётининг биринчи йилини етарлича ўрганиш мумкин. Шунга қарамай, мазкур усулда олинган маълумотларни фойдаланишда бир қанча камчиликларни назарда тутиб қўйиш лозим, хусусан:

• шахсларнинг маълум қисми турли сабабларга кўра кузатув доирасидан чиқиб кетиши (ўлим, эмиграция туфайли) мумкин. Шунинг учун танлаб ўтказиладиган тадқиқот респондентлари сони кўп бўлишини тақозо этади, бу эса маълумот тўплаш харажатлари миқдорини оширади, шунингдек, кам учрайдиган ҳодисаларни ўрганиш учун эса танлаб танлаб ўтказиладиган доира кенг бўлиши талаб қилинади;

• шахсларни кузатув доирасидан чиқарувчи жараён тадқиқ этилаётган ҳодиса шахслар кузатув доирасидан ўрганилаётган жараён билан боғлиқ бўлмаган ҳолда чиқиб кетишлари мумкинлигини эътиборга олиш лозим. Масалан, агар миокард инфаркти сабабли ўлим ўрганилаётган бўлса, танлаб ўтказилаётган тадқиқот иштирокчиларининг маълум қисми бахтсиз ҳодисалардан вафот этганининг гувоҳи бўлиши мумкин.

Танлаб ўтказиладиган тадқиқотлар бутун мамлакат доирасида (минг рўйхатлар) ёки нисбатан кўп сонли бўлмаган аҳоли гуруҳларида олиб борилиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда ягона дастур бўйича олиб борилаётган танлаб ўтказиладиган тадқиқотлар ҳам кенг тарқалган. Жаҳонда умумий туғилишни ёки саломатликни демог-

рафик тадқиқ этиш бунга мисол бўла олади. Одатда, бундай тадқиқотлар ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган умумий дастур бўйича олиб борилади ва жаҳон мамлакатларига оид таққословчи маълумотларни олиш учун таҳлил қилинади.

Саломатликни демографик ўрганиш миллий доирада ишончли бўлган танлаб ўтказиладиган тадқиқотдир. Одатда бу мавзуда тадқиқот ўтказишда мамлакат ҳудуди бўйича 5000-30000 уй хўжаликлари сўровда иштирок этади. Танлаб ўтказиладиган тадқиқот дастури уй хўжалигининг ҳар бир аъзосига (доимий ёки вактинчалик) йўналтирилган бўлиб, шахснинг жинси, ёши, уй хўжалиги бошлиғига муносабати, маълумот даражаси, доимий яшаш жойи, қариндошлик алоқалари; ҳар бир аъзо учун – ичимлик суви манбаи, маиший қулайликларнинг мавжудлиги, овкат тайёрлаш шароитлари, шунингдек, бюджет, озиқ-овқат истеъмоли сифатини билиш учун 15-49 ёшдаги аёллар ҳамда болалар вазни ўлчанади, камқонликни аниқлаш максадида уларда кондаги гемоглобин миқдори текширилади.

Танлаб ўтказиладиган тадқиқотларнинг аёллар саволномасида қуйидагилар кўрсатилади:

• умумий тавсифлар (ёши, жинси, никоҳ ҳолати, маълумоти, иш билан бандлиги, яшаш жойи);

• репродуктив майли ва режалари (туғилган фарзандлар сони, улардан нечтаси тирик, тирик гўдак туғилиши билан якунланмаган ҳомилалар сони, истиқболдаги репродуктив майлга доир режалар);

• контрацепциядан фойдаланиши (контрацепция усулларидан хабардорлиги, контрацептивларни олиш манбалари, оилани режалаштиришга оид маълумотлардан хабардор бўлиши, келажакда контрацептив воситаларни қўллаш режалари);

• туғишгача ва туғишдан кейинги даврларда парвариш, туғиш жараёни, гўдак вазни, ҳомиладорлик асоратлари, кўкрак сути билан гўдакни боқиши (қанча вақт давомида, яна қандай озуқа берилади), фарзандлар саломатлиги (эмлаш, касалланиш, болалар касалликларини даволаш), аёлларнинг эгаллаган мақоми (иш билан бандлиги, аёлга нисбатан бўлган ҳар қандай зўравонлик), ОИТС ва жинсий алоқада ўтадиган бошқа касалликлар (ОИТС ҳақида ахборотга эга бўлиш манбалари, профилактика чоралари, юқумли касалликка дучор бўлиш хавфи бўлган жинсий майл), турмуш ўртоғи тўғрисида ахборот, атроф-муҳит, тамаки чекиш.

Ушбу саволларга берилган жавобларнинг таҳлили мамлакат бўйича аёлларнинг репродуктив майли, болалар саломатлиги ва

оилани режалаштириш амалиёти бўйича таққослама маълумотларни беради.

АҚШда Гэллап жамоатчилик фикрини ўрганиш институти 1936 йилдан бери умуммиллий танлов асосида оила аъзоларининг энг мақбул сони тўғрисида мунтазам сўровлар ўтказиб келади. Мазкур сўров натижалари бир неча ўн йиллик мобайнида америкалик оила аъзоларининг энг мақбул сони тўғрисидаги тасаввурлари қай даражада ўзгарганини тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин оила аъзоларининг энг мақбул сони тўғрисидаги тадқиқотлар янада кенгайтирилди. 1955 ва 1960 йилларда АҚШда мамлакат бутун аҳолиси ўртасида "Америка оиласининг ривожланишига доир тадқиқотлар" (GAF-1 ва GAF-2) амалга оширилди. Уларда оилада энг мақбул фарзандлар сони тўғрисидаги фикрлар ва уларнинг 5 йил мобайнида амалда қандай ўзгаришини тадқиқ қилинди. Ўша йиллари яна 30 га яқин мамлакатларда шундай тадқиқотлар ўтказилди.

Демографик тадқиқотлар халқаро миқёсда ҳам олиб борилади. Уларнинг энг машҳурлари Халқаро статистика институти ва Аҳолишунослик муаммоларини ўрганиш бўйича халқаро уюшма томонидан 1971-1982 йилларда 41 та ривожланаётган ва 21 та иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда ҳамда Америкaнинг Ривожланиш учун ресурслар институти томонидан 1990-йилларнинг бошида 59 та ривожланаётган мамлакатларда амалга оширилган Демография ва гигиена умумжаҳон текшируви (WFS) бўлди[1].

Демографик мақсадларда олиб бориладиган танлаб ўтказиладиган тадқиқотлар оилани бирга подемографик танлаб ўтказиладиган тадқиқотлар ҳам учрайди. Масалан, бюджет тадқиқотларида уй хўжаликларни таркиби ва аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

Аҳоли регистрлари – муайян ҳудудда мунтазам яшовчи ҳар бир шахс ёки уй хўжалиги ҳақида маълумотлар қайд қилинган картотекалар. Аҳоли регистрида ҳар бир шахснинг асосий ижтимоий-демографик тавсифлари тўғрисида маълумотлар, яъни жинси, ёши, никоҳ ҳолати, туғилган ва яшаш жойи жамланади. Шунингдек, регистрга иш жойи, фарзандлари ва ҳ.к.лар тўғрисидаги маълумот ҳам киритилиши мумкин. Регистр асосини ташкил этувчи асосий тамойил – унинг ахборотни мунтазам равишда ва ўз вақтида янгилаб туришдир.

---

[1] Encyclopedia of Population Research Methodology. Vol. 3. Fertility Research. Chicago, 1993. - P. 10-26.

Дастлабки аҳоли регистри 1749 йили Швецияда пайдо бўлган. Ҳозирги вақтга келиб, бир қатор Европа мамлакатларида (Бельгия, Дания, Люксембург, Швеция, Голландия, Португалия, Испания) миллий регистрлар мавжуд. Буюк Британия ва Франция регистрларида шахсларнинг аниқ яшаш жойи қайд этилмаган. Бир қатор мамлакатларда фақат ҳудудий регистрлар тузилган.

Айнан демографик регистрдан ташқари аҳоли рўйхатларига яқин бўлган махсус регистрлар ҳам тузилиши мумкин. Уларга:

• тураржой регистри;

• пенсия бадалларини тўловчи иш билан банд бўлган аҳоли регистри;

• тиббий суғурта тизими регистри киради.

Ушбу қисман ахборот элтувчи барча регистрлар мунтазам янгиланиб турилади ва демографик ахборотга эга бўлишда қўшимча манба сифатида хизмат қилади. Европадаги бир қатор мамлакатларда онкологик ҳамда юрак-қон томир тизими касалликларига чалинган беморлар регистрлари ҳам мавжуд.

Аҳоли регистри олиб бориладиган мамлакатларда унинг маълумотларидан кенг фойдаланилади. Чунки фақат шу йўл билан ҳар қандай вақт учун ҳам йирик ҳудудий бўлинмалар, ҳам алоҳида гуруҳ аҳолининг сони ва таркибига доир аниқ маълумотларни қўлга киритиш мумкин. Шу тариқа муайян ҳудуд аҳолисининг истиқболдаги тараққиётини белгилаш ишлари анча осон кечади.

Регистрлар турли тадқиқотларни олиб боришда, танлаб ўтказиладиган тадқиқотлар респондентларини аниқлашда ёрдам беради. Хусусан, Дания ва Голландияда сўнгги 20 йил давомида аҳоли рўйхатлари аҳолини расмий рўйхатга олиш услубида эмас, балки аҳоли регистрларига асосланиб олиб борилади. Бунда регистр ёрдамида жамланган маълумот сифати қайд этишнинг аниқлиги ва тўлиқлиги, ҳар бир шахс ва уй хўжалигига доир маълумотларнинг ўз вақтида янгиланиб туришига боғлиқ.

Қатор давлатларда маъмурий қайд этишлар ва тез ривожланиб бораётган компьютер технологиялари асосидаги аҳоли регистрлари мунтазам янгиланиб турадиган маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун манба вазифасини ўтай бошлади. Хусусан, Финляндия, Дания, Голландия ва Швецияда ҳозирги вақтда анъанавий аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмайди. Жумладан, Финляндияда 1990 йилдан эътиборан аҳолини рўйхатга олиш бевосита аҳолига мурожаат қилинмасдан, регистрлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, аҳоли рўйхатлари муайян вақтдаги аҳоли сони ҳамда таркиби ҳақида статистик тасаввурлар ҳосил қилиш; аҳолини ҳисобга олиш эса вақт ўтиши мобайнида аҳоли сони ва таркибидаги ўзгаришларни, яъни унинг динамикасини кузатиш имконини беради. Ганлаб ўтказиладиган тадқиқотлар демографик жараёнларнинг ўтмишда кечиши ёки ҳозирги динамикаси хусусидаги маълумотларни тақдим этса, аҳоли регистрлари ҳар бир шахснинг асосий ижтимоий-демографик тавсифларини жамлашга ёрдам беради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Демографик маълумотлар деганда нимани тушунасиз?
2. Аҳоли тўғрисида ахборот берувчи манбаларни санаб беринг.
3. "Аҳоли рўйхати" тушунчасига таъриф беринг.
4. Дастлабки аҳоли рўйхати қачон ва қаерда ўтказилган?
5. Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифаларини айтиб беринг.
6. Аҳолини рўйхатга олишда қандай усуллардан фойдаланилади?
7. Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнларни жорий қайд этиш қайси орган орқали амалга оширилади?
8. Туғилиш ва ўлим жараёнларини қайд этиш тартибини тушунтириб беринг.
9. Ганлаб ўтказиладиган тадқиқотлар деганда нимани тушунасиз?
10. Ганлаб ўтказиладиган тадқиқотлар қандай мақсадларда ўтказилади?
11. "Аҳоли регистри" тушунчасига таъриф беринг.
12. Аҳоли регистрининг қандай турларини биласиз?

Адабиётлар рўйхати

1. Ата Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – 223 с.
2. Борисов В.А. Демография: Учебник для вузов. 4-е изд. – М.: Нота Бене, 2004.
3. Бреева Е.Б. Основы демографии: Учебное пособие. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Дашков и К, 2009.
4. Демография: Учебное пособие. Коллектив авторов. /Под ред. В.В. Глушковой, Ю.А. Симагина. 7-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2013. – 304 с.
5. Денисенко М.Б., Новоселова С.В. Основы демографии. *Пособие для государственных служащих.* /Под общ. ред. С. Калинина. Мн.: Альтиора - Живые краски, 2012.

6. Денисова М.Б., Калмыкова Н.М. Демография. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010.
7. Лысенко С.Н. Демография. Учебно-практическое пособие. – М.: Вузовский учебник, 2010.
8. Медков В.М. Демография: Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2009.
9. Основы демографии: Учебное пособие. /П.И. Косов, А.Б. Берендеева. – 2-е изд, доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010.
10. Сагадов, А.А. Экономическая демография: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 254 с.
11. Харченко Л.П. Демография: Учебное пособие. -М.: Изд-во «Омега-Л», 2011.- 372 с.
12. Убайдуллаева Р.А. Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития. /Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. –Т., 2009.

3-боб. АҲОЛИНИНГ МИҚДОР ВА СИФАТ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Аҳоли сони динамикаси кўрсаткичлари

Аҳоли сони муайян бир ҳудудда яшовчи аҳолининг умумий миқдори ҳисобланиб, у энг кенг тарқалган умумий миқдорий демографик тавсифлардан биридир. Аҳоли сони туғилиш ва ўлим натижасида мунтазам, муайян бир ҳудуд учун эса аҳоли миграцияси натижасида ўзгариб туради. Шунинг учун демографик таҳлилда аҳоли сонига вақт функцияси сифатида қаралади. У маълум бир вақт аҳолини рўйхатдан ўтказиш вақти, йилнинг боши, йилнинг охири ёки йил ўртасидаги ҳолати бўйича ўлчанади ва баҳоланади. Ушбу вақт, айниқса, катта мамлакатлар ёки ҳудудлар учун жуда муҳим. Чунки унча катта бўлмаган мамлакатлар ва ҳудудларда йил бошидаги ва йил ўртасидаги аҳоли миқдоридаги фарқ 100 минг кишини ташкил қилса, катта давлатларда бу миллионлаб кишиларга тенг бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижасида, рўйхатдан ўтказиш ўртасидаги даврда эса туғилиш, ўлим, миграцияни ҳисобга олиш асосида олинади. Айрим мамлакатлар ва ҳудудларнинг, жумладан, ўтган даврлар учун аҳолиси сони турли манбалар: архив материаллари, тарихий демографик ва палеодемографик манбалар асосида аниқланади. Аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар аниқлиги аҳолини ҳисобга олишнинг тўлиқлигига боғлиқ, шунинг учун аввалларн уларнинг аниқлиги паст бўлган бўлса, ҳозирги кунда эса доимий равишда аҳолини рўйхатдан ўтказиш ва аҳолини жорий ҳисобга олишни йўлга қўйилганлиги сабабли аниқроқдир.

Аҳолини ҳисобга олиш статистикасида қуйидаги тоифалар фарқланади:

- **мавжуд аҳоли** – ҳисобга олиш пайтида мазкур аҳоли пунктида доимий яшаш жойидан қатъи назар мавжуд бўлган аҳоли қисми;
- **доимий аҳоли** – ҳисобга олиш пайтида амалда қаерда бўлишидан қатъи назар мазкур аҳоли пунктида доимий яшайдиган аҳоли қисми;
- **вақтинча йўқлар** – ҳисобга олиш пайтида доимий яшаш жойида вақтинча йўқ бўлган (6 ойдан кўп бўлмаган даврда) шахслар;
- **вақтинча борлар** – ҳисобга олиш пайтда мазкур аҳоли пунктида вақтинча бор бўлган (6 ойдан кўп бўлмаган муддатда) шахслар.

Ер юзидаги аҳоли жаҳонда яшаётган одамлар такрор ҳосил қилинишининг муттасил жараёнидир. 1 асрда ер юзида 300 миллион киши яшарди. 2011 йил ўрталарига келиб эса жаҳондаги аҳоли сони 7 миллиардга етди. Прогнозларга кўра, 2050 йилга бориб ер юзидаги аҳоли сони 9,1миллиард кишига етади (3.1-расм).



3.1-расм. Ер юзи аҳолиси ортишининг динамикаси (млн. киши ҳисобида)

Олимларнинг тадқиқотлари кейинги 6000 йил давомида (XX асрнинг 60-70-йилларигача) Ер юзидаги аҳоли сони ўсишининг гиперболик мутлақ суръатлари тенденцияси кузатилганлигидан далолат беради. 1960-йиллардан бошлаб эса жаҳон аҳолиси сони ортишнинг нисбий суръатлари пасая бошлади. 1989 йилдан жаҳон аҳолиси сони ўсишининг мутлақ суръатлари ҳам камайди. Буни глобал демографик ўтишнинг мантиқий натижаси дейиши мумкин.

Аҳоли умумий сонини ҳисоблаб чиқишда демографик баланс *тенгламасидан фойдаланилади:*

$$P = P_0 + (N - M) + (V_+ - V_-) = P_0 + E + V_{пр},$$

бунда: P – аҳолининг умумий сони;

P_0 – йил бошидаги аҳоли сони;

N – туғилганларнинг умумий сони;

M – ўлганларнинг умумий сони;

E – аҳолининг табиий ўсиши;

V_+ – кўчиб келганлар сони;

V_- – кўчиб кетганлар сони.

Аҳоли сонининг умумий ўсиши эса қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

$$P_1 - P_0 = P_{пр},$$

бунда: P_0 – давр бошида (одатда йил) аҳоли сони;

P_1 – давр охирида аҳоли сони.

Рўйхатдан ўтказиш маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг аҳамиятлиги маълум бир вақтда олинган аҳоли сонининг амалдаги миқдори, одатда, маълум бир сусткашлик билан аниқланишига олиб келади. Шунинг учун аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар кўпинча охирги йиллар учун аҳоли ўсиш суръатлари тенденцияларини экстраполяциясига асосланган қисқа муддатли прогноз қилиш йўли орқали олинадиган баҳолар сифатида намоён бўлади.

Аҳоли сони динамикаси тўғрисидаги маълумотлар таҳлили учун таркибий кўрсаткичлардан, масалан, айрим ҳудудларда яшаётган аҳоли сони ва улушини солиштиришдан фойдаланилади. Бунда гуруҳлаш ва индекслар қўлланилади: ўсиш ва ўсиш суръатлари, тенг бўлмаган вақт оралиқлари учун эса ўсиш ва ўсиш суръатининг ўртача йиллик суръатлари олинади.

У ёки бу вақт учун аҳоли миқдорининг ўзгариши, биринчидан, аҳолининг **табиий ўсиш,** деб номланувчи туғилганлар ва ўлганлар миқдорининг фарқлари билан; иккинчидан, агар гап мамлакат ёки аҳоли яшаётган ҳудуд ҳақида кетаётган бўлса, уларнинг миқдори аҳоли миграцияси (келувчилар ва кетувчилар нисбати) билан аниқланади.

Аҳолининг табиий ўсиши тенгламаси қуйидагича:

$$N - M = E,$$

бунда: N – туғилганларнинг умумий сони;

M – ўлганларнинг умумий сони.

Иммиграция ва эмиграция ўртасидаги фарқ аҳолининг **миграция ўсиши** ёки **миграция сальдоси,** деб номланади.

Ташқи миграция мавжуд бўлмаган аҳоли **ёпиқ аҳоли**, деб аталади. Аксинча, ташқи миграция мавжуд бўлса, бу **очиқ аҳолидир**. Аҳолининг табиий ўсиши ва миграция сальдоси **муайян даврда аҳоли сони ўзгаришининг таркибий қисмлари** ҳисобланади.

Аҳолининг миқдорини ўрганишда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

• ҳар бир кейинги давр учун аҳолининг мутлақ сони унинг аввалги давр сонига тўла боғлиқлиги билан ифодаланади;

• вақт миқдорида аҳолининг ривожланиш жараёни нафақат аҳолининг миқдорий ўзгаришига, балки аҳоли таркибининг сифатига ҳам боғлиқ.

Муайян бир давр учун аҳоли сонида (S) содир бўлган ўзгаришлар ёки ундаги динамик қаторлар: S_0, S_1, S_2, ... S_n дан билиб олиш мумкин.

Аҳоли сони динамикасини ўрганишда, одатда, қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1) Аҳолининг мутлақ ўсиш суръати:

$$S = S_1 - S_0.$$

2) Аҳолининг нисбий ўсиш суръати (K_Δ) промилледа ўлчанади. **Промилле** – кўрилаётган катталикнинг мингдан бир улушидир.

$$K_\Delta = \frac{\Delta S \times 1000}{\bar{S}},$$

$$K_\Delta = \frac{(N - M) \times 1000}{\bar{S}},$$

бу ерда: $\bar{S}$ – аҳолининг ўртача йиллик сони, у давр боши ва охирига аҳоли сонининг ярим миқдори сифатида ҳисобланади;

N – туғилганлар сони;

M – ўлганлар сони.

3) Аҳоли сонининг ўсиш суръати (T_p):

$$T_p = \frac{S_1}{S_0} \cdot 100 .$$

4) Аҳоли сонининг ўртача ўсиш суръати ($\bar{T}_p$):

$$\bar{T}_p = \sqrt[n-1]{\frac{S_n}{S_0}},$$

бу ерда n – динамик қатор таркибининг сони ёки S_n ва S_0 оралиғидаги йиллар сони.

5) Аҳоли ўсиш суръатининг ўртача суръати ($\bar{T}_{np}$):

$$\bar{T}_{np} = \bar{T}_p - 100,$$

бу ерда ($\bar{T}_p$) – давр учун ўсишнинг ўртача суръати.

6) **Ҳаётийлик индекси** (I_v) табиий ўсиш суръатидан фарқли ўлароқ, у туғилганларнинг (N) ўлганлар (M) сонидан фарқини эмас, балки нисбатини билдиради:

$$I_v = \frac{N}{M} \times 100 .$$

Табиий ўсиш суръати ва ҳаётийлик индекси кўрсаткичлари ёрдамида аҳолининг **табиий ҳаракат тезлиги** ўлчанади. Агар маълум бир вақт оралиғи давомида туғилиш сони ўлим сонидан ортиб кетса, кекса авлод кўплаб болалар ва неваралардан иборат авлодлар томонидан янгиланаётганлигини тахмин қилиш мумкин.

7) Аҳолининг мутлақ ўсиш суръатининг жадаллик коэффициенти ва аҳоли табиий ўсиш суръати жадаллигининг ўзгариши коэффициенти. Ушбу коэффициентларнинг демографик мазмуни шундан иборатки, улар ўрганилаётган аниқ бир ҳудудда яшаётган аҳолининг иккита давр оралиғидаги иккита туташ рўйхатдан ўтказиш даврларидаги аҳоли ўсиш суръатининг табиий ва мутлақ кўрсаткич-

қиёсини ўртачасини ва улар ўртасида содир бўлган ўзгаришларни солиштириш имконини беради. Бу орқали узоқ вақт оралиғида аҳоли динамикаси жараёнлари жадаллигини тавсифлаш мумкин.

Коэффициентлар қуйидаги формулалар орқали ҳисобланади:

$$K_{\Delta S_{n+1}} = \frac{\overline{\Delta^{'} S_{n+1}} - \overline{\Delta^{'} S_{n+1}}}{\overline{S}},$$

$$K_{\overline{\Delta S}} = \frac{\overline{\Delta^{'}} - \overline{\Delta^{'}}}{\overline{S}},$$

бу ерда: $K_{\overline{\Delta S_{n+1}}}$ – аҳоли мутлақ ўсиш суръатининг жадаллик коэффициенти;

$K_{\Delta S}$ аҳоли табиий ўсиш суръати жадаллигининг ўзгариши коэффициенти;

ΔS_{n+1} олдинги давр учун аҳолининг ўртача йиллик мутлақ ўсиш суръати;

$\Delta^{'} S_{n+1}$ жорий давр учун аҳолининг ўртача йиллик мутлақ ўсиш суръати;

$\Delta^{'}$ олдинги давр учун аҳолининг ўртача йиллик табиий ўсиш суръати;

$\Delta^{'}$ жорий ёки ҳисобот даври учун аҳолининг ўртача йиллик табиий ўсиш суръати;

S икки таҳлил қилинаётган давр учун аҳолининг ўртача йиллик сони.

Юқоридаги кўрсаткичларнинг афзалликлари шундан иборатки, биринчидан, узоқ давр учун аҳолининг вақт давомидаги ўзгариш *жадаллигини* миқдорий баҳолаш, иккинчидан, мамлакатлар ва ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлил ўтказиш имконини беради.

Аҳоли сони динамикаси ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга, ривожланишининг тарихий хусусиятларига, демографик вазиятга, шунингдек, мамлакатдаги ва дунёдаги сиёсий ҳолатга бевосита боғлиқ бўлади[1]. (3.2-расм).

Динамик кўрсаткичлар аниқ бир ҳудуддаги аҳолининг вақт ичидаги ҳаракатини, унинг ўсиши, барқарорлашуви ёки камайиши, шунингдек ривожланишининг асосий тенденцияларини аниқлаш ҳақида тўғрироқ тасаввур қилиш имконини беради.

---

[1] Қаранг: Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, [illegible]. – С. 6.



3.2-расм. Аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар

Аҳоли сони кузатилаётган давр мобайнида ўзгаради, шунинг учун омиллар сони, масалан, туғилишлар сонининг мос равишдаги вақтда ўртача аҳолига нисбати олинади.

Аҳолининг ўртача сони (ўртача аҳоли) оддий тадрижий (хронологик) ўртача миқдорни англатувчи кўрсаткичдир. Агар аҳоли сонини вақтнинг S (t) функцияси сифатида қарасак, $t=t_0$ дан $t=t_0+T$ гача бўлган даврда (бу ерда T – кузатиш даври катталиги) ўртача аҳоли қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S = \frac{1}{T}\int_{t_0}^{t_0+T} S(t)dt$$

Интегралнинг ўнг томонида турган сон берилган давр давомида аҳоли томонидан яшаб ўтилган киши-йилнинг умумий миқдоридир. Уни T давр узунлигига бўлсак, ўртача аҳоли миқдорини ҳосил қиламиз.

Аҳолининг йил боши ва йил охиридаги сони мавжуд бўлган ҳолда аҳолининг ўртача йиллик миқдорининг ярим сони аниқланади. Бунда икки оралиқдаги даврлар орасидаги мавжуд аҳоли сонининг маълум бўлган миқдори бир текисда ўзгарган, деб қабул қилинади. Агар унбу бир текис ўзгарган сонни аҳолининг мавжуд ҳаракатланиш хусусиятлари кескин ўзгартириб юборган бўлса, уларни махсус тўғрилашлар асосида ҳисоблаш мумкин. Масалан, агар йил боши ва йил охирига шаҳар аҳолиси сонидан ташқари 400 ва 410 минглаш ташкил қилганлиги маълум бўлса ва агар ундан 60 минги ўртача 24 кунга ёки $\frac{1}{15}$ йилга таътилга кетган бўлса, бу ҳолат ўртача аҳоли сонини $\frac{1}{15}$ дан 60 мингтача камайтирган бўлар эди. Шундай экан, ўртача аҳоли қуйидагини ташкил қилган бўлар эди:

$$\frac{1}{2}(400 + 410) - \frac{1}{15} \cdot 60 = 401 \quad (\text{минг})$$

Агар каттароқ муддат учун аҳоли тўғрисидаги маълумот фақатгина йил боши ва охирига мавжуд бўлса, бунда кўпинча берилган давр оралиғида нотекис тақсимланган аҳоли сонининг ўзгарганлиги тўғрисидаги эҳтимолдан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг тенгни сурьатини, яъни геометрик прогрессиясини олиш керак. Бунда:

$$S(t) = S_0 (\frac{S_T}{S_0})^{\frac{1}{T}},$$

бу ерда: S_0 – давр бошига аҳоли сони;

S_T – даврнинг бошланишидан эътиборан унинг охирги даврига бўлган сони. Бундай ҳолда:

$$\bar{S} = \frac{1}{T}\int_0^T S_0 (\frac{S_T}{S_0})^{\frac{1}{T}} dt = \frac{S_T - S_0}{\ln S_T - \ln S_0},$$

яъни, бутун давр давомида аҳоли ўсишини унинг натурал логарифми ўсишига бўлган нисбатидир.

Масалан, Фарғона водийси аҳолиси 2000 *йили* 6009 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 6854 минг кишига тенг бўлган, деб *ҳисоблайлик.* У ҳолда юқоридаги формула қуйидагига тенг:

$$\bar{S} = \frac{6854 - 6009}{\ln 6854 - \ln 6009} = 6422 \ (\textit{минг}),$$

бунда бир текисда ўзгариш гипотезаси бўйича қуйидаги натижа чиқади:

$$0{,}5\ (6009+6854)=6431{,}5\ (\text{минг})$$

Муқим аҳоли – умумий миқдори, ёш-жинс гуруҳларининг миқдори ўзгармас аҳолидир. Шу билан бирга, стационар аҳолида туғилиш ва ўлим тартиби ҳам ўзгармайди. Ёш-жинс туғилишига келадиган бўлсак, аҳолининг стационарлиги у ўзгарган ҳолда ҳам сақланиб қолиши мумкин: бунинг учун маълум бир ёшларда туғилишнинг кўпайиши унинг бошқаларида камайиши билан қопланади.

Юқорида қайд қилинган аҳолининг мутлақ сони муайян вақт кўрсаткичи ҳисобланади. У ёки аҳолини рўйхатга олиш санаси бўйича, ёки ҳар йил боши – 1 январь, ёхуд хоҳлаган бошқа сана бўйича **демографик баланс тенгламаси** орқали аниқланади. Аҳолининг табиий ўсиши ва миграция сальдоси демографик баланс тенгламасининг алгебра маъносидаги қўшилувчиларидир. Агар биз муайян давр бошидаги аҳоли сонини (Pi), шу даврдаги туғилганлар (B) сонини (t-1), ана шу даврда ўлганлар сони (D), келганлар (Mi) ва кетганлар (Me) сонини билсак, t вақтдаги аҳоли сонини қуйидагича аниқлай оламиз:

$$Pi = Pi + (B-D) + (Mi - Me).$$

Бу ўринда демографик жараёнларнинг даврий маълумотларини аҳоли сонига доир кўрсаткичлар билан таққослаш муаммоси пайдо бўлишини таъкидлаш лозим. Бунинг устига аҳоли муттасил ўзгариб турганлиги учун унинг сони муайян давр боши ва унинг охирида турлича бўлади. Мазкур муаммони ҳал этиш учун демографик ҳодиса қайд қилинадиган вақт оралиғини қисқартириш ҳисобига даврий кўрсаткични муайян вақтга айлантириш ҳисобига ҳал этиш мумкин. Агар бу оралиқ, айтайлик, нолга айлантирилса, биз **демографик жараён кучи**, деб аталадиган кўрсаткичга эга бўламиз.

Мазкур муаммони ҳал этишнинг яна бир йўли – аҳоли сонининг муайян вақтдаги кўрсаткичини даврий кўрсаткичга айлантиришдир. Бу аҳоли сонини ўртачалаштиришдир, яъни аҳоли сонининг муайян вақтдаги кўрсаткичини бутун давр учун ҳолатига келтиришдир. Бундай кўрсаткич **давр давомида аҳоли томонидан яшалган инсон-йил сони** ёки **ўртача аҳоли сонидир**.

Давр давомида аҳоли томонидан яшалган инсон-йил сони турли одамлар муайян давр давомида мазкур даврда турлича умр кўради. Яъни кимдир ушбу ҳудудда мазкур даврнинг бутун давомида яшайди, бошқа бировлар ўлиши, кимдир туғилиши, яна кимдир бошқа ҳудудга кўчиб кетиши ёки бу ерга кўчиб келиши мумкин. Бундай ўзгаришлар бир эмас, бир неча марта ҳам такрорланиши

мумкин. Шунинг учун улар аҳоли сони ўзгаришига турлича таъсир кўрсатади ва мазкур даврда у ёки бу демографик ҳодиса содир бўлиши хавфи остида бўлади. Ана шу тафовутларни ҳисобга олиш учун аҳоли томонидан яшалган инсон-йилнинг умумий сони ҳисоблаб чиқилади.

3.2. Аҳоли сони динамикасининг нисбий кўрсаткичлари

Аҳолининг мутлақ ўсиши аҳоли сони динамикасининг бирламчи хусусияти сифатида мақбул ҳисобланса ҳам қатор жиддий камчиликлардан холи эмас. Бу кўрсаткич аҳоли мутлақ сонининг ўзига, шунингдек, кўриб чиқилаётган давр оралиғига ниҳоятда боғлиқ. Аҳолининг мутлақ сони ва даврнинг давомийлиги қанчалик катта бўлса, бошқа барча кўрсаткичлар тенг бўлганида аҳолининг мутлақ ўсиши шунчалик юқори бўлади.

Шунинг учун бундай боғликликдан халос бўлган нисбий кўрсаткичларга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бундай кўрсаткичларнинг энг соддаси **аҳолининг давр давомидаги ўсиш коэффициентлари**дир. Бу коэффициентларнинг биринчиси аҳоли сонининг давр охиридаги сонининг давр бошидагисига нисбати ҳисобланади:

$$К_{ўсиш} \quad (Pi : Po) \times 100,0\ \%.$$

Масалан, Ўзбекистон аҳолиси 1991 йилнинг 1 январида 20607,2 минг, 2013 йилнинг 1 январида эса 29993,5 минг кишини ташкил этган. Бу ҳолда аҳолининг бу давр давомидаги ўсиш коэффициенти

$$К_{ўсиш}\ 1991\text{-}2013 \quad (29993,5 : 20607,2) \times 100,0\ \% = 145,5\ \%.$$

Мазкур коэффициентларнинг иккинчиси – бу даврда аҳоли мутлақ сонининг давр бошидаги аҳоли сонига нисбатан қуйидагичадир:

$$К_{ўсиш} \quad (Pi - Po) : Po \times 100,0\ \%$$

Ўзбекистоннинг юқорида келтирилган аҳоли сони нисбати бу ҳолда қуйидагича бўлади:

$$К_{ўсиш}\ 1991\text{-}2013 \quad (29993,5 - 20607,2) : 20607,2 \times 100,0\ \% = 45,5$$

3.1-жадвалда Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг динамикаси келтирилган. Аҳолининг умумий сонига кўра, Ўзбекистон жаҳоннинг 230 мамлакати орасида 43, Осиёда эса 18-ўринда туради. Марказий Осиё республикалари жами аҳолисининг 45,0 %ни Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилади.

Мустақиллик йилларида (1991-2012 йиллар) Ўзбекистон аҳолисининг сони 8,1 млн. кишига, яъни йилига ўртача 381,5 минг кишидан кўпайган. Мамлакатда 1991-1995 йилларда аҳолининг йиллик ўртача ўсиши 453,8 минг кишини (йиллик ўртача 2,2 %) ташкил этган бўлса,

1996-2000 йилларда бу кўрсаткич - 393,3 минг киши (1,7 %), 2001-2005 йилларда 303,3 минг кишига (1,2 %) тенг бўлди. Аҳоли сонининг ўсиши 1980-йилларга нисбатан 2,5 бараварга, 1990-йилларга нисбатан эса деярли 2 бараварга камайган.

3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг динамикаси (2013 йилнинг 1 январигача, минг киши ҳисобида)[1]

Йиллар	Доимий аҳоли сони	Йиллар	Доимий аҳоли сони
1991	20607,7	2002	25115,8
1992	21106,3	2003	25427,9
1993	21602,2	2004	25707,4
1994	22091,9	2005	26021,3
1995	22461,6	2006	26312,7
1996	22906,5	2007	26663,8
1997	23348,1	2008	27072,2
1998	23772,3	2009	27533,4
1999	24135,6	2010	28001,4
2000	24487,7	2011	29123,4
2001	24813,1	2012	29555,4
		2013	29993,5

2004 йилдан бошлаб мамлакат аҳолисининг ўсиш суръатлари яна орта бошлади. Бу, демографларнинг фикрига кўра, 1980-йиллар охири ва 1990-йиллар бошида тугилганларнинг оила қуришлари билан боғлиқ.

Аҳоли сони мамлакат минтақалари ўртасида энг кўп Қашқадарё ва Сурхондарё (15,0 %), Наманган ва Хоразм (14,0 %) вилоятларида ортган. Тошкент шаҳрида мазкур даврда аҳоли сони деярли ўзгармаган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли сонининг ўсиши 10,0 %, Тошкент вилоятида эса 11,0 %ни ташкил этган.

Аҳоли сонининг даврдаги ўсиш коэффициентлари аҳолининг мутлақ ўсиши учун хос бўлган бир нуқсон – аҳоли мутлақ сонига боғликдан холидир. Улар турли мамлакат ва минтақалар аҳоли сони динамикасини, бир аҳоли тарихининг турли даврлари ва ҳ.кларни таққослаш имконини беради. Бирок улар ҳисобланаётган давр давомийлигига боғликдир. Давр давомийлиги қанчалик катта бўлса, бошқа барча кўрсаткичлар тенг бўлганида коэффициентлар шунчалик катта бўлади. Шу билан бирга мазкур коэффициентлар давр ичида аҳоли сонининг ортиши ва камайиши жадаллиги хусусида бирор маълумот бера олмайди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. // http: // www.lex.uz.

Умумий камчиликларга барҳам бериш учун **аҳоли сони ўсиши суръатлари ва аҳоли сони ортишининг ўртача йиллик коэффициентлари** ҳисоблаб чиқилади. Коэффициентлар билан аҳоли сони ўсиши суръатлари ва аҳоли сони ортиши ўртасидаги фарқ қуйидагилардан иборат.

Аҳоли сони ўсиши суръатларининг коэффициенти аҳолининг ўтган сонига нисбатан ҳисоблаб чиқилади. Юқорида аҳоли сонини ўзгартиришни, яъни аҳоли сонининг муайян вақтдаги кўрсаткичини *бутун бир учун ҳолатига келтириш учун* **давр давомида аҳоли томонидан яшаган киши-йил сони** ёки **ўртача аҳоли сони** кўрсаткичидан фойдаланишнинг кайд қилинган эди. Бунинг учун демографик ҳисоб амалга оширилаётган давр давомида мазкур аҳоли жамланмасида яшаган ҳар бир киши умри кесимининг йиғиндиси олинади. Бунда ушбу даврнинг бошидан охиригача умр кўрганлар коэффициенти 1,0 сифатида, қолганларники яшаган умри кесимига тенг миқдорда олинади.

Ҳисоб жараёнида кичик шаҳар аҳолиси томонидан бир йил давомида яшаган шартли киши йил сони ҳисоби келтирилган. Бундай ҳисобларни фақат кам миқдордаги аҳоли учун ҳамда аҳолининг табиий ҳаракати ва миграциясини ҳисобга олиш пухта йўлга қўйилган бўлса, амалга ошириш мумкин. Аҳоли кўп сонли бўлса, бундай ҳисобларни амалга ошириш мумкин бўлса ҳам бу жуда мураккаб бўлади. Шунинг учун амалиётда одатда **ўртача аҳоли сони**, деб аталадиган, шартли киши йиллар сони кўрсаткичидан фойдаланилади.

Ана шундай кўрсаткичлардан бири **давр ўртасидаги аҳоли сони**дир. У шартли киши йил умумий сонидир. Мазкур кўрсаткичдан, одатда, демографик ҳодисаларнинг ойма-ой ҳисоби пухта ташкил этилган ҳамда ҳисобланаётган давр мобайнида аҳоли сонида кескин ўзгаришлар рўй бермайдиган бўлсагина фойдаланилади. Масалан, МДҲда аҳолининг фақат ҳар йилнинг 1 январигагина эмас, шунингдек, 1 июль ҳолатига бўлган сони эълон қилинади.

Одатда аҳоли сони **бир текис** (чизиқли, арифметика[1] прогрессияли) ёки **доимий суръатда** (экспоненциал, геометрик прогрессияда) ўзгаради, деб ҳисобланади. Агар аҳолининг бир текис ўзгариши *гипотеза* қилинса, яъни аҳоли муайян давр оралиғида бир текис ўсаяпти (ортади ёки кўпаяди), деб ҳисобланса, бу ҳолда ўртача аҳоли сони аҳолининг йил боши ва охиридаги йигиндисининг ярмиси сифатида ҳисобланади:

[1] *Арифметик ўзгартиришли сони* кўрсаткичи бевосита аҳоли сони чизиқли ўзгаради, деган гипотеза асосида аниқланган. Бунда давр давомийлиги қанчалик қисқа бўлса, аҳолининг давр ўртасига нисбатан яшаган киши-йили шунчалик аниқ ҳисоблаб чиқилади. Шунинг учун, одатда, мазкур кўрсаткич фақат бир йил учун ишлатилади.

$$P = (Po + Pi) : 2,$$

бунда: P – ўртача аҳоли сони;

Po – аҳолининг йил бошидаги сони;

Pi – аҳолининг йил охиридаги сони.

3.2-жадвал

Шаҳар аҳолиси томонидан яшалган киши-йил кўрсаткичини ҳисоблаб чиқиш[1]

Кишилар сони	Ҳодисалар ва саналар		Яшалган кунлар сони	Яшалган киши-йил
700	1 январга бўлган ҳолат			
493	01.01 дан 31.12 гача шаҳарда доимий яшаганлар сони		179945	493
1	11 январда туғилган		354	0,97
1	11 январда туғилган	9 ноябрда вафот этган	302	0,83
200		15 январда вафот этганлар	3000	8,22
1	21 февралда туғилган	23 апрелда вафот этган	65	0,18
1	6 мартда туғилган	31 мартда вафот этган	25	0,07
2		8 апрелда вафот этганлар	196	0,54
94	10 апрелда туғилганлар		24910	68,25
4	Шаҳарга бошқа жойдан 18 апрелга келганлар		1032	2,63
1		1 июнда вафот этган		
1		5 июнда вафот этган	156	0,43
1	7 июнда туғилган		207	0,57
1		22 июнда вафот этган	173	0,47
1	24 июнда туғилган		190	0,52
1		30 июнда вафот этган	181	0,5
1		16 августда шаҳардан чиқиб кетган	228	0,62
1	26 августда туғилган		127	0,35
1	13 сентябрда туғилган	13 ноябрда вафот этган	61	0,17
1	1 октябрда туғилган		91	0,25
2	7 октябрда туғилишган		170	0,46
2	19 октябрда туғилишган		146	0,4
100	Шаҳарга бошқа жойдан келишган		6700	18,36
	Жами яшаган киши-йил			598,41
700	Аҳоли сонининг 31 декабрга бўлган ҳолати			

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 1991 йил 1 январь ҳолатидаги сони 20607,7 минг киши, 2013 йил 1 январь ҳолатидаги сони 29993,5 минг кишини ташкил этганлиги назарда тутилса, ушбу даврда мамлакат аҳолисининг ўртача сони:

$$P1991-2001 = (20607.7 + 29993,5) : 2 = 24800,6$$ минг кишини ташкил этади.

[1] Palmore J.A., Gardner R.W. Measuring Mortality, Feritity and Natural Increse: A Self-Teaching Guide Elementary Measures. –Honolulu, 1983. – P.4.

3.3. Аҳоли сифати ва унинг хусусиятлари

Аҳоли сифати ўзида алоҳида шахслар сифатлари жамланмасини акс эттиради ва эмпирик кузатиладиган ҳамда ўлчанадиган сифат спецификаси шаклини олади. Масалан, туғилиш ва ўлим аҳоли репродукциясининг ўзгариш ёки сақланиб қолиш хусусиятини тавсифлайди; никоҳ ва ажралиш – никоҳ иттифоқини вужудга келтириш хусусиятини; саломатлик – авлод ва шахснинг биологик функцияларининг барқарор уялаб туриш хусусиятини; таълим даражаси – инновация ютуқларига етишишга кўмак берувчи билимлар тизимини ўзлаштириш хусусиятини; малака ва профессионал даража – ишлаб чиқаришда фаолиятида иштирок этиш ва яшаш учун зарур воситаларни таъминлай олиш хусусиятини тавсифлайди. Аҳолининг барча хусусиятлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва уларнинг ҳеч бири алоҳида, мустақил ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Аҳолининг сифат кўрсаткичларига қуйидагилар киради (3.3-расм):

- саломатлик даражаси;
- таълим даражаси;
- малака даражаси ва касбий маҳорат;
- тадбиркорлик қобилияти;
- ҳаётий тажриба ва кўникма;
- дунёқараш ва он;
- одоб-ахлоқ ва хулқ-атвор;
- маънавий етуклик.



3.3-расм. Аҳолининг сифат кўрсаткичлари

Саломатлик – умуман, инсон организмининг ҳамда унинг барча органларининг ўз функцияларини бажаришга тўла қодир бўлган ҳолати, касалликнинг мавжуд эмаслигидир.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Устави саломатликни "Инсон организмининг органлари ва тизимлари уни ўраб турган ишлаб чиқариш ва ижтимоий муҳит билан мутаносиб бўлганида тўла жисмоний, маънавий, ижтимоий соғлигининг ҳолати" сифатида талқин этади.

Ушбу тушунчада саломатликнинг учта: жисмоний, рухий ва ижтимоий таркибий хусусиятлари қамраб олинган.

Жисмоний саломатлик – организм барча органлари ва тизимлари меъёрида амал этиб турган табиий ҳолатдир.

Рухий саломатлик деганда, фикрлаш даражаси ва сифати, диққат ва хотиранинг ҳамда ироданинг ривожланганлиги, ҳиссий барқарорлик даражаси тушунилади.

Ижтимоий саломатлик инсон ижтимоий ҳаёти асосини ташкил этадиган ахлоқ тамойиллари асосида белгиланади, яъни бу инсоннинг муайян жамиятдаги ҳаёт фаолиятидир. Мазкур хислатлар, энг аввало, инсоннинг меҳнатга муносабати ахлоққа ва турмуш тарзига зид хулқ ва одатларга фаол қарши туриши назарда тутилади.

Тиббий-санитария статистикасида **шахсий даражадаги саломатлик** деганда, инсонда касалликларнинг мавжуд эмаслиги, **жамият даражасида** эса – ўлим, касалланиш ва ногиронлик даражасининг пасайиш жараёни тушунилади. Бунда қуйидагилар фарқланади:

- шахсий саломатлик – алоҳида инсоннинг саломатлиги;
- гуруҳли саломатлик – ижтимоий ва этник гуруҳларнинг саломатлиги;
- минтақавий саломатлик – маъмурий ҳудуд аҳолисининг саломатлиги;
- ижтимоий саломатлик – умуман жамият саломатлиги.

Ижтимоий саломатликни баҳолаш учун қуйидаги тиббий-демографик кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. **Аҳоли табиий ҳаракати кўрсаткичлари**:
- туғилиш;
- умумий ва ёш гуруҳларидаги ўлим;
- аҳолининг табиий кўпайиши;
- никоҳ ва ҳ.к.лар.

2. Аҳолининг механик ҳаракати кўрсаткичлари:
- миграция:

- иммиграция;
- интеграция.

3. Касалланиш ва унинг ёйилиши тўғрисидаги маълумотлар.

4. Ногиронлик даражаси.

5. Аҳоли жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, саломатлик ҳолатига турмуш шароитлари ва турмуш тарзи, овқатланиш, препят, ташқи муҳит, табиий шароитлар ва соғлиқни сақлашнинг аҳволи таъсир кўрсатади (3.4-расм).



3.4-расм. Инсон саломатлигига таъсир кўрсатадиган омиллар, (умумий миқдорга нисбатан %)

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти нуқтаи назаридан одамларнинг саломатлиги – ижтимоий хусусиятдир, шунинг учун ижтимоий саломатликни баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади:

- ялпи ички маҳсулот ҳажмида соғлиқни сақлашга харажатлар улуши;
- шифохона тиббий-санитария ёрдамидан фойдаланиш имконияти;
- аҳолининг умрлик даражаси;
- ҳомиладорларнинг малакали ходимлар томонидан текширилиш даражаси;
- болаларни овқатлантириш аҳволи;
- болалар ўлимининг даражаси;
- кутилаётган ўртача умр давомийлиги;
- аҳолининг гигиеник саводхонлиги.

Соғлиқни сақлаш хизматлари билан қамраб олинишнинг кўрсаткичлари тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг соғлиқни сақлаш соҳасида энг муҳим чоралар билан амалда қамраб олингани даражасини ифода этади. Бундай чораларга қуйидагилар киради:

• аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш пайтида малакали тиббий хизмат кўрсатиш;

• репродуктив саломатлик соҳасидаги хизматлар;

• болаларнинг юкумли касалликларга чалинишининг олдини олиш мақсадларида эмлаш;

• болаларни А гуруҳи витаминлари билан таъминланиши;

• болалар, ўсмирлар ва катта ёшдагиларнинг касалликларини даволаш. Ўзбекистонда аҳоли саломатлиги даражасини мустақиллик йилларида оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 маротаба камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани якқол кўрсатиб турибди. Хусусан, Ўзбекистонда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида энг юқорилардан биридир (3.5-расм).



3.5-расм. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида умр кўриш давомийлиги, (йил)

Таълим даражасини инсоннинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжлари ва қобилиятини шакллантиришга таъсири нуқтаи назаридан уни ўзаро боғлиқ уч: шахс, давлат ва жамият нуқтаи назаридан кўриб чиқиш қабул қилинган.

Шахсий даражада – инсоннинг ўзлигини тўла намоён қилиш, интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш имкониятидир. Шу билан бирга таълим умумий ва касб билимларини эгаллашга ҳам хизмат қилади. Билимли инсон маънавий жиҳатдан бой, унинг ҳаёти фақат моддий қадриятлардангина иборат эмас. Таълим шахсга ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳаётини тўлақонли ва уйғун қилиш имконини беради.

Давлат даражасида шуни таъкидлаш керакки, давлат мамлакат интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришдан манфаатдор. Ҳозирги глобаллашув даврида таълим иқтисодий ривожланиш ва миллий бойликни жамғаришнинг энг муҳим таркибий қисмига айланди.

Аҳолининг маънавий бойлиги мамлакатда ҳуқуқий маданиятни шакллантиради, шунингдек, халқнинг эркин, демократик, ҳуқуқий давлатда яшаш ва меҳнат қилиш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан ўзининг ҳамда давлат ва жамият манфаатлари йўлида фойдаланишга кумаклашади.

Жамият даражасида таълим алоҳида глобал маънавий қадриятларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бу жамиятни тараққий эттиришнинг қудратли омилидир. Жамиятнинг интеллектуал ривожланиши – ижтимоий тараққиётг асосидир.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинмоқда. Мазкур дастурга мувофик, мамлакатда 9+3 чизмаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Таълимни ислоҳ қилиш "ўзбек модели"нинг принципиал хусусияти шундан иборатки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди. Ўн икки йиллик мажбурий таълимдан сўнг уларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

Қуйидаги 3.6-расмда Ўзбекистонда таълим тизимининг эски ва янги кўринишлари берилган.



3.6-расм. Ўзбекистонда таълим тизимининг эски ва янги кўринишлари[1]

[1] Абдурахмонов Қ.Х., Имомов В. Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш муаммолари. Монография. – Т.: Akademiya, 2008. – 75 б.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш йилларида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни 2 миллион 800 мингдан зиёд ёшлар битириб чиқди. Улар нафақат иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишнинг, айни вақтда мамлакат кадрлар таркибини сифат жиҳатидан янгилашнинг қудратли омилига айланди.

Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатда университет ва институтларнинг сони деярли икки бараварга ортиб, 65 тага етди. Олий таълимга бакалавриатнинг 150 тадан кўпроқ йўналиши ва магистратуранинг 650 ихтисослиги бўйича давлат таълим стандартлари жорий этилган.

Таълим даражаси бўйича Ўзбекистон дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида туради, яъни таълим кўрсаткичи 0,998 га етган, жаҳон бўйича эса ушбу ўртача кўрсаткич 0,77 га тенг. Мамлакатимиз таълим кўрсаткичи бўйича Европа Иттифоқи тарки-бига кирадиган Мальта, Румыния, Хорватия, Марказий Американинг саноати энг ривожланган мамлакати – Коста-Рика ва Хитой Гонконгидан олдинда. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон нефть ҳисобидан бойиб кетган Бахрайн ва Бруней, Қувайт, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, шунингдек, иқтисодий ривожланиш соҳасида катта муваффакиятга эришган Мексика ва Малайзиядан ўзиб кетган. Ўзбекистонда катта ёшдаги аҳоли саводхонлиги даража-си 99,3 фоизни ташкил этади. бу эса Италия, Испания, Жанубий Корея, Исроил каби иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакат-ларникидан юқоридир.

Аҳолининг **малака** ва **касбий маҳорат** кўрсаткичи, бир томондан, ходимнинг доимий равишда мураккаблашиб борувчи меҳнат функцияларини бажаришга, меҳнатнинг ўзгаришига тайёрлиги, иккинчи томондан, меҳнатга муносабатни, меҳнат интизомини, меҳнат интенсивлигини шакллантирувчи омил ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич ходимнинг йиллар давомидаги меҳнат фаолияти, амалий тажрибалари ва назарий билимлари асосида шаклланади. Малака ва касбий маҳоратнинг юқори кўрсаткичи ходимнинг ўз мутахассислигини яхши эгаллагани, касбий тайёргарликка эгалиги ва замонавий талабларга жавоб бера олиш кобилиятларидан далолат беради. Ушбу омил орқали жамоа ва жамиятда янги ютуқларга эришиш ва юқори марраларни забт этиш мумкин бўлади.

Тадбиркорлик кобилияти – ходимнинг яратувчанлик ва янгиликка интилиб ишлашини англатувчи кўрсаткичдир. Ушбу қобилиятга эга бўлган ишчилар даромад олиш йўллари ва манбаларини яхши ўзлаштирган бўлиб, бизнес юритиш бўйича етарли билимга эга

оширадилар. Шунингдек, тадбиркорлик қобилияти ташаббускорлик ва янги ғояларнинг вужудга келишини таъминлайди. Корхона стратегиясини ишлаб чиқиш, унинг келгуси режаларини белгилаш ва ишлаб чиқаришнинг янги турларини жорий этишда ушбу хусусиятга эга кишилар меҳнатидан фойдаланиш ўз самарасини беради.

Шахснинг **ҳаётий тажриба** ва **кўникма даражаси** *йиллар* давомида шаклланиб, ҳаётий сабоқлар ва синовлар натижасида ортиб боради. Жамиятда уларга нисбатан "кўпни кўрган", "узоқни кўра оладиган" ва "сабр-бардошли" каби иборалар ҳам қўлланилади. Ушбу кўрсаткичга эга бўлган ходимлар меҳнат жамоасида ҳар доим ўз амалий тажрибалари, фаоллиги ва масъулиятни ҳис этиши билан ажралиб турадилар. Шунингдек, ёш кадрларни меҳнатга тайёрлаш ва уларни касбга, ҳаётга ўргатишда ҳаётий тажрибага эга кишиларнинг ўрни каттадир.

Дунёқараш ва **онг** кўрсаткичи шахснинг дунёвий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий билимлари кенглиги даражасини англатиб, унинг билим салоҳиятини кўрсатади. Чунки дунёқараш ўқиш, изланиш, ўрганиш ва интилиш натижасида шаклланиб боради. Шунингдек, ушбу кўрсаткич шахснинг ўқув даражасини ҳам англатади. Ушбу хусусиятга эга кишилар ўзларининг ижодий қобилиятлари ва фантазиялар қўлами кенглиги билан ажралиб турадилар. Дунёқараш ва онгининг юқори кўрсаткичи янгиликлар яратиш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва илмий ютуқларнинг бош омили ҳисобланади. Ташаббускорлик, янги ғоялар, ихтиро ва илмий ютуқлар эса мамлакатда фан-техника тараққиётини жадаллаштиради.

Одоб-ахлоқ ва **хулқ-атвор** меъёрлари инсонни безаб турувчи асосий фазилатлардан бири ҳисобланиб, ушбу кўрсаткич шахснинг характерини ҳам ифодалайди. Жамиятдаги "этика", "эстетика" ва "маданият" тушунчалари ҳам айнан кишиларнинг одоб-ахлоқ ва хулқ-атвор меъёрларидан келиб чиқади. Корхонада ходимлар хулқ-атвори меҳнат жамоаси ўртасидаги муҳитни ҳам белгилаб беради. Шу сабабли корхонада ходимларни танлашда ҳам биринчи навбатда унинг хулқ-атворига қаралади. Қайси жамиятда одоб-ахлоқ ва хулқ-атвор меъёрларига амал қилинар экан, ўша ерда аҳиллик, тотувлик ва тартиб ортади.

Маънавий етуклик кўрсаткичи маънавий бой, соғлом ва баркамол шахсларга нисбатан ишлатиладиган тушунча бўлиб, у ўзида шахснинг барча сифат кўрсатчикларини мужассамлаштиради. Маънавий ривожланиш даражаси киши маънавиятининг пичоғлик ғўзаллиги, фикр ва онгининг софлиги каби шахсий хусусиятларни билдиради. Бу

хусусиятлар инсоннинг танлаган фаолият соҳасида муваффақиятли ишлаши учун зарур омил ҳисобланади. Инсоннинг маънавий ривожланиши ва тасаввурларининг салмоғи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётга қараб ҳам ўзгариб боради. Бу ҳол, ўз навбатида, меҳнат соҳасидаги мавжуд тамойилларни тўлиқ акс эттиради. Иқтисодиётда ва умуман, жамиятда изчил ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда кишилардаги маънавий фазилатларнинг роли, айниқса, ортади. Шунингдек, маънавий етуклик – бу фидоийлик ва ватанпарварлик демакдир. Фидоийлик ва ватанпарварлик эса жамият тараққиёти гаровидир.

Аҳолининг сифат хусусиятларини шакллантириш бевосита қуйидаги вазифалардан келиб чиқади:

• аҳолининг сифат индексларини ҳисоблаб чиқиш;

• ҳудудларнинг аҳоли сифати даражаси ва иқтисодий ўсиш даражалари ўртасидаги алоқалар зичлиги ва тавсифини аниқлаш (аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий маҳсулот сифат тавсифларининг ҳолатини интеграл баҳолаш учун ҳудудлар миқёси билан биргаликда);

• сифат тавсифларининг мувофиқлаштирилганлик даражасини баҳолаш;

• моддий фаровонлик даражасининг таъсир тавсифини, сифат тавсифларини мувофиқлаштирилганлигини ва таркиб топган аҳоли сифат даражасининг кейинги ўзгаришига таъсирини аниқлаш;

• аҳоли сифат тавсифларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича ҳудудларни турларга ажратиш.

Аҳолининг сифат индексини ҳисоблаб чиқиш учун, биринчидан, сифат тавсифларини акс эттирувчи кўрсаткичларни танлаб олиш, иккинчидан, ушбу турфа кўрсаткичларни яхлит ҳолга келтириш керак. Иқтисодий, ижтимоий ва демографик жараёнларни ўзаро алоқадорликда таҳлил қилишнинг комплекс ёндашувига мос равишда, ҳар бир сифат тавсифи унинг турли жиҳатларини акс эттирувчи (масалан, ёш-жинс таксимоти шаклида акс эттирилган саломатликни – ўлим, касалланиш, ногиронлик, жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ёрдамида) кўрсаткичлар жамланмаси ёрдамида ҳам, умумлаштирилган, юқори агрегатланган кўрсаткичлар ёрдамида ҳам тасвирланиши мумкин.

Бундай умумлашган кўрсаткичлар тизимига туғилгандаги кутилаётган ҳаёт давомийлиги (саломатлик); туғилишнинг умумий коэффициенти (туғилиш); никоҳда бўлган эркаклар улуши (никоҳ-

ишик); умумий бандлар таркибида олий ва ўрта маълумотли мутахассисларнинг улуши (таълим); пул шаклидаги ўртача ойлик иш хақини (малака) киритиш мумкин.

Турфа умумлаштирилган сифат тавсифлари кўрсаткичларининг яхлитланган маълумотлари учун аҳоли эҳтиёжларини англаб етилганлиги муҳим аҳамиятга эга, чунки улар асосида сифат тавсифларининг шаклланишини ётади. У аҳолининг манфаатлари реал тавсифга эга эканлигидан далолат беради ҳамда ҳаёт фаолиятининг таркиб топган шароитлари нуқтаи назаридан эришилади. Шу муносабат билан демографик эҳтиёжларнинг миқдорий намоён бўлиши шахслар онгида идеал тасаввурлар шаклида юзага келади. Шу муносабат билан демографик эҳтиёжларнинг қондирилганлик даражаси идеал кўрсаткичга мос тушувчи даража сифатида кўриб чиқилиши, сифат тавсифининг даражаси эса минтақалараро қиёсланлар асосида аниқланувчи сифат тавсифларининг умумлаштирилган кўрсаткичларига мувофиқ ҳолда мос тушиши даражаси сифатида баҳоланиши мумкин. Шундай қилиб, барча сифат тавсифларининг умумлаштирилган кўрсаткичлари номланмаган индекслар шаклида акс эттирилиши мумкин, улар қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Ji \quad 1 - \frac{|Xi, \text{энг яхши} - Xi|}{|Xi, \text{энг яхши} - Xi, \text{энг ёмон}|} \quad (3.11)$$

бу ерда: *Ji* — *i*-чи сифат тавсифининг умумлаштирилган кўрсаткичининг индекси;

Xi — *i*-чи сифат тавсифининг умумлаштирилган кўрсаткичи;

Xi энг яхши, *Xi* энг ёмон — *i*-чи сифат тавсифининг умумлаштирилган кўрсаткичларининг шартли энг яхши ва шартли энг ёмон катталиклари.

Одатда, шартли энг яхши сифатида ёки таҳлил қилинаётган вақт давомида эришилган (бундай ҳолда ҳисобланаётган индекс таркибий индекс номини олади ва ушбу кўрсаткич бўйича ҳудуд ҳолатини аниқлашга имкон беради ва фақатгина бошқа ҳудудларга нисбатан олган ушбу вақтдаги ҳолатини аниқлаш имконини беради) ёки таҳлил қилинаётган вақтнинг бутун даври мобайнида (бундай ҳолда ҳисобланаётган индекс динамик индекс номини олади ва умумий вазиятнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда ҳудуднинг умумлашган ҳолда ҳолатининг ўзгаришини аниқлаш имконини беради) эришилган сифат тавсифининг умумлаштирилган кўрсаткичининг катталиги олинади. Туғилишга нисбатан шартли энг яхши даража

сифатида туғилишининг 2,15 га тенг бўлган йиғинди коэффициенти қабул қилинади, у мавжуд ўлим даражаси шароитида аҳолини такрор ҳосил бўлишининг оддий даражасини кафолатлайди. Умумлашган кўрсаткичнинг энг ёмон катталиги сифатида шартли энг яхши катталикдан максимал даражада фарқланадиган кўрсаткич олинади.

Ji индекси 0 дан (шартли энг ёмон кўрсаткич индекси) 1 гача (шартли энг яхши кўрсаткич индекси) ўзгаради, у мамлакат ҳудудлари аҳолисининг сифат тавсифларини умумлашган кўрсаткичларининг вариация қилиниш чегараларини кўрсатади. Турли сифат тавсифларининг индексларини бир-бири билан ўзаро қиёслаш ижтимоий-демографик дастурларнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини беради, тенг шароитларда индекс қанчалик кичик бўлса, устуворлик шунчалик юқори бўлади.

Ji асосида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланиши мумкин:

$$J_{h} = \frac{}{\delta_{J_i}} = \sqrt{\frac{n}{\sum_{i=1}^{n} (J_i)^2 - n(\overline{J_i})^2}},$$

$$J_{кн} = \sum_{i=1}^{n} R_i J_i, \quad (3.12)$$

$$J_{рн} = \frac{J^{1}_{кн}}{J^{0}_{кн}},$$

бу ерда: J_h – сифат тавсифларининг мувофиқлаштирилганлик индекси;

δ_{Ji} – сифат тавсифлари индексларининг дисперсияси;

$J_{кн}$ – аҳолининг сифати индекси;

R_i – сифат тавсифининг ***i***-чи аҳамияти (социологик тадқиқотлар натижалари бўйича ҳисобланади);

$J_{рн}$ – аҳолининг ривожланиш индекси (аҳоли сифат индексининг юксалиш суръати).

Шундай қилиб, аҳолининг сифат хусусиятлари саломатлик, таълим даражаси, малака, касбий маҳорат, тадбиркорлик қобилияти, ҳаётий тажриба, кўникма, дунёқараш, онг, одоб-ахлоқ, хулқ-атвор, маънавий етуклик тавсифлари билан белгиланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳоли сони деганда нимани тушунасиз?
2. Аҳоли сонининг ўзгаришига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. "Табиий ўсиш" ва "миграцион ўсиш" тушунчаларига таъриф беринг.

4. Промилле деганда нимани тушунасиз?
5. Ҳаётийлик индекси қандай аниқланади?
6. Аҳолининг ўртача сонини аниқлаш тартибини тушунтириб беринг.
7. "Стационар аҳоли" тушунчасига таъриф беринг.
8. Аҳолининг сифати деганда нимани тушунасиз?
9. Аҳолининг сифат кўрсаткичларини санаб беринг.
10. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимининг эски ва янги кўринишларини тушунтириб беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Қ.Х., Имомов В. Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. Монография. – Т.: Академия, 2008.
2. Архангельский В.М., Иванова А.Е., Рыбаковский Л.Л., Рязанцев С.В. Практическая демография: Учебник. – М.: ЦСП, 2005.
3. Ата Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009.
4. Брсева Е.Б. Основы демографии: Учебное пособие. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Дашков и К, 2009.
5. Демография: Учебное пособие. /Под ред Глушкова В.Г., Синягина Ю.А. – М.: КноРус, 2010.
6. Денисова М.Б., Калмыкова Н.М. Демография. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010.
7. Медков В.М. Демография: Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2009.
8. Косов Ю.И. Основы демографии: Учебное пособие. Берендеева А.Б. – 2-е изд, доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010.
9. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2010.
10. Харченко Л.П. Демография. Учебное пособие. – М.: Омего-Л, 2009.

4-боб. АҲОЛИ ТАРКИБИ ВА УНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

4.1. Аҳоли таркиби тўғрисида тушунча

Аҳоли таркиби – аҳолининг муайян бир аломатларга кўра тақсимланиши ёки социология нуқтаи назаридан қайсидир ўзгарувчанларнинг тақсимотидир. Таркибни шакллантириш учун асос сифатида тадқиқотчида қизиқиш уйғотиш мумкин бўлган ҳар қандай тавсифдан фойдаланиш мумкин. Турли фан вакиллари (демографлар, иқтисодчилар, социологлар ва ҳ.к.лар) аҳоли таркибини кўпинча қуйидаги ўзгарувчилар тоифасига асосланиб белгилайди:

• **аксиптив (қўшимча қилинган) тавсифлар** (туғилганда ҳисобга олинувчи): жинс, ёш, ирқий мансублик, этник мансублик ва баъзи бошқалар;

• **ижтимоий тавсифлар**: никоҳ мақоми (никоҳ ҳолати), саводхонлик ва таълим, мактабда ўқитилиши (болалар ва ўсмирлар учун), қайси мамлакатда туғилгани, она тили, фуқаролик ҳолати, диний мансублик ва ҳ.к.лар;

• **иқтисодий тавсифлар**: даромад манбаи, иш билан бандлик мақоми, касби, тармоқ ва ҳ.к.лар;

• **миграция тавсифлари**: туғилган жойи, мазкур аҳоли манзилгоҳида қачондан буён яшаётганлиги, у ёки бу вақт оралиғида яшаш жойини неча марта ўзгартирганлиги ва ҳ.к.лар;

• **витал (демографик) тавсифлар**: никоҳ тузишдаги ёши, никоҳнинг тартиб рақами, туғилган фарзандлари сони, бола туғилгандаги ёши, ҳомиладорликлар сони, генетик оралиқлар, туғилишлар сони, ўлим сони, ўлик туғилганлар сони ва бошқалар;

• **оила (уй хўжалиги) тавсифлари**: уй хўжалиги тури, катталиги, таркиби ва бошқалар.

У ёки бу аломатлар бўйича маълумотлар аҳолини рўйхатдан ўтказишда ва демографик ҳодисаларни ҳисобга олишда инобатга олинади. Ушбу аломатлар бўйича аҳоли таркиби ҳақидаги умумлашган маълумотлар тузилади. Лекин демограф учун аҳолининг такрор ҳосил бўлишига бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган аҳоли таркиби ва тавсифлари муҳимдир, чунки улардаги ўзгаришлар бевосита ва энг кучли таъсир қилади. Бундай таркиблар, юқорида қайд этилганидек, **демографик таркиблар** деб юритилади.

Демографик тавсифлар унчалик кўп эмас: улар **жинс, ёш, никоҳ мақоми ва оилавий мақом**, шунингдек, юқорида қайд этилган витал ҳодисалар тавсифидан иборат. Демографик ўзгарувчилар ичида

оиласи ўрнида жинс ва ёш, оила (уй хўжалиги) тавсифлари туради. Демографик таркиблар ичида эса бу, тегишли равишда – **аҳолининг жинс, ёш ва никоҳ-оила** таркибларидир.

4.2. Аҳолининг жинсий таркиби

Аҳолининг жинсий таркибини ўрганиш муҳим демографик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Биология фани жинсни жинсий кўпайишни таъминлаб берувчи организмнинг генетик, морфологик ва физиологик хусусиятларининг жамланмаси сифатида кўриб чиқади.

Инсонга нисбатан жинсга одам танасининг (генетик, морфологик ва физиологик) репродуктив, феъл-атвор, ижтимоий, ижтимоий-руҳий ва руҳий аломатлари мажмуаси сифатида қаралади, улар инсонни эркак ёки аёл сифатидаги шахсий биологик ва ижтимоий мақомини белгилаб беради.

Жинс, умуман, тушунарли аломат, бирок унга таъриф беришда олимлар маълум қийинчиликлар пайдо бўлади. Лекин бундай муаммоли ҳолатлар кам учрайди. Аксарият ҳолларда инсон пафақат ўзининг, балки бошқа кишиларнинг ҳам жинсини осон аниқлай олади. Ушбу жиҳатдан инсон жинсини комплекс тушунча тарзидаги мураккаб жинсини, турли фан соҳаларини қамраб олган жиҳатлари акс эттирилган.

Сўнгги йилларда "биологик жинс" ва "ижтимоий жинс" тушунчалари фарқлана бошлади. Бунда ижтимоий жинс "гендер" номини олди. Гендер деганда эркак ёки аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий роли тушунилмоқда. Олимлар гендерга "биологик жинсни ижтимоий фаолият хосласи сифатида тартибга соладиган битимлар жамланмаси"[1] сифатида таъриф берадилар.

Жинс белгиси асосида энг муҳим демографик таркиб – аҳолининг жинсий таркиби (тузилмаси) шакллантирилади.

Аҳолининг жинсий таркиби – аҳолининг эркак ва аёлларга тақсимланишидир.

Демографияда жинсий таркибни тасаввур қилишда қуйидаги иккита ёндашув мавжуд:

биринчиси – жами аҳоли таркибидаги ёки айрим ёш гуруҳларидаги эркак ва аёллар мутлақ сони ва улушининг оддий ҳисоби;

иккинчиси – жами аҳоли таркибидаги ёки айрим ёш гуруҳларидаги эркаклар сонининг аёллар сонига нисбати (ёки аксинча).

---

[1] Gayle R. The Traffic in women: Notes on the "Political Economy" of Sex // Toward an Anthropology of Women. – N.Y., 1975.

4.1-жадвал

Инсон жинсининг турлари*

Номланиши	Аломатлар тавсифи
Генетик жинс ёки генотип	Ҳужайралардаги XX (аёл жинс) ёки XY (эркак жинс) хромосомаларнинг мавжудлиги
Гонад ёки ҳақиқий жинс	Жинсий безларнинг тузилиши (тухум ва тухумдонлар)
Гамет жинси	Жинсий безларнинг сперматозоидлар ёки тухум ҳужайраларини ишлаб чиқара олиш қобилияти
Гормонал жинс	Жинсий безларнинг эркак (андроген) ёки аёл (эстроген) жинсий гормонларини ишлаб чиқариш вазифаси
Морфологик (соматик) ички ва ташқи жинс	Ички репродуктив органлар ва ташқи гениталияларнинг (генитал ташқи кўриниш) тузилиши
Аскриптив (кўшиб кўйилган), фукаролик, паспорт жинси	Болани туғилгандаги генитал ташқи кўриниши
Жинс тарбияси	Болани аскриптив жинсига мувофиқ тарбияланётган жинси
Пубертат жинс	Ўз ичига андроген ва эстрогенлар ишлаб чиқарилишини олувчи жинсий стукликдаги хусусиятлар (пубертат гормонал жинс), гормонлар таъсири остида шаклланувчи иккиламчи жинсий аломатлар (пубертат морфология) ва эротик ҳиссиётлар (пубертат эротизм)
Рухий жинс ёки ўзини-ўзи жинсий англаш	Шахснинг ўзини эркак ёки аёл сифатида англаб етиши
Ижтимоий жинс	Эркак ёки аёлнинг жамиятдаги жинсий ўрни

*Манба: Кон И.С. Введение в сексологию. – М., 1988. –С. 42-61; Народонаселение. Энциклопедический словарь. – М., 1994. – С. 327.

Одатда, жинслар нисбати эркаклар сонининг ҳар 100 ёки 1000 аёлга тўғри келадиган нисбати орқали ҳисоблаб чиқилиши билан аниқланади (ёки баъзан аёллар сонининг ҳар 100 ёки 1000 эркакка тўғри келадиган нисбати).

Аҳолининг жинс таркиби учта омилнинг биргаликдаги таъсирига боғлик:

1) тирик туғилганлар орасидаги ўғил болалар сонининг қиз болалар сонига нисбати;

2) ўлимнинг табақаланиши, яъни турли ёш гуруҳларидаги эркаклар ва аёллар ўртасидаги ўлим даражасининг фарки;

3) миграция суръатидаги жинслар фарқи.

Биринчи омил (жинсларнинг иккиламчи нисбати) барча аҳоли учун амалда бир хил ва ўзгармасдир, шунинг учун бу ерда ўлим даражаси ва миграция, суратдаги жинслар фарқи асосий роль ўйнайди. Бу эса мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқ.

Демография ва аҳоли статистикасида жинсларнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи нисбати қабул қилинган.

Жинсларнинг бирламчи нисбати дейганда, уруғлантиришдаги ҳар юз аёл (ҳомила) сонининг аёллар ҳомиласи сонига нисбати тушунилади. Аввалари ушбу нисбат тахминан 100 аёл ҳомилаларига нисбатан 125-130 эркак ҳомилалари тўғри келади, деб ҳисобланган[1]. Лекин XX асрнинг охирги ўн йилликларида буни шубҳа остига қўядиган маълумотлар пайдо бўлди[2].

Жинсларнинг бирламчи нисбати бевосита ҳисоблаб чиқила олмайди. Одатда, жинсларнинг бирламчи нисбатини тирик туғилганлар орасидаги жинсий фарқлар, она қорнидаги кеч ўлим ҳолати ва ички сабаблар туфайли абортлар ҳақидаги маълумотларни ҳисобларга асосланган билвосита усулдан фойдаланиш қабул қилинган. Ушбу усулдан фойдаланишга асосланган максимал баҳолардаги жинсларнинг бирламчи нисбати 170 та эркак ҳомиласига 100 та аёл ҳомиласи тўғри келиши аниқланган, лекин одатда, бу кўрсаткич камроқ бўлади. Хусусан, замонавий, қатъий услубий маълумотлар ушбу кўрсаткич 115 га тенг келишини кўрсатмоқда. Бироқ ушбу барча баҳолашлар асосан мавҳумий тавсифга эга бўлиб, бу тушиб қолиш эҳтимоли катта бўлган уруғлантиришнинг биринчи ҳафталари ўлим хавфидаги жинслар фарқи тўғрисидаги маълумотларни етарли даражада ҳисобга олишга имкон бермайди.

Хирим муаллифларнинг фикрича, ҳомиладорликнинг охирги босқичларида эркак ҳомилаларининг ўлим даражаси юқори бўлса, аёл жинсларига нисбатан ушбу уруғлантиришнинг биринчи ҳафталарида ўлим хавфи юқори бўлиши мумкин.

Умуман олганда ҳозирги вақтда ҳомиладорликнинг бошланғич босқичларида жинслар фарқидаги ўлим даражаси тўғрисида етарли даражадаги ишончли маълумот мавжуд эмас. Айтиш жоизки, жинсларнинг бирламчи нисбати тўғрисидаги маълумотларни, она қорнидаги кеч ўлим ҳолатларини ва ички сабаблар туфайли абортларни бирламчи жинслар нисбатига нисбатан экстраполяция қилиш мумкин эмас. Мухолиф синашувга асосланган, Х ва У хромосомаларга эга мос равишдаги сперматозоидлар сонининг нисбатини аниқлашга асосланган тадқиқотлар кўрсатишича, жинсларнинг бирламчи нисбатини 100:100 га тенг бўлиши мумкинлигини таъкидлаш имконини беради.

Бугунги кунга қадар жинсларнинг бирламчи нисбатини бевосита ҳисоблашнинг имкони мавжуд эмас. Ҳомиладорликнинг иккинчи

[1] Арутюнов Г. А. Основы демографии. Учебное пособие. – М.: Дашков и К°, 2009. – С.65

[2] Wallon J. Factors determining the sex ratio at birth // Too young to die: genes of gender. United Nations. – N.Y., 1998. – P. 53-63

ойида эркак эмбрионларининг сони аёл эмбрионларининг сонига нисбатан катта бўлиши ҳақидаги далил ҳар қандай мулоҳазалардан холи. Бу ҳолат эркак уруғланишлар сонининг ёки ҳомиладорликнинг биринчи босқичларида аёл эмбрионларида ўлим даражасининг юқори бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу омилларнинг таъсири остида жинсларнинг иккиламчи нисбати шаклланади.

Жинсларнинг иккиламчи нисбати – тирик туғилганлар орасида ўғил болалар сонининг қизларга нисбатидир. У асосий биологик ўзгармас кўрсаткич ҳисобланади ва тахминан 100 та қизларга нисбатан ўғил болаларнинг 105-106 та туғилишига тенг ёки бошқача айтганда, ҳар 1000 та янги туғилган гўдакка доимо тахминан 512 та ўғил бола ва 488 та қиз бола тўғри келади[1].

Жинсларнинг иккиламчи нисбатда доимий катталик бўлишига қарамай бир қатор омиллар таъсири билан ўзгариб туради. Хусусан, никоҳсиз болалар ўртасидагига нисбатан никоҳдагилар орасида ўғил болалар сони кўпроқ бўлади. Туғилганлар орасидаги ўғил болалар ҳиссаси оналар ёшининг улғайиши ва туғилиш тартиб рақамининг ўсиши билан камайиб боради. Масалан, 20 ёшгача бўлган оналарда ҳар 100 та қизалоққа 130 та ўғил бола тўғри келади, 38-42 ёшдаги оналарда эса у атиги 90 тани ташкил қилади, холос.

Якин ўтмишдаги урушларда жинсларнинг иккиламчи нисбатининг камайиши, шу жумладан, уруш тугагандан сўнг унинг ортишига ажабтовур ҳодиса сифатида қаралган. Уруш даврида ҳомилани кўтариб юриш шароитларининг ўзгарувчанлиги ва мос равишда она қорнидаги ўлим даражасидаги жинсий фарқлар тиббиётчилар, статистик ва демографлар томонидан илмий исботлаб берилмагунга қадар бунга ҳатто қандайдир сирли ҳодиса сифатида қаралган.

Уруш даврида ушбу шароитлар ёмонлашади, бу эса она қорнидаги ўлим даражасининг ортишига олиб келади. Авваламбор, эркак ҳомила ва уруғлантиришларда ўлим даражасининг ортишига олиб келиб, бу эса ўз навбатида, жинсларнинг иккиламчи нисбатини камайтириб юборади. Бундан ташқари, ҳарбий ҳаракатлар даврида ота-оналар ўртасида ёши катталар ҳиссаси ортиб кетади, бу ҳам ҳомилани кўтариб юриш шароитларини ёмонлаштиради. Уруш тугагандан сўнг ота-оналар ёш таркибининг ёпариши орқали ҳомиладорликни кўтариб юриш шароитлари яхшиланади.

Умуман, жинсларнинг иккиламчи нисбатидаги тебранишлар она қорнидаги боланинг ўлим даражасидаги ўзгаришларга боғлиқ. Бу эса, ўз

[1] Бреева Г.Б. Основы демографии: Учебное пособие. – М.: Дашков и К*, 2009. – С.65.

наслини ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва санитария-гигиена шароитлари ортиши белгиланади. Айнан шунинг учун вақт ўтиши билан жинсларнинг иккиламчи нисбати ҳудди ривожланган мамлакатларда сингари ривожланаётган мамлакатларга нисба-тан унинг миқдори катта ўсишни кейи кўтарила бошлайди. Бироқ демографларда жинсларни иккиламчи *нисбатининг майл омили* таъсирида вужудга келганлиги, яъни эволюцияга уруғланиш жараёнига атайин таъсир ўтказиш ва ҳомила тортиқ даврида бўлажак боланинг жинсини тўғрилаш мақсадида чоралар кўрилганлиги катта қизиқиш уйғотади.

Аниқи жойзки, бу ҳодиса кўп болаликнинг ижтимоий меъёрлари сақланиб қолган ва кўп ўғил болалар кўришни хоҳлайдиган мамлакатларда кенг тарқалмоқда. Бундай мамлакатларга Хитой, Жанубий Корея ва Сингапурни киритиш мумкин. Ушбу мамлакатларда жинсларнинг иккиламчи нисбатининг катталиги тебранишлар доирасидан анча четга чиқиб кетган, бу ҳолат статистик хатоликлар эҳтимолини анча юқори бўлиб, тадқиқотчиларнинг ушбу мамлакатларга алоҳида эътиборини тортмоқда. Жанубий Корея, Тайвань ва Сингапурда XX асрнинг 80-йилларида жинсларнинг иккиламчи нисбатининг ҳисоблаш учини кузатилган ва у 113:117 гача етган. Ушбу феномен кейинги кўп ўғил болаларни кўришни хоҳлайдиган оилаларнинг *самовий кўришишини* акс эттиради ва қизларнинг камситилиши, яъни соф майл омили таъсирининг натижаси бўлиб ҳисобланади.

Камситилишнинг қизларнинг ўлдаклиги ва болалигидаги ўлим даражасининг жуда юқори бўлганида ўз ифодасини топган. бу *ҳомиладорликнинг сақланиши ва боланинг давридаги қаровнинг жуда ёмон* сифатининг натижасидир. Ҳозирги фан-техника тараққиёти асрида агар тугилажак боланинг жинси қиз бўлиши кутилаётган бўлса, сунъий равишда ҳомиладорликни тўхтатиш амалга оширил-моқда. Қизлар туғилишининг камситилиши туғилишни камайтириш сиёсати таъсири остида янада кучаймоқда. *Бу эса кўпчилик аҳоли-нинг интилишларга зиддир.*

Америкалик демограф Д. Гудкингнинг таъкидлашича, Хитойда амалга оширилаётган бир болалик сиёсати "ота-оналарни қиз туғилишини олдини олишнинг турли усулларидан уйғунлаштирилган ҳолда фойдаланишга ёки қиз туғилишини яшириш: қизлардан воз кечиш, фарзанд кўриш ёки оила таркибини яшириш, ҳатто киз ўдакларни ўлдиришгача олиб келмоқда. Шу билан бирга туғруққача ташхис қўйишдаги замонавий ютуқлар ҳам муҳим роль ўйнамоқда[1].

[1] Гудкинг Д. "Substituting Sex Preference Strategies in East Asia: Does Prenatal Sex Selection Reduce Postnatal Discrimination?". Population Development Review. March 1996. Vol 22 – P.111.

Туғруккача ташхиснинг замонавий ютуқлари туғилажак боланинг жинсини бошкариш максадида Хитой ва бошка Осиё мамлакатлари ахолисининг маълум бир кисми томонидан фойдаланилмокда. Туғилишни камайтириш сиёсати ўғил болани кўп хоҳлашликнинг юкори даражаси сакланиб колаётганлигига боғлиқ равишдаги кам болали оилага йўналтирилганликнинг ўсиши шароитида ушбу амалиёт кенг кўлланилади ва тест натижаси туғилажак боланинг жинси қиз бола бўлиши ҳолатида, у сунъий аборглар сонининг ўсишига олиб келди. Айникса, бу бир ёки ундан кўп фарзанди бўлган оилаларга тааллуқлидир. Айрим тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, айнан Хитойда икки ёки ундан кўп қизларга эга бўлган оилалар учун жинсларнинг иккиламчи нисбати 200 дан ҳам ортиб кетмокда. Худди шундай ҳолатни туғилишни чеклашнинг қатъий сиёсати мавжуд бўлмаган Тайвань ва Жанубий Корея каби мамлакатларда ҳам кузатиш мумкин.

Олимлар, жамоат арбоблари ва ҳукумат томонидан сунъий абортларнинг кўпайишига олиб келувчи туғруккача жинсни аниклаш ташхисидан фойдаланиш ҳолатлари салбий бахоланмокда. Хусусан, салбий ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий натижаларни юзага келтираётган ушбу амалиётни қаттиқ қоралаш "Аҳоли ва ривожланиш" тўғрисидаги Халкаро конференцияда (Қоҳира, 1994 йил) кабул килинган Дастурда хам ўз ифодасини топган. Дастурда туғилажак боланинг жинсини аниклашдаги технологиялардан фойдаланишнинг ортиши жинс бўйича селекция (янги туғилган қиз гўдакларни ўлдириш амалиёти билан биргаликда) "ҳалокатли (зарарли) ва беадаблик (маданиятсизлик)" сифатида баҳоланиши таъкидланган.

Кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари туғруккача жинснинг ташхисини амалга ошириш ҳамда бу бўйича маълумот берилиши бўйича жиноий жавобгарликка тортувчи қонун қабул килганлар. Шунга карамай, юкорида келтирилган маълумотлар кўрсатишича, ушбу таъкикларнинг самарадорлиги у кадар юқори эмас, улар мавжудлигининг ўзи эса айрим амалдор ва тиббиёт ходимлари томонидан ўз хизмат вазифаларидан фойдаланиб, таъмагирлик килиш ва бошка суиистеъмолликлар қилишишга олиб келмокда.

Жинсларнинг учламчи нисбати – репродуктив ёшдаги ёки бошка ёш гуруҳларидаги эркаклар ва аёлларнинг ўзаро тенглигидир. Жинсларнинг бирламчи ва иккиламчи нисбатидан фаркли ўларок жинсларнинг учламчи нисбати ўлимнинг ёш-жинс бўйича табақаланиш хусусиятлари ва миграция харакатчилигига боғлиқ равишда ўзгариб туради.

Жинсларнинг учламчи нисбати иккиламчи нисбат билан биргаликда демографиянинг қизиқишлари доирасига киради, чунки аҳолининг такрор ҳосил бўлиш тавсифлари ва айрим демографик жараёнлар шунга боғлиқ бўлади. Улар фаол ва истиқболдаги никоҳ даражасига, туғилиш ва ўлим кўрсаткичларига таъсир ўтказади. Айнан шунинг учун демографлар умумий аҳолининг жинсий таркибини ўрганишда ушбу кўрсаткичларга алоҳида эътибор беради.

Жаҳон аҳолисининг жинс таркиби эркаклар сони кўплиги хусусиятига эга. Дунёда эркаклар аёлларга нисбатан 20-30 миллион кишига кўп. Умуман, ҳар 100 та қиз бола ҳисобига 104-107 ўғил бола туғилади. Аммо бу кўрсаткич турли мамлакатларда турличадир.

Эркакларнинг аёлларга нисбатан кўплиги Осиёнинг кўпгина давлатлари учун хос. Эркаклар, айниқса Жануби-Шарқий Осиё (Хитой, Ҳиндистон, Покистон), шунингдек, Жанубий-Ғарбий Африка ва Шимолий Африкадаги мусулмон араб мамлакатларида кўп.

4.2-жадвал

Жаҳон аҳолисининг жинсий таркиби

Жаҳон минтақалари	Жинсий таркиб (умумий аҳоли сонига нисбатан %)		Ҳар 1000 аёлга тўғри келадиган эркаклар сони
	эркаклар	аёллар	
Жаҳон бўйича	50,4	49,6	1015
Ривожланган давлатлар	48,6	51,4	947
Ривожланаётган мамлакатлар	50,8	49,2	1032
Африка	49,9	50,1	994
Осиё	51,1	48,9	1045
Европа	48,3	51,7	933

Аёлларнинг эркакларга нисбатан кўплиги жаҳондаги давлатларнинг ярми учун хос. Бу, айниқса, аёллар узоқ умр кўриши сабабли ҳамда жаҳон урушлари пайтида эркак аҳоли ўртасида катта қурбонлар бўлган Европа давлатларига хос. Шу билан бирга аҳоли таркибида эркакларнинг аёлларга нисбатан кўплиги 14 ёшгача бўлганлар орасида кўплиги билан ажралиб туради. Бутун дунёда кекса одамлар орасида аёллар эркакларга қараганда зиёддир.

Мавжуд маълумотларга кўра, Ўзбекистонда XIX аср охири – XX аср бошида эркаклар сони аёллар сонига нисбатан сезиларли даражада юқори – 7,2-8,0 %га ортиқ бўлган (4.3-жадавал).

Аҳоли таркибида эркаклар салмоғининг барқарор ортиши бевосита аёллар ўлимининг оқибати бўлган. Бунинг асосий сабабларидан бири ўша даврда аёлларнинг ҳаддан ташқари кўп бола туғиши эди. Ушбу йилларда демографик вазият шундай эдики, 10-15 фарзанд кўрган оналарнинг фақат 2-3 таси тирик қолган.

4.3-жадвал

1865-1917 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг жинс таркиби[1]

Йиллар	Умумий аҳоли сони, минг кишн	Шу жумладан			
		Эркаклар		Аёллар	
		Минг кишн	Аҳоли умумий сонига нисбатан %	Минг кишн	Аҳоли умумий сонига нисбатан %
1865	3320	1789	53,9	1531	46,1
1875	3507	1887	53,8	1620	46,2
1885	3696	1985	53,7	1711	42,3
1897	3948	2045	53,6	1903	46,4
1905	4162	2239	53,8	1923	46,2
1913	4366	2354	53,9	2012	46,1
1917	4486	2423	53,0	2063	46,0

Республика аҳолиси таркибида эркаклар салмоғининг юқорилиги иккинчи жаҳон урушигача сақланиб турган. Уруш демографик вазиятга кескин ўзгартириш киритган. 1959 йилда собиқ Иттифоқда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш ҳар 1000 аҳоли таркибидаги эркаклар ва аёллар нисбати 480:520 лигини кўрсатди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон аҳолисининг таркибида аёллар эркакларга нисбатан 4,0 % кўп бўлган[2].

Ҳозирги вактда Ўзбекистонда ҳар 1000 та аёлга 994 та эркак тўғри келади (4.1-расм).



4.1-расм. Жаҳон мамлакатларида аҳолининг умумий таркибида ҳар 1000 та аёлга тўғри келадиган эркаклар сони[3]

Мамлакат аҳолисининг бундай жинс таркиби кўп жиҳатдан аёлларнинг эркакларга нисбатан узоқроқ умр кўриши билан изоҳланади.

---

[1] Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т., 1983. – С.96.

[2] О.Б.Ата-Мирзаев. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр. 2009. – С.143-144.

[3] Рахмонов Х. Х. Общественно-демографические процессы и межнациональные отношения в Узбекистане // Молодой ученый. 2012, №11. – С. 336-339.

4.3. Аҳолининг ёш таркиби

Аҳолининг ёш таркиби мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ёш инсоннинг туғилишидан бошлаб унинг ўсиши, ривожланиши, вояга етиши ва қаришидан иборат ҳаёт тавсифидир[1]. Яъни ёш инсон туғилган вақтидан сўнг кечган умрининг давомийлигидир. Бироқ демографияда ёшнинг учта хусусияти фарқланади:

Аниқ ёш – инсон туғилган вақтдан жорий дақиқагача бўлган давр оралиғи. Масалан, инсонни туғилган вақтини аниқ билган ҳолда айтиш мумкинки, аниқ бир вақтда унинг ёши 31 йил 4 ой 13 кун 7 соат 30 минут 28 секундга тенг.

Йиллар тўлгандаги ёш аниқ ёшнинг тўлиқ сонларга эга бўлмаган қисмидир, у охирги туғилган кундаги аниқ ёшига тенгдир. Айнан шу ёш бўйича одатда "Ёшингиз нечада?" деган саволга жавоб берилади. Математик жиҳатдан бу пастга қараб тўлиқ сонгача қолдиқ қисмлар катталигини ҳисобга олмай яхлитлаб юборилишини англатади.

Календарь йилларнинг фарқи сифатида ҳисобланган ёш. Агар кишининг туғилган йили маълум бўлса (масалан, 1979 йил), бунда унинг календарь йиллар бўйича ёши жорий йил билан туғилган йилининг фарқига тенгдир (масалан, 2010-1979=31). Таъкидлаш жоизки, календарь йиллар фарқи сифатида ҳисобланган ёш, агар туғилган кунигача ҳисоблаб чиқилмаса, йиллар тўлгандаги ёшга тенг бўлмаслиги мумкин. Ҳақиқатда "календарь йиллар фарқи сифатидаги 31 ёш" жумласи инсон 30 ёки 31 йил тўлгандаги ёшга *тенглигини* англатади ёки ўз ичига 30 дан 32 ёшгача бўлган йилларни олади.

Ёш ҳақидаги маълумотлар аҳолини рўйхатдан ўтказиш, махсус текширувлар, жумладан, туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишларни қайд қилиш жараёнида олинади. Бу масала нафақат демограф учун, балки бошқа ижтимоий соҳа мутахассислари учун ҳам жуда муҳим, чунки ёш нафақат демографияда, балки деярли барча ижтимоий жараён-ларда мустақил ўзгарувчи сифатида юзага чиқади.

Демографик ҳодисалар доимо маълум ёшда амалга ошади. Бунда уларнинг амалга ошишидаги тебраниш ёш ўтиши билан ўзгаради. Шунинг учун демографияда ёш ҳар қандай демографик ҳодисанинг энг муҳим тавсифи сифатида қаралади. Шунинг учун,

---

[1] *Ўзбекистон миллий энциклопедияси.* 3-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат нашриёти, 2002. 493 б.

масалан, никоҳ тузиш ёши, фарзанд кўриш ёши ёки вафот этган ёши каби саналар ҳақида гапирилади.

Кузатиш вақтидаги муайян бир гуруҳ шахсларнинг ёши ҳақидаги маълумот аҳолининг ёш таркибини шакллантиришга хизмат қилади.

Ёш барча демографик жараёнларнинг умумий кўрсаткичи ҳисобланади ва инсон ҳаётидаги ҳодисаларни кайд этишда ишлатилади.

Аҳолининг ёш таркиби аҳолининг ёш гуруҳлари ва ёш тоифалари бўйича тақсимотидир.

Аҳолининг ёш таркиби ҳақидаги маълумотлар ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёнларни тадқиқ қилиш учун муҳимдир. Аҳоли ёш таркибининг хусусиятларини билиш орқали истиқболда туғилиш ва ўлим тенденцияларини аниқлаш, шунингдек, аҳолининг такрор ҳосил бўлишига доир илмий асосланган хулосалар чиқариш мумкин. Шунингдек, аҳолининг ёш таркиби асосида ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда баъзи муаммоларнинг вужудга келиши эҳтимолини баҳолаш, меҳнатга лаёқатли аҳоли ва ишчи кучининг динамикасини прогнозлаш, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми, уларга бўлажак талаб ва ҳ.к.ларни аниқлаш мумкин.

Ўзбекистон аҳолисининг ҳозирги ёш таркиби 1990-йилларда бошланган туғилиш даражасининг қисқаришига карамай ёш ҳисобланади. Яъни аҳоли таркибида 30 ёшгача бўлган ёшлар улуши 62,1 %ни, 16 ёшгача бўлган болалар улуши – 33,3 %ни, 16-29 ёшдагилар улуши – 28.8 %ни ташкил этади[1]. Шу билан бирга, статистик маълумотлар таҳлили сўнгги йилларда 0-15 ёшдаги аҳоли мутлақ сонининг камаётганлигини кўрсатмоқда.

Мамлакат аҳолисининг ҳозирги вақтдаги ўртача ёши 25,5 ёшни, шу жумладан, қишлоқда 24,1 ёшни, шаҳарда эса – 27,9 ёшга тенг. У халқаро демографик таснифга кўра, Ўзбекистонни ёш давлатлар қаторига киритиш имконини беради (4.4-жадвал).

Аҳолининг ёш таркибини тузиш учун одатда бир, беш, баъзи ҳолатларда ўн йиллик ораликлардан фойдаланилади.

Бир йиллик ёш таркиби аҳолининг қуйидаги йиллар тўлгандаги ёш гуруҳлари бўйича тақсимланишидир: 0 ёш, 1, 2, …., 34, 35, …, 89, …., ω ёш ва ундан катталар. Ω – бу қандайдир энг юқори ёш бўлиб, унинг асосида аҳолининг бир йиллик ёш гуруҳлари

[1] Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – С.154-155.

бўйича таксимланиши якунланади. Охирги ёш гуруҳи (ω ёш ва ундан катталар) очиқ ёш оралиғини таркиб топтиради, бунда ωнинг аниқ катталиги янги туғилган боланинг кутилаётган умр давомийлигининг ўртачасига ва катта ёшлардаги аҳолининг сонига боғлиқ бўлади. Сўнгги аҳолини рўйхатга олишда ана шундай энг катта ёш сифатида 100 ёш қабул қилинган.

4.4-жадвал

Ўзбекистон аҳолиси ёш таркибининг динамикаси[1]

Ёш	1991 йил		1996 йил		2002 йил		2008 йил	
	Минг киши	%	Минг киши	%	Минг киши	%	Минг киши	%
0-15	8883,7	43,1	9798,0	42,8	9734,4	38,8	9025,4	33,3
16-19	1672,8	8,1	1826,0	8,0	2346,6	8,9	2546,4	9,4
20-24	1823,1	8,8	2062,1	9,0	2323,0	9,2	2919,7	10,8
25-29	1779,9	8,6	1767,4	7,7	2047,6	8,2	2321,2	8,6
30-34	1552,1	7,5	1719,2	7,5	1772,9	7,1	1999,9	7,4
35-39	1105,6	5,4	1485,6	6,5	1667,7	6,6	1781,0	6,6
40-49	12228,7	6,0	1750,3	7,6	2583,4	10,3	3116,6	11,5
50-59	1232,4	6,0	1073,3	4,7	1117,2	4,4	1796,7	6,6
60-69	817,9	4,0	885,4	3,9	955,1	3,8	803,2	3,0
70 ва ундан катта	511,5	2,5	539,2	2,3	667,9	2,7	762,1	2,9

Беш йиллик ёш таркиби қуйидаги ёш гуруҳлари бўйича тузилади: 0 ёш, 1-4 ёш, 5-9 ёш, 10-14 ёш, …., 35-39 ёш, …., 80-84 ёш, …., 100 ёш ва ундан катталар. Бу халқаро демографик статистика амалиётида қўлланиладиган ёшни стандарт гуруҳлаш, деб аталади.

Ўн йиллик ёш таркиби қуйидаги ёш гуруҳлари бўйича тузилади: 0 ёш, 1-9 ёш, 10-19 ёш, 20-29 ёш, …., 60-69 ёш, 100 ёш ва ундан катталар.

Ёш таркибидаги умумий тузилмавий ўзгаришларни баҳолаш учун бундан янада каттарок гуруҳлаш: 0-14 ёш, 15-59 ёш, 60 ёш ва бундан катта ёш гуруҳлари қўлланилади. Улар аҳоли таркибида болалар, катта ёшдагилар ва кекса кишилар салмоғи нисбатини кўрсатади.

Демографик таҳлил учун бир йиллик ёш таркибидан фойда-ланиш энг қулай имкониятлар яратиши равшан. Бундай гуруҳлаш ёш гуруҳлари таркибини аниқ илмий ва амалий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда таҳлил этиш имкониятини яратади.

Одатда аҳолининг ёш таркиби бир йўла аҳолининг жинс таркиби билан биргаликда шакллантирилади ва кўриб чиқилади. Бу аҳолининг

[1] Демографический ежегодник Узбекистана. 1991-2003 гг. – Т.: Госкомстат Республики Узбекистан. 2004; *Образование Узбекистана. Статистический сборник* Госкомстата Республики Узбекистан. – Т., 2008.

ёш-жинс таркиби, деб аталади. Аҳолининг ёш-жинс таркиби ҳар бир ёшни жинс бўйича ҳамда ҳар бир жинсни ёш бўйича таснифлаш имконини беради. Ўзбекистонда аҳолининг ёш гуруҳлари бўйича жинслар нисбати 4.2-расмда тасвирланган.



4.2-расм. Ўзбекистон аҳолиси таркибида жинслар салмоғи (ҳар 1000 аёлга нисбатан эркаклар сони)[1]

Халқаро амалиёт ва статистикасида аҳолининг ёш таркиби иқтисодий нуқтаи назардан уч гуруҳга ажратилади:

- болалар (0-14 ёш);
- меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли (15-64 ёш);
- меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган аҳоли (65 ёш ва ундан юқори ёшдагилар).

Ўзбекистон миллий статистикасида аҳоли меҳнатга лаёқатли-лиги бўйича уч гуруҳга бўлинади:

1. Меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли (0-15 ёш);
2. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли (16-54 ёшдаги аёллар, 16-59 ёшдаги эркаклар);
3. Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган аҳоли (55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар, 60 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар).

2005-2012 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сони 13,0 %га, меҳнат ресурсларининг сони 19,0 %га кўпайган. Мамлакатда меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,64 %, жами аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати эса 1,22 % бўлган. Республикада меҳнат ресурслари таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдаги сони ҳам ортиб бормоқда. Статистик маълумотлар 2005-2012 йиллар давомида Ўзбекистонда меҳнатга лаёкатли ёшдаги аҳоли сони 12630,0 минг кишидан 15698,7 минг кишигача ёки 24,3 %га кўпайган (4.5-жадвал).

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //http://www.stat.uz.

4.5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва меҳнат ресурслари сони ўсишининг динамикаси (минг киши ҳисобида)[1]

Кўрсаткичлар	Йиллар					2012 йилда 2005 йилга нисб. ўзгариши,%
	2005	2006	2008	2009	2012	
Жами аҳоли сони	26167,0	26488,2	27555,3	28000,8	29559,1	113,0
Меҳнат ресурслари сони	14453,2	14816,5	15644,9	16123,6	17204,2	119,0
шундан:						
Иқтисодий фаол аҳоли сони	10224,0	10492,5	11603,1	11929,2	12986,6	127,1
Иш билан банд аҳоли сони	10196,3	10467,0	11035,4	11327,7	12328,4	120,9
Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сони	4229,2	4324,0	4041,8	4186,4	4217,6	99,7

Аҳоли ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан ёшига кўра 6 гуруҳга ажратилади:

1. Болалар (0-15 ёш) – мамлакат жами аҳолисининг энг катта қисмини ташкил этиб, уларнинг аксарияти меҳнат жараёнида иштирок этмайди. Аммо ушбу аҳоли гуруҳи салмоғи меҳнат салоҳиятининг келгуси ва истиқбол кўрсаткичларини белгилаб беради. Чунки ушбу категориянинг юқори чегарасидаги ўсмирлар тез орада меҳнат ресурслари сафига қўшилади.

2. Ўсмир ёшлар (16-24 ёш) – мазкур гуруҳнинг катта қисми иқтисодий нофаол аҳоли таркибига кириб, улар мактаб, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар, тугрук таътилидаги аёллар ҳисобланади. Шунингдек, мазкур гуруҳ таркибида иқтисодиётнинг қатор соҳа ва тармоқларида банд бўлганлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг меҳнат фаолиятлари аксарият ҳолларда вақтинчалик кўринишга эга бўлади.

4.6-жадвал

Пифагорнинг ёш таснифи[2]

Йил фасли	Ҳаёт даври	Ёш
Баҳор	Болалик	20 ёшгача
Ёз	Ёшлик	20-40 ёш
Куз	Етуклик	40-60 ёш
Қиш	Кексалик	60-80 ёш

3. Ўрта ёшлилар (25-30 ёш) – улар ўзининг жисмоний ҳолати ва имкониятлари жиҳатдан юқори кўрсаткичга эга бўлиб, меҳнатга лаёқатли жами аҳолининг асосий қисмини қамраб олади. Бу гуруҳ вакиллари асосан аниқ ҳаёт йўлларини танлаб олган, ўз оиласига эга

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // http: // www.stat.uz.

[2] Основы демографии: Учебное пособие / П.И. Косов, А.Б. Берендеева. 2-е изд, доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010. – С. 66-67.

бўлган ва ҳаётда маълум бир ютуққа эришган ҳисобланади. Лекин уларнинг барчаси ҳам иқтисодиётда банд бўлмайди, чунки уларнинг орасида ёш болали оналар ва аёллар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

4. 31-59 ёшдаги аҳоли – ушбу гуруҳдаги аҳоли ўзининг юксак меҳнат шаклига эга бўлиб, ҳаётий ва меҳнат тажрибасининг юқори кўрсаткичига эришади. Шу вақтгача олган амалий кўникма ва тажрибаларини ишлаб чиқариш жараёнларига сафарбар этадилар ва меҳнат жамоасида алоҳида ўрин эгаллайдилар. Бу тоифа инсонлар ёшларга ўрнак ва маслакдош бўлади. Ушбу ёш чегаралари аҳоли-сининг иқтисодий фаоллик даражаси бошқа қатламларга нисбатан юқори ҳисобланади. Шунингдек, мазкур қатламнинг юқори чегара-сида пенсия ёшига етган аёллар ҳам бўлиб, улар ўз меҳнат фаолият-ларини якунлаш тараддудида бўладилар.

5. Қариялар (60-70 ёш) – мазкур қатлам вакиллари пенсия ёшига етган аҳоли ҳисобланиб, уларнинг аксарияти пенсияда бўлади. Лекин уларнинг орасида ўз меҳнат фаолиятларини давом эттираётганлари ҳам бўлиб (айниқса, эркаклар), улар ҳам бутунлай пенсияга чиқиш ва меҳнат фаолиятини якунлаш арафасида бўладилар.

6. Кексалар (70 ва ундан катта ёш) – уларнинг деярли ҳаммаси меҳнат фаолиятидан четлашган бўлади[1].

4.7-жадвал

Қомусий ёш таснифи[2]

Календарь ёш	Инсон ҳаёти даври
1-7 кун	Янги тутилганлик
7 кун-1 ёш	Гўдаклик
1-3 ёш	Илк болалик
4-7 ёш	Биринчи болалик
8-12 ёш (ўғил болалар)	Иккинчи болалик
8-11 ёш (қиз болалар)	
13-16 ёш (ўғил болалар)	Ўсмирлик
12-15 ёш (қиз болалар)	
17-21 ёш	Ўспиринлик
16-20 ёш	
22-35 ёш (эркаклар)	Етукликнинг биринчи босқичи
21-35 ёш (аёллар)	
36-60 ёш (эркаклар)	Етукликнинг иккинчи босқичи
36-55 ёш (аёллар)	
61-74 ёш (эркаклар)	Қарилик
56-74 ёш (аёллар)	
75-90 ёш	Кексалик
90 ёшдан катталар	Узоқ умр кўрувчилар

[1] Абдурахмонов Қ.Х., Имомов В. Ўзбекистон меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. – Т.: Академия, 2008. – 40-41 б.

[2] Народонаселение: Энциклопедический словарь. – М., 1994. – С. 49.

Қадимдан инсоннинг умрини гуруҳлашга ҳаракат қилинган. Хусусан, машҳур юнон математиги Пифагор инсон ҳаётини йил фаслилари асосида даврларга ажратган (4.6-жадвал).

Жадвалга кўра, олим инсоннинг болалигини баҳор, кексалигини эса қиш фаслига ўхшатган ҳамда шундан келиб чиқиб даврларга ажратган.

Аҳолишунослик эндиклопедик луғатида эса инсон умри қуйидаги даврларга бўлинган (4.7-жадвал).

Инсон умрини унинг меҳнатга лаёқати асосида таснифлаш усули ҳам мавжуд. Масалан, демограф Б.Ц. Урланиц инсон умрини меҳнат ёшига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратишни таклиф этган (4.8-жадвал).

4.8-жадвал

Б.Ц. Урланицнинг ёш таснифи[1]

Инсоннинг ҳаёт даври	Ёш гуруҳи
Меҳнат ёшигача бўлган давр	
Ясли ёши	2 ёшгача
Мактабгача ёш	3-6 ёш
Мактаб ёши	7-15 ёш
Меҳнат ёш	
Ёшлик	16-24 ёш
Етуклик	25-44 ёш
Кечки етуклик	45-59 ёш
Меҳнатдан кейинги ёш	
Қарилик	60-69 ёш
Чуқур кексалик	70-79 ёш
Чуқур кексалик	80 ва ундан юқори

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турганидек, демограф олим Б. Урланиц инсон умрини меҳнатга ёшигача бўлган, меҳнат ёши ва меҳнатдан кейинги даврларга ажратган.

4.4. Аҳолининг ёш-жинс пирамидаси

Аҳолининг ёш ва жинсий таркибини биргаликда ва яққол тасаввур этиш учун ёш-жинс пирамидаси тузилади.

Ёш-жинс пирамидаси икки ёнли чизиқли диаграмма тарзида бўлади, унинг ўнг ёнида аёл жинсли аҳоли, чап ёнида эркак жинсли аҳоли акс эттирилади. Диаграмманинг вертикал ўқи ёш шкаласи бир ёки беш йиллик оралиқларда аҳоли ёшини 0 йилдан бошлаб энг юқори ёш ёки очиқ ёш оралиқлари билан тугалланади.

Пирамиданинг горизонтал тасмалари қуйидагиларни акс эттиради:

[1] Основы демографии: Учебное пособие. /Н.И. Косов, А.Б. Берендеева. 2-е изд, доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010. – С. 66-67.

• ёки аҳолининг мазкур жинси умумий сонини ва ёшини;

• ёки аҳолининг умумий сонида мазкур жинснинг салмоғи ва ёшини;

• ёки аҳолининг фақат мазкур жинси сонида аҳоли ушбу жинсининг улуши ва ёшини.

Бунда горизонтал тасмаларнинг майдони (ёки ёш ораликлари тенг бўлган ҳолатларда уларнинг узунлиги) юқорида қайд қилинган кўрсаткичларга тенг нисбатдадир.

Пирамидалар аҳолининг турли қисмларини қиёслаш ва унинг ёш-жинс таркиби хусусидаги қиёсий маълумотларни олиш мақсадида ёки ёш-жинс гуруҳларнинг сони ёки ушбу сонларнинг жами аҳоли сонидаги улушидан фойдаланилган ҳолда тузилади.

Ёш-жинс пирамидаси аҳолининг муайян вақтдаги (аҳолини рўйхатга олиш вақти ёки йилнинг 1 январидаги) ҳолатини акс эттиради, яъни аҳолини такрор ҳосил қилишнинг узлуксиз жараёнида ўзига хос бекат вазифасини ўтайди. Шунинг учун пирамидадаги тасмаларнинг нисбий узунлиги асосида туғилиш ва ўлим жараёнларининг аҳолининг ёш таркибига таъсири (кўп ўн йилликлар мобайнида), шунингдек, аҳоли такрор ҳосил бўлишининг истиқболдаги тенденциялари ва унинг сонидаги эҳтимол тутилган ўзгаришлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Масалан, муайян бир йил ёки даврда туғилганлар сони қўшни саналардан сезиларли даражада фарқ қилса, жинс-ёш пирамидасида бу дўнглик (агар туғилганлар сони қўшни йиллардагидан ортиқ бўлса) ёки чуқурча (агар туғилганлар сони тегишли равишда кам бўлса) шаклида акс этади. Бу ўзгаришлар тобора катта ёшдагилар орқали ўтиб, амалда мазкур туғилганларнинг ҳаммаси ўлгунича юз йил давомида сақланиб қолади. Мазкур ўзгаришлар демографик ҳодисаларга ҳам, мутлақо бошқа жараёнларга, масалан туғилганлар, ўлганлар сони, у ёки бу товарлар, хизматларга талаб ва ҳ.к.ларга таъсир кўрсатади.

Ёш-жинс пирамидаси, шунингдек, аҳолининг такрор ҳосил бўлишига турли тарихий воқеаларнинг: уруш, инқилоблар, табиий офатларнинг, у ёки бу қонун ҳужжатларининг ҳамда туғилиш ва ўлим жараёнларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳодисларнинг таъсири тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Ёш-жинс пирамидаси ҳақиқий пирамидаларга ўхшаб кетади, чунки кишиларнинг ёши улғайиб борган сари уларнинг ёш гуруҳидаги сони камая бошлайди ва пирамида тасмаларининг узунлиги қисқариб боради. Туғилиш ва ўлим даражаси узоқ йиллар давомида ўзгармай турадиган аҳолининг идеал ёш таркиби ёнлари текис чизиқли бўлган

чоярли тенгёнли учбурчакка (лекин барибир ўнг томонга, яъни аёллар томонига қийшайиб) ўхшаб кетарди. Бироқ бундай бўлмайди, чунки туғилишлар сони ҳам, ўлимлар сони ҳам, одатда, кескин ўзгариб туради[1].

Мисол тариқасида 4.3- ва 4.4-расмларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 1991 йил ва 2009 йил учун ёш-жинс пирамидаси келтирилган.

4.3-расмдан кўриниб турганидек, 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёш-жинс пирамидаси дўнглик шаклига эга бўлган. Яъни мазкур йилда аҳолининг ёш-жинсий таркибида 0-4, 5-9, 10-14, 15-19 ёш гуруҳидаги эркак ва аёлларнинг миқдори юқори бўлган.



4.3-расм. Ўзбекистонда аҳолининг ёш-жинс пирамидаси (1991 йил)

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида йиллар давомида шаклланган қадриятлар, урф-одатларда ўзига хос ўзгаришлар рўй бераётганлиги, халқнинг муносиб турмуш шароитини яратишга интилиш, омма ўртасида ҳомиладорликдан сақловчи тиббий воситаларнинг кенг тарқалиши, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлигининг ортиши, ҳар бир оила ўз иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фарзандлар туғилишини назорат этиши каби ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар республикада туғилиш кўрсаткичларининг пасайишига олиб келди. Натижада аҳолининг ёш таркибида меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли миқдори камайди. Бу ҳолат 4.4-расмда яққол ўз аксини топган.

[1] Борисов В.А. Демография: учебник для вузов. 3-е изд. – М., 2003. – С.98-99.

Яъни 2009 йили республикада аҳолининг ёш-жинс таркибида 0-4, 5-9 ёш гуруҳидаги эркак ва аёллар миқдори кескин камайган, аксинча 10-14, 15-19 ва 20-24 ёш гуруҳидагиларнинг сони эса ортган.



4.4-расм. Ўзбекистон аҳолисининг ёш-жинс пирамидаси (2009 йил)

Демографияда ёш-жинс пирамидаларидан фойдаланишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – аҳолининг такрор ҳосил бўлиши ва ёш таркибининг ўзаро алоқадорликдаги таҳлилидир.

Аҳолининг ёш-жинс таркиби пирамидаларини таҳлил этишда улар тузилишининг уч тури фарқланади:

1. Ибтидоий (экстенсив) тур. У туғилиш ва ўлим даражасининг юқорилигини ифода қилади. Аҳолининг бу тури пирамидасининг асоси кенг (аҳоли таркибида болаларнинг салмоғи катта), учи найзасимон (аҳоли таркибида узоқ умр кўрадиганларнинг салмоғи кам) шаклда бўлади. Мазкур пирамиданинг ён томонлари эса букилган парабола (эгри чизиқ) кўринишига эгадир (4.5-расм). Ҳақиқатан ҳам, аҳоли такрор ҳосил қилинишининг ушбу турини фақат демографик эмас, балки кўпгина бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам ибтидоий деб аташ мумкин. Узоқ ўтмишда барча халқлар аҳолини такрор ҳосил қилишнинг ана шундай турига эга эди. собиқ СССР учун ҳам II жаҳон урушига қадар аҳолини такрор ҳосил қилишнинг ана шу тури хос бўлган.

2. Кўчмас тур. Мазкур тур туғилиш ва ўлим даражаси паст бўлиш хусусиятига эгадир. Жамият ривожланишининг саноат ва ижтимоий хусусиятлари туғилиш ва ўлим даражаси паст бўлишига ҳам таъсир кўрсатади (бу ҳақда тегишли-бобларда батафсил гап

оради). Ана шундай демографик жараёнлар натижасида аҳоли сонининг ортиши камая бошлайди ва пировард натижада тўхтаб қолади. Натижада аҳолининг ёш-жинс таркибининг кўриниши қўнғироқ шаклини олади (4.6-расм). Шунинг учун аҳолини такрор ҳосил қилишнинг бундай турини кўчмас ёки силжимас, деб аталади. Олимлар аҳолини такрор ҳосил қилишнинг бу тури узоқ вақт мобайнида сақланиб туриши мумкинми ёки у фақат қисқа давр учун хосми, деган масалада баҳс олиб боришади. Агар кўчмас тур қисқа вақт давомида намоён бўлса, унинг аҳолини такрор ҳосил қилишнинг учинчи турига ўтиши муқаррар.



4.5-расм. Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг ибтидоий (экстенсив) тури

3. Таназзул (такрор ҳосил бўлмаслик) тури. Мазкур тур учун туғилиш даражасининг пастлиги, ўлим даражасининг юқорилиги хос. Бундай демографик жараёнларнинг давом этиши муайян шароитларда ўлим даражасининг пасайиши ёки тўхташига (ўлим, афсуски, мутлақо камайиб бормайди) олиб келади, туғилиш даражасининг камайиши эса давом этаверади. Оқибатда таназзулга юз тутилади, аҳолининг такрор ҳосил қилиниши тўхтайди. Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг бу тури жасад кули солинадиган идиш шаклини олади (4.7-расм). Ушбу демографик жараёнлар аҳолининг қаришига олиб келади, яъни унинг таркибида кекса кишилар ортгани ҳолда ёшларнинг улуши камаяди.



4.6-расм. Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг кўчмас тури

Аҳолининг ибтидоий (экстенсив), кўчмас ва таназзул (такрор ҳосил бўлмаслик) ёш таркиблари 1894 йилда швед демографи А.Г. Сундберг томонидан биринчи марта илмий истеъмолга киритилган.



4.7-расм. Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг таназзул (такрор ҳосил бўлмаслик) тури

Аҳолининг ибтидоий (экстенсив) ёш таркибида аҳоли сони кўпаяди, кўчмас турида аҳоли ўз миқдорини ўзгартирмайди ва таназзул (такрор ҳосил бўлмаслик)да қисқаради. Аҳолининг ёш таркиблари 0-15 ёшдаги болалар ҳамда 50 ёшдан ва ундан юқори ёшдаги "кексалар" улуши билан фарқланади. А.Г. Сундбергнинг таснифи бўйича, ибтидоий (экстенсив) ёш таркибида болалар улуши 40,0 %, қариялар эса 10,0 %ни; мос равишда кўчмасда – 27.0 % ва 23,0 %; таназзул (такрор ҳосил бўлмаслик)да эса 20,0 % ва 30,0 %ни ташкил қилади (4.9-жадвал).

4.9-жадвал

Аҳоли ёш таркибининг турлари (аҳолининг умумий сонидаги улуш, %)[1]

Ёш гуруҳлари	Ёш таркиби		
	ибтидоий (экстенсив)	кўчмас	таназзул (такрор ҳосил бўлмаслик)
0-14 ёш	40,0	27,0	20,0
15-49 ёш	50,0	50,0	50,0
50 ёш ва ундан юқори	10,0	23,0	30,0

Аҳолининг мазкур ёш таркиби турларига ёш пирамидасининг турлари мос келади. Аҳолининг ёш таркиби пирамидасининг турлари 1930-йилларда немис статистиги Ф. Бургдерфер томонидан таклиф қилинган.

Аҳолининг ёш таркибини иқтисодий нуқтаи назардан баҳолаш ниҳоятда муҳим. Чунки аҳолининг иқтисодий фаровонлиги меҳнатга қобилиятли ёшдаги иш билан банд бўлган аҳолининг миқдори билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига тушадиган демографик босимни ўрганиш лозим.

[1] Борисов В.А. Демография: учебник для вузов. 3-е изд. – М., 2003. – С.101-102.

Демографик босим демографик босим коэффициенти билан ўлчанади. У уч турга ажратилади:

- болаларнинг босим коэффициенти;
- қарияларнинг босим коэффициенти;
- болалар ва қарияларнинг жамланма босим коэффициенти.

Демографик босим коэффициенти тадқиқотчи томонидан қабул қилинган ёш гуруҳига боғлиқ. Масалан, таниқли демограф Эрнст Кан демографик босим коэффициентини ҳисоблашда немис статистикасида қабул қилинган қуйидаги ёш гуруҳлари таснифига асосланган:

- болалар (0-14 ёш);
- меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли (15-64 ёш);
- қариялар (65 ёш ва ундан юқори).

Немис демографи бу ёш гуруҳлари таснифидан келиб чиқиб, 15-64 ёшдаги аҳолига тўғри келадиган демографик босимни ҳисоблаб чиққан. Бу кўрсаткич қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

1. Болаларнинг демографик босим коэффициенти:

$$W_{\text{б.ж.к}} = \frac{L_{0-14}}{L_{15-64}} \times 100 \quad ,$$

2. Қарияларнинг демографик босим коэффициенти:

$$W_{\text{қ.ж.к}} = \frac{L_{65+}}{L_{15-64}} \times 100 \quad ,$$

3. Болалар ва қарияларнинг йиғинди босим коэффициенти:

$$W_{\text{й.ж.к}} = \frac{L_{0-14} + L_{65+}}{L_{15-64}} \times 100 \quad ,$$

бу ерда: L_{0-14} – 0-14 ёшдаги аҳоли сони;

L_{15-64} – 15-64 ёшдаги аҳоли сони;

L_{65+} – 65 ёш ва ундан юқори ёшдаги аҳоли сони [1].

Ўзбекистон Республикаси миллий статистикасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли таркибига 16-54 ёшдаги аёллар ва 16-59 ёшдаги эркаклар киритилганлиги боис демографик босим коэффициенти қуйидаги кўринишга эга бўлади:

1. Болаларнинг демографик босим коэффициенти Ўзбекистонда белгиланган аёл ва эркакларнинг меҳнатга лаёқатлилик ёш чегарасидаги фарқ ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W_{\text{б.ж.к}} = \frac{L_{0-15}}{L_{16-54} + L_{16-59}} \times 100 \quad ,$$

бу ерда: L_{0-15} -- 0-15 ёшдаги болалар сони;

[1] Экономико-математический энциклопедический словарь. - М., 2003. – С.79.

$L_{16\text{-}54}$; $L_{16\text{-}59}$ – 16-54 ёшдаги аёллар ва 16-59 ёшдаги эркаклар сонининг йиғиндиси.

2. Қарияларнинг демографик босим коэффициентини хисобланда ҳам юқоридаги ҳолат эътиборга олинади ва карияларнинг демографик босим коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W_{\text{к. ю. е.}} = \frac{L_{55-} + L_{60+}}{L_{16-54} + L_{16-59}} \times 100 \quad ,$$

бу ерда: L_{55-} ; L_{60+} – 55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар ҳамда 60 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар сони йиғиндиси;

$L_{16\text{-}54}$–$L_{16\text{-}59}$ – 16-54 ёшдаги аёллар ва 16-59 ёшдаги эркаклар сони йиғиндиси.

3. Демографик босимнинг жамланма коэффициентини аниклашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$W_{\text{ж. ю. е.}} = \frac{L_{0\text{-}15} + L_{55-} + L_{60+}}{L_{16-54} + L_{16-59}} \times 100 \quad ,$$

бу ерда: $L_{0\text{-}15}$; L_{55-} ; L_{60+} – 0-15 ёшдаги болалар, 55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар ҳамда 60 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар сони йиғиндиси;

$L_{16\text{-}54}$–$L_{16\text{-}59}$ – 16-54 ёшдаги аёллар ва 16-59 ёшдаги эркаклар сони йиғиндиси.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг жинс таркиби ижтимоий-иқтисодий, демографик жараёнларни ўрганиш мақсадида аҳолининг эркак ва аёлларга, ёш таркиби эса ёшларга тасниф қилинишидир.

4.5. Аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий таркиби

Аҳолининг иқтисодий таркиби кишиларнинг тирикчилик воситалари манбаларига эгалигини, машғулот турларини ва иқтисодиётнинг муайян соҳаларига мансублигини акс эттиради. Бунда, биринчи навбатда, иқтисодий фаол аҳоли ва иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли фарқланади (4.8-расм).

"Иқтисодий фаол аҳоли" тушунчаси Халқаро меҳнат статистикаси атамашунослигига Бирлашган Миллатлар ташкилоти ҳузуридаги Статистика комиссиясининг 14-сессияси тавсиясига мувофиқ 1966 йилда киритилган[1]. Ўзбекистон Республикасида статистика органлари бу атамани 1993 йилдан эътиборан фаол қўллашга киришган.

Халқаро Меҳнат ташкилоти услубиётига мувофиқ, **иқтисодий фаол аҳоли** иқтисодий фаоллигини белгилаш учун ўрнатилган ёшда (15-72 ёш) бўлган, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ишчи кучи таклиф этилишини таъминлайдиган аҳоли қисмидир.

[1] Wilson S. Economical outlooks and research of labor market. –NY., Economics, 1995. -p.25

Иқтисодий фаол аҳоли иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида иш билан банд бўлганлар ва ишсизларни қамраб олади.



4.8-расм. Иқтисодий фаол аҳоли ва иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли

Халқаро Меҳнат ташкилоти таснифига кўра, статистика органлари иқтисодий фаол аҳолини уч гуруҳга ажратадилар:

• иш билан бандлар ва ишсизлар;

• ишчи кучини таклиф этаётганлар;

• иш билан банд бўлмаган ҳолда иш қидирмаётганлар ва ишлашга тайёр эмаслар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 106-сонли қарорида ҳам "Иқтисодий фаол аҳоли – меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлар" эканлиги кўрсатилган.

Мамлакатда қуйидагилар **иш билан бандлар** ҳисобланади:

• ёлланиб ишлаётган, шу жумладан ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган касаначилик билан шуғулланаётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

• бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча

иш жойида бўлмаганда ходимнинг иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;

• ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;

• Қуролли Кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган, шунингдек, мукобил хизматни ўтаётган фуқаролар;

• таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;

• конун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар.

Халқаро Меҳнат ташкилоти қоидаларига мувофиқ, ишлашга тайёр ва меҳнат қилишни хоҳлайдиган, даромад келтирадиган машғулотга эга бўлмаган шахс **ишсиз** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра эса:

• ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқукини олишгача бўлган ёшдаги;

• ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган;

• иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган;

• меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр, меҳнатга қобилиятли шахслар **ишсиз** деб эътироф этилади[1].

Ишсизлик – иқтисодий фаол, меҳнат қилишга лаёқатли ва меҳнат қилишни хоҳлайдиган аҳоли муайян қисмининг иш билан банд бўлмаслигидир. **Ишсизлик даражаси** – таҳлил этилаётган даврнинг боши (ёки охири)даги аҳволга кўра тегишли санада ишсизлик мақомига эга бўлган кишилар сонининг (Ит) ана шу санадаги иқтисодий фаол аҳоли сонига (Фат) нисбати сифатида аниқланади.

$$Ид_т = Ит : Фа_т \cdot 100,0\ \%,$$

бунда $Ид_т$ – ишсизлик даражаси.

Ўзбекистонда ишсизлик даражаси Халқаро Меҳнат ташкилотининг услубиёти асосида ҳисоблаб чиқилган ва у йўл қўйиш мумкин деб ҳисобланадиган – иқтисодий фаол аҳолининг 5,0 % доирасида ушлаб

[1] Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон,20-модда; 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 225-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда.

турилибди. Мамлакатда ишсизларни ишга жойлаштириш бўйича етарли даражада самарали иш олиб борилмокда, бу меҳнат бозорининг юкори даражадаги фаоллигининг далилидир (4.10-жадвал).

4.10-жадвал

Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари (БКМ) томонидан ишга жойлаштирилган аҳоли сони (минг киши)[1]

Ҳудудлар	БКМга мурожаат қилганлар сони	БКМ йўлланмаси билан ишга жойлашганлар сони
Қорақалпоғистон	47,3	43,0
Вилоятлар:		
Андижон	55,1	49,3
Бухоро	39,8	31,7
Жиззах	32,5	28,0
Қашқадарё	58,9	52,2
Навоий	30,3	26,8
Наманган	58,9	49,9
Самарқанд	64,4	59,0
Сурхондарё	38,0	32,9
Сирдарё	20,9	17,7
Тошкент	43,3	39,2
Фарғона	76,7	66,6
Хоразм	46,1	32,1
Тошкент шаҳри	46,2	38,0
Жами	**658,3**	**566,3**

Статистика маълумотларига кўра, республикада ташкил қилинган Иш билан бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида мурожаат килган фуқароларнинг ишга жойлаштирилиш даражаси 87,5 %ни ташкил этмокда. Энг ёш гуруҳда (18 ёшгача) ишга жойлашиш даражаси 84,8 %ни, 19-29 ёшда эса 88,2 %ни ташкил этади.

Мамлакатда ишсизлик ортишига йўл қўймаслик мақсадида ҳар йили 1 миллион атрофида янги иш жойлари яратилиши билан бир қаторда меҳнат органлари томонидан ишга муҳтож фуқаролар:

- янги касбларга ўргатилади;
- мавжуд бўш иш жойларидан хабардор қилади.

Ишсизлик даврий хусусият касб этганда давлат бюджети, фискал, кредит-пул воситаларини ишга солади, яъни:

- иш билан таъминлашни кучайтириш учун иш берувчиларни янги иш жойлари яратишга рағбатлантиради;

[1] Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари. //http: // www.mexnat.uz.

• тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш максадида уларга солиқ, кредит ажратишда имтиёзлар беради;

• меҳнат биржаларига маблағ ажратишни кўпайтиради.

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли эса меҳнат килишга қобилиятли, аммо ишчи кучи таркибига кирмайдиган аҳоли қатламидан иборат бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

• ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ҳамда иш ҳақига ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;

• ишламаётган III гуруҳ ногиронлари;

• уй бекалари ҳамда болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар;

• ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар ва бошқалар.

Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳоли билан бир қаторда меҳнат ресурслари ҳам ортиб бормоқда (4.11-жадвал).

4.11-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва меҳнат ресурслари сони ўсишининг динамикаси (минг киши ҳисобида)[1]

Кўрсаткичлар	Йиллар					2012 й.да 2005 й.га нисб. ўзгариши, %
	2005	2006	2008	2009	2012	
Жами аҳоли сони	26167,0	26488,2	27555,3	28000,8	29559,1	113,0
Меҳнат ресурслари сони	14453,2	14816,5	15644,9	16123,6	17204,2	119,0
шундан:						
Иқтисодий фаол аҳоли сони	10224,0	10492,5	11603,1	11929,2	12986,6	127,1
Иш билан банд аҳоли сони	10196,3	10467,0	11035,4	11327,7	12328,4	120,9
Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сони	4229,2	4324,0	4041,8	4186,4	4217,6	99,7

Демографик жараёнлар нафақат аҳоли сони, айни пайтда меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли миқдорига бевосита таъсир кўрсатувчи асосий омилдир. Халқаро Меҳнат ташкилотининг услубиётига мувофиқ, **меҳнат ресурслари** - меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан ташқари ёшда (пенсионерлар ва ўсмирлар) меҳнат қилаётган шахсларнинг йиғин-дисидир[2] (4.9-расм).

Меҳнатга лаёқатли ёш - аҳолининг меҳнатга лаёқатли давридир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, бу эркаклар учун 44 йилни (16 ёшдан 60 ёшгача), аёллар учун

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //http://www.stat.uz.

[2] Утинова С.С. Методологические подходы к анализу проблем занятости и рынка труда. -М.: Вопросы статистики, 2003. № 7. - С. 34.

эса 39 йилни (16 ёшдан 55 ёшгача) ташкил этади. I ва II гурух ногиронлар ҳамда имтиёзли пенсия олувчилар бундан истисноднр[1].

Меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ривожланиши демографик жараёнлар – мамлакат ва унинг минтақаларида туғилиш ва ўлим даражаси, аҳоли жинсий таркибининг, никоҳлар ва ажралишлар сонининг, оилалар таркибининг, оиладаги болалар сонининг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир.



4.9-расм. Халқаро Меҳнат ташкилоти услубиётига кўра меҳнат ресурслари

Меҳнат ресурсларини тўлдиришнинг асосий манбаи меҳнатга лаёқатли ёшга тўлаётганлар ҳисобланади. Туғилиш даражасининг ҳар гал кескин ортиши меҳнат ресурсларида 14-15 йилдан сўнг ўз ифодасини топади.

Меҳнат ресурсларини ҳосил қилишнинг икки тури мавжуд:

1. **Меҳнат ресурсларини ҳосил қилишнинг экстенсив тури.** Унинг учун ўлим даражасининг юқорилиги, аҳоли таркибида ёшлар улушининг катталиги, катта ёшдагилар, карияларнинг эса камлиги, аҳоли ўсиши суръатларининг пастлиги хос. Меҳнат ресурсларининг экстенсив тури иқтисодий фаол аҳолининг сифат хусусиятлари ўзгармаган ҳолда меҳнат ресурслари кўпайишини билдиради.

2. **Меҳнат ресурсларини ҳосил қилишнинг интенсив (замонавий) тури.** Ушбу тур одамлар турмуш даражаси ва турмуш сифатининг ортиши, жамиятдаги илғор ўзгаришлар натижасида умр кўриш ўртача даражаси ва катта ёшдагилар салмоғининг ортиши хусусиятларига эгадир. Интенсив тур, шунингдек, аҳоли таркибидаги сифат ўзгаришлари – таълим, касбий малака даражасининг, жисмоний ва ақлий салоҳиятнинг, меҳнат қобилиятининг ва меҳнат унумдорлигининг ортиши билан боғлик.

[1] *Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги бўйича* меъёр-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б.30.

Аҳоли таркибидаги ўзгаришлар меҳнат ресурслари таркибининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатади. Юқори даражадаги туғилиш келгусида меҳнат бозорига ишчи кучи кириб келиши ортиши, бинобарин ишчи кучи таклифи талабга нисбатан ортиқ бўлишини англатади. Шу билан бирга туғилиш сонининг кўпайиши иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сонига таъсир кўрсатади. Чунки болали оналар туғрук таътилига чиқиши натижасида иқтисодий фаол аҳоли таркибидан иқтисодий фаол бўлмаганлар қаторига қўшилади.

Меҳнат ресурслари таркибида аҳолининг жинси ва ёши ҳисобга олинади. Ёш бўйича тўртта асосий гуруҳ ажратиб кўрсатилади:

- 16-29 ёшдагилар;
- 30-49 ёшдаги фукаролар;
- пенсия арафасидаги шахслар (50-59 ёшдаги эркаклар - 50-54 ёшдаги аёллар);
- меҳнат фаолиятини давом эттираётган пенсия ёшидагилар (эркаклар - 60 ёшдан сўнг, аёллар - 55 ёшдан сўнг).

Ёш бўйича аҳолининг турли гуруҳлари меҳнат фаоллиги даражаси билан фарқланади. Жумладан, 16-29 ёшдагиларнинг асосий қисми таълим олиш, касб-ҳунар ўрганиш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ билан машғул бўлади.

Энг юқори меҳнат фаоллиги ва иш билан бандлик 25-49 ёшдаги фукаролар учун хосдир. Улар 50 ёшга тўлганларидан кейин меҳнат фаолликлари аста-секин камая боради. Фуқароларнинг бир қисми пенсия ёшига тўлганидан кейин ҳам меҳнат фаолиятини давом эттирадилар. Бирок экспертларнинг фикрларига кўра, уларнинг меҳнат фаоллиги пенсия ёшига тўлганларидан сўнг дастлабки 5-7 йил давомида сақланиб қолади.

Аҳолининг ижтимоий таркиби – одамларнинг ижтимоий гуруҳларга тақсимланишидир. Бозор иқтисодиёти шароитларида аҳолининг ижтимоий гуруҳлари асосан жамиятнинг иқтисодий тизимдаги мавқеи ва билими даражаси бўйича ажратилади. Шу мезонлар асосида аҳолини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин (4.10-расм):

- юқори мартабали давлат хизматчилари, маъмурлар;
- зиёлилар (уларни ихтисосликлари бўйича иқтисодчилар, муҳандислар, ўқитувчилар, шифокорлар ва ҳ.к.ларга бўлиш мумкин);
- тадбиркорлар, шу жумладан шахсий меҳнат фаолияти билан машғуллар;
- ишчилар (улар малакали ва малакасиз ишчиларга бўлинади);
- қишлоқ хўжалиги ходимлари, шу жумладан фермерлар;
- ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар.



4.10-расм. Аҳолининг ижтимоий таркиби

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда юқори мартабали давлат хизматчилари, маъмурлар ҳамда аҳолининг ночор қисми – ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар камчиликни – жами аҳолининг тахминан 10,0 %ни ташкил қилади. Аҳолининг аксарият қисми эса ўрта тоифа (синф) вакилларидан иборат.

Умуман, одамларнинг ўзига-ўзи баҳо бериши, ўзини аҳолининг муайян гуруҳига мансублигини англаши уларнинг турмуш даражаси ва сифатининг умумий кўрсаткичи ҳисобланади. Бунда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад билан бир қаторда яшаш шароити ва стандартлари, аҳолининг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминланган, одамлар истиқомат қиладиган муҳитни ривожлантириш ҳамда ободонлаштириш, зарур инфратузилманинг мавжудлиги ва унинг самараси, аҳолини сифатли истеъмол товарлари, шу жумладан, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар билан таъминлаш, замонавий талаблар асосида таълим олиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидан баҳраманд бўлиш каби ҳаёт даражасини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлар инобатга олинади.

Ўзбекистонда юқорида қайд этилган аксарият кўрсаткичлар бўйича катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги оилаларнинг 97,0 %и ўз уйига эга, аҳолининг 90,0 %и узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган, ҳар уч оиладан бири шахсий енгил автомобилга эга, аҳоли истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмоқда. Шу сабабли ўтказилган сўровларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 50,0 %га яқини ўзини ўрта тоифага мансуб, деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24,0 % аҳоли ўзини шу тоифага мансуб, деб ҳисобларди.

4.6. Аҳолининг жойлашиши

Аҳоли жойлашишининг асосий хусусияти – одамларнинг шаҳарлар ва қишлоқларда жойлашишидир. Тарихдан аҳоли жойлашишининг икки тури фарқланган:

• кўчманчи аҳоли;

• ўтроқ аҳоли.

Ҳозирги даврда кўчманчи халқ жуда кам (Африка китъаси, шунингдек, Осиёда) учрайди. Ўтроқ аҳоли эса шаҳар ва қишлоқ аҳолисига бўлинади.

Демографларнинг ҳисоблашича, аҳолининг жойлашиши кўчманчи аҳоли – қишлоқ – кичик шаҳар – катта шаҳар – агломерат – мегаполис тарзида ривожланиб борган.

Агломерат – асосан шаҳарларнинг ишлаб чиқариш, меҳнат, маданий-маиший ва бошқа алоқалар билан яхлит маъмурий тузилмага бирлашишидир.

Мегаполис (юнонча "megas" – "катта" ва "polis" – "шаҳар" сўзларидан) – қўшни агломератларнинг бирлашиши натижасида ташкил топган энг йирик шаҳарлардир.

Шаҳар ва қишлоқ ўртасида ҳамиша ҳам аниқ чегара ўрнатиб бўлмайди. Йирик шаҳар билан қишлоқлар ўртасида аста-секин оралиқ аҳоли тураржойлари шаклланади. Бу тураржойлар шаҳарга қанчалик яқин бўлса, улардаги урбанизация жараёни шунчалик тезлашади.

Урбанизация (лотинча "urbs" – "шаҳар" сўзидан) – жамиятни ривожлантиришда шаҳар ролининг ортиши жараёнидир. Шаҳарларда саноатнинг ривожланиши, уларнинг сиёсий ва маданий функцияларининг кенгайиши, ҳудудий меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши ана шу жараён хусусиятларидир. Урбанизация учун шаҳар атрофидаги қишлоқлардан шаҳарларга, кичик шаҳарлардан мегаполисларга тебранишли миграция хосдир.

Урбанизация жараёни қуйидагилар ҳисобига рўй беради:

• қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарларга айлантирилиши;

• шаҳар атрофида янги аҳоли тураржойларининг шаклланиши;

• аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳарга миграцияси.

Урбанизациянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти катта. Урбанизация даражасининг ортиши қуйидаги жиддий ўзгаришларга сабаб бўлади:

• аҳоли тураржойларидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг улуши камайиб, саноат функциясининг салмоғи ортади;

• тураржой бинолариниинг зичлиги, кўп қаватлиги ортади;

• хизмат кўрсатиш корхоналарининг сони кўпаяди;

• меҳнат бозори кенгаяди;

• аҳолининг ҳаракатчанлиги ортади, шунингдек, турмуш тарзи ўзгариб боради.

Демографияда аҳолининг шаҳар ва қишлоқларда жойлашишининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

• шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сони;

• шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонининг улуши;

• ҳар 1000 нафар қишлоқ аҳолисига тўғри келадиган шаҳар аҳолиси.

Ўзбекистонда урбанизация жараёнларининг долзарблиги республика Марказий Осиёда аҳолиси энг зичлиги билан изоҳланади. Ҳозирги вақтда мамлакатда 1 квадрат километрга 66,5 киши тўғри келади. Кейинги 30 йил мобайнида республикада аҳоли зичлиги икки баробарга ортди[1]. Бироқ аҳоли мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича бир текис жойлашмаган. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 51,1 % шаҳарларда яшайди.

Республикада урбанизация жараёнлари ҳам бир текис кечмаган. 1991 йилда Ўзбекистонда мамлакат аҳолисининг 40,0 %и шаҳарларда яшарди. Лекин бу кўрсаткич 2001 йилда -- 37,0 %ни, 2006 йилда -- 36,0 %ни ташкил этди. Мазкур жараёнлар қишлоқ жойларида туғилиш даражаси шаҳарлардагига қараганда юқори бўлганлиги ҳамда миграция жараёнлари билан изоҳланади.

Ўзбекистондаги амалдаги қонунчиликка кўра, саноат корхоналарига, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларга, коммунал хўжаликларига, давлат тураржой фондига, маданий-маърифий, таълим, даволаш профилактика, савдо, таъминот, коммуникация, транспорт ва бошқа муассасаларнинг кенг тармоғига эга бўлган, камида 7000 аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари шаҳар мақомини олиши мумкин. Аҳолиси камида 2000 кишидан иборат бўлган, саноат корхоналари, транспорт ва бошқа ҳаётий муҳим объектлар яқинида жойлашган аҳоли *пунктлари шаҳар туридаги посёлка мақомини олиши мумкин.*

2009 йилда мамлакат ҳукуматининг қарори[2] билан республикадаги аҳолиси камида 2000 кишидан иборат бўлган 965 та йирик аҳоли пунктларига шаҳар посёлкалари мақоми берилди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси сони 4,4 миллион кишига кўпайди (4.11-расм).

---

[1] Урбанизация в Центральной Азии: вызовы, проблемы и перспективы. -Т.: Центр экономических исследований, 2013. – С.12.

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 68-сон қарори. //http://www.lex.uz.



4.11-расм. Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонининг ортиши динамикаси (минг киши ҳисобида)[1]

Ҳукумат қарорига мувофиқ, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида – 11 та, Андижон вилоятида – 79 та, Бухоро вилоятида – 59 та, Жиззах вилоятида – 33 та, Қашқадарё вилоятида – 117 та, Навоий вилоятида – 29 та, Наманган вилоятида – 108 та, Самарқанд вилоятида – 75 та, Сурхондарё вилоятида – 106 та, Сирдарё вилоятида – 15 та, Тошкент вилоятида – 78 та, Фарғона вилоятида – 198 та, Хоразм вилоятида – 50 та қишлоқ шаҳар посёлкаларига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 9-моддасига мувофиқ, аҳоли пунктлари энг йирик шаҳарлар, йирик шаҳарлар, ўртача шаҳарлар, кичик шаҳарларга бўлинади (4.12-жадвал).

4.12-жадвал

Ўзбекистондаги шаҳарлар мақоми

Шаҳар турлари	Аҳолисининг сони
Энг йирик шаҳарлар	1 миллион кишидан кўп
Йирик шаҳарлар	250 минг кишидан 1 миллион кишигача
Катта шаҳарлар	100 минг кишидан 250 минг кишигача
Ўртача шаҳарлар	50 минг кишидан 100 минг кишигача
Кичик шаҳарлар	50 минг кишигача

Бугунги кунда аҳолисининг сони 20 минг кишигача бўлган шаҳарларнинг умумий сони 35 та бўлиб, улар мамлакат шаҳарлари тизимининг 29,4 %ини ташкил этади. Уларда республика шаҳарлари аҳолисининг салкам 5,4 %и яшайди. Аҳолиси 20 мингдан 50 минггача бўлган шаҳарлар 48 тадир (шаҳарлар тизимининг 40,3 %и). Ўртача шаҳарларда (аҳолиси 50-100 минг бўлган 19 та шаҳар) шаҳар аҳолисининг 16,0 %и истиқомат килади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон

[1] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //http://www.stat.uz.

шаҳарларининг кўпчилигини (шаҳарлар тизимининг 69,7 %и) кичик ва ўрта шаҳарлар ташкил этади. Уларда шаҳарлар жами аҳолисининг 35,1 %и яшайди.

4.7. Аҳолининг кексайиши ва бунинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари

Аҳолининг кексайиши - аҳоли умумий сонида катта ёшдагилар улушининг ортишидир. Аҳолининг кексайиши узоқ давом этадиган демографик ўзгаришларнинг: аҳолининг такрор ҳосил қилинишидаги туғилиш ва ўлим, кисман миграция жараёнларидаги силжишлар. улар нисбатларининг натижаси ҳисобланади.

Демографлар аҳолининг қариши жараёнига XIX асрнинг охирида эътибор қарата бошлади. Лекин демографик қариш кўламлари, унинг сабаб ва оқибатларини илмий тадқиқ этиш XX аср биринчи чорагида бошланган. Турли мамлакатлар демографлари – франциялик Ж. Буржуа-Пиша, А. Сови, АҚШдан Э. Коул, Россиядан А.Я. Боярский ва бошқаларнинг илмий изланишлари аҳолининг қариши туғилишнинг камайиши ҳисобига рўй бераётганлигини кўрсатди.

Демографияда бу қуйидан қариш номини олган. Умуман, аҳоли қаришининг икки тури мавжуд:

• **қуйидан қариш** – аҳолининг туғилиш камайиши оқибатидаги қаришдир;

• **юқоридан қариш** – ўртача умр давомийлигининг ортиши, туғилиш даражаси паст бўлган шароитда катта ёшдагилар ўртасида ўлим даражасининг пасайиши натижасидир.

Юқорида қайд қилинган атамаларда "қуйи" ва "юқори" атамалари аҳолининг ёш-жинс пирамидаси шакли нуқтаи назаридан қабул қилинган. Яъни туғилишнинг камайиши пирамида асоси узунлигини қисқартиришга, катта ёшдагилар ўртасида ўлимнинг камайиши пирамида пайзасимон учининг кенгайишига олиб келади[1].

Фанда кексалик, унинг дастлабки кўринишлари, кексалик ёши ва унинг чегаралари каби масалалар хусусида анчадан бери баҳс-мунозаралар олиб борилади, лекин сўнгги йиллардагина бу муаммолар иқтисодиёт, демография, социология, геронтология каби фанларнинг жиддий тадқиқот объектига айланди. Чунки аҳолининг кексайиш жараёни билан бир вақтда кекса кишиларнинг ижтимоий, физиологик ва биологик хусусиятларида туб ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришларнинг оқилона кечиши нафақат согликни сақлаш

---

[1] Вишневский К. Демографический анализ. – М., 2005. – С. 203-208.

тизимига, балки жамиятнинг бошқа тузилмаларига – иқтисодий, ишлаб чиқариш, рекреация, ижтимоий таъминот, оила ва бошқаларга ҳам боғлиқдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қариликни инсоннинг ҳаёти давомида кечадиган ўзгаришларни белгиловчи физиологик жараён, деб ҳисоблашни таклиф қилган[1]. Шу билан бирга, кексаликни касаллик билан тенглаштирувчи фикрлар ҳам кенг тарқалган. Биз бу фикрни тўғри эмас, деб ҳисобловчилар фикрига қўшиламиз. Бизнингча, кексалик кишида намоён бўлгач, улар сурункали касалликларга тез-тез йўлиқадиган аҳоли гуруҳини ташкил этади, холос. Чунки инсон организмининг жисмонан қариши оқибатида кишининг ташқи ўзгаришлар ва ноқулай ҳолатларга мослашиши сусаяди ва у тез-тез касалликларга чалинадиган бўлиб қолади. Кекса киши меҳнатга лаёқатсиз ва ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлади.

Одатда, меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган аҳоли пенсия ёшидаги аҳоли ҳисобланади. Бу ёш чегарасидан бошлаб инсонда жисмоний қувватнинг заифлашуви, иш қобилиятининг сусайиши рўй беради, унинг ижтимоий-иқтисодий, жамият ва оиладаги мавкеида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Шунинг учун ҳам иқтисодчилар аҳолининг бу гуруҳини қариялар гуруҳига киритади.

Инсон организмида рўй берадиган ўзгаришлар: жисмоний қувватнинг заифлашуви, иш қобилиятининг сусайиши, ташқи таъсирларга мослашиш ва жавоб реакцияларининг секинлашуви ва бошқалар 55-60 ёш чегарасидан юзага чиқади. Демак, кексалик даврининг бошланишига шартли равишда Ўзбекистонда белгиланган меҳнатга лаёқатли ёшнинг энг юқори чегарасини асос сифатида олишни ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган аҳоли – 55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар, 60 ва ундан юқори ёшдаги эркакларни қариялар гуруҳига киритиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Сўнгги йилларда инсон умрининг кексалик даврини таснифлаш бўйича хилма-хил ёндашувлар пайдо бўлди. Масалан, геронтологлар таснифига кўра, 60-74 ёшдагилар – қариялар, 75-84 ёшдагилар – кексалар, 85 ва ундан юқори ёшдагилар – жуда кексалардир[2]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таснифича, 60-74 ёшдагилар – қариялар, 75-89 ёшдагилар – кексалар, 90 ва ундан юқори ёшдагилар – узоқ умр кўрувчилар, деб ҳисобланади[3].

---

[1] Здоровье пожилых // Доклад комитета ВОЗ. Женева, 1992. – С.7.

[2] Возраст мудрости – возраст создания. /Программа развития ООН. – М., 1999. – С. 17.

[3] Калинбосим И.В. Возрастная структура населения СССР. – М.: Статистика, 1975. – С. 12.

Демограф олимлар томонидан аҳолининг кексайиш даражасини "қариш индекси" ёрдамида баҳолаш таклиф этилган. "Қариш индекси" тушунчаси фанга таниқли демограф А. Сови томонидан киритилган. Француз демографи қариш индексини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган аҳоли (қариялар) сонининг меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли (болалар) сонига фоизларда ҳисобланган нисбати орқали аниқланиши ва аҳолининг кексайиш даражасини баҳолашда ҳозирда жаҳонининг кўпчилик мамлакатларида фойдаланилаётган қуйидаги демографик мезонни таклиф қилди (4.13-жадвал).

4.13-жадвал

Аҳолининг кексайиш даражаси мезони

Босқич	Аҳолининг қариш индекси, %	Аҳолининг қариш даражаси
I	20 дан кам	паст
II	20-30	ўрта
III	30 дан баланд	юқори

Жадвалдан кўриниб турибдики, аҳолининг қариш индекси 20,0 %дан камни ташкил этса, шу ҳудуд аҳолисининг кексайиш даражаси паст ҳисобланади. Агар қариш индекси 30,0 %дан ортса, шу ҳудуд аҳолиси юқори даражада кексаяётган ҳудудлар қаторидан ўрин олади.

Муайян ҳудудда аҳоли кексайиш жараёнининг ривожланиш даражасини баҳолашда белгиланган ёш чегарасидан юқори ёшдаги аҳоли салмоғи кўрсаткичидан фойдаланилади. Мазкур кўрсаткич ортиб бориши билан шу ҳудуд аҳолиси демографик нуқтаи назардан қари ҳисобланиши мумкин.

Умуман, демографик қариш мезони турли мамлакатларда турлича белгиланади. Одатда демографик қариш аҳоли таркибида 60-65 ёшдагилар улушига қараб аниқланади. Француз демографлари Жаклин Божё-Гарнье ва Э. Россет демографик қариликни тўрт босқичга ажратишни таклиф қилган (4.14-жадвал).

Бу таснифга мувофиқ, муайян ҳудуд аҳолиси таркибида қариялар улуши 8 %дан камни ташкил қилса, унинг аҳолиси демографик ёш, 12,0 %дан кўп бўлса - демографик қари ҳисобланади. Экспертларнинг ҳисобларича, аҳоли умумий сонида ёши кексаларнинг салмоғи 7,0-8,0 %дан ортадиган бўлса, бундай давлатлар кексаяётган мамлакатлар ҳисобланади. Бунда кексайиш ёши ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида 65 ёш, айримларида – 60 ёш сифатида қабул қилинган. Ҳозирги кунда бу ҳолат асосан иқтисодий ривожланган мамлакатлар, жумладан, Германия (24,0 %), Франция (23,7 %), Буюк Британия (20,3 %) каби давлатларда кузатилмоқда. Айни пайтда Африка ва

Жанубий-ғарбий Осиё мамлакатларида мазкур кўрсаткич атиги 2.0-3.0 %ни ташкил этади.

Аҳоли таркибида кекса кишилар улуши оғирлиги билан бир йўла болалар (одатда уларга 15 ёшгача бўлганлар киритилади) салмоғи камайиб бормоқда. Европанинг қатор давлатлари – Германия, Италия ва бошқаларда аҳоли таркибидаги болалар 15,0 %га тушиб қолди, яъни улар кекса ёшдагилардан кам. Шу билан бирга Яман, Кения ҳамда Шарқий Африканинг қатор мамлакатларида аҳоли таркибидаги болалар улуши 50.0 %дан ҳам ортиқ. Бу уларнинг кекса кишилардан 10-15 баравар кўплигини англатади. Ана шу давлатларни аҳолиси энг ёшлар қаторига киритиш мумкин.

4.14-жадвал

Аҳоли қариш жараёнининг ривожланиш даражасига кўра кексалик таснифи*

Босқич	Қариялар салмоғи (60 ёш ва ундан юқори, % ҳисобида)	Қариш босқичлари ва аҳолининг кексайиш даражаси
I	8.0 дан кам	Демографик ёш
II	8,0-10,0	Қариш бўсағасида
III	10.0-12,0	Ҳақиқий қариш
IV	12,0 ва ундан юқори	Демографик қари
	12.0-14,0	Демографик қариликнинг бошланғич босқичи
	14.0-16.0	Демографик қариликнинг ўртача босқичи
	16,0-18,0	Демографик қариликнинг баланд даражаси
	18,0 ва ундан юқори	Демографик қариликнинг жуда баланд даражаси

Бирлашган Миллатлар ташкилоти экспертлари демографик қариш даражасини баҳолаш мақсадида уч босқичли шкала ишлаб чиққан (4.15-жадвал).

4.15-жадвал

Аҳолининг кексайиш шкаласи

Босқич	65 ёш ва ундан юқори ёшдагилар улуши, % ҳисобида	Аҳолининг қариш даражаси
I	4,0 дан кам	Демографик ёш
II	4,0 7.0	Демографик қариш бўсағасида
III	7,0 дан юқори	Демографик қари

Бунда аҳолининг кексайиш даражасини баҳолаш учун кексалик ёшининг бошланиш чегараси асос қилиб олинган ва унга кўра, аҳолининг ёш таркибида 65 ёш ва ундан юқори ёшдагиларнинг улуши 7,0 %дан ошса, ҳудуд аҳолиси демографик қари ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти мутахассислари дунё мамлакатларида демографик қаришни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага келди:

• 36 мамлакат аҳолиси демографик қаришнинг жуда юқори даражасида;

• 7 мамлакат аҳолиси демографик қаришнинг ўртача даражасида;

• 9 мамлакат аҳолиси демографик қаришнинг бошланғич бўсағасида;

• 10 мамлакат аҳолиси демографик қариш бўсағасида;

• 17 мамлакат аҳолиси демократик қаришнинг биринчи бўсағасида;

• 100 мамлакат аҳолиси демографик ёшда.

Ўзбекистон аҳолисининг кексайиш даражасини баҳоласак, француз демографлари таснифи бўйича мамлакатда 60 ёшдаги ва ундан юқори ёшдагилар аҳолининг 6.0 %ини ташкил этади ва республика аҳолиси демографик нуқтаи назардан ёш ҳисобланади. БМТ демографлари таснифи бўйича эса 65 ёш ва ундан юқори ёшдагилар республика аҳолисининг 4.5 %ини ташкил этади ва бу демографик қариш бўсағаси таснифига мос тушади.

Мамлакатда кечаётган демографик жараёнларнинг замонавий тенденциялари таҳлили аҳоли ёш таркибида болалар салмоғининг камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва қариялар салмоғи ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Маълумотларга кўра, 2000-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг қариш индекси деярли кўпаймаган (4.16-жадвал).

Албатта, кўрилаётган даврнинг турли оралиқларида ҳудудлар миқёсида аҳолининг қариш индексининг ўзгариши турлича бўлган. Жумладан, 1991-1995 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида аҳолининг қариш индекси – 0,8, Тошкентда – 0.1, Навоий ва Хоразм вилоятларида – 0,6, Тошкент шаҳрида – 2,2 пунктга ўсган бўлса, бу кўрсаткич Андижонда – 0,3, Самаркандда – 0,8, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида – 0,2 пунктга камайган. Демак, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида аҳолининг кексайиш жараёни 1991 йилдан бошланган ва бу тенденция 2000-2010 йилларда республиканинг барча ҳудудларига улар аҳолисининг ёш таркибида болалар мутлақ сонининг қискариши ҳисобига қариш индекси кўрсаткичи ортиши билан ёйилди.

Ҳисоблаб чиқилган аҳолининг қариш индексига асосланган ҳолда ҳудудлар аҳолисининг кексайиш даражасини жаҳонда қабул қилинган демографик мезонга кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин:

• биринчи гуруҳга – аҳолиси нисбатан суст кексаяётган ҳудудлар (20,0 %дан кам): Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари;

• иккинчи гуруҳга – аҳолиси ўртача даражада кексаяётган ҳудудлар (20.0-30.0%): Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари;

• учинчи гуруҳга – аҳолисининг кексайиши юқори даражада бўлган ҳудудлар (30,0 %дан баланд): Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти киритилди.

4.16-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг ёши бўйича таркиби ўзгариши динамикаси (% ҳисобида)[1]

Йиллар	0–15 ёшдагилар	16–59 ёшдагилар	60 ёш ва ундан каттлар
2000	39,8	53,0	7,2
2005	35,0	57,9	7,1
2006	34,2	58,7	7,1
2007	33,3	59,5	7,2
2008	32,7	60,1	7,2
2009	32,5	60,3	7,2
2011	32,6	60,2	7,2

Юқорида қилинган таҳлилларга кўра айтиш керакки, аҳолиси нисбатан суст кексаяётган вилоятларда ҳам аҳолининг қариш индекси кўтарилиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, яқин келажакда республикамизнинг барча ҳудудларида ҳам аҳолининг кексайиш даражаси ривожланишини кўрсатади. Демографларнинг прогнозлари мазкур жараён тобора кучайиб боришидан далолат бнрмоқда. Хусусан, Берлашган Миллатлар ташкилоти экспертларининг прогнозларига мувофик, 2050 йилга бориб дунёда энг юқори демографик қариш даражаси 72.7 %га етиши тахмин қилинмоқда (4.17-жадвал).

Аҳолининг кексайиши мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ривожланишига ўз таъсирини ўтказади ҳамда бу жараён қуйидаги қатор ижтимоий-иқтисодий окибатларга олиб келади.

Биринчидан, кексалар улушининг ортиши аҳолининг иқтисодий фаоллигини пасайтиради. Одамнинг ёши қанча катта бўлса, маҳсулдорлиги шунчалик паст бўлади.

Иккинчидан, аҳолининг кексайиши иқтисодиётда ёшлар улуши камайишини англатади. Бу эса иш билан банд аҳолини касб-малака ва тармоқ таркибининг ўзгариш жараёни ва бинобарин, иқтисодиётнинг самарадорлиги ошишини секинлаштиради.

[1]Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари. //http: www.mexnat.uz.

4.17-жадвал

Жаҳон аҳолисининг демографик қариш бўйича тақсимланишининг 2050 йил учун прогнози[1]

Мамлакатларнинг демографик қариш бўйича тақсимланиши (Ж. Божё- Э. Россет шкаласи бўйича)	Мамлакатлар сони	Аҳоли сони, млн. киши	Аҳоли умумий сонига нисб., %
Демографик ёш	18	559482	6,2
Демографик қаришнинг биринчи бўсағаси	15	743968	8,2
Демографик қариш бўсағаси	6	128232	1,4
Демографик қаришнинг бошлангич даражаси	12	276429	3,1
Демографик қаришнинг ўртанча даражаси	8	295	0,1
Демографик қаришнинг юқори даражаси	7	342702	3,8
Демографик қаришнинг энг юқори даражаси	126	6580477	72,7

Учинчидан, пенсия жамғармаси зиммасига пенсиялар тўлаш харажатларининг бениҳоя оғир юки тушади. Зеро, пенсионерлар улушининг кўпайиши билан бир йўла пенсия жамғармаларига маблағ тўлаб борадиган меҳнатга қобилиятли аҳоли салмоғи қисқаради.

Тўртинчидан, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш учун қўшимча маблағ сарфлаш, геронтологик муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бутун соғлиқни сақлаш тизимини сифатли тарзда қайта қуришни талаб қилади.

Бешинчидан, ҳали ишлашни истайдиган "ёш қариялар"ни иш билан таъминлаш лозим. Бу осон вазифа эмас, чунки пенсия ёшига етмаганларга ҳам иш ўринлари етишмайди.

Олтинчидан, аҳолининг кексайиши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибига таъсир кўрсатади, яъни аҳоли бу гуруҳининг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ равишда товар ва хизмат-лар ассортиментини ўзгартиришга тўғри келади. Баъзи технологик операцияларни ҳам ўзгартириш, машина ва ускуналарни ходимларнинг ёш хусусиятларига мослаштириш керак. Транспорт воситалари ҳам кексалар талабига монанд бўлиши лозим.

Аҳолининг кексайиши шароитида қарияларнинг турмуш фаровон-лигини ошириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

• пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилаш;

• нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан қарияларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасини янада кучайтириш;

• Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида гериатрик марказ ва республиканинг барча туман ва шаҳарларида шу марказнинг бўлим-

[1] World Population Prospects: The 2004 Revision //http: // esa.un.org.

ларини очиш ҳамда улар томонидан аҳолининг шу категориясига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини кўпайтириш;

• барча маҳаллаларда карилар учун мўлжалланган кундузги мулоқотда бўлиш ва хордиқ чиқариш жамоатчилик марказларини кўпайтириш;

• ёлғиз кексаларга ўз уйида ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳоли таркиби деганда нимани тушунасиз?
2. Аҳолининг жинсий таркибига таъсир этувчи омилларни айтиб беринг.
3. Жинсларнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи нисбатларини фарқлаб беринг.
4. "Аниқ ёш" ва "йиллар тўлгандаги ёш" тушунчаларига таъриф беринг.
5. Аҳолининг ёш таркибига таъсир этувчи омилларни санаб беринг.
6. Аҳоли ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан ёшига кўра нечта гуруҳга ажратилади?
7. Ёш аккумуляцияси деганда нимани тушунасиз?
8. "Ёш контингенти" тушунчасига таъриф беринг.
9. Аҳолининг ёш-жинс пирамидаси қандай мақсадларда тузилади?
10. Прогрессив, стационар ва регрессив ёш таркибларини фарқланг.
11. Демографик босим коэффициенти деганда нимани тушунасиз?
12. Аҳолининг кексайиши қандай демографик, ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади?

Адабиётлар рўйхати

1. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009.
2. Бедный М.С. Мальчик или девочка? (Медико-демографический анализ). Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 1987.
3. Борисов В.А. Демография: Учебник. – М.: Нота Бене, 2004.
4. Бўриева М.Р. Демография асослари. – Т., 2001.
5. Демография: Учебник для вузов. /Под ред. Н.А. Волгина, Л.Л. Рыбаковского. – М.: Логос, 2005.

6. Демография: Учебное пособие. /Под ред Глушкова В.Г., Симагин Ю.А. – М.: КноРус, 2010.
7. Денисова М.Б., Калмыкова Н.М. Демография. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010.
8. Калинбосим И.В. Возрастная структура населения СССР. – М.: Статистика, 1975.
9. Лысенко С.Н. Демография. Учебно-практическое пособие. – М.: Вузовский учебник, 2010.
10. Медков В.М. Демография: Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2009.
11. Косов П.И. Основы демографии: Учебное пособие. Берендеева А.Б. – 2-е изд, доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010.
12. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2010.

5-боб. НИКОҲ ВА АЖРАЛИШНИНГ ДЕМОГРАФИК МОҲИЯТИ

5.1. Никоҳнинг демографик моҳияти ва унинг турлари

Никоҳ демография, социология, ҳуқуқ, тарих ва психология каби фанлар томонидан тадқиқ этилади.

Социологик нуқтаи назардан никоҳ – аёл ва эркак ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланган ва жамият томонидан тартибга солинадиган, уларнинг бир-бирига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқлари ва бурчлари белгилаб қўйиладиган шаклидир[1].

Ҳуқуқ нуқтаи назаридан "Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади"[2].

Демография нуқтаи назаридан никоҳ, энг аввало, оила тузиш ва фарзанд кўриш, шунингдек, туғилиш ва ўлим жараёнлари, никоҳнинг ўзига хослиги ва унинг ўзгариш қонуниятлари жиҳатидан аҳамиятлидир.

Умуман, никоҳ – икки жинс вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқ, оилани вужудга келтиришнинг асосий. у фақат ахлоқ меъёрлари билангина эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади[3].

Ижтимоий муносабат сифатида никоҳ турли жамият ва тузумларда турлича кўринишда бўлган. Жинсий муносабатларнинг дастлабки ижтимоий тартибга солинган шакли ибтидоий жамоа тузумининг гуруҳ никоҳидир. **Гуруҳ никоҳи** қабилалар ўртасида тузилган, кўпинчидан **дислокал**, яъни эр ва хотин бирга яшамаган, ягона маиший хўжалик жамоасига мансуб бўлмаган. Кейинчалик дислокал никоҳ аввал битта авлодга тегишли шахслар, кейинчалик эса бир жуфт шахслар орасида тузилган, яъни никоҳ жуфтлигига айланган. Бунда эр ва хотин бирга яшаган, кейинчалик эса эр хотинининг қабиласига (матрилокал никоҳ), сўнг хотин эрининг қабиласига (патрилокал никоҳ) ўтган. Никоҳнинг бу турларида эр ва хотин ўртасидаги мулк алоҳида бўлган, гуруҳ никоҳидаги айрим белгилар сақланган.

---

[1] Медков В.М. Демография: учебник 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2008. – С.237.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламн, 2007 й., 14-сон, 133-модда; 2008 й., 16-сон, 117-модда; 2009 й., 37-сон, 401-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 313-модда; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда

[3] Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси» давлат нашриёти, 2003. – Б.355.

Ўтроқ турмуш тарзи шаклланиши билан эркак кишининг хўжалик-даги мавқеи ошиб, натижада никоҳ жуфтлиги мустаҳкамланган, бу моногам никоҳнинг бошланишига асос солган. **Моногам никоҳ** деганда, бир эркакнинг битта аёл билан жинсий ва хўжалик-маиший иттифоки тушунилади, бу эса "моногам никоҳ" тушунчасини "оила" ва "уй хўжалиги" тушунчаларига яқинлаштиради. Моногам никоҳнинг кабила тузуми парчаланган сўнг никоҳ **монолокал** турга, яъни эр ва хотин битта оилага ва битта хўжаликка мансуб бўлган ҳолга ўтган. Кўпчилик ҳудудларда аста-секин **патрилокал никоҳ**, яъни хотин ва фарзандларнинг бутунлай эрнинг ҳукмронлиги остида бўлиши қарор топган. Ижтимоий ривожланиш жараёнида никоҳнинг асосий шакли **моногамия** бўлган. Шу билан бирга, баъзи халқларда моногамия билан бир қаторда никоҳнинг **полигамия** (кўп хотинлик, кўп эрлик) тури ҳам учраб туради (5.1-жадвал).

5.1-жадвал

Никоҳнинг ривожланиш босқичлари

Никоҳ турлари ва мезонлари	Никоҳ турининг номланиши	Таърифи (белгилар)
Жуфтни танлаш	Экзогамия	Жуфт фақат бегона гуруҳдан танланади
	Эндогамия	Жуфт фақат ўзининг гуруҳидан танланади
Никоҳ гуруҳи ўлчами	Моногамия	Бир эркакнинг фақат битта аёл билан тузиладиган никоҳи
	Полигамия	Бир эркакнинг бир нечта аёл ёки бир аёлнинг бир нечта эркак билан тузиладиган никоҳи
	Полигиния	Кўп хотинлик
	Полиандрия	Кўп эрлик
	Гуруҳ никоҳи	Бир нечта аёлнинг бир нечта эркак билан никоҳ иттифоки
	Жуфт оила	Моногамиянинг бир тури
Эр-хотиннинг яшаш жойи	Патрилокал	Эр ва хотин эрнинг ота-онасининг уйида яшайди
	Матрилокал	Хотининг ота-онасининг уйида яшайди
	Неолокал (Дислокал)	Эр ва хотин алоҳида яшайди
	Унилокал	Эр ва хотин биргаликда яшайди
Эр-хотиннинг тенгсизлиги	Тенгсиз	Эр ва хотиннинг жамиятдаги ўрни, ёши ва даромадлари бир-биридан фарқ қилади
Никоҳ учун тўлов	Сотиб олинадиган	Аёл кишига товар сифатида қаралади
	Совға	Аёл қини эркакнинг қариндошларига совға қилинади
	Илоҳий	Қизларнинг худолар билан никоҳдан ўтиши
	Бадал эвазига	Никоҳ шартномасининг томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, бадал миқдори кўрсатилган ҳолда тузилиши
	Калин эвазига	Келиннинг ота-онасига калин тўлаш
Ўғирлаш	Қизни ўғирлаш	Келин ёки куёвнинг ўғирланиши

Қулдорлик тузуми даврида никоҳ фақатгина эркин фуқаролар ўртасида тузилган. Эркин кишиларнинг қулликдаги аёллар билан

никоҳдан ўтиши қатъий қораланган. Феодал тузумда эса ҳукмрон синфлар ўртасида гомогам никоҳ тарқалган, деҳқонлар ўртасидаги никоҳлар эса зодагоннинг рухсати билан тузилган.

Оиланинг ижтимоий ва иқтисодий функцияси ортиши никоҳ тузиш тартибларининг мураккаблашишига, турли модлий шартлар қарор топиши – сеп ва калим пули беришга олиб келган. Никоҳ тузишдаги ташаббус, жавобгарлик ва жуфтни танлаш оила бошлигининг асосий вазифаси бўлиб қолган. Шу билан бирга, бадал эвазига сотиб олинган ёки ўғирланган аёл кўпинча эрининг ўлимидан кейин ҳам унинг оиласида қолиб, акаси ёки бошқа қариндошлари билан никоҳдан ўтган.

Социологик нуқтаи назардан никоҳ муносабатларининг расмий рўйхатга олиниши, ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйилиши оиланинг ижтимоий институт сифатидаги ҳолатининг жуда муҳим белгиси бўлганлиги учун ниҳоятда муҳимдир. Демография фани эса анъана бўйича никоҳнинг ҳуқуқий шакли – эркак ва аёл иттифоқининг қонунлаштириб қўйилганидан ҳам кўпроқ **амалдаги никоҳни** – жинсларнинг ҳақиқий ва самарали никоҳ (эр-хотин) муносабатларини тадқиқ этади. Оила қонунчилигида **амалдаги никоҳ** деганда, расмий рўйхатга олинмаган никоҳ, яъни эркак ва аёлнинг **бирга яшаши** тушунилади.

Эркак ва аёлнинг бирга яшашининг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

• "ҳиссиётга берилганлар", лекин ҳали никоҳга тайёр бўлмаганлар;

• никоҳга киришни хоҳлаётганлар ва буни амалга оширишни кутаётганлар;

• иқтисодий сабабларга кўра бирга яшаётганлар;

• доимий никоҳга мукобил сифатида биргаликда яшашни маъқул кўраётганлар.

Агар дастлабки уч тоифадаги одамлар расмий никоҳни инкор этмасалар-да, никоҳ тузиш хусусида жиддий қарор қабул қилиш учун бир-бирини "синаш" керак, деб ҳисоблайди, тўртинчи тоифадагилар эса у ёки бу сабабларга кўра, никоҳга киришни истамаётган одамларни ўз ичига қамраб олади. Бирга яшовчи кўпгина жуфтлар аввал қонуний никоҳда бўлган, лекин турли сабабларга кўра ажралишган. Бошқа айримлар эса ўз қарашларига кўра расмий никоҳ тузишни исташмайди.

Илмий адабиётда никоҳ атамашунослигида "расмий никоҳ", "амалдаги никоҳ" (бирга яшаш) билан бирга "фуқаролик никоҳи" атамаси ҳам учраб туради. Бунда "фуқаролик никоҳи" дейилганда норасмий, яъни рўйхатга олинмаган никоҳ тушунилади.

Аслини олганда рўйхатга олинган ва амалдаги никоҳ бир-бирини истисно этмайди. Рўйхатга олинган аксарият никоҳлар аслида амалдаги никоҳлардир, худди шунингдек, амалдаги никоҳларнинг аксарияти ҳам рўйхатга олинган никоҳлар ҳисобланади. Шу билан бирга рўйхатга олинган никоҳлар орасида сохта никоҳлар (қонун-лаштирилган, бироқ оила тузиш учун эмас, балки тураржой, мулкий ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш мақсадида тузилган бўлади. Айни пайтда қонуний никоҳларнинг бир қисми амалда эркак ва аёл ўртасидаги иттифоқ барбод бўлса ҳам, ажралиш ҳали расмийлаштирилмаганлиги учун ҳуқуқий жиҳатдан мавжуд, деб ҳисобланади. Шунинг учун никоҳларни фақат **расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаган никоҳ**, деб таснифланади.

Аксарият мамлакатларда никоҳ, одатда фуқаролик ҳуқуқий битим ҳисобланиб, никоҳ тузиш ва оиладаги бошқа муносабатларга оид саволлар фуқаролик қонунчилиги асосида тартибга солинади. Никоҳ тузишда бўлғуси эр-хотиннинг мол-мулки умумий ёки алоҳида бўлишлигига катта аҳамият берилади.

Барча жамиятларда никоҳ тузиш учун шахслар никоҳ ёшига (қонунда рухсат этилган ёки анъаналарга кўра) етган бўлишлари лозим. Кўпчилик мамлакатларда никоҳ ёши никоҳга кирувчиларнинг жинсий, руҳий ва ижтимоий етуклиги ҳамда шу мамлакат удум ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда қонун томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида никоҳ тузишнинг тартиби ва шартлари, эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат:

• никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади;

• диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас;

• никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади;

• никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчилар илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин;

• никоҳ тузишга лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида; насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган

қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида; лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди;

• никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади;

• эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар;

• болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар;

• эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эркиндир;

• эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Баъзи мамлакатларда никоҳ тузиш ёшини тартибга солувчи қонунларнинг мавжуд эмаслиги аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги ҳуқуқий тенгсизлигини келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан 1967 йил 7 ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган декларацияда қизларни то балоғатга етмагунларига қадар никоҳдан ўтишларини тақиқлаш ва никоҳга киришнинг энг кичик ёшини белгилашга қаратилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор берилган.

5.2. Никоҳ ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Демографияда никоҳ ҳолатини тадқиқ ва таҳлил қилишда уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Никоҳ ҳолати ҳақида маълумотлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилишни таҳлил қилиш натижасида олинган статистик маълумотлар, аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари ва текширув натижалари асосида тўпланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш маълумотлари асосида никоҳ бўйича махсус статистика шакллари ишлаб чиқилиб, улар никоҳ жараёнининг асосий тавсифларини тадқиқ қилишда асос вазифасини ўтайди. Аҳолини рўйхатга олиш жараёнида сўровномани тўлдираётган шахснинг никоҳдаги ҳолати сўралади ва бунинг натижасида аҳоли орасидаги никоҳлар сони аниқланади. Аҳолининг никоҳ ҳолати ўрганилаётган ижтимоий-демографик жараённинг тез-тез такрорланиши, даражаси, давомийлиги, мустаҳкамлигини белгиловчи

тавсифлар асосида ҳамда никоҳ тузувчи шахсларнинг ёшларини инобатга олган ҳолда таҳлил этилади.

Никоҳ ҳолатини ифодаловчи демографик кўраткичлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

• авлодлар орасидаги никоҳ ва никоҳсизлик ҳолатларини тавсифловчи кўрсаткичлар;

• никоҳ тузишнинг умумий такрорланишини ифодаловчи кўрсаткичлар;

• никоҳдан ўтувчи шахсларнинг ёшини белгиловчи кўрсаткичлар;

• бева бўлиб колишнинг такрорланиши;

• никоҳнинг мустаҳкамлиги ва ажралишлар такрорланиши;

• такрорий никоҳларнинг тарқалганлик кўрсаткичлари;

• никоҳдаги жуфтни танлаш хусусиятлари.

Никоҳ ҳолати – демографик таҳлилдаги аҳолининг муҳим таркибий тавсифи бўлиб, муайян вактдаги никоҳ жараёнидир. Ўзбекистонда никоҳ тузиш динамикаси 5.2-жадвалда акс этган. Кейинги йилларда мамлакатда тузилган никоҳлар сони кескин ортганлиги яккол кўриниб турибди.

5.2-жадвал

Ўзбекистонда никоҳ тузиш динамикаси[1]

Ҳудудлар	1991 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Ўзбекистон Рес.	270,3	170,8	168,9	184,0	292,3	287,8	299,0
Шу жумладан:							
Қорақалпоғистон Рес.	17,7	8,9	11,4	9,7	17,8	17,9	16,7
Андижон	25,8	16,5	13,6	15,8	27,9	26,7	29,0
Бухоро	14,7	11,4	11,1	11,9	18,3	17,7	17,7
Жиззах	10,1	6,5	6,3	7,5	10,9	10,6	11,2
Қашқадарё	20,9	14,7	16,1	16,0	26,7	27,4	29,6
Навоий	9,5	6,2	6,1	7,2	9,6	10,0	9,8
Наманган	21,1	13,4	12,8	15,0	23,7	23,1	24,1
Самарқанд	28,8	17,0	19,2	20,0	36,3	34,4	34,8
Сурхондарё	17,6	9,9	11,3	11,6	22,3	22,8	26,9
Сирдарё	7,5	4,7	4,3	4,4	7,0	7,1	7,2
Тошкент	25,1	16,0	14,6	17,6	24,2	24,1	24,1
Фарғона	31,0	19,5	17,0	21,1	33,4	31,5	32,1
Хоразм	16,3	9,6	10,6	11,2	15,3	16,1	16,7
Тошкент шаҳри	24,2	16,5	14,5	15,0	18,9	18,4	19,1

Никоҳ ҳолати никоҳ ёшида бўлган эркак ва аёллар мутлак сонининг аҳолининг ўртача йиллик сонига нисбати орқали аниқланади. Мазкур кўрсаткич аҳолининг рўйхатга олиш маълумотларига кўра аниқланади. Масалан, собик Иттифоқда 1926 йилда ўтказилган аҳоли

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //http: // www.stat.uz.

рўйхатида никоҳ ҳолатининг қуйидаги турлари инобатга олинган: ҳеч қачон никоҳда бўлмаганлар, никоҳдагилар, бевалар ва ажрашганлар. 1979 ва 1989 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатларида сўровномага ажрашганлар, лекин амалда бирга яшаётган шахслар туркуми қўшилган. 1939, 1959 ва 1970 йиллардаги аҳолини рўйхатга олишда фақат никоҳда бўлганлар ва никоҳда бўлмаганлар ҳисобга олинган.

Аҳолининг никоҳ ҳолатига аҳолининг ёш-жинсий таркиби, биринчи никоҳдан ўтувчиларнинг ўртача ёши, олдинги тугилиш даражаси таъсир қилади. Ҳар бир авлод маълум бир тарихий шароитда шаклланганлиги учун ижтимоий-иқтисодий ва маданий омиллар: аҳолининг никоҳ институтига муносабатини белгиловчи ижтимоий хулқ меъёрлари, иқтисодий инқирозлар, ижтимоий ва сиёсий зиддиятлар (уруш, инқилоб, қатағон) никоҳ ҳолатига таъсир кўрсатади.

Никоҳ ҳолатига ёш таркибининг таъсирини белгиловчи энг мақбул кўрсаткич – бу никоҳнинг у ёки бу ҳолатида ўртача яшаш муддатидир. Масалан, никоҳ ҳолатида ўртача яшаш муддатини аниклаш учун никоҳдаги аёллар ва эркаклар сонини ўзлари мансуб бўлган ёш гуруҳларининг оралиғи катталигига кўпайтирилиб, ҳосил бўлган кўпайтмалар қўшилади. Бироқ бу усул билан ҳисобланган кўрсаткичларда никоҳ ҳолатига ўлимнинг таъсири ҳисобга олинмаган бўлади. Мазкур кўрсаткич никоҳда турганлар ҳақидаги маълумотларни стандартлаш имконини беради, шу сабабли улардан қиёслаш учун фойдаланиш мумкин. Бу оралиқ кўпинча 15-49 ёшдаги аёлларнинг репродуктив вазифаларини амалга оширишларини никоҳда турганликларининг давомийлигига богликлигини ҳисоблаш учун қўлланилади.

Мутлақ никоҳсизлик даражаси одатда аҳолининг 50 ёшгача бўлган ва ҳеч қачон никоҳда бўлмаган аёл ва эркаклар сони билан тавсифланади. Бу кўрсаткич тадқикот олиб борилаётган авлодларнинг қанча қисми никоҳга кирмаганлигини кўрсатади (5.3-жадвал).

5.3-жадвал

Мутлақ никоҳсизлик даражаси мезони

Мутлақ никоҳсизлик кўрсаткичи, %	Никоҳсизлик даражаси
5,0 дан кам	паст
5,0-9,0	ўртача
10,0 ва ундан юкори	юкори

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолининг мутлақ никоҳсизлик даражаси паст ҳисобланади, яъни 5,0 %дан камни ташкил этади. Аҳоли рўйхати маълумотларидан олинган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, турли ёшдаги аёллар (аниқ бир авлоддаги) орасида мутлақ никоҳсизлик даражаси фақат уруш йиллари ва ундан кейинги даврдагина юкори бўлган.

Никоҳ тузишнинг умумий такрорланишини ифодаловчи кўрсаткичларга никоҳнинг умумий ва махсус коэффициентлари киради.

Никоҳнинг умумий коэффициенти муайян ҳудуддаги аҳоли орасидаги бир йилда ҳар 1000 та кишига тўғри келадиган никоҳлар сонини англатади. Бу усулда никоҳнинг умумий коэффициенти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$b = B / ST \times 1000$$

бунда: b – никоҳнинг умумий коэффициенти;

S – аҳолининг ўртача йиллик сони;

T – кўрсаткични ҳисоблаш лозим бўлган давр;

B – тузилган никоҳлар сони.

Аммо бу кўрсаткич аҳолининг ёш таркиби ва никоҳ таркибига боғлиқ бўлиб, никоҳни ҳудудлараро қиёслашни қийинлаштиради.

Никоҳнинг махсус коэффициенти никоҳга лаёқатли ёшдаги аҳоли орасида эркаклар ва аёлларнинг алоҳида-алоҳида никоҳдан ўтишини баҳолаш учун қўлланилади. Бу кўрсаткич никоҳнинг умумий коэффициенти каби ҳисоблаб чиқилади, фақат бунда касрнинг суратида 16 ва ундан юқори ёшдаги (никоҳга лаёқатли) аҳоли сони ёки маълум никоҳ ҳолати (ҳеч қачон никоҳда бўлмаганлик)да бўлган аҳоли сони киритилади. Бироқ бу кўрсаткични ҳам аҳолини ёш таркиби бўйича стандартлаштириш лозим.

Никоҳ ҳолатини баҳолаш учун энг мақбул усул – бу ***никоҳнинг жамланма коэффициенти*** ҳисобланади. Мазкур коэффициент бир авлоддаги инсонларнинг бутун ҳаёти давомида тузилган никоҳларнинг шартли ўртача сонини ташкил қилади. Бу коэффициент 16-69 ёшдаги аёллар ва эркакларнинг никоҳдаги ёш коэффициенти жамланмаси тарзида, одатда бир кишига нисбатан қуйидагича ҳисобланади:

$$НЙК = n \sum_{16}^{69} B_x / 1000,$$

бунда: B_x – ёш коэффициентлари;

n – ёш оралиғи узунлиги.

Никоҳнинг жамланма коэффициентини барча никоҳлар, шу билан бирга, биринчи ва такрорий никоҳлар учун ҳам қўллаш мумкин.

Одатда, никоҳнинг жамланма коэффициенти биринчи никоҳлар учун 16-49 ёшдаги аҳоли гуруҳлари учун ҳисобланади.

Никоҳнинг ёш коэффициентлари алоҳида ёшда никоҳ тузиш такрорланишини тавсифлайди. У икки усулда ҳисоблаб чиқилади.

Биринчи усул муайян ёшда никоҳ қурган шахсларнинг сонини, шу ёшдаги никоҳга лаёқатли аҳоли сонига бўлиш орқали аниқланади. Кўрсаткичларни никоҳнинг барча ва алоҳида ҳолатлари: бўйдоқлар,

турмушга чиқмаганлар, бевалар, ажрашганлар учун ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Иккинчи усулда эса коэффициент каср суратига шу ёшда бўлган аҳолининг умумий сони қўйиш орқали топилади.

Никоҳнинг жамланма коэффициентини таҳлил қилишда 50 ёшгача бўлган аҳоли орасидаги биринчи никоҳларни ҳисоблаш коэффициентлари муҳим аҳамиятга эга. Агар бу коэффициентлар 1 дан юқори бўлса, бу никоҳ жараёнининг ёшарганлигидан, 1 дан паст бўлиши никоҳдан ўтишни орқага суришнинг кенг тарқалганлигидан далолат беради. Никоҳнинг йиғинди коэффициенти аҳолининг никоҳ таркиби ва никоҳ тақвимига боғлиқ бўлади.

Никоҳга киришнинг ўртача ёши – никоҳ тузишнинг асосий тавсифларидан бири бўлиб, аҳолини рўйхатга олиш ва шу йили никоҳдан ўтган шахсларнинг ёшлари ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган жорий ҳисоб-китоблар асосида аниқланади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастурида никоҳ тузилган сана тўғрисида савол бўлса (лекин бу савол ҳамиша ҳам бўлавермайди), унга ёки ушбу тадбир пайтида никоҳдагилар, ёки қачондир никоҳда бўлган ва аҳолини рўйхатга олишда тирик шахслар жавоб беради. Бу ҳамма тирик аҳоли ва ҳамма авлодларнинг никоҳ тузган ёшини баҳолаш имконини беради.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини расмийлаштириш маълумотларида эса фақат муайян йилда никоҳ тузганлар санаси кўрсатилади. Бундан ана шундай жорий маълумотлар ҳар бир авлоднинг муайян қисмига доир таҳлилларни амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатади. Шунинг учун амалиётда никоҳга киришнинг ўртача ёшини аниқлашда математик усуллар қўлланилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. **Ўртача арифметик ёш**. Бу кўрсаткичнинг суратида турли ёшларда тузилган никоҳлар йиғиндиси, махражида эса никоҳдан ўтганларнинг умумий сони туради:

$$x = \frac{\sum (x - 0,5) Bx}{\sum Bx},$$

бу ерда: x – шахснинг никоҳга кириш ёши;

B_x – x ёшда никоҳдан ўтганлар сони.

Бу кўрсаткичдан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларида қўлланилади. Хусусан, 2010 йилги маълумотларга мувофиқ, мамлакатда биринчи марта никоҳга кирган эркакларнинг ўртача ёши – 24,3 ёш, аёлларники – 21,5 ёш бўлган (5.4-жадвал).

5.4-жадвал

Ўзбекистонда эркаклар ва аёлларнинг биринчи марта никоҳга кириш ўртача ёшининг динамикаси (биринчи марта никоҳга кирганларнинг умумий сонига нисбатан % ҳисобида)[1]

Ёш гуруҳлари	Эркаклар		Аёллар	
	1991 й.	2010 й.	1991 й.	2010 й.
16-17	0,0	0,2	2,2	8,6
18-19	1,7	4,0	17,2	34,1
16-19	1,6	4,2	19,4	42,7
20-24	46,8	68,9	62,6	44,5
25-29	39,7	8,0	13,1	7,3
30 ёш ва ундан катталар	11,9	8,9	4,9	5,5

Республикада биринчи марта никоҳга кирган қизларнинг аксарияти – 80,0 %дан ортиғи 18-24 ёшдаги қизлардир.

Мамлакатда 1991-2010 йилларда никоҳга кирган йигит ва қизларнинг ёш гуруҳларида ҳам ўзгаришлар рўй берган. Хусусан, 20-24, 25-29 ҳамда 30 ёш ва ундан катта ёшдаги ёш гуруҳларида никоҳга кирганларнинг салмоғи ортган.

2. **Ўртача медиана ёши**ни аниқ бир йилда тузилган никоҳларни 100 000 та никоҳга тақсимлаб топилади. Шунда бу кўрсаткич 100 000 умумий никоҳларнинг 50000 таси никоҳга кириш ёшига мос келади. Бу кўрсаткични ҳисоблаш замирида аввалги ва кейинги ёшлар ўртасида никоҳлар баробар тақсимланади, деган тахмин ётади.

Никоҳ ҳолатини таҳлил қилишда ўртача модал ёши кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. **Ўртача модал ёши** деганда, никоҳларнинг энг катта қисми тузилган ёш назарда тутилади. Масалан, Ўзбекистонда ўртача никоҳга кириш ёши 1930-йилларнинг ўрталаридан то Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар ошиб боришга мойил бўлган. Урушдан сўнг у бирмунча пасайди. Бироқ, бу пасайиш узоқ давом этмади ва икки йил давомида (1948-1950) никоҳ бозоридаги катта мутаносиблик таъсирида ўртача никоҳга кириш ёши эркак ва аёлларда икки ёшга катталашди. Бугунги кунда эса никоҳга киришнинг ўртача ёши йил сайин ошиб бормоқда.

Никоҳ бозорида жуфт танлашга таъсир этувчи ижтимоий, демографик, маданий ва бошқа омилларни таҳлил қилишда никоҳ индексидан фойдаланилади.

Никоҳ индекси – демографик кўрсаткич бўлиб, никоҳдаги жуфтликнинг бирон-бир белгиси (ёши, миллати, маълумоти, даромади ва

[1] *Ўзбекистон Республикаси «Оила» илмий-амалий маркази маълумотлари.*

х.к.)га қараб танлаш даражасини ўлчаш учун қўлланилади. Никоҳнинг гомогамия (тортилиш, интилиш) ва гетерогамия (кочиш) индекслари фарқланади. Бу индекслар М.В. Птуха томонидан ишлаб чикилган бўлиб, уларни тузишда эркаклар ва аёллар учун алоҳида никоҳларни жорий рўйхатга олишнинг қуйидаги формула асосида ҳисоблашган маълумотларидан фойдаланилади:

$$S' = (AT - CL) / L(T - C); S'' = (AT - CL) / C(T - L) \quad (5.4.)$$

Бу ерда: S', S'' – эркаклар ва аёллар учун гомогамия индекслари; L, C – никоҳга кирган аёллар ва эркаклар сони; А – уларнинг орасидаги никоҳлар сони; Т – никоҳларнинг умумий сони.

Иккала жинс учун гомогамия индекси аёллар ва эркаклар учун топилган индекснинг геометрик ўртача қиймати бўйича аниқланади. Гомогамия индекси +1 дан 0 гача, яъни жуфтликнинг ушбу хусусиятларига нисбатан максимал мойилликдан бутунлай бефаркликкача ўзгариб туради. Агар никоҳ жуфтларини тиклашда маълум гуруҳдаги жуфтлик никоҳига нисбатан салбий муносабат кузатилса, яъни (AT-CL)<0, гетерогамия индекси қуйидагича аникланади: a=(AT-CL)/CL=AT/CL-1.

Шундай килиб, аҳолининг никоҳ таркибини таҳлил килишда никоҳнинг умумий, махсус, ёш ва йиғинди коэффициентлари ҳамда никоҳ индексидан фойдаланилади.

5.3. Аҳолининг никоҳ ва оила таркиби

Шахснинг никоҳ институтига нисбатан ҳолати - **никоҳ мақоми** у ёки бу мамлакатнинг конуний меъёрлари ёки урф-одатлари билан белгиланади. Шу билан бирга ҳозирги вақтда аксарият давлатларда никоҳ мақомини белгилашда Бирлашган Миллатлар ташкилоти Статистика комиссиясининг тавсияларига риоя килинади. Мазкур тавсияларга мувофик никоҳ макомининг қуйидаги тоифалари ажратиб кўрсатилади (5.1-расм):

- никоҳда ҳеч качон бўлмаган шахслар;
- никоҳ тузганлар ва бирга яшайдиганлар;
- бевалар ва янги никоҳ тузмаганлар;
- ажралганлар ва янги никоҳ тузмаганлар;
- никоҳ тузганлар, лекин бирга яшамайдиганлар;
- таснифлаб бўлмайдиган ҳолатлар.

Шу билан бирга жаҳондаги баъзи мамлакатларда аҳолини рўйхатга олишда никоҳ макомининг бошка турлари ҳам қайд килинади. Хусусан, Африкадаги айрим мамлакатларда аҳолини рўйхатга олишда статистика қуйидаги никоҳ мақомларини ҳисобга олади:

- никоҳ тузмаганлар;

• конунлаштирилган моногам никоҳдагилар;

• қонунлаштирилган ёки эркин иттифоқда, диний қоидалар, халқ одатларига мувофиқ икки хотини билан полигам никоҳдагилар;

• қонунлаштирилган ёки эркин иттифоқда, диний қоидалар, халқ одатларига мувофиқ уч хотини билан полигам никоҳдагилар;

• қонунлаштирилган ёки эркин иттифоқда, диний қоидалар, халқ одатларига мувофиқ тўртта ва ундан кўп хотини билан полигам никоҳдагилар;

• эркин моногам иттифоқда бир ойдан ортиқ муддатда бирга яшаётганлар;

• қонуний никоҳдан ажралганлар;

• никоҳ иттифокидагиларнинг бири вафот этганлиги сабабли бевалар;

• таснифлаб бўлмайдиган ҳолатлар ва ҳ.к.лар.



5.1-расм. Бирлашган Миллатлар ташкилоти Статистика комиссиясининг тавсияларига мувофиқ никоҳ мақомлари

Бу тасниф рўйхати 15 та никоҳ мақомини қамраб олади[1].

Одамлар никоҳ тузиб, ажралиб ёки бева бўлиб қолиб, ўз никоҳ мақомларини ўзгартиради. Бутун аҳоли миқёсида никоҳ ҳолатининг бундай ўзгаришлари жамланмаси никоҳ таркибининг қайта ҳосил қилинишини англатади. Одатда никоҳ таркиби жинс ва ёш бўйича гуруҳланади ва шу тариқа ҳам бутун аҳолининг, ҳам аҳоли турли жинси ва ёш гуруҳига мансубларнинг никоҳ таркибини шакллантиради.

Аҳолининг никоҳ таркибини билиш оиларнинг шаклланиш ва бузилиш жараёнларини, туғилиш ва ўлимдаги, умуман аҳолининг такрор ҳосил қилинишидаги тенденцияларни аниқлаш учун жуда муҳим.

[1] Бахметова Г.Ш. Сбор и обработка данных о населении. – М., 2000. – С.14-15

Никоҳ таркиби билан биргаликда **оила таркиби** ҳам фарқланади. Аҳолининг оила таркиби – аҳолининг шахснинг оила институтига нисбатан муносабатини ифодалайдиган белгилар хусусиятидир.

Оила, комусий таърифга мувофиқ, никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳдир[1]. Социологлар бу институтга батафсилроқ таъриф беришади: «Оила – эр-хотин – ота-оналик – қариндошлик ришталари билан боғланган, ягона умумоилавий фаолиятга асосланган бўлиб, бу билан аҳолини такрор ҳосил қилишни амалга оширади ва оилавий авлод давомийлигини, шунингдек, боларнинг ижтимойлашуви ва оила аъзолари тирикчилик ўтказишини қўллаб-қувватлашни таъминлайди"[2].

Статистика нуқтаи назаридан оила кўпинча уй хўжалиги билан айнанлаштирилади. **Уй хўжалиги** – ижтимоий-иқтисодий макротаркиб билан боғлиқ бўлган ижтимоий ва биологик такрор ҳосил қилишнинг асосий бирлиги бўлиб, биргаликда яшайдиган ва хўжаликни юргизадиган шахс ёки шахслар гуруҳидир.

Бироқ **оилавий** (агар уй хўжалигининг аъзолари эр-хотин, ота-она ёки қариндошлик муносабатлари билан узвий боғлиқ бўлса), **оилавий бўлмаган** (оилавийнинг тескариси) ва **аралаш** (оилавий муносабатлар билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаганларни бирлаштирган бўлса) **уй хўжаликлари** фарқланади. Шунинг учун **халқаро андоза сифатида тавсия қилинган таъриф**га кўра, оила хўжалиги умумий тураржой ва тирикчилик воситаларига эга бўлган шахслар гуруҳидан иборат[3]. Статистикада оилавий уй хўжаликлари оддийгина оила, деб юритилади.

Никоҳнинг тузилиши фарзанд кўриладиган ва тарбия қилинадиган, инсон умрининг асосий қисми билан боғлиқ оилани шакллантиришга олиб келади. Оила кўп фанлар орқали ўрганилади. Демография учун оила аҳолини такрор ҳосил қилишга хизмат қиладиган ноёб ижтимоий институт сифатида қизиқтиради. Шунинг учун демография аҳолининг оиланинг серқирра тузилмасидан фақат аҳолини такрор ҳосил қилиш билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган хусусият-ларини тадқиқ қилади. Бундай танловнинг асосини юқорида қайд қилинган эр-хотин, ота-она ёки қариндошлик муносабатлари билан узвий боғлиқ одамлар бирлиги ташкил этади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси» давлат наширёти, 2003. – Б.469.

[2] Социология семьи. /Под ред. А.И. Антонова. – М., 2005. – С.66.

[3] Multilingual Demographic Dictionary.English Section. 2nd Edition.Liege, 1982. – P.17.

Демографияда оила алоҳида-алоҳида эмас, балки уларнинг жамланмаси тарзида ўрганилади. Бунда оилаларнинг асосий таснифи қуйидагиларни қамраб олади (5.2-расм):



5.2-расм. Оилалар таснифи

1. **Оиланинг катталиги бўйича.** Ушбу кўрсаткичнинг умумлашма тавсифи – оиланинг ўртача катталигидир. **Оиланинг ўртача катталиги** – ҳозирги вақтда бирга яшайдиган, қариндош бўлган ва оила таркибига кирадиган катталар ва болаларнинг сонидир. Икки, уч, тўрт ва ҳ.к. аъзолардан иборат оилалар мавжуд бўлади. Ривожланган давлатлар учун ҳозирги вақтда оиланинг ўртача катталиги камайиб бориш хусусияти хосдир.

2. **Оиланинг таркиби бўйича.** Бунда, энг аввало, тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган оила фарқланади. **Тўлиқ оила** деганда, унинг таркибида камида битта эр-хотин жуфтлиги мавжудлиги тушунилади. **Тўлиқ бўлмаган оила**да эса, тегишли равишда, бирорта эр-хотин жуфтлигига эга бўлмайди. Бундай оилалар она ва фарзанд (фарзандлар)дан, ота ва фарзанд (фарзандлардан), ота ёки онасиз ака-укалар, опа-сингиллардан иборат бўлади. Ҳозирги давр учун кўпгина мамлакатларда тўлиқ бўлмаган оилалар сонининг ортиб бориши хосдир.

3. **Оиланинг турлари бўйича.** Юқорида қайд қилинганидек, **моногам оилалар** (бир эркак бир вақтда бир хотинга уйланган) ва **полигам оилалар** (бир одам бир вақтнинг ўзида бир нечта никоҳ шеригига эга бўлган) мавжуд. Шу билан бирга **нуклеар оилалар** (никоҳи расмийлаштирилмаган, фарзандли ёки фарзандсиз жуфтлик; ота-онадан бири фарзандлари билан; икки авлод вакилларидан иборат оила) ва **мураккаб оилалар** (иккитадан кўп авлод вакилларидан иборат, бирга яшайдиган оилалар ёки бирга яшайдиган, қариндош бўлган, бир хўжалик билан боғлиқ бир нечта нуклеар оилалар) ҳам фарқланади. Ҳозирги давр учун мураккаб оилаларнинг камайиб бориши ва нуклеар оилаларнинг ортиб бориши хосдир.

Вақт ўтиши билан оилалар таркиби ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

• никоҳ тузиш ва туғилиш даражаси: никоҳ тузиш ва туғилиш даражаси қанчалик юқори бўлса, оилада яшайдиган одамлар салмоғи шунчалик катта ва оиланинг ўртача катталиги шунчалик юқори бўлади;

• ўлимнинг, айниқса болалар ўлимининг даражаси: ўлим даражаси қанчалик юқори бўлса, ёлғиз (бева) одамлар шунчалик кўп, болалар ўлимининг даражаси қанчалик юқори бўлса, оиланинг ўртача катталиги шунчалик кичик бўлади;

• оила турмуши анъаналарининг ўзгариши. Улар қуйидагиларни қамраб олади:

а) вақт ўтиши билан одатда кўп болали оилалардан кам болали оилаларга ўтилиши кузатилади, оиланинг ўртача катталиги кичраяди;

б) расмий никоҳлар сони камайиб, норасмий никоҳлар сони кўпаяди;

в) никоҳсиз туғилган болалар сони ортади, расмий никоҳлар камаяди, бу тўлиқ бўлмаган оилалар кўпайишига олиб келади;

г) тураржой билан таъминланиш: тураржой майдонларининг кенгайиши, бир томондан туғилишнинг кўпайиши, оиланинг ўртача катталиги ортишига шароит яратади, иккинчи томондан, бу ажралишлар сонини кўпайтиради, тўлиқ бўлмаган оилаларни шакллантиради ва оилаларнинг ўртача катталигини кичрайтиради.

5.5-жадвал

Ўзбек оиласининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари

Босқичлар	Босқич хусусиятлари
Биринчи	Милоддан аввалги IV асрда ўлкада ўтроқ турмуш тарзининг қарор топиши ва патриархал оилаларнинг шаклланиши
Иккинчи	Ўрта Осиёда, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Ислом динининг қабул қилиниши натижасида Ислом дини қоидаларига асосланган оилавий турмуш тарзи шаклланиши
Учинчи	1917 йилда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ҳамда оилага доир мусулмон қоидаларининг эркак ва аёлларнинг тенглиги, ажралишнинг эркин-лиги каби тамойилларига асосланган ҳуқуқ меъёрларининг жорий этилиши
Тўртинчи	Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришилиши, оилага доир демократик тамойилларнинг қарор топиши

Ўзбек оилаларининг шаклланиши ва ривожланиши ўз тарихига эга. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти экспертларининг фикрича, ўзбек оилаларининг таркиб топиши ва ривожланишини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин (5.5-жадвал).

Биринчи босқич мамлакатнинг ҳозирги ҳудудида милоддан аввалги IV асрга келиб аҳоли ўтроқлаша бошлаши билан боғлиқ. Бунинг натижасида ўлкада патриархал оилалар таркиб топа бошлади.

Иккинчи босқичда Ўрта Осиёда, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Ислом динининг қабул қилиниши натижасида Ислом дини қоидаларига асосланган оилавий турмуш тарзи шаклана бошлади.

1917 йилда Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши билан ўзбек оилалари ривожланишида янги **- учинчи босқич** бошланди. Мазкур босқичда шу пайтгача амал этиб келган оилага доир шариат қоидалари эркак ва аёллар тенглиги, ажралиш эркинлиги каби тамойилларига асосланган совет ҳуқуқи меъёрлари билан алмаштирилди.

Тўртинчи босқич – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган, ўзбек оилалари ривожланишида сифат жиҳатдан янги давр ҳисобланади. Ана шу даврда оилалар демократик тамойиллар асосида ташкил этилмоқда. Бу босқич учун тенг ҳуқуқлик асосида ташкил этилган ўзбек оилаларида, айниқса аёлларнинг давлат ва жамият ишларидаги, иқтисодий фаолиятидаги роли ортгани хос. Аёллар давлат ҳокимиятининг ҳамма бўғинларида, ваколатли органларда фаолият олиб бориш билан бирга тадбиркорлик соҳасида ўз иқтидорлари, ташкилотчилик, ишбилармонлик қобилиятларини яққол намоён этмоқда.



5.3-расм. Ўзбек оиласига хос хусусиятлар

Умуман, ҳозирги давр ўзбек оиласи учун қуйидагилар, айниқса, хос (5.3-расм):

- никоҳнинг барқарорлиги;
- иноқлик, аҳиллик, ўзаро меҳр;

• фарзанд кўриш ва тарбиялашга интилиш;
• соғлом турмуш тарзи;
• ҳаётий қадриятларга қарашдаги муштараклик;
• умумий уй;
• қариндошлик алоқаларининг мустаҳкамлиги;
• оилавий анъаналарга содиқлик ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида мамлакатдаги оилалар сони икки баравардан ҳам кўпроққа ортди: 1989 йилдаги 3,4 миллионтадан ҳозирги вақтда 7 миллионтага етди.

5.4. Ажралиш ва унинг кўрсаткичлари

Ажралиш ёки **никоҳдан ажратиш** - эр ва хотиннинг ҳаёт вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органлари томонидан ёки қонунчиликда кўзда тутилган алоҳида ҳолатларда суд қарори бўйича никоҳнинг бекор қилинишидир. Никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин.

Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён бирга яшаш ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади.

Эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Агар эр-хотиндан бири:

• суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

• суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

• содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр-(хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ, хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Эр ва хотин ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, шунингдек, ушбу келишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаатларига зид эканлиги аниқланган тақдирда суд:

• никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаши;

• вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаши;

• эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши;

• эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида, шунингдек, никоҳнинг тугатилиши ҳам кўзда тутилган. Эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган, деб эълон қилиши **никоҳнинг тугатилиши** учун асос бўлади.

Ажралиш ижтимоий ҳодиса сифатида ҳуқуқ, социология ва ижтимоий психология томонидан ўрганилади.

Демография фанини эса аҳоли ўртасида никоҳ тугатилишининг оммавий жараёни, шунингдек, бунинг аҳолининг такрор ҳосил қилинишига, айрим демографик жараёнларга ҳамда аҳолининг никоҳ-оила таркибини шакллантиришга таъсири қизиқтиради. Жумладан, демографлар никоҳнинг тугатилиши оқибатида никоҳда бўлган жуфтликларнинг бева бўлиб қолиши билан бирга бу шахсларнинг такроран никоҳ тузишига таъсир кўрсатадиган омилларни тадқиқ этади.

Никоҳ барқарорлиги ёки ажралишга никоҳгача ва никоҳ давридаги катор омиллар таъсир кўрсатади (5.5-жадвал).

Кўриниб турганидек, эркак ва аёлнинг эрта никоҳга кириши, никоҳга кеч кириш, хотин ёшининг эридан катта бўлиши, хотиннинг олий маълумотга эга бўлиши, эр-хотиннинг келиб чиқиши, никоҳдан олдинги ҳомиладорлик каби никоҳгача бўлган омиллар ажралишга бевосита таъсир кўрсатади.

5.5-жадвал

Никоҳ барқарорлигига таъсир этувчи никоҳгача бўлган омиллар

Бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар	Аксинча таъсир кўрсатувчи омиллар
Эрнинг олий маълумотга эгалиги	Эркаклар ва аёлларнинг эрта никоҳ тузиши
Оиланинг умумий ижтимоий аҳволи	Никоҳнинг кеч тузилиши
Ота-оналарнинг оилавий ҳаёти муваффақиятли бўлишининг ижобий баҳоланиши	Хотиннинг эрдан катта ёшда бўлиши
Эр-хотиннинг никоҳдан олдинги танишув давомийлиги	Хотиннинг олий маълумотга эгалиги
Эр-хотиннинг бир-бири ҳақидаги дастлабки ўзаро ижобий таассуротлари	Эр ва хотиннинг келиб чиқиши шаҳарлик ёки хотин шаҳарлик, эр қишлоқлик
Эр-хотиннинг иш, ўқиш шароитида танишуви	Эр-хотиннинг тўлиқ бўлмаган оилада тарбия топиши
Эр-хотиннинг ўзаро гамхўрлиги	Бўлғуси эр-хотинларда ака, ука, опа-сингиллар йўқлиги
Никоҳ тузиш ташаббуси эркак киши томонидан бўлиши	Эр-хотиннинг танишув давридаги муносабатларнинг мустаҳкам эмаслиги
Никоҳ таклифини узоқ ўйламасдан (2 ҳафтача) қабул қилиниши	Никоҳдан аввалги ҳомиладорлик
Никоҳни рўйхатга олинишининг тўй маросими билан якун топиши	Ота-оналарнинг никоҳга салбий муносабати

Никоҳгача бўлган омиллар қатори никоҳ давридаги омиллар ҳам ажралишга сабаб бўлади (5.6-жадвал).

Аёлларнинг юқори репродуктив ҳолати, асосий оилавий муаммоларни биргаликда ечиши, эр-хотиннинг бўш вақтини биргаликда ўтказиши никоҳ барқарорлигига олиб келувчи омиллар ҳисобланади. Шу билан бирга, никоҳ даврида эр ва хотиннинг репродуктив ҳолатининг бир-бирига тўғри келмаслиги, спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, маънавий мулоқотда эр ва хотин хулқининг тўғри келмаслиги, жинсий муносабатлардан қониқмаслик ва ота-онанинг салбий муноса-бати ажралишга сабаб бўлади.

5.6-жадвал

Никоҳ барқарорлигига таъсир этувчи никоҳ давридаги омиллар

Ижобий омиллар	Салбий омиллар
Аёлнинг юқори репродуктив ҳолати	Эр ва хотин репродуктив ҳолатининг бир-бирига тўғри келмаслиги
Оилада ота-оналарнинг мавжудлиги	Эр-хотиннинг спиртли ичимликлар истеъмол қилиши
Асосий оилавий муаммоларни биргаликда ечиши	Маънавий мулоқотда эр ва хотин хулқининг тўғри келмаслиги
Эр-хотиннинг бўш вақтини биргаликда ўтказиши	Бир-бирини қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги
Ҳаётнинг турли жабҳаларида низоларнинг камлиги	Жинсий муносабатлардан қониқмаслик
Эр-хотин бир-бирини қаттиқ ҳурмат қилиши ва ҳиссий қабул қилиши	Оилага ота-онанинг салбий муносабати

Ажралишнинг демографик моҳиятига аниқлик киритишда **ажралиш тез такрорланиши кўрсаткичлари**дан фойдаланилади. Улар жумласига ажралишнинг умумий, ёш, махсус ва йиғинди коэффициентлари киради. Шунингдек, ажралишнинг махсус коэффициенти ҳам қўлланилади. Бу коэффициент аҳолини рўйхатга олиш ва жорий рўйхатлар маълумотларига кўра, маълум давр мобайнидаги ажралишлар сонининг шу давр ўртасидаги никоҳ жуфтликларининг ўртача сони нисбатига тенгдир.

Ажралишнинг барча коэффициентлари ичида нафақат ажралишлар тез такрорланиши, балки никоҳни бекор қилишда унинг давомийлигини ҳам аниқлаш имконини берувчи энг аник кўрсаткич – никоҳ давомийлигининг махсус коэффициентидир. Махсус коэффициент – шу йил (муаяйян йилда) маълум муддат давом этган никоҳларнинг бекор қилиниши сонини илгари тузилган никоҳлар сонига нисбати асосида ҳисоблаб чиқилади.

Такрорий никоҳ – бу ажрашганлар ва беваларнинг янгидан тузган никоҳидир. Ажралиш даражаси юкори бўлган шароитда улар копловчи роль ўйнайди. Такрорий никоҳ коэффициентлари биринчи никоҳ коэффициентларига мос ҳолда бевалар ва ажрашганлар, такрор никоҳга кирганлар сонининг аҳоли рўйхатлари маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилади.

Янги никоҳга кириш тез такрорланиши такрорий никоҳнинг махсус ва ёш коэффициентлари ёрдамида аниқланади. Никоҳ аҳдини бекор килиш ва такрор никоҳга кириш ҳодисаларини ўзаро таққослаш такрорий никоҳни, ажралиш ва беваликнинг кай даражада копланганлигини баҳолашга ёрдам беради.

Такрор никоҳга киришнинг ўртача ёши никоҳга кириш кетма-кетлиги ёшининг ўртача миқдорига боғлиқ бўлади.

Никоҳ иккита сабаб билан тўхтатилиши мумкин: ажралиш туфайли ва умр йўлдошлардан бирининг ўлими сабабли. Шунинг учун никоҳларнинг тўхтатилиш кўрсаткичлари ажралиш ҳамда ўлим ва бева колиш кўрсаткичларига бўлинади.

Ажралиш жараёни ажралишнинг махсус кўрсаткичлари ёрда-мида куйидагича ҳисобланади:

$$u = \frac{D}{\overline{S}_t^m}.$$

Бу ерда: u – ажралиш коэффициенти;

D – t вақтдаги ажралишлар сони;

$\overline{S}_t^m$ – t вақтдаги уйланганлар (турмушга чикканлар) ўртача сони.

Ажралишнинг махсус коэффициенти эркаклар ва аёллар учун бир хиллиги аниқ. Ажралишнинг махсус коэффициентлари ҳар бир ёш учун ва ҳар бир никоҳ давомийлиги учун алоҳида ҳисоблаб чиқилиши мумкин, лекин уларни бир вақтнинг ўзида никоҳ давомийлиги ва турмуш ўртоқлардан бирининг никоҳга кириш ёши бўйича ҳисоблаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда улар ажралиш эҳтимолига айлантирилади ва ажралиш жадвалини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ажралиш жадваллари никоҳ давомийлиги бўйича ҳар бир никоҳга кирувчи ёшлар учун алоҳида тузилади. Ажралиш жадвалларини тузишда никоҳ жадвалини тузишдаги каби усул қўлланилади: у соф (фақат ажралишларни ҳисобга олиши ва никоҳ бузилишининг бошқа вазиятларини тушириб қолдириши) ва бирикмали (ажралишларни, ўлим ва бева қолишларни ҳам ҳисобга олиши) жадвал бўлиши мумкин.

Никоҳ мустаҳкамлиги ва давомийлигини тавсифлаб берувчи жадвалларнинг бундай мажмуи катта аҳамиятга эга, лекин улар керак бўладиган статистика маълумотларнинг мавжуд эмаслигидан камдан-кам ҳолларда тузилади.

Бевалик кўрсаткичларининг тузилиши оддий: улар ҳар бир йилда бева қолган аёлларнинг сони ушбу йилда ўлган эркакларнинг сонига тенг (ёки аксинча) бўлади. Шунинг учун аёллар бевалигининг махсус коэффициенти (V) қуйидагига тенг:

$$V_t = \frac{{}^{m}M_t^{M}}{\overline{W}_t^{m}};$$

бу ерда: $\overline{W}_t^m$ – t йилдаги эрли аёлларнинг ўртача сони.

Моногамия шароитларида эрли аёлларнинг сони уйланган эркакларнинг сонига тенг, шунинг учун эркаклар ва аёллар бевалигининг махсус коэффициентларининг махражлари ҳам тенг бўлади.

Никоҳ тўхтатилишининг махсус коэффициенти учта коэффициент йиғиндисидан, яъни ажралишнинг, эркаклар ва аёллар бевалигининг махсус коэффициентларидан ташкил топади:

$$P_t = U_t + V_t^m + V_t^{ж} = \frac{D_t + {}^{u}M_t^m + {}^{b}M_t^m}{\overline{S}_t^{\mu}}.$$

Агар йил давомида тузилган никоҳлар сони мавжуд никоҳларнинг ўртача сонига тенглаштирилса, никоҳлар сони ўсишининг коэффициенти келиб чиқади. Бундан никоҳлар бузилишининг коэффициенти олиб ташланса, никоҳлар сони суръатининг коэффициентини аниқлаш мумкин:

$$R_t = b_t - P_t = \frac{B_t - D_t - {}^{u}M_t^m - {}^{b}M_t^m}{\overline{S}_t^m}.$$

Ушбу коэффициентни никоҳга кира оладиган ёшдаги аҳолининг табиий ўсиш суръати коэффициенти билан солиштириш мумкин, бу эса аҳолининг никоҳ таркиби яхшиланаётганлиги ёки ёмонлашаётганлигини баҳолаш имконини беради. Чунки одатда эрнинг ёши аёлникидан нисбатан катта, эркаклар ўлими даражаси аёлларникидан юқори бўлади, шу туфайли аёлларнинг бевалик коэффициенти эркакларникига нисбатан каттароқдир. Беваликнинг махсус коэффициентлари никоҳда бўлганларнинг ёш таркибига боғлиқ, шунинг учун таҳлилда бунинг таъсирини эътиборга олиш лозим. Яъни "y" ёшдаги эркак билан никоҳда бўлган "x" ёшдаги аёл учун бева қолиш эҳтимоли "y" ёшдаги уйланган эркакнинг ўлим эҳтимолига тенг.

Агар "x" ёшдаги аёлнинг бева қолиш эҳтимолини "V_x" билан белгилаб, "y" ёшдаги эркаклар билан никоҳда бўлган "x" ёшдаги аёлларнинг ҳиссаси "J_y" билан бегиланса, унда қуйидаги формула ҳосил бўлади:

$$V_x = \sum J_y \bullet q_y^m.$$

Агар никоҳнинг сақланиб қолиши маълум бир вақтдан кейинги никоҳ тузилиши орқали қараб чиқилса, сақланиб қолинган никоҳлар ҳиссасини ўлим жадвали кўрсаткичларидан осонгина чиқариб олиш мумкин. Масалан, агар "T" йилда "y" ёшдаги эркаклар билан "x" ёшдаги аёллар ўртасидаги "$U_{x,y}$" никоҳлар тузилган бўлса, "t" йилдан сўнг улардан қуйидагилари сакланиб қолади:

$$U_{t,x,y} = U_{T,x,y} \frac{L_{x+t}^{*}}{L_x^{*}} \bullet \frac{L_{y+t}^{m}}{L_y^{m}}.$$

Масалан, 25 ёшдаги эркаклар билан 20 ёшдаги аёллар ўртасидаги 10 000 та никоҳ тузилган бўлса, 30 йилдан сўнг эр 55, хотин 50 ёш тўлганида, бундай никоҳлардан 77,35 %и сақланиб колади:

$$10000 \bullet \frac{75393}{91045} \bullet \frac{87382}{93546} = 77,35$$

Худди шу тамойил асосида никоҳ давомийлиги бўйича бевалик жадвалини тузиш мумкин. Агар бир йилнинг ўзида эр ва хотинининг ўлим эҳтимолини ҳисобга олувчи аникликлар эътиборга олинмайдиган бўлса, никоҳнинг "t "йилидаги хотин учун бева бўлиб қолиш эҳтимоли никоҳнинг "t" йилидаги эрнинг ўлим эҳтимолига тенг бўлади. Агар "B_x" "x" ёшдаги никоҳга кирган эркакларнинг ҳиссаси деб олинадиган бўлса, никоҳнинг "t" йилидаги аёлнинг бева қолиш эҳтимоли қуйидагига тенг:

$$V_t = \sum B_x \frac{L_{x+t+1}^{M}}{L_{x+t}^{M}};$$

бу ерда: L_x^M – уйланган эркаклар учун ўлим жадвали бўйича муким аҳоли сони;

B_x тақсимотини никоҳ жадвали бўйича олиш мумкин.

Никоҳ давомийликлар қатори учун бева қолиш эҳтимолига эга бўла туриб, никоҳларнинг бошланғич миқдорини 10000 тенг деб эътиборга олган ҳолда бева қолиш жадвалини тузиш мумкин. Бунда мураккаблик шундан иборатки, никоҳда бўлганларнинг ўлим ҳолатлари бўйича маълумотлар жуда кам бўлиб, ўлим жадвалини барча аҳолига нисбатан қўлланилиши эса бева қолишликни кўпайтириб юборади.

Статистика маълумотлари Ўзбекистонда никоҳлар мустаҳкамлиги, ажралишлар сони нисбатан кам эканлигидан далолат беради. Хусусан, мамлакатда 1991-2012 йилларда ажралишлар сони 1,5 мартага камайган (5.7-жадвал). Агар 1991 йилда мамлакатда ажралишларнинг мутлақ сони 33,3 мингтани ташкил этган бўлса, 2012 йилда мазкур кўрсаткич 17,9 мингта бўлди. Ана шу даврда жами 438,1 мингта никоҳ аҳди бекор қилинди.

5.7-жадвал

Ўзбекистонда ажралишлар динамикаси (мингта)

Ҳудудлар	1991 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Ўзбекистон Рес.	**33,3**	**21,2**	**19,9**	**16,4**	**17,8**	**18,6**	**17,9**
шу жумладан:							
Қорақалпоғистон Рес.	1,0	0,5	0,6	0,5	0,9	0,7	0,8
Андижон	2,4	1,2	1,1	0,7	1,4	1,9	1,5
Бухоро	1,2	0,9	1,2	1,0	0,9	0,9	1,0
Жиззах	0,7	0,4	0,7	0,5	0,5	0,5	0,4
Қашқадарё	1,3	0,8	0,6	0,9	0,8	0,8	0,8
Навоий	1,5	0,9	1,1	0,8	0,5	0,8	0,7
Наманган	1,8	1,1	1,2	1,2	1,7	1,6	1,5
Самарқанд	2,6	1,7	1,8	1,6	1,9	1,8	1,8
Сурхондарё	1,4	0,7	0,9	0,7	0,5	0,6	0,7
Сирдарё	0,8	0,5	0,6	0,6	0,6	0,5	0,6
Тошкент	5,0	3,3	2,6	2,2	2,2	2,4	2,2
Фарғона	3,5	2,2	2,2	1,1	1,5	2,0	1,7
Хоразм	0,8	0,5	0,7	0,7	0,9	0,6	0,6
Тошкент шаҳри	9,3	6,5	4,6	3,9	3,5	3,5	3,6

Мазкур кўрсаткич 1991-2012 йилларда тузилган никоҳлар сони билан таққосланса, жами тузилган никоҳларнинг 89,0 %и сақланиб қолганлиги, бекор қилинган никоҳлар эса тузилган жами никоҳларнинг 11,0 %ини ташкил этиши маълум бўлади. Тузилган никоҳларнинг барқарорлиги бўйича ушбу кўрсаткич дунёда энг юқорилардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти томонидан олиб борилган тадқиқотлар никоҳлар мустаҳкам бўлишида оилада соғлом турмуш тарзининг, шунингдек, жамоат ташкилотларининг роли муҳимлигидан далолат беради. Жумладан респондентларнинг 33,0 %и – оила мустаҳкам бўлишида соғлом турмуш тарзининг, 24,0 %и – маҳаллаларнинг, 21,0 %и – хотин-қизлар қўмиталарининг роли муҳимлигини эътироф этган.

Никоҳларнинг мустаҳкам бўлиши уларнинг нима асосида тузилишига ҳам боғлиқ, албатта. Шу нуқтаи назардан никоҳ тузишда ўзбек оиласига хос анъаналар бугунги кунда ҳам катта роль ўйнаётганлиги ойдинлашади. Чунончи, социологик сўровда иштирок этган эркакларнинг 31,0 %и, аёлларнинг эса 35,0 %и никоҳ тузишда ота-оналарининг қарори ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини билдиришган. Шу билан бирга никоҳ аҳдида ўзаро муҳаббат тобора муҳим роль ўйнай бошлаган. Яъни сўровда иштирок этганларнинг тахминан ҳар тўрттасидан биттаси никоҳлари севги асосида тузилганлигини кўрсатган (5.8-жадвал).

5.8-жадвал

Никоҳ тузилишига асослар (социологик сўровда иштирок этганлар жами сонига нисбатан % ҳисобида)

Никоҳ тузилишининг асослари	Эркаклар	Аёллар
Ўзаро муҳаббат	25,0	24,0
Ота-оналарининг қарори	31,0	35,0
Моддий имкониятлар	17,0	13,0
Оила тузишга тайёрлик	26,0	27,0

2010 йил якунлари бўйича статистика маълумотларини таҳлил қилиш никоҳ аҳдининг бекор қилиниши аёллар ўртасида 20-35 ёшлилар ўртасида, айниқса, юқори эканлигидан далолат беради. Жумладан, жами ажраган аёлларнинг 21,0 %и 20-24 ёшдагилар, 28,7 %и 25-29 ёшдагилар, 19,7 %и – 30-34 ёшдагилардир (5.4-расм).



5.4-расм. Ўзбекистонда турли ёшдаги аёллар ўртасида ажралишлар (2010 йилда ажралганларнинг умумий сонига нисбатан % ҳисобида)

Шу билан бирга мазкур кўрсаткичлар 1991 йилдагидан муайян даражада фарк қилишини кўрсатади. Хусусан, ҳозирги вақтда 1991 йилга нисбатан аёллар ўртасида ажралишлар сони 25-29 ёшдагилар ҳамда 40 ёш ва ундан катта ёшдагилар ўртасида ортгани ҳолда, 30-34 ёшдагилар ва 35-39 ёшдагилар ўртасида ўзгармай қолган. Эркаклар ўртасида ажралишлар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Улар ўртасида ажралишлар, айниқса, 25-29 ва 30-34 ёшдагилар ўртасида юқоридир (5.5-расм).



5.5-расм. Ўзбекистонда турли ёшдаги эркаклар ўртасида ажралишлар (2010 йилда ажралишганларнинг умумий сонига нисбатан % ҳисобида)

Мазкур кўрсаткичлар 1991 йилдаги ажралишларга доир статистика маълумотлари билан таққосланса, 25-29 ёшдаги ва 30-34 ёшдаги эркаклар ўртасида ажралишлар сони ортгани маълум бўлади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. "Никоҳ" тушунчасига таъриф беринг.
2. "Экзогамия" ва "эндогамия" тушунчаларини фарқланг.
3. Эр-хотиннинг яшаш жойи бўйича никоҳ қандай турларга бўлинади?
4. Моногам ва полигам никоҳ деганда нимани тушунасиз?
5. Ўзбекистонда нега ёшдан бошлаб никоҳга киришга рухсат берилган?
6. Никоҳ бозори деганда нимани тушунасиз?
7. Никоҳ ҳолатини ифодаловчи демографик кўрсаткичларни санаб беринг.
8. Ажралишга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
9. Ажралиш частотасини ўлчовчи кўрсаткичларни айтиб беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т.: Адолат, 2007.
2. Борисов В.А., Синельников А.Б. Брачность и рождаемость в России: демографический анализ. – М., 1995.

3. Бреева Е.Б. Основы демографии: Учебное пособие. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Дашков и К, 2009.
4. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. –Т.: Университет, 1997.
5. Волков А.Г. Семья – объект демографии. – М.: Мысль, 1986.
6. Демография: Учебник для вузов. //Под ред. Н.А. Волгина, Л.Л. Рыбаковского. – М.: Логос, 2005.
7. Демография: Учебное пособие. /Под ред В.Г. Глушкова, Ю.А. Симагин. – М.: КноРус, 2010.
8. Денисова М.Б., Калмыкова Н.М. Демография. Учебное пособие. М.: ИНФРА-М. 2010.
9. Косов П.И. Основы демографии: Учебное пособие. Берендеева А.Б. 2-е изд, доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010.
10. Харченко Л.П. Демография. Учебное пособие. – М.: Омего-Л, 2009.
11. Тольц М.С. Демографический анализ брачности: проблемы, методы, интерпретация результатов. //Демография: проблемы и перспективы. Методы исследования. – М., 1986.

6-боб. ТУҒИЛИШ

6.1. Туғилишнинг демографик тушунчаси

Аҳолини такрор ҳосил қилиш – авлодларнинг муттасил алмашиш жараёнидир. Унинг асосида туғилиш ва ўлим ётади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт туфайли ўлим даражаси барқарор паст бўлган ҳозирги даврда аҳолининг такрор ҳосил қилиниши асосан туғилиш даражасига боғлиқ бўлиб қолди. Шунинг учун туғилишни тадқиқ этиш ҳозирги демографиянинг асосий йўналишларидан биридир. Туғилиш аҳоли таркибида янги аъзоларнинг пайдо бўлишини акс эттирувчи аҳолини такрор ҳосил қилишнинг ижобий томони ҳисобланади.

Туғилишнинг биологик асоси – инсоннинг биологик тур сифатида кўпайиш қобилиятидир. Туғилиш пуштлилик тушунчаси билан боғлиқдир.

Пуштлилик шахс ёки никоҳ жуфтлигининг янги авлодни дунёга келтиришга физиологик қобилияти билан боғлиқ. Пуштлилик тарихий хусусиятга эга, у муайян жамиятда муайян вақтдаги ижтимоий-иқтисодий ва санитария-гигиена шарт-шароитлари билан боғлиқ.

Анъанавий равишда пуштлилик аёлнинг дунёга келтира оладиган фарзандлар сони билан ўлчаниб, эр ва хотиннинг ирсий хусусиятлари ва саломатлиги, шунингдек, улардаги биологик жиҳатларнинг бир-бирига мос келиши (биологик ёки ирсий мослашув) билан боғлиқ бўлади. Назарий жиҳатдан қараганда, якка ҳомилали туғилишлар сони жуда катта, яъни 0-35 атрофида бўлиши мумкин. Бироқ пуштлиликнинг энг катта миқдорига эришишга табиий (туғишдан кейинги тозаланиш) ҳамда кейинчалик пайдо бўладиган омиллар (туғишдаги асоратлар, абортлар туфайли соғлиқни йўқотиш) тўсқинлик қилади.

Пуштлиликни аниқ баҳолашнинг бевосита усуллари мавжуд эмас. Улар билвосита ҳисобланади. Бунда фарзанд кўриш эҳтимоли эр ва хотиннинг умумий саломатлиги ва ҳомиладорликни олдини олувчи воситалардан фойдаланмаслик ҳамда аборт қилмаслик шартлари назарда тутилади. Назарий жиҳатдан пуштлиликнинг чегараси жуда катта: бепуштликдан бутун репродуктив даврда 35 тагача бола кўриш мумкин[1].

Аммо олиб борилган тадқиқотлар ўртача пуштлик 13 тадан 17 тагача бўлиши, бироқ бунда фарзанд кўришга табиий ва сунъий тўсиқлар бўлмаслиги лозимлигидан далолат беради. Аммо табиий

[1] Bongaars J., Potter R.G. Fertilly, Biology, and Behavior. An Analysis of the Proximate Determinants. – N.Y. et al., 1983. - P.8.

туғилишнинг биологик чегараси эркаклар ўртасида ўлим даражасининг юқорилиги ва бошқа сабабларга кўра, 12-15 та туғилиш (бунга ўлик туғилган ғўдаклар ва абортлар ҳам киради), деб ҳисобланади. Шу билан бирга пуштлилик 15 ёшдан 50 ёшгача давом этади. Пуштлиликнинг энг юқори кўрсаткичлари 20-30 ёш оралиғида кузатилиб, сўнг аста-секин пасайиб боради. Бунда менапауза 45-50 ёшга тўғри келади.

Пуштлиликнинг энг юксак – Гиннес рекордлар китобидан ўрин олган кўрсаткич Россиянинг Шуя уездидаги Федор Васильевга тегишлидир. У икки марта уйланган бўлиб, бу хотинларидан 87 фарзанд кўрган. Унинг биринчи хотини 27 марта – тўрт марта тўрттадан, 7 марта учтадан ва 16 марта иккитадан туққан. Иккинчи хотини 2 марта учтадан ва 6 марта иккитадан фарзанд кўрган. Федор Васильев 75 ёшга тўлганида унинг 82 боласи ҳаёт бўлган[1].

Бироқ бундай ҳодисалар кам учрайди. Генетикларнинг тадқиқотларига кўра, масалан, "Европа мамлакатларида туғруқлар умумий сонича эгизак фарзанд кўриш атиги 1,5-2,5 %ни ташкил этади. Бирйўла уч бола кўриш ўртача 10-15 минг туғруққа тўғри келади... Бир йўла тўрт фарзанд кўриш тахминан 100-200 минг туғруққа тўғри келади. 50 миллион туғруқда бир йўла беш бола туғилиши учрайди. 1668 йилдан 1968 йилгача – 300 йил давомида 60 та бир йўла беш бола кўрилиши, шу жумладан Англияда 10 марта, АҚШда 5 марта, Италия ва Португалияда 3 марта қайд қилинган. Бир йўла олтита бола туғилиши эса тахминан 5 миллиард туғруққа тўғри келади"[2].

Пуштлиликни осонгина ўлчаб бўлмайди. Уни фақат билвосита, шартли равишда **табиий туғилиш даражаси** сифатида аниқлаш мумкин.

Оила муҳитида туғилишни чеклаш амалиёти бўлмаган ҳолларда табиий туғилиш чегаралари асосий никоҳ ёшлари ва репродуктив давридаги жинслар мутаносиблиги (15-49 ёш), шунингдек, ушбу аҳоли гуруҳларидаги ўлим даражалари билан тартибга солинади. Бу кўрсаткичларнинг ижобий мутаносиблиги шароитларида туғилиш даражаси оиргинкоҳда ўрта ҳисобда 8 гадан тўғри келади.

Пуштлилик бошқа – бепуштлик, инфертиллик, стерилик ва оефарзандлик тушунчалари билан боғлиқ.

Бепуштлик – пуштлиликнинг аксини, эркак ва аёлларнинг янги авлодни дунёга келтиришга қодир эмаслигини англатади. Одатда, агар уч йил давомида никоҳ иттифоқида контрацепция қўлланмаган ва сунъий аборт амалга оширилмаган тақдирда тирик бола туғилмаса ёки

[1] Newell C. Methods and Models in Demography. – London. 1988. – P.35.
[2] Витали Н.Т., Гофман Н.Б. Близнецы: наследственность, среда. – М., 1975. – С.4-5

ҳомиладорлик ўз-ўзидан аборт билан ёки ўлик бола туғилиши билан тугаса, бундай никоҳ **бепушт никоҳ**, деб ҳисобланади. Фанда бепуштликнинг турли муаллифлар томонидан турли вақтларда келтирилган баҳолари мавжуд (6.1-жадвал).

6.1-жадвал

Бепуштлик даражасини аниқлаш бўйича турли тадқиқот натижалари[1]

Амалга оширилган тадқиқотлар	Никоҳ жуфтликлари умумий сонида бепуштлар ёки пуштлилик даражаси ниҳоятда паст бўлган жуфтликларнинг улуши, %
АҚШ, Индианаполис, 1941 йил	27,0
АҚШ, Америка оиласи ортишининг тадқиқоти, 1955 (GAF-1955)	34,0
АҚШ, Миллий туғилишнинг текширилиши, 1965 (NFS-1965)	27,0
АҚШ, Янги Орлеан Эркаклар пуштлилигини текширилиши, 1965	30,0
Югославия, 1970, Жами	24,3
Югославия, 1970, Шаҳарларда	22,8
Югославия, 1970, Қишлоқларда	25,1
Латвия, Шлиндман ва Звидриньш тадқиқотлари, 1966-1967	13,6

Умуман олганда, ҳозирги даврда иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда никоҳ жуфтликларининг тахминан 10,0-15,0 % мутлақ бепуштдир, яъни фарзанд кўришга мутлақо имконияти йўқ.

Стериллик деганда, меъёрий жинсий ҳаёт шароитида ҳомиладор бўлишга умуман қодирсизлик тушунилади. Стерилликнинг **доимий** (катта ёшлардаги), **репродуктив даврдаги** (касалланиш ёки стериллик операцияси оқибатидаги) ва **вақтинчалик** (контрацепция қўлланилиши туфайли) турлари фарқланади[2].

Бепуштлик **инфертиллик** – бола кўрмаслик омилларидан биридир. Инфертиллик ҳомиладорликни сунъий тўхтатиш, шунингдек, бутун репродуктив даврда ёки унинг бир қисмида никоҳ тузилмаслиги, эр-хотинларнинг алоҳида яшаши ёки контрацептивлар қўлланиши оқибати бўлиши мумкин.

Инфертиллик болаларнинг эҳтимол тутилган ўлими билан бирга **фарзандсизлик**, яъни оилада бола бўлмаслиги омилларидан биридир (6.1-расм).

Пуштлилик репродуктив майл, аввало, репродуктив саломатлик омилларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг кам фарзандли оила моделига интилиши шароитларида мавжуд пуштлилик жуда баланд

[1] Борисов В.А. Перспективы рождаемости. – М., 1976. – С.36-37.
[2] Борисов В.А. Стерильность: Демографический энциклопедический словарь. – М., 1985. – С.447.

оғиб, ҳозирги оилаларда туғилишни онгли тарзда режалаштириш (оиладаги фарзандлар сонини тартибга солиш) кенг тарқалган. Шу нуқтаи назардан табиий туғилиш концепцияси ривожланган мамлакатларга хос репродуктив майлнинг гипотетик модели сифатида намоён бўлади.



6.1-расм. Фарзандсизлик сабаблари

"**Табиий туғилиш**" тушунчаси илмий истеъмолга илк бор 1961 йилда француз демографи Л. Анри томонидан киритилган. Олим ау тушунчани туғилишни назорат қилиш йўлларидан бири сифатида ишлатган. Ҳозирги вақтда бу тушунча оиладаги фарзандлар сони ва туғилиш даврларини режалаштирувчи оилани жамиятга хосдир. Шу боис, туғилиш ҳолати ва даражаларини таҳлил қилиш амалиётида табиий туғилиш концепцияси оила муҳитида туғилишни чеклаш даражасининг тахминий баҳолашишида қўлланилади.

Бугунги кунда табиий туғилиш даражасини аниқлашдаги асосий ўзгариш — туғилиш даражасини контрацептив (ҳомиладорликнинг олдини олувчи) воситалардан фойдаланмайдиган, аборт қилмайдиган, пуштизликнинг пасайишига сабаб бўладиган оммавий касалликларга учрамайдиган, никоҳсизлик ва никоҳга кеч кириш удумларини қабул қилмаган маълум аҳолининг туғилиш даражаларига тенглаштирилишидир. Аслида бундай аҳолининг туғилиш даражалари туғилишнинг ўзига хос стандарти сифатида қабул қилиниб, ундаги табиий туғилиш даражаларининг аниқ бир аҳоли гуруҳидаги табиий туғилиш даражалари билан таққосланиши демографик коэффициентларни стандартлаштириш вариантларидан бири ҳисобланади.

Табиий туғилиш модели сифатида Шимолий Америкада яшовчи, келиб чиқиши европалик бўлган кичик мазҳаб – гуттеритларнинг туғилиш модели қўлланилади. Диний анъанага кўра, гуттеритлар фарзанд туғилишини назорат қилишнинг ҳеч бир туридан фойдалан-

майди ва эрта ёшда никоҳга киради. Америкалик демограф Э. Коул ушбу ёндашувни қўллаб индекслар тартиб ракамлари тизимини тузган ва бу тизим ёрдамида ҳар қандай аҳоли гуруҳидаги никоҳлилик ҳамда туғилишдаги ўзгаришларни гуттеритларга хос кўрсаткичлар билан таққослаш мумкин. Олинган натижалардан оила муҳитида туғилишни назорат қилиш ҳажмларини ўлчашда фойдаланилади.

Л. Анри томонидан тақдим этилган иккинчи ёндашув – бу туғилишни чекламайдиган аҳоли гуруҳида битта репродуктив ёшдаги аёлларда туғилишлар сонидир. Олимнинг ҳисоб-китобларига кўра, битта репродуктив ёшдаги аёлларда табиий туғилишлар сони 12,44 тани ташкил қилади. Табиий туғилишнинг тахминий энг кам даражаси демограф В.А. Борисов томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у 7,95 тага тенг (6.2-жадвал).

6.2-жадвал

Туғилишнинг стандарт коэффициентлари

Ёш гуруҳи	Гуттеритлар		Табиий туғилишнинг энг кам миқдори	
	‰	репродуктив ёшдаги битта аёлга	‰	репродуктив ёшдаги битта аёлга
15-19	300	0,300	-	-
20-24	550	0,550	400	0,400
25-29	502	0,502	377	0,377
30-34	447	0,447	349	0,349
35-39	406	0,406	279	0,279
40-44	222	0,222	155	0,155
45-49	61	0,061	31	0,031
Жами	**2488**	**12,44**	**1591**	**7,955**

Шундай қилиб, туғилиш биологик табиатга эга демографик жараён ҳисобланиб, унинг даражаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижасида ўзгариб туради. Ўз навбатида, пуштлилик муайян сондаги фарзандларни дунёга келтиришнинг биологик асосидир.

6.2. Аҳолининг репродуктив майли ва унинг турлари

Аҳолининг репродуктив майли шахс ёки одамлар гуруҳининг (оила улардан биридир) ҳаётнинг муайян соҳасига, шу жумладан бевосита фарзанд кўриш ёки кўрмасликка муносабатидир.

Репродуктив майл – шахснинг никоҳда ёки никоҳсиз ҳар қандай навбатида фарзанд кўриш ёки кўрмаслик билан боғлиқ амали, муносабати ва руҳий ҳолати тизимидир. Бундай амал, муносабат ва руҳий ҳолатга ташқи ва ички рағбатлар таъсир кўрсатади.

Репродуктив майлнинг ташқи рағбатлари - шахс, оила ва жамият учун фарзанд кўриш ва ота-оналикнинг қадрияти, шунингдек,

репродуктив қадриятлар билан боғлиқ бўлган бошқа ижтимоий қадриятлардир.

Репродуктив майлнинг ички рағбатлари – шахс ва оиланинг фарзандлар сонини белгилашга эҳтиёжидир[1].

Репродуктив кўрсатмаларнинг асосий ташқи индикаторлари уч кўрсаткич: болалар сонининг ўртача идеал, исталаётган ва кутилаётган (режаланаётган) сони ҳисобланади.

Ўртача идеал болалар сони – ота-оналарнинг бевосита ўз оиласида эмас, балки умуман оилада (мамлакат бўйича, шаҳар, қишлоқ бўйича, ўзбек оиласида ва ҳ.к.лар) нечта фарзанд бўлиши энг мақбуллиги тўғрисидаги тасаввуридир. Демографияга ушбу индикатор АҚШда аҳолини рўйхатга олиш сўровномаларида қайд этилган ва бу масала бўйича тадқиқотлар олиб бориладиган кўрсаткич сифатида кириб келган. Ғарб мамлакатларида мазкур индикатор исталаётган ўртача болалар сони кўрсаткичига айнанлаштирилади.

Ўртача исталаётган болалар сони индикаторига болаларга (болалар сонига) шахсий эҳтиёж кўрсаткичи сифатида қаралади. Тадқиқотларда ушбу индикатор ота-она уларга ҳеч нарса тўсқинлик қилмаса, нечта фарзандли бўлишлари ниятини аниқлаш мақсадида ишлатилади. Масалан, АҚШда ушбу масала бўйича савол "Агар сиз ўзингиз хоҳлаганча фарзандга эга бўлиш имкониятига эга бўлсангиз, бу болаларнинг сони нечта бўлиши мумкин?" тарзида қўйилади.

Ўртача кутилаётган (режаланаётган) болалар сони ота-оналарнинг турмушларидаги вазиятни, репродуктив режаларнинг бошқа ҳаётий режалар билан рақобатини ҳисобга олган ҳолдаги аниқ ниятларини акс эттиради. Кутилаётган болалар сонига доир саволлар одатда "Ҳаммаси бўлиб нечта фарзандли бўлмоқчисиз?", "Яна қанча фарзанд кўрмоқчисиз?", "Яна қанча фарзанд кўриш ниятингиз бор?" тарзида қўйилади. Мазкур индикатор туғилиш тенденцияларини прогноз қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун демографлар туғилиш омилларини тадқиқ этишда ундан кенг кўлланади.

Ўртача кутилаётган (режаланаётган) болалар сони оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг одатдаги иқтисодий воситалари: нафақалар, имтиёзлар ва ҳ.к.лар ёрдамида туғилиш даражасини етказиш мумкин бўлган чегарани аниқлаш имконини беради.

"Репродуктив майл" атамаси ўзида ҳеч қандай баҳолашни акс эттирмайди, барча шахслар ва никоҳ жуфтликларига: нафақат ўз

[1] Демография: учебное пособие. /Коллектив авторов под ред. В.Г. Глушковой, Ю.А.Симагина. 7-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2013. - С.125.

оиласи аъзоларининг сонини англаган ҳолда режалаштираёганларга, балки бундай режалаштиришни истамаётганларга ҳам тааллуқлидир.

Репродуктив майл доирасида таркибий жиҳатдан қуйидагилар ажратилади:

• бевосита фарзанд туғилишига қаратилган майл, яъни репродуктив майлнинг ўзи;

• контрацептив майл, яъни ҳомила пайдо бўлмаслигига каратилган ҳаракатлар;

• аборт майли, яъни хоҳламаган фарзанд туғилишининг олдини олиш мақсадидаги ҳаракат.

Майлнинг уч кўриниши муайян вазифа ва сабаблар билан тартибга солинади. Репродуктив майлнинг ўзи яхлит репродуктив давр, яъни фарзанд кўриш ҳақидаги карор қабул қилинишидан то бола туғилгунга кадар даврни амалга оширишга қаратилади. Ташқи томондан караганда, контрацептив ва аборт майли ҳар бир аниқ репродуктив даврни тартибга солиш воситалари (ҳомила пайдо бўлишига йўл қўймаслик, сунъий аборт йўли билан ҳомиладорликни тўхтатиш) сифатида хизмат килади.

Шахснинг контрацептив ва аборт майлидаги йўналишлар билан боғлиқ ҳолда бутун оиланинг репродуктив даври шаклланади. Мазкур даврда, биринчидан, оиладаги биринчи фарзанд туғилиши энг қулай вақтини белгилаш тушунилади. Никоҳга кирган вақт (бирга яшай бошлаш) билан биринчи фарзанд туғилган вакт оралиғи – **протегенетик оралиқ** деб аталади. Иккинчидан, контрацептив ва аборт усулларидан фойдаланиш режалари интергенетик ораликлар давомийлигини белгилайди. **Интергенетик оралиқ** – биринчи, иккинчи ва ундан кейинги фарзандлар туғилиши ўртасидаги вақт. Ва ниҳоят, репродуктив ва аборт-контрацептив режалар оила шаклланишининг якуний муддати ҳамда эр-хотиннинг керакли деб ҳисоблаган фарзандлар сонини дунёга келтиришидан кейинги даврдаги майлига бевосита таъсир ўтказади.

Репродуктив майлдаги зарурий шарт – пуштлилик бўлиши, яъни фарзанд кўришга физиологик қобилиятлиликдир. Эр-хотиннинг бепуштлилиги сабабли ҳамда оилада керакли миқдорда фарзандлар кўришнинг иложи бўлмаганда бундай оилада ё ажралиш ёки фарзандлар бокиб олиш ҳоллари рўй беради.

Ижтимоий-иқтисодий мақоми ва этнодемографик тавсифлари бир хил ҳамда пуштлиликда камчилик бўлмаган оилаларда тўлиқ ва нотўлик репродуктив даврлар мутаносиблиги эр-хотиннинг муайян миқдорда фарзанд кўришга (ўғил бола ва қиз бола нисбати) бўлган руҳий (ижобий ёки салбий) муносабати билан белгиланади.

Репродуктив майлларнинг ўзаро таъсири доирасида фарзандларга бўлган эҳтиёж жараёни амалга оширилади (6.2-расм).



6.2-расм. Аҳолининг репродуктив майлига таъсир этувчи омиллар

Репродуктив майлнинг **учта тури** фарқланади:

- кўп болали (5 ва ундан ортиқ фарзандга бўлган эҳтиёж);
- ўртача болали (3-4 та фарзандга эҳтиёж);
- кам болали (1-2 та болага эҳтиёж).

Репродуктив майлнинг кўп болали турида фарзандлар туғилишига тўла мойиллик мавжуд, туғилишнинг ўзи эса табиий туғилишга якин ёки тўлалигича мос, деб ҳисобланилади. Ушбу ҳолда нотўлиқ репродуктив даврлар майллиги эр-хотиннинг пуштлилик хусусиятлари, абортлар, туғилишдан кейинги тозаланиш ва суг келиши даврларининг давомийлиги билан боғлиқ.

Ўртача болали репродуктив майл ўз моҳиятига кўра, оилада фарзандлар туғилиш жараёнини тартибга солиш амалиётини аста-секин татбик этиш натижасида нотўлиқ репродуктив даврлар сонининг ўсиб бориши билан тавсифланади. Ва ниҳоят, кам болали репродуктив майлда аборт-контрацептив усуллардан фойдаланиш ҳоллари фарзанд кўришга бўлган мойилликдан анча устун келиб, оилада фарзандлар сони ва туғилиш даврлари қаттиқ назорат қилинади. Кам болали репродуктив майлнинг ўзига хос тури бу – фарзандсизликдир, яъни болаларга эҳтиёжнинг йўқлигидир. Ушбу ҳолатда никоҳ жуфтлиги ва шахснинг майли фақат аборт-контрацептив воситалардан фойдаланишга каратилган бўлади.

Фарзандларга бўлган эҳтиёж репродуктив майлдаги энг таъсирчан таркибий қисм ҳисобланади. Зеро, у ижтимоийлашиш шароити, ҳаётий тажриба, майлдаги қадрият тушунчаси ва йўналишлари, ота-она оиласи, шунингдек, ўтган аждодлардаги репродуктив

майл меъёрлари таъсирида шаклланади. Шу тариқа фарзандларга бўлган шахсий эҳтиёжда муайян жамият, шунингдек, шахс ўзига яқин тутган катта ва кичик ижтимоий гуруҳларда қабул қилинган фарзандлилик даражаси акс этади.

Фарзандликнинг ижтимоий меъёрлари ҳамда шахснинг фарзандга бўлган эҳтиёжини амалга ошириш жараёнидаги шахсий йўналишларининг ўзаро таъсир механизмини қуйидагича таърифлаш мумкин: агар оиладаги фарзандлар сони ушбу меъёрларга мос келса, у ҳолда оила ва унинг бошлиғи жамият томонидан маъқулланади; агар оила, алоҳида шахснинг репродуктив майли кўпчиликнинг майлидан кескин фарқ қилса, жамият томонидан бунга қарши қатъий чоралар кўрилиши мумкин. Масалан, туғилиш даражаси юқори бўлган шароитларда боласиз оилалар, никоҳсизлар, фарзанд кўришни истамаганлар жамият томонидан танқид қилинган.

Жамият ривожланиши инсонпарварлик ғояларига амал қилинган сари репродуктив майлда барчага ўхшамаслик учун танқид қилиш чоралари анча сусаяди, бироқ бу оиладаги фарзандлар сони-нинг ижтимоий назорати юмшайди ёки йўқ бўлади. дегани эмас. балки у фақатгина унинг намоён этиш шакллари ўзгариши демакдир. Ҳозирги замонда урбанизациялашган ижтимоий муҳитда учта фарзанди бўлган оила кўп болали оила сифатида қабул қилинади, кўп болалик (5 ва ундан ортиқ фарзанд) оила эса ижтимоий меъёрдан ўтганини билдиради.

Агар репродуктив мойиллик шахс майлининг ички тартибга солувчи омили бўлса, репродуктив майл меъёрлари эса шахсга нисбатан ташқи андозалар, муайян фарзандлар сонининг туғилишини белгиловчи ижтимоий тавсифдаги майл намуналари сифатида намоён бўлади. Ушбу меъёрлар гуруҳи ҳар томонлама ва фарқ қилувчи хусусиятга эга. Улар онгда вужудга келади, мустаҳкамланади ва ижтимоий-иқтисодий шароитлар таъсирида қайта кўриб чиқилади. Бироқ у ҳар доим жамият тараққиёти нуқтаи назаридан оқилона бўлади.

Ўлим даражаси юқори бўлган аграр жамиятда ишлаб чиқариш даражаси паст бўлиб, ишчи кучи доимо етишмаган. Шу сабаб, оилада кўп фарзанд кўриш ва болалардан ишчи кучи сифатида фойдаланиш кенг тарқалган. Табиийки, бу даврда туғилиш даражаси ҳам юқори бўлган. Мазкур ҳолда фарзанд кўриш сабаблари асосида иқтисодий омиллар турган. Оиланинг барча аъзолари иш билан бандлиги боис улар меҳнатининг иқтисодий самарадорлиги баланд бўлган. Айни вактда, катта, мураккаб оила кучли уруғ-жамоага айланган ва унинг

бошлиғи нафақат иқтисодий фаровонликка эришиш, балки ижтимоий салоҳиятининг ҳамда мавқеининг ошишига эришган.

Индустриал жамиятнинг ривожланиши, урбанизация жараёнлари ва аёллар ролининг ошиши нафақат ижтимоий, балки шахсий қадриятларнинг тубдан ўзгаришига олиб келди. Шахснинг ижтимоий макоми оиланинг катталиги ва фарзандлар сони билан эмас, балки маълумоти, даромадлари билан белгиланадиган. Иқтисодиётнинг ривожланиши болаларга тобора кўпроқ талаблар қўймоқда, айниқса, уларнинг маълумоти юкори бўлишига зарурат ўсмоқда. Бу эса оиланинг фарзандга билим беришга кўпроқ даромад сарфлашига олиб келмоқда. Айни вақтда, иқтисодий ривожланиш жараёнида инсон вақтининг қиймати ошиб, у оила ва шахс фаровонлигидаги моддий омил билан бир қаторда мустақил омил вазифасини ҳам бажармоқда. Шу сабабдан ҳар бир кейинги фарзанднинг туғилиши, унинг "фойда"лилигини пасайтиради.

1960-йилларнинг биринчи ярмида демограф олим Г. Беккер "**туғилиш иқтисодиёти**" концепциясини яратган. Бу концепцияга кўра, ижтимоий тараққиёт кечимининг ўзи репродуктив майл янги меъёрларининг ўрнатилишига замин яратади ва шундай вазият юзага келадики, ундан ҳам жамият, ҳам алоҳида оила (шахс) даражаларида инсон капиталининг миқдори ва сифати ўртасида маълум танлов рўй беради. Ушбу шароитларда репродуктив мойиллик ва фарзандларга бўлган эҳтиёж шаклланишининг асосий таркибий қисмини рухий мойиллик ташкил этиб, 1-2 та фарзандга эга бўлиш етарли, деб ҳисобланади [1].

Кам болалик ҳозирги давр жамияти репродуктив майлининг меъёрига айланиб бормоқда. Репродуктив мойиллик узоқ эволюцион даврда шаклланиб келган репродуктив майл ва фарзандларга бўлган эҳтиёж меъёрларидан фарқли ўлароқ, шахс, оила ҳаёти ва фаолиятини жорий шароитларининг кучли таъсирида бўлиб, бу шароитлар фарзандларга бўлган эҳтиёж қондирилиш даражаси учун замин яратади. Айни вақтда, турли ижтимоий гуруҳларга мансуб шахс, оилаларга ҳаётнинг жорий шароитларининг таъсир кучи бир хил бўлмайди, зеро, бу шароитларга баҳо бериш мезонлари турлича ва субъектив тавсифга эга: бир хил ижтимоий-иқтисодий ўлчамлар баъзи оилалар томонидан болаларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун етарли деб қабул қилинса, бошқа оилалар уларни хоҳлаган миқдорда фарзанд кўришларига тўсиқ, деб ҳисоблайди.

---

[1] Демография: Учебник для вузов. //Под ред. Н.А. Волгина, Л.Л. Рыбаковского. – М.: Логос, 2005. - С. 119.

Турмуш шароитларини оилаларнинг репродуктив майлга таъсирини ижтимоий бошқариш ва туғилишни назорат қилиш нуқтаи назаридан баҳолаганда, турли оилаларнинг фарзандларга бўлган эҳтиёжларининг қониқтирилганлик даражасини (болалик даражаси, даромад, ижтимоий мақом) аниқлаш мумкин. Агар оиладаги фарзандлар сони эр-хотиннинг фарзандларга бўлган эҳтиёжини қондирса, у ҳолда турмуш шароитларининг тубдан яхшиланиши оммавий тарзда фарзандлар сонини ўзгартира олмайди, аксинча, фарзандлар сонининг оширилиши ҳамда туғилишлар миқдорининг кўпайишига олиб келади.

Репродуктив мойиллик никоҳда бирга яшаш жараёнида ўзгариб боради. Доимо бирга яшаб, биргаликда умумий турмуш вазиятларини бошдан кечириб, бир-бирларининг дунёқараши, майлларидаги сабаб ва мойилликларини қабул қилган ҳолда ўзларининг мойиллик ва режаларини қисман ёки тўлалигича қайта кўриб чиқади. Ушбу вазиятда эркакнинг устунликка эгалиги сабабли оиланинг репродуктив майли никоҳгача бўлган режалардан фарқ қилиши мумкин. Репродуктив майл моделларининг ўзгариши миллатлараро никоҳ жуфтликларида ёркин намоён бўлади. Репродуктив мойилликдаги ўзгаришлар норасмий жуфтликларда ҳам содир бўлиб, одатда улар пасайиб бориш хусусиятига эга.

Умуман, репродуктив майл моделлари тадрижий тарзда авлоддан-авлодга ўтган сайин ўзгариб боради. Бироқ турмуш шароитларидаги кескин ўзгаришлар ушбу майлдаги асосий кўрсаткичларнинг ўзаро боғланиш механизмида сакрашларга олиб келади ва охир-оқибатда фарзанд кўришга доир қарашлар кескин ўзгаради. Бундай вазиятларга ижтимоий инқилоб, уруш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқирозларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Улар бутун ижтимоий муҳитни тубдан қайта кўриб чиқилишига туртки бўлади, бунинг натижасида болалик меъёрлари, репродуктив мойилликларнинг ўзгариши, болаларга бўлган эҳтиёжни рўёбга чиқариш шароитларининг ёмонлашиши, ҳатто пасайишига ҳам олиб келади.

6.3. Туғилиш тадрижий ривожланишининг тарихий босқичлари

Ҳозирги вақтда туғилиш даврақаси пасайиши, шунингдек, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда унинг даражаси нисбатан юқорилигича қолаётганини асослайдиган кўпгина омилларга аниқлик киритилган. Энг аввало, туғилиш даражаси, айниқса унинг табақаланиш хусусиятлари иқтисодий, ижтимоий, диний, руҳий ва бошқа омилларнинг ўзаро боғлиқлиги билан изоҳланади. Бу ўринда ишонарли маълумотларнинг етишмаслиги туғилиш омилларини математик-статистика усуллари орқали аниқлашни мураккаблаштиради.

Шунинг учун туғилишнинг, шу билан бирга ўлимнинг тадрижий ривожланиши демографик ўтиш назарияси доирасида талқин этилади. Ушбу назарияга мувофиқ, барча мамлакатлар ўз тараққиётида уч (баъзан тўрт ва беш, деб айтилади) босқични босиб ўтади. Мазкур босқичларнинг ҳар бири жамият ривожланишининг муайян даврига мос тушади ва бу аҳолини такрор ҳосил қилиш турини белгилайди.

Туғилиш тадрижий ривожланишининг биринчи босқичи аграр ёки анъанавий жамият учун хос бўлган. Мазкур босқичда туғилиш ва ўлим коэффициентлари жуда юқори бўлган ҳамда улар ўртасида муайян мутаносиблик сақланиб турган. Аммо бу мутаносиблик вақти-вақти билан ўлимда қисқа муддатли тебранишлар туфайли бузилган. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли сони ортиши суръатларига баъзан кескин ўзгартиришлар киритган. Умуман, ушбу босқичда узоқ вақт давомида аҳоли сони барқарор бўлган.

Мазкур босқичда никоҳдаги шахсий репродуктив майл каттик назоратга олиниб, оилада фарзандлар туғилишини режалаштириш жорий этилган. Репродуктив майл меъёрлари оиладаги фарзандлар сонининг шаклланишидаги асосий омил бўлган. Бу даврда ўлим даражаси юқори бўлиб, баъзи йилларда деярли барча болаларнинг ўлишигача етган. Туғилиш сонининг юқори бўлишига мақбул никоҳ меъёрлари жамиятда ўрнатиб, никоҳсизлик, никоҳни каттароқ ёшларгача кечиктириш жамиятда тақиқланган ва бунга қарши ижтимоий чоралар кўрилган. Ишлаб чиқариш паст бўлган шароитларда болалар оилада ишчи кучи ҳисобланган, шу сабабдан кўп фарзандлилик иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, туғилишнинг юқори даражада сақланиб туришини таъминлаган.

Туғилиш тадрижий ривожланишининг иккинчи босқичи ўтиш босқичига тўғри келади, деб ҳисобланади. Мазкур босқичда жиддий ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришлар (иқтисодиётнинг саноатлаштирилиши, урбанизация жараёнлари, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларининг ривожлантирилиши ҳамда бошқалар) туфайли туғилиш даражаси юқори ҳолда сақланиб турганида ўлим даражаси кескин пасая бошлаган. Ана шу икки даража ўртасидаги тафовут аҳоли сонининг тез ўсишига олиб келган. Бироқ модернизациялаш омилларига ҳамда тез ортиб бораётган аҳолининг мавжуд ресурслар босимига жавоб тариқасида туғилиш аста-секин камая бошлаган. Ўлим даражаси эса муайян энг кам миқдорга етиб, аҳоли қариши жараёнлари ривожланиши оқибатида бироз ортган.

Бу даврда иқтисодий тараққиёт натижасида тиббиёт ривожланган, аҳоли турмуш тарзининг санитария-гигиена шароитлари яхши-

ланган ва тараққий этган мамлакатларда эпидемиологик вазият ижтимоий назоратга олинган. Юқори ўлим даражаси билан боғлиқ аҳоли сонининг камайиши репродуктив майл меъёрларининг қайта кўриб чиқилишида ўз аксини топган. Аҳоли такрор ҳосил бўлишининг асоси ҳисобланган кўп болалик меъёрлари оила доирасидаги туғилишларни муайян даражада чеклаш томон ўзгариб борган. Бироқ бу ҳомиладорликнинг олдини олувчи воситалардан ва аборт йўлидан фойдаланишга рухсат берилди, дегани эмасди. Оиладаги фарзандлар сонини тартибга солишнинг асосини аскарият иқтисодий ривожланган мамлакатларда никоҳнинг Европа модели, яъни эркак ва аёлларда никоҳга кириш ёшининг аста-секин кўтарилиб бориши ташкил эта бошлаган.

XIX аср охирига келиб кўпчилик мамлакатларда шахснинг никоҳ, оила ҳамда фарзандлар сонини танлаш ва унга эришиш соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш учун кураш бошланган. Абортлар хусусидаги қонунчилик аввалгидек қатъий бўлган. Бироқ туғилишни контрацептик назорат қилиш амалиёти кенгая бошлаган; бу ҳақда XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Европа мамлакатларининг туғилиш даражасига оид маълумотлари гувоҳлик беради. Туғилиш тадрижий ривожланишининг мазкур боскичи сўнгидаги репродуктив майл меъёрларини ўртача болалилик меъёрлари сифатида тавсифлаш мумкин. Бироқ репродуктив майл меъёрлари аҳолининг ижтимоий гуруҳларига кўра ўзгариб туришини ҳам эътиборга олиш лозим. Масалан, ижтимоий жиҳатдан суст ривожланган жамият табақаларига (қишлоқ аҳолиси, иқтисодий жиҳатдан қолоқ ҳудудлар, аҳолининг маълумот даражаси паст қисми ва ҳ.к.) кўп болалик, аҳолининг иқтисодий жиҳатдан таъминланган ва маълумот даражаси юқори бўлган қисмига, шунингдек, мегаполислар аҳолисига кам болалик меъёрлари хос бўлган. Кўп болалик меъёрлари, биринчи навбатда, болаларга иқтисодий эҳтиёж баланд бўлган ҳудудларда сақланиб қолган. Бу эҳтиёж турли ижтимоий қатламларда сусайиб борган сари кам болалик меъёрлари устун кела бошлаган.

Натижада ҳозирги даврда – **туғилиш тадрижий ривожланишининг учинчи босқичи**да туғилиш ва ўлим даражасида янги мутаносиблик юзага келди.

Мунтазам камайиб бораётган ўлим кўрсаткичи XX асрнинг иккинчи яримида аксарият аҳолида кам бола кўриш (1-3 та фарзанд) фарзандсизлик кўркувини енгиб ўтди. Репродуктив майл меъёрларининг пасайишида аёллар иш билан бандлигининг ошиши муҳим роль ўйнади. XX аср давомида оиланинг жамият билан муносабатларида

жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади ва оила ўзининг майлига оид масалаларда мустакил карор чикара бошлади. Болалар мехнатидан фойдаланишни чеклаш натижасида туғилишнинг юқори даражасини сақлаб қолиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлишига олиб келди.

Ушбу барча омиллар биргаликда ва ўзаро боғланган ҳолда жамиятнинг ижтимоий вазифаларига мос келадиган янги репродуктив майл меъёрларининг шаклланишига олиб келди ва улар туғилишнинг ҳозирги даражасини белгилайди. Аксарият оилалар кам болали, айрим ҳолларда фарзандсиз бўлиб, туғилиш даражаси, ҳатто ўлим даражасининг пастлиги шароитида ҳам фарзандлар авлоди ота-оналар авлодининг ўрнини тўлдира олмайдиган кўрсаткичларгача пасайиб кетди (6.3 расм).



6.3-расм. Жаҳоннинг айрим мамлакатларида ҳар 1000 нафар аҳолига туғилиш даражаси[1]

Демографик ўтиш назариясида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан туғилиш даражаси ўртасида узвий боғлиқлик борлиги тасдиқланади. Бироқ бу қонда узоқ давр оралиғи олиб қаралса ёки демографик тадрижий ривожланишнинг иккинчи (ҳатто биринчи) ва учинчи босқичидаги ривожланган ва ривожланаётган давлатлар учун қўлланилса, тўғридир. Лекин аниқ бир ҳолатда бундай тасдиклаш жуда умумийдир.

Демографик ўтишнинг туғилиш ва унинг табақаланишига таъсири омиллари 1956 йилда К. Дэвис ва Ж. Блейк томонидан илгари сурилган. 1970-йилларнинг охирида Д. Бонгаартс томонидан такомиллаштирилган **оралиқ ўзгарувчанлар концепцияси**да асосланади. Мазкур концепцияда туғилишга ижтимоий, иқтисодий ва маданий омилларнинг (билвосита ўзгарувчанлар) таъсирини туғилишга бевосита таъсир кўрсатадиган оралиқ ўзгарувчанлари – никоҳ, сунъий аборт, контрацепция, болани кўкрак сути билан боқиш давомийлиги (лактация) воситасида намоён қилади. Туғилишнинг ижтимоий-иқтисодий омилларини таҳлил

[1] Жаҳон банки маълумотлари. – http://www.worldbank.org

кила туриб, уларнинг оралик ўзгарувчиларга, шундан кейингина туғилиш даражасига қандай таъсир кўрсатишини ўрганиш талаб қилинади.

1960-йиллар ўрталарида **"фарзандларга эҳтиёж" концепцияси** пайдо бўлди. Унга мувофиқ, ҳар бир янги фарзанд кўрилиши объектив жиҳатдан унинг "фойдалиги чегараси"ни торайтиради ва бу туғилиш камайишининг муҳим сабаби ҳисобланади. Чунки иқтисодий тараққиёт фарзандлар сифатига муттасил ортиб борадиган талаблар кўяди, натижада ота-онанинг фарзандларига таълим бериш, уларнинг касбий малакасини оширишга харажатлари ҳам кўпайиб боради. Бундай вазиятда ота-она "фарзанд сони" билан "фарзанд сифати" ўртасида танлов қилишга мажбур бўлади.

Ўзбекистонда ҳам туғилишнинг тадрижий ривожланишини шартли равишда уч боскичга бўлиш мумкин:

- совет ҳокимияти ўрнатилгунча бўлган давр;
- совет ҳокимияти йиллари даври;
- мустақиллик йиллари даври[1].

Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилгунча бўлган даврда туғилиш жуда юкори, яъни биологик асосда бўлган ҳамда ҳар 1000 та аҳолига нисбатан 50 тага якинни ташкил этган. Жумладан, Ўзбекистонда биринчи марта 1897 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш якунларига кўра, 197,2 мингта бола туғилган. Бу аҳолининг ҳар 1000 нафарига 49,8 бола туғилганлигини кўрсатади. 1900 йилда эса 200,4 мингта бола туғилган[2].

Бу даврда туғилишнинг юкори бўлганлиги куйидаги омиллар билан изоҳланади:

- мавжуд кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши муносабатлари;
- қишлоқ турмуш тарзи;
- аёлларнинг жамиятдаги ўрни;
- ислом акидаларининг таъсири;
- маҳаллий урф-одатлар;
- кизларни эрта турмушга бериш;
- гўдаклар ўлимининг юкорилиги.

Совет ҳокимияти йилларидаги туғилишнинг тадрижий ривожланишини уч боскичга ажратиш мумкин:

- 1917-1940 йиллар;
- 1941-1945 йиллар;
- Иккинчи жаҳон урушидан урушдан кейинги давр.

---

[1] Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет, 1997. – 99-132 б.

[2] Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Т.: Қомуслар Бош тахририяти, 1997. – Б. 48.

Ана шу биринчи босқичда Ўзбекистонда туғилиш 48,5 %дан 33,8 %га камайган. Мазкур ҳолат аҳоли таркибида репродуктив ёшдаги аёллар улушининг камлиги, никоҳга кириш ёшининг кўтарилиши ва миграция жараёни билан изоҳланади.

Иккинчи босқич Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келади. Бу даврда никоҳга қобилиятли ёшдаги эркакларнинг ёппасига армия сафига чақирилиши муносабати билан қизларнинг турмушга чиқиши, янги оилаларнинг пайдо бўлиш имконияти камайган. Натижада туғилишнинг умумий коэффициенти 1940 йилдаги 33,8 %дан 1945 йили 18,1 %гача камайган.

Учинчи даврда уруш тугаб, минглаб эркакларнинг ўз оиласига қайтиши, шунингдек, кўплаб янги оилаларнинг пайдо бўлиши муносабати билан туғилиш даражаси кескин кўтарилган. Ўзбекистонда туғилишнинг энг юқори натижаси 1959-1980 йилларда кузатилган. Жумладан, 1960 йилда республика аҳолисининг ҳар 1000 кишига нисбатан промилле ҳисобида 39,8 та, 1980 йилда – 33,9 та бола туғилиши тўғри келган. Натижада 1970 йилдан бошлаб туғилишнинг мутлақ кўрсаткичи кўтарилиб, 1980 йилда 540 мингтага етган (6.3-жадвал).

6.3-жадвал

Ўзбекистонда туғилиш динамикаси[1]

Йиллар	Туғилганларнинг мутлақ сони, минг та	Аҳолининг ҳар 1000 кишига нисбатан промилле ҳисобида
1897	197,2	49,8
1900	200,4	49,8
1917	217,3	48,5
1926	190,9	41,5
1940	223,1	33,8
1950	193,9	30,9
1960	340,6	39,8
1970	401,6	33,6
1980	540,0	33,9
1990	691,6	33,7

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туғилиш даражаси камайиб бормоқда. Мамлакатда туғилиш даражасининг камайишига йигит ва қизларнинг никоҳга кириш ёшининг кўтарилиши, ажралиш, миграция жараёнлари таъсир қилмоқда. Ушбу сабабларга кўра, республикада туғилишнинг умумий коэффициенти 1991 йилдаги 34,5 %дан[2] 2012 йилда 23,2 %га[3] камайган (6.3-жадвал).

[1] Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Т.: Қомусчилар Бош таҳририяти, 1997. - Б.48

[2] Демографический ежегодник Узбекистана 2003. – Т., 2004. – С. 127.

[3] Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2010. - Т., 2011. – С. 46.

1991-1995 йилларда республикада аҳолининг сони ўртача 453.8 минг кишига ортиб борган (йиллик ўртача ўсиш – 2,2 %). Кейинги беш йил давомида мазкур кўрсаткич 393,3 минг кишини (1,7 %). 2001–2005 йилларда эса 303,3 минг кишини (1,2 %) ташкил қилди. Мамлакатда туғилиш даражасининг камайиб бораётганлиги мутлақ кўрсаткичларда, айниқса, яққол кўзга ташланади. Ўзбекистонда 1991 йилда 723,4 мингта бола туғилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 625,1 мингтани ташкил қилди.

Мамлакатда туғилиш 2012 йилда 1991 йилга нисбатан 93814 кишига камайганига қарамай унинг нисбий даражаси юқорилигича қолмоқда. 1991 йилдан кейин Ўзбекистонда туғилишнинг жамланма коэффициенти 155,6 %га, шу жумладан қишлоқ жойларида – 172,4 %га, шаҳарларда эса – 115,9 %га камайган (6.4-жадвал).

6.4-жадвал

Ўзбекистонда туғилиш мутлақ сонининг динамикаси[1]

Ҳудудлар	1991 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Ўзбекистон Рес.	723420	677999	527580	533530	634810	622835	625106
шу жумладан:							
Қорақалпоғистон Рес.	47732	36039	36408	32456	37942	35840	38207
Андижон	63589	62262	43897	47522	59953	56662	58277
Бухоро	40709	36227	28618	30119	34597	32948	34257
Жиззах	31277	30100	24049	24157	25942	25191	25400
Қашқадарё	70988	70511	57681	53317	63861	64074	65225
Навоий	23165	19880	15305	16230	18409	18045	18067
Наманган	59487	58642	40772	42309	50799	52203	50603
Самарқанд	84143	82287	61266	63147	75213	73903	74137
Сурхондарё	57841	58389	44834	41847	51103	54114	52512
Сирдарё	20503	17122	14315	14365	16260	15559	15754
Тошкент	64597	57254	43820	46335	54830	53545	52875
Фарғона	77889	76346	53168	56701	70622	67746	66989
Хоразм	38997	35439	32114	31362	35965	35116	34731
Тошкент шаҳри	42503	37501	31333	33663	39314	37889	38072

Охирги йилларда республикада ҳар бир аёлга ўртача 2,7 та гўдак тўғри келмоқда. 1991 йилда мазкур кўрсаткич 4,2 га тенг эди.

Ҳозирга келиб республикада туғилиш кўрсаткичлари аҳоли такрор ҳосил қилинишининг оддий турини таъминлаш даражасига етган. Яъни Ўзбекистон туғилиш даражаси ўртача бўлган мамлакатга айланмоқда[2].

Мамлакатда туғилиш даражасининг ҳозирги вақтда ҳам нисбатан юқори даражада сақланиб қолаётганлиги 1980-йилларда яратилган

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари //http: // www.stat.uz.

[2] Буриева М., Абдурахманов А. Динамика коэффициента воспроизводство населения Узбекистана. //Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. Материалы Республиканской научно-практической конференции. – Т., 2009.

демографик салоҳият натижасидир. Ўша вақтда туғилиш даражаси нисбатан юқори бўлганлиги учун сўнгги йилларда республикада 170-180 минг аёл фертиль (фарзанд кўриш) ёшига тўлмоқда. Аммо 1991 йилда фертиль ёшидаги (15-49 ёш) ҳар1000 аёлга 152,1 бола тўғри келган бўлса, 2010 йилда мазкур кўрсаткич 83,4 тани ташкил этди (6.5-жадвал).

6.5-жадвал

Ўзбекистонда туғилишнинг жамланма коэффициенти динамикаси, (%)[1]

Кўрсаткичлар	1991 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.
Жами	4,2	3,6	2,6	2,3	2,7
Шаҳарларда	3,13	2,8	2,1	2,0	2,3
Қишлоқ жойларида	5,0	4,1	2,9	2,6	2,9

Туғилиш даражаси, айниқса, юқори ёш гуруҳлари - 40-44 ва 45-49 ёшларда жиддий равишда камаймоқда. Кейинги 20 йил мобайнида 40-44 ёш гуруҳларида туғилиш даражаси деярли 5.5 бараварга камайди. 45-49 ёш гуруҳларидаги аёлларда эса туғилиш даражаси 4,8 мартага камайди.

Ҳозирги вақтда туғилишнинг асосий қисми аҳолининг 20-24 ва 25-29 ёш гуруҳларига тўғри келмоқда. Туғилишлар умумий сонининг 75,0 %и ана шу ёш гуруҳларига тўғри келади. Шу билан бирга статистика маълумотлари республикада 2011 йилдан бошлаб 15-19 ёш гуруҳидаги аёллар сони кескин камая бошлаганлигидан далолат беради.

6.6-жадвал

Ўзбекистонда аёлларнинг ёши бўйича туғилиш коэффициенти динамикаси (мазкур ёш гуруҳидаги ҳар 1000 та аёлга нисбатан тирик туғилган бола коэффициенти)[2]

Йиллар	Аёллар ёши							
	15-19	20-24	25-29	30-34	35-39	40-44	45-49	15-49
1991	48,2	302,9	243,8	155,0	67,8	19,3	2,6	152,1
2001	17,3	197,1	155,1	86,3	30,2	6,8	0,7	78,1
2010	9,9	181,4	184,4	103,7	39,8	7,2	0,5	83,4

Прогнозларга кўра бу хусусият 2016 йилдан аҳолининг 20-24 ёш гуруҳига, 2021 йилдан эса 25-29 ёш гуруҳига ўтади. Бу ўзгаришлар республикада 1996 йилдан бошланган туғилиш даражаси кескин камайган даврда туғилган аҳолининг 15-19 ёш гуруҳига кириши

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //http://www.stat.uz

[2] Ўзбекистон Республикаси «Ойна» илмий-амалий маркази маълумотлари. //http://www.oila.uz

билан изоҳланади. Туғилиш даражаси юкори бўлган 1980-1995 йилларда туғилган аҳолининг 30-34, 35-39, 40-44, 45-49 ёш гуруҳларига ўтиши ҳисобига бу ёш гуруҳларидаги аёлларнинг сони мунтазам ортиб боради.

1987-1991 йилларда туғилиш даражаси юкори бўлган даврда туғилган аҳолининг 2002 йилда 15-19 ёш гуруҳига ўтиши натижасида республикада туғилиш даражасининг бирмунча ортганлиги ҳисобига шу йилларда туғилган аҳолининг 2020 йилда 15-19 ёш гуруҳига, 2025 йилда эса 20-24 ёш гуруҳига ўтиши бу ёш гуруҳидаги аёллар сонининг ортишига олиб келади.

6.4. Туғилиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими

Туғилиш даражасини таҳлил қилиш учун икки хил маълумот асос бўлади. Биринчиси – туғилганларнинг мутлақ сони, онанинг ёши, никоҳдалиги, туғилишнинг тартиб рақами, иккинчиси – ушбу кўрсаткичлар таққосланадиган аҳоли гуруҳларининг мутлақ сонидир (жами аҳоли, репродуктив ёшдаги аёллар, репродуктив даврдаги аёлларнинг ёш гуруҳлари). Одатда туғилиш даражасини тавсифловчи қуйидаги кўрсаткичлар тизими қўлланилади:

- туғилишнинг умумий коэффициенти (CBR);
- туғилишнинг махсус коэффициенти (CBR);
- туғилишнинг ёш гуруҳлари бўйича коэффициенти (ASFR);
- туғилишнинг жамланма коэффициенти (TFR);
- туғилишнинг кетма-кетлиги бўйича коэффициенти (OSFR);
- никоҳдаги туғилишнинг ёш гуруҳлари бўйича коэффициенти (ASFR).

Мазкур коэффициентлар муайян йилга тааллукли маълумотлардан ё у ё бу давомийликка (масалан, 3 ёки 5 йил ораликка) тегишли маълумотларни ўртачасидан (бир йилга текшлаштирилганидан) фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам ушбу коэффициентлар шартли авлоднинг кўрсаткичлари ҳисобланади, чунки бирор аниқ даврдаги туғилиш шароитларини акс эттиради.

Ушбу коэффициентларнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ, бирок уларнинг ҳар бири фарзанд кўрилишининг бирор-бир хусусиятини акс эттиради ва шу сабабли мустақил аҳамиятга эга.

Туғилишга оид маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишда бўйлама ва кўндаланг таҳлил, яъни реал ва шартли авлодлар усулларидан фойдаланилади.

Реал авлодлар усули. Реал авлодлар деганда, бир йилда (бир неча йил орасида) туғилган, яъни тенгдош аёллар ёки айнан бир вақтда никоҳга кирган аёллар тушунилади. Туғилишни бўйлама таҳлил қилиш усули турмуш шароитларининг ўзгариши ҳолатларидаги репродуктив

майл меъёрлари тадрижий ривожланиши, аҳолида авлодлар ижтимоий-ташуви нуқтаи назаридан катта имконият ва афзалликларга эга. Мазкур усулнинг камчилиги – бу узоқ давр, яъни 35 йилдан кам бўлмаган вақтга оид. аниқроғи, маълум авлоднинг репродуктив фаолияти давридаги туғилиш ҳақидаги маълумотларнинг талаб қилинишидир. Шу боис, реал авлодлардаги туғилиш тўғрисидаги маълумотлар фақат туғилган фарзандлар сони ва қайси ёшда туғилганлари аёллар орасида сўров олиб бориш оркали тўпланади. Бундай кузатув ёппасига (рўйхатга олиш) ёки танланма бўлиши мумкин.

Ушбу усулда олинган ахборотни шарҳлашдаги асосий муаммо бу унинг ҳақиқийлигини баҳолашдир. Биринчи навбатда, бу катта ёшдаги аёлларга тегишли бўлиб, уларнинг репродуктив фаолиятини, бир томондан, анча олдин тугаган, иккинчи томондан, у гўдаклар ва болалар ўлими юқори бўлиб, кўп болаларнинг барвақт ҳаётдан кўз юмган шароитларда кечган. Қайд килинган сабабларга кўра, реал туғилишлар ҳақидаги ахборотнинг бир қисми йўқолиб, юқори авлодлардаги туғилиш даражаси пасайтириб кўрсатилади.

Реал авлодлар туғилишининг иккита асосий кўрсаткичи мавжуд. Биринчиси -- бир авлодга мансуб аёлларнинг маълум ёшгача туккан болалари сони. Табиийки, ёш кўрсаткичларини бирлаштирувчи умумий кўрсаткич, бу мазкур авлодга мансуб бир аёлнинг репродуктив фаолияти (шартли тарзда – 50 ёшга қадар, амалда фарзанд кўриш жараёни узоқроқ даврга давом этиши мумкин) тугашига қадар туккан фарзандларининг ўрта ҳисобдаги сони.

Иккинчи кўрсаткич кутилаётган фарзандлар сони, яъни ҳар бир шахснинг мавжуд репродуктив мойилликлар ва аниқ ҳаётий ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолдаги бугунги кунда ва келажакда истаган фарзандлар сонини билдиради.

Кутилаётган фарзандлар сони тўғрисидаги савол анъанавий тарзда қуйидагича бўлади: "Оилангизда ҳаммаси бўлиб нечта фарзанд бўлишини хоҳлайсиз?", "Бор фарзандларингиз билан бирга оилада яна нечта фарзанд кўришни хоҳлайсиз?", "Оилангизда яна нечта фарзанд бўлишини хоҳлайсиз?". Одатда, бу саволлар репродуктив ёшдаги аёлларга (15-49 ёш) берилади. Туғилишнинг махсус танланма тадқиқотларида турли ёшдаги аёлларнинг репродуктив истиқболларига доир аниқ ахборот-ларга эга бўлиш максадида қуйидаги тарздаги қўшимча саволлар ҳам берилади: "Яқин 2-3 йилда фарзанд кўриш ниятингиз борми?". Мазкур савол ёрдамида, айникса, 35 ёшдан катта бўлган аёллар репродуктив режаларининг баркарорлигини аниклаш мумкин.

Кутилаётган фарзандлар сони ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1955 йили АҚШда оилаларнинг демографик истиқболини тадқиқ этиш жараёнида олинган. Сўровда қатнашган ҳар бир аёлга ўз оиласи ривожланишининг истиқболини белгилаш таклифи билан мурожаат этилган. Мазкур яккама-якка сўровлар асосида илк бор мамлакатнинг демографик келажагини тавсифлашга ҳаракат қилинган.

Ўзбекистонда ушбу савол 1960 йилларнинг ўрталаридан бошлаб турли аҳоли гуруҳларининг репродуктив мойилликлари, туғилишнинг асосий сабабларидаги тафовутларнинг муҳим тавсифи сифатида кўриб чиқилган. Репродуктив режалар тўғрисидаги савол аҳолини рўйхатдан ўтказиш дастурларига 1979 ва 1989 йилларда киритилган.

Кутиладиган фарзандлар сони ҳақидаги маълумотлар демографик вазиятдаги истиқбол ўзгаришларни, туғилиш динамикаси ва тақсимланишининг этник мансублилик, ёш гуруҳи, яшаш ҳудудининг тури ва ҳ.к.лар билан боғлиқ ҳолдаги кўрсаткичларни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, кутилаётган фарзандлар сонига изоҳ бериш уларни аниқ жинс сафда туғилган йилига кўра ёки аниқ никоҳ жинс сафида қўлланиши билан боғлиқ. Кутилаётган фарзандлар ва мавжуд фарзандлар сони ўртасидаги фарқ – мазкур жинс саф вакилларининг бутун репродуктив фаолиятлари даврида ўрта ҳисобда режалаштирган фарзандлар сонидир.

Шартли авлодлар усули статистик ахборот етарли бўлганлиги сабабли туғилиш таҳлилидаги энг асосий усул ҳисобланади. Мазкур усул жорий статистик қайд этишнинг стандарт маълумотларига, яъни маълум вақт мобайнида туғилганлар ва аёллар сонига асосланади. Бунда репродуктив ёшдаги аёллар гуруҳи турли йилда туғилган, бироқ бир вақтнинг ўзида яшаётган аёллардан ташкил топган шартли авлод сифатида кўрилади. Бошқача айтганда, агар аниқ авлодларга нисбатан "тенгдошлар" тушунчаси қўлланилса, шартли авлодлар учун "замондошлар" тушунчаси тўғри келади. Шартли авлодга кирувчи ҳар хил ёшдаги аёллар турли ҳаётий тажриба, болаликка мойиллик ва ҳ.к.ларга эга. Муайян йилларда туғилиш даражаси ўзгариб турганлиги сабабли шартли авлодни ташкил этувчи аёллар авлодининг сони бир хил эмас. Ниҳоят, асосий никоҳга мойил ва репродуктив ёшдаги жинслар номутаносиблиги муайян ёш гуруҳларидаги туғилиш миқдорига таъсир кўрсатади.

Шартли авлодларнинг туғилиш даражаси турли коэффициентлар ёрдамида аникланади. Улар маълум вақт даномида (одатда, 1 йилда) тирик туғилганлар ҳамда аҳолининг умумий сони, шунингдек, уни

жинслар, ёшлар, никоҳ ҳолатига кўра тақсимланиши ўртасидаги мутаносибликка асосан ҳисоблаб чиқилади.

Болалик коэффициенти (индекси). *Бу энг содда ва фақат* аҳолининг ёш таркиби тўғрисидаги маълумотларни талаб этадиган кўрсаткич ҳисобланади. Болалик коэффициенти (индекси) деганда 0-4 ёшдаги болалар сонининг репродуктив ёшдаги (15-49 ёш) аёллар сонига нисбати тушунилади. Баъзан мазкур коэффициент (индекс)ни ҳисоблаб чиқишда 0-9 ёшдаги болалар сони ва 20-49 ёшдаги аёллар сони ишлатилади[1].

Болалик коэффициенти (индекси) юқорида қайд қилинган туғилиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимига кирмаса ҳам туғил-ганлар сони маълум бўлмаса ёки ноаниқ бўлса қўлланилиши мумкин. У қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$C/WR = Ch0\text{-}4 : W15\text{-}49$$

бу ерда: C/WR – болалик коэффициенти (индекси);

Ch0-4 – 0-4 ёшдаги болалар сони;

W15-49 – 15-49 ёшдаги аёллар сони.

*Болалик коэффициенти(индекси)*дан, айниқса аҳолининг табиий ҳаракатини ҳисобга олиш яхши йўлга қўйилмаган, лекин аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари ишонарли бўлган мамлакатларда туғилиш даражасини бирламчи баҳолашда ва башорат қилишда қўлланиш мумкин. Бирлашган Миллатлар ташкилоти баъзи давлатлардаги болалик коэффициентининг 2005 йил 1 июль ҳолатига бўлган маълумотларини эълон қилган (6.7-жадвал).

6.7-жадвал

Жаҳоннинг айрим мамлакатларида болалик коэффициенти[2]

Мамлакатлар	0-4 ёшдаги болалар сони, минг та	Репродуктив ёшдаги аёллар сони, минг та	Болалик коэффициенти
Афғонистон	5535	6362	0,870
Яман	3668	4716	0,778
Кения	5736	8272	0,693
Ўзбекистон	2841	7310	0,389
АҚШ	20408	74046	0,276
Ирландия	303	1104	0,274
Франция	3727	14149	0,263
Хитой	84483	361573	0,234
Россия	7225	39537	0,183
Германия	3545	18582	0,181
Украина	1924	12305	0,156
Жаҳон бўйича	617149	1670167	0,370

[1] Народонаселение. Энциклопедический словарь. – М., 1994. – С.149-150.

[2] Population of the Division of the Department of Economic and Social Affairs of the United Nations Secretariat, World Population Prospets: The 2004 Revision and World Urbanization Prospets The 2003 Revision Population Database. Panel 2. //http: // eca.un.org

Болалик коэффициентидан, шунингдек, турли мамлакатлардаги туғилишни даставвал таққослаш учун фойдаланиш мумкин; мазкур коэффициент туғилиш даражаси юқори бўлган мамлакатларда катта, туғилиш даражаси паст бўлган мамлакатларда кичик бўлади. Аммо мазкур коэффициентнинг камчилиги гўдаклар ва болалар ўлими тебраниши ҳамда аҳоли таркибидаги болалар тўлиқ ҳисобга олинмаслигига ниҳоятда таъсирчанлигидир. Мазкур кўрсаткичлардан фойдаланилганда ва статистика маълумотлари ишонарли бўлмаса, ушбу коэффициент нотўғри хулосалар чикарилишига олиб келади.

Туғилишнинг умумий коэффициенти. У туғилиш мутлақ сонининг муайян даврда, одатда бир йилда бутун аҳоли томонидан яшалган одам-йил умумий миқдорига нисбати сифатида аниқланади. Бир йилга тенг бўлган муайян давр хусусида содда қилиб айтганда бўлса, бу туғилганлар мутлақ сонининг аҳолининг йиллик ўртача сонига нисбатидир:

$$CBR = (B : P) \times 1000\ \%,$$

бунда: CBR – туғилишнинг умумий коэффициенти;

B – бир йилда туғилишнинг мутлақ сони;

P – аҳолининг йиллик ўртача сони.

Масалан, Ўзбекистонда 2012 йилда 625106 та бола туғилган, шу йилга аҳолининг ўртача сони эса 29993500 нафарни ташкил этади. Бу ҳолда мамлакатда туғилишнинг умумий коэффициенти қуйидагини ташкил этади:

$$CBR = (625106 : 29993500) \times 1000\ \% = 20{,}8\ \%$$

Туғилиш умумий коэффициентининг миқдори биргина аёллар томонидан туғилган болалар сонигагина эмас, шунингдек, демографик ва бошқа таркибларга, биринчи навбатда аҳолининг ёш-жинс ва никоҳлиги таркибига ниҳоятда боғлиқдир. Шунинг учун ушбу коэффициент туғилиш даражаси хусусида тахминий тасаввур беради. Мазкур коэффициентнинг қўпол кўрсаткич (инглизча "CBR" – "Crude Birth Rate"), деб аталиши ҳам шундан.

Туғилишнинг умумий коэффициентини баҳоловчи турли мезонлар мавжуд. Жумладан, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг таснифи бўйича туғилишнинг умумий коэффициенти 16,0 %дан кам бўлса, шу ҳудудда туғилиш даражаси паст фарзандлар авлоди ота-оналар авлоди ўрнини тўлдириш учун етарли эмас, деб ҳисобланади. Туғилишнинг умумий коэффициенти 30,0 % ва ундан баланд бўлса, туғилиш даражаси юқори бўлади (6.8-жадвал).

6.8-жадвал

БМТнинг таснифи бўйича туғилишнинг умумий коэффициентини баҳолаш мезони

Туғилиш умумий коэффициентининг ўлчами, ‰	Туғилиш даражаси тавсифи
16,0 дан кам	Туғилиш даражаси паст, фарзандлар авлоди ота-оналар авлоди ўрнини тўлдириш учун етарли эмас
16,0 – 24,9	Туғилиш даражаси ўртача
25,0 – 29,9	Туғилиш даражаси ўртачадан юқори
30,0 – 39,9	Туғилиш даражаси юқори
40,0 ва ундан юқори	Туғилиш даражаси жуда юқори

Бу тасниф бўйича Ўзбекистондаги ҳолатни баҳолайдиган бўлсак, 2012 йили республикада туғилишнинг умумий коэффициенти 23,2 ‰ни ташкил этган ва Бирлашган Миллатлар ташкилоти таснифи бўйича туғилиш даражаси ўртача ҳисобланади.

Туғилиш даражасини баҳолашда демограф Б. Урланиц томонидан ишлаб чиқилган таснифдан ҳам кенг қўлланилади (6.9-жадвал).

6.9-жадвал

Б.Ц. Урланиснинг таснифи бўйича туғилишнинг умумий коэффициентини баҳолаш шкаласи

Ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилганлар сони	Туғилиш даражаси тавсифи
10 гача	Туғилиш даражаси фавқулодда паст
11-15	Туғилиш даражаси жуда паст
16-20	Туғилиш даражаси паст
21-25	Туғилиш даражаси ўртача
26-30	Туғилиш даражаси ўртачадан юқори
31-40	Туғилиш даражаси юқори
41-50	Туғилиш даражаси жуда юқори
51 ва ундан юқори	Туғилиш даражаси фавқулодда юқори

Б.Ц. Урланицнинг таснифи бўйича туғилишнинг умумий коэффициенти 10,0 ‰гача бўлса фавқулодда паст, 16,0-20,0 ‰ бўлса – паст, 31,0 ‰дан баланд бўлса – юқори ҳисобланади. Бу тасниф бўйича ҳам Ўзбекистон туғилиш даражаси (23,2 ‰) ўртача мамлакатлар қаторига киради.

Туғилиш даражасининг А. Мерков томонидан ишлаб чиқилган таснифи ҳам мавжуд (6.10-жадвал).

6.10-жадвалдан кўриниб турганидек, туғилишнинг умумий коэффи-циенти 31,0 ‰дан баланд бўлса туғилиш даражаси юқори, 11,0-15,0 ‰ атрофида бўлса – паст ҳисобланади. Қиёсий таҳлиллар А. Мерков томонидан ишлаб чиқилган тасниф демограф Б. Урланицникига деярли ўхшаш эканлигини кўрсатади. А. Мерков

томонидан ишлаб чиқилган тасниф бўйича ҳам Ўзбекистондаги туғилиш даражаси (23,2 %) ўртача ҳисобланади.

6.10-жадвал

А.М. Мерковнинг таснифи бўйича туғилиш умумий коэффициентини баҳолаш шкаласи

Кўрсаткич баҳоси	Ҳар 1000 кишига нисбатан
Туғилиш даражаси жуда юқори	40,0 %дан юқори
Туғилиш даражаси юқори	31,0-40,0 %
Туғилиш даражаси ўртачадан юқори	26,0-30,0 %
Туғилиш даражаси ўртача	21,0-25,0 %
Туғилиш даражаси ўртачадан паст	16,0-20,0 %
Туғилиш даражаси паст	11,0-15,0 %
Туғилиш даражаси жуда паст	10,0 %гача

Юқоридаги таснифлар билан бир қаторда демограф олим З. Павлик томонидан ишлаб чиқилган туғилиш даражасини баҳолаш мезонидан ҳам фойдаланилади (6.11-жадвал).

6.11-жадвал

З. Павликнинг таснифи бўйича туғилишнинг умумий коэффициентини баҳолаш шкаласи

Туғилишнинг умумий коэффициенти	Туғилиш даражаси тавсифи
17,5 %гача	Туғилиш даражаси паст
17,5-19,9 %	Туғилиш даражаси ўртача
20,0 % ва юқори	Туғилиш даражаси юқори

З. Павлик томонидан ишлаб чиқилган тасниф юқоридаги таснифлардан кескин фарқ қилади. Яъни бу тасниф бўйича туғилишнинг умумий коэффициенти 17,5 %гача бўлса туғилиш даражаси паст, 20,0 % ва ундан баланд бўлса юқори ҳисобланади.

Демографияда туғилишнинг умумий коэффициенти тахминий кўрсаткич эканлиги ҳисобга олинган ҳолда туғилишнинг махсус, қисман ва жамланма коэффициентларидан фойдаланилади.

Туғилишнинг махсус коэффициенти бевосита фарзандни дунёга келтирадиган репродуктив ёшдаги (15–49 ёш, айрим мамлакатларда 15–44 ёш) аёлларга нисбатан қўлланади. Бунда ушбу коэффициент йил давомидаги туғилиш умумий сонининг репродуктив ёшдаги аёллар йиллик ўртача сонига тенг:

$$CBR = (B : F) \times 1000\ \%,$$

бунда: CBR – туғилишнинг махсус коэффициенти;

B – бир йилда туғилишнинг мутлақ сони;

F – репродуктив ёшдаги аёлларнинг йиллик ўртача сони.

Агар репродуктив ёшдагилар доирасида энг кўп бола тугадиган аёллар (30 ёшгача) кўпроқ бўлса, туғилишнинг махсус коэффициенти юқори, аксинча, аҳоли таркибида репродуктив салоҳияти тугаб бора-

диган ёки тугаган авлодлар кўп бўлса, у ҳолда туғилишнинг махсус коэффициенти паст бўлади (6.12-жадвал).

6.12-жадвал

Туғилишнинг махсус коэффициентини баҳолаш мезони

Репродуктив ёшдаги ҳар 1000 та аёлга тўғри келадиган туғилишлар сони	Туғилиш даражаси тавсифи
64 дан паст	Туғилиш даражаси паст
64-100	Туғилиш даражаси ўртача
101-120	Туғилиш даражаси ўртачадан юқори
121-160	Туғилиш даражаси юқори
161 ва юқори	Туғилиш даражаси жуда юқори

Ўзбекистонда 2012 йилда репродуктив ёшдаги аёлларнинг ўртача сони 849,7 минтага тенг бўлган. Бу ҳолда мамлакатда туғилишнинг махсус коэффициенти қуйидагича бўлади:

$$CBR = (625106 : 849700) \times 1000\ \% = 7,4\ \%.$$

Туғилишнинг қисман коэффициенти бошқа демографик ва нодемографик таркиблар таъсирига барҳам бериш мақсадида ҳисоблаб чиқилади. Ушбу коэффициент аҳолининг бир қисмидаги туғилишлар йиллик ўртача сонининг аҳоли шу қисми йиллик ўртача сони нисбатига тенгдир. Масалан, демографик таҳлил учун болаларнинг никоҳда ва никоҳсиз туғилиши шунчалик тез такрорланиши муҳимдир. Шунинг учун никоҳдаги туғилишнинг махсус коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$CBMR = (Bm : Fm15\text{-}49) \times 1000\ \%,$$

бунда: CBMR – никоҳдаги туғилишнинг махсус коэффициенти;

Bm – никоҳда туғилган болалар сони;

Fm 15-49 – никоҳдаги репродуктив ёшдаги аёлларнинг сони.

Никоҳсиз туғилишнинг махсус коэффициенти ҳам шу усулда аниқланади:

$$CBMR = (Bg : Fg15\text{-}49) \times 1000\ \%,$$

бунда: CBCR – никоҳсиз туғилишнинг махсус коэффициенти;

Bg – никоҳсиз туғилган болалар сони;

Fg 15-49 – никоҳда бўлмаган репродуктив ёшдаги аёлларнинг сони.

Туғилишнинг қисман коэффициентлари орасида аёлларнинг аниқ бир ёш гуруҳида фарзанд кўриши такрорланишига аниқлик киритадиган **туғилишнинг жинс-ёш коэффициенти** ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Туғилишнинг жинс-ёш коэффициентини аниқ бир ёш ёки беш ёш оралиқлари учун ҳисоблаб чиқиш мумкин. Коэффициент беш ёш оралиқлари учун аниқланадиган бўлса, бу кўрсаткич ўртача бир йиллик даражасига келтирилади. Туғилишнинг жинс-ёш коэф-

фициенти муайян (x) ёшдаги аёллар томонидан туғилган болаларнинг бу аёлларнинг ўртача йиллик сонига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$ASFR = (Bnx : Fnx) \times 1000\ \%,$$

бунда: ASFR – туғилишнинг жинс-ёш коэффициенти;

Bnx – x+n йил ёшидаги аёллар томонидан туғилган болалар сони;

Fnx – x+n йил ёшидаги аёлларнинг йиллик ўртача сони.

Туғилишнинг жинс-ёш коэффициентини аниқлаш учун туғилишнинг умумий ёки махсус коэффициентларининкига қараганда анча кўп маълумот талаб қилинади. Яъни бунинг учун йил давомида туғилган болалар умумий сонигина эмас, балки бу туғилган болаларнинг аёллар ёш гуруҳлари бўйича тақсимланганлиги ҳам керак. Бу эса мамлакатда аҳолининг табиий ҳаракатини аниқ ва пухта ҳисобга олиб бориш зарур. Аммо ҳамма мамлакатларда ҳам бундай ҳисобга олиш йўлга қўйилмаган.

Туғилишнинг жамланма коэффициенти шартли авлодга мансуб аёл мазкур кўрсаткич ҳисоблаб чиқилаётган йилда жинс-ёш туғилиш даражаси сақланиб туриши шарти билан бутун репродуктив ёши давомида ўртача нечта фарзанд кўриши мумкинлигини акс эттиради. Мазкур коэффициентни ҳисоблаб чиқишда шартли авлодга мансуб барча аёллар ўртасида уларнинг репродуктив даврида ўлим бўлмаслиги назарда тутилади.

Туғилишнинг жамланма коэффициенти туғилиш даражаси ва аҳолининг такрор ҳосил бўлишини баҳоловчи энг аниқ кўрсаткичдир. Мазкур коэффициентнинг муайян миқдорий чегараларда узоқ вақт сақланиб туриши аҳоли сони динамикаси йўналишларини (ўсиши, барқарорлашиши ва қисқариши) ҳамда аҳолининг демографик ривожланиш истикболларини тавсифлаб беради (6.13-жадвал).

Туғилишнинг жамланма коэффициенти 1,8 дан камни ташкил қилса, туғилиш даражаси жуда паст, 1,8-2,15 га тенг бўлса - туғилиш даражаси паст ҳисобланади ва ҳ.к.

Шу билан бирга, ота-оналар авлоди ўрнининг фарзандлар авлоди билан оддий тўлдирилиши (1:1) туғилишнинг жамланма коэффициенти бир аёлга ўрта ҳисобда 2,15-2,17 туғилиш чегарасида бўлгандагина юз беради. Табиийки, агар туғилишнинг жамланма коэффициенти қийматлари бундан паст бўлса, у ҳолда аҳолининг такрор ҳосил бўлиши тартиби тораяди ва аксинча, у баландроқ қийматга эга бўлган ҳолларда аҳолининг такрор ҳосил бўлиши кенгайиб боради.

6.13-жадвал

Туғилишнинг жамланма коэффициентини баҳолаш мезони

Туғилишнинг йиғинди коэффициенти қиймати	Туғилиш даражаси ва аҳоли такрор ҳосил бўлиш тартибининг баҳоланиши
1,8 дан кам	Туғилиш даражаси жуда паст, аҳолининг такрор ҳосил бўлиши тор доирада кечади
1,8 – 2,15	Туғилиш даражаси паст, ушбу даражада узоқ вақт сақланиб турса, аҳолининг такрор ҳосил бўлиши тор доирага ўтиши муқаррар
2,15 – 2,17	Аҳолининг оддий такрор ҳосил бўлиш чегараси
2,17 – 2,4	Ушбу туғилиш даражасида, ҳатто ўлим анча кўтарилса ҳам аҳолининг оддий такрор ҳосил бўлиши давом этади ва ўсиши ҳам кузатилади
2,4 – 3,0	Туғилишнинг ўртача даражаси, аҳоли такрор ҳосил бўлишининг кенгайган шакли ва унинг мунтазам ўсиши кузатилади
3,0 – 4,0	Туғилиш даражаси ўртачадан юқори, аҳолининг такрор ҳосил бўлиши кенг ва тез суръатларда ўсиб боради
4.0 ва ундан юқори	Туғилиш даражаси юқори, аҳолининг такрор ҳосил бўлиши кенг тарзда кечиб, жадал ўсиб боради

Ўзбекистонда, умуман, туғилиш каби туғилишнинг жамланма коэффициенти ҳам (шу жумладан ҳам шаҳарларда, ҳам қишлоқларда) камайиб бормоқда (6.4-расм).

Ўзбекистонда туғилишнинг жамлама коэффициенти 2010 йилда 2,673 га тенг бўлди. Бу республикада туғилиш ўртача даражада эканлигини, аҳолининг такрор ҳосил бўлиши кенгайган шаклга эгалигини кўрсатади.

Ўзбекистонда туғилишнинг жамлама коэффициенти 2010 йилда 2,673 га тенг бўлди. Бу республикада туғилиш ўртача даражада эканлигини, аҳолининг такрор ҳосил бўлиши кенгайган шаклга эгалигини кўрсатади.



6.4-расм. Ўзбекистонда туғилишнинг жамланма коэффициенти динамикаси[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси "Оила" илмий-амалий марказининг маълумотлари //http://www.oila.uz.

Туғилишлар тақвими оилада муайян даврда кутиладиган фарзандлар сонига эришиш жараёнини тавсифлайди. У аниқроқ равишда протогенетик ва интергенетик оралиқлар ўлчамлари билан тавсифланиб, аҳолини рўйхатга олиш натижалари ёки аёллар орасида махсус тадқиқот олиб бориш йўли билан аниқланади. Мазкур маълумотларда никоҳга кириш ёши (санаси) ва фарзандларнинг туғилган саналари кетма-кетликда қайд қилиниши лозим.

Биринчи фарзанд туғилган санадан онанинг никоҳга кириш санасини айириш йўли билан протогенетик оралиқ аниқланади.

Агар туғилиш онгли, оммавий тарзда чекланмаган ва ихтиёрий фарзандсизлик тарқалмаган бўлса, оралиқ аксарият ҳолларда бир йилдан ошмайди. Ҳар кейинги фарзанднинг туғилган санасидан олдинги фарзанднинг туғилган санасини кетма-кетликда айириш йўли билан интергенетик интервал қийматлари ҳисоблаб чиқилади ва фарзандлар туғилган саналар билан онанинг туғилган санаси таққосланиб, онанинг ҳар бир фарзандини дунёга келтиргандаги ёшини аниқлаш мумкин.

Туғилишлар тақвимининг барқарорлигини аниқлаш учун туғилишнинг жорий статистик қайд қилинишига нисбатан қатор кўрсаткичлар қўлланилади.

Энг оддий кўрсаткич – умумий туғилишлар сонидаги ҳар бир навбатдаги туғилишнинг улушидир ва у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$d_i = \frac{N_i}{N} \times 100,$$

бу ерда: N_i – і навбатидаги туғилишлар сони.

6.13-жадвал

Ўзбекистонда туғилаётган болаларнинг кетма-кетлиги бўйича тақсимланиши (туғилган умумий болалар сонига нисбатан %)[1]

Туғилаётган болаларнинг кетма-кетлиги	1989 й.	2000 й.	2010 й.
Бешинчи ва ундан кейинги болалар	15,3	4,7	2,5
Тўртинчи бола	12,0	9,8	9,1
Учинчи бола	18,8	21,3	19,8
Иккинчи бола	25,7	28,9	29,5
Биринчи бола	28,2	35,3	39,1

Ўзбекистонда туғилаётган болаларнинг кетма-кетлиги бўйича тақсимланишида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, оилада учинчи, тўртинчи ва бешинчи бола туғилиши салмоғи камаяётгани

[1] Ўзбекистон Республикаси "Оила" илмий-амалий маркази маълумотлари. //http://www.oila.uz.

ҳолда, умумий туғилишда биринчи ва иккинчи бола улуши ортмоқда (6.13-жадвал).

Умумий туғилишлар ҳисобини онанинг ёши бўйича алоҳида олиб бориш мумкин (6.14-жадвал). Ушбу ҳолда махраждан мазкур ёшли онада туғилганлар сони, суратдан эса ўша ёшдаги оналарда ушбу навбатдаги туғилган болалар сони ўрин олади.

6.14-жадвал

Ўзбекистонда туғилишнинг оналарнинг ёш гуруҳлари бўйича коэффициенти

Оналар ёши	1991 йил	2010 йил
15-19	48,2	9,9
20-24	301,9	178,8
25-29	243,7	81,6
30-34	155,0	0,0
35-39	67,8	39,4
40-44	19,3	7,1
45-49	2,6	0,5
15-49	152,1	82,6

Шундан кейин туғилишнинг ўртача навбатлилиги ҳисоблаб чиқилади. У барча туғилишлар учун қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$q = \frac{\sum N_i \cdot q_i}{N},$$

бу ерда: q_i – туғилиш навбатлилиги рақами.

Мазкур формула орқали алоҳида ёш гуруҳларидаги аёллар ўртасида туғилишнинг навбатлилиги ҳам ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Бу ҳолда махраждан ушбу ёшдаги аёлларда туғилган болалар сони, суратдан эса алоҳида навбатлиликдаги туғилишлар сони ўрин олади.

Худди шу усулда ҳар бир навбатлилик учун ўртача туғиш ёши аниқланади. Бироқ бу ҳолда формула махражидан ушбу навбатлиликда туғилганларнинг умумий сони, суратдан эса муайян ёшдаги оналарда ушбу навбатлиликда туғилганларнинг жамланмаси ўрин олиб, бу ёш қийматлари бўйича тақсимланган бўлади:

$$X = \frac{\sum N_x \cdot X}{N}.$$

Бунда 5 йиллик ёш гуруҳлари учун ҳар бир гуруҳ учун ёш қийматлари қуйидагича:

- 15-19 ёшдагиларда – 17,5;
- 20-24 ёшдагиларда – 22,5 ва ҳ.к..

У ёки бу ҳудуддаги (жаҳонда, қитъада, мамлакатда, минтақада) у ёки бу вақт оралиғидаги, юқорида қайд қилинган коэффициентлар билан баҳоланадиган туғилиш даражаси икки ўзгарувчининг функцияси

ҳисобланади. Бу функцияларнинг биттаси – **демографик таркиб** бўлиб, у аҳолининг жинси, ёши, никоҳдалиги ва оилавий ҳолати бўйича таксимланади. Иккинчи функция эса – **репродуктив майл**дир. Демографияда бу оилядаги болаларнинг ўртача сони ва аёл томонидан умри давомида кўрган фарзандларининг сонида ўз аксини топади.

Демографияда репродуктив майлнинг туғилиш даражасига таъсирини ўлчашга икки асосий ёндашувни фарқлаш қабул қилинган. Бу ёндашувлар **меъёрий** ҳамда **эмпирик**, яъни **туғилиш ўзгарувчиларининг оралиқ (бевосита) тахлили**, деб аталади.

Меъёрий ёндашув демографлар: француз Л. Анри, америкаликлар Э. Коул ва Ж. Трассел, россиялик В.А. Борисов номлари билан боғлик. Улар меъёрий ёндашув учун умумий ҳисобланган амалдаги туғилиш билан бирга таккосланадиган табиий туғилиш стандартлари мавжуд, деб ҳисоблайди. Аммо Л. Анри, Э. Коул ва Ж. Трассел мавжуд ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларга боғлик бўлмаган **табиий туғилишнинг энг кўп миқдори** мавжуд, деб ҳисоблашса, А.А. Борисовнинг фикрича, аник тарихий хусусиятга эга **табиий туғилишнинг энг кам миқдори** ғоясини илгари сурган.

Демографияга асос солганлардан бири - Ж. Граунт 1682 йилдаёк туғилишнинг энг кўп миқдорини (ҳозирги атамада туғилишнинг умумий коэффициенти) аниклашга ҳаракат қилган. Унинг ҳисоблашича, аҳолининг ҳар 1000 нафарига икки йилда бир марта туғишга қодир бўлган 15-49 ёшдаги 300 аёл тўғри келади. Бу туғилишнинг умумий коэффициенти 150,0 %ни ташкил этади демакдир.

XIX асрда И. Вапнеус назарий жиҳатдан туғилишнинг умумий коэффициенти энг катта миқдори 100,0 % бўлиши мумкин, деган фикрни билдирган, аммо бу миқдорга эришиб бўлмаслигини кўрсатган.

Умуман, демографларнинг ҳисоблаб чиқишича, ҳар бир аёл репродуктив ёши давомида ўртача 2 та фарзанд кўрса, аҳолининг умумий миқдори барқарор сакланиб туради. Л. Анри туғилишнинг энг кўп миқдори сифатида 1950-1960-йилларда Африкадаги айрим мамлакатларда мавжуд бўлган туғилишнинг аник кўрсаткичини қабул қилиш лозимлигини таклиф этган. У мазкур жинс-ёш туғилиши ўртача кўрсаткичларини табиий туғилишнинг стандарти сифатида қабул қилиш керак, деган фикр билдирган.

Э. Коул эса табиий туғилишнинг стандарти сифатида Африка давлатлари кўрсаткичларини қабул қилиш хато эканлигини асослаган. Чунки ушбу мамлакатларда ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси, аҳолининг санитария-гигиена маданияти пастдир. Э. Коул табиий туғилишнинг стандарти сифатида 1770-1873 йилларда ҳозирги Украина

...ланган, диний таъқиб оқибатида 1874-1879 йилларда АҚШ ва Канадага кўчиб кетишга мажбур бўлган гуттеритлар диний мазҳабидаги юқори туғилишни кўрсаткичларини қабул қилишни таклиф этган[1]. Гуттеритлар мазҳабига мансубларда санитария-гигиена шароитлари яхши, тиббиёт даражаси юқори, ўлим даражаси паст ва чекланмаган туғилиш кўзга ташланади. Узоқ вақт давомида гуттеритларда туғилиш даражаси жаҳонда энг юқори бўлган ва энг кўп туғилиш модели ҳисобланган.

Умуман, табиий туғилишнинг энг юқори миқдори репродуктив ёшдаги ҳар бир аёл томонидан 12,44 та фарзанд кўрилиши, деб қабул қилинган. В.А. Борисов томонидан 1970-йилларда таклиф этилган табиий туғилишнинг энг кам миқдори репродуктив ёшдаги ҳар бир аёл томонидан 7,95 фарзанд кўришдир.

Жаҳон мамлакатларида туғилиш даражаси бўйича 2012 йил маълумотлари ҳар бир аёлга тўғри келган туғилишларнинг ўртача сони бўйича энг юқори кўрсаткич – 7,12 Нигерга, энг паст кўрсаткич эса – 0,78 Сингапурга тўғри келганидан далолат беради (6.15-жадвал).

6.15-жадвал

Жаҳон мамлакатларида 2012 йилда ҳар бир аёлга тўғри келган ўртача туғилиш сони[2]

Жаҳон-даги ўрни	Мамлакат	Ҳар бир аёлга ўртача туғилиш сони	Жаҳон-даги ўрни	Мамлакат	Ҳар бир аёлга ўртача туғилиш сони
1	Нигер	7,52	213	Монтсеррат	1,27
2	Уганда	6,65	214	Белорусь	1,27
3	Мали	6,35	215	Чехия Рес.	1,27
4	Сомали	6,26	216	Литва	1,27
5	Бурунди	6,0	217	Жанубий Корея	1,23
6	Буркина-Фасо	6,0	218	Британиянинг Виргин ороллари	1,22
7	Эфиопия	5,97	219	Тайвань	1,16
8	Замбия	5,9	220	Гонконг	1,9
9	Афғонистон	5,64	221	Макао	0,92
10	Конго Рес.	5,59	222	Сингапур	0,78

Э. Коулнинг туғилиш индекслари. АҚШдаги Принстон университети Демографик тадқиқотлар марказининг директори Э. Коул 1960-йилларнинг охирида Европада XVIII-XX асрларда туғилиш камайишини тадқиқ қилиш доирасида бугунги кунда **Коул индекслари** номини олган туғилишнинг қуйидаги учта ва шикоҳ таркибининг битта индексини ишлаб чиқди:

- умумий туғилиш индекси (If);
- шикоҳдаги туғилиш индекси (Ig);

---

[1] Дунёдаги гуттеритлар сони тахминан 40 минг кишига тенг. //http://www.hutterites.org.

[2] The world factbook //https://www.cia.gov/library/publications.

• никоҳдан ташқаридаги туғилиш индекси (Ih);

• никоҳ таркиби индекси (Im).

Э. Коулни мазкур индексларни ишлаб чиқишга ўз тадқиқотларида Европа мамлакатларида фақат аҳолининг жинс ва ёш бўйича тақсимланиши ҳамда ҳар йили туғилганлар сонидан фойдалана олиши мажбур қилди. Бундай маълумотлар асосида фақат туғилишнинг махсус коэффициентларини ҳисоблаб чиқиш мумкин эди. Аммо юқорида қайд қилинганидек, туғилишнинг махсус коэффициентлари ёш таркибига ниҳоятда боғлиқ.

Э. Коулнинг туғилиш индекслари реал туғилишни табиий туғилиш стандартларга нисбатида ўлчайди. Моҳият жиҳатидан мазкур индекслар туғилиш кўрсаткичларининг билвосита стандартлари вазифасини ўтайди. Бунда Э. Коул фикрича, табиий туғилиш стандартлари сифатида гуттеритларнинг 1920-1930-йилларда қайд қилинган никоҳдаги туғилишларнинг энг юқори кўрсаткичларидан фойдаланиш керак (6.16-жадвал).

Никоҳ таркибининг индекси аҳоли никоҳ таркиби ўзгаришининг туғилиш даражасига таъсирини ўлчайди.

Умумий туғилиш индекси (If) кузатилаётган туғилиш сонининг реал аҳоли табиий туғилиш стандартларидек жинс-ёш кўрсаткичларига тенг бўлса, кутилаётган туғилиш нисбатига тенгдир:

$$If = (B : \sum ASFRs) \times Fx = (\sum ASFRx \times Fx) : (\sum ASFRs \times Fx),$$

бунда: B – бир йилда туғилганлар сони;

ASFRs – кузатилаётган туғилишнинг жинс-ёш коэффициенти;

Fx – x ёшдаги аёлларнинг ўртача йиллик сони;

6.16-жадвал

Гуттеритларда туғилишнинг стандарт коэффициентлари (%)

Аёллар ёши	Гуттеритларда туғилишнинг стандарт коэффициентлари
15-19	300
20-24	550
25-29	502
30-34	447
35-39	406
40-44	222
45-49	61

ASFRx – туғилиш стандарти (гуттеритлар)нинг жинс-ёш коэффициенти.

Никоҳдаги туғилиш индекси (Ig) кузатилаётган никоҳдаги туғилиш сонининг реал аҳолининг табиий туғилиш стандартларидек жинс-ёш кўрсаткичларига тенг бўлса, кутилаётган никоҳдаги туғилиш нисбатига тенгдир:

Ig = (Bg : ∑ASFRs) x gFx = (∑ASFRg x gFx) : (∑ASFRs x gFx),

бунда: Bg – бир йилда кузатилаётган никоҳдаги туғилганлар сони (Bg = ∑ ASFRg x gFx);

ASFRg – кузатилаётган никоҳдаги туғилишнинг жинс-ёш коэффициенти;

gFx – х ёшдаги никоҳдаги аёллар сони;

ASFRs – туғилиш стандарти (гуттеритлар)нинг жинс-ёш коэффициенти.

ASFRs – туғилиш стандарти (гуттеритлар)нинг жинс-ёш коэффициенти.

Никоҳдан ташқаридаги туғилиш индекси (Ih) кузатилаётган никоҳдан ташқаридаги туғилиш сонининг реал аҳолининг табиий кўпайиш стандартларидек жинс-ёш кўрсаткичларига тенг бўлса, кутилаётган никоҳдан ташқаридаги туғилиш нисбатига тенгдир:

Ih = (Bh : ∑ASFRs) x hFx = (∑ASFRh x hFx) : (∑ASFRs x hFx),

бунда: Bh – бир йилда кузатилаётган никоҳдан ташқаридаги туғилишлар сони (Bh = (∑ASFR x hFx);

ASFRh – кузатилаётган никоҳдан ташқаридаги туғилишнинг жинс-ёш коэффициенти;

hFx – х ёшдаги никоҳда бўлмаган аёллар сони;

ASFRs – туғилиш стандарти (гуттеритлар)нинг жинс-ёш коэффициенти.

Никоҳ таркиби индекси (Im) кутилаётган никоҳдаги туғилиш сонининг кутилаётган барча туғилиш нисбатига тенгдир:

Im = (∑ASFRs x gFx) : (∑ASFRs x Fx),

бунда gFx – х ёшдаги никоҳдаги аёлларнинг улуши. Бу кўрсаткич gFx : Fx га тенгдир.

Эмпирик ёндашув ёки туғилиш ўзгарувчиларининг оралиқ (бевосита) таҳлили. Ушбу ёндашув доирасида табиий, энг кўп ёки энг кам туғилиш стандартлари мавжуд эмас, аммо "табиий туғилиш" тушунчасидан мазкур усулда ҳам фойдаланилади.

Эмпирик ёндашув 1950-йиллар ўрталарида шакллана бошланди. Бу пайтга келиб ижтимоий-иқтисодий ўзгарувчанлар бевосита туғилиш даражаси ва динамикаси билан тақкосланадиган омилли ёндашув ёки туғилиш омилларини таҳлил этиш демографик тадқиқотлар учун камлик қила бошлади.

1956 йилда америкалик социологлар К. Дэвис ва Ж. Блейк "Ижтимоий таркиб ва туғилиш: таҳлилий чизма" асарини эълон қилди. Унда "туғилиш даражасига таъсир кўрсатадиган ижтимоий

омиллар амал қилиши зарур бўлган" "оралиқ ўзгарувчанлар" модели таклиф қилинди[1].

Бу муаллифларнинг юқорида қайд қилинган асарида туғилиш бевосита социологик тадқиқ этилмаган ва унда репродуктив майл тўғрисида гап кетмаган бўлса ҳам у туғилишни социологик тадқиқ этишда буюк методологик аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга К. Дэвис ва Ж. Блейк ўша пайтда ўз таҳлилий чизмаларини эмпирик мазмун билан тўлдириш имкониятига эга эмасди.

Бунга туғилишнинг оралиқ ўзгарувчанлари моделини яратиш устида иш олиб борган жуда кўп олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 20 йилдан кейин муваффақ бўлинди. Мазкур йўналишда америкалик демограф Ж. Бонгаартс, айниқса, салмоқли натижаларга эришди. У 1972–1984 йилларда К. Дэвис ва Ж. Блейк чизмасига асосланиб ўтказилган Туғилишнинг умумжаҳон текширувлари (WFS) натижаларининг махсус таҳлилини амалга оширди. Натижада Ж. Бонгаартс туғилишнинг соддагина математик моделини яратишга муваффақ бўлди. У туғилишнинг биологик салоҳияти (пуштлилик)дан келиб чиққан ҳолда бу салоҳиятнинг рўёбга чиқиши қатор биологик ва ижтимоий омиллар таъсирига боғлиқлигини асослаб берди. Олимнинг хисоблашича, ана шу омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасида демография статистикаси қайд этадиган туғилишнинг амалдаги даражаси шаклланади. Омилли таҳлил бу омиллар ("туғилишнинг оралиқ ўзгарувчанлари") жамланмасида туғилишга бевосита таъсир кўрсатадиган бешта асосий омил мавжудлигини кўрсатди. Улар қуйидагилардан иборат:

- доимий никоҳ иттифоқидаги аёллар салмоғи;
- контрацепцияларнинг қўлланилиши;
- сунъий абортлар;
- туғишдан кейинги аменорея, унинг асосий омили бўлиб болаларни кўкрак сути билан боқиш давомийлиги хизмат қилади;
- стерилик (унинг индикатори вазифасини аёлларнинг 50 ёшга етгунча бирор марта бола кўрмаганлиги ўтайди).

Ж. Бонгаартс томонидан тегишли равишда туғилиш даражасига бевосита таъсир кўрсатадиган индикаторлар тизими таклиф қилинди. Улар қуйидагилардан иборат:

Cm – никоҳ индекси (агар репродуктив ёшдаги **барча** аёллар доимий никоҳ иттифоқида бўлса, бу индекс **1** га тенг, агар репродуктив

[1] Dabis K., Blake J. Social Structure and Fertility: An Analytic Framework // Economic Development and Cultural Changes. 1956. Vol. 4. P.211.

ёшдаги **барча** аёллар доимий никоҳ иттифоқида бўлмаса, бу индекс **0** га тенг);

Cc – контацкпция индекси (агар репродуктив ёшдаги **барча** аёллар контрацепция қўлламаса, бу индекс **1** га тенг, агар репродуктив ёшдаги **барча** аёллар 100,0 % самарали бўлган контрацепция қўлласа, бу индекс **0** га тенг);

Cg – сунъий абортлар индекси (агар сунъий абортлар бўлмаса, бу индекс **1** га тенг, агар репродуктив ёшдаги **барча** ҳомиладорликни сунъий аборт билан тўхтатса, бу индекс **0** га тенг);

Ci – туғишдан кейинги аменорея (агар лактация ва туғишдан кейин аменорея мутлақо қўлланмаса, бу индекс **1** га тенг, агар лактация узлуксиз давомийликка эга бўлса, бу индекс **0** га тенг);

Cs – стериллик индекси (агар ҳеч качон фарзанд кўрмаган аёллар улуши 0,0 %га тенг бўлса, бу индекс **1** га тенг, агар ҳеч качон фарзанд кўрмаган аёллар улуши 100,0 %га тенг бўлса, бу индекс **0** га тенг)[1].

Бунда индексларнинг ҳар бири (индекслар гуруҳи) белгиланишича, тегишли оралик ўзгарувчанлар мавжуд бўлмаса ёки мавжуд бўлса, туғилиш даражалари нисбатига (жамланма коэффициентлар билан ўлчанганлигига, яъни репродуктив ёшидаги ҳар бир аёлга нисбатан) баравардир:

$$Cm = TFR : TM;\ Cc \times Ca = TM : TN;\ Ci \times Cs = TN : TF,$$

бунда: TFR – туғилишнинг жамланма коэффициенти;

TM – никоҳдаги туғилишнинг жамланма коэффициенти;

TN - табиий туғилиш;

TF - пуштлилик.

Бошқача қилиб айтганда, индекслар умумий туғилиш тегишли омилнинг таъсири натижасида камаядиган нисбатга баравардир:

$$TN = TF \times Ci \times Cs;$$

$$TM = TN \times Cc \times Ca = TF \times Ci \times Cs \times Cc \times Ca;$$

$$TFR = TM \times Cm = TF \times Ci \times Cs \times Ca \times Cc \times Cm.$$

Ж. Бонгаартс индекслар тизимининг барча таркибий қисмлари (табиий туғилиш ва пуштлиликни истисно этганда) демографик статистика ва махсус социологик тадқиқотлар маълумотларида келтирилган. Табиий туғилиш ва пуштлилик жамланма туғилиш маълумотлари орқали аниқланади.

Ж. Бонгаартс ўз модели орқали пуштлиликнинг энг катта ўртача миқдори репродуктив ёшдаги бир аёл учун тахминан 15,3 туғруққа тенглигини аниқлади. Ушбу моделнинг 1997 йилги маълумотлари

[1] Bongaarts J., Porter R.G. Fetility, Biology, and Behavior An Analysis of the proximate Determinants. N.Y. 1983. P 78-102.

репродуктив ёшдаги бир аёлга 18,645 тирик туғилиш тўғри келиши-дан далолат беради.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Туғилиш деганда нимани тушунасиз?
2. "Пушталилик" тушунчасининг моҳиятини очиб беринг.
3. "Табиий туғилиш" тушунчаси фанга качон ва ким томонидан киритилган?
4. Репродуктив майлнинг кандай турларини биласиз?
5. Аҳолининг репродуктив майлига таъсир этувчи омилларни санаб беринг.
6. Прогенетик ва интергенетик интервал тушунчаларини фарклаб беринг.
7. Фанда "туғилиш иктисодиёти" концепцияси качон яратилган?
8. Туғилишнинг тарихий турларини санаб беринг.
9. Туғилишга оид маълумотларни таҳлил килишда кандай усуллардан фойдаланилади?
10. Туғилишнинг умумий коэффициентини баҳолашнинг кандай мезонларини биласиз?
11. Болалилик коэффициенти кандай аникланади?
12. Туғилиш таквими деганда нимани тушунасиз?

Адабиётлар рўйхати

1. Архангельский В.М., Иванова А.Е., Рыбаковский Л.Л., Рязанцев С.В. Практическая демография: Учебник. – М.: ЦСП, 2005.
2. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009.
3. Буриева М.Р. Рождаемость в Узбекистане. - Т.: Фан, 1991.
4. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет, 1997.
5. Демография: Учебник для вузов. /Под ред. Н.А. Волгина, Л.Л. Рыбаковского. – М.: Лагос, 2005.
6. Демография: Учебное пособие. /Под ред В.Г. Глушкова, Ю.А. Симагин. – М.: КноРус, 2010.
7. Денисова М.Б., Калмыкова Н.М. Демография. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010.
8. Косов Н.И. Основы демографии: Учебное пособие. Берендеева А.Б. 2-е изд. доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010.
9. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2010.
10. Шнейдерман Н.А. Откровенный разговор: рождаемость и мери ее регулирования. – М.: Мысль, 1991.

7-боб. АҲОЛИ ЎЛИМИ ВА УМР КЎРИШ ДАВОМИЙЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

7.1. Ўлимнинг демографик моҳияти ва унинг турлари

Ўлим туғилиш билан бир қаторда аҳолини такрор ҳосил қилиш жараёнининг асосий омили ҳисобланади. XX аср бошига қадар ўлим умуман аҳоли сонини белгилайдиган ҳал қилувчи омил эди. Аммо ҳозирги вақтда иқтисодий жиҳатдан ривожланган барча давлатларда ўлим нисбатан паст даражада барқарорлашган. Натижада аҳолини такрор ҳосил қилиш жараёнида ўлимнинг роли пасайган.

Ўлим статистикаси, умуман ўлимни таҳлил этиш демографик тадқиқотлар, шунингдек, амалий мақсадлар, биринчи навбатда соғлиқни сақлаш органлари ва ижтимоий сиёсат учун муҳим. Демография фани ўлим тўғрисидаги маълумотлардан ўлимнинг ўтмишдаги ҳолатини таҳлил этиш, шунингдек, демографик прогнозлар ишлаб чиқиш учун фойдаланади.

Демографик тарихни даврлаштириш ўлимнинг қуйидаги учта асосий турининг мавжуд бўлганлигини асослашга ёрдам беради:

- ўлимнинг қадимий тури;
- ўлимнинг анъанавий тури;
- ўлимнинг замонавий тури.

Ўлимнинг қадимий тури – инсоният тарихининг энг узоқ давом этган даврини қамраб олади. Унинг пайдо бўлиши инсоннинг ўзгача бир биологик турга мансуб мавжудотлар гуруҳининг шаклланиб бошланиши билан боғлиқ. Янги меҳнат қуролларининг пайдо бўлиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, тураржойларнинг такомиллашиши, жойлашув тизимининг ўзгариши, аҳолининг тўпланиши ва ўтроқлашувининг кенгайиши инсоннинг атроф-муҳит ҳақидаги билимлари ошишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, инсоннинг табиий кучлар таъсиридан қарамлигини камайтирди ва уни қуршаб турган дунёдан ўзини ҳимоялаш салоҳиятини оширди.

Айни вақтда меҳнат иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб борди, инсоннинг ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартиришга олиб келди. Бу нафақат инсониятнинг модлий дунёсида, балки ижтимоий муносабатларида ҳам рўй берди. Бунинг муҳим жиҳатларидан бири – оиланинг фаол шаклланиши ҳамда унинг асосий ижтимоий институт сифатида ажратиб этилиши бўлди. Аҳолининг такрор ҳосил бўлиши оилада амалга оширила бошланди. Шу билан бирга, кишилар ўлимнинг экзоген омиллари билан кураша бошлади. Ушбу ҳолат аҳоли ўлимининг пасайган камайишига олиб келди. Шундай қилиб, ўлимнинг қадимги

тури ўлим динамикаси устидан ижтимоий назорат ўрнатилишининг илк қадами ҳисобланади.

Умуман, неолит (тош асри, милоддан аввалги тахминан VIII-III минг йил аввал) даврида умр давомийлиги 20-25 ёшни, милоддан аввалги IV асрнинг охири – I асрнинг бошида 30 ёшгачани ташкил қилган.

Ўлимнинг анъанавий тури қулдорлик жамиятидан бошлаб шакллана бошлаган ва XVIII аср ўрталарига қадар мавжуд бўлган. Кўпчилик мамлакатларда у XX асргача давом этган. Ўлим мазкур турининг тарқалиши аграр иқтисодиётининг ҳукм суриши, инқирози эса индустриал жамиятнинг ривожлана бошлаши билан изоҳланади. Унинг аксарият жиҳатлари ўлимнинг қадимий турига ўхшаш, чунки, ўлимнинг бу турида ҳам экзоген омиллар ва унга хос бўлган ўлим сабаблари: оммавий эпидемиялар, очарчилик, уруш оқибатидаги ўлим ва ҳ.к.лар устунлик қилган.

Шундай бўлса ҳам ушбу ўлим тури доирасида шартли равишда ўша давр учун меъёрий ўлим (тўйиб овқатланмаслик, оғир жисмоний меҳнат, тураржойнинг санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги ва ҳ.к.лар) ҳамда ўлим даражаси ниҳоятда юқори бўлган (бутун давлатларни қамраб олган ҳамда улар аҳолисини икки маротаба ва ундан ҳам кўпга қисқартиришга сабаб бўлган ўлат, чечак, вабо ва бошқа касалликлар) даврларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бироқ ўша даврлардаги жамиятда бундай ҳолат табиий, яъни меъёрий, деб қабул қилинган.

Индустриал ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ўлимни ижтимоий назорат қилишнинг кучайтирилиши учун моддий асосларни яратишга кучли туртки берди. Бу табиий фанлар, жумладан тиббиёт ривожланишига замин яратди. Тиббиёт тараққиёти натижасида "вакцинация" деб аталувчи касалликларнинг олдини олиш усули яратилди. Масалан, XVIII аср охирига келиб Э. Женер чечак касаллигига қарши ишончли иммунитет яратиш усулини ишлаб чиқди. Аста-секин замонавий вакцинациялар билан касалликларнинг олдини олиш ва тарқалишни тўхтатиш ҳамда даволаш мумкин бўлган касалликлар доираси кенгайиб борди.

XIX асрда антисептика, рентген ёрдамида ташхис қўйиш, жарроҳлик ва бошқа замонавий тиббиёт услубларининг ишлаб чиқилиши бошланди. Ушбу юз йиллик охирига келиб ўлим даражасининг пасайиши ҳамда умр кўриш давомийлигининг ўсиш кўрсаткичлари кескин кўтарилди (7.1-жадвал).

7.1-жадвал

Турли мамлакат ва минтақаларда ўртача умр кўриш давомийлиги динамикаси[1]

Мамлакат ва минтақалар	Давр	Ўртача умр кўриш давомийлиги, йил
Англия, Бельгия, Голландия	XIX асрнинг ўрталари	32-34
Франция	XIX асрнинг охири	40
Россия	1896	32
Япония (энг юқори)	XX асрнинг охири	80
Марказий ва Жанубий Африка мамлакатлари (энг паст)	XX асрнинг охири	43-47

Ўлимнинг анъанавий тури боскичида Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 32 ёш бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ўлкадаги оғир турмуш шароити, тиббий хизмат даражасининг жуда пастлиги, аҳоли ўртасида ўлим даражасининг юқорилиги аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги кам эканлигининг асосий сабабларидир[2].

XX аср бошларига келиб **ўлимнинг янги замонавий тури** шаклланиши учун замин яратилди. Эндоген омиллар билан боғлиқ ўлим сабабларининг устун келиши асосан XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Ушбу даврда ўлим сабаблари таркибида кон айланиш тизими ва ўсимта касалликларидан содир бўлган ўлим ҳоллари етакчи ўринни эгаллади. Бирок бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида туғилганда кутилаётган умр давомийлиги 75-80 ёшдан ошган бўлса ҳам экзоген патологиялар, айникса, болаларда туғатилганлиги ҳақида хулоса чикаришга ҳали эрта. Шу билан бирга, бугунги кунда касалланиш эҳтимоли юқори бўлган муайян ёш ва касб гуруҳлари, эпидемия хавфи юкори саналувчи ҳудудлар, мураккаб табиий иқлим шароитига эга жойлар ва ҳ.к.лар мавжуд.

Ўзбекистонда ўлим даражаси нисбатан паст ҳисобланади, бу кўп жиҳатдан аҳолининг ёш ва катта ёшдагилар нисбати макбуллиги билан изоҳланади. Умуман кейинги 20 йил давомида мамлакатда ўлимнинг *умумий коэффициенти* 6,2 промилледан 4,9 промиллега камайган (7.2-жадвал).

Жаҳонда эркаклар ва аёллар ўртасида ўлим даражаси нисбатида хам ўзгаришлар юз берди. Ўтмишда аёлларнинг жамиятдаги мавкеи пастлиги, оғир меҳнатга дучорлиги ҳамда эрта ва тез-тез туғиши сабабли улар орасидаги ўлим даражаси эркакларникига қараганда

[1] Демография: учебное пособие. 7-е изд. перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2013. – С.133.
[2] Ғозиева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет, 1997. – Б.105.

юқори бўлган. Ҳозирги вақтда эса иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда эркаклар ўртасидаги ўлим даражаси аёлларникига нисбатан юқоридир.

7.2-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли ўртасида ўлганлар сони динамикаси[1]

Ҳудудлар	1991 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Ўзбекистон Рес.	**130294**	**145439**	**135598**	**140585**	**138411**	**143253**	**145988**
Шу жумладан:							
Қорақалпоғистон Рес.	8818	9197	8496	9199	8342	8184	8208
Андижон	11012	12498	11513	12213	12862	13933	14160
Бухоро	6580	7233	6731	6864	7383	7521	7486
Жиззах	4177	5034	4308	4459	4440	4554	4746
Қашқадарё	9166	9904	9641	9938	10271	10895	11010
Навоий	3876	4638	4225	4328	3984	4107	4153
Наманган	9270	10706	9879	10210	10553	11174	11551
Самарқанд	13428	15301	14223	14469	14262	14605	15002
Сурхондарё	7638	8866	8158	8259	8446	9023	9309
Сирдарё	3761	3682	3524	3716	3449	3465	3645
Тошкент	14495	16183	15307	16771	15385	15455	15990
Фарғона	14359	15410	14389	14941	15870	16708	16824
Хоразм	6444	7290	6959	6671	7022	7084	7675
Тошкент шаҳри	17270	19497	18245	18547	16142	16545	16229

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда бугунги кунда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги ўлим даражаси яқинлашиши кузатилмоқда. XVIII-XIX асрларда эса индустрлаштириш ва урбанизациянинг илк босқичларида фабрикалардаги мехнат шароитларининг абгорлиги ва ишчилар турмуш шароитининг ночорлиги учун шаҳарларда ўлим даражаси қишлоқ жойлардагига караганда юқори бўлган.

XX аср давомида ва XXI аср бошларида ўлим омиллари ҳамда патологиялар таркибида сезиларли даражада ўзгаришлар рўй берди ва бунинг натижасида ёш гуруҳларида ўлим даражаси камайди ва умр кўриш давомийлиги бирмунча ошди. Бундай ҳолат ўлимнинг ўзгача - инсоният цивилизацияси тараққиётидаги аввалги босқичлардагидан фаркланувчи тури шаклланганлигини эътироф этиш имконини беради.

7.2. Эпидемиологик ўтиш назарияси

Инсоният тараққиётининг турли босқичларида кузатилган ўлимнинг миқдор кўрсаткичлари аҳолининг ёши ва ўлим сабаблари омиллари билан боғлиқдир. Ушбу глобал ҳолатлар **эпидемиологик ўтиш назариясида** ўз ифодасини топган. Мазкур концепция америкалик демограф ва эпидемиолог А.Р. Омран томонидан "Аҳолининг

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //http://www.stat.uz.

табиий ҳаракати назариясининг эпидемиологик хусусияти"[1] мақоласида илгари сурилган.

А.Р. Орманнинг концепцияси инсоннинг касалланиши ва ўлимига олиб келадиган унинг организмига эндоген (ички) ва экзоген (ташқи) таъсир таҳлилига асосланган. Унинг фикрича, ана шу эндоген ва экзоген омиллар ўлимнинг умумий даражасини ҳам, у ёки бу аниқ сабабга кўра ўлим ҳолатини ҳам белгилайди.

Ўлимнинг эндоген омиллари инсон организмида одам туғилганидан ўлгунига қадар содир бўладиган ички жараёнлар кўп жиҳатдан биологик ёки генетик табиатга эга ва инсоннинг бугун организми ёки унинг алоҳида аъзоларининг табиий кексайиши билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ўлимнинг эндоген омиллари ҳақида сўз борганда инсоннинг биологик организм сифатида кексайиб бориши назарда тутилади.

Одам алоҳида аъзоларининг аста-секин қариши ва улардаги патологик ўзгаришлар ёш ўсган сари ривожланиб боради. Эндоген омиллар таъсирида ўлим кекса ёшдагиларда ўзининг чўққисига етади. Эндоген омиллар сабабли содир бўладиган барча ўлим ҳолатлари фақат кекса ёшдагиларда учрамайди, яъни айнан ёш улғайиб бориши натижасида организмнинг биологик ёки жисмоний эскириб бориши оқибатидир. Эндоген омиллар таъсиридаги баъзи ўлим ҳолатлари инсоннинг ёшлик ва болалик даврида ҳам кузатилади. Уларга ирсий касалликлар, туғма нуқсонлар, генетик бузилиш ва ҳ.к.ларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

"Кексайиш" тушунчасининг ўзи ҳам генетик хусусиятларга эга ва у барча инсонларда бир хил вақтда содир бўлмайди. Шу сабаб бир хил шароитда яшаган инсонларда ҳаётий кучларнинг тугаш вақти турлича бўлади. Умрининг биологик давомийлиги энг катта даражаси сифатида 115-125 ёш тушунилади.

Агар эндоген омиллар аҳолининг муайян гуруҳида ўлим ҳолатлари тақсимланишини инсон ёши функциясидан келиб чиққан ҳолда *тартибга солиб турса*, экзоген омиллар, аксинча, бу тартибни бузади. Чунки улар инсон ёши билан бевосита боғлиқ эмас.

Ўлимнинг экзоген омиллари атроф-муҳит омиллари: ҳам табиий, ҳам ижтимоий (экологик вазият, ишлаб чиқаришнинг хусусияти, меҳнат ва турмушнинг санитария ва гигиена шароитлари, шу жумладан у ёки бу минтақадаги эпидемиологик вазият, тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ҳолати ва ҳ.к.лар) омиллар,

[1] Omran A.R. Epidemiologic Transition. A Theory of the Epidemiology of Population Change // The Milbank Memorial Fund Quoterly Oct. 1971. Vol. XLIX. №4 Pt.I.P.509-534.

шунингдек, аҳолининг ўзининг соғлиғи ва умр кўриш давомийлигига муносабатини қамраб олади. Ўлим сабабларини ана шундай тавсифлаш ҳозирги вақтда умумэътироф этилган.

Ҳар қандай одам, ёшидан қатъи назар, юқоридаги экзоген омиллар таъсирининг объектига айланиши мумкин. Улар инсоннинг дарҳол ўлимига сабабчи бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ бундай омилларнинг организмга таъсири жуда кам ҳолларда асоратсиз кечади.

Экзоген омиллар инсоннинг ёшлигидан ўлимига олиб келмаса ҳам *организмнинг кексайиш жараёнини* тезлаштиради ва барвақт ўлимга сабабчи бўлади. Шунинг учун кейинги вақтда аҳоли ўлими иккита эмас, балки уч турга: эндоген ўлим, экзоген ўлим ва квазиэкзоген ўлимга ажратила бошланди. Бунда **квазиэндоген ўлим** деганда тўпланиб қолган экзоген таъсир оқибатидаги ўлим тушунилмоқда.

У ёки бу аниқ сабаб оқибатидаги ўлим ҳам эндоген, ҳам экзоген (шу жумладан квазиэкзоген) омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасидир. Шунинг учун ўлим сабабларини шартли равишда эндоген ва экзоген омилларга ажратиш мумкин. Аммо бунга кўп марта уриниб кўрилган.

Масалан, француз демографи Ж.Л.Э. Буржуа-Пиша (1912-1990) биринчи бўлиб ўлим сабабларини эндоген ва экзоген омилларга ажратган. У экзоген омилларга ўлимнинг нафас олиш йўллари касалликлари, юқумли касалликлар ва жароҳатлар каби сабабларини, эндоген омилларга эса бошқа барча сабабларни (бунда қон айланиши тизими касалликлари, хавфли ўсимта ва шишларга устунлик берилган) киритган.

Америкалик демографлар С.Х. Престон, Н. Кейфец ва Р. Шоэн эндоген омилларга ўлимнинг қон айланиши ва овқат ҳазм қилиш тизимлари касалликлари, хавфли ўсимта ва шишларни, экзоген омилларга юқумли касалликлар, тумов, оналар ўлими (органик сабаблар) ва жароҳатларни (ноорганик сабаблар) киритган[1].

Инсоният яшаб келаётган муҳит модернизациялашуви икки йўналишда кечади: бир томондан, цивилизация тараққиёти инсон ҳаёти давомийлигини қисқартирувчи омилларни назорат қилиш имконини яратади; иккинчи томондан эса, цивилизациянинг ўзи тараққий этиб бориши давомида биологик мавжудот ҳисобланувчи инсонга қарши бўлган, асосан техноген табиатга оид экзоген омилларни келтириб чиқаради. Ушбу маънода, ташқи омиллар мунтазам равишда ўзгариб туради, мураккаблашади ва кенгайиб боради. Бир томондан, ўлимни

[1] Основы изучения человеческого развития: учебное пособие / Под ред. Н.Б.Баркалова и С.Ф. Иванова. – М., 1998. – С.60-61.

ижтимоий назорат қилишнинг кучайиши, иккинчи томондан, ижтимоий ва шахс хулқ-атворининг шаклланиши экзоген омиллар ролини чеклайди ва аксинча, эндоген ҳамда квазиэндоген омиллар ролини оширади. Бевосита худди ана шу **эпидемиологик ўтиш концепцияси асосини** ташкил қилади.

Мутахассислар ҳисоблашича, бундай тарихий силжишнинг бошланиши XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади, бироқ бунинг дастлабки белгилари XVIII асрдаёқ Европада жамият ва оилладаги ўзгаришлар натижасида кўзга ташланган. Ўшанда бу қитъа мамлакатларида аҳолининг табиий ўсиши аҳолининг ҳар 1000 кишисига 20-30 нафаргача ортган. Бу демографик инқилоб 100-150 йил давом этган.

Бевосита XIX асрнинг ўрталарида буржуа жамиятининг ривожланиши туфайли пайдо бўлган умумий ижтимоий-иқтисодий омилларга кишиларнинг (муайян даражада улар турмуши даражасидан қатъи назар) соғлиғи ва умр кўриш давомийлигига бевосита таъсир кўрсатадиган айрим ўзига хос омиллар қўшилди. Бунда гап, биринчи навбатда, саноат ривожланиши ва у билан боғлиқ равишда фан-техника тараққиёти ҳамда маданий ривожланиш таъсиридаги янги санитария-гигиена шарт-шароитлари ва тиббиётнинг янги роли хусусида кетади[1].

Шу муносабат билан шахсий гигиенадаги ўзгаришлар, кишилар яшаш муҳитининг соғломлаштирилиши, шунингдек, турли юқумли касалликларни даволашдаги муваффақиятларнинг аҳамияти таъкидланган. Буларнинг ҳаммаси аввалларн миллионлаб одамлар ҳаётига зомин бўлган эпидемиялар ва юқумли касалликлардан ўлимни кескин камайтириш имконини берди. Айни пайтда бу қон айланиш тизими касалликлари, хавфли ўсимта ва шишлардан вафот этаётган одамлар сонини кўпайтирди (7.3-жадвал).

Ўлим сабаблари таркибидаги бу кескин ўзгаришлар демографияда **эпидемиологик ўтиш,** деб номланади.

Одатда эпидемиологик ўтишнинг, демак унинг экзоген ва эндоген босқичларининг тўрт босқичини ажратиб кўрсатишади:

- касалланиш ва очарчилик;
- юқумли касалликлар пандемиясининг пасайиши;
- дегенератив ва касб касалликлари;
- кечиктирилган дегенератив касалликлар.

Биринчи босқичда оммавий эпидемия, ҳатто пандемия хусусиятига эга бўлган алоҳида хавфли касалликлар (вабо, ўлат ва ҳ.к.) ва

---

[1] Вишневский А.Г. Воспроизводство населения и общество. История, современность, взгляд в будущее. – М., 1982. – С.108.

очликдан ўлимнинг чекланиши ёки ҳатто барҳам топиши ёхуд нари борса вақти-вақти билан ортиши содир бўлади.

7.3-жадвал

Англия ва Уэльсда турли сабабларга кўра ўлим динамикаси (ҳар 1000 та туғилганга нисбатан)[1]

Ўлим сабаблари	1861 й.	1901 й.	1940 й.	1964 й.
Юқумли ва паразитар касалликлар	229,7	165,3	69,3	9,8
Шу жумладан, нафас олиш органлари сили	109,5	77,4	40,2	5,9
Хавфли ўсимталар ва шишлар	14,0	52,3	118,8	201,1
Юрак-томир касалликлари	124,3	181,5	348,7	497,4
Гумов, пневмония, бронхитлар	132,2	165,2	163,2	132,5
Бахтсиз ҳодисалар, заҳарланиш ва қатл ҳолатлари	49,4	48,9	88,0	45,8
Бошқа ва аниқланмаган сабаблар	450,4	388,8	214,0	113,4

Иккинчи босқичда экзоген хусусиятга эга айрим бошқа сабаблардан, энг аввало, юқумли касалликлардан хасталаниш ва ўлим камаяди. Шу билан бирга бу босқичда квазиэндоген сабаблардан (қон айланиши тизими касалликлари, хавфли ўсимта ва шишлардан) касалланиш ва ўлим орта бошлайди. Бу тобора кўпроқ ёшларда учрай бошлайди. Мазкур ҳолат саноатлаштиришнинг жадал суръатларда назоратсиз ривожлантириш сабабли атроф-муҳит ифлосланиши ҳамда бу билан боғлиқ равишда инсонга жисмоний ва руҳий босимнинг ортиши оқибатидир. Шу билан бирга, энг аввало, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатидаги ўлим кўпаяди.

Учинчи босқич учун саноатлаштиришнинг юқорида қайд этилган салбий оқибатларини бартараф этиш хосдир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш учун кураш бошланади. Кишиларнинг феъл-атвори ҳам ўзгара бошлайди. Тобора кўпроқ одамлар соғлом турмуш тарзига риоя қила бошлайди, зарарли одатлардан воз кечади, спорт билан шуғулланади. Касалликларнинг олдини олиш ва тиббиёт соҳасидаги янги муваффақиятлар фақат касалланишлар сонини эмас, шунингдек, ўлим сонини ҳам камайтиради. Натижада умр кўриш давомийлиги ортади.

Эпидемиологик ўтишнинг тўртинчи босқичи яқинда, асосан ўлим даражаси паст ва умр кўриш давомийлиги юкори бўлган мамлакатларда бошланди, деб ҳисобланади. Мазкур босқичда, бир томондан, кўпгина касалликлар профилактикаси яхшиланиши (эндоген ва квазиэндоген омиллар), бошқа томондан, туғма касалликларни даволашнинг такомиллаштирилиши ўлим даражасини янада

[1] Preston S.H., Keyfiz N.,Shoen R. Causes of Death. Life Tables for National Populations. N.Y., London, 1972. - P.225-269.

шароитларини яхшилашга хизмат қилади. Бунинг натижасида гўдаклар ва болалар ўлимлари, шунингдек, катта ёшдагилар ўлими камаяди.

Ўлим даражаси ва умр кўриш давомийлигига таъсир кўрсатадиган **эпидемиологик ўтишнинг омиллари** эса амалда бехисобдир. А. Омран уларни қуйидаги гуруҳларга ажратган (7.1-расм):

- **экобиологик омиллар** (атроф-муҳитнинг аҳволи, касалликларни қўзғатувчилар мавжудлиги, инсон ирсияти тизимининг хусусиятлари);
- **ижтимоий-маданий омиллар** (иқтисодиёт, сиёсат, турмуш даражаси ва тарзи, овқатланиш, гигиена ва ҳ.к.лар);
- **тиббиёт омиллари** (санитария, даволаш ва профилактика тадбирлари).



7.1-расм. Эпидемиологик ўтиш омиллари

Эпидемиологик ўтишнинг икки модели мавжуд. Унинг биринчиси эпидемиологик ўтишнинг юксак суръатлари хос бўлган **классик Ғарб модели**дир. Европа мамлакатлари, шунингдек, бошқа ривожланган давлатлар (АҚШ, Япония, Канада, Австралия ва бошқалар) ҳам эпидемиологик ўтишнинг биринчи ва қисман иккинчи босқичини ўтганлар. Бироқ мазкур давлатларда аҳолини такрор ҳосил қилиш даражаси фарқланади.

Хусусан, Европадаги Австрия, Германия, Бельгия, Италия, Дания, Испания, Болгария ва бошқа мамлакатларда ҳозирги вақтда аҳолининг оддий такрор ҳосил қилинишига ҳам муваффақ бўлинмаяпти. Юқорида қайд қилинган бошқа ривожланган давлатларда эса аҳолининг табиий ўсиш даражаси паст бўлса ҳам уларда аҳолининг кенгайган такрор ҳосил қилинишини таъминланмоқда.

Иккинчиси – бу ривожланаётган мамлакатлар учун хос бўлган **аҳолини такрор хосил килиш моделидир**. Ушбу модель эпидемиологик ўтишнинг биринчи босқичи – туғилиш ва аҳолининг табиий ўсиши даражаси юкори бўлиши хусусиятларига эга. Масалан, Нигерда аҳолининг 1000 кишисига ҳар йили ўртача 53, Угандада – 52, Малида – 51, Сомалида – 50, Бенинда – 49 та туғилиш тўғри келади. Ушбу моделга хос давлатларда аҳолининг табиий ўсиш даражаси ҳам юкори (7.2-расм).



7.2-расм. Жаҳонда аҳолининг табиий ўсиш даражаси энг юқори мамлакатлар (аҳолининг ҳар 1000 кишисига йилига ўртача ўсиш, киши)[1]

Шу билан бирга ривожланаётган мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасида кейинги йилларда жиддий силжишлар рўй бераётганига карамай ўлим даражаси юкорилигича қолмоқда. Бу кўпгина касалликлар, айниқса СПИД каби хавфли касалликларнинг кенг тарқалганлиги, тез-тез очарчилик учраб туриши, ҳарбий можаролар, атроф-мухитнинг ёмонлашаётгани окибатидир. Мазкур мамлакатларда аҳоли таркибида ёшларнинг кўплиги бу мингакаларда якин истикболда аҳолининг табиий кўпайиши юқори суръатларининг сақланиб қолишини прогноз қилиш имконини беради.

Эпидемиологик ўтиш назариясида аҳоли сонининг **гиперболик ўсиш қонуни** ҳам мавжуд. Бу конунни асослаган демограф Р. Перлнинг концепциясига кўра, аҳоли сонининг мутлак ўсиши "мантикий эгри чизик" бўйича энг юқори даражага кўтарилиб боради ва ўша нуқтага етганидан сўнг пасайишни бошлайди ҳамда ноль ҳолатига етади. Демографик жараён нолга тенглашганидан кейин яна аҳоли мутлак сонининг ўсиши бошланади. Р. Перлнинг ҳисоблашича, аҳоли сони мутлак ўсишининг энг юксак чўққисига эришиш озиқ-овкат, минерал ва бошка ресурсларга боғлиқ. Бу ресурслар эса амалда тугаб

[1] The world factbook // https://www.cia.gov/library/publications.

борасида. Унинг Ер юзи аҳолиси сонининг энг кўп миқдорини аниқлаш зарурлиги тўғрисидаги фикри эътиборга молик. Ана шу миқдорга етгандан кейин озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш билан мавжуд аҳоли сони ўртасида мутаносиблик ҳосил бўлиши керак[1].

Аҳоли сонининг гиперболик қонун бўйича ўсиш омилини Х. Форстер, П. Мор ва Л. Амило ҳам тасдиқлаган. Уларнинг мазкур масалага бағишланган илмий ишлари аҳолининг гиперболик ўсишни равшан намоён бўлаётган 1960 йилда чоп этилганди[2]. Аммо XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб Ер юзи аҳолиси сонининг амалдаги ўсиши бу гиперболик қонунда кўзда тутилганидан бошқача тус ола бошлади. Оқибатда мингйиллаб йил амал қилиб келган қонун бузилди.

Ҳақиқатан ҳам, 1960–1970-йилларда аҳоли сони ўсишининг инсоният тарихида энг катта суръатлари – йилига ўртача 2,19 % кузатилган. Х. Форстер жаҳон фалокат сари юз тутмаслиги учун аҳолининг даражасини 1960 йилдагига қараганда (3,45 %) икки баравар камайтириш зарурлигини кўрсатган эди. Унинг прогнози тўғри чиқди ва бугунги кунга келиб уч йил ўтгач, ўлим билан туғилиш даражаси ўртасидаги аввалги тафовут йўқ бўлиб, аҳоли сонининг ортиши кескин камая бошлади. Энг эътиборлиси, мазкур демографик жараён ресурслар чекланишини онгли равишда умуман боғлиқ эмас. Аксинча, аҳоли сонининг камайиши аҳоли жон бошига даромад ортаётган пайтда рўй бермоқда.

7.4-жадвал

Глобал демографик ўтиш хусусиятлари[3]

Мамлакатлар	Ўтиш бошланган йил	Ўтиш тугалланган йил	Ўтиш давомийлиги, йил	M= Аб : Ат*
Франция	1785	1970	165	1,62
Швеция	1810	1960	150	3,83
Германия	1876	1965	89	2,11
Америка Қўшма Штатлари	1920	2010	90	3,67
Мексика	1920	2000	80	2,98
Хиндистон	1930	2000	70	2,46
Марокаш	1946	2010	64	3,88
Ривожланаётган давлатлар учун прогноз	1960	2050	90	3,00

*M – глобал демографик ўтиш коэффициенти, Аб – ўтиш бошидаги аҳоли сони; Ат – ўтиш тугалланишидаги аҳоли сони.

Унинг жараёни **глобал демографик ўтиш** номини олди[1]. Мутахассислар ривожланган давлатлар бу глобал демографик ўтишни амалга

[1] Reed E. The Natural History of Population – L., 1939.

[2] Foerster H., Mora P., Amiot L. Doomsday: Friday, 13 November, A.D. 2026. Science 132, 1291-1295.

[3] Гвишиани Д. Сколько людей живет и будет жить на Земле. – М.: Наука, 1990. С.35.

ошириб бўлганлари, ривожланаётган мамлакатларда эса энди рўй бераётганини асослашади. Глобал демографик ўтишнинг бошланиши аҳоли сони ортиши суръатларининг энг юқори даражасида, ўтишнинг тугаллаб бўлинишини эса ушбу суръатларнинг энг пасайган даврига тўғри келишини кўрсатади. Ўтиш даври кўпчилик мамлакатлар учун 64 йилдан 190 йилгача давом этади (7.4-жадвал).

Глобал демографик ўтишга туғилиш даражасининг кескин камайиши сабаб бўлади ва бу ресурсларнинг чекланганлиги оқибати эмас, балки одамларнинг ўз қарашларидир. Олимлар глобал демографик ўтишнинг туб сабаблари одамлар таълим даражаси билан боғлиқ. Саводхонлик даражаси юқори бўлган шахсларда қадриятлар ўзгаради. Бу мезонларда аввалги фарзанд устунлиги ўрнини янги қадриятлар – хизмат даражасида кўтарилиш, ўз бизнесига эга бўлиш, пул, бошқа неъматлар эгалланади.

7.3. Ўлим сабабларининг халқаро таснифи

Ўлим сабаблари деганда, ўлимга олиб келган ёки ўлим содир бўлишига сабаб бўлган касалликлар, патологик ҳолатлар ёки жароҳатлар, шунингдек, ўлим билан тугаган жароҳатга сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ҳамда қатл тушунилади[2].

Ўлим сабаблари тўғрисидаги маълумот манбаи шифокор томонидан қайд қилинадиган, ўлимга сабаб бўлган касаллик, бахтсиз ҳодиса, қотиллик, ўз жонига қасд қилиш ва бошқа ташқи таъсир хусусидаги тиббий далолатнома ҳисобланади. Ўлим сабаблари тегишли тиббиёт органи ёки шифокор томонидан аниқланади. Бугунги кунда ўлим сабаб-ларининг замонавий статистикаси ўлимнинг битта, етакчи ёки дастлабки сабабини ажратиб кўрсатади. Аввалари ўлимнинг дастлабки сабаби асосий ёки бош сабаб, деб кўрсатилар эди.

Жаҳонда қабул қилинган демографик ва тиббиёт статистикасининг ҳозирги даврдаги қоидаларига мувофиқ, ўлимнинг дастлабки сабаби **Касалликлар, жароҳатлар ва ўлим сабабларининг халқаро таснифи**га мувофиқ ўрнатилади. Мазкур халқаро тасниф тегишли ваколатли халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва қайта кўриб чиқилади. Касалликлар, жароҳатлар ва ўлим сабабларининг биринчи халқаро таснифи француз статистиги ва демографи Ж. Бертильоннинг таклифи асосида 1893 йилда Халқаро статистика институти томонидан қабул қилинган эди. У 1900 йилдан мунтазам равишда қайта кўриб чиқилмоқда. Бугунги кунда бутун

---

[1] Кузнецова О., Косьмин А. Численность населения Земли и потолок ее несущей способности. // Человек и труд, 2013, № 8. – С. 37

[2] Народонаселение. Энциклопедический словарь. – М.,1994. – С. 351.

ҳузурида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 1989 йилда қабул қилинган Касалликлар, жароҳатлар ва ўлим сабабларининг ўнинчи халқаро таснифи амал этади. Мазкур таснифда ўлим сабаблари 19 та касалликлар синфига бўлинган (7.4-жадвал).

7.4-жадвал

Касалликлар, жароҳатлар ва ўлим сабабларининг ўнинчи халқаро таснифи (1989 йил)

Синфлар	Касалликлар номи
I синф	Юкумли ва паразитар касалликлар (Коллар A00-B99)
II синф	Хавфли ўсимталар ва шишлар (Коллар C00-D48)
III синф	Қон ва қон ҳосил қилувчи аъзолар касалликлари (Коллар D50-D89)
IV синф	Эндокрин тизими касалликлари, моддалар алмашинуви, овқатланиш ва иммунитетнинг бузилиши (Коллар E00-E90)
V синф	Руҳий фаолият ва хулқ-атворнинг бузилиши (Коллар F00-F99)
VI синф	Асаб тизими касалликлари (Коллар G00-G99)
VII синф	Кўз касалликлари (Коллар H00-H95)
VIII синф	Қулоқ касалликлари (Коллар H60-H95)
IX синф	Қон айланиш тизими касалликлари (Коллар I00-I99)
X синф	Нафас олиш аъзолари касалликлари (Коллар J00-J93)
XI синф	Овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари (Коллар K00-K99)
XII синф	Тери касалликлари (Коллар L00-L99)
XIII синф	Суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқима касалликлари (Коллар M00-M99)
XIV синф	Сийдик тизими касалликлари (Коллар N00-N99)
XV синф	Ҳомиладорлик, туғиш ва туғишдан кейинги давр асоратлари (Коллар O00-O99)
XVI синф	Перинатал даврдаги алоҳида ҳолатлар (Коллар P00-P96)
XVII синф	Туғма нуқсонлар, хромосомаларнинг бузилиши (Коллар Q00-Q99)
XVIII синф	Бошқа бўлимларда таснифланмаган, клиник ва лаборатория текширув ларида аниқланмаган белгилар ва аломатлар (Коллар R00-R99)
XIX синф	Бахтсиз ҳодисалар, заҳарланишлар ва шикастланишлар (Коллар V01-Y98, S00-T98)

Ўлим сабабларининг халқаро таснифи 19 та касалликлар синфи ичида олти катордан 106 та гуруҳ ва 999 бўлимга тақсимланган ҳолда келтирилган.

Таъкидлаш лозимки, ўлимни статистик таҳлил этиш жараёнида кўпинча асосий синфлар қўлланилади:

1. Юкумли ва паразитар касалликлар.
2. Ўсимталар касалликлар ва шишлар.
3. Қон айланиш тизими касалликлари.
4. Нафас олиш йўллари касалликлари.
5. Овқатни ҳазм қилиш аъзолари касалликлари.
6. Бахтсиз ҳодисалар, заҳарланишлар ва шикастланишлар.

Ушбу сабаблардан юз берган ўлим ҳодисалари жуда кам ҳолларда умумий тарзда кўриб чиқилади. Ҳар бир синф доирасида энг оммавий ҳисобланган, натижада ижтимоий жиҳатдан муҳим сабаблар гуруҳлари ва ҳатто алоҳида касалликлар ажралиб туради. Масалан, юқумли касалликлар орасида сил, оғир хавфли инфекциялар (вабо, ўлат ва бошқалар), венерик касалликлар алоҳида ажратилади. Ўсимтали касалликлар орасида аёллар кўкрак бези раки, эркакларда томоқ раки ажратилади. Қон айланиш тизими касалликлари синфида учта гуруҳ ажратилади: юракнинг ишемик касаллиги (миокард инфаркти алоҳида кайд этилади), юракнинг гипертоник касаллиги ва ниҳоят церебро – вакуляр касаллиги ёки бош мия томирлари касаллиги (шу жумладан, инсульт).

Бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва шикастланишлар синфи ҳам демографик, ҳам ижтимоий нуктаи назардан муаммоли ҳисобланади, чунки унинг таркибига кирган барча сабаблар ўз табиатига кўра экзоген бўлиб, уларни бартараф қилиш мумкин ва кўп ҳолларда ушбу ҳодисалар ёшлик ёки ўрта ёшлик даврда юз беради, яъни инсон организмининг табиий қариши билан боғлиқ эмас.

Мазкур синф ҳолатлари жамиятга сезиларли даражада иқтисодий зарар ҳам етказиши мумкин. Чунки улар оқибатида аксарият ҳолларда аҳолининг энг иқтисодий фаол қисми ҳаётдан барвақт кўз юмади. Айни вақтда ёшлик ва ўрта ёшлик даврларига мансуб авлодларнинг ўлими такрор ҳосил бўлиш кўрсаткичларига ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан таъсир этади.

Ушбу синфни ташкил килган сабаблар жумласига: йўл-транспорт ҳодисалари, бировнинг ёки ўз жонига қасд қилиш ҳоллари, алкоголдан заҳарланиш, ноаниқ ҳодисалар билан боғлиқ ўлим, чўкиб кетиш ва ҳ.клар киради.

Қолган ўлим сабаблари гуруҳи барча ўлим сабабларининг 10,0-15,0 %ни ташкил этади. Улар "ўлимнинг бошқа сабаблари" гуруҳига бирлаштирилган, бироқ мазкур ҳол ушбу сабаблар динамикаси назардан четда колади, дегани эмас, албатта. Бундан ташқари, сўнгги ўн йилликлар давомида бир қатор касалликларнинг таркалиш даражасида ўзгаришлар кузатилаётгани боис, уларнинг, гарчи ўлим кўрсаткичи баланд бўлмаса-да, ижтимоий аҳамият касб этгани сабабли маълум синфларга ажратиш кенг таркалмоқда. Бунга мисол тарикасида эндокрин, рухий ва бошқа бир қатор касалликларни келтириш мумкин.

Репродуктив саломатликни таҳлил қилиш жиҳатидан яна иккита синф алоҳида эътиборни тортади: бу – ҳомиладорлик, туғиш ва туғишдан кейинги давр асоратлари (яъни, оналар ўлими) ҳамда

перинатал даврдаги алоҳида ҳолатлар. Уларни чуқур таҳлил этиш натижасида гўдаклар ўлимининг сабабларини аниқлаш имкони пайдо бўлади. Оналар ўлими таркибида, айникса, соғлиққа катта зарар етказувчи тиббий муолажа – абортдан содир бўлган ўлим алоҳида ажралиб туради.

Бугунги кунда касалликларнинг халкаро таснифи кенгаймокда ва таркибий жиҳатдан мураккаблашиб бормокда. Бу ҳолат икки ўзаро узвий боғлиқ сабабларга кўра содир бўлмокда. Биринчиси, инсоният цивилизациясининг тадрижий ривожланиши ҳамда унинг оқибатида юз берган ўлим сабаблари динамикаси ва эпидемиологик вазиятдан таъсир ўтказувчи омиллар таркибидаги ўзгаришлар маълум патологияларни тенглаштириш жараёнига аниқликлар киритилишини талаб килади. Иккинчиси, тиббиёт фанининг ривожланиши ва диагностик технологиялар такомиллаштирилиши натижасида алоҳида касалликларнинг келиб чиқиши ва касалликларнинг халқаро таснифи доирасидаги маълум касаллик ҳамда ўлим сабаблари синфига мансублигини таҳлил килиш учун объектив шароитлар юзага келди.

Юқорида санаб ўтилган ўлим сабаблари асосий синфларининг номлари ўзгармади. Бир қатор синфлар бўлинди (перинатал ўлим сабаблари), ташхислаш (клиник ва лабораториялаги текширувларда аниқланган симптом белгилар ва ҳ.к.лар) ва касалликнинг оқибатига бевосита таъсир этувчи омилларнинг таҳлилига (аҳолининг саломатлигига ҳамда одамларнинг тиббий муассасаларга мурожаат этишига таъсир этувчи касаллик ва ўлимнинг ташки сабаблари) бўлган муносабатларнинг ўзгаргани ҳақида далолат берувчи синфлар пайдо бўлди.

7.4. Аҳоли ўлимини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими

Аҳоли ўлими ва умр кўриш давомийлиги хусусиятларини таҳлил қилишда худди туғилишдаги каби икки турдаги маълумот асос бўлади. Булардан биринчиси қаторига ўлганларнинг мутлак сони ва уларнинг ёши, жинси, ўлим сабабларига кўра фарқланиши, иккинчисига эса мазкур кўрсаткичларни солиштириш лозим бўлган аҳоли гуруҳларининг мутлак сони (жами аҳоли, шунингдек, муайян ёшдаги аёл ва эркаклар сони) киради. Ушбу маълумотлар асосида ўлим миқдори ва даражасини аниқловчи ҳамда кутиладиган умр кўриш давомийлигини ҳисобловчи кўрсаткичлар тизими юзага келади.

Аҳоли ўлими ва унинг даражасини аниқлашда бўйлама ва кўндаланг таҳлил ёки реал ва шартли авлодлар услублари қўлланилади. Туғилишдан фарқли ўлароқ, ўлим жараёнини таҳлил килишда реал авлодлар услуби кенг қўлланилади, чунки аксарият мамлакатларда маълумотларнинг етишмаслиги муаммоси мавжуд. Ган шундаки,

бир авлод аёлларининг репродуктив майлини шарҳлаш учун 35 йил шартли равишда кабул килинган ва бу аник репродуктив давр давомийлиги учун маълумотлар зарур бўлади. Бир авлоднинг ўлиши жараёнини тадкик килиш учун эса деярли юз йилга оид ўлимнинг ёш гуруҳларига доир маълумотлар керак.

Маълумки, ўлим динамикаси кўп жиҳатдан узок ўтмишдаги турмуш шароитларининг эмас, балки ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг жорий ўзгаришлари замирида бўлади, фақат чуқур иқтисодий инкироз (уруш, очарчилик, эпидемия) даврлари бундан истиснодир. Айни пайтда ушбу кийинчиликларни бошдан кечирган инсонлар кейинчалик кулай турмуш шароитларига эришсалар, ўзларининг йўкотган соғликларини кисман тиклашлари мумкин.

Демографияда аҳолининг ўлим ҳолатини статистик таҳлил килиш максадида катор кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Ўлимни баҳолаш учун қўлланиладиган барча миқдор кўрсаткичлари уч гуруҳга ажратилади:

- умумий кўрсаткичлар;
- стандартлаштирилган коэффициентлар;
- махсус ва хусусий коэффициентлар.

Умумий кўрсаткичларга ўлим даражасини баҳоловчи **ўлимнинг умумий коэффициенти (m)** киради. Бу коэффициент муайян ҳудудлаги аҳолининг 1000 нафари ҳисобига йил давомида ўлганлар сонини ифода қилади. У қуйидаги формула ёрламида аниқланади:

$$m = \frac{M}{P} \times 1000,$$

бу ерда: М – ўрганилаётган даврдаги ўлганларнинг умумий сони;

Р – ўрганилаётган даврдаги аҳолининг ўртача сони.

Мазкур коэффициент ҳисоблаб чикишнинг соддалиги ва маълумотнинг мавжудлиги сабабли кенг кўлланилади. Айни вақтда, баъзи миллат вакиллари ҳамда кичик ҳудудий аҳоли манзилгоҳлари учун жинс ва ёшга оид аник маълумотларни олиш имкони бўлмаганлиги боис ўлимнинг умумий коэффициенти ўлим даражасини аниклаш ва баҳолаш учун қўлланиладиган ягона услуб ҳисобланади.

Мамлакат (ҳудуд) аҳолисининг ўлим даражасини баҳолашда ўлимнинг умумий коэффициентидан фойдаланилади. 7.5-жадвалда ўлимнинг умумий коэффициентини баҳолаш мезони келтирилган.

Ҳозирги вақтда жаҳонда ўлимнинг энг паст кўрсаткичлари араб мамлакатлари – Бирлашган Араб Республикаси, Қатар ва Қувайтга тўғри келади. Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан эълон килинган 2012 йил якуни маълумотларига кўра, ушбу давлатларда

ўлимнинг умумий коэффициенти йилига 1,4-2,4 % атрофида. Ушбу мамлакатларда ўлим даражасининг пастлиги аҳоли таркибининг ниҳоятда ёшлиги, меҳнат муҳожирлари даражаси юқорилиги, соғликни сақлаш тизимининг юқори даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг катталиги, аҳоли ўртасида спиртли ичимликлар ичиш ниҳоятда камлиги билан изоҳланади.

7.5-жадвал

Ўлимнинг умумий коэффициентини баҳолаш мезони

I*		II**	
Коэффициент ўлчами, %	**Ўлим даражаси тавсифи**	**Коэффициент ўлчами, %**	**Ўлим даражаси тавсифи**
20,0 дан юқори	Жуда юқори	35,0 ва ундан юқори	Фавқулодда юқори
16,0-20,0	Юқори	25,0-34,9	Жуда юқори
13,0-15,0	Ўртачадан юқори	15,0-24,9	Юқори
11,0-12,0	Ўртача	10,0-14,9	Ўртача
9,0-10,0	Ўртачадан паст	10,0 гача	Паст
7,0-8,0	Паст		
7,0 гача	Жуда паст		

* Мерков А.М., Сухаребский Л.М. Статистика на службе народного здоровья. – Москва, 1968. – С.48.

** Статистика населения с основами демографии. / Кильдишев Г.С., Козлова Л.Л., Ананьева С.П. – М.: Финансы и статистика, 1990. – С. 159.

Аҳоли ўртасида ўлим даражаси, асосан Африка китъаси мамлакатларида жуда юқори. Хусусан, Сьерра-Леона, Свазиленд, Ангола, Мозамбик, Лесото хамда узоқ йиллардан уруш давом этаётган Афғонистон каби давлатларда аҳолининг ҳар 1000 кишисига тўғри келадиган ўлим 25,0 % ва ундан ортикка етади (7.6-жадвал). 2012 йилги халқаро маълумотларга кўра, мазкур кўрсаткич бўйича 6,7 % билан Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари орасида 131 ўринда, яъни ўлим даражаси жуда паст давлатлар каторидан ўрин олган.

Стандартлаштирилган коэффициентлар турли худудлардаги ёки улардан биридаги аҳолининг такрор ҳосил қилинишини таккослама таҳлил килиш учун қўлланилади. Масалан, икки ҳудуддаги ўлим даражаси таҳлил этилаётганда аҳоли ёш таркибининг бунга таъсирини бартараф этиш зарурати тугилади. Бу, умуман, минтақадаги аҳолининг ёш таркиби тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилган ҳолда стандартлаштирилган коффициентлар орқали ҳисоблаб чиқилади.

Стандартлаштиришнинг икки – бевосита ва билвосита услублари мавжуд. Уларнинг фарки қуйидагилардан иборат: биринчи услубда стандарт сифатида аҳолининг муайян ёш таркиби олинади. Билвосита услубда эса стандарт сифатида ахолининг муайян ёш гуруҳларидаги ўлим коэффициентлари олинади.

7.6-жадвал

Жаҳон мамлакатларида 2012 йилдаги ўлим даражаси[1]

Жаҳондаги ўрни	Мамлакатлар	Аҳолининг ҳар 1000 кишисига тўғри келадиган ўлим, %	Жаҳондаги ўрни	Мамлакатлар	Аҳолининг ҳар 1000 кишисига тўғри келадиган ўлим, %
1.	Сьерра-Леона	22,1	186	Гвиана	3,7
2.	Свазиленд	21,2	187	Фаластин давлати	3,7
3.	Ангола	20,5	188	Саудия Арабистони	3,7
4.	Афғонистон	19,9	189	Сурия	3,4
5.	Мозамбик	19,8	190	Баҳрайн	3,2
6.	Лесото	19,2	191	Бруней	2,8
7.	Замбия	18,8	192	Оман	2,7
8.	Гвинея-Бисау	18,4	193	Қатар	2,4
9.	Либерия	18,3	194	Қувайт	1,9
10.	Марказия Африка Республикаси	18,1	195	Бирлашган Араб Амирликлари	1,4

Биринчи услуб ёш таркибидаги фарқланишларни аниқ таърифлайди, лекин уни қўллашдаги бефойдалилик шундаки, агар таққосланаётган ҳудудларда ёш гуруҳлари бўйича ўлим коэффициентлари мавжуд бўлса, у ҳолда стандартлаштиришга ўз-ўзидан эҳтиёж қолмайди.

Иккинчи услубда бирмунча ноаниқликлар мавжуд бўлса-да, у ёш гуруҳлари ўлимига тегишли ахборот мавжуд эмаслигида қўлланилади.

Стандартлаштирилган ўлим коэффициентларини бевосита услубда ҳисоблаш. Ҳисоблашнинг дастлабки қадами – ўлимнинг умумий коэффициентининг икки ҳудуд учун (ҳудудлараро таққосларганда) амалдаги мутаносиблик индекси аниқланади.

$$J^{факт} = \frac{m^1}{m^2}.$$

Бу индекс иккита таққосланаётган ҳудудда ўлимнинг умумий коэффициентлари ўртасидаги фарқларга икки омил, яъни ўлимнинг ёш хусусиятлари ва ёш таркибларининг таъсирини умумлаштирилган кўринишда кўрсатади. Уларнинг ҳар бири томонидан ўтказиладиган таъсирни аниқлаш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:

• биринчидан, ҳар бир сана (ҳудуд) учун ўлимнинг стандартлаштирилган коэффициентини ҳисоблаб чиқиш:

[1] Жаҳон согликни сақлаш ташкилотининг маълумотлари. //http://www.who.int.

$$m^{1cm} = m^{1}_{x} \times w_{x}$$

$$m^{2cm} = m^{2}_{x} \times w_{x},$$

бу ерда: m_x^1 – 1-ҳудуддаги ўлимнинг ёш гуруҳлари коэффициенти;

m^2_x – 2-ҳудуддаги ўлимнинг ёш гуруҳлари коэффициенти;

w_x – стандарт сифатида олинган аҳоли таркибидаги ёш гуруҳининг улуши;

• иккинчидан, стандартлаштирилган коэффициентларнинг мутаносиблик индексини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

$$J^{cm} = \frac{m^{1cm}}{m^{2cm}}.$$

Мазкур индекс ёш гуруҳлари бўйича ўлим даражаларидаги фарқларнинг ҳудудлар бўйича кўрсаткичларнинг фарқланишларига қўшган улушини ифодалайди, уни амалдаги индекс билан таққосланганда ёш таркибининг ўлимнинг умумий коэффициенти даражаларидаги мавжуд фарқларга қўшган улуши намоён бўлади. У қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$J^{w} = \frac{J^{cm}}{J^{факт}}.$$

Стандартлаштирилган ўлим коэффициентларини билвосита услубда ҳисоблаш. Мазкур услуб икки таққосланаётган ҳудуд учун фақат иккита кўрсаткич маълум бўлган ҳолларда қўлланилади, бу ўлганларнинг умумий сони ҳамда ёш таркиблари. Мазкур усул асосида қуйидаги услубий ёндашув туради: ўлганларнинг умумий сони барча ёш гуруҳлари бўйича ўлганлар сонининг йиғиндиси бўлиб, ўз навбатида, булар ушбу ёшдаги аҳоли сонининг ёш гуруҳлари ўлими коэффицентининг кўпайтмаси кўринишида ифодаланади:

$$M = \sum M_x = \sum P_x \times m_x.$$

Кейинги қадам, бу ҳар бир ҳудуддан ўлганларнинг стандартлаштирилган сонини ҳосил қилиш. Бунинг учун ҳар қандай бошқа ҳудуд (стандарт сифатида олинадиган бу ҳудуддаги ўлим даражалари таққосланаётган ҳудудларда кутиладиган ўлим даражаларидан кескин фарқ қилмаслиги мақсадга мувофиқ) учун ихтиёрий ёш бўйича ўлим коэффициентларини танлаб олиш зарур.

Ҳудудда ўлганларнинг амалий сонини стандартлаштирилган сонига тақсимлаб, ҳудуддаги ёш бўйича ўлимнинг амалий кўрсаткичининг стандарт сифатида танланган ёш бўйича ўлим кўрсат-кичидан канчага фарқ қилишини ифодаловчи индексига эга бўлинади.

Ҳудудлараро таққослашдан ташқари, стандартлаштириш услубидан муайян гуруҳдаги аҳоли доирасида динамик таҳлил ўтказиш

жараёнида фойдаланиш мумкин. Стандарт сифатида ўрганилаётган аҳоли гуруҳига тегишли муайян сонга оид баъзи маълумотлар ёки бошқа шу гуруҳга ўхшаш аҳолига тегишли маълумотлар танланиши мумкин. Бунда стандарт учун танланган аҳоли гуруҳи эпидемиологик ўтиш ҳолатининг тараққиётига кўра тадқиқ этилаётган аҳоли гуруҳига яқин бўлиши лозим. Акс ҳолда, олинган маълумотлар ишончли бўлмаслиги эҳтимоли катта.

Ўлимнинг ёш билан чамбарчас боғлиқлиги ҳар бир ёш гуруҳида ўзига хос ўлим сабабларининг мавжудлиги ва унинг йўналишлари эволюциясини таърифлаш учун **ёш гуруҳлари бўйича ўлим коэффициент**идан фойдаланилади ва у ўлимнинг умумий коэффициентига нисбатан аниқроқ махсус кўрсаткичдир. Ушбу коэффициентни бир хил ёшдаги аҳоли гуруҳлари учун ҳисоблаш энг юқори самара беради. Бироқ, кўпчилик ҳолларда уларни ҳисоблаш учун керакли маълумотлар етишмайди.

Аҳоли ўлимининг статистик таҳлилида 5 йиллик ёш гуруҳларга ҳисоблаб чиқилган коэффициентлардан фойдаланиш кенг тарқалган. Ёш гуруҳлари бўйича ўлим коэффициентларида жинсий таркиб гуруҳларида катта фарқ кузатилгани боис, ушбу коэффициентлар эркаклар ва аёллар учун алоҳида ҳисобланади.

Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$M_x = \frac{M_x}{P_x} \times 1000 \ ,$$

бу ерда: M_x – х ёшида ўлганлар сони (жинси бўйича);

P_x – х ёшидаги аҳолининг ўртача йиллик сони (эркаклар ёки аёллар).

Ёш гуруҳи бўйича ўлим коэффициентлари ўлимнинг алоҳида сабабларига кўра ҳам ҳисобланиши мумкин. Бу ҳолда, формулада сурат қисмида ўлганларнинг умумий сони ўрнига мазкур ёшда маълум сабаблардан вафот этганлар сони ёзилади. Агар бундай ҳисоб-китобларда барча ўлим сабаблари учун бажариладиган бўлса, олинган коэффициентлар йиғиндиси ушбу аҳоли гуруҳи учун умумий ёш гуруҳи бўйича ўлим коэффициентини ифодалайди.

7.5. Махсус ва хусусий коэффициентлар

Махсус ва хусусий коэффициентлар демографик ҳодисалар юз берадиган шахслар жамланмасидаги ўлим сонини таққослаш орқали ҳисоблаб чиқилади. Жумладан, **ўлимнинг ёш коэффициентлари** аҳоли муайян ёш гуруҳидагиларнинг аҳолининг ўртача йиллик

сонига нисбатини акс эттиради. Худди шунингдек, аҳолининг муайян жинсий, ижтимоий, касбий ва ҳ.к. гуруҳларидаги ўлим нисбатини ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Болалар (гўдаклар) ўлимининг коэффициенти аҳоли саломатлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, у мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, аҳолининг демографик ҳолатини, тиббий хизмат сифатини, санитария-эпидемиология, профилактика ва даволаш ишларининг самарадорлигини кўрсатувчи асосий мезондир.

Гўдаклар ўлими деганда, бир ёшгача бўлган (яъни 0 ойдан 12 ойгача) болалар ўлими, **болалар ўлими** деганда эса 1 ёшдан 15 ёшгача бўлган аҳоли гуруҳининг ўлими тушунилади.

Бир ёшгача бўлган ўлим кўрсаткичларининг аксарияти бошқа ёш гуруҳлари ўлимидан юқорироқ бўлиб, ушбу даврдаги ўлим эҳтимолини 55 ёшга етганларнинг ўлим эҳтимоли билан таққослаш мумкин. Мазкур кўрсаткичнинг бошқа ёш коэффициентларидан фарқи шундаки, у ўзига хос ҳисоблаш усули ёрдамида аниқланади ҳамда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Болалар ўлими оналар ўлими даражаси билан бир қаторда у репродуктив саломатлик ҳолатини ҳамда педиатрия ва бошқа хизматлар сифатини ҳам кўрсатади.

Инсон ҳаётининг биринчи йили қуйидаги уч даврга ажратилиб, бу даврлар ўлим эҳтимоли устун келувчи патология билан тавсифланади:

1. **Перинатал давр** – ҳомиланинг 28 ҳафтадан бошлаб, гўдак ҳаётининг дастлабки 7 кунигача бўлган вақтни камраб олади. "Перинатал ўлим" тушунчаси биринчи марта 1948 йилда С. Пефлер (S. Pefler) томонидан қўлланилган бўлиб, у "туғрук пайтидаги йўқотиш" маъносини англатади.

Перинатал давр ҳомила ва янги туғилган гўдак ҳаётидаги энг муҳим давр бўлиб, унда ўлим эҳтимоли (эрта туғилган гўдакларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) юқори бўлади. Ушбу даврга умр кўришнинг биринчи йилидаги ўлимининг 70,0 %и тўғри келади.

Мазкур даврга ҳомила ривожланишидаги шароит ва механизмларнинг комплекс таъсири, унинг туғилиш ва ҳаётнинг дастлабки 7 куни (168 соат) шароитлари, шунингдек, унинг туғилишига, туғилаётганида ёки туғилиши биланоқ ўлиши эҳтимолини назарда тутувчи перинатал ўлим тушунчаси ва кўрсаткичига хосдир. Бундай ўлимнинг катталиги (айниқса, худудлараро ва давлатлараро таққосланганда) оналнинг репродуктив саломатлиги ҳамда ҳаётининг даражаси, туғилишда ёрдам кўрсатувчи хизмат ҳолати ва умумий тиббий ҳамда ижтимоий ривожланишнинг бошқа жиҳатларини тавсифлайди.

Перинатал ўлим динамикаси (кўрсаткичнинг кескин ўзгариб туришида), шунингдек, гўдаклар ўлимининг статистик қайд этилишидаги ноаниқликларни акс эттириши мумкин, чунки ушбу даврдаги ўлганлар сони ҳам тирик, ҳам ўлик туғилганларнинг умумий сони билан таққосланади.

$$p = \frac{r + l}{t} \times 1000,$$

бу ерда: р – перинатал ўлим коэффициенти;

r – ўлик туғилганлар сони;

l – ҳаётининг биринчи 7 кунигача ўлганлар сони;

t – барча туғилганлар сони (тирик ва ўлик).

Перинатал даврдаги ҳомиланинг ўлимидаги асосий сабаблар асфиксия (45,0 % атрофида), респиратор касалликлар (20,0 % атрофида), туғма камчилик (13,0-15,0 %), туғишдаги шикастланиш (7,0-9,0 %) ва бачадон ичидаги инфекциялар (2,0 % атрофида) ҳисобланади.

2. **Неонатал давр** боланинг туғилганидан то 28 кунигача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткич гўдаклар ўлимининг асосий қисмларидан бири бўлиб, гўдакларнинг шу даврга тўғри келадиган ўлим салмоғи қанча баланд бўлса, гўдаклар ўлимининг даражаси шунчалик паст бўлади.

Неонатал ўлим қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$n = \frac{y}{t} \times 1000,$$

бу ерда: n – неонатал ўлим коэффициенти;

y – 0-27 кунлик даврида ўлган гўдаклар сони;

t – тирик туғилган болалар сони.

Масалан: 1 йилда тирик туғилган болалар сони 1150 тани, 0-27 кун мобайнида ўлганлар сони эса 25 тани ташкил этган бўлсин. У ҳолда неонатал ўлим кўрсаткичи қуйидагига тенг:

$$n = \frac{25 \times 1000}{1150} = 21,7\ \%.$$

Неонатал ўлим доирасида иккита: барвақт ва кечки давр ажратилади.

Барвақт неонатал ўлим қуйидаги формула орқали топилади:

$$n = \frac{p}{t} \times 1000,$$

бу ерда: p – 0-6 кунлик (168 соат) даврда ўлган гўдаклар ўлими;

t – тирик туғилган болалар сони.

Кечки неонатал ўлим кўрсаткичи гўдаклар ҳаётининг дастлабки 2-4 ҳафталик даврини ўз ичига олиб, қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$n = \frac{\vartheta}{t} \times 1000$$

бу ерда: ϑ – 2-4 ҳафталик даврда ўлган гўдаклар сони;

t – тирик туғилган болалар сони.

Неонатал ўлим туғма нуқсонлар, туғилиш пайтидаги шикаст-ланишлар, неонатал даврдан кейинги асфиксиялар, туғма пневмания туфайли юз беради.

3. **Постнеонатал давр**. Бу неонатал даврдан кейинги давр бўлиб (28 кундан 1 ёшга тўлгунга қадар), қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\varpi = \frac{\delta}{t - y} \times 1000$$

бу ерда: ϖ – постнеонатал ўлим коэффициенти;

δ – 28 кундан 1 ёшгача бўлган даврда ўлган гўдаклар сони;

t – туғилган болалар сони;

у – 0-27 кунлик даврда ўлган болалар сони.

Ўзбекистонда гўдакларнинг 2010 йилдаги барвакт, кечки ва постнеонатал ўлими нисбати 7.3-расмда келтирилган.

Эндоген омиллар билан кўпроқ боғланган, яъни она саломатлиги ва ҳомиладорлиги давридаги ҳаёт тарзи билан белгиланувчи неонатал ўлимдан фарқли равишда, постнеонатал даврда бола саломатлигига ташқи омилларнинг таъсири ортиб боради. Булар жумласига парвариш қилиш, овқатлантириш, педиатр хизматининг сифати ва ҳ.кларни киритиш мумкин.

Болалар ўлими кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари. Болалар ўлимини ҳисоблаш учун алоҳида кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар қаторига болалар ўлимининг умумий коэффициенти ҳам кириб, бу кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

$$m = \frac{M}{N} \times 1000 \ ,$$

бу ерда: М – жорий йилда ўлган гўдаклар сони;

N – жорий йилда тирик туғилган гўдаклар сони.



7.3-расм. Ўзбекистонда гўдакларнинг 2010 йилдаги барвақт, кечки ва постнеонатал ўлими нисбати[1]

Масалан: бир йилда муайян туман бўйича тирик туғилган бола лар сони 1150 тани, бир ёшгача ўлган болалар сони 42 тани ташкил қилган бўлсин. У ҳолда:

$$m = \frac{42 \times 1000}{1150} = 36{,}5\ \text{‰}.$$

Ушбу усулни 2 йил оралиғида (ўтган ва жорий йиллар) тирик туғилган гўдаклар сони ўртача бир хил бўлганда қўллаш тавсия этилади. Йил давомида 1 ёшгача ўлган болалар сони орасида жорий йилда туғилган болалар билан бир қаторда ўтган йили туғилган болалар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам 1 ёшгача бўлган болалар ўлими катталигини аниқ ҳисоблаш учун 1920 йилда немис демографи ва математиги Йоханнес Ратс (1854-1933) томонидан тақдим этилган қуйидаги усулдан фойдаланилади:

$$m'_0 = \frac{M'_0}{2/3\,N^{t} + 1/3\,N^{t-1}} \times 1000 \quad ,$$

бу ерда: M'_0 – жорий йилда бир ёшгача ўлган болалар сони;

$2/3N^{t}$ – жорий йилда тирик туғилган болаларнинг 2/3 қисми;

$1/3N^{t-1}$ – ўтган йилда тирик тугилган болаларнинг 1/3 қисми.

Масалан: жорий йилда тирик туғилган болалар сони 1150 тани, бир ёшгача ўлган болалар сони 42 тани, ўтган йили тирик туғилган болалар сони эса 1300 тани ташкил қилган бўлсин.

$$m'_0 = \frac{42 \times 1000}{2/3\,1150 + 1/3\,1300} = \frac{42000}{767 + 433} = 35{,}0\ \text{‰}.$$

Биринчи унча аниқ бўлмаган усул бўйича гўдаклар ўлими 1000 нафар тирик туғилганларга 36,5 ‰ни ташкил этди, бу эса иккинчи усулда аниқ топилган ўлим кўрсаткичидан 1,5 ‰ кўплигини кўрсатиб турибди. Худди шу усулда гўдаклар ўлимининг айрим сабаблари, масалан, ошқозон-ичак касалликларидан ёки зотилжамдан ўлганлар миқдорини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бунинг учун каср чизиғининг

[1] Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотлари. //http://www.minzdrav.uz.

суратига тегишли касалликлардан ўлган гўдаклар сонини қўйиб ҳисоблаш кифоя қилади.

Бир ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичини энг аниқ ҳисоблаш усули – бу Р. Бек томонидан таклиф қилган халқаро усул ҳисобланиб, қуйидагича аниқланади:

$$D_0 = \frac{M_{1,2}}{N_0} = \frac{M_2 (N_0 - M_0)}{N_0 (N_1 - M_2)},$$

бу ерда: D_0 – бир ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичи;

M_0 – жорий йилда туғилган болалардан шу йилда ўлганлар сони;

M_1 – ўтган йили туғилган болалардан жорий йилда ўлганларнинг сони;

M_2 - ўтган йили туғилганлардан ўша йили ўлганлар сони;

N_0 – жорий йилда туғилган болалар сони;

N_1 – ўтган йили туғилган болалар сони.

Аммо бу усул нисбатан мураккаблиги ва кўп меҳнат талаб қилганлиги учун ҳам соғлиқни сақлаш амалиётида кенг ўрин олмаган. Одатда, амалиётчилар юқоридаги биринчи ва иккинчи усуллан кенг фойдаланади.

7.7-жадвалда гўдаклар ўлими коэффициентини баҳолаш мезони келтирилган.

ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар ташкилоти Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича бошқармасининг Аҳолишунослик бўлими томонидан эълон қилинган маърузасига кўра, 2012 йилда 6,6 миллион – кунига 18 мингтадан беш ёшгача бўлган бола вафот этган. Бу 1990 йилдагида салкам икки баравар (12,0 млн. бола) камдир. Болалар ўлимининг тахминан 45,0 %га уларнинг тўйиб овқатланмаслиги сабаб бўлмоқда. Болалар ўлимининг энг ярми Хитой, Конго, Ҳиндистон, Нигерия ва Покистонга тўғри келади.

7.7-жадвал

Болалар ўлими коэффициентини баҳолаш мезони

Болалар ўлими коэффициентининг миқдори, %	Гўдаклар ўлими даражасининг тавсифи
10,0 дан кам	Паст
10,0- 19,0	Ўртача
20,0-29,0	Юқори
30 ва ундан кўп	Жуда баланд

Гўдаклар ўлимининг даражаси 2012 йилда, айниқса Анголада (180,0 %), Сьерра-Леонада (154,0 %), Афғонистонда (151,0 %),

Либерияда (138,0 %) юқори бўлган, энг паст кўрсаткич эса Сингапурда (2,31 %) қайд қилинган[1].

Ўзбекистонда ҳар мингта тирик туғилган гўдакка нисбатан ўлганлар сони республикада – 14,9, шаҳарда – 10,7, қишлоқ жойларида эса 17,4 тани ташкил этади. 7.3-жадвалдаги баҳолаш мезонидан кўриниб турганидек, республика ва унинг ҳудудларида гўдаклар ўлими ўртача даражада ҳисобланади.

Статистика маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда гўдаклар ўлими йил сайин камайиб бормоқда. Мустақиллик йилларида болалар ўлими 3,4 баробарга камайди. Яъни 1990 йилга қадар республикада болалар ўлими 40–44 промилледи ташкил этган бўлса[2], 2011 йилда 10,8 промилледа тушган (7.4-расм).



7.4-расм. Ўзбекистонда гўдаклар ўлимининг динамикаси (промилле ҳисобида)[3]

Умуман, 2011 йилнинг январь-декабрида бир ёшга тўлмасдан ўлган болалар сони 6,7 мингтани ташкил қилган. Бир ёшга тўлмасдан ўлган болалардан 48,7 % перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 33,7 % нафас олиш органлари касалликларидан, 7,4 % туғма аномалиялардан ва 4,7 % инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Болалар ўлими даражасини пасайтириш, биринчи навбатда, қуйидаги демографик омилларга боғлиқ:

- оилада туғилаётган болалар сонининг камайиши;
- фарзандлар туғилиши орасидаги даврнинг узайиши;
- туғиш ёши юқори чегарасининг пасайиши;
- гўдак ёшидаги болалар соғлигини мустаҳкамлаш;

---

[1] Бирлашган Миллатлар ташкилоти Болалар ўлими даражасини баҳолаш бўйича муассасалараро гуруҳининг маълумотлари // http: // www.childmortality.org.

[2] Маҳкамова Ж.Н. Качество жизни – социально-демографический аспект. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали, 2011 йил, 1-сон, сентябрь.

[3] Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотлари. //http://www.minzdrav.uz.

• оналикни муҳофаза қилиш;

• эмизишни тарғиб қилиш;

• болаларда ўткир респиратор ва диарея касалликларига қарши курашиш.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Минғйиллик декларациясида 1990 йилдан 2015 йилгача жаҳонда болалар ўлими даражасини учдан икки бараварга камайтириш вазифаси қўйилган. Кўпгина мамлакатларда болалар ўлимининг олдини олиш соҳасида жиддий натижаларга эришилди. Энг кам ривожланган 49 та мамлакат ҳар учтасининг биттасида кейинги 20 йил ичида беш ёшгача бўлган болалар ўлими 40,0 % ва ундан кўпроққа камайди. Дунё бўйича беш ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлим даражаси 1990-1995 йиллардаги йигирма 1,2 % камайиш суръатлари 2005-2012 йилларда 3,9 %га кўтарилган бўлса ҳам мазкур ўзгаришлар суръати Минғйиллик ривожланиш максадларида белгилаб қўйилган вазифаларни бажариш учун етарли эмас.

Шунинг учун Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан 2015 йилга қадар дунёда 16 миллион ҳаётни сақлаб қолишга қаратилган Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг глобал стратегияси ишлаб чиқилди ва у изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу стратегия доирасида вакцинация соҳасида Умумжаҳон ҳаракат режаси амалга оширилянти. 2012 йилнинг ўзида жаҳонда 11 миллион гўдак (барча гўдакларнинг 83,0 %и) вакцинация қилинди[1].

7.6. Аҳолининг умр кўриш давомийлиги

Аҳоли умр кўриш давомийлиги даражасининг индекси (Life Expectancy Index) – бу жаҳон мамлакатларида кутилаётган ўртача умр кўриш кўрсаткичи бўлиб, у ёки бу давлатнинг ижтимоий-демографик ривожланишининг энг муҳим мезонларидан биридир. Мазкур маълумотлар миллий институтлар ва халқаро ташкилотлардан олиниб, Бирлашган Миллатлар ташкилоти Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментининг Аҳолишунослик бўлимида жамланади ва қайта ишланади. Кутилаётган ўртача умр кўриш давомийлиги эркаклар ва аёлларга алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

"Кутилаётган ўртача умр кўриш давомийлиги" айрим тугилганлар жамланмаси учун улар вафот этгунларича неча йил яшаганликларини англатади. Инсоннинг умр кўриш давомийлиги – унинг ўлими ёши эканлиги назарда тутилса, айрим авлоднинг ўртача умр кўриши давомийлигини бу авлоднинг барча аъзолари вафот этгани-дан

[1] ЮНИСЕФ маълумотлари // http://www.unicef.org.

кейингина, яъни тугилганларидан сўнг анча йиллар ўтгандан сўнггина ўлчаш мумкин. Бундан ҳозир ҳаёт бўлган авлодга тадқиқотлар учун бундай кўрсаткичнинг аҳамияти у қадар қимматли эмаслиги равшан. Шунинг учун илмий амалиётда ва статистика материалларида бошқача, анча мураккаброқ ўлчовдан фойдалани-лади.

Кутилаётган умр кўриш давомийлиги - аслида бирор авлод вакилининг ушбу авлод ҳаёти давомида ўлим кўрсаткичи мазкур кўрсаткич ҳисоблаб чиқилаётган даврда ўзгармасдан туриш шарти билан унинг қанча умр кўриши мумкин бўлган йиллар жамланмасидир. Бироқ ҳаётий воқеликда умр кўриш шарт-шароитлари ўзгариб туради ва алоҳида олинган аҳоли гуруҳи бу ўзгарган шарт-шароитларга боғлиқ равишда бундан кўпроқ ёки камроқ умр кўради. Шунга қарамасдан ўртача умр кўриш давомийлиги ҳозирги ва якин ўтмиш воқелигини зарур даражада аник акс эттиради.

Инглиз олими Жон Граунт 1662 йилда аҳоли статистикаси усулларини ишлаб чиқиш жараёнида Лондон аҳолиси умр кўриш давомийлиги жадвалини тузганида, кутилаётган умр кўриш давомийлигини ҳисоблаб чиқишга дастлабки марта уриниб кўрди. Мазкур олимнинг ишланмалари Голландияда физик Христиан Гюйгенс томонидан давом эттирилиб, у биринчи марта умр кўриш давомийлигини ҳисоблаб чиқишга муваффақ бўлди. Умр кўриш давомийлигини ҳисоблашнинг математик усулларини такомиллаштиришга Готфрид Вильгельм Лейбниц, Эдмунд Галлей, Пьер Симон Лаплас, Бенжамин Гомперц каби олимлар салмокли ҳиссаларини қўшди.

Кутилаётган умр кўриш давомийлиги ижтимоий тизимлар ривожланганлиги даражасини белгиловчи асосий мезон ҳисобланиб, давлат ва унинг ижтимоий сиёсатига объектив баҳо бериш воситаларидан биридир. XX асрда кўпгина давлатларнинг ижтимоий сиёсат соҳасига эътибор кучайтиришлари натижасида ўлим билан курашда салмокли натижаларга эришилди ва умр кўриш давомийлиги сезиларли даражада ортди. Жумладан, Бирлашган Миллатлар ташкилоти маълумотларига кўра, агар 1950-йилларнинг бошида аҳолиси таркибида 70 ёшдан узоқ умр кўраётган давлатларнинг Ер юзи умумий аҳолисидаги улуши атиги 1,0 %ни ташкил этган бўлса, 2000-йиллар охирига келиб бу кўрсаткич 50,0 %га етди.

Умуман, умр кўриш давомийлиги узайишига куйидагилар сабаб бўляпти (7.5-расм):

- иқтисодий ўсиш;
- илм-фаннинг, айникса тиббиёт соҳасидаги тараққиёти;

• аҳолининг гигиена маданиятининг, умуман таълим даражасининг ортиши;

• ноиқтисодий тенгсизликка барҳам берилиши ва бошқалар.



7.5-расм. Умр кўриш давомийлиги узайишининг омиллари ва шартлари

Умр кўриш давомийлиги ўсишининг асосий шартлари эса қуйидагилардан иборат:

• меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигининг ортиши, умуман иқтисодий ўсиш;

• таълим олишга қодирлик;

• авлодлар ўртасида узвий алоқа;

• билимларни тўплаш ва улардан самарали фойдаланиш;

• ижтимоий ва гендер тенглиги;

• ҳақиқий танлов ҳуқуқи.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ривожланиш дастури томонидан ҳар йили эълон қилинадиган **Инсон тараққиёти глобал маърузаларида инсон туғилган пайтда кутилаётган ўртача умр кўриш давомийлиги** келтирилади. Мазкур индексга мувофиқ, инсон туғилган пайтда кутилаётган ўртача умр кўриш давомийлиги - бу ғўдак туғилган

пайтда аник ёш гуруҳлари учун ўлим кўрсаткичлари унинг бутун ҳаёти давомида ўзгармай колиши назарда тутилган умр кўриши давомийлигидир.

Ушбу кўрсаткич шартли авлод асосида ҳисоблаб чикилади, яъни янги туғилган гўдак у дунёга келганидаги ўлим кўрсаткичлари ҳаёти давомида ўзгармасдан колса, неча йил умр кўриши мумкинлигини англатади. Ҳисоб учун асос сифатида олинадиган шартли авлод мазкур йилда турли ёшда вафот этганлар жамланмасининг ўртача кўрсаткичи сифатида қабул килинади. Ҳисоблаш кулай бўлиши учун шартли авлоднинг барча ёшдаги вафот этганларнинг умумий сони 100 минг кишига тенг, деб кабул килинади ва шу асосда тегишли ҳисоблар амалга оширилади.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ривожланиш дастури томонидан тайёрланган 2011 йилги Глобал маърузада туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлигининг энг кам миқдори 20 йил, энг кўп миқдори – 83,4 йил (Япония), деб кабул қилинган. Туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги энг кам миқдорининг ўзгариши Madisson ва Riley[1] асарларига таянган ҳолда узок муддатли тарихий маълумотларга асосланган. Бу маълумотларда 20 ёш энг кам миқдор деб кўрсатилган. Агар жамиятда ёки жамиятнинг бирор қатламида туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги одатдаги репродуктив ёшдан паст бўлса, ушбу жамият кирилишга юз тутади. Бундан пастроқ кўрсаткичлар Руандада рўй берган геноцид каби қатор инкирозли шароитларда ҳам учраган, бироқ улар барқарор бўлмаган истисно ҳолдаги мисоллардир.

7.8-жадвал

Жаҳон мамлакатларида инсон туғилган пайтда кутилаётган умр кўриш давомийлиги[2]

Мамлакатлар	Умр кўриш давомийлиги, йил	Мамлакатлар	Умр кўриш давомийлиги, йил
Япония	83,4	Гвинея-Бисау	48,1
Швейцария	82,3	Лесото	48,2
Италия	81,9	Марказий Африка Рес.	48,4
Австралия	81,9	Афғонистон	48,7
Исландия	81,8	Свазиленд	48,7
Исроил	81,6	Замбия	49,0

[1] Maddison, A. 2010. Historical Statistics of World Economy:1-2008 AD. Paris: OECP. Riley, J.C. 2005. Poverty and Life Expectancy. Cambridge, UK: Cambridge University Press. Noorkbakhsh (1998). The Human Development Index: Some Technical Issues and Alternative Indices // *Journal of International Development* 10, 589-605.

[2] Доклад о человеческом развитии – 2011. Устойчивое развитие и равенство возможностей: лучшее будущее для всех – М.: Весь мир, 2011. – С. 168.

Испания	81,4	Ангола	51,1
Швеция	81,4	Зимбабве	51,4
Сингапур	81,1	Камерун	51,6
Норвегия	81,0	Нигерия	51,9

Масалан, Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ривожланиш дастурининг 2011 йилги "Барқарор ривожланиш ва тенг имкониятлар: ҳамма учун энг яхши келажак" деб номланган Инсон тараққиёти глобал маърузасига кўра, жаҳон мамлакатларида инсон туғилган пайтда кутилаётган умр кўриш давомийлиги бўйича энг юқори ва энг паст ўнта кўрсаткич 7.8-жадвалда келтирилган.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ривожланиш дастури томонидан тайёрланган 2011 йилги Глобал маърузада Ўзбекистонда туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги 68.3 йил, деб кўрсатилган. Ушбу кўрсаткич бўйича республика умр кўриш давомийлиги ўртача бўлган давлатлар қаторидан ўрин олган.

7.7. Ҳаёт жадвали ва уни тузиш тартиби

Аҳоли ўртача умр кўриш давомийлигини аниқлаш учун демографияда ўлимни таҳлил қилишнинг асосий усулларидан бири бўлмиш **ҳаёт жадвали** (уни **"яшаш жадвали", "ўлим жадвали"**, деб ҳам аталади) тузиш талаб қилинади. Жорий йилда айрим ёшлардаги ўлим кўрсаткичларига асосланган ҳолда аҳолининг ҳаёти мобайнида камайиб боришини кўрсатувчи ва бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган кўрсаткичлар тизимидан ташкил топган жадвал **ҳаёт жадвали** дейилади. Мазкур жадвални **ҳаёт жадвали** (инглизча **"life tables"**), деб номланиши бежиз эмас, чунки у фақат ўлим кўрсаткичлари модели бўлмай, балки авлодларнинг табиий ҳаракати модели ҳамдир.

Ҳаёт жадвали аҳолиси 100 000 дан кам бўлмаган ҳудудларда, шаҳар ва қишлоқларда эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида тузилади. Одатда, бундай жадваллар давлат томонидан аҳолини рўйхатдан ўтказиш даврига боғлаб тузилади ва босқичма-босқич ҳисоблашлар ва маълумотлар олиш натижасида умрнинг ўртача давомийлиги кўрсаткичи олинади ва у аҳоли саломатлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Ҳаёт жадвалини тузиш, умуман, мураккаб эмас, аммо машаккатли ишдир. У бир неча босқични камраб олади (7.6-расм).

Ҳозирги вақтда ҳаёт жадваллари **билвосита** ёки **демографик усул** ёрдамида тузилади. Мазкур усул Л.В. Варгентин, А. Кетле ва У. Фарр томонидан ишлаб чиқилган. Унинг демографик усул деб аталиши ҳаёт жадвали аҳолини рўйхатга олишда аҳоли ўлимининг ёш гуруҳлари

ҳамда жинс-ёш таркиби маълумотларидан фойдаланилиши билан боғлиқ.

Ҳаёт жадвалининг иккита асосий: **аниқ** (бир йилда туғилганлар, яъни тенгдошлар) ва **шартли** (бир йилда яшовчи замондошлар) **авлодлар** тури ажратилади. Биринчи гуруҳ ҳаёт жадвалига бир вақтда демографик ҳодисани (масалан, никоҳга кириш) бошидан кечирган инсонлар гуруҳи учун ҳисобланган жадваллар киради. Ўлим динамикаси учун амалда шартли авлодлар ҳаёт жадвали қўлланилади.



7.6-расм. Ҳаёт жадвалини тузиш босқичлари

Бошланғич ахборот билан боғлиқ ҳолда (ёш гуруҳлари бўйича ўлим коэффициентлари) тўлиқ ва қисқа ҳаёт жадваллари фарқланади.

Тўлиқ хаёт жадвали – бир йиллик коэффициентлар асосида ҳисоблаб чиқариладиган жадвалдир. Мазкур ҳолда ҳаёт жадвали қадами 1 га тенг бўлади. Одатда, улар 0 дан 100 гача бўлган ёш даврини қамраб олади.

Қисқа хаёт жадвалида бир қадам 5 йилга тенг бўлади. Бироқ бунда аксарият ҳолларда ҳаётнинг биринчи йили алоҳида ажратилади (ҳаёт жадвалида 0 белгиси ёзилади) ва бутун биринчи беш йиллик бир йиллик гуруҳда кўриб чиқилади. Бу албатта, асослидир, чунки мазкур ёш оралиғида ўлим даражалари йил сайин ўзгариб боради ва ушбу ўзгаришлар анча сезиларлидир, шу боис гўдаклар ўлими ва ҳаётнинг тўртинчи йилидаги ҳолати келгуси ҳисоблашлардаги катта хатоларга олиб келади.

БМТ тавсияларида қисқа ҳаёт жадвалини 85 ёш ва ундан юқори ёш гуруҳига қадар ҳисоблаш зарурлиги таъкидланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти амалиётидаги ҳаёт жадвалида 75 ёш ва ундан юқори ёш мезони қўлланилади.

Асосий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш услублари. Ҳаёт жадвали – ўзига хос кўрсаткичларга эга ҳамда ҳисобланиш кетма-кетлигини акс эттирувчи устунлар каторидир.

Ҳаёт жадвалини тузиш учун дастлаб бирламчи маълумотлар керак бўлади (7.9-жадвал).

7.9-жадвал

Ҳаёт жадвалини тузиш учун бирламчи маълумотлар

Ёш (йилларда)	йили и яҳоли сони	Ўлганлар сони		Аввалги ва жорий йилларда ўлганларнинг ўртача сони	Икки йил оралигида ўлганларнинг ўртача сони
		Аввалги йил	Жорий йил		
0					
1					
5					
5-9					
10-14					
15-19					
20-24					
25-29					
30-34					
35-39					
40-44					
45-49					
50-54					
55-59					
60-64					
65-69					
70-74					
75-79					
80-84					
85 ва ундан юкори					

Ҳаёт жадвалининг биринчи устунида l_x – х ёшгача яшаб етадиганлар сони қайд этилади. Айтиш жоизки, ҳаёт жадвалининг ўзаги l_0 (100 000 ёки 10 000) га тенг бўлади ва кейинги кўрсаткичлар ўлганлар сонини кетма-кетликда айириб бориш ёки кейинги ёшга яшаш эҳтимолига мос бўлган кўрсаткичга кўпайтириш йўли билан ҳосил килинади. d_x – х ёшидан х=5 ёши оралигидаги ўлчамлар сони. Ушбу ҳолда:

$$l_{x+5} = l_x - d_x$$

q_x – х ёшидан х+5 ёши оралигида ўлиш эҳтимоли.

Мазкур кўрсаткични уч услубда ҳисоблаш мумкин, агар l_x қийматларининг кетма-кетлиги мос равишдаги ёш гуруҳлари оралигида ўлганлар сонини кетма-кетликда ошириб бориш йўли билан ҳисоблаб чиқарилган бўлса, у ҳолда ўлим эҳтимоли қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланиши мумкин:

$$q_x = \frac{l_{x+5}}{l_x}$$

Афтидан, маълум ёшгача яшаб кетганлар ва шу оралиқда ўлганлар сони ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли ўлим эҳтимолини яна бир усулда ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$q_x = \frac{d_x}{l_x}$$

Ҳисоблашнинг учинчи усули бевосита ёш гуруҳлари бўйича ўлим коэффициентларидан келиб чиқади ва қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$q_x = \frac{2m_x}{2 + m_x}$$

Ҳаёт жадвалининг кейинги кўрсаткичи – бу х ёшидан х+5 ёшигача яшаб етиш эҳтимолидир. Яшаб етиш эҳтимоли ҳамда ўлим эҳтимоли бир-бирини истисно этувчи иккита эҳтимол бўлганлиги боис, уларнинг йиғиндиси 1 га тенг. Шундай қилиб, х+5 ёшигача яшаш эҳтимоли қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$p_x = 1 - q_x$$

Қисқа ҳаёт жадвалида охирги саналувчи "85 ёш ва ундан юқори ёш" оралиғига етиб борилганда ҳисоб-китобларни якунлаш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим: ўлим эҳтимоли 1 га, кейинги ёш гуруҳигача яшаб етиш эҳтимоли эса мос ҳолда 0 га тенглаштирилади.

p_x қиймати мавжуд ҳолда яшаб етганлар сони қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$l_{x+5} = l_x \times p_x$$

Ҳаёт жадвалидаги биринчи тўрт устун кўрсаткичлари янги ўзаро боғланишлар, улардан учтасини осон йўл билан бирдан-бир усулида (ўлганлар сони бундан истисно) чиқариш мумкинлигини юқоридаги мисолларда кузатиб ўтдик.

Санаб ўтилган кўрсаткичлар келгуси ҳисоб-китоблар учун жуда муҳим бўлиб, агрегат кўрсаткичлар ҳамда бевосита кутилаётган ҳаёт давомийлигини ҳисоблаш жараёнига ўтиш учун замин яратади. Яшаб етганлар сони, гарчи улар ўлим тартибининг эгри чизиғини таърифласа-да, дискрет тарзда ўзгаради. Айниқса, мазкур қисқа ҳаёт

жадвалига тегишли, аслида эса авлод сони анча равон ва мунтазам тарзда пасайиб боради. Шу сабабли, муайян авлоднинг аниқ катта ёшдалигини аниқлаш учун бошқа кўрсаткич, яъни х ёши билан х+5 ёши оралиғидаги яшовчилар сонидан фойдаланилади, бунинг учун х ёшигача яшаб етганлар сонига х+5 ёшигача яшаб етганлар сони қўшилади, йиғинди эса иккига бўлинади, яъни оддий ўртача арифметик кўрсаткич ҳисобланади. Натижада берилган беш йиллик оралиғидаги ҳар бир хил гуруҳига кирувчи одамларнинг ўртача сони ҳосил бўлади, сўнг бу сон 5 га, яъни оралиқ узунлигига кўпайтирилади, сўнгги вариантида ушбу формула қуйидаги кўрсаткичга эга бўлади:

$$L_x = \frac{l_x + l_{x+5}}{2} \times 5$$

Ҳаёт жадвали ҳисоблашдаги кейинги амал бу берилган ўлим тартиби сақланиши шароитида маълум календарь йилида туғилганларнинг яшаши лозим бўлган йиллар сонини аниқлашдир. Бу кўрсаткич барча L_x қийматларининг йиғиндиси бўлиб, бунда қўшиш қуйидан юқорига бўлган кетма-кетликда амалга оширилади. Ҳаёт жадвалига тенг бўлган, яъни l_0 гуруҳи учун у "85 ёш ва ундан юқори ёш"дан "0" ёшигача яшаганлар сони йиғиндисига тенг:

$$T_0 = \sum L_x$$

Бошқа ҳар бир ёш гуруҳи учун мос равишда "85 ёш ва ундан юқори ёш"дан х ёшигача яшаганлар сони йиғиндисини ташкил қилади:

$$T_x = \sum L_x$$

Ҳаёт жадвалининг якуний кўрсаткичлари – янги туғилган гўдаклар учун ҳаёт давомийлиги ҳамда оралиқ ҳаёт давомийлиги, яъни маълум ёшгача яшаган инсонларнинг келгусида яшайдиган ҳаёт давомийлиги кўрсаткичларининг кетма-кетлигини ифодаловчи сонлар.

Янги туғилган гўдакларнинг кутилаётган ҳаёт давомийлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$e_0 = \frac{T_0}{l_0}$$

Мос равишда ҳар бир бошқа ёш гуруҳи оралиғигача яшаб етганларнинг ҳаёт давомийлиги ушбу формула бўйича ҳисобланади:

$$e_x = \frac{T_x}{l_x}$$

Ҳаёт жадвалида биринчи ёш гуруҳидан ташқари, бошқа барча гуруҳлардаги аҳоли ёшининг ўсиб бориши билан улар умрининг ўртача узунлиги камайиб бориши табиий ҳолдир (7.10-жадвал).

7.10-жадвал

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ аҳолисининг ҳаёт жадвали (2008 йил)

Ёш	Ёшлар бўйича олинган ўлим кўрсаткичи m_x	Яшаётганлар сони l_x	Ўлганлар сони d_x	Ўлим эҳтимоллиги q_x	Яшаш эҳтимоллиги P_x	Яшаганлар сони L_x	Яшамаган одамлар ёши сонларда T_x	Келажакдаги ҳаётнинг ўртача давомийлиги e^0_x
0	0,0127	1 000	13	0,0126	0,987	991	71 592	71,59
1-4	0,0014	987	6	0,0056	0,994	3 936	70 600	71,50
5-9	0,0003	982	2	0,0016	0,998	4 906	66 664	67,89
10-14	0,0003	980	2	0,0017	0,998	4 898	61 758	63,00
15-19	0,0005	979	2	0,0025	0,998	4 887	56 861	58,10
20-24	0,0008	976	4	0,0041	0,996	4 871	51 974	53,24
25-29	0,0012	972	6	0,0060	0,994	4 847	47 102	48,44
30-34	0,0016	966	8	0,0080	0,992	4 813	42 255	43,72
35-39	0,0021	959	10	0,0102	0,990	4 769	37 442	39,05
40-44	0,0027	949	13	0,0135	0,987	4 713	32 673	34,43
45-49	0,0039	936	18	0,0191	0,981	4 636	27 961	29,87
50-54	0,0069	918	31	0,0339	0,966	4 514	23 324	25,40
55-59	0,0121	887	52	0,0588	0,941	4 305	18 811	21,20
60-64	0,0214	835	85	0,1015	0,899	3 963	14 506	17,37
65-69	0,0334	750	116	0,1540	0,846	3 462	10 543	14,05
70-74	0,0541	635	151	0,2381	0,762	2 796	7 081	11,16
75-79	0,0878	484	174	0,3601	0,640	1 982	4 285	8,86
80-84	0,1133	309	137	0,4414	0,559	1 206	2 303	7,44
85+	0,1576	173	0	-	1,000	1 097	1 097	6,35

Танланган услуб ва бошланғич ахборотнинг ҳаққонийлигидан қатъи назар ҳаёт жадвали кўрсаткичларининг аниқлиги кўп жиҳатдан ҳисоблаш объекти бўлган гуруҳнинг катталигига боғлиқ. Бундай эҳтимолий услублар статистик қонунларга бўйсунувчи катта сонлар қонуниятидан келиб чиқишини ёдда тутмоқ лозим. Ҳаёт жадвалининг асосий кўрсаткичлари ҳисоби натижалари ёрдамида ҳисоблаб чиқиладиган миқдор кўрсаткичлар орасида маълум ёш оралиғи бошланишигача яшаб етмаганларнинг ўртача ҳаёт давомийлиги кўрсаткичи алоҳида қизиқиш уйғотади. У қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$e_{(x+t)} = \frac{T_{(x+t)} - T_x}{l_{(x+t)}}$ Мазкур кўрсаткичнинг аҳамияти шундаки, у аниқ ёш оралиғидаги ўлим ҳисобига ҳаёт давомийлиги йилларидаги реал йўқотиладиган йиллар сонини аниқлаш имконини беради. Масалан, агар 20-30 ёш оралиғида ҳисобланган ҳаёт давомийлиги 9,5 ёшга тенг бўлса, оралиқнинг амалдаги узунлиги 10 йил бўлса, у ҳолда жорий ўлим даражаси сақланган вазиятда ҳар бир 20 ёшга тўлганлар учун йўқотишлар 0,5 йилга тенг бўлади. Ушбу гуруҳ учун 20 ёшлиларнинг амалдаги сонини билиб, мазкур аҳоли авлоди келгуси 10 йил мобайнида дуч келадиган йўқотишларнинг йиғиндисини аниқлаш мумкин. Улар қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$dT = 0,5 \times P_{20}$$

Ҳаёт жадвали ўлимнинг жорий ҳолати ва ёш бўйича гуруҳлардаги динамикаси таҳлилининг мукаммал воситасидир. Ҳаёт жадвалининг якуний кўрсаткичи ҳисобланган янги туғилган гўдак учун кутиладиган ҳаёт давомийлигининг кўрсаткичи кўринишида, бир томондан, ўлим даражасини тавсифлайди, иккинчи томондан эса ҳар қандай мамлакат, ҳудудларнинг ўлим даражаларини таққослаш имконини беради, яъни бир демографик гуруҳнинг бошқасига нисбатан ҳолатини эпидемиологик жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси, ҳаёт сифати нуқтаи назаридан таққослаш имконини беради.

Демографияда алоҳида олинган касалликлар бўйича умрнинг ўртача узунлигини аниқлаш учун шу касалликдан ўлганлар сонини d_x дан айириб ташланиб ҳаёт жадвали тузилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига мувофиқ, ўлим тўғрисидаги гувоҳномада қуйидагилар қайд этилади:

• ўлимнинг бевосита сабаби – шикастланиш, касаллик ёки унинг ўлимга олиб келган асорати;

• ўлимга сабаб бўлган касаллик;

• асосий (дастлабки) касаллик, шунингдек, бошқа ўлим ҳолатига маълум тарзда сабаб бўлган касалликлар.

Ўлим тўғрисидаги гувоҳнома маълумотлари ўлим ҳақидаги далолатномани ёзиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур далолатномада қуйидагилар кўрсатилади:

• ўлим санаси, жойи ва сабаби;

• марҳумнинг туғилган жойи ва санаси, ёши, жинси;

• марҳумнинг доимий яшаш жойи ва у ерда яшаган давомийлиги;

• марҳумнинг баъзи ижтимоий-демографик тавсифлари;

• бир ёшгача бўлган даврда ўлганларда онасининг мос равишдаги тавсифлари, шунингдек, ўлган фарзанд нечанчиси бўлгани ва онанинг ёши.

Далолатнома икки нусхада тўлдирилади, биринчи нусха фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш бўлимида қолади, иккинчи нусха эса статистик ишланмалар учун туман (шаҳар) статистика бўлимига жўнатилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўлим жараёни қандай омиллар таъсирида вужудга келади?
2. Квазиэндоген омиллар деб нимага айтилади?
3. Эпидемиологик ўтиш деганда нимани тушунасиз?
4. Демографик тарихни даврлаштириш ўлимнинг нечта тури мавжудлигини кўрсатади?
5. Ўлим сабабларининг дастлабки рўйхати ким томонидан тузилган?
6. Ўлимнинг умумий коэффициенти қандай аниқланади?
7. Стандартланган ўлим коэффициентларини бевосита ва билвосита услубда ҳисоблаш тартибини тушунтириб беринг.
8. Инсон ҳаётининг биринчи йили қандай даврларга ажратилади?
9. "Перинатал ўлим" тушунчаси қандай маънони англатади?
10. Барвақт ва кечки неонатал ўлим қандай аниқланади?
11. Умрнинг ўртача давомийлиги деганда нимани тушунасиз?
12. Қиска ҳаёт жадвалини тузиш тартибини тушунтириб беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009.
2. Бедный М.С. Продолжительность жизни. – М.: Статистика, 1967.
3. Либанова Э.М. Продолжительность жизни населения: опыт комплексного регионального исследования. – Киев: Наукова Думка, 1991.
4. Демография: Учебник для вузов. /Под ред. Н.А. Волгина, Л.Л. Рыбаковского. – М.: Лагос, 2005.
5. Демография: Учебное пособие. /Под ред Глушкова В.Г., Симагин Ю.А. – М.: КноРус, 2010.
6. Медков В.М. Демография: Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2009.
7. Основы демографии: Учебное пособие. /Косов П.И., Берендеева А.Б. 2-е изд, доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010.
8. Россет О. Продолжителность человеческой жизни. – М.: Прогресс, 1981.
9. Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги мингйиллик-даги асосий мақсади. – Т., 2006.
10. Урланис Б.Ц. Эволюция продолжительности жизни. – М.: Статистика, 1978.

8-боб. АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

8.1. "Саломатлик" тушунчасининг моҳияти ва таркиби

"Саломатлик" ва у қандай баҳолапиши тўғрисида турли тасаввурлар мавжуд. Жумладан, тиббиётнинг отаси сифатида эътироф этилган Гиппократ "Саломатлик – бу инсоннинг субъектив-руҳий ҳисси бўлиб, у тўлиқ жисмоний ва руҳий кучларни ҳис қилган тарзда субъектив шикоятларнинг йўқлигидир"[1], деб ҳисоблаган.

Саломатликни баҳолашдаги бундай субъектив мезоннинг қўлланилиши маълум шубҳаларни тугдиради. Масалан, бир қатор касалликлар организмнинг ички муҳитида рўй берадиган паталогик ўзгаришлар билан бирга салбий субъектив ҳисларсиз кечиши мумкин. Айни вақтда инсоннинг субъектив ҳисларини етарлича ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас. Чунки улар кўпчилик ҳолларда касалликнинг ривожланиш тарихи асосини ташкил қилади. Мазкур омил, ўз навбатида, касаллик ҳолатларини аниқлашдаги ҳамда даволаш-профилактик чораларни ўз вақтида қўлланилишидаги муҳим дастлабки манба саналади.

Инсон организмининг функционал ҳолатларини фақат объектив баҳолаганда "саломатлик" киши организмининг атроф-муҳит талабларига уйғун мослашиши сифатида талқин қилинади. Бу саломатликнинг ҳам сифат, ҳам миқдор тавсифларининг ҳисобга олинишини талаб қилади. Шунинг учун икки минг йилдан ортиқ давр муқаддам ҳам Гален саломатликка доир учта ҳолатни ажратиб кўрсатган: соғлиқ, касаллик ва ўрта ҳолатлар. Абу Али ибн Сино эса саломатлик бўйича олти тоифали таснифни яратган: уларнинг дастлабки тўрттаси соғлиқнинг турли ҳолатларига мос, қолган иккитаси – ҳар хил даражадаги касалликлардир[2].

Ҳозирги вақтда баъзи олимлар "саломатлик" тушунчасини касалликни мослашувчи механизмлар "синиши"нинг натижаси, деб талқин қилади. Хусусан, И.В. Давидовский "саломатликни кишида жамланган барча биологик ва ижтимоий қобилиятлар тўлиқ намоён бўладиган ҳамда организмнинг барча муҳим ҳаётий тизимлари имкон қадар жадал ва катта тезликда фаолият кўрсатадиган ҳолатидир"[3], деб санаган. Д.Д. Венедиктов эса "саломатликни организмнинг атрофдаги табиат ва ижтимоий муҳит билан динамик тенглашиш ҳолати"[4], деб таърифлаган.

---

[1] Степанов А.Д. Норма, болезнь и вопросы здравоохранения. – М.: Финансы и статистика, 1975. – С.248-249.

[2] Микулин А.А. Активное долголетие. – М., 1976. – С. 30.

[3] Давидовский И.В. Демографические факторы здоровья. – М.: Статистика, 2008. – С. 68.

[4] Венедиктов Д.Д. Глобальные проблемы здравоохранения и пути их решения. //Вопросы философии, 1979, №1. – С. 106.

"Саломатлик" тушунчасига академик В.П. Казначеев томонидан берилган таъриф муфассалрок: "Саломатлик – бу фаол ҳаётнинг энг узок давомийлигида инсоннинг физиологик, биологик кобилиятлари, унинг меҳнатга энг мақбул лаёқатлилиги, ижтимоий фаолликларини сақлаш ва ривожлантириш жараёнидир"[1].

Сўнгги йилларда соғликни баҳоловчи турли интеграл услублар тавсия этилиб, уларда вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик, профилактик кўрик маълумотлари, айрим касалликларнинг уйғунлашуви, атроф-муҳит таъсирида соғлиқнинг бузилиши ва ҳакозолар ҳисобга олинган. Бунда алоҳида сабаб омиллари ва уларнинг инсон соғлигига таъсири даражаси ўртасидаги боғликликни аниқлаш масаласи катта амалий аҳамият касб этган. Зеро, бундай ахборотга таянган ҳолда салбий омилларни бартараф этиш ҳамда ижобий омиллар таъсирини кучайтириш орқали аҳоли соғлиғини бошкариш мумкин бўлади. Айнан шу ҳақда Н.А. Виноградов ижтимоий гигиенани "аҳоли соғлиғини сақлашнинг ҳолати ва динамикасини ҳамда уларни шакллантирадиган муҳит омилларини, айниқса ижтимоий омилларни ўрганади, соғликка ижобий таъсир этувчи омилларнинг ривожланишига шароит яратади ҳамда соғликка *салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этади*"[2], деб кўрсатган.

Иктисодчи олимлар инсон саломатлигини "чиқим-даромад" нуқтаи назаридан ҳам баҳолашган. Масалан, америкалик иктисодчи К. Уинслоу тарбия, таълим, тиббий ёрдамга сарфланадиган маблағ, шунингдек, оиласи ҳамда жамият учун меҳнат фаолияти натижасида бу чиқимларнинг қопланишини ҳисоблаб чиққан. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, 20 ёшгача бўлган даврда юкорида қайд қилинган чиқимлар 20 минг АҚШ долларини ташкил этган, 40 ёшларга келиб бу харажатлар қоплана бошланган, 60 ёшга келиб, "даромад" тахминан 20 минг АҚШ долларини ташкил этган. Шу тарика соғлом бўлган инсонларда меҳнатлари эвазига саломатлигининг нархи ошиб борса, касалларда эса у пасайиб боради[3].

"Саломатлик" тушунчасининг бу каби жуда хилма-хил таърифларга дуч келинади. П.И. Калюю уларни таҳлил этиш асосида турли мамлакатларда, *турли* вақтларда, *турли* фанлар вакиллари томонидан "саломатлик" тушунчасига доир 79 та белгини қайд қилган (8.1-расм):

• саломатлик – организмнинг меъёрида ишлаб туриши, шахснинг яшаши ва такрор ҳосил бўлишига ёрдам берадиган биологик жараёнларнинг меъёрий кечишидир;

---

[1] Казначеев В.П. Проблемы адаптации человека. – Новосибирск, 1977. Т.1. – С.3.
[2] Виноградов Н.А. География здоровья. – М.: ИНФРА-М, 2002. – 53
[3] Уинслоу К. Резервы здоровья. – Санкт-Петербург, 2006. – С.45-46



8.1-расм. П.И. Калью томонидан гурухлаштирилган "саломатлик" тушунчаси таърифлари

• саломатлик – инсон организми ва унинг функцияларининг атроф-мухит билан уйғун мутаносиблигидир;

• саломатлик инсоннинг ижтимоий фаолият ва ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш, асосий ижтимоий функцияларни тўлақонли бажаришга қодирлигидир;

• саломатлик – касалликлар, касаллик ҳолатлари ва ўзгаришларнинг мавжуд эмаслиги;

• саломатлик – инсон организмининг мунтазам ўзгариб турадиган ташқи муҳит шароитларига мослашишга қодирлигидир.

П.И. Калюшнинг фикрича, саломатликнинг барча хусусиятларини қуйидаги концепцияларда мужассамлаштириш мумкин:

1. **Тиббиёт модели** – тиббиёт белгилари ва хусусиятларини мужассамлаштирган таъриф учун: касаллик ва улар белгиларининг мавжуд эмаслиги.

2. **Биотиббиёт модели** – саломатсизликни ва органик бузилишларни субъектив ҳис этилмаслиги.

3. Биоижтимоий модель – саломатликнинг тиббиёт ва ижтимоий белгилари яхлитликда кўриб чикилиб, бунда ижтимоий белгиларга устуворлик берилади.

4. Қадриятли-ижтимоий модель – саломатлик инсоннинг қадрияти сифатида. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг саломатлик хусусидаги таърифи худди шу моделга тааллуқлидир[1].

[1] Калью П.И. Сущностная характеристика понятия «здоровье» и некоторые вопросы перестройки здравоохранения: обзорная информация. – М., 1988

Ҳақиқатан ҳам, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 1946 йилда қабул қилинган Низомининг Мукаддимасида саломатлик «Инсон организмининг органлари ва тизимлари уни ўраб турган ишлаб чиқариш ва ижтимоий муҳит билан мутаносиб бўлганида тўла жисмоний, маънавий, ижтимоий соғлигининг ҳолати»[1] сифатида талқин этади.

Ушбу тушунчада саломатликнинг учта: жисмоний, руҳий ва ижтимоий таркибий хусусиятлари қамраб олинган (8.2-расм).



8.2-расм. Саломатликнинг таркибий қисмлари

Жисмоний саломатлик – организм барча органлари ва тизимлари меъёрида амал этиб турган табиий ҳолатдир.

Руҳий саломатлик деганда, фикрлаш даражаси ва сифати, диққат, хотира ҳамда ироданинг ривожланганлиги, ҳиссий барқарорлик даражаси англанади.

Ижтимоий саломатлик инсон ижтимоий ҳаёти асосини ташкил этадиган ахлоқ тамойиллари асосида белгиланади, яъни бу инсоннинг муайян жамиятдаги ҳаёт фаолиятидир. Мазкур хислатлар, энг аввало, инсоннинг меҳнатга муносабати, ахлоқ ва турмуш тарзига зид хулқ ва одатларга фаол қарши турини назарда тутилади.

Тиббий-санитария статистикасида шахсий даражадаги саломатлик деганда, инсонда касалликларнинг мавжуд эмаслиги, жамият даражасида эса – ўлим, касалланиш ва ногиронлик даражасининг пасайиш жараёни тушунилади. Бунда қуйидагилар фарқланади:

- **шахсий саломатлик** – алоҳида инсоннинг саломатлиги;
- **гуруҳий саломатлик** – ижтимоий ва этник гуруҳларнинг саломатлиги;
- **минтақавий саломатлик** – маъмурий ҳудуд аҳолисининг саломатлиги;

[1] Устав Всемирной организации здравоохранения // http // www.who.org.

• **ижтимоий саломатлик** – умуман жамият саломатлиги.

Ижтимоий саломатлик ҳар бир фуқаронинг саломатлиги сингари, давлатнинг стратегик максади, миллий хавфсизлигининг мухим шартидир. Башарият тарихидан маълумки, аҳоли сонининг кескин камайиб кетиши, жумладан, юкумли касалликлар тарқалиши, умр кўриш ва туғилиш даражасининг пастлиги, ўлимнинг кўплиги сабабли бутун-бутун давлатлар йўколиб кетди. Ижтимоий саломатлик жамиятнинг одамлар турли касалликлар, жисмоний, психологик ва турмуш ташвишлари билан боғлик кўнгилсизликларга дуч келмайдиган яшаш шароити, бошкача килиб айтганда, соғлом турмуш тарзини шакллантириш имконияти яратилган ҳолатидир. У мамлакатнинг соғлом мехнатга оид салоҳиятини таъминлашнинг муҳим шарти, самарали давлат бошкаруви мезонидир.

Жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти эксперглари (S. Hakansson, B. Majnoni, D'Intignano, G.H. Mooney, J.L. Roberts, G.L. Stoddart, K.S. Johansen, H. Zollner) томонидан соғликни сақлаш тизимининг уч тури фарк килинадиган таснif таклиф этилган. Улар куйидагилар:

• бозор ёки хусусий тизим;

• давлат ёки Бевериж[1] тизими;

• ижтимоий сугурта ёки Бисмарк[2] тизими (8.1-жадвал).

Бозор ёки хусусий тизим учун тиббий ёрдамни асосан унинг истеъмолчилари ҳисобидан тақдим этиш, ягона давлат тиббий сугурта тизимининг мавжуд эмаслиги хосдир. Мазкур тизимда аҳолининг тиббий хизматларга эҳтиёжини қондиришнинг асосий воситаси тиббий хизматлар бозори ҳисобланади. Ушбу бозор томонидан тиббий хизматга қондирилмайдиган эҳтиёжлар (аҳолининг кам таъминланган тоифалари, пенсионерлар, ишсизлар ва ҳ.к.лар) учун харажатларни давлат ўз зиммасига олади. Бунинг учун тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилади ва улар молиялаштирилади.

Бозор ёки хусусий тизим АҚШ учун хосдир. Бу ерда хусусий тиббий хизматлар бозори аҳолининг ночор қисмига мўлжалланган "Medicade" ва пенсионерлар учун "Medicare" давлат дастурлари билан тўлдирилади. Ушбу модель, одатда, хусусий ёки бозор тизими ҳам деб аталади.

[1] Уильям Генри Бевериж (инг.: William Henry Beveridge, 1879–1963) – инглиз иктисодчиси ва давлат арбоби. Унинг аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг давлат тизими 1942 йилда машхур "Бевериж хисоботи" номини олган, "Фаровонлик давлати" ғояси олга сурилган "Ижтимоий сугурта ва шерикчилик хизматлари" ("Social Insurance and Allied Services") асарида баён килинган.

[2] Отто Эдуард Леопольд Карл-Вильгельм-Фердинанд герцог фон Лауэнбург князь фон Бисмарк унд Шенхаузен (нем. Otto Eduard Leopold von Bismarck-Schönhausen, 1815–1898) – давлат арбоби, Германия империясининг биринчи канцлери.

8.1-жадвал

Жаҳон мамлакатларидаги соғлиқни сақлаш тизимларининг хусусиятлари

Тизимлар	Тизимлар хусусиятлари	Тизимлар амал этадиган давлатлар
Бозорга хос хусусий тизим	Тиббий ёрдамни асосан унинг истеъмолчилари ҳисобидан тақдим этилади, ягона давлат тиббий суғурта тизими мавжуд эмас. Тиббий хизматларга эҳтиёж тиббий хизматлар бозори орқали қондирилади. Аҳоли ночор қисмига тиббий хизмат кўрсатиш харажатлари давлат дастурлари асосида қопланади	АҚШ
Давлат ёки Бевериж тизими	Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш харажатлари асосан давлат бюджети – корхона ва аҳолидан олинадиган солиқ ҳисобидан молиялаштирилади	Буюк Британия, Ирландия, Дания, Португалия, Испания, Италия, Греция
Ижтимоий суғурта ёки Бисмарк тизими	Давлат фуқаролар даромади даражасидан қатъи назар уларнинг ҳаммасига тиббий хизмат кўрсатилишининг кафолатини зиммасига олади. Молиялаш манбалари – суғурта ташкилотлари фойдасидан чегирмалар, хомашёлар ишлаб чиқаришдан тўловлар, бюджет маблағларидир	Германия, Голландия, Франция, Канада, Австрия, Бельгия, Япония, Швейцария

Давлат ёки Бевериж тизими аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда давлат роли-нинг устуворлигига асосланган. Мазкур моделда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш харажатлари асосан давлат бюджети – корхона ва аҳолидан олинадиган солиқ ҳисобидан молиялаштирилади. Мамлакат аҳолисига айрим тиббий хизматларни истисно этганда, бепул тиббий хизмат кўрсатилади. Яъни давлат асосий тиббий хизмат кўрсатувчи ва бу хизматнинг асосий истеъмолчиси сифатида тиббий хизматларга ижтимоий эҳтиёжнинг асосий қисмини қондиради. Тиббий хизматлар бозори иккиламчи даражага эга бўлиб, у ҳам давлат назорати остида бўлади.

Мазкур модель Буюк Британияда 1948 йилдан бери амал этади. У Европадаги кўпгина ривожланган давлатлар учун ҳам хос.

Соғлиқни ялпи суғурталашга асосланган ёки **Бисмарк тизими**ни, шунингдек, **ижтимоий суғурта тизими** ҳам деб аталади. Ушбу модель аралаш иқтисодиёт тизимига таянган, ўзида давлат томонидан тартибга солинишни ривожланган тизимини, шунингдек, аҳолининг барча қатламларининг тиббий хизматдан фойдаланиш ижтимоий кафолатлари остида тиббий хизматлар бозорини мужассамлаштирган.

Ушбу тизим мамлакат деярли барча аҳолисини мажбурий тиббий суғурта билан камраб олинишини, давлатнинг суғурта жамғармаларини молиялашда қисман иштирок этишини назарда тутади. Давлат бозор иқтисодиёти тамойилларини бузмасдан, фукаролар даромади даражасидан қатъи назар уларнинг ҳаммасига тиббий хизмат кўрсатилишининг кафолатини зиммасига олади. Молиялаш манбалари тизими (суғурта ташкилотлари фойдасидан чегирмалар, ходимлар иш ҳақидан тўловлар, бюджет маблағлари) ижтимоий-суғурта тиббиёти молиявий негизининг мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Соғликни сақлаш соҳаси – аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари тизимидир. Тиббиётда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг даволаш-диагностика жараёни турли боскичларига мувофик бўлган куйидаги турлари фаркланади (8.3-расм):



8.3-расм. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш турлари

• профилактика (тиббий кўриклар, вакцинация ва ҳ.к.лар);

• тез ёрдам (саломатлигининг аҳволи шошилинч тиббий ёрдамни талаб этадиган беморга тиббиёт ходимларининг ҳаракатчан гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган ёрдам);

• амбулаторияда даволаш (беморнинг тиббиёт муассасасида доимий бўлишини талаб этмайдиган касалликлар диагностикаси ва даволаш);

• стационарда даволаш (беморни бир кундан ортик муддатга тиббиёт муассасасига жойлаштириш оркали касалликлар диагностикаси ва даволаш);

• реабилитация (беморга стационар тиббий ёрдам кўрсатилганидан кейин касаллик окибатида организм функциясига етказилган зарарни тиклаш);

• тиббий-ижтимоий хизматлар (даволанмайдиган ва сурункали касалликларга дучор бўлган беморлар мавжуд ҳолатини сақлаб туриш, уларнинг дардларини енгиллаштиришга йўналтирилган тиббий ва ижтимоий хизматлар).

Жаҳон амалиётида тиббий технологияларни қўллаш мураккаблигига қараб аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг қуйидаги даражалари мавжуд (8.4-расм):



8.4-расм. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражалари

Биринчи даража – профилактика тадбирлари, тез ёрдам, амбулаторияларда умумий амалиёт шифокорлари ва терапевтлар томонидан кўрсатиладиган тиббий ёрдамни камраб оладиган дастлабки тиббий-санитария ёрдамидир.

Иккинчи даража – амбулаторияларда кўрсатиладиган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам (муайян касалликларни даволашга ихтисослашган шифокорлар – жарроҳлар, окулистлар, отоларингологлар ва ҳ.к.лар томонидан кўрсатиладиган тиббий ёрдам) ҳамда оммавий қўлланиладиган тиббий технологиялар асосида стационарларда даволаш.

Учинчи даража – ҳали оммалашмаган янги тиббий технологиялар асосида стационарларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга"лиги мустаҳкамлаб қўйилди.

"Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонунда фуқаролар соғлигини сақлашнинг асосий тамойиллари белгилаб қўйилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- соғликни сақлаш соҳасида инсон ҳуқукларига риоя қилиниши;
- аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;
- профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;
- соғлигини йўкотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;
- тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

Ўзбекистонда 1998 йилда қабул қилинган соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди (8.5-расм):



8.5-расм. Ўзбекистонда соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари

- соғликни сақлаш тизимининг норматив-ҳуқукий базасини такомиллаштириш;
- соғликни сақлаш тизимини шакллантириш, унинг инфратузилмасини ривожлантиришга принципиал жиҳатдан янгича ёндашув. Ислоҳотларнинг асосий мақсади қишлоқ аҳолисининг шаҳарликлар билан баб-баравар малакали тиббий ёрдам олишини таъминлашга қаратилди;

• тармоқ молиявий манбаларини, шу жумладан пуллик хизмат кўрсатиш ва хусусий соғликни сақлаш секторини ривожлантириш ҳисобига кенгайтириш, бу билан бюджетдан молиялаштиришни тўлдириш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш, беморларнинг тиббиёт муассасалари ва уларнинг ходимларига нисбатан талабчанлигини ошириш;

• бюджет маблағларини кўп чикимли койка фондларидан самарасиз фойдаланиш ўрнига, биринчи навбатда, амбулатория-поликлиника бирламчи бўғинида даволашга марказлаштириш;

• барча маъмурий-ҳудудий даражада аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш;

• соғликни сақлаш тизимини бошкаришни такомиллаштириш, кўп бўғинлиликни камайтириш;

• оналик ва болаликни муҳофаза килишга биринчи даражали эътибор бериш.

Мамлакатда ушбу соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида соғликни сақлашнинг уч даражали тизими яратилди (8.6-расм).

1. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами – аҳолига тураржойлардаги тиббиёт муассасаларида, баъзан уйда кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг энг оммавий ва асосий туридир. Бу бўғинда умумий ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш шифокорлари ишлайдилар. Соғликни сақлаш давлат тизимида шаҳарларда бирламчи тиббий санитария ёрдамига оилавий поликлиникалар, қишлоқ жойларида эса кишлоқ шифокорли пунктлари киради. Олисдаги қишлоқларда мазкур пунктлар қишлоқ шифокорлик пунктларининг филиаллари – фельдшерлик-акушерлик шахобчалари шаклида ташкил этилган.

2. Марказий (шаҳар) касалхона ва поликлиниклари, туман диспансерлари ва касалхоналари. Уларда беморларни даволаш мутахассис шифокорлар махсус даволаш-диагностика тиббий технологиялари асосида амалга оширилади.

3. Тор йўналишли, ўрта йўналишли ва кўп йўналишли республика ва вилоят тиббий муассасалари.

Тор йўналишли тиббий муассасалар – стоматология хоналари, офтальмология, кардиология ва бошқа марказлардир.

Ўрта йўналишли тиббий муассасалар – даволаш клиникалари, хирургия марказлари, йирик стоматология клиникалари, акушерлик мажмуалари ва ҳ.кларидир.

Кўп йўналишли тиббий муассасалар – марказий туман ва шаҳар поликлиника ва касалхоналари, вилоят ва республика кўп йўналишли касалхоналари, шошилинчи ёрдам марказларидир.



8.6-расм. Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизими

Ўзбекистон Республикасида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдамни бепул кўрсатадилар. Бундай муассасалар қаторига қуйидагилар киради:

• қишлоқ шифокорлик пунктлари – улар қишлоқ жойларида аҳолига барча бирламчи тиббий ёрдам кўрсатади;

• шаҳар амбулатория-поликлиника муассасалари – улар шаҳар аҳолисига барча бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатади;

• шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича республика, вилоятлар марказлари, уларнинг туман ва шаҳар бўлимлари мамлакат бутун ҳудудида аҳолига стационар шароитда тез (шошилинч) тиббий ёрдам кўрсатади;

• туғруқхона муассасалари ва мажмуалари;

• юқумли касалликлар, силга қарши, онкологик, психиатрик, наркологик, эндокринологик даволаш муассасалари.

Шу билан бирга мамлакатда аралаш молиялаштириш асосида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар ҳам мавжуд. Улар қуйидагилардир:

• умумий йўналишдаги стационар касалхона муассасалари;

• ихтисослаштирилган касалхона муассасалари;

• идоравий амбулатория-поликлиника ва стационар касалхона муассасалари.

Мамлакатда стоматология поликлиникалари ва хусусий тиббиёт муассасалари аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда Давлат бюджети харажатлари умумий миқдорининг 15,7 %и соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилмоқда. Кейинги ўн йил мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган бюджет маблағлари ҳамда имтиёзли кредит ва гранглар 750,0 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш учун 2012 йилда Таълим муассасаларини реконструкция килиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция килиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига айлантирилди. Мазкур Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2012 йилда 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция килишга 255 миллиард сўмдан ортик маблағ йўналтирилди, 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналар ва бир сменада 11 минг кишини қабул кила оладиган амбулатория-поликлиника объектлари фойдаланишга топширилди. Тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун Жамғарма томонидан 8 миллиард сўмдан ортик маблағ ажратилди.

Мамлакатда эпидемик барқарорликни таъминлаш максадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида катор йиллар давомида

аҳоли ўртасида полиомиелит, бўғма, қоқшол касалликлари рўйхатга олинмайди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100,0 %ни ташкил этади. 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелит вирусидан холи ҳудудлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатига эга бўлган.

Мамлакатда ҳар 100 минг кишига ҳисоблаганда, ижтимоий хавфи катта бўлган касалликларга чалиниш ҳолатлари, жумладан, туғма нуксонлар билан туғилиш – 32,4 %га, юқумли касалликлар – 40,0 %га, юқори нафас органларининг ўткир инфекциялари билан оғриш – 4,2 баробар камайди.

Республикада, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилган. Ҳозир деярли барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият юритмоқда. Улар ишга тушган 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуксонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд камайди. Қишлоқ жойлардаги барча ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғлом наслни шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда. 14 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 100,0 % йилига икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили чуқур тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Аёллар мамлакатдаги 2386 аёллар маслахатхонасидан тиббий ёрдам оладилар. Ҳомиладорлар ва гинекология касаллигига чалинганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун деярли 30 минг ўринли туғруқхона муассасалари мавжуд.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида мамлакатда эришилган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан ҳам юкори баҳоланиб келмоқда. Репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича "ўзбек модели" Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилди. Буюк Британиянинг "Болаларни асрайлик" ("Save the children") ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида Ўзбекистон 9 ўринни эгаллади.

8.2. Аҳоли саломатлигини баҳолаш

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти "XXI асрда - ҳамма учун саломатлик" дастури асосида инсон саломатлиги – ижтимоий хусусият эканлигидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий саломатликни баҳолаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия этган:

• ялпи ички маҳсулот ҳажмида соғлиқни сақлашга харажатларнинг улуши;

• биринчи тиббий-санитария ёрдамидан фойдаланиш имконияти;

• аҳолини эмлаш даражаси;

• ҳомиладорларнинг малакали ходимлар томонидан текширилиши даражаси;

• болаларни овқатлантириш ҳолати;

• болалар ўлимининг даражаси;

• кутилаётган ўртача умр давомийлиги;

• аҳолининг гигиеник саводхонлиги.

Умуман, халқаро амалиётда ижтимоий саломатликни баҳолашда, одатда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

• демографик кўрсаткичлар (туғилиш, ўлим, умр кўришнинг кутилаётган ўртача давомийлиги);

• *касалланиш* кўрсаткичлари (аҳолнинг ёш гуруҳлари бўйича, юкумли ва алоҳида касалликлар турлари бўйича, меҳнат кобилиятини йўқотиш олиб келган соғлиқ касалликлар бўйича ва ҳ.к.лар);

• *ногиронлик кўрсаткичлари (умумий, болалар, жинс-ёш, сабаблари бўйича)* ва бошқалар.

Аҳоли саломатлиги ҳақида маълумот берувчи муҳим манба касалланишлар тўғрисидаги маълумотлардир.

Касалланиш деганда, аҳоли орасида ёки унинг айрим гуруҳлари орасида тарқалган касалликлар тушунилади. Касалланишларни ўрганиш соғлиқни сақлаш муассасалари учун муҳим аҳамиятга эга. Хусусан:

• касалланишлар аҳоли саломатлигини, унинг санитар ҳолатини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади;

• касалланишлар соғлиқни сақлаш муассасалари иш фаолиятининг сифати ва самарасини кўрсатувчи асосий мезондир;

• касалланишларни ўрганиш ва уни камайтириш соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиология, даволаш-профилактика муассасаларининг асосий вазифаларидан бири саналади. Шу билан бирга, касалланишларни муайян ҳудудларда ташқи муҳит, турмуш ва меҳнат шароитлари билан боғлаб ўрганиш аҳоли саломатлигини яхшилаш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чикишга замин ҳозирлайди;

• касалликларнинг динамикасини ўрганиш натижасида аҳоли орасидаги патологик жараёнларнинг ўзгариши ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлинади, бунинг асосида аҳолининг тиббий ёрдамга эҳтиёжи аниқланади.

Аҳоли орасидаги касалланишларни ўрганишнинг бошланғич ва асосий манбаларидан бири беморларнинг даволаш-профилактика муассасаларига тиббий ёрдам олиш мақсадидаги мурожаати ҳисобланади. Умумий касалланишлар ҳақидаги маълумот барча касалликларни жорий рўйхатга олишга асосланган. Шунингдек, ҳар бир касаллик бўйича жорий йилдаги бирламчи мурожаатлар кузатув бирлиги сифатида қабул қилинган. Сурункали касаллик бўйича бемор йил давомида даволаш-профилактика муассасаларига бир неча марта мурожаат қилишидан қатъи назар, у кузатув бирлиги қилиб беморнинг биринчи мурожаатида ҳисобга олинади.

Аҳоли орасида тарқалган касалликлар 8.2-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида ўрганилади.

8.2-жадвал

Аҳоли орасида тарқалган касалликларни ўрганиш тартиби

Касалликлар ҳақида маълумотлар тўпланишнинг асосий манбалари	Касалланиш турлари
1. Аҳолининг тиббиёт муассасаларига мурожаати	Бирламчи касалланиш
	Умумий касалланиш
	Юқумли касалликлар билан касалланиш
	Муҳим ноэпидемик касалликлар билан касалланиш
	Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотишга олиб келадиган касалликлар
	Шифохонада муқим ётган беморларнинг касалланишлари
	Погиронлик
2. Тиббий кўрик маълумотлари	Тиббий кўрик натижасида топилган касалликлар
3. Ўлим сабабларини ўрганишдан олинган маълумотлар	Ўлимга сабаб бўлган касалликлар

Аҳолининг даволаш-профилактика муассасаларига мурожаати натижасида ўрганилган касалланишлар таҳлил қилинганида, маълумотларнинг тўлиқлигига таъсир этувчи тиббий ёрдамнинг яқинлиги, шифокорлар билан таъминланганлик, аҳоли яшаш жойида ихтисослашган тиббиёт муассасаларига мурожаати, аҳолининг санитария маданияти-нинг даражаси, уларнинг ўз соглигига муносабати каби омиллар инобатга олиниши керак.

Умумий касалланишларни ўрганишнинг асосий манбаларидан яна бири аҳоли орасида ўтказиладиган профилактик ва мақсадли тиббий кўриклар ҳамда диспансер кузатувларидир. Бу усул оркали яширин кечувчи, олдиндан маълум бўлмаган ёки аҳолини фаол равишда тиббий ёрдам олиш учун мурожаат этишга мажбур қилмаган сурункали касалликлар аниқланади. Тиббий кўрик маълумотлари, аҳолининг

кузатиш натижасида олинган маълумотлар билан кўшилиб касалликлар ҳақидаги материалларни янада тўлдиради, уларга бирмунча аниқлик киритади ва аҳолининг умумий касалланишларини янада тўлароқ аниқлашга ёрдам беради.

Аҳолининг умумий касалланишлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда қуйидаги статистика кўрсаткичлар келтириб чиқарилади:

1. Бирламчи касалланишлар:

$$t_{б.к.} = \frac{B}{A} \times 1000 \ ,$$

бу ерда: В – жорий йилда биринчи марта рўйхатга олинган касалликлар сони;

А – аҳолининг ўртача йиллик сони.

2. Умумий касалланишлар:

$$t_{у.к.} = \frac{U}{A} \times 1000$$

бу ерда: U – жорий йилда рўйхатга олинган жами касалликлар сони;

А – аҳолининг ўртача йиллик сони.

3. Касалликлар таркиби (жами касалликлар таркибида айрим-ларининг улуши, синфлар, нозологик шакллар):

$$t_{к.т.} = \frac{S}{U} \times 100$$

бу ерда: S – маълум касалликларнг сони;

U – умумий касалликлар сони.

4. Тиббий кўрикда аниқланган касалликлар кўрсаткичи:

$$t_{т.к.} = \frac{P}{R} \times 1000$$

бу ерда: Р – тиббий кўрикда аниқланган касалликлар сони;

R – тиббий кўрикдан ўтказилган шахсларнинг умумий сони.

Юкумли касалликлар. Юкумли касалликлар аҳоли учун хавф туғдиради, чунки юкумли касалликларни ўз вақтида олди олинмаса, улар тез тарқалиб эпидемияга айланиб кетиши мумкин. Шу муносабат билан уларни назорат қилиш учун ҳар бир юкумли касалликни ўз вақтида қайд этиб, туман (шаҳар) санитария-эпидемиология станцияларига шошилинч хабар бериш лозим.

Юкумли касалликлар аниқланганда ёки улар тўғрисида гумон қилинганда шошилинч хабар мажбурий бўлган касалликлар рўйхати соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади ва бу рўйхат барча туман, шаҳарлар учун мажбурий ҳисобланади.

Юқумли касалликларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Карантин касалликлар (ўлат, вабо, кора чечак, сарик безгак, қайталама терлама).

2. Санитария-эпидемиология станциялари билан бир вақтнинг ўзида махсус ихтисослаштирилган даволаш профилактика муассасаларида ахборот тўпланадиган касалликлар (сил, захм, сўзак, трахома, замбуруғли касалликлар, мохов).

3. Даволаш-профилактика муассасалари санитария-эпидемиология станцияларига фақат ёзма равишда ахборот берадиган касалликлар (грипп, юқори нафас олиш йўли инфекциялари).

4. Ҳар бир касаллик ва касал ҳақида махсус ахборот бериладиган касалликлар (ошқозон тифи, паратиф, ичбуруғ, қизамиқ, кўкйўтал, менингит, энцефалит, инфекцион гепатит, скарлатина, қокшол, қутуриш, тошмали тиф, сувчечак, эпидемик паротит ва бошқалар).

Юқоридаги касалликлар гуруҳи бўйича амалдаги қонунга асосан юқумли касалликни биринчи бўлиб аниқлаган ёки гумон қилган ҳар бир шифокор, ўрта тиббиёт ходими санитария-эпидемиология станциясига шошилинч хабар юбориши зарур.

Муҳим ноэпидемик касалликлар. Ўтиши жиҳатидан оғир, атрофдаги кишилар ва келажак авлод учун хавф туғдириши жиҳатдан муҳим бўлган ноэпидемик касалликлар алоҳида ҳисобга олиб борилади. Бундай касалликлар жумласига сил, юқумли таносил касалликлар, замбуруғли касалликлар, трахома ва хавфли ўсмалар киради. Ҳар қандай даволаш-профилактика муассасасининг шифокорлари шундай касалликларни аниқлаганда махсус ихтисослаштирилган диспансерларга тегишли ҳужжатни тўлдириш орқали ахборот беради. Жойлардаги диспансерлар ташхисни аниклагандан сўнг уларни рўйхатга олади ва беморни кузатиб боради. Диспансерларда касаллик тасдиқлагандан сўнг бемор ҳақидаги хабар тегишли вилоят диспансерларига юборилади ва у ерда айрим касалликлар бўйича 6 ойда, бошка бир касалликлар бўйича 1 йилда бир марта ҳисобот тайёрланади. Ана шу ҳисобот маълумотларига асосланиб, ҳудудлар бўйича касалланиш кўрсаткичлари ҳар 100 000 кишига нисбатан ҳисобланади.

8.3. Меҳнатга қобилиятини вақтинчалик йўқотишга олиб келадиган касалликлар ва ногиронлик маълумотлари

Меҳнатга қобилиятини вақтинчалик йўқотишга олиб келадиган касалликлар беморларга шифокор томонидан бериладиган меҳнатга яроқсизлик варақаларига караб ўрганилади ва у аҳолининг иш билан банд қисмига таалуқли бўлади. Меҳнатга яроқсизлик варақаси бир вақтнинг ўзида ходимларнинг сабабли ишга чиқмаслигини

тасдиқловчи статистика, ҳуқуқий ҳамда вақтинчалик меҳнатга яроқсизлиги учун нафака тўланадиган молиявий ҳужжат ҳисобланади.

Меҳнатга яроқсизлик варақалари асосида ходимларнинг орасида касалланиш ҳоллари корхона ва ташкилотлар бўйича ҳисобга олинади. Касалланиш тўғрисидаги маълумотларни кейинчалик вилоят касаба уюшмалари қўмитаси ва республика Касаба уюшмалари федерациясининг статистика бўлими умумлаштиради, таҳлил этади ва тегишли чораларни белгилайди.

Меҳнатга қобилиятини вақтинча йўқотишга олиб борадиган касалликларга оид учта асосий кўрсаткич мавжуд:

1. Ҳар 100 та ходимга тўғри келадиган меҳнатга яроқсизлик ҳоллари сони:

$$F = \frac{r}{A} \times 100$$

бу ерда: r — меҳнатга яроқсизлик ҳоллари сони;

A — ходимлар сони.

2. Ходимларнинг 100 тасига тўғри келадиган меҳнатга яроқсизлик кунлари сони:

$$N = \frac{n}{A} \times 100$$

бу ерда: n — меҳнатга яроқсизлик кунлари сони;

A — ходимлар сони.

3. Битта меҳнатга яроқсизлик ҳолатининг ўртача муддати:

$$P = \frac{n}{r}$$

Меҳнатга қобилиятини вақтинча йўқотишга сабаб бўлган касалликларни ўрганишда 100 ходимга тўғри келадиган ўртача кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишдан ташқари, беморлар тоифасини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Ходимларнинг маълум бир қисмида меҳнатга яроқсизлик ҳолатлари умуман бўлмаслиги амалиётда маълум: уларнинг кўпчилик қисми йилига 1-2 марта, айрим ходимлар эса йилига 5 марта ва ундан ортиқ касалланади. Бироқ ҳаммадан кўп меҳнатга яроқсизлик ҳоллари ва кунлари ходимларнинг ана шундай тез-тез ва узоқ касалланиб турадиган озгина қисмига тўғри келади.

Беморлар тоифаси бўйича касалланишни ўрганишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар қуйидагилардир:

1. Саломатлик индекси (меҳнат жамоасида йил бўйи касал бўлмаган ходимлар улушини англатади):

$$Z = \frac{\delta}{A} \times 100 \ ,$$

бу ерда: δ– мазкур жамоада йил бўйи касал бўлмаган ходимлар миқдори;

А – ходимлар сони.

2. Бемор ходимлар кўрсаткичи:

$$J = \frac{\beta}{A} \times 100$$

бу ерда: β– жорий йилда меҳнат қобилиятини йўқотган ходимлар миқдори.

Шифохонада муким ётганларнинг касалланиши. Шифохонада муким даволанадиган беморларнинг ўрни, мутахассислар сонини аниқлашда ва айрим ихтисослашган касалхоналарни ташкил этишни режалаштиришда шифохонада муким даволанганлар сони билан бир каторда уларнинг касалланиш кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда шифохоналардаги касалланишларни рўйхатга олиш ва ўрганиш яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир шифохонага ётқизилиш ҳолати кузатув бирлиги ҳисобланади. Бемор касалхонада чиқаётганда уларнинг ҳар бирига статистика картаси тўлдирилади. Шифохонада муким ётган беморлар кўрсаткичи туман, шаҳар, вилоят, республика бўйича ҳар 1000 аҳолига нисбатан ҳисобланади. Бундан ташқари, шифохоналарда муким даволанаётган беморлар тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, қуйидаги қўшимча кўрсаткичларни аниқлаш мумкин:

• ташхислар кўплиги, уларнинг катталиги, тавсифи, асосий касалликлар, уларнинг асорати;

• шифокор қўйган ташхиснинг сифати, уларни поликлиника ташхислари ва ўлим ҳолатлари юз берганда паталогоанатомик ташхислар билан мос келиши;

• турли касалликлар бўйича беморларни муким шифохоналарда даволаш муддати;

• муайян касалликлар бўйича ўз вақтида касалхонага ётқизилмаганлиги ва уларнинг катталиги;

• шифохонада муким ётган беморларнинг ёш, жинс, касб, клиник бўлимлар бўйича таркиби;

• турли даволаш усулларининг самарадорлиги (жарроҳлик, терапевтик, медикаментоз, физиотерапевтик даволашлар);

• шифохонада даволанишларнинг окибати (соғайиш, қисман соғайиш, ёмонлашиш, ўлим ҳолатлари);

• бир йил давомида муайян бир касаллик билан такрор ётқизишлар сони.

Ўзбекистонда шифохоналарда беморларнинг муқим даволаниши учун 126,7 минга жой (койка) мавжуд. Бу мамлакатнинг ҳар 10 минг аҳолисига муқим даволаниш учун 44,9 та жой тўғри келишини англатади. Республикада касалликларнинг олдини олиш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида тиббий хизмат кўрсатиш сифати тобора ортиб бораётганлиги сабабли беморларни муқим даволаш жойлари камайиб бормоқда. Шундай бўлишига қарамай, ҳукуматдан 2011 йилда мамлакатда катта ва ўсмир ёшдаги 3553,0 минг нафардан кўпроқ киши ҳамда 1181,3 минг бола шифо-хоналарда муқим даволанди.

Ногиронлик. Ногиронлик (лотинча "invalidus" – "кучсиз", "қувватсиз" сўзидан) касалликлар билан боғлиқ жароҳатлар ёки нуқсонлар оқибатида ҳаёт фаолиятининг чекланишига олиб келувчи ва киши яшаш имконини ҳимояга муҳтожлигини келтириб чиқарувчи организм *функцияларининг* барқарор бажарилишининг издан чиқиши оқибатидаги инсон саломатлигининг бузилишидир. Бунда ҳаёт фаолиятининг чекланиши деганда, инсон имкониятларининг тўлиқ ёки қисман йўқотилиши ёки ўз-ўзига хизмат қилиш, мустақил ҳаракатланиш, мўлжални онгли мулоқот қилиш, ўз хулқини назорат қилиш, таълим олиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятларининг йўқотилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ организм функциялари чекланишининг даражаси ва ҳаёт фаолиятининг чекланганлигига боғлиқ ҳолда *ногиронлар деб тан олинган шахсларга ногиронлик гуруҳи* ўрнатилади. 18 ёшгача бўлган шахсларга эса "ногирон-бола" тоифаси белгиланади.

Шахснинг ногирон деб тан олиниши тиббий-меҳнат экспертиза *комиссияси* томонидан амалга оширилади.

Ногиронликни белгилаш учун ҳаёт фаолияти чекланганлигининг даражаси аниқланиши керак, яъни соғлиқнинг бузилиши оқибатида инсон фаолиятининг меъёридагидан четга чиқишининг катталиги аниқланади.

Инсон организми асосий функцияларининг бузилиши таснифи қуйидагича амалга оширилади:

1. Психик функциялар бузилиши (қабул қилиш, эътибор, хотира, фикрлаш, мулоқот, ҳиссиётлар, эркинлик).
2. Сенсор функцияларнинг бузилиши (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, ҳис қилиш).
3. Статодинамик функциянинг бузилиши.

4. Қон айланиш, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, ажратиш, моддалар ва энергия алмашинуви, ички секреция функцияларининг бузилиши.

Ногиронлик бўйича ўрнатиладиган асосий ҳаёт фаолияти тоифалари қуйидагича таснифланади:

1. Ўз-ўзига хизмат кўрсата олиш қобилияти – мустақил равишда ўзининг асосий физиологик эҳтиёжларини қондира олиши, кундалик маиший фаолият билан шуғуллана олиши ва шахсий гигиена кўникмаларини амалга ошира олиши.

2. Мустақил равишда ҳаракатлана олиши – маконда мустақил равишда ҳаракатлана олиши, тўсиқлардан ўта олиши, бажарилаётган маиший, ижтимоий ва касбий фаолият доирасида тананинг тик туришини сақлай олиши.

3. Таълим олиш қобилияти – олинган билимларни (умумтаълим, касбий ва ҳ.к.лар) англай олиши ва етказиб бера олиши, кўникма ва билимларга (ижтимоий, маданий ва маиший) эга бўла олиш қобилияти.

4. Меҳнат фаолиятига қобилияти – ишнинг мазмунига, ҳажмига ва бажариш шароитларига мос равишдаги талабларга мувофиқ фаолият кўрсата олиш қобилияти.

5. Мўлжал олиш қобилияти – вақт ва маконни англай олиш қобилияти.

6. Мулоқот қилиш қобилияти – маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва ўтказиш орқали одамлар орасида мулоқот ўрната олиш қобилияти.

7. Ўз хулқини назорат қилиш қобилияти – ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларни инобатга олган ҳолда ўзини англай олиши ва ўзини тутиш қобилияти.

Инсон организми функцияларининг барқарор бузилишини тавсифлаб берувчи турли сифат ва миқдор кўрсаткичларни комплекс баҳолаш қуйидаги бузилишларнинг тўртта даражасини ажратиб кўрсатишни назарда тутади:

1-даража – функцияларнинг аҳамиятсиз бузилиши;

2-даража – функцияларнинг ўртача (мўътадил) бузилиши;

3-даража – функцияларнинг намоён бўлган бузилиши;

4-даража – функцияларнинг аҳамиятли намоён бўлган бузилиши.

Намоён бўлиш даражалари бўйича ҳаёт фаолиятини чеклашлар уч даражага бўлинади. Масалан, мустақил равишда ҳаракатлана олиш қобилиятини чеклашлар қуйидагича таснифланади:

1-даража – узоқ вақт сарфлаб ҳаракатланишида, ишнинг қисман бажарилиши ва масофа қисқаришида мустақил ҳаракатланиш имконияти;

2-даража – ёрдамчи воситалардан фойдаланиб ёки бошқа шахслар ёрдамида мустақил ҳаракатлана олиш қобилияти;

3-даража – мустақил ҳаракатлана олмаслик ва бошқа шахслар ёрдамига тўлалигича боғлиқлик.

Меҳнат фаолияти қобилияти бўйича чекловлар қуйилагича таснифланади:

1-даража – ишлаб чиқариш фаолияти ҳажмининг камайиши ёки малакасининг пастлиги шароитларида меҳнат фаолиятини бажара олиш қобилияти, ўз мутахассислиги бўйича ишларни бажара олмаслиги;

2-даража – ёрдамчи воситалардан фойдаланган ҳолда махсус яратилган шароитларда ёки махсус жиҳозланган иш ўрнида, бошқа шахслар ёрдамида меҳнат фаолиятини амалга ошириш қобилияти;

3-даража – меҳнат фаолиятига қобил эмаслиги.

Ногиронларга нисбатан олиб борилаётган ижтимоий сиёсат уларнинг ҳаётда ва жамият тараққиётида фаол қатнашиш имкониятларини кенгайтиришга, моддий аҳволларини яхшилашга қаратилган. Ҳаёт фаолиятининг бузилиши даражасига қараб биринчи, иккинчи, учинчи ногиронлик гуруҳи белгиланади.

Биринчи гуруҳ ногиронликни белгилаш учун касалликлар, жароҳатлар, тугма нуқсонлар оқибатида организм ҳаёт фаолиятининг яққол кўриниб турган чекланишлари асос бўлади.

Биринчи гуруҳ ногиронлик қуйидаги ҳолларда белгиланади:

• ўзига-ўзи хизмат қилиш, ҳаракат қилиш ёки ўз хулқ-атворини назорат қилиш (ўқиш, муомала қилиш, ҳаракатланиш), шунингдек, меҳнат фаолиятида қатнашиш мумкин бўлмаган, бу эса ўз навбатида, бошқаларнинг доимий парваришига, ёрдами ёки назоратига эҳтиёж сезишига олиб келадиган, тўла ижтимоий мослашувчанликни йўқотиш ҳолларида (тетраплегия, оғир тетрапарез, оғир сурункали психозлар, инкурабел хавфли ўсмалар);

• ҳаракат қилиш, ўзига-ўзи хизмат қилиш, ўқиш ёки муомала қилиш, ўзини идора қилиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш, шунингдек, оддий ишлаб чиқариш шароитида меҳнат фаолиятида қатнашиш янча қийинлашгани оқибатида, агар кўрсатилган бузилишлар доимо ўгаларнинг парвариши, ёрдами ёки назорати зарурлигини тақозо этувчи анча яққол кўриниб турган ижтимоий мослашувчанликни йўқотиш ҳолларида (оёқларнинг доимий фалажи, ҳар икки панжадаги

ҳамма бармокларнинг йўклиги, юкоридан учдан бир даражада ҳар икки сонининг чўлтоклиги, бутунлай кўрмаслик).

Иккинчи гуруҳ ногиронлик қуйидаги ҳолларда белгиланади:

• саломатлигининг ҳолатига кўра меҳнат фаолиятида қатнаша олмаслик оқибатида анча яққол кўриниб турган ижтимоий мослашувчанликни йўқотишда ёки меҳнат фаолияти таъсирида касаллик кечишининг ёмонлашиши, оғир асоратлар пайдо бўлиш хавфи туғилганда, шунингдек, муомала қилиш, ўзини идора қилиш, ўқиш, ўз хулк-атворини назорат қилишга яққол қийналишда, аммо ўзгалар ёрдамига, парвариши ёки назоратига эҳтиёж бўлмаганда (юракнинг клапан аппарати шикастланганлиги ёки қон айланишининг II ва III даражали доимий бузилгандаги миокард, тез авж олувчи, тез-тез кризисларга мойил иккинчи боскич гипертония касаллиги, ўпка циррози, такрорий миокард инфаркти, қиска вакт ичида такрорланган инсульт, яқин масофани кўролмаслик);

• оғир сурункали касалликлар, таянч-ҳаракат аъзоларининг ўзаро боғлик нуқсонлари ва кўриш қобилиятини анча йўқотиш оқибатида яққол кўриниб турган ижтимоий мослашувчанликни йўқотганда, шунингдек, муомала қилиш, ўзини идора қилиш, ўқиш, ўз хулк-аворини назорат қилиш ҳамда оддий шароитдаги меҳнат фаолиятида қатнашни қийин бўлганда, аммо ўзгалар ёрдамига, парвариши ёки назоратига эҳтиёж бўлмаганда (овқатланишнинг камайиши ва қиска муддатли ремиссиялар кўриниб турган яра касаллигининг оғир шакли, заҳарланиш, тез-тез зўрайиб турадиган бронхоэктатик касаллик, тез-тез хурж қиладиган тутқаноқ касаллиги, қадам босишни бир мунча бузиб турадиган оёқ парапарези).

Учинчи гуруҳ ногиронлик қуйидаги ҳолатларда белгиланади:

• ўзининг олдинги касби бўйича ишни давом эттириш имкони йўқлиги оқибатида саломатликнинг ҳолатига кўра камроқ малака талаб қиладиган бошқа касбдаги ишга ўтказиш зарур бўлган ҳолларда (масалан, юқори малакали чилангар асбобсозни қон айланишининг I ва II даражали баркарор бузилганлиги туфайли майда буюмларни йиғувчилик ишига ўтказиш; ўнг панжанинг II, III ва IV бармоқлари йўқлиги туфайли ип йигирувчи аёлни мато четини тўғрилаш ишига ўтказиш);

• зарурат бўлганда саломатлигининг ҳолатига кўра ишлаб чиқариш фаолияти ҳажмини анча қисқартиришга олиб келадиган ўз касби бўйича ишлаш шароитларини ўзгартириш (масалан, трест бош хисобчиси хотирасининг пасайиши, диққат-эътиборнинг камайиши,

вентиляция ва ҳ.к. билан боғлиқ церебрал атеросклерозга учраган-лиги туфайли кичикроқ муассасага ҳисобчилик ишига ўтказиш; кўп дастгоҳда ишловчи тўқувчи аёлни ўртача оғирликдаги қанд диабети туфайли 1-2 та дастгоҳда ишлашга ўтказиш ва ҳ.к.);

• кам малакали ёки илгари ишламаган шахсларда белгилари кўрсатиб турган функционал бузилишлар оқибатида уларнинг ишга жойланиши имкониятлари анча чекланганда (яра касаллигига чалинган ёрдамчи ишчини бино ичидаги вахтёрлик ишига ўтказиш; меҳнат малакасига эга бўлмаган, юрак-ўпка касалликларига чалинган аёлларни ишга жойлаштиришнинг қийинги туфайли улар погиронлар учун мўлжалланган артел шароитларида кўл меҳнатининг енгил турларига ишлаши мумкин ва ҳ.к.);

• оажарадиган шифодан қатъи назар, анатомик нуқсонлар ёки функцияларнинг бузилишига олиб келувчи деформациялар мавжуд бўлганда (кўлларнинг нуқсонлари, панжалардаги бош бармоқдан ташқари қолган уч ёки тўртта бармоқнинг йўқлиги, оёқларнинг нуқсонлари, юрак мушагининг ёки юрак халтасида бегона жисмнинг мавжудлиги, жагдаги ёки тангглайдаги нуқсонлар, нафас олиш етишмовчилиги).

Таъкидлаш лозимки, учинчи гуруҳ погиронлик белгиланадиган, аммо узоқ муддат даволанишга муҳтож шахсларга иккинчи гуруҳ погиронлик белгиланиши мумкин.

8.4. Инсоннинг ўзини сақлаш майли

Инсоннинг ўзини сақлаш майли – унинг саломатлигини сақлаш ва умр кўриш давомийлигини узайтиришга йўналтирилган шахсий ҳаракатлари ва интилишлари тизимидир. Демографияга бу тушунча тадқиқотчилар томонидан ҳозирги шароитда одамларнинг майли, уларнинг ўз саломатликлари ва умр кўриш давомийлик-ларига муносабати касалликлар ва ўлимнинг олдини олишда тобора муҳим роль ўйнай бошлаётганлиги муносабати билан киритилган.

Репродуктив майл каби инсоннинг ўзини сақлаш майли кишиларнинг ўзини идора қилишларига қобилиятини ифода этадиган ижтимоий майл концепциясига асосланган (8.7-расм).

Инсоннинг ўзини сақлаш майли ўзагини шахс томонидан бунга эҳтиёж ташкил этади. А. Маслоу томонидан ишлаб чиқилган беш гуруҳли эҳтиёжлар иерархиясида хавфсизлик (ўз яшашининг хавф-хатарсиз бўлиши) эҳтиёжлари бошланғич (туғма) эҳтиёжларга киритилган[1].

[1] Maslow A.H. A Theory of Human Motivation //Psychological Review (1943) 50. – P. 77



8.7-расм. Инсоннинг ўзини сақлаш майли таркиби[1]

Инсоннинг ўзини сақлаш майлининг энг муҳим омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- мутаносиб, меъёрдан ортиқча бўлмаган овқатланиш;
- етарли даражада жисмоний фаоллик;
- руҳий қаттиқ ҳаяжон (стресс)ни енга олишга қодирлик;
- зарарли одатлар (гиёҳвандлик, кашандалик, ичкиликбозлик ва ҳ.к.лар) мавжуд эмаслиги;
- ўз саломатлигига эътиборли бўлиш ва бошқалар.

Оқилона овқатланиш – ҳозирги вақтда даврнинг тезкорлиги билан боғлиқ бўлган ҳолда бутун дунёда кенг тарқалган муаммо ҳисобланади. Одамнинг овқатланиши мутаносиблик талабларига кўпинча жавоб бермайди, миқдор жиҳатидан эса ўз кучи сарфига мос эмас. Бугунги кунда аҳоли асосий қисми овқатланишининг энг жиддий камчиликлари қаторига одамлар рационида озуқа оқсили, дармондори (витамин)лар, микроэлементларнинг етишмаслиги ва карбонсув (углевод)ларнинг ортиқчалигидир. Шу билан бирга аҳоли томонидан тухум, қанд, консерва, нон ва қанд маҳсулотларини, шунингдек, тез тайёрланадиган овқатларни истеъмол қилиш ортиб бормоқда. Бу инсон организми томонидан карбонсув ва ёғларнинг кўп қисмини ҳазм қилинмасликка олиб келмоқда. Бунга кишиларнинг камҳаракатчан турмуш тарзи ҳам қўшилиб, саломатлик ва ҳатто ҳаёт учун хавф туғдирадиган қатор асоратларга олиб келадиган семириш кўпаймоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти семиришни баҳолаш учун аҳоли бўйи ва вазни нисбатини белгилайдиган тана вазни индексини

[1] Антонов А.И. Микросоциология семьи. – М., 2005. – С. 322.

ошиб чиққан. 2006 йилда Сиднейда бўлиб ўтган X Семириш бўйича халқаро конгресс хулосаларига кўра, инсондаги ортиқча вазнга юқумли хусусиятга эга бўлмаган глобал эпидемия сифатида қаралиши керак. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари дунё аҳолисининг 15,0 %и ортиқча вазнга эгалигидан далолат беради. Бу кўрсаткич, айниқса, ривожланган мамлакатларда муттасил ортиб бормоқда. Айрим давлатларда эса ҳозирнинг ўзида аҳолининг ярмидан кўпроғи ортиқча вазнга эгадир.

Соғлом турмуш тарзини қарор тонтиришда окилона овқатланиш билан бирга инсон организми учун физиологик зарурат бўлган ҳаракат фаоллиги ҳам зарур. Инсон учун "мушак очлиги" кислород, овқат ва дармондориларнинг етишмаслиги каби хавфлидир[1].

Аҳолини саломатликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган турмуш тарзига ўргатишга йўналтирилган умуммиллий дастурлар Европадаги давлатларда қон айланиш тизими хасталикларидан касалланиш ва ўлимни жиддий равишда камайтиришга хизмат қилди. Жумладан, бу давлатларда қон айланиш тизими касалликларидан ўлим даражаси 1994 йилда 100 минг аҳолига нисбатан 292 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилда 173 тага (40,9 %га) камайди.

Шуниси эътиборга моликки, ушбу мамлакатларда юрак-томир касалликларидан ўлимнинг камайиши аҳолининг спорт ва жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланиш даражасининг ортиши билан бевосита боғлиқ. Масалан, Германияда аҳолининг 67,0 %и, Францияда – 38,0 %и жисмоний тарбия машқлари билан мунтазам шуғулланади.

Инсоннинг ўзини сақлаш майли энг муҳим омилларидан бири – зарарли одатлар, энг аввало, кашандачилик билан кураш олиб боришдир. Чакиш юрак, ўпка саратони, бронхит, ошқозон яллигланиши ва бошка касалликларни қўзгайди. Кашандалар орасида ўлим даражаси бу зарарли одатга эга бўлмаганларга қараганда 39,0-80,0 %га кўп. Кашандаларда ўпканинг саратон касаллиги 10 марта кўпроқ кузатилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти спиртли ичимликларни ичиш, айниқса, буни суиистеъмол килиш ижтимоий соғлиқни сақлаш муаммолари билан бир қатордан жой олганлигини эътироф этишга мажбур бўлди. Мазкур халқаро ташкилот маълумотларига кўра, ичкиликбозлар ўртасида ўлим даражаси аҳоли умумий сонига қараганда 2-4 баравар юқоридир. Одамлар ўлимига олиб келадиган барча йўл-транспорт ҳодисаларининг 30,0 %дан 50.0 %гачаси ҳайдовчилар томонидан спиртли ичимликлар ичиши билан боғлик. Аҳолининг 25 ёшдан

[1] Фадеенко Г.Д. Избыточный вес: проблема внешнего вида или здоровья? – М., 2007. - С. 45-46.

64 ёшгача бўлган ёш гуруҳларида ўлимга сабаб бўладиган бешта касалликдан бир – спиртли ичимликлар оқибатидаги жигар циррозидир.

Ўзбекистонда ҳам ўлимга сабаб бўлаётган хасталикларнинг энг катта салмоғи қон айланиш тизими касалликларига тўғри келади (8.8-расм).

Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда негизига профилактика чора-тадбирларининг устунлиги белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам профилактика чора-тадбирлари, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мамлакатда соғлиқни сақлаш стратегиясининг асосий йўналишлари ҳисобланади (8.9-расм).



8.8-расм. Ўзбекистонда 2011 йилда ўлимга сабаб бўлган асосий касалликлар тури (касалликлар умумий миқдорига нисбатан % ҳисобида)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари. //http://www.stat.uz.

Республикада ана шу стратегияга асосланиб, соғлиқни сақлаш тизимида профилактика чора-тадбирлари устунлиги таъминланиши натижасида беморларни шифохоналарда муқим даволашни 1990 йилдаги аҳолининг ҳар 100 нафарига 24,6 дан 2010 йилда 16,4 тага тушириш имконини берди. Айни пайтда, беморнинг шифохонада муқим бўлиш муддати тегишли равишда 14,8 кундан 8,6 кунга камайди.

Мамлакатда ҳар 100 минг кишига ҳисоблаганда, ижтимоий хавфи катта бўлган касалликларга чалиниш ҳолатлари, жумладан, тугма нуқсонлар билан тугилиш – 32,4 %га, юқумли касалликлар – 40,0 %га, юқори нафас органларининг ўткир инфекциялари билан оғриш – 4,2 баробар камайди.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда жисмоний тарбия ва спортнинг роли каттадир. Жисмоний тарбия – инсон

саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, рухий ва жисмоний саломатлигини ривожлантиришга йўналтирилган. Жисмоний тарбиянинг асосий воситалари – жисмоний машғулотлар, организмни чиниқтириш, меҳнат ва турмуш гигиенасидир.



8.9-расм. Ўзбекистонда соғликни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари

Жисмоний тарбия, одатда, оммавий жисмоний тарбия ва даволаш жисмоний тарбиясига таснифланади. Оммавий жисмоний тарбия деганда, инсоннинг ўз жисмоний, психологик салоҳиятини оширин, чиниқиш, жисмоний рекреация даражасида машқ килиш тушунилади (8.10-расм).



8.10-расм. Жисмоний тарбия ва спортнинг таркибий кисмлари

Рекреация (лотинча "recreation" – "тиклаш" сўзидан) – табиат қўйнида жисмоний машқлар бажариш, спорт билан шуғулланиш орқали фаол дам олишдир. Рекреация, қоидага кўра, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишда юқори натижаларга эришиш учун зўриқишни талаб этмайди, балки жисмоний кучни тикланга каратилган.

Даволаш жисмоний тарбиясида эса шахснинг касалланиши, жароҳатланиши, зўриқиши ва бошқа сабабларга кўра организм

функциялари фаолияти бузилишини даволаш ва тиклаш учун махсус танланган жисмоний тарбия машқлари, айрим спорт воситаларидан фойдаланилади.

"Спорт" атамаси жисмоний тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланса ҳам асосан инсон жисмоний ва ақлий салоҳиятларини таққослаш, мусобақалашиш, спорт ўйинлари орқали кўнгил очиш маъносида ишлатилади.

Буюк мутафаккирлардан Абу Наср Форобий, Беруний, Ат-Термизий, Абу Али ибн Сино жисмоний тарбиянинг инсон саломатлиги ва камол топишидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаганлар. Жумладан, Абу Али ибн Сино жисмоний тарбиянинг инсон ривожланиши ва саломатлигидаги моҳиятини кўрсатган, фаол ҳаракатлар билан шуғулланиш зарурлигини уқтирган.

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов кўрсатиб ўтганидек, "Спорт – соғлом авлод, соғлом келажак деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади"[1].

Мамлакат таълим муассасаларида жисмоний тарбия узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим мажбурий қисми бўлиб, давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ юқори малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади. Жисмоний тарбия бўйича мажбурий дарслар, дарсдан ташқари машғулотлар ва тест синовлари барча таълим муассасаларида ўқувчиларнинг физиологик имкониятларига мос равишда ўтказилади. Умумтаълим мактабларида йил давомида камида тўрт марта ўқувчиларнинг ёши ва жинси назарда тутилган ҳолда жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарликнинг меъёр талаблари тест синовларида ўтказилади.

Ўзбекистондаги корхона, муассаса ва ташкилотлар фуқароларнинг жисмоний тарбиясига давлатнинг муҳим ижтимоий сиёсати сифатида қарайдилар ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурларини амалга оширади ҳамда улар асосида жисмоний тарбия ва спортни бошқариш маҳаллий давлат органлари билан биргаликда жисмоний

[1] Каримов И.А. Соғлом келажагимизнинг муҳим омили. //Халқ сўзи, 2009 йил 17 январь.

саломатлигини ва спортни ривожлантиришга доир ўз дастурларини ишлаб чиқади.

Натижада жисмоний тарбия ва спорт мамлакат аҳолиси кундалик турмушидан мустаҳкам ўрин олган. Бугунги кунда 145 мингтадан кўпроқ жисмоний тарбия жамоалари республиканинг 6,5 млн. фуқаросини бирлаштиради.

Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий асосини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 366 та стадион, 40,5 мингта спорт майдончалари, 9,0 мингта спорт заллари, 218 та сузиш ҳавзаси ишлаб турибди (8.3-жадвал).

8.3-жадвал

Ўзбекистонда ишлаб турган жисмоний тарбия спорт иншоотлари[1]

Спорт иншоотлари	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
1000 ва ундан кўп ўринли стадионлар	411	406	391	366
Спорт майдончалари, мингта	41,3	41,2	41,0	40,5
Спорт заллари, мингта	7,6	8,3	8,9	9,0
Сузиш ҳавзалари	195	204	206	218
Шу жумладан: спиклсуз ҳавзалари	61	61	59	73

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом бўлиб вояга етишини таъминлаш, уларга соғлом турмуш тарзи ва спортга меҳр-муҳаббат сингдиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги фармони билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши оммавий, айниқса болалар спортини ривожлантириш, унинг моддий асосини мустаҳкамлашни сифат жиҳатдан янги, юқори даражага кўтаришга хизмат қилди. 2004-2012 йилларда мамлакатда фақат спорт иншоотлари қуришга 20,9 млрд. сўмдан зиёд ва 1,1 млн. АҚШ долларидан кўп маблағ сарфланди.

Республикада болалар спорти жадал суръатларда ривожланмоқда. 2008 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган бола ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланаётганлар салмоғи 29,0 %дан 35,0 %га, шу жумладан қизлар ўртасида 24,0 %дан 31,5 %га етди.

Ўзбекистонда ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ўқувчи ва талабаларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилиш мақсадида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар

---

[1] Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Статистический сборник. – Т.: Госкомстат, 2011. – С.112.

коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари йўлга қўйилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. "Саломатлик" тушунчасига таъриф беринг.
2. Аҳоли саломатлигига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Ижтимоий саломатлик деганда нимани тушунасиз?
4. Аҳоли саломатлигини баҳолашда қандай ахборот манбаларидан фойдаланилади?
5. Аҳоли ўлими статистикасини юритиш тартибини тушунтириб беринг.
6. Касалланиш деганда нимани тушунасиз?
7. Касалликлар тўғрисида маълумотлар тўплашнинг асосий манбаларини айтиб беринг.
8. Саломатлик индекси қандай аниқланади?
9. Меҳнатга қобилиятини вақтинчалик йўқотишга олиб борадиган касалликлар тўғрисидаги кўрсаткичларни санаб беринг.
10. "Ногиронлик" сўзи қандай маънони англатади?
11. Шахс ким томонидан ногирон деб топилади?
12. Ногиронликнинг учта гуруҳини келтиринг.
13. "Инсоннинг ўзини сақлаш майли" деганда нимани тушунасиз?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни (янги таҳрир) 11.07.2008.
2. Бедный М.С. Здоровье и продолжительность жизни. – М.: Знание, 1990.
3. Бреева Е.Б. Основы демографии: Учебное пособие. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Дашков и К, 2009.
4. Денисова М.Б., Калмыкова Н.М. Демография. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010.
5. Лысенко С.Н. Демография. Учебно-практическое пособие. – М.: Вузовский учебник, 2010.
6. Основы демографии: Учебное пособие. Косов П.И., Берендеева А.Б. – 2-е изд, доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010.
7. Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги мингйилликдаги асосий мақсади. – Т., 2006.
8. Харченко Л.П. Демография. Учебное пособие. – М.: Омего-Л, 2009.

9-боб. АҲОЛИНИНГ ТАКРОР ҲОСИЛ ҚИЛИНИШИ

9.1. Аҳолининг такрор ҳосил қилиниши турлари

Аҳолининг такрор ҳосили қилиниши – инсон туғилиши ва вафот этиши орқали авлодлар алмашиши жараёнида аҳоли сони ва таркибининг мунтазам янгиланиб туришидир. Шунинг учун ҳар бир киши умр кўришининг чегараси бўлишига қарамай аҳоли ўз сони ва таркибини сақлаб ёки ўзгартириб мавжуд бўлишда давом этади.

"Аҳолининг такрор ҳосил қилиниши" тушунчаси кенг маънода ўз ичига аҳоли таркибининг ёши, жинси, ижтимоий гуруҳлари, миллати, оилавий ҳолати, таълим даражаси, касбий таркиби бўйича ривожланиши ва янгиланишини қамраб олади. Тор маънода эса, аҳолининг такрор ҳосил қилиниши – бу авлодларнинг туғилиш ва ўлим натижасида янгиланиб боришидир.

Жамиятнинг тарихий ривожланиши маъносида аҳолининг такрор ҳосил қилиниши ижтимоий тараққиёт билан биргаликда ўзгариб борган. Бу, айниқса, турли жамиятларда кўп болаликнинг кам болалик билан алмашинувида яққол кўзга ташланган. Аҳолининг такрор ҳосил қилинишидаги бундай туб ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий ривож-ланиши турлича бўлган давлатларда, шунингдек, турли миллат ва элатлардан ташкил топган жамиятларда бир вактда содир бўлмаган.

"Аҳолини такрор ҳосил қилиш" категорияси илмий муомалага XX асрнинг бошларида кириб келди[1], ҳолбуки буни ўрганишга XIX-XX асрларда жаҳонда рўй бераётган демографик ўзгаришларни идрок этишга ижтимоий эҳтиёжнинг ортиши натижасида киришилган. Аҳоли такрор ҳосили қилинишини туғилиш ва ўлим муштараклиги сифатида тадқиқ этишга дастлабки уринишлар XVIII асрдаёқ математик Л. Эйлер томонидан қилинган.

Аммо узоқ вақт давомида аҳолининг табиий ҳаракати айрим томонларини таҳлил этишга қизиқиш умуман аҳоли такрор ҳосили қилинишини ўрганишдан устун турган. Фақат XX аср бошида барқарор аҳоли модели яратилиши билан аҳоли такрор ҳосил қилинишини унинг ички миқдорий боғликлари билан биргаликда яхлит тадқиқ этиш бошланган[2].

Ахоли такрор ҳосил қилинишининг уч тури мавжуд (9.1-расм):

---

[1] Демография: учебник для вузов. /Под ред. Н.А. Волгина, Л.Л. Рыбаковского. – М.: Логос, 2005. – С.212.

[2] Бреева Е.Б. Основы демографии: Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2004. – С.352.



9.1-расм. Аҳоли такрор ҳосил қилиниши турлари

1. Аҳолининг тор такрор ҳосил қилиниши. Моҳият жиҳатидан аҳоли такрор ҳосил қилинишининг бу турида ҳаётни тарк этаётган авлоднинг мутлақ сони ҳаётга кириб келаётган авлод сонидан ортиқ бўлади.

Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг бундай тури аҳолисининг табиий ўсиши полга тенг ёки ўлим туғилишдан кўп бўлган мамлакатлар учун хос. Демографияда бу **"депопуляция"** (французча "depopulatin" сўзидан) ёки **"демографик инқироз"**, деб аталади. Аҳолининг тор такрор ҳосил қилиниши хос бўлган мамлакатларга фуқароларининг қирилиб кетиш хавфи таҳдид солади.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда аҳолининг тор такрор ҳосил қилиниши, одатда, урбанизация оқибатлари сифатида кўрилади. Чунки ана шудай жамиятларда фарзандлар ота-оналар учун "ортиқча" бўлади. Маълумки, иқтисодий ривожланган мамлакатларда саноат ишлаб чиқариши тараққий этган. Ушбу ишлаб чиқаришлар учун юқори малакали мутахассислар талаб қилинади. Ана шундай ходимларни тайёрлашга уларни 21-23 йил давомида ўқитиш лозим. Шу билан бирга оилада иккинчи ёки учинчи фарзанд кўришга аёлларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятга кенг жалб этилганлиги "халақит" беради.

2. Аҳолининг оддий такрор ҳосил қилиниши. Аҳолининг бундай такрор ҳосил қилинишида ота-оналари авлодини алмаштираётган фарзандлар авлодининг мутлақ сони баб-баравар бўлади.

Бундай жамиятда барқарор жинс-ёш таркиби шаклланади. Шунинг учун уни "муқим тур", деб ҳам аталади. Аҳолининг мазкур такрор ҳосил қилиниши учун туғилиш ва ўлимнинг, шунингдек, аҳоли табиий ўсишининг паст кўрсаткичлари хос бўлади. Бундай ҳолатда аҳолининг умумий сони кўпаймайди, айрим поқулай

вазиятлар юзага келса, жамият аҳолининг тор такрор ҳосил қилиниши турига ўтиб кетиши эҳтимоли катта. Ушбу ҳолатни ҳозирги вақтда Европа ва Шимолий Американинг ривожланган давлатларида кузатиш мумкин. Улар учун қуйидагилар хос:

• ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори даражаси;

• оилаларда даромаднинг ортиб бориши, фарзандлар сонининг камайиши;

• урбанизация даражасининг юқорилиги (75,0 %гача);

• жамиятда аёллар мақоми ва ролининг ортиши;

• жамиятда янги қадриятлар шаклланиши;

• аҳоли таркибида катта ёшдаги аҳолининг кўпайиши ва бошқалар.

3. Аҳолининг кенгайтирилган такрор ҳосил қилиниши. Аҳолининг бундай такрор ҳосил қилинишида ҳаётни тарк этаётган авлоднинг мутлақ сони ҳаётга кириб келаётган авлод сонидан ортиқ бўлади. Натижада аҳолининг жинс-ёш таркибининг тараққий этувчи тури шаклланади, унинг мутлақ сони ортиб боради. Бундай тур учун туғилишнинг ва аҳоли табиий ўсишининг юқори, ўлимнинг нисбатан паст кўрсаткичлари хос бўлади.

Аҳолининг кенгайтирилган такрор ҳосил қилиниши, энг аввало ривожланаётган (Осиё, Африка ва Лотин Америкаси) мамлакатларда кузатилмоқда.

Аҳолининг кенгайтирилган такрор ҳосил қилишининг ижтимоий-иқтисодий сабаблари қуйидагилардан иборат:

• иқтисодий ривожланиш суръатларининг пастлиги, иқтисодиётда қишлоқ хўжалигининг катта салмоққа эгалиги;

• урбанизация даражасининг нисбатан пастлиги (41,0 %гача, қишлоқ жойларида туғилиш юқорироқ даражада бўлади);

• ижтимоий муносабатларнинг ўзига хослиги, кўп фарзандликни рағбатлантирадиган диний ақидалар;

• аёлларнинг камситилиши, никоҳларнинг эрта тузилиши;

• замонавий тиббиёт ютуқларидан эпидемия касалликларига қарши курашда фойдаланиш, санитария маданиятининг ортиши;

•мусулмон мамлакатларида оила режалаштирилишининг ман этилиши ва бошқалар.

Ривожланаётган мамлакатларда замонавий тиббиёт ютуқларидан самарали фойдаланиш ўлим даражасини пасайтирди, лекин туғилиш, асосан, юқорилигача сақланиб турибди[1].

---

[1] Зверева Н.В. Основы демографии: учебное пособие /Н.В. Зверева, И.П. Веселкова, В.В. Елизаров. - М.: Высшая школа, 2004. – С. 85-163.

9.2. Аҳоли такрор ҳосил бўлишининг асосий кўрсаткичлари

Аҳолининг такрор ҳосил бўлишини ўрганишда катор демографик кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар жумласига туғилганлар ва ўлганларнинг мутлақ миқдорини таққослаш асосида ҳисоблаб чиқилган қуйидаги кўрсаткичлар киради:

1. **Яшовчанлик коэффициенти** ёки Покровский-Пирл индекси. Ушбу индекс 1897 йилда рус олими В.И. Покровский ва 1921 йилда америкалик олим Р. Пирл томонидан таклиф қилинган. Яшовчанлик коэффициенти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{я} = \frac{N}{M},$$

бу ерда: N – маълум бир даврда туғилганлар сони;

M – муайян жойда маълум бир даврда ўлганлар сони.

Мазкур коэффициентда аҳолининг табиий ўсишидан фарқли равишда туғилганлар (N) билан ўлганлар (M) фарқини эмас, балки нисбатини кўрсатади ва ўлган бир киши сонига тўғри келувчи туғилганларнинг сони ҳаётни тарк этаётган авлодларнинг ҳаётга кириб келаётган янги авлод ўрнини босишини баҳолаш учун фойдаланилади.

2. **Табиий ўсиш суръати коэффициенти**:

$$K_{т.ў} = \frac{N - M}{S} \cdot 1000 = n - m,$$

бу ерда: n – туғилишнинг умумий коэффициенти;

m – ўлимнинг умумий коэффициенти;

s – аҳолининг ўртача сони.

Агар $n > m$ бўлса, аҳолининг табиий ўсиши, аксинча, $n < m$ бўлса, аҳоли сонининг камайиши кузатилади ва бу аҳолининг тор такрор ҳосил бўлиш даврига кирганлигини билдиради.

3. **Аҳолининг айланма коэффициенти**:

$$K_{айланма} = n + m$$

Бу коэффициент аҳолининг ҳар 1000 кишига нисбатан ўртача йиллик ўсиши канча бўлишини кўрсатади. Масалан, Ўзбекистонда 1960 йилда аҳолининг айланма коэффициенти 39,8 ‰ + 6,0 ‰ = 45,8 ‰, 1991 йилда 34,5 ‰ + 6,2 ‰ = 40,7 ‰, 2009 йилда эса 23,2 ‰ + 4,7 ‰ = 27,9 ‰ни ташкил қилган.

4. **Аҳоли такрор ҳосил бўлишининг фойдалилик коэффициенти**:

$$K_{ф.т.к.} = \frac{n - m}{n + m};$$

У аҳоли табиий ўсиш суръатининг уни умумий айланмасидаги ҳиссасини кўрсатиб беради.

$$K_{1960} = \frac{39,8\ ‰ - 6,0\ ‰}{39,8\ ‰ + 6,0\ ‰} = \frac{33,8\ ‰}{45,8\ ‰} = 0,73;$$

$$K_{1991} = \frac{34,5\ ‰ - 6,2\ ‰}{34,5\ ‰ + 6,2\ ‰} = \frac{28,3\ ‰}{40,7\ ‰} = 0,69;$$

$$K_{2009} = \frac{23,2\ ‰ - 4,7\ ‰}{23,2\ ‰ + 4,7\ ‰} = \frac{18,5\ ‰}{27,9\ ‰} = 0,66.$$

Юқоридагилардан аҳоли умумий айланмасида табиий ўсиш суръатининг ҳиссаси 30 йил ичида (1960 йилдан 1991 йилгача) 0,04, 2009 йилга эса 0,07 %га камайган. яъни аҳоли ўсишининг фоиз ошиши борган сари камайиб борган.

Умуман олганда кўрсаткичлар ҳисобланишнинг оддийлиги билан фарқланади, лекин аҳолининг такрор ҳосил бўлиши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди, чунки уларга қуйидаги камчиликлар хосдир:

а) туғилиш ва ўлим даражалари турлича бўлишига қарамай, коэффициентларнинг бир хил катталиклари қўшилади. Масалан, табиий ўсиш суръати коэффициенти 10,0 % бўлганида, у қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

$$K_{ў-м} = 20\ \% - 10\ \% = 10\ \% \text{ ва}$$

$$K_{ў-м} = 40\ \% - 30\ \% = 10\ \%.$$

оқибатда биринчи ҳолатдаги аҳоли айланмаси коэффициенти 30,0 %ни ташкил қилса, иккинчи ҳолатда у 70,0 %га тенг бўлади;

б) туғилган ва ўлганларнинг мутлақ миқдори катталигини аниқлашлик коэффициентига ҳисоблаб чиқилаётганда, туғилиш ва ўлимларнинг умумий коэффициентлари катталигига аҳолининг ёш-жинс таркиби таъсир кўрсатади.

Аҳолининг такрор ҳосил бўлиш хусусиятлари ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш учун ёш-жинс таркибига боғлиқ бўлмаган кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим. Аҳолининг такрор ҳосил бўлиш кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- туғилишнинг йиғинди коэффициенти;
- аҳоли такрор ҳосил қилинишининг брутто коэффициенти;
- аҳоли такрор ҳосил қилинишининг нетто коэффициенти.

Туғилишнинг йиғинди коэффициенти бир аёл ҳисобига болаларнинг ўртача сонини кўрсатиб беради. Мазкур коэффициент аҳоли такрор ҳосил қилинишининг бирламчи умумий тавсифларидан ҳисобланади, лекин у қатор камчиликларга эга. Хусусан:

• туғилишнинг йиғинди коэффициенти янги авлоднинг такрор ҳосил бўлишида, кейинчалик аёллар ўзидан сўнг қолдирадиган қизлар миқдорини кўрсатиб бермайди;

• туғилиш пайтидаги болаларнинг онасининг ёшига етмасдан, ўзидан авлод қолдирмасдан ва бола туғиш ёшига етган тенгдошларига нисбатан болалар сонини қисқартирган ҳолда қанчаси ўлиб кетиши мумкинлигини эътиборга олмайди.

Бу биринчи камчиликдан аҳолини такрор ҳосил қилишнинг брутто-коэффициенти, биринчиси ва иккинчисидан нетто-коэффициенти ҳолидир.

Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг брутто-коэффициенти. Бу коэффициент ҳар бир аёлнинг репродуктив даврида нечта қиз бола кўриши ва ҳар ёш гуруҳида уни туғилишнинг ҳозирги давр даражасида сақлаб қолиши мумкинлигини аниқлаб беради ҳамда қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$R = \delta \sum_{15}^{49} fx ,$$

бу ерда: R – аҳоли такрор ҳосил қилинишининг брутто-коэффициенти;

δ – туғилганлар орасидаги қизларнинг улуши (у 0,488 деб қабул қилинган ва аёлларнинг барча ёш гуруҳлари учун бир хил бўлади);

$\sum$ – 15-49 ёш гуруҳидаги туғилиш коэффициентининг йиғиндиси;

fx – ёш гуруҳлари бўйича туғилиш коэффициенти.

Ушбу кўрсаткичнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, унинг катталигига аҳолининг ёш таркиби таъсир кўрсатмайди;

иккинчидан, у фертил ёшдаги аёлларнинг ёш таркибини ҳисобга олади. Аҳоли такрор ҳосил бўлишини брутто-коэффициентининг камчилиги фертил ёшдаги аёлларнинг ўлимини ҳисобга олмаслиги ҳисобланади. Аҳоли такрор ҳосил бўлишининг брутто-коэффициентида аёл репродуктив ёшининг охиригача тирик бўлиши назарда тутилгани сабабли ҳозирги вақтда у амалда қўлланилмайди ва коэффициент кўрсаткичлари эълон қилинмайди. Мазкур камчилик аҳоли такрор ҳосил қилинишининг нетто коэффициенти томонидан бартараф этилади.

Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг нетто-коэффициенти. Агар репродуктив ёшдаги ҳар бир аёл ўртача R қиз фарзандлар кўрса, бу ҳали қиз фарзандлар авлоди сони оналар авлоди сонидан R даражада кўп ёки кам бўлишини билдирмайди. Чунки бу барча

аёлларнинг ҳаммаси ҳам оналари фарзанд кўрган ёшгача тирик яшаб қолишлари мумкин. Бунда ташқари, ҳамма қизлар ҳам репродуктив ёшгача ҳаёт қолмасликлари мумкин. Бу, айниқса, ўлим даражаси юқори бўлган мамлакатларга тааллуқлидир. Шунинг учун ўлимни ҳам ҳисобга оладиган коэффициент бўлиши талаб қилинади. Бу аҳоли такрор ҳосил қилинишининг нетто-коэффициенти (соф) ёки **Бека-Кучински коэффициент**идир.

Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг нетто-коэффициенти аёл ҳаётнинг даврида туғилган ва репродуктив давр охиригача (бу даврда туғилиш ва ўлим даражаси сақланиб турганида) ҳаёт бўлган қизларнинг ўртача сонига тенг. Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг *нетто-коэффициенти қуйидаги формула бўйича (беш йиллик ёш гуруҳлари учун)* қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$R_0 = \Delta \sum_{15}^{49} \frac{ASFR_x}{1000} \cdot \frac{L_x}{l_0},$$

бунда: брутто-коэффициентдаги белгиларнинг ҳаммаси сақланиб қолган ҳолда $5L_x$ ва l_0 – тегишли равишда аёллар ҳаёт жадвалининг *(x+5)* ёш оралиғида яшаётганлардир, l_0 – унинг илдизи.

Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг нетто-коэффициенти формуласида аёллар ҳаёт жадвалининг *(x+n)* ёш гуруҳларида ҳаёт бўлганлар сонидан фойдаланилади. Кўриниши мураккаб бўлса ҳам ушбу формула анчайин содда ва тегишли, масалан Excel электрон жадвалларининг *компьютер дастурларидан фойдаланган* ҳолда аҳоли такрор ҳосил қилинишининг нетто-коэффициентини ҳисоблаб бера олади. Жумладан, АҚШнинг Цензлар бюроси Халқаро дастурий маркази (IPC of U.S. Bureau of the Census) PAS (Population Spreadsheets Analysis) электрон жадваллар тизимини ишлаб чиққан. Бу жадвалчардан бири – SP туғилишнинг ёш гуруҳлари ва *(x–n)* ёш гуруҳлар оралиғида ҳаёт бўлганлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда аҳоли такрор ҳосил қилинишининг брутто ва нетто-коэффициентларини ҳисоблаб бера олади.

Франциялик демограф Ж.П. Сардон аҳолининг тегишли жинс сафларидаги туғилиш ва ўлим маълумотларидан фойдаланган ҳолда *Ғарбий Европа мамлакатларининг аник авлодлари учун аҳоли такрор* ҳосил қилинишининг нетто-коэффициентларини ҳисоблаб берди. Унинг тадқиқотлари натижалари ҳайратга солади. Бельгия, Швеция, Швейцария, Германия, Италия ва Грецияда 1901-1955 йилларда туғилган авлодларнинг бирортаси ҳам миқдор жиҳатидан ўзларини такрор ҳосил қила олмаган. Фақат Исландия ва Ирландияда ушбу

авлодларнинг нетто-коэффициенти 1,0 дан юкори бўлган. Австрия, Буюк Британия, Дания, Франция, Голландия, Португалия ва Испанияда фақат I ва II жаҳон урушлари ўртасида туғилган айрим авлодлардагина туғилиш даражаси аҳолини кенгайтирилган такрор ҳосил қилишни таъминлай олган.

Амалга оширилган таҳлиллар XIX асрда туғилганларда жинс сафларни такрор ҳосил қилишнинг нетто-коэффициенти 1,4-1,5 бўлганлигини, яъни бу авлодлар ота-оналарига қарағанда 1,4-1,5 баравар кўп фарзанд кўрганликларидан далолат беради. 1880-1900 йилларда туғилганлар авлодлари ўзларини такрор ҳосил қилишни 10,0-20,0 %га кўпайтира олган (нетто-коэффициентлар 1,1-1,2 га тенг), аммо уларнинг аҳолининг табиий ўсишига хиссаси аввалги авлодларникидан кескин камайган. Бу жинс сафларнинг репродуктив даври I жаҳон уруши ва кейинги инқирозйилларига тўғри келган.

XX асрнинг бошида туғилган авлодларда нетто-коэффициент кўрсаткичлари янада камайиб кетган. Хусусан, 1915-1920 йилларда туғилганларда у 0,65-0,70 ни ташкил қилган. Фақат II жаҳон урушидан кейин туғилган авлодларнинг айримларида аҳолини кенгайтирилган такрор ҳосил қилиш ҳолатлари кузатилади.

9.3. Демографик баланс

Аҳолини такрор ҳосил қилиш аҳолининг табиий ва механик ҳаракати натижаси эканлигини ҳисобга олган ва баланс усулидан фойдаланган ҳолда демографик баланс тузиш мумкин (9.1-жадвал).

9.1-жадвал

Демографик баланс

Ҳудуднинг бирликлар (аҳоли гуруҳлари)	Давр бошидаги аҳоли сони	Аҳолининг умумий мутлақ ўсиши	Шу жумладан		Давр охиридаги аҳоли сони
			табиий ўсиши	миграция ўсиши	

Жами					

Ҳар қандай ҳудуддаги аҳоли сонининг муайян вақт *(0,t)* оралиғидаги ўзгаришни демографик баланс тенгламаси ёки демографик тенглама орқали аниқланади:

$$P(t)=P(0)+\{B(0,t)-D(0,t)\}+\{I(0,t)-E(0,t)\}.$$

бу ерда: P(0) ва P(t) – аҳоли сонининг ўрганилаётган давр боши ва охиридаги сони;

B(0,t) – (0,t) даврда туғилганлар сони;

D(0,t) – (0,t) даврда ўлганлар сони;

I(0,t) – (0,t) даврда кўчиб келганлар (иммигрантлар) сони;

E (0,t) – (0,t) даврда кўчиб келганлар (эмигрантлар) сони.

Демографик баланс кўрсаткичларнинг мантиқий ўзаро боғлиқлиги асосига қурилган. Ўрганилаётган давр бошидаги аҳоли сонига аҳолининг умумий мутлақ кўпайиши қўшилса, давр охиридаги аҳоли сони келиб чиқади.

Маълумки, туғилиш ва ўлим сони ўртасидаги фарқ табиий ўсиш, иммиграция ва эмиграция ўртасидаги фарқ миграциянинг ўсиши ёки миграция сальдоси, деб аталади. Табиий ўсиш билан миграция ўсиши биргаликдаги аҳолининг умумий ўсишини, яъни ўрганилаётган даврда мутлақдаги аҳоли сони қанчага кўпайганлигини кўрсатади.

Аҳолининг табиий ва миграция ҳаракатини аҳоли такрор ҳосил қилишининг натижали кўрсаткичлари жадвали тарзида ифода этиш мумкин (9.2-жадвал).

9.2-жадвал

Аҳоли такрор ҳосил қилишининг натижали кўрсаткичлари

Аҳоли такрор ҳосил қилиниши	Мутлақ ўсиш	Нисбий ўсиш
1. Аҳолини табиий такрор ҳосил қилиш	Табиий ўсиш ЕП=N-M	Табиий ўсиш коэффициенти $k_{ЕП} = \frac{ЕП}{P} \cdot 1000$ ёки $k_{ЕП} = n - m$
2. Миграция (механик) такрор ҳосил қилиниши	Миграция сальдоси МС=П-В	Миграция сальдоси коэффициенти $k_{МС} = \frac{МС}{P} \cdot 1000$ ёки $k_{МС} = k_{П} - k_{В}$
3. Аҳолини такрор ҳосил қилиш (табиий ва механик)	Умумий ўсиш ОП=ЕП+МС	Умумий ўсиш коэффициенти $k_{ОП} = \frac{ОП}{P} \cdot 1000$ ёки $k_{ОП} = k_{ЕП} + k_{МС}$

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда баланс тенгламасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Delta P = \Delta R + \Delta M,$$

бу ерда: $\Delta P = P(t) - P(o)$ – аҳоли умумий сонининг кўпайиши;

$\Delta R = B(0,t) - D(0,t)$ – аҳолининг табиий ўсиши;

$\Delta M = I(0,t) - E(0,t)$ – миграция ўсиши.

Агар аҳолининг сони кўпаяётган бўлса, аҳоли сонининг умумий ўсиши ижобий, аксинча. Камаяётан бўлса, нисбий бўлиши мумкин. Агар аҳолининг сони нисбатан узоқ вақт давомида баркарор камайиб

бораётган бўлса, у ёки бу мамлакат ёки минтақанинг қирилаётганлиги тўғрисида гап боради.

Демографик баланс аҳолини рўйхатга олиш оралиқларида аҳоли сони ва ёш таркибини баҳолаш услубиятининг асосини ташкил этади. Аммо демографик ҳодисалар ва миграциянинг жорий статистика ҳисоби камчиликлардан холи эмас. Шунинг учун демографик тенгламадан аҳолини ҳисобга олишдаги хатолар миқдори ва манбаларини аниқлашда ҳам кўлланилади.

Демографик баланс қандай тузилишига мисол келтириш мумкин. Масалан, бирор ҳудудда йил бошидаги аҳоли сони қуйидагича, деб қабул қилайлик (минг киши):

- мавжуд аҳоли сони – 320;
- вақтинча ҳозир бўлганлар – 56;
- вақтинча йўклар – 48.

Йил давомида (минг киши):

- туғилган – 4;
- ўлган – 6;
- доимий яшаш учун кўчиб келган – 3;
- доимий яшаш учун бошқа ёққа кўчиб кетган – 2.

Бунда қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Йил бошидаги доимий аҳоли сони.
2. Йил охиридаги аҳоли сони.
3. Доимий аҳолининг ўртача йиллик сони.

9.4. Барқарор аҳоли ва аҳолини такрор ҳосил қилиш тартиби

"Барқарор аҳоли" деганда, туғилиш ва ўлим вақтда ўзгармайдиган тезликда содир бўладиган ва ёш таркибига эга ёпиқ аҳоли тушунилади. Барқарор аҳолининг модели – аҳоли такрор ҳосил бўлиши жараёнининг соддалаштирилган ифодасидир. Ушбу модель битта, асосан аёллар жинси учун тузилади.

Икки муҳим конуният барқарор аҳоли билан боғлиқдир. 1911 йилда америкалик олимлар А. Лотка ва Ф. Шарп туғилиш ва ўлим даражасининг тезлиги муайян вақтдан кейин барқарор бўлиб қоладиган ёпиқ аҳоли ўзгармайдиган ёш таркибига, туғилиш, ўлим ва табиий ўсишнинг доимий умумий коэффициентига эга бўлишини аниқлади. Бундай аҳоли **асимптотик барқарор аҳоли**, унинг дастлабки ёш таркиби ва умумий демографик коэффициентларини айрим доимий (сўнгги) қийматга якинлаштиришни **– аҳолининг барқарорлашиши**, деб аталди.

Аҳолининг ёш таркиби барқарорлашиш жараёнида доимий равишда ўзи ўзининг дастлабки шаклини "ёддан чиқаради". Бу ҳодиса **кучли эргодиклик** номини олди. Аҳоли барқарор ҳолатга келгандан кейин унинг ёш тартиби миқёслари фақат туғилиш ва ўлимнинг белгилаб қўйилган тартиби томонидан белгиланадиган бўлади.

1950-йилларнинг охирида америкалик демограф А. Коул инсоният барча авлодлари ўз ўтмишини "ёддан чиқариши" фаразини илгари сурди. Туғилиш ва ўлим даражаси мунтазам ўзгариб турганида, аҳолининг ёш таркиби ҳам доимий равишда ўзгариб боради. Йил ўтган сайин дастлабки ёш таркибининг ўзидан кейингисига таъсири камайиб боради ва охир-оқибат йўққа чиқади. Туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари ўзгариб борадиган аҳолининг ўзининг узоқ ўтмишдаги ёш таркибидан узоқлашиши **кучсиз эргодиклик** номига эга бўлди.

Барқарор аҳоли моделида унинг улкан таҳлилий имкониятларидан даъвогат берувчи муҳим хусусияти мавжуд. У шундан иборатки, ёш бўйича ўлим $l(x)$ ва туғилишнинг $f(x)$ таксимланиши ҳар бир аниқ аҳолига муайян ёш таркиби, туғилиш ва ўлимнинг умумий коэффициентлари, шунингдек, табиий ўсиш коэффициентининг танҳо барқарор аҳолиси мувофиқ бўлади. Мазкур хусусият демографик таҳлилнинг энг тарқалган усулларидан бири – аҳоли такрор хосил қилишишининг бугунги кўрсаткичлари асосида келажакни прогноз қилиш асосига қўйилган.

Туғилиш ва ўлимнинг мавжуд тезлигини қайд қилган ҳолда ушбу аниқ аҳоли барқарорлашганидан кейин унинг турли кўрсаткичлари: туғилиш ва ўлимнинг умумий коэффициентлари, табиий ўсиш коэффициенти, аҳолини такрор ҳосил қилишнинг нетто-коэффициенти, ёш таркибининг хусусиятларини ва айрим бошқаларни баҳолаш мумкин.

Барқарор аҳолининг бирор аниқ аҳоли туғилиш ва ўлим функциялари натижаси бўлган юқорида қайд қилинган миқдор кўрсаткичлари жамланмаси ушбу **аҳолини такрор ҳосил қилиш тартиби**ни белгилайди. Туғилиш ва ўлимнинг белгилаб қўйилган функциялари аҳолини такрор ҳосил қилиш тартибининг экзоген миқёслари, бошқа барча ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичлар эндоген миқёслар, деб аталади.

Барқарор аҳолининг ҳисоблаб чиқилган хусусиятлари тегишли аниқ аҳолининг хусусиятларидан жиддий равишда фарқ қилиши мумкин. Бироқ улар муҳим устунликка эга. Барқарор аҳолининг туғилиш ва ўлим умумий коэффициентлари, табиий ўсиш коэффициентлари аҳоли ёш таркибининг таъсиридан холидир. Шу сабабли

улар ёрдамида мазкур давр демографик хусусиятини яхшироқ англаш мумкин. Бевосита шунинг учун барқарор аҳолининг коэффициентлари тегишли равишда туғилиш, ўлим ва табиий ўсишнинг **ҳақиқий коэффициентлари**, деб аталади.

Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг нетто-коэффициенти – барқарор аҳоли ўсишининг ўлчовларидан биридир. Ана шундай бошқа бир ўлчов аҳоли такрор ҳосил қилинишининг ҳақиқий коэффициенти ёки Лотка коэффициенти (r), деб аталади. Бу коэффициентлар қуйидаги формула билан боғланган:

$$e^{rT} = R_0$$

бу ерда T – авлодлар алмашиши даври ёки авлодлар давомийлиги.

Юқоридаги формуладан аҳолини такрор ҳосил қилишнинг нетто-коэффициенти билан табиий ўсиш коэффициенти ўртасида ўзаро бабаравар лик мавжудлиги тушунилади. Шундай экан, аҳолини такрор ҳосил қилишнинг нетто-коэффициенти маълум бўлса, аҳолини такрор ҳосил қилишнинг ҳақиқий коэффициентини ва аксинча, аҳолини такрор ҳосил қилишнинг ҳақиқий коэффициенти маълум бўлса аҳолини такрор ҳосил қилишнинг нетто-коэффициентини осонгина аниқласа бўлади. Тегишли равишда бу коэффициентларнинг вақт бўйича ўзгариши бир-бирини такрорлайди.

Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг ҳақиқий коэффициенти ва аҳолини такрор ҳосил қилишнинг нетто-коэффициенти ёрдамида у ёки бу мамлакат, минтақада аҳолини такрор ҳосил қилишнинг хусусиятини аниқлаш мумкин. Масалан, агар $r > 0$ ёки $R_0 > 1$ бўлса, туғилиш ва ўлимнинг белгилаб қўйилган ёш тезлиги сақланиб турганида мамлакат аҳолисининг сони кўпайиш хусусиятига эга бўлади, яъни бу ҳолда ган аҳолининг кенгайтирилган такрор ҳосил қилиниши тўғрисида боради.

Агар $r = 0$ ёки $R_0 = 1$ бўлса, бу ҳолда ота-оналар авлоди сон жиҳатидан ўзларинкига тенг бўлган фарзандлари авлоди томонидан алмаштирилаётган бўлади. Бу аҳолининг сони қайд қилинган туғилиш ва ўлим тартиби сақлаб турилганда, истиқболда ўзгармай туради. Аҳолининг бундай такрор ҳосил қилиниши оддий такрор ҳосил қилиниш, деб аталади.

Агар туғилиш ва ўлим тартиби сони камайиб бораётган барқарор аҳоли томонидан белгиланадиган бўлса, яъни $r < 0$ ёки $R_0 < 1$ бўлса, аҳолининг бундай такрор ҳосил қилиниши тор такрор ҳосил қилиниш, деб аталади. Агар барча никоҳ жуфтликларида иккитадан бола туғилганида, ўлим сабабли бу аҳолини оддий такрор ҳосил килиш учун кифоя қилган бўларди. Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг нетто-

коэффициенти 1 га тенг бўлиши учун туғилишнинг жамланма коэффициенти 2 дан бироз ортиқ бўлиши керак.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳолининг такрор ҳосил бўлиши деганда нимани тушунасиз?
2. Аҳоли такрор ҳосил бўлишининг қандай турларини биласиз?
3. Такрор ҳосил бўлишнинг қайси турида ўтаётган авлодларнинг миқдори ҳаётга қадам қўяётган авлодларникидан юқори бўлади?
4. Яшовчанлик коэффициенти қандай аниқланади?
5. Аҳоли такрор ҳосил бўлишининг брутто коэффициенти нимани англатади?
6. Аҳоли такрор ҳосил бўлишининг нетто коэффициенти қандай аниқланади?
7. Нетто коэффициентни баҳолаш мезонини айтиб беринг.
8. "Барқарор аҳоли" тушунчасини таърифлаб беринг.
9. Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг тартиби нимадан иборат?
10. Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг ҳақиқий коэффициенти нимани англатади?

Адабиётлар рўйхати

1. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009.
2. Бўриева М.Р. Демография асослари. – Т., 2001.
3. Вандескрик К. Демографический анализ. – М.: ИНФРА-М, 2005.
4. Демография: Учебник для вузов. /Под ред. Н.А. Волгина, Л.Л. Рыбаковского. – М.: Лагос, 2005.
5. Демография: Учебное пособие. /Под ред Глушкова В.Г., Сивагин Ю.А. – М.: КноРус, 2010.
6. Денисова М.Б., Калмыкова Н.М. Демография. Учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 2010.
7. Медков В.М. Демография: Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2009.
8. Никитенко В.В. Демографический анализ поколений. – М.: Финансы и статистика, 1979.
9. Косов П.И. Основы демографии: Учебное пособие. Берендеева А.Б. 2-е изд, доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010.
10. Тихомиров Н.П. Демография: методы анализа и прогнозирования. Учебник. – М.: Экзамен, 2005.
11. Хомра А.У. Воспроизводства населения: территориально-организационный аспект. – Киев: Наука думки, 1990.

10-боб. АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ

10.1. Аҳоли миграцияси ва унинг таснифи

Аҳоли миграцияси (лотинча "migratio" – "кўчиш") – одамларнинг бир минтақа (мамлакат, шаҳар, қишлоқ)дан бошқасига, қатор ҳолларда катта гуруҳ ҳолида ва узоқ масофага кўчишидир. Демографияда аҳоли миграциясига аҳолининг механик ҳаракати сифатида қаралади.

"Аҳоли миграцияси" тушунчасига турли тадқиқотчилар турлича ёндашади. Аммо миграция соҳасида дастлабки чуқур назарий тадқиқот муаллифи, инглиз олими Е.Г. Равенштейннинг Буюк Британия ва Шимолий Америкадаги миграция жараёнларининг таҳлили асосидаги 11 та миграция қонуни жаҳонда умумэътироф этилган. Бу қонунлар миграция соҳасидаги бошқа кўпчилик назариялар учун асос бўлиб хизмат қилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- миграция энг кўп қисқа масофаларга амалга оширилади;
- миграция аста-секин, босқичма-босқич рўй беради;
- катта масофаларга миграция, асосан, йирик савдо ва саноат марказлари йўналтирилган бўлади;
- ҳар бир миграция оқимига унинг тескари оқими мувофиқ келади;
- миграция соҳасида шаҳарликлар қишлоқ жойларидаги аҳолига нисбатан кам ҳаракатчан бўлади;
- ички миграцияда аёллар, халқаро миграцияда эса эркаклар фаолроқдир;
- муҳожирларнинг кўпчилиги катта ёшдаги аҳолидан иборат, оилалар ўз мамлакатлари ташқарисига камроқ миграция қилади;
- йирик шаҳарларнинг таркиб топиши аҳолининг табиий ўсишига қараганда кўпроқ миграция билан боғлиқдир;
- саноат ва савдо, айниқса транспорт ривожланиши билан миграция кўламлари ортади;
- *миграциянинг иқтисодий сабаблари ҳал қилувчи аҳамиятга эга*[1].

Е.Г. Равенштейннинг "Миграция ҳаёт ва тараққиётни, аҳолининг кам ҳаракатчанлиги турғунликни англатади", деган хулосаси амалиётда ўз тасдиғини топди.

Миграциянинг демографик назарияси социолог Д. Мэсси номи билан боғлиқ. Унинг **миграциянинг тармоқ (синтетик) назарияси** номини олган ғояси асосини иқтисодий бозорнинг, ижтимоий ва

[1] Ravenstein E.G. The Laws of Migration // Journal of the Statistical Society of London, Vol. 48, No. 2. (June, 1885), pp. 167–235.

сиёсий интеграциянинг глобаллашуви, бунинг оқибатида меҳнат бозорининг глобаллашуви ташкил этади. Унинг фикрича, халқаро миграцияга тааллуқли бўлган жорий жараёнлар бир йўла бир неча даражада амал қилиши мумкин. Халқаро миграция, Д. Мэссининг хисоблашича, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида пайдо бўлади ва режали иқтисодиёт амал қиладиган ҳамда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига асосланган жамиятларда капиталистик муносабатларнинг устунлик қилишига олиб келади. Умумий бозор ва капиталистик муносабатларга глобал ўтиш натижасида анъанавий иқтисодий ва ижтимоий алоқалар узилади, бу эса миграция ўз одатий турмуш тарзидан сиқиб чиқаради ва иқтисодий ривожланишнинг янги йўлларини излашга мажбур қилади. Шунинг учун миграция оқимлари зич жойлашган минтақаларда эмас, балки бозор трансформацияси содир бўлаётган ва унинг глобал иқтисодиётга кушилаётган жойларда пайдо бўлади. Яъни "миграция бозорнинг камчилиги эмас, аксинча, унинг ўзгариши натижасидир"[1].

Юқорида қайд қилинган назариялар билан бирга 1960-йилларда Э. Ли томонидан ишлаб чиқилган **миграциянинг эконометрик модели** ҳам мавжуд. Уни **Э. Линнинг жалб этувчи ва туртиб чиқарувчи омиллари**, деб ҳам номланган (10.1-расм).



10.1-расм. Э. Линнинг жалб этувчи ва туртиб чиқарувчи омиллари

Ушбу моделга мувофиқ ҳар бир ҳудудда жалб этувчи ва туртиб чиқарувчи, кўчиб келиш ва кўчиб кетишга сабаб бўладиган

[1] D. S. Massey. Social structure, household strategies, and the cumulative causation of migration, Population Index, 56(1), 1990, pp 3-26.

миграциянинг турли омиллари гуруҳи амал этади. Бунда уларнинг айримлари кўпчилик одамларга, бошқалари фақат алоҳида шахсларга таъсир кўрсатади.

Э. Ли биринчи бўлиб миграция жараёнларига таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаб берди. Туртиб чиқарувчи омилларга иқтисодий (ишсизлик, даромад даражасининг пастлиги, солиқ даражасининг юқорилиги), ижтимоий ва сиёсий (камбағаллик, камситиш, виждон ва эътиқод эркинлигининг чекланиши, урушлар) хусусиятга эга айрим омиллар, ноқулай табиий ва об-ҳаво шароитлари ва бошқалар тааллуқли бўлиши мумкин.

Жалб этувчи омилларга иқтисодий ривожланиш, даромадлар даражасининг юқорилиги, хавфсизлик, меҳнат бозорида (шу жумладан, айниқса ноқонуний муҳожирлар учун муҳим ҳисобланган норасмий секторда) иш топиш имконияти ва бошқалар киради.

Миграция жараёнларига жалб этувчи ва туртиб чиқарувчи омиллар билан бирга оралиқ омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Оралиқ омиллари ҳудудлар ўртасидаги масофа узоклашиши билан ортади ва миграция оқимларига тўсиқ вазифасини ўташи мумкин. Уларга транспорт харажатлари, миграция жараёнларини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари, кўчиб бориш мўлжалланаётган ҳудуд тўғрисида маълумотлар мавжудлиги ва бошқалар киради.

Э. Ли миграция саралаш хусусиятига эга эканлигини таъкидлар экан, бир хил омиллар турли одамларга турлича таъсир кўрсатиши мумкинлигига эътибор қаратади. У жалб этувчи омиллар юқори маълумотга эга шахсларга кучлироқ таъсир кўрсатишини уқтиради. Улар яшаб келаётган жойларида муайян мавқега эга бўлишларига қарамай, бошқа минтақада янада манфаатлироқ таклиф олишлари мумкинлигини билади. Шунинг учун юқори ҳаракатчанлик юқори малакали ходимларга хос, улар миграция натижасида ўз қобилиятларини тўлароқ намоён этиш ва кўпроқ даромад топишларига ишонади. Паст малакали шахсларга эса, аксинча, туртиб чиқарувчи омиллар кўпроқ таъсир кўрсатади[1].

Миграциянинг ўз функциялари бор. Уларнинг асосийси қуйидагилардан иборат (10.2-расм):

1. Қайта тақсимлаш. Миграциянинг ушбу функцияси муҳожирларга ўз ҳаётий вазифаларини ҳал этишга кўмаклашади. Одамлар бошқа ҳудудга кўчиш орқали турмушларини яхшилашга интилади. Миграция ушбу маънода муҳожир аҳоли турмуш даражасини оширишнинг

[1] Everett S. Lee A Theory of Migration // Demography, Vol. 3, No. 1. (1966), pp. 47-57.

интеграциявий жараёни ҳисобланади. Дунёдаги кўп мамлакатларда ўтказилган социологик тадқиқотлар буни тасдиқлайди. Муҳожирларнинг асосий қисми кўчиб борган жойда кўпрок даромад ишлаб топади. Тўғри, бу ихтиёрий миграцияга тааллуқлидир. Мажбурий миграция бошқа, қоида бўйича, иқтисодий бўлмаган қонуниятларга бўйсунади.



10.2-расм. Миграциянинг функциялари

2. Саралаш. Миграциянинг бу функцияси моҳияти шундан иборатки, аҳоли турли ижтимоий-демографик гуруҳларининг унда потенс иштирок этиши турли ҳудудлар аҳолисининг сифат таркибини ўзгартиришга олиб келади. Амалиёт эркаклар ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар миграцияда меҳнатга лаёқатли бўлмаганлар ва аёлларга караганда фаолроқ иштирок этишидан далолат беради. Миграция ҳаракатчанлигида турли миллат вакилларининг, шунингдек, бошқа жойлардан кўчиб келган туб аҳолининг тафовути жуда катта.

3. Жадаллаштириш. Россиялик олима Т.И. Заславскаянинг фикрича, аҳолининг ҳудудий кўчиб юриши одамларнинг рухий хусусиятларини ўзгартиришга, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга, ҳаётнинг турли соҳаларидаги билимларини кенгайтиришга, меҳнат кўникамалари ва ишлаб чикариш тажрибаси билан айирбошлашга, шахсни, унинг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини ривожлантиришга, миллий маданиятларнинг интеграциясига хизмат қилади[1]. Ҳаракатчанрок аҳоли, қоидага кўра, ижтимоий жиҳатдан ҳам фаолрокдир.

[1] Заславская Т.И. Социальная экономика и экономическая социология. Избранные произведения: В 3-х тт. Т. 1. - М.: Экономика, 2007. – С.49.

Аҳоли миграцияси сабаблари, йўналиши, давомийлиги, ташкиллаштириш шакли бўйича фарқланади (10.3-расм).

Аҳоли миграцияси, юқорида қайд қилинганидек, **сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маиший сабабларга** кўра бўлиши мумкин.

Миграция йўналиши бўйича эса *ички ва ташқи* миграция фарқланади.

Ички миграция – аҳолининг бир мамлакат ичидаги ҳаракатидир. Бунда қишлоқ (қишлоқ – шаҳар), шаҳар (шаҳар – қишлоқ), қишлоқлараро (қишлоқ – қишлоқ), шаҳарлараро (шаҳар – шаҳар) миграцияси назарда тутилади.

Ташқи миграция – аҳолининг мамлакат давлат чегарасининг кесиб ўтишидир. Ташқи миграция **халқаро миграция**, деб ҳам аталади. Бунда қитъалараро ва қитъалар ичидаги миграция фарқланади.

Халқаро миграцияга иммиграция ва эмиграция тушунчалари хосдир. **Иммиграция** – аҳолининг бошқа мамлакатга доимий ёки вақтинчалик (Бирлашган Миллатлар ташкилоти қоидаларига биноан 1 йилдан узоқ муддатга) кўчиб келишидир. **Эмиграция** эса аҳолининг ўз мамлакатини доимий ёки вақтинчалик тарк этишидир.



10.3-расм. Аҳоли миграцияси турлари

Аҳоли миграцияси давомийлигига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- доимий (қайтиб келмайдиган) – бунда одамларнинг доимий тураржойини бир умрга алмаштириши кўзда тутилади;

• вақтинчалик (қайтиб келадиган) – одамларнинг узоқ, лекин белгиланган вақтга бошқа жойга кўчиб боришидир. Вақтинчалик миграцияга бошқа жойга бир неча йилга контракт бўйича ишга бориш мисол бўла олади;

• мавсумий – одамларнинг ҳар йили муайян муддатга бир жойдан бошқа жойга, масалан қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлашга ёки курорт, санаторийларга боришидир;

• тебранувчан (тез-тез такрорланиб турадиган) – одамларнинг мунтазам равишда бошқа жойга ишга ёки ўқишга қатнашидир.

Миграция шакли бўйича қуйидагича фарқланади:

• ташкилий – бунда миграциянинг давлат ёки жамоат ташкилотлари ёрдамида амалга оширилиши кўзда тутилади;

• ташкиллаштирилмаган -- бунда одамлар ўзлари ва ўз маблағлари ҳисобига миграцияни амалга оширади;

• ихтиёрий – одамларнинг миграция тўғрисида ўзларининг қарор қабул қилишидир;

• мажбурий – одамларни бошқа жойга кўчириш уларнинг ихтиёрисиз амалга оширилишидир.

Аҳоли миграцияси у ёки бу кўринишда ҳамма вақт мавжуд бўлган. Хусусан, Европа ва Осиё аҳолиси таркибининг шаклланишига сўнгги 2000 йил давомида содир бўлган. Европада IV-VII асрларда халқларнинг Буюк кўчиши, араб (VII-VIII асрлар) ва мўғол (XI-XIII асрлар) истилолари билан боғлиқ миграция жараёнлари улкан таъсир кўрсатган. Буюк географик кашфиётлар даврида (XV – XVII асрлар) кенг кўламли ва мунтазам китъалараро, асосан Европадан Шимолий ва Жанубий Америкага, Австралия ва Ҳиндистонга йўналган миграция бошланди.

XIX асрда аҳоли иммиграциясининг йўналиши Европадан Америкага (28,0 млн. киши) қаратилди. Жумладан, 1815 йилдан 1900 йилгача қарийб Буюк Британиядан 13,0 млн. киши эмиграция қилди, уларнинг 65,0 %и АҚШга, 15,0 %и – Канадага, 11,0 % Австралия, 5,0 %и – Жанубий Америкага кўчиб борди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Германиядан 4,5 млн. киши эмиграция қилишди, уларнинг аксарияти АҚШда қўним топди.

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида Хитой ва Ҳиндистонда ҳам миграция жараёнлари кучайган. Хитойликлар, асосан, Жануби-шарқий Осиё, ҳиндистонликлар – Ҳинд океани соҳилидаги мамлакатларга кўчиб борган.

Тарихий манбалар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам миграция жараёнлари жадал бўлганлигидан гувоҳлик беради. Кўчманчи

кабилалар муттасам тураржойларини ўзгартириб турган. Буюк ипак йўли бўйлаб савдо карвонлари белгўхтов катнаган, бехисоб урушлар ҳам аҳоли миграциясига сабаб бўлган. Биринчи минг йиллик ўрталарида турк кабилалари жанубга томон йўналган. Амир Темур салтанатида улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун Ирок, Сурия, Туркия, Грузия ва бошка ўлкалардан меъморлар, курувчилар, заргарлар, тўкувчилар, бошка касб эгадлари кўчириб келинган[1].

Минтакадаги миграция жараёнлари ривожланишида XIX асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг Туркистонни мустамлака килиши билан туб ўзгаришлар содир бўлди. Чоризмнинг ўлкага кириб келиши аҳоли кўчиши микёсларини кенгайтирди. Мустамлакачилар бу ерда ўз мавкеларини мустаҳкамлаш учун рус миллатига мансубларни Россиядан Туркистонга оммавий кўчириб келиш сиёсатини амалга оширди. Натижада 1911 келиб аҳоли таркибида рус миллатига мансубларнинг улуши Андижонда 15,0 %, Самаркандда – 20,0, Тошкентда – 25,0, Марғилонда – 30,0 5 га етди[2].

Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ, Канада, Австралия билан бирга иммигрантларни, биринчи навбатда, иктисодий омиллар сабабли ўзига жалб этадиган янги марказлар шаклланди. Уларнинг энг йириги Европа Иттифоқидир. У океан ортига иммигрантларни етказиб берувчидан (150 йил давомида бу ердаги китъалараро миграция тахминан 150,0 млн. кишини ташкил этди) муҳожирларни қабул килувчига айланди. XX аср охирига келиб Европа Иттифокида 15,0 млн. муҳожир ва уларнинг оилалари аъзолари жойлашган эди.

1970-йилларнинг ўрталарида ана шундай марказлардан бири Форс кўрфазида (Бирлашган араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Қувайт ва бошка араб давлатлари) пайдо бўлди. XX аср охирида бу мамлакатларда ҳам иш кучининг 70,0 %дан кўпрогини муҳожирлар ташкил этарди. Муҳожирларни жалб этадиган марказлар сифатида, шунингдек, Лотин Америкасида Аргентина, Венесуэла ва Бразилияни. Жанубий-шарқий Осиёда – Сингапур, Гонконг ва Японияни, Африкада – Жанубий Африка Республикасини кўрсатиш мумкин.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг сўнгги маълумотларига кўра, 2013 йилда халкаро муҳожирларининг сони 231,0 млн. кишига етган. Бу Ер юзи аҳолисининг 3,2 %ни ташкил қилади. Халкаро муҳожирлар сони 1990 йилга нисбатан 76,0 млн. кишига кўпайган (10.4-расм).

---

[1] Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Т.: Қомуслар Бош тахририяти, 1997. – Б.100, 124.

[2] Аминов А., Бабаходжаев А. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. – Т.: Узбекистан, 1966. – С.9.



10.4-расм. Халқаро муҳожирлар сони ортишининг динамикаси

Халқаро муҳожирларнинг 136 млн. нафари ривожланган, 96,0 млн. нафари ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг аксарияти меҳнатга лаёқатли: 20 дан 60 ёшгача бўлган кишилар ташкил этади. Барча халқаро муҳожирларнинг 74,0 %и улар улушига тўғри келади. Дунё миқёсида халқаро муҳожирларнинг 48,0 %ини аёллар ташкил этади[1].

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг маълумотлари ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатларда туғилиб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга кўчиб борган халқаро муҳожирларнинг сони ортиб боришга яқинлашиб қолганлигини кўрсатмоқда. Яъни уларнинг ривожланаётган мамлакатлардаги сони 2013 йилда 82,3 млн. кишини, ривожланган мамлакатлардагиларники эса 81,9 млн. кишини ташкил этган.

Шу билан бирга халқаро муҳожирларни жалб қилувчи энг катта минтақа Европа бўлиб қолмоқда. Унинг ҳиссасига ҳозирги вақтда 72,0 млн. киши тўғри келади. Осиё қитъаси эса 71,0 млн. халқаро муҳожирни қабул қилган. Халкаро муҳожирлар сони ўсишининг энг юқори суръатлари Шимолий Америкада қайд қилинган. Мазкур минтақада 1990 йилдан кейинги даврда бу ўсиш суръатлари йилига ўртача 2,8 %га етган. Шимолий Америка ана шу даврда жами 25,0 млн. халқаро муҳожирни қабул қилган.

2000 йилдан кейин эса халқаро муҳожирлар мутлақ сонининг ортиши Осиё қитъасида кузатилмоқда. Кейинги 13 йил ичида бу ердаги муҳожирларнинг сони салкам 20,0 млн. кишига кўпайган. Умуман, халқаро муҳожирлар умумий сонининг тенг ярми жаҳондаги 10 мамлакатга тўғри келади (10.5-расм).

[1] Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ижтимоий ахборот департаментининг маълумотлари http://www.unmigration.org.



10.5-расм. Халкаро муҳожирларни энг кўп жалб қилган мамлакатлар (2013 йил, млн. киши)[1]

Профессор В.А. Йощевнинг фикрига кўра, миграция аҳолининг такрор ҳосил бўлишига бевосита таъсир ўтказиши мумкин, яъни демографик жараён сифатида фақатгина кўчишлар ёки қайтмайдиган миграция шаклида юзага чиқиши мумкин ва фақат ушбу шаклда у демография предметига бевосита киради[2].

Миграция демографик жараёнларга бевосита таъсир ўтказиши билан бирга, у мамлакатнинг демографик ривожланишига ҳам билвосита таъсир ўтказиши мумкин. Масалан, АҚШга меҳнат килиш максадида борган мигрантлар оиласида туғилган гўдак мамлакат фуқароси хисобланади ва шу йўсинда унинг демографик ривожланишига ўз таъсирини ўтказади.

Демография нуқтаи назаридан халкаро миграция муҳожирларни жалб этувчи давлатларга куйидагига таъсир кўрсатади:

1. Аҳоли сонининг динамикасини ўзгартиради. Масалан, Россияда туғилиш даражаси пасайиши туфайли 1989–2002 йилларда аҳолининг табиий ўсиши 12,8 млн. кишига камайган. Иммиграция аҳоли сонидаги бу йўқотишнинг 11,0 млн. нафарини қоплаган. Бу бошка давлатлар, умуман жахон учун хос. Хусусан, Бирлашган Миллатлар ташкилоти маълумотларига кўра, 1990–2010 йилларда дунёда миграция жараёнлари натижасидаги муҳожирлар сони ортишининг суръатлари аҳоли табиий ўсиши суръатларидан ортиб кетди (10.1-жадвал).

2. Аҳоли жинс-ёш таркибини ўзгартиради. Муҳожирларнинг кўпчилигини, анъана бўйича, ёшлар ташкил этади. Шунинг учун иммиграция жалб этувчи мамлакат аҳолисининг жинс-ёш таркибини яхшилайди, эмиграция эса ёмонлаштиради. Бундан ота-оналар жалб этувчи мамлакатдаги фарзандларинкига оилани бирлаштириш учун келишлари мустаснодир.

---

[1] Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ижтимоий ахборот департаментининг маълумотлари. //http://www.unmigration.org.

[2] Введение в демографию. Учебное пособие. – М.: ГЕНС, 2002. – С.344.

10.1-жадвал

Жаҳон ва унинг минтақаларида халқаро миграция жараёнлари ва унинг аҳоли таркибига таъсири динамикаси[1]

Жаҳон минтақалари	Халқаро муҳожирлар сони, млн. киши		Халқаро муҳожирлар сони динамикаси (1990 й.га нисб. 2010 й.да, %)	Халқаро муҳожирларнинг маҳаллий аҳоли таркибидаги улуши, %	
	1990 й.	2010 й.		1990 й.	2010 й.
Ривожланган мамлакатлар	82,0	127,7	55,7	7,2	10,3
Ривожланаётган мамлакатлар	73,2	86,2	17,8	1,8	1,5
Африка	16,0	19,3	20,4	2,5	1,9
Осиё	50,9	61,3	20,5	1,6	1,5
Европа	49,1	69,8	42,2	6,8	9,5
Лотин Америкаси	7,1	7,5	5,4	1,6	1,8
Шимолий Америка	27,8	50,0	80,0	9,8	14,5
Океания	4,4	6,0	36,7	16,2	16,4
Жаҳон бўйича	155,2	213,9	37,9	2,9	3,1

3. Аҳоли зичлигидаги минтақавий номутаносибликни бартараф этади. Буни фақат халқаро миграция орқали эмас, балки ички миграция хисобига ҳам амалга ошириш мумкин.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти Аҳолишунослик бўлими ҳозирги вақтда **миграциянинг ўрин босиш функцияси** пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Миграциянинг мазкур функцияси аҳоли сонини, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини, аҳоли таркибида катта ёшдагилар улушини барқарорлаштиришда ўз ифодасини топади (10.6-расм).



10.6-расм. Миграциянинг ўрни босиш функцияси

Ўзбекистонда ички миграция мамлакат аҳолисини ҳудудий қайта тақсимлашга муайян даражада таъсир кўрсатмоқда. Л.П. Максакованинг фикрича, ички, хусусан қишлоқ-шаҳар миграцияси – аҳолининг

[1] Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ижтимоий ахборот департаментининг маълумотлари // http. // www.unmigration.org.

маълумотни ошириишлари, янги касбни эгаллашлари, малакаларини ошириишлари ва касбий ҳаракатчанликларида кудратли омилдир[1].

Мамлакат минтақалари бўйича ички меҳнат миграцияси 8,9 %га тенгдир. Ички меҳнат миграциясида йирик шаҳарлар рецепиентлар (кўчиб келаётган аҳолини қабул килувчилар) вазифасини ўтамокдалар. Хусусан, ички миграциянинг 70,0-80,0 % Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келмокда[2].

Қишлоқ-шаҳар миграцияси республикада ижобий аҳамиятга эгадир. Зеро, мамлакат қишлоқ жойларида аҳолининг кўпчилиги яшайди ва бу ерларда аҳоли сонининг юқори сурьатларда ўсиши сақланиб қолмокда. Бу аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда иш кучи эҳтиёждан ортикча, мамлакатда кишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратишга биринчи даражали аҳамият берилаётганига карамасдан, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ўткирлигича колмокда. Шунинг учун кишлоқ-шаҳар миграцияси қишлоқ меҳнат салоҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгани йўқ. Экспертларнинг ҳисобларига кўра, бу ички меҳнат миграцияси кишлокда аҳоли ўсишининг 4.0 %га якинини, меҳнат ресурслари ортишининг 6,0 %ини шаҳарга кайта тақсимламокда.

Ўзбекистонда ташки миграция фаоллигининг уч босқичини ажратиб кўрсатиш мумкин:

• XX аср 90-йилларининг бошлари. Бу даврда мамлакатдан кўчиб кетганлар билан кўчиб келганлар ўртасидаги йиллик ўртача салбий сальдо 180 минг кишини ташкил этди;

• XX аср 90-йилларининг ўрталари. Бу йилларда мамлакатдан кўчиб кетганлар билан кўчиб келганлар ўртасидаги йиллик ўртача салбий сальдо 100 мингга якин кишини ташкил этди;

• XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги. Бу йилларда мамлакатдан кўчиб кетганлар билан кўчиб келганлар ўртасидаги йиллик ўртача салбий сальдо 70-80 минг кишидан ортмади.

Сўнгги йилларда мамлакатда аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг сезиларли даражада яхшиланиши, иш ҳақи ва даромадларнинг муттасил ортиб бораётганлиги аҳолининг ташки миграциясига ўз таъсирини ўтказмокда. Жумладан, 2012 йилда Ўзбекистонда ташқи миграция сальдоси 2005 йилдагига нисбатан 50,7 минг кишига камайди. Умуман, 2011-2012 йилларда эса миграция сальдоси 40,5-47,5 минг кишини ташкил этди.

---

[1] Максакова Л.П. Узбекистан в системе международных миграций. //Постсоветские трансформации: отражение в миграциях – М.: ИГ «АдамантЪ», 2009. – с. 331.

[2] Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. //Материалы Республиканской научно-практической конференции. –Т., 2009. С. 125.

10.2. Миграцияни ҳисобга олиш усуллари ва кўрсаткичлари

Миграция жараёнлари қатор миқдор кўрсаткичлари орқали ифода қилинади. Бу, энг аввало, бир жойдан (мамлакат, шаҳар, ҳудуд) бошқа жойга кўчиб келганлар, шунингдек, бир жойдан бошқа жойга кўчиб кетганлар сони нисбатидир. Бу кўчиб келган ва кўчиб кетган аҳоли сони ўртасидаги тафовут демографияда **миграция сальдоси**, деб аталади (10.2-жадвал).

10.2-жадвал

Ўзбекистонда миграция сальдоси динамикаси (минг киши)[1]

Йиллар	Ўзбекистонга кўчиб келганлар сони	Ўзбекистондан кўчиб кетганлар сони	Миграция сальдоси (+,-)
1991	371,1	401,3	- 29,8
1992	349,4	424,1	- 74,7
1993	302,4	356,5	- 53,9
1994	221,7	360,7	-139,0
1995	167,8	256,8	- 89,0
1996	148,6	198,9	- 49,3
1997	146,6	195,0	- 48,4
1998	143,3	193,3	- 50,0
1999	162,6	224,6	- 62,0
2000	145,9	212,5	- 66,6
2001	151,8	229,6	- 78,8
2002	152,8	236,1	- 83,3
2003	139,7	232,7	- 71,0
2004	147,9	243,5	- 97,6
2005	144,8	246,4	- 97,6
2006	144,0	209,2	- 65,2
2007	151,2	214,3	- 63,1
2008	149,7	195,4	- 45,7
2009	138,1	187,7	- 49,6
2010	139,8	183,9	- 44,1
2011	135,9	182,4	- 46,5
2012	169,7	210,7	- 41,0

Шу билан бирга мавжуд аҳолининг ҳар 1000 кишисига нисбатан кўчиб келган аҳоли коэффициенти ва кўчиб кетган аҳоли коэффициенти ҳам ҳисоблаб чиқилади.

Кўчиб келган аҳоли коэффициенти (Ккел) қуйидагича ҳисобланади:

$$Ккел = (П : Д) \times 1000,$$

бунда: П – муайян даврда (одатда 1 йил давомида) кўчиб келган аҳолининг сони;

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //http://www.stat.uz.

Д – кўриб чиқилаётган даврда ўртача йиллик аҳолининг сони.

Кўчиб кетган аҳоли коэффициенти эса (Ккет) қуйидагича ҳисобланади:

$$Ккет = (В : Д) \times 1000,$$

бунда: В – муайян даврда (одатда 1 йил давомида) кўчиб кетган аҳолининг сони;

Д – кўриб чиқилаётган даврда ўртача йиллик аҳолининг сони.

Мавжуд аҳолининг ҳар 1000 кишисига нисбатан кўчиб келган ва кўчиб кетган аҳолининг нисбати **миграция сальдоси коэффициенти** (Кмс). деб аталади ва у қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

$$Кмс = (П - В) : (Д) \times 1000.$$

Миграция сальдоси коэффициенти аҳолининг табиий ўсиши коэффициенти билан таққосланганда мазкур ҳудуддаги аҳоли динамикаси намоён бўлади. Агар миграциянинг салбий сальдоси коэффициенти аҳолининг табиий ўсиши коэффициентидан кам (масалан, бу кўрсаткичлар – 9 % ва + 15 %) бўлса, аҳоли сони кўпайган, кўп бўлса – камайган бўлади.

Миграция жараёнларининг жадаллигини аниқлаш учун **аҳолининг миграция ҳаракатчанлиги коэффициенти** (Кҳар) қўлланилади. Мазкур коэффициент муайян даврда кўчиб келган (Мкел) ва кўчиб кетган муҳожирлар жамланмасининг (Мкет) мавжуд аҳолининг ҳар 1000 кишисига нисбатини белгилайди:

$$Кҳар = (Мкел + Мкет) : (Д) \times 1000.$$

Мазкур коэффициент мамлакат бўйича, шунингдек, алоҳида минтақалар, шаҳар ва қишлоқда истиқомат қилаётганлар турли миллат вакиллари учун ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистонда меҳнат эмиграциясини ҳисоблаб чиқиш услубиёти[1] мавжуд. У меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошираётган шахслар сонини ҳисоблашга мўлжалланган ҳамда қуйидаги тартибда босқичма-босқич аниқланади:

1) Ишга жойлаштиришга муҳтожларни аниқлаш мақсади учун меҳнат органлари томонидан меҳнат эмиграцияси бўйича саволномага мувофиқ, меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишларни ўтказиш пайтида мигрант меҳнатчилар сифатида чет элда турганлар сони аниқланади. Бунинг учун:

а) уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича (меҳнат эмиграцияси модулига биноан) ҳар чоракдаги ўрганишлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги "Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 106-сон қарори. //http://www.lex. uz.

маълумотлари асосида меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошираётган шахсларнинг сўралганлар умумий сонидаги салмоғи қуйидагича аниқланади:

$$ММС=КММС:СС\times100,$$

бунда: ММС – мигрант меҳнатчиларнинг сўралганларнинг умумий сонидаги салмоғи;

КММС – меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахс (мигрант меҳнатчи)ларнинг меҳнат билан бандлик масаласи бўйича уй хўжаликларини ўрганиш давомида аниқланган сони;

СС – меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўралганлар сони, ҳаммаси;

б) мигрант меҳнатчиларнинг сўралганларнинг умумий сонидаги салмоғи бўйича мигрант меҳнатчиларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибидаги умумий сони қуйидагича ҳисобдан чиқилади:

$$ММ=ММС\times МЛА:100,$$

бунда: ММ – мигрант меҳнатчилар сони, ҳаммаси;

МЛА – меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони;

в) зарурат бўлганда, меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошираётганларнинг сони жўнаб кетган йўналиши (мамлакати) бўйича аниқланади. Бунинг учун:

• ўрганишлар маълумотлари бўйича ҳар қайси мамлакатдаги меҳнат фаолиятини амалга ошираётган мигрант меҳнатчиларнинг сўралганлар умумий сонидаги салмоғи аниқланади;

• меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли умумий сонига нисбатан – салмоқни пропорционал равишда ҳисоблаб чиқиш ва жамлаш йўли билан муайян мамлакатларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган мигрант меҳнатчилар сони аниқланади.

2) Умуман, республика бўйича меҳнат ресурсларини ҳисоблаб чиқишда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони ҳисобга олинади. Уларнинг сони қуйидагиларни ўз ичига олувчи интеграциялашган ахборотлар модули бўйича аниқланади:

а) чет элга кетганларнинг сони ва максади тўғрисида божхона декларациясининг такомиллаштирилган шакли асосидаги ҳар чораклик статистика ҳисоботи маълумотлари;

б) меҳнат эмиграцияси масалалари бўйича ҳар йилги социологик тадқиқот маълумотлари;

в) меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошириш учун фуқароларга Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган рухсатномалар маълумотлари;

г) Ташқи ишлар вазирлигининг чет элдаги консуллик муассасаларидан олинган маълумотлар;

д) уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ҳар чораклик ўрганишлар маълумотлари.

10.3. Меҳнат миграцияси

Ҳозирги вақтда миграция жараёнларида меҳнат миграцияси ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Жаҳонда глобаллашув, халқаро меҳнат тақсимотининг тобора чуқурлашиши ва кенгайиб бориши меҳнат миграциясини ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг энг муҳим омилига айлантирди. Шунинг учун Миграция бўйича халқаро ташкилот миграцияни "ҳар бир мамлакат ва минтақа ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг ҳал қилувчи, муқаррар ва ижобий таркибий қисми"[1], деб баҳолаган.

Америкалик иқтисодчи олимлар С. Дэвис ва Ж. Холтивангернинг ҳисоблашларига кўра, меҳнат миграцияси омилларини икки гуруҳга таснифлаш мумкин:

1. Меҳнат миграциясининг меҳнат муҳожири билан боғлиқ омиллари:

- касбий ўсиш;
- малака даражасининг етарлилиги ёки ортиқчалиги;
- меҳнат фаолиятидан қониқиш ҳосил қилинмаслик;
- тураржойни ўзгартириш;
- таълим муассасидаги ўқишни тугаллаш;
- пенсия ёшига етиш ва ҳ.к.лар.

Бунда иш жойини ўзгартириш мазкур омиллар таъсири остида рўй беради, аммо бу корхона персонали сонини кўпайтириш ёки қисқартиришни талаб этмайди. Ушбу ҳолатда ишчи кучи миқдори ўзгармай қолиши мумкин.

2. Бу янги меҳнат бозорларининг пайдо бўлиши ёки мавжудларининг барбод бўлиши билан боғлиқ. Яъни:

- иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарнинг модернизация қилиниши;
- янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши;
- халқаро меҳнат бозорларидаги рақобатнинг кучайиши ёки сусайиши;
- хўжалик юритишда турли ҳудуд ҳамда минтақалардаги тафовутлар ва бошқалар.

[1] Annual Report of the Certification Officer for 2007-2008. – P.2. // http: //www.un.org.

Одатда бу жараёнлар умумий иш жойлари сонининг ўзгариши ёки айрим хўжалик юритувчи субъектлар ва алоҳида тармоқлар ўртасида уларнинг қайта тақсимланишига олиб келади. Натижада меҳнат миграцияси иш жойларидаги ўзгаришлар таъсири остида бўлади[1].

Ж. Харрис, М. Тодаро назарияларига кўра эса, ортиқча меҳнат ресурслари имконияти чекланган, ишлаб чиқариш даражалари паст бўлган минтақалардан ривожланган, урбанизациялашган ҳудудларга миграция қилади[2].

Шу билан бирга меҳнат миграциясини турли субъектлар (мамлакатлар, минтақалар, корхоналар, шахслар) ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий тенгсизлик деб баҳолаш нуқтаи назари ҳам мавжуд. Бу ёндашувга иқтисодиётда таркибий концепция сифатида қаралади.

Меҳнат миграцияси назариясининг ҳудудий-таркибий моделига мувофиқ эммиграция минтақасида меҳнат миграцияси қуйидаги омиллар ҳисобига рўй беради:

- ишсизлик;
- аҳоли сонининг ортиши;
- турмуш даражаси пастлиги;
- иқтисодий турғунлик.

Иммиграция минтақасида эса меҳнат миграциясини қуйидаги омиллар рағбатлантиради:

- ишчи кучи тақчиллиги;
- иқтисодий ўсиш суръатлари юқорилиги;
- иш ўринларининг кўпайиши.

Шу билан бирга меҳнат миграциясининг интеграция назарияси ҳам мавжуд. Унга кўра меҳнат миграциясига ишчи кучини экспорт қилувчи ва уни импорт қилувчи минтақалар ўртасида меҳнат унумдорлиги ва иш ҳаки миқдори ўртасидаги тафовут, миграция учун тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги, ишчи кучи малакасининг ўзаро ўтироф этилиши, маданият ва тилдаги фарқларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмаслиги зарур имкониятлар яратади.

А. Худайбергенов меҳнат миграцияси сабабларини қуйидагича изоҳлайди: "Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатининг глобаллашуви шароитида миграция жараёнларига таъсир этувчи асосий иккита гуруҳ омиллари шаклланди. Биринчи гуруҳ – ижтимоий-иқтисодий ва демографик табиатга эга объектив омиллар: ишсизлик, қашшоқлик, аҳолининг ғоят зичлиги. Иккинчи гуруҳ – субъектив омиллар:

[1] Davis S., Haltiwanger J. Measuring Gross Worker and Job Flows: NBER Working Paper. N5133. 1995-.P.1.

[2] Harris J., Todaro M. Migration, unemployment, and development: a two-sector analysis // American Economic Review. 1970, № 60. –P.126-142.

истиқомат қилаётган мамлакатида ривожланиш истиқболларининг йўқлиги, шароитлардаги чорасизлик, ўз даромадлари ва турмуш даражасини тиклаб олишга интилиш"[1].

М. Ашурова меҳнат миграцияси касб ҳаракатчанлигига ҳам эгалигини кўрсатиб, бу қуйидагилар натижасида содир бўлишини асослайди:

• фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш асосида. Бунинг оқибатида ходимларнинг касбий таркиби ўзгаради, баъзи янги касблар вужудга келиб, эскилари барҳам топади;

• меҳнат унумдорлигининг ўсиши ходимлар сонининг қисқаришига замин ҳозирлайди;

• меҳнат унумдорлиги ўсиши иш кучининг ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокини кенгайтиради;

• ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг ва уларга бўлган эҳтиёжнинг қисқариши ишчи кучига талабнинг камайишига сабаб бўлади ва аксинча, бу ҳажмларнинг ортиши меҳнат ресурсларига эҳтиёжни кучайтиради;

• иш кучи сифатининг ортиши ходимларнинг оддий меҳнат турларидан мураккабларини бажаришга ўтишига хизмат қилади"[2].

Халқаро Меҳнат Ташкилоти меҳнат миграциясининг қуйидаги асосий турларини ажратиб кўрсатади:

• шартнома асосида ишловчилар. Бу ҳолда меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи давлат томонидан уларнинг мазкур мамлакатда бўлиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилади. Миграциянинг бу тури асосан ишчи кучини мавсумий (масалан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш) ишларга жалб қилиш билан боғликдир;

• малакали кадрлар миграцияси. Бунга юқори малакали мутахассислар ёки ишчиларни имтиёзли тартибда (юқори иш ҳақи, бошқа имтиёзлар ҳисобига) ишга таклиф қилиниши мисол бўла олади;

• ноқонуний миграция. Бу бошқа малакатларда меҳнат фаолияти билан ноқонуний равишда шугулланишдир.

Меҳнат миграциясида ишчи кучининг ҳаракатчанлиги мезони ҳам ҳисобга олинади. Ишчи кучи ҳаракатчанлиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг муайян турдаги меҳнат фаолиятини муайян жойда бажаришга қолирлиги ва тайёрлиги билан белгиланади. Унинг ижтимоий-касбий ва ҳудудий хусусиятлари мавжуддир. Мазкур жиҳатларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин (10.3-жадвал):

---

[1] Худайбергенов А. Глобаллашув шароитида халқаро миграция. //Жамият ва бошқарув, 2011 йил, 4-сон. 39-б.

[2] Ашурова М. Меҳнат ресурслари ҳаракати. //Жамият ва бошқарув, 2011 йил, 3-сон. 113-б.

10.3-жадвал

Меҳнат миграциясида ишчи кучи ҳаракатчанлиги омиллари

№	Ҳаракатчанлик омиллари	Ижтимоий-касбий ҳаракатчанлик	Ҳудудий ҳаракатчанлик
		1. Кўчишнинг зарурийлиги	
1	Жорий ҳолат	Иш ҳақи, меҳнат шарт-шароити, меҳнат мазмуни, иш вақти	Турмуш даражаси, ижтимоий инфратузилма, тураржой
2	Яхшилаш имконияти	Хизмат соҳасида юқори кўтарилиш эҳтимоли	Тураржой шароитлари яхшиланиш эҳтимоли
3	Қилинган сарфлар	Мазкур ишга қилинган сарфлар	Уйга, квартирага қилинган сарфлар
		2. Янги иш жойининг мақбуллиги	
1	Янги жойдаги ҳолат	Иш ҳақи, меҳнат шарт-шароитлари, меҳнат мазмуни, иш вақти	Турмуш даражаси, ижтимоий инфратузилма, тураржой
2	Янги иш жойидаги имконият	Хизмат соҳасида юқори кўтарилиш эҳтимоли	Тураржой шароитларини яхшилаш эҳтимоли
3	Қилинган сарфларнинг сақланиб қолиши	Қилинган сарфлардан янги иш жойида фойдаланиш имконияти	Тураржойни алмаштириш имконияти
		3. Ҳаракатчанликнинг асослиги	
1	Объектив хусусиятлар	Ходимнинг малакаси, тажрибаси, ёши ва шу кабилар	Ходимнинг малакаси, тажрибаси, ёши ва шу кабилар
2	Субъектив хусусиятлар	Янги иш жойига мослашишнинг осонлиги	Янги яшаш жойига мосланишнинг осонлиги
3	Ўтгариш даражаси	Функциялардаги фарқ	Турмуш тарзидаги фарқ
4	Кўчиш сарфлари	Янги фаолиятни ўзлаштириш харажатлари	Кўчиб ўтиш харажатлари
		4. Хабардорлик	
1	Бўш иш ўринлари тўғрисида ахборот борлиги	Бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборот	Кўчиб юришнинг эҳтимоллилиги ва бориладиган жойлар тўғрисидаги ахборотлар
2	Ахборот қиймати	Бўш ўринлар тўғрисида ахборот олиш қиймати	Турли минтақаларда ахборот олиш сарфлари
3	Ахборотнинг ишончлилиги	Бўш ўринлар тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги	Минтақалар тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги

1. Ишчи кучи кўчишининг зарур омиллари. Уларга ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда иш ҳақи, меҳнат шарт-шароити ва мазмуни, иш вақти, хизмат соҳасида кўтарилиш эҳтимоли билан белгиланса, ҳудудий ҳаракатчанлик турмуш даражаси, ижтимоий инфратузилма, тураржой шароитларини яхшилаш имкониятлари билан боғлиқ бўлади.

2. Янги иш жойининг мақбуллиги омиллари юқорида қайд этилганлар қатори қилинган сарфлардан янги иш жойида фойдаланиш ҳамда тураржойни алмаштириш имкониятларини ҳам камраб олади.

3. Бу гуруҳ омиллари имконияти ҳаракатчанликнинг асослиги билан белгиланади. Бунда ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда ходим малакаси, тажрибаси, ёши ва бошқа хусусиятлари ҳамда янги иш

жойига жойлашишнинг осонлиги асосий роль ўйнаса, ҳудудий ҳаракатчанликда улар қатори кўчиб ўтиш ҳаражатлари ҳам аҳамиятга эгадир.

4. Мазкур гуруҳ омиллари ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборотлар мавжудлиги, уларнинг ишончлилиги, ахборот олиш қиймати билан белгиланса, ҳудудий ҳаракатчанликка кўчиб бориладиган жойлар тўғрисидаги ахборотлар ҳамда уларнинг қиймати муҳим ҳисобланади.

Меҳнат миграциясида донор мамлакатлар (ишчи кучини экспорт қилувчилар) ҳамда рецепиент мамлакатлар (ишчи кучини импорт қилувчилар) фарқланади. Меҳнат миграцияси рецепиент мамлакатнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжини таъминлайди, донор мамлакатларда эса иқтисодий фаол аҳолини эса иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қилади (10.4-жадвал).

Ҳозирги даврда халқаро меҳнат миграцияси учун қуйидагилар хос:

1. Ривожланаётган давлатлардан ривожланган давлатларга меҳнат миграцияси. Иқтисоди тараққий этган давлатларда турмуш даражаси юқорилиги ва бу меҳнат муҳожирларини жалб этиши табиий. Шу билан бирга ривожланган давлатларда маҳаллий аҳоли томонидан *нуфузли*, деб ҳисобланмайдиган иш жойлари бор. Бу иш жойлари, одатда, меҳнат муҳожирлари томонидан эгалланади. Масалан, Францияда қурилишда иш билан бандларнинг 25,0 %ини меҳнат муҳожирлари ташкил этади. Бу мамлакат автомобилсозлиги соҳасида иш билан банд ҳар уч ишчидан бири меҳнат муҳожиридир. Бельгияда кончиларнинг карийб ярмини меҳнат муҳожирлари ташкил этса, Швейцарияда қурувчиларнинг 40,0 % - хорижликлардир.

Шу билан бирга ривожланаётган давлатлардан ривожланаётган мамлакатларга юқори малакали меҳнат муҳожирлари миграцияси ниҳоятда катта кўламни ташкил этмоқда. Бу ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатаётгани ҳолда ривожланаётган давлатларга бундай мутахассисларни тайёрлашга кетадиган катта маблағни тежаш имконини бераяпти.

Ўзбекистон Республикасида *ташқи меҳнат миграцияси* бўйича фаол давлат сиёсати амалга ошириб келинмоқда. Мамлакат фуқаролари ҳукуматлараро, идоралараро шартнома ва битимлар асосида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиш ҳуқукига эга. Хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини чет элларда амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилалиган рухсатномалар асосида йўлга қўйилади.

10.4-жадвал

Меҳнат миграциясининг ишчи кучини экспорт ва импорт қилувчи давлатларга таъсири

Ишчи кучини экспорт ва импорт қилувчи давлатлар	Меҳнат миграциясининг ижобий таъсири	Меҳнат миграциясининг салбий таъсири
Донор мамлакатлар (ишчи кучини экспорт қилувчилар)	• ишчи кучи экспорти мамлакат меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилайди, яъни иш кучи миграцияси натижасида ортиқча меҳнат ресурслари сони камаяди; • ишчи кучи экспорти донор мамлакатлар фуқароларига реципиент давлатларда янги замонавий мутахассисликларни эгаллаш, ўз малакаларини ошириш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини беради; • иш кучи экспорти донор мамлакатларга қўшимча валюта кириб келиши ҳамда эмигрант ходимлар оила аъзолари турмуш даражасини ошириш манбаи ҳисобланади; • донор мамлакатлар ўз фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланадиган фирмалардан давлат бюджетига солиқ ундиради	• ишчи кучини экспорт киладиган мамлакатлар ўз меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли иқтисодий фаол аҳоли маълум қисмидан ажралади; • донор мамлакатлар эмигрант ишчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун сарфлаган маблағлари реципиент давлатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади; • юқори малакали ва меҳнат бозорида ғоят рақобатбардош ишчи кучи экспорти донор мамлакатлар ишлаб чиқаришини мухим тармоқларида юқори малакали кадрлар тақчиллигига олиб келиши мумкин
Реципиент мамлакатлар (ишчи кучини импорт қилувчилар)	• хориждан ишчи кучининг кириб келиши юқори даражадаги сафарбарликни таъминлаб, иқтисодиёт таркибидаги муайян тармоқларни жадал ривожлантиришга хизмат қилади; • ишчи кучи миграцияси реципиент мамлакатларнинг кадрлар тайёрлаш учун харажатларини тежаш имконини беради; • иммигрантлар ички бозорни ривожлантиради, чунки улар товар ва хизматларга талабни оширади; • иш кучи импорти реципиент мамлакатлар компания ва фирмаларини бозордаги рақобатбардошлигини оширади, чунки арзон ишчи кучи кириб келиши натижасида ишлаб чиқариш харажатлари тежалади; • иммигрантларнинг вақтинчалик бўш маблағларидан реципиент мамлакатлар иқтисодиётини модернизациялаштириш учун фойдаланиш имконияти пайдо бўлади	• мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг хориж иш кучига қарамлиги ортади; • ички ишчи кучининг маҳаллий меҳнат бозоридаги баҳоси пасаяди ҳамда хориж иш кучининг таклифи ортади

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлик мамлакат фуқароларининг хорижда ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш масалаларини ҳал этади. Бу тўғрисида тегишли мамлакатлар миграция хизматлари билан шартнома ва битимлар тузади ҳамда улар бажарилишини мувофиқлаштириб боради.

Ўзбекистон 2007 йил 4 июлда Россия билан меҳнат фаолияти, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний миграцияга курашда ҳамкорлик қилиш ва бошқа қатор битимлар имзолаган. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги қарори билан тасдиқланган. Улар Россияда 2009 йил май ойида ратификация қилинган.

Ташқи меҳнат миграцияси масалари бўйича агентлик билан Корея Республикаси Тадбиркорлар ассоциацияси ўртасида тузилган шартнома бўйича ўзбекистонликлар бу давлатда расмий меҳнат фаолиятини амалга оширади.

Расмий маълумотларга мувофиқ, Ўзбекистондан чет элларда ишлаш учун бораётганларнинг 85,0 % Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига тўғри келади. Шу жумладан, уларнинг 58,3 % Россия, 25,6 % - Қозоғистон, 4,7 % - Жанубий Корея, 1,3 % - Туркияда меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда. Л.П. Максаковананинг фикрича, Россиядаги ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг сони камида 400,0-450,0 минг кишини ташкил қилади[1]. Шунингдек, мамлакат ташқи мигрантларининг 0,6 % - Европа Иттифоқи мамлакатлари, 0,4 % - Бирлашган Араб Амирликлари, 0,2 % - бошқа мамлакатлар, шу жумладан АҚШга йўл олган.

Ташқи меҳнат муҳожирларининг ярмидан кўпроғи мавсумий ишчилардир. Ташқи мигрантларнинг атиги 2,0-3,0 % малакали ва юқори малакали меҳнат фаолияти билан банд.

Ташқи меҳнат миграцияси таркибида ноқонуний меҳнат миграцияси салмоғи юқорилиги жиддий муаммолар туғдиради. Москвадаги Миграция тадқиқотлари маркази маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда бу ерда меҳнат фаолиятини олиб бораётган чет эллик фуқароларнинг фақат 47,0 %гагина ишлаш учун расмий рухсатномага эга. Меҳнат муҳожирларининг 77,0 % меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун расмий ёзма шартномага эга эмас. Кўп жиҳатдан шу сабабли ноқонуний меҳнат муҳожирларининг 12,0 %дан ҳужжатлари олиб қўйилади, уларнинг 16,0 %нинг ҳаракатланиши чекланган, 40,0 % бажарилган иш

[1] Максакова Л.П. Узбекистан в системе международных миграций. //Постсоветские трансформации: отражение в миграциях. – М.: ИТ «АдамантЪ», 2009. – с. 334.

учун ҳақ олишда алданади, 35,0 %га белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлагани учун умуман ҳақ тўланмайди, 40,0 % ҳуқуқ-тартибот идораларининг зўравонлик кўрсатишларига дуч келади.

Миграция тадқиқотлари маркази ўтказган текширишлар Москвада меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганларнинг учдан бир қисми 70 соатлик иш ҳафтасига эга эканликликларини кўрсатди. Бу иш вақти узайтирилган меҳнат фаолияти учун улар ўртача 500,0 АҚШ доллари миқдорида ёки Россия пойтахтидаги ўртача иш ҳақидан икки баравар кам иш ҳақи олади[1].

Шу билан бирга кейинги вақтларда иш кучини импорт қилаётган мамлакатларда меҳнат муҳожирларига нисбатан жамоатчилик фикри салбий кўриниш олаётганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Жумладан, Бутунроссия Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (ВЦИОМ) томонидан Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровларда респондентларнинг 75,0 % меҳнат миграциясига салбий муносабат билдирган[2].

Ташқи меҳнат миграциясининг энг ҳунук кўриниши одам савдосида намоён бўлди. Айрим нопок кимсалар мамлакат фуқароларини алдов йўли билан чет элларга олиб чиқиб, уларни ашаддий эксплуатация қилиш учун бошқаларга сотиб юборишгача бориб етдилар. Бундай ашаддий қонунбузарлик ҳолатларига барҳам беришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори[3] катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарор асосида одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилди ва у изчил амалга оширилмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. "Миграция" сўзи қандай маънони англатади?
2. Аҳоли миграцияси деганда нимани тушунасиз?
3. Миграциянинг қандай турларини биласиз?
4. Аҳоли миграциясининг қандай шакллари мавжуд?
5. Миграциянинг сабабларини тушунтириб беринг.
6. Миграцияни ҳисобга олишнинг қандай усулларини биласиз?

---

[1] Тюрюканова Е. Трудовая миграция в Россию // http: //www.slideboom.com.

[2] Рязанцев С. Трудовая миграция в России в условиях интеграции ЕврАзЭС. //http://institutions.com.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори. //http://www.lex.uz.

7. Аҳоли миграциясининг кўринишларини санаб беринг.
8. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг таснифи бўйича меҳнат миграцияси қандай турларга ажратилади?
9. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси масалалари билан қайси ташкилот шуғулланади?

Адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: MEHNAT, 2009.
2. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009.
3. Броева Е.Б. Основы демографии: Учебное пособие. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Дашков и К, 2009.
4. Бўриева М.Р. Демография асослари. – Тошкент, 2001.
5. Зокирова Н., Абдурахмонов О. Инкироз: окибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. – Т.: Fan va texnologiya. 2009.
6. Макеакова Л.П. Миграция населения: проблемы регулирования. – Т.: Олодинур. 2001.
7. Косов П.И. Основы демографии: Учебное пособие. Берендеева А.Б. 2-е изд. доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010.
8. Трудовая миграция в Республике Узбекистан: Сб.ст. /Отв.ред. Е.В. Абдуллаев. – Т.. 2008.
9. Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. – Т.: Университет, 2006.

11-боб. ДЕМОГРАФИК ПРОГНОЗ

11.1. Демографик прогнозларнинг моҳияти ва турлари

Демографик прогноз аҳоли ҳаракатининг асосий кўрсаткичларини ва истиқболдаги демографик вазиятни: аҳолининг сон ва сифат тавсифларини, ёш-жинс ва оилавий таркибини, туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш, миграция жараёнларини илмий асосланган ҳолда олдиндан кўра билишдир. Демографик прогнознинг зарурати ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш вазифалари билан узвий боғлиқдир.

Дастлаббалги демографик прогнозсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, тураржой қурилиши, ижтимоий инфратузилмани, соғлиқни сақлаш, халқ таълимини, пенсия тизимини ривожлантириш истиқболларини, геосиёсий вазифаларни ҳал этишни тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам аҳоли сони ва таркибининг, алоҳида демографик жараёнларнинг динамикаси халқаро, давлат ва ҳукумат ташкилотлари, илмий муассасалар умумий фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланади.

Демографик прогноз туғилиш ва ўлимнинг келажакдаги динамикасига доир айрим гипотезалар асосида амалга оширилади. Бугунги кунда демографик прогнозлаштиришнинг иккита асосий йўналиши мавжуд:

• **глобал прогнозлар** дунё миқёсидаги демографик ривожланиш операторларидир. Прогнозлаштиришнинг мазкур йўналишида аҳоли такрор ҳосил бўлишининг кўплаб омил ва кўрсаткичлари ҳисобга олинади;

• **минтақавий прогнозлар** – улар бевосита давлатларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режалари билан боғлиқ. Масалан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режалаштирилаётганда аҳоли такрор ҳосил бўлишининг ўзига хос хусусиятлари, демографик жараёнларнинг тавсифлари ҳисобга олинади. Шунингдек, минтақавий прогнозлар ҳудуд аҳолиси сони ва таркибининг истиқболдаги динамикаси ҳақидаги маълумотларни беради. Улардан таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой сиёсати, маданият, спорт, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлаш ва уларни ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ҳамда бошқа соҳаларнинг истиқбол прогнозларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Демографик прогнозлар таҳлилий, меъёрий, огоҳлантирувчи ва функциявий шаклларда бўлади.

Таҳлилий прогнозлар. Бу прогнознинг мақсади – аҳоли такрор ҳосили қилинишининг аҳолининг келажакдаги сони ва таркибига

умуман ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эҳтимол тутилган таъсирини баҳолаш орқали аҳоли такрор ҳосил қилинишининг ҳозирги даврдаги хусусиятларини тадқиқ этишдир. Бошқача айтганда таҳлилий прогнозлар учун демографик жараёнларни башорат қилишдан ҳам кўпроқ мазкур жараёнлар билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш муҳимдир.

Таҳлилий прогнозлар, одатда, узоқ муддатлидир. У ижтимоий-иқтисодий мақсадларни белгилаш, жумладан демография сиёсати режаларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистонда аҳоли, меҳнат ресурслари сони, жинс-ёш таркиби истиқболларига доир башоратлар таҳлилий прогнозларга киради.

Меъёрий прогнозлар. Уларнинг асосий мақсади – демографик жараёнларнинг хоҳланаётган ҳолатига эришиш учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқишдир. Меъёрий прогнозларда исталаётган демографик вазият ва демографик жараёнларнинг хусусиятлари, хоҳланаётган аҳоли сонига, назарда тутилаётган туғилиш ва ўлим даражасига эришиш юзасидан тегишли тавсиялар шакллантирилади.

Огоҳлантирувчи прогнозлар. Улар таҳлилий прогнозларнинг турларидан биридир. Бундай прогнозларнинг мақсади – таркиб топган демографик вазият ва унинг ўзгариши натижасида эҳтимол тутилаётган хавфлардан огоҳлантиришдир. Бундай энг машҳур прогнозлардан бири Т.Р. Мальтуснинг машҳур аҳолишунослик қонунидир. У аҳоли геометрик, тирикчилик воситалари эса арифметик суръатда ортаётганлигини, натижада аҳоли сони кескин кўпайишини қаромат қилиб, бу қандай аянчли окибатларга (кашшоқлик, эпидемиялар, тартибсизликлар, урушлар ва ҳ.к.лар) олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантирган.

Ҳозирги даврда бундай огоҳлантириувчи прогнозларга Рим клубининг аҳоли сони кўпайиши, шунингдек, минерал ва энергетика ресурсларидан фойдаланишнинг ортиши окибатида эҳтимол тутилаётган турли даҳшатли фожеаларга доир фаразлари мисол бўла олади[1].

Огоҳлантирувчи прогнозлар бўйича эҳтимол тутилаётган хавфларнинг олдини олиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилиши зарур бўлади.

Функциявий прогнозлар. Улардан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, давлат ва хўжалик бошқаруви соҳаларида қарорлар қабул қилиш учун аҳоли тўғрисида зарур прогнозлар олиш мақсади кўзланади[2].

---

[1] *Limits to Growth.* – L., 1972.

[2] Functional Population Projections // Readings in Population Research Methodology Volume 5. Population Models, Projections and Estimates. – Chicago, 1993.

Функциявий прогноз бирор-бир ташкилот, корхона, таълим муассасалари, давлат органларининг амалий максадлари ва вазифаларига хизмат қиладиган прогнозлардир. У турли ижтимоий институтлар, ташкилот ва муассасалар амал этишини таъминлайдиган аҳоли гуруҳлари, оилалар, уй хўжаликларининг истиқболдаги сони ва таркибини аниқлашга даъват этилган.

Функциявий нуқтаи назардан юқорида қайд этилган ижтимоий институтлар билан маълум даражада боғлиқ барча кишиларни икки: ижтимоий таркибларга мансуб, маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган, неъматлар яратадиганлар ҳамда бу маҳсулотлар, хизматлар ва неъматларни истеъмол қиладиган гуруҳга ажратиш мумкин. Бундан тегишли равишда икки функциявий тоифа: **"аҳоли таклифи прогнозлари"** ёки **"демографик таклиф прогнозлари"** ҳамда **"аҳоли талаби прогнозлари"** ёки **"демографик талаб прогнозлари"** келиб чиқади.

Барча функциявий прогнозлар битта мантиқий усулда, ўхшаш ҳисоблаш тартибига асосланган. Жумладан, функциявий гуруҳларни истиқболли баҳолаш қуйидагичадир:

$$F(i,j,t) = P(i,j,t) \times r(i,j,t) \times u(i,j,t) \times c(i,j,t).$$

бу ерда: F (i,j,t) – прогноз қилинаётган i ёшидаги j жинсига мансуб t вақтидаги функциявий гуруҳнинг сони;

P (i,j,t) – i ёшидаги j жинсига мансуб t вақтидаги ёш гуруҳининг прогноз қилинаётган сони;

r (i,j,t) – i ёшидаги j жинсига мансуб t вақтидаги ёш гуруҳи функциявий тез-тезлиги;

u (i,j,t) – i ёшидаги бир функциявий гуруҳ сонининг t вақтидаги шу жинсга мансуб бошқа гуруҳ сонига нисбати;

c (i,j,t) – функциявий кичик гуруҳнинг i ёшидаги j жинсига мансуб t вақтидаги ёш гуруҳи умумий сонидаги улуши.

Масалан, мактаб ўқувчилари ва талабалар сонининг прогнози амалга оширилаётган бўлса, r (i,j,t) кўрсаткичи маълум гуруҳда таълим билан қамраб олинганлар сонини билдиради. Ўқитувчиларга эҳтиёжни аниқлаш учун u (i,t) кўрсаткичидан фойдаланилади. У таълимнинг ҳар бир босқичида ҳар бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сонини кўрсатади.

Ихтисосликлар ва йўналишлар гуруҳлари бўйича талабаларнинг сонини прогноз қилиш учун *c (i,j,t)* кўрсаткичидан фойдаланилади. У талабаларнинг умумий сонида маълум ихтиссослик бўйича таълим олаётганларнинг улушини ифодалайди.

Функциявий прогнозлашнинг асосий вазифаси *r(i,j,t), u(i,j,t) и c(i,j,t)* кўрсаткичларини истикболли баҳолашдир. Бунинг учун экономометрик моделлардан ёки максадли (меъёрий) кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Аҳоли прогнозларининг асосланганлиги, аниқ ва тўғри эканлигини аниқлаш ҳамда баҳолаш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Бундай баҳолаш **прогнозларнинг тасдиқланиши** деб аталади. Прогнозлар тасдиқланиши учун демографик жараёнлар ривожланиши конуниятларининг назарий концепциялари, танланган прогноз услуби, ечимларнинг фойдалилиги ва самарадорлигига асосланган ҳолда тадқиқ этилиши талаб қилинади.

Прогнозлар тасдиқланишининг мақсади – прогноз моделини шакллантириш, прогноз асосини аниқлаш, прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш ва ҳ.к. жараёнларда қилиниши мумкин бўлган хатоларни аниқлаш ва бартараф этишдир. Бунда кўрилаётган жараён ва ҳодисалар, прогноз манзараси даражалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларга доир нотўғри гипотезаларни қабул қилиш натижасида вужудга келадиган хатолар хусусида гап кетади. Одатда, бундай хатолар жамланиши оқибатида прогноз нотўғри бўлиб чиқади.

Демографик прогнозларни тасдиқлаш жараёнида иккита таркибий қисмларни ажратиш кўрсатиш мумкин: улар сифат ва миқдорий тасдиқлардир.

Сифат тасдиғи прогноз ечимининг илмий асосланганлигига жараёнлар, ҳодисалар, прогноз манзарасининг ўзаро боғлиқликлари, уларнинг танланган услубга мос келишига доир дастлабки гипотезалар тўғри эканини исботлаш йўли билан баҳо берилишини назарда тутади.

Миқдорий тасдиқлаш прогноз аниқ ва тўғри эканлигига баҳо беришни назарда тутади.

Прогнознинг аниқлиги деганда, ундаги маълумотнинг ҳақиқий ҳолатдан фаркини баҳоловчи миқдорий тавсиф тушунилади. У далилларга асосланган тарзда, яъни аввал қилинган прогноз ҳамда кейинчалик амалдаги натижа кўрсаткичини таққослаш орқали баҳоланади.

Прогнознинг ишончлилиги деганда, одатда, унинг кўрсаткичларини демографик жараён ривожланиши шарт-шароитларининг сақланиб туриши ҳолатида тахмин қилинган ишонч оралиғига мос келиши эҳтимоли тушунилади.

Прогнознинг аниқлиги ва ишончлилиги ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бу аниқлик тавсифи ишончли эҳтимолийлик асосида белгиланиши ва шунинг акс ҳолати, яъни ишончлилик аниқликка эришишнинг кузатилишида намоён бўлади.

Демографик прогнозлар қисқа (5-10 йил), ўрта (25-30 йил) ва узоқ муддатли (кўпинча ўн йилликлар ва хаттоки юз йилларга мўлжалланган) бўлади.

Демографик прогнозлар амалий жиҳатдан аҳолининг демографик хусусиятлари (сони, таркиби, туғилиш, ўлим ва ҳ.к.ларнинг) ўтмишдаги ҳолати ҳамда уларнинг келажакда ўзгаришларини илмий асосда тахмин қилиш асосида қилинади. Бундай ҳисоб-китоблар одатда бир неча: **"қуйи", "ўртача" ва "юқори" вариант**да қилинади.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментининг Аҳолишунослик бўлими ҳар икки йилда бир марта умуман жаҳон бўйича ва амалда ҳар бир мамлакат бўйича аҳоли прогнозларини эълон қилади (11.1-жадвал).

Демографик прогнозлар қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради:

• меҳнат ресурсларининг истиқболдаги миқдори ва таркибини аниқлаш;

• ижтимоий-демографик гуруҳларининг турли товар ва хизматларга эҳтиёжларини баҳолаш (истеъмолнинг ёш-жинсини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларига, кийим-кечакка, уй-жойга, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлара ва ҳ.к.ларга эҳтиёжлари). Масалан, оила узоқ муддат фойдаланиладиган товарларнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланади. Шунинг учун уларга талабни ҳисоб-китоб қилишда аҳолининг оилавий таркибини билиш лозим:

11.1-жадвал

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг жаҳонда аҳоли сони ортиши динамикасининг "ўртача" прогнози (млрд. киши ҳисобида)[1]

Кўрсаткичлар	2013 й.	2050 й.	2100 й.
Ривожланган давлатлар	1,25	1,3	1,8
Ривожланаётган давлатлар (энг кам ривожланган давлатларсиз)	5,0	6,4	6,6
Энг кам ривожланган давлатлар	0,898	1,8	2,9
Жаҳон бўйича	**7,148**	**9,5**	**10,78**

[1] Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ижтимоий ахборот департаментининг маълумотлари // http: // www.un.org.

• ижтимоий соҳа объектларининг ривожланиши ва жойлаштирилишини баҳолаш;

• ижтимоий таъминот, тиббий хизмат кўрсатишнинг аниқ шаклларини ривожлантириш бўйича давлат чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. Аҳолининг кексайиши шароитида пенсионерлар сонини, уларнинг оилавий аҳволини, соғлигини прогнозлаштириш долзарбдир;

• ижтимоий сиёсат, яъни иш билан бандлик, таълим, маданият, соғликни сақлаш соҳасидаги сиёсатни ривожлантириш йўналишларини режалаштириш.

Ҳозирги вақтда демография прогнозлари фақат давлат органлари учунгина эмас, халқаро ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмаларига ҳам ниҳоятда муҳим манба ҳисобланади. Прогнозларга асосланган ҳолда иқтисодиёт, унинг алоҳида тармоқлари ривожланиши, маҳсулот ва хизматларга кутилаётган талаб, халқаро сиёсатдаги, табиий муҳитдаги ўзгаришлар режаланади. Прогнозлар ёрдамида кабул килинаётган қарорларнинг демографик экспертизаси амалга оширилади, у ёки бу бошқарув вазифаларини бажариш учун талаб килинадиган ресурслар ҳисоблаб чиқилади.

Аҳоли прогнозларидан демография фани мақсадлари учун ҳам фойдаланилади. Уларнинг ёрдамида демография назарияси қоидалари, демографик жараёнлар ва таркибларнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлил этилади. Шу билан бирга, бу прогнозлар демография сиёсатини ишлаб чиқиш учун ҳам хизмат қилади.

11.2. Аҳоли сони ва таркибини прогноз қилиш

Аҳоли сони ва таркибини прогноз қилишни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга аҳоли сонини прогноз қилиш кириб, бу экстраполяция ва регрессив моделларга асосланган бўлади, иккинчи гуруҳга аҳолининг умумий сони билан бирга унинг таркибини ҳам ҳисоблашга қаратилган ёшни силжитиш усули қўлланади.

Демографик жараёнлар вақт давомида секин ўзгарувчи кўпгина ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири билан боғлиқ ҳолда ўзининг ривожланиш микёслари ва асосий хусусиятларини етарли даражада узоқ сақлаб туриш хусусиятига эга. Шунинг учун аҳолининг истиқболда такрор ҳосил бўлиши кўрсаткичлари ва асосий хусусиятлари сақланиб колиши мумкинлигини инобатга олувчи истиқболли ҳисобкитоб усулларидан фойдаланиш талаб қилинади.

Аҳоли сони ва таркибини прогноз қилиш учун жуда кўп математик функциялардан фойдаланиш мумкин. Лекин амалиётда,

асосан, чизиқли, экспоненциал ва мантиқий математик функциялардан қўлланилади.

Бу математик функциялардан энг соддаси **чизиқли функция**дир. У ҳисоблаш учун қабул қилинган даврдаги аҳолининг йиллик ўртача мутлақ ўсиши ёки камайиши келажакда ҳам сақланиб қолиниши фараз қилинишига асосланади. Бунда чизиқли функция тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Pt = P0 + V \times t,$$

бу ерда: P0 ва Pt – тегишли равишда 0 ва t вақтларида аҳоли сони;

V – аҳолининг йиллик ўртача мутлақ кўпайиши (камайиши);

t – вақт, йил ҳисобида.

Чизиқли функция тенгламасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистоннинг 2022 йилдаги аҳоли сони прогнозини аниқлайлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатнинг 1992 йил 1 январидаги доимий аҳолиси 21106 минг кишини 2013 йил 1 январда эса 29993 минг кишини ташкил қилган. Яъни ўтган 22 йил мобайнида республика аҳолиси сонининг йиллик ўртача мутлақ ўсиши салкам 401 минг кишини (29993 – 21106 = 8887 : 22 ≈ 401) ташкил этган. Бу ҳолда республика аҳолисининг 2022 йил 1 январдаги сони 33904 минг киши бўлиши (аҳолининг мутлақ табиий ўсиши аввалги 22 йил даражасида сақланиб турищи фараз қилинганда) прогноз қилинади:

$$P2023 = 29993 + 401 \times 10 = 33904$$

Аммо аҳоли сонини прогноз қилишда чизиқли функциядан амалда қўлланилмайди, чунки аҳоли мутлақ сонининг табиий ўсиши (камайиши) нисбатан аниқ бўлишини жуда киска вақт (5 йилгача) учун фараз қилиш мумкин.

Туғилиш ва ўлим даражаси ҳамда миграция сальдоси ўзгармай турищи эҳтимол қилинганидаги аҳоли сонининг мутлақ табиий ўсиши (камайиши) сақланиб туришини фараз қилиш бирмунча аниқроқ прогноз қилиш имконини беради. Бу ҳолда гап **экспоненциал функция** тўғрисида кетади. Ушбу функциянинг формуласи қуйидагичадир:

$$Pt = P0 \times e_{rt}$$

бу ерда: r – аҳоли сонининг йиллик ўртача кўпайиши (камайиши) суръатлари;

t – вақт, йил ҳисобида;

e – натурал логарифмларнинг асоси.

Экспоненциал функция асосида прогноз қилиш натижалари ҳам чизиқли функция башоратларидан у қадар катта фарқ қилмайди. Бироқ аҳолининг мутлақ сони камайиши кузатилаётган мамлакатлар учун экспоненциал моделдан қўлланиш афзалроқ. Чунки бу усулда аҳоли сони нисбий бўлмаслиги кафолатланади. Шу билан бирга экспоненциал функцияни туғилиш ва ўлим даражаларида кескин ўзгаришлар содир бўлмайдиган ҳолатларда фойдаланиш тавсия этилади.

Аҳоли сони прогнозини **мантиқий функция** асосида ҳисоблаб чиқиш ғояси биринчи марта 1835 йилда А. Кетле томонидан илгари сурилган ва 1838 йилда бельгиялик математик П.Ф. Ферхюлст томонидан амалга оширилган. Бу давргача Т. Мальтуснинг аҳоли сони геометрик равишда ортади, деган фарази ҳукмронлик қилганди. А. Кетле аҳоли бундай суръатларда кўпаймаслигига тўскинлик қиладиган омиллар мавжудлигига ишонган.

П. Ферхлюст аҳоли сони ортгани сари бундай омилларнинг таъсири кучайиб боришини исбот қила олган. У ўзининг бу назариясига асосланган ҳолда Бельгия аҳолиси ортишининг энг юқори миқдори 9,4 млн. киши бўлишини башорат қилган. Амалда ушбу мамлакатнинг аҳолиси 1944 йилда 10 млн. 118 минг кишини ташкил этган. Бу мамлакатга ўша даврда кўп сонли муҳожирлар кўчиб келганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, П.Ф. Ферхюлстнинг прогнози нисбатан аниқ чиққан, деб ҳисоблаш мумкин[1].

Америкалик Р. Пирл ва Л. Рид 1920 йилда "Қўшма Штатлар аҳолиси сонининг 1790 йилдан бошлаб кўпайиши суръатларининг математик ифодаси" мақоласини эълон қилиб, бу прогнозларида мантиқий эгри чизиқдан фойдаланганлар. Мазкур мақолада эълон қилинган маълумотлар АҚШда 1930 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига яқин, 1940 йилдагидан – 5,0 млн. кишига кўп, 1950 йилдагидан – 2,0 млн. кишига кам чиққан. Бунинг асосий сабаби – мақола муаллифларининг фақат миграция жараёнларинигина эмас, шунингдек, аҳоли репродуктив майли ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олмаганлигидир.

Чизиқли ва экспоненциал функциялар каби мантиқий функция ҳам узоқ истиқбол учун аҳоли сонини аниқ прогноз қила олмайди. Мазкур усул қўлланишининг чегараси асосан унча катта бўлмаган ҳудудлар аҳолисини қисқа муддатли башоратини қилиш билан чекланган. Шунга қарамай аҳоли сонини прогноз қилиш учун ундан

[1] Spiegelman M. Introduction to Demography. – Cambridge, MA, 1968. – P.407.

фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун мамлакат умумий аҳолисининг сони прогноз қилинаётган минтақа аҳолиси сонига нисбат бирлиги сифатида қабул қилинади. Бунда минтақа аҳолиси сонини башорат қилиш ўрнига мамлакат аҳолиси умумий сонида минтақа аҳолиси сонининг улуши ҳисоблаб чиқилади. Ушбу улуш кўрсаткичи ва бутун мамлакат аҳолиси умумий сонининг прогнозини олинган ҳолда ҳар бир минтақа аҳолисининг истиқболдаги сонини аниқлаш мумкин.

Ҳозирги вақтда мантиқий функция ёрдамида аҳоли сони динамикасини прогноз қилиш имконини берувчи компьютер дастурлари яратилган. Бунга мисол тариқасида АҚШ Цензлар бюросининг Халқаро дастурий маркази томонидан яратилган PAS электрон жадваллари гўламидаги FITLGST ва LOGISTIC дастурларини келтириш мумкин[1].

Сўнгги йилларда демографик прогнозларда **регрессив моделлар**, деб номланадиган усул ҳам кўп қўлланилмоқда. Ушбу усул *аҳоли ёки унинг айрим гуруҳлари умумий сонининг динамикасига* таъсир қилувчи омилларни инобатга олувчи кўп ўлчовли моделларга асосланган. Бунда барча омиллар мустақил ўзгарувчилар, ҳисоб-китоб қилинаётган миқдор эса боғлиқ ўзгарувчи сифатида кўрилади. Мисол сифатида етарли даражада оддий бўлган, ишчи кучи, миллий даромад ва меҳнат самарадорлиги ўртасидаги боғлиқликни келтириш мумкин:

$$S_{\text{ишчи кучи}} = \frac{I}{m},$$

бу ерда: I – миллий даромад миқдори; m – меҳнат самарадорлиги.

Бундан қуйидаги ҳосил бўлади:

$$S_{\text{ишчи кучи}} = \frac{I}{\frac{I}{t}},$$

бу ерда: t – даромад бирлигини яратиш учун керак бўладиган ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми ёки капитал қўйилмалар катталиги. Бунга мос равишда:

$$S_{\text{ишчи кучи}} = I \cdot t.$$

Ишчи кучи миқдори меҳнат самарадорлиги ўзгармаган ҳолда миллий даромад миқдорининг ўсишига пропорционал равишда ўсади, деб фараз қилайлик. Мулоҳазаларни соддалаштириш учун барча

[1] Arriaga E. Population Analysis with Microcomputers. – Chicago, 1994. Vol. I. – P 335-342.

аҳоли ва ишчи кучи ўртасидаги нисбат доимий, деб ҳам фараз қиладиган бўлсак, юқорида келтирилган формулаларга мувофиқ, меҳнат самарадорлиги ўзгармай қолса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад ҳам ўзгармайди. Бундай ҳолда аҳоли сонининг ўсиши муаммолар келтириб чиқармайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: миллий даромаднинг ўсишига аҳоли ўсишининг таъсири даражасини аниқлаш муаммосининг моҳияти ишчи кучи ёки аҳолининг ўсишида меҳнат самарадорлиги ўзгаришидан иборат. Бу билвосита кўрсаткичлар ёрдамида қуйидаги формула ҳосил қилинади:

$$m = \frac{T}{S_{\text{ишчи кучи}}} = \frac{T}{\frac{S_{\text{ишчи кучи}}}{T}} = \frac{i}{t};$$

бу ерда: T – ишлаб чиқариш фондлари (асосий ва айланма) ёки барча капитал;

i – меҳнатнинг техникавий жиҳатдан таъминланганлиги;

y – меҳнатнинг техник таъминланганлиги (капитал катталиги функцияси сифатида меҳнат самарадорлигини кўрсатади).

Капитал қўйилмалар катталиги, ижтимоий меҳнат самарадорлиги меҳаник таъминланганликка пропорционал ҳолда ўзгаради, деб фараз қилинадиган бўлса, бошқа ҳолда меҳнат самарадорлиги ўсади, ишлаб чиқариш фондлари ишчи кучининг ўсишига нисбатан тез ўсади ва техникавий таъминланганликнинг камайишида қисқаради.

Ушбу оддий модель нима учун ривожланаётган мамлакатларда аҳоли сонининг тез ўсиши билан боғлиқ жиддий иқтисодий муаммолар мавжудлигини тушунтириб беради. Чунки ушбу мамлакатларда янада жадал иқтисодий ривожланиш учун ишлаб чиқариш фондлари аҳолига нисбатан тезроқ ўсиши керак. Бунинг учун эса капитал қўйилмаларга маблағ талаб этилади. Бироқ аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад кам бўлган мамлакатларда маблағ жамғаришнинг (капитал қўйилмалар манбаининг) янада юқори суръатларини таъминлаш жуда қийин, чунки аҳоли даромадларининг жуда катта қисмини ўз кундалик эҳтиёжларини қондириш учун сарфлайди.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, аксинча, техникавий таъминланганликни ошириш бундай муаммоларни келтириб чиқармайди. Чунки бир томондан, уларда аҳоли сони ўсиши суръатлари пастроқ ва иккинчи томондан, умумэътироф этилган қонуният: аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад қанчалик кўп бўлса, унинг шунчалик катта қисми жамғаришга олиб қўйилиши таъсир қилади.

Шу жиҳатдан Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият кузатилмоқда. Мамлакат демографларининг фикрига кўра, "Ўзбекистонда замонавий демографик вазиятнинг характерли қирраларидан бири меҳнатга лаёқатли аҳолининг мутлақ юқори даражада ўсиши бўлиб, бу ушбу бандлигини таъминлаш муаммосининг долзарблигини оширади"[1].

Демографик омиллар яқин йиллар ичида мамлакат меҳнат ресурслари, иқтисодиётда иш билан бандлар, иқтисодий жиҳатдан фаол бўлмаган аҳоли ҳамда ишсизлар таркибига ҳам таъсир кўрсатади (11.2-жадвал).

11.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш кучи, иқтисодиётда иш билан бандлар, иқтисодий нофаол ва ишсизлар сонининг 2015 йилгача бўлган даврга прогнози (млн. киши)[2]

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Иш кучи сони	16,1	16,4	16,8	17,2	17,6	18,0	18,4
Иш билан бандлар сони	11,3	11,5	11,8	12,0	12,3	12,5	12,8
Иқтисодий нофаол ва ишсизлар сони	4,8	4,9	5,0	5,2	5,3	5,5	5,6

Иқтисодчи олимлар А.А. Ортиков, Н.Қ. Зокирова, О.К. Абдураҳмоновларнинг фикрича, мамлакатнинг тобора ортиб бораётган аҳолисини иш билан самарали банд қилиш иш ўринларини ёки иш билан бандлик асосий фондларини янгилаш коэффициентини йилига 20,0 %га кўпайтиришни талаб этади[3].

С. Боймуродов ҳам бу фикрга қўшилади. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистонда: "меҳнатга лаёқатли аҳоли жами аҳолининг асосий қисмини ташкил этиши ва аҳолининг 2/5 қисмини яқин йиллар ичида меҳнат ресурслари сафига қўшилиши кутилаётган ёшлар ташкил этиши меҳнат бозоридаги кескин вазият яқин келажакда сақланиб қолишини кўрсатади"[4].

---

[1] Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги (илмий-ўқув қўлланма). – Т.: Университет, 2006. 3-б.

[2] Умарова М.А. Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорининг иқтисодий-статистик таҳлили масалалари // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т., 2010. 18-б.

[3] Ортиков А.А., Зокирова Н.К., Абдурахманов О.К. Человеческий капитал в условиях реформирования и модернизации экономики. – Т.: Фан ва технология, 2008. – с. 126.

[4] Боймуродов С. Демографик муаммолар: тарих, ҳозирги аҳвол, таҳлиллар // Жамият ва бошқарув, 2008.2-сон. 45-б.

Истиқболли ижтимоий-иқтисодий режалаш мақсадлари учун аҳолининг келажакдаги таркиби, биринчи навбатда унинг ёши ва жинси бўйича прогнозларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Алоҳида ёш *(шунингдек, жинс) гуруҳларини* аниқлаш учун ***ёшни силжитиш усули***дан (у компонент усули деб ҳам аталади) қўлланилади.

Мазкур услубнинг моҳияти шундан иборатки. аҳолининг даставвалги сони прогноз қилинаётган даврда ўлимлар ва эмиграция ҳисобига камайиб ҳамда туғилганлар ҳисобига кўпайиб, гўё келажакка "силжитилади". Демак, прогнозни ушбу усулда амалга ошириш учун аҳолининг мавжуд сони ва таркибини, шунингдек, прогноз қилинаётган давр учун аҳолининг такрор ҳосил қилиниши ва аҳоли миграциясининг тенденцияларига доир гипотезаларни билиш керак.

Силжитиш ёш гуруҳи узунлигига тенг бўлган вақт қадамлари бўйича амалга оширилади. Бунинг учун прогноз қилинаётган давр бошида аҳоли ёш гуруҳларининг сони силжитиш (умр кўриш) коэффициентига кўпайтирилади. Силжитиш коэффициенти ҳаёт жадвалидан олинган, ёндош ёш гуруҳларидаги *"x+1" и "x" (*L_{x+1} *и* L_x*)* ёшида яшаётганлар икки сонининг нисбати ҳисобланади. Бунда миграция сальдоси ҳам ҳисобга олинади.

Ёшни силжитиш модели фомуласи қуйидагича:

$$P_{x+1} = P_x \cdot \frac{L_{x+1}}{L_x} + MC,$$

бунда: P_x – "x" ёш гуруҳининг сони;

P_{x+1} – "x+1" ёш гуруҳининг сони;

$\frac{L_{x+1}}{L_x}$ – кейинги ёшга силжитиш ("x+1" ёшида яшаш эҳтимоли) коэффициенти;

МС – миграция сальдоси.

Ёшни силжитиш моделида миграция сальдоси коэффициентини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формула шаклини олади:

$$P_{x+1} = P_x \cdot \frac{L_{x+1}}{L_x}\left(1 + \frac{k_{MC}}{1000}\right).$$

Ушбу ёшни силжитиш модели асосида 4 яшар шахсларнинг истиқболдаги сонини ҳисоблаб чиқайлик. Бунда аҳолининг табиий ва механик ҳаракатининг мавжуд тенденцияси сақланиб қолади, деб ҳисобланади. Прогноз учун асос бўладиган маълумотлар 11.3-жадвалда келтирилган.

11.3-жадвал

Аҳоли сони прогнозларини ҳисоблаб чиқиш учун асос қилиб олинадиган кўрсаткичлар

Йил	Йил бошидаги аҳоли сони, минг киши	Кейинги ёшга силжитиш коэффициенти	Аҳоли сонининг механик кўпайиши (камайиши) коэффициенти
0	1980	0,972	-15
1		0,998	-10
2		0,995	-7
3		0,994	13
4			

Юқорида қайд қилинган формула орқали ёшни силжитиш усули ердамида аҳолининг истиқболдаги сонини аниқлаймиз. Бу прогнозлар қуйидагича бўлади (минг киши ҳисобида):

• бир йил учун:

$$P_1 = 1980 \cdot 0{,}972 \cdot (1 - 0{,}015) = 1895{,}69$$

• икки йил учун:

$$P_2 = 1895{,}69 \cdot 0.998 \cdot (1 - 0{,}01) = 1872{,}98$$

• уч йил учун:

$$P_3 = 1872{,}98 \cdot 0{,}995 \cdot (1 - 0{,}007) = 1850{,}57$$

• тўрт йил учун:

$$P_4 = 1850{,}57 \cdot 0{,}994 \cdot (1 + 0{,}003) = 1844{,}98$$

11.3. Туғилишни истиқболли баҳолаш

Туғилиш динамикасига жуда кўп омиллар ва вазиятлар таъсир кўрсатади, улар қандай ривожланишнинг ҳақиқий йўналишини олдиндан айтиб бериш жуда мушкул, кўпинча эса умуман иложи йўқ. Истиқболда туғилиш даражасига энг кўп таъсир кўрсатувчи учта омилни ажратиб кўрсатиш мумкин:

• демографик тўлқинлар, яъни оралиқдаги репродуктив жинс сафлар миқдоридаги тебранишлар;

• жинс сафлар қатори маҳсулдорлигининг тугаши;

• ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқирозлар.

Буларда демографик тўлқинлар осонрок баҳоланади, чунки репродуктив ёшдаги аёллар сони ва уларнинг ёш таркибидаги тебранишлар, авваламбор, жорий туғилиш даражасида эмас, балки туғилаётганлар сонида акс этади.

Масалан, Ўзбекистонда 2011 йилдан бошлаб, 15-19 ёш гуруҳидаги аёлларнинг сони кескин камая бошлади. Бу хусусият 2016 йил-

дан аҳолининг 20-24 ёш гуруҳига, 2021 йилдан эса 25-29 ёш гуруҳига ўтади. Бу ўзгаришлар республикада 1996 йилдан бошланган туғилиш даражаси кескин камайган даврда туғилган аҳолининг 15-19 ёш гуруҳига кириши билан изоҳланади. Туғилиш даражаси юқори бўлган 1980-1995 йилларда туғилган аҳолининг 30-34, 35-39, 40-44, 45-49 ёш гуруҳларига ўтиши ҳисобига бу ёш гуруҳларидаги аёлларнинг сони мунтазам ортиб боради. Хусусан, 2025 йилда 2011 йилга нисбатан 30-34 ёш гуруҳидаги аёллар сонининг 41,6 %га, 35-39 ёшдагиларнинг – 54,7. 40-44 ёшдагиларнинг – 48,1. 45-49 ёшдагиларнинг эса 26,7 %га ўсиши кутилади (11.4-жадвал).

11.4-жадвал

Ўзбекистонда репродуктив ёшдаги аёллар сонининг истиқбол кўрсаткичлари (минг киши ҳисобида)[1]

Йиллар	Репродуктив ёшдаги аёлларнинг ёш гуруҳлари бўйича сони							
	15-19	20-24	25-29	30-34	35-39	40-44	45-49	15-49
2013	148,5	158,3	148,7	119,1	101,4	91,0	82,7	849,7
2014	143,3	158,7	151,9	123,9	104,2	93,2	82,9	858,1
2015	137,6	158,7	153,6	129,7	107,2	95,3	83,4	865,5
2016	131,5	156,8	155,3	136,4	110,1	97,1	85,2	872,4
2017	127,0	153,0	156,9	142,6	113,8	98,7	87,7	879,7
2018	124,3	148,1	157,6	147,8	118,2	100,5	90,0	886,5
2019	123,1	142,9	158,0	151,0	123,0	103,3	92,1	893,4
2020	129,2	137,2	158,0	152,7	128,8	106,3	94,2	906,4
2021	137,0	131,1	156,1	154,4	135,4	109,1	96,0	919,1
2022	145,6	126,7	152,3	156,1	141,6	112,8	97,6	932,7
2023	154,8	123,9	147,4	156,7	146,8	117,2	99,3	946,1
2024	164,3	122,8	142,3	157,0	150,0	121,9	102,1	960,4
2025	167,6	128,8	136,6	157,1	151,6	127,7	105,1	974,5
2025 й.да 2013 й.га нисбатан, %	106,5	82,5	99,5	141,6	154,7	148,1	126,9	117,6

Таъкидлаш лозимки, 1987-1991 йилларда туғилиш даража-си юқори бўлган даврда туғилган аҳолининг 2002 йилда 15-19 ёш гуруҳига ўтиши натижасида республикада туғилиш даражасининг бирмунча ортганлиги ҳисобига шу йилларда туғилган аҳолининг 2020 йилда 15-19 ёш гуруҳига, 2025 йилда эса 20-24 ёш гуруҳига ўтиши бу ёш гуруҳидаги аёллар сонининг ортишига олиб келади.

2011-2015 йиллар давомида жами аҳолида туғилишнинг умумий коэффициенти 0,9 пунктга кўпайиши ва 2015-2025 йилларда 2,7 пунктга камайиши кутилади. Республика ва унинг ҳудудларида

[1] Ўзбекистон Республикаси "Оила" илмий-амалий марказининг маълумотлари //http: // www.oila.uz.

2015 йилгача бўлган даврда туғилиш кўрсаткичининг ортиши туғиш ёшидаги аёллар мутлақ сонининг нисбатан барқарор ўсиши ҳамда узоқ давр мобайнида туғилиш кўрсаткичининг нисбатан юқори бўлганлиги ҳисобига таъминланади. 2015 йилдан кейинги даврда туғилиш коэффициентининг бирмунча камайиши эса 1991-2000 йилларидаги туғилишнинг паст даврида туғилган аҳолининг асосий репродуктив ёшга (20-24, 25-29 ёш) кириши билан боғлиқдир. Мамлакатда туғилиш даражаси шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам камайиши прогноз қилинмоқда. Бунда қишлоқ жойларида туғилиш коэффициенти шаҳарларга нисбатан кўпроқ камайиши мўлжалланаётганлиги диққатга молик (11.5-жадвал). Демографик тўлқинлар туғилишга унинг ёш бўйича жадаллигига билвосита никоҳ орқали таъсир қилиши, аниқроқ айтиладиган бўлса, никоҳга қодир бўлганлар таркиби орқали таъсир қилиши мумкин.

11.5-жадвал

Ўзбекистонда туғилиш коэффициентларининг истиқбол кўрсаткичлари (аҳолининг ҳар 1000 кишисига нисбатан, промилле)

Йиллар	Жами аҳолига нисбатан	Шаҳар аҳолисига нисбатан	Қишлоқ аҳолисига нисбатан
2011	21,0	17,6	23,2
2015	21,9	18,8	24,8
2020	20,5	17,9	23,2
2025	19,2	17,3	21,9
2025 й.да 2011 й.га нисбатан (+, -)	- 1,8	- 0,3	- 1,3

Жипс сафлар маҳсулдорлигининг тугаши вақт бўйича анча чекланган. Масалан, 1989 йилда 15 ёшдан 20 ёшгача бўлган аёллар репродуктив ёш чегараларини 2019 йилдан кейин тарк этади. Лекин ушбу пайтгача улар туғилиш даражасига таъсир кўрсата олади. Жипс сафлар кишиларнинг мустаҳкам жипслашган гуруҳига нисбатан қўлланилади. Демографик тадқиқотларда кўпинча янги демографик ҳолатга кирган шахсларнинг жамланмаси кўриб чиқилади. Масалан, ўлим туғилиш йиллари бўйича шакллантирилган жипс сафлар бўйича ўрганилади, маҳсуллор – фертил ёшининг бошланиши ёки уларнинг никоҳга кириш ёшига етган аёлларнинг жамланмаси бўйича ўрганилади. Шунинг учун **жипс саф таҳлили** ёрдамида репродуктив аёллар ёши ёки улар никоҳининг давомийлигига боғлиқ ҳолда ўлчаниши мумкин.

Агар жипс сафнинг шаклланиш асоси сифатида аёлларнинг туғилиш йили олинадиган бўлса, унда t йилда туғилган барча аёллар репродуктив ёши оралиғида кўриб чиқилади. Мисол учун, аёллар ёши x билан белгиланса (x 15, 16, ..., 49 ёшларни қамраб олади), унда $t+x=y$ t йилда туғилган битта онанинг боласи туғилиши даври ҳисобланади. Шундай қилиб, y ўлчанаётган ҳодиса вужудга келадиган вақт оралиғини (кўпчилик ҳолларда йил), кўрилаётган мисолда боланинг туғилишини англатади. x ёшдаги t йилда туғилган аёллар сони G билан белгиланса, x ёшдаги t йилда туғилган аёлларда туғилган G_x болалар сони $G(t; x)$ га тенг бўлади. Бунда x ёшдаги t йилда туғилган аёллар маҳсулдорлигининг миқдори қуйидагини ташкил қилади:

$$f(t,x) = \frac{G(t;x)}{F(t;x)} \times 1000;$$

$f(t,x)$ хар 1000 аёлга нисбатан ҳисобланади ва x ёшдаги бир йилда туғилган 1000 та аёлга ўртача ҳисобда қанча бола тўғри келишини кўрсатиб беради. Бунда t – константа ҳисобланиб, x эса, аксинча, ўзгарувчан бўлади.

Турли x ёшдаги t бир йилида туғилган аёлларнинг сонини жипс сафли таҳлил қилишда туғилганлар сони ушбу ёшга мос равишдаги ўлим ва маҳсулдорлик нисбатларини акс эттирувчи тарзда олинади.

Жипс саф таҳлилида икки: оралиқли ва кумулятив кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ўз навбатида, оралиқли кўрсаткичлар маълум бир ёш оралиғидаги жипс сафли аёлларнинг маҳсулдорлигини тавсифласа, кумулятив кўрсаткичлар аёлларнинг ушбу ёшга етгунигача бўлган бутун умри давомидаги маҳсулдорлигини, яъни x аниқ ёшидаги аёллар маҳсулдорлигининг жамланма миқдорини тавсифлаб беради.

Кутилаётган болалар сони, фарзанд кўришнинг энг мақбул сони прогнозлари аёллар орасида сўровнома ўтказиш йўли билан аниқланади ва улар туғилиш тенденцияларини прогнозлаштиришда қўлланилади. Кўпинча ушбу кўрсаткич оиланинг болалар сонига нисбатан режалари амалга ошиши ёки ошмаслиги, шунингдек, ушбу жипс сафнинг никоҳнинг қайси даврида амалга оширилишига боғлик.

Умуман, таҳлилнинг жипс саф услуби, биринчидан, маҳсулдорликка таъсир киладиган омилларни аниклашга, иккинчидан эса:

• демографик прогнозларда оиланинг якуний катталиги чегараларини аниклашга;

• оиланинг якин келажакда канча фарзанд кўриши ҳақидаги гипотезаларни ишлаб чиқишга;

• аҳолининг турли гуруҳлари ва қатламларида вужудга келган болаларга эҳтиёж ҳақидаги маълумотлар асосида демографик сиёсатнинг самарали йўналишларини ишлаб чикишга ёрдам беради.

Аввалари аёллар маҳсулдорлигининг кутилаётган ўзгаришлари жорий статистика орқали кайд этиш ва рўйхатдан ўтказиш маълумотларига асосланган. Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш варақаларида аёллар маҳсулдорлигини ўрганиш масалаларига кўп ўрин ажратилишига қарамай, ушбу маълумотлар аҳолининг ривожланишини тавсифловчи прогнозларини тузиш учун етарли бўлмаяпти. Чунки рўйхатга олиш варакасидаги саволларнинг рўйхати чекланган.

Шу билан бирга, репродуктив майл, қадриятлар тизими ва болаларга эҳтиёжнинг, яъни туғилишнинг истиқболдаги даражаси шаклланишига нақадар катта таъсир кўрсатиши равшан бўлиб қолди. Айнан шунинг учун сўнгги йилларда жинс саф тадқиқот дастурлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида тобора кўпроқ қўлланмоқда. Бу дастурларга мамлакатда туғилишнинг маълум даражасини шакллантирувчи "туғилиш муаммоси атрофидаги маънавий муҳит"ни аниқлашга имкон берувчи саволлар ҳам киритилмоқда. Бу туғилишни бошқариш имконини берувчи чора-тадбирларнинг мажмуаси бўлиб, оилада болаларнинг кутилаётган ва энг мақбул сони ўртасидаги фарқланишлар тобора камайишига олиб келмоқда.

Туғилганлар сонини янада тўлиқроқ ҳисоблаш учун такрор ҳосил бўлиш тартиби кўрсаткичларининг кенгайтирилган тизимидан фойдаланиш талаб этилади. Бунда ҳар бир ёш учун аёлларнинг туғилиши никоҳлилик (никоҳ давомийлиги билан ҳам) ва туғилган болалар миқдори билан боғлиқ. Бирок бундай кенгайтирилган тизимни ҳосил қилишда бир қатор қийинчиликларга тўқнаш келинади. Замонавий ахборот технологиялари жорий этилгунга қадар бундай тўсиклардан бири ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишнинг жуда мураккаблиги бўлган.

Жинс саф усули амалий жиҳатдан бундай ҳисоблашга нисбатан осонрокдир. Бу усулда ҳисоблашни амалга оширишнинг асоси бўлиб бошланғич даврга нисбатан аёлларнинг турли жинс сафларидаги туғилишлари сони хизмат қилади. Бунда аёлларнинг умумий туғилишлари сони ва бунинг йиллар бўйича тақсимоти тахмин қилинади.

Ушбу усул агар оиладаги болаларнинг умумий белгиланган миқдори ёш-жинс туғилишларига нисбатан барқарор бўлса, ёш-жинс

туғилишлари усулини қўлланга нисбатан афзалликка эга. Бироқ жинс саф усули бўйича ҳисоблаш нисбатан яқин истиқбол учунгина аниқ натижалар бериши мумкин. Ҳисоблашга бошланғич даврда ҳали болалик ёшида бўлган ва ҳали туғилмаган авлодларнинг киритилиши натижасида мавҳумлик унсури вужудга келади.

Туғилиш даражасининг истиқбол кўрсаткичларини аниқлашда **ёшни силжитиш услуби**нинг аҳамияти катта. Бу услуб билан прогноз амалга оширилганда, прогноз қилинаётган давр бошидан кейинги йил учун туғилганлар сони - «*P*» ёшдагиларни аниқлаш лозим бўлади. Масалан, прогноз қилинаётган давр 2012 йилдан бошланса, 2012 йилда туғилганлар, яъни «О» ёшдагилар миқдори аниқ, улар 2013 йилда 1 ёшга тўлади. Лекин 2013 йилда туғилажак болалар сонини аниқлаш учун репродуктив ёш гуруҳларидаги аёллар сонини шу ёш гуруҳидаги туғилиш коэффициентига кўпайтирилади ва кейинги йили шу гуруҳдаги ҳар 1000 та аёл нечта фарзанд кўриши аниқланади. Масалан, 2012 йилда 15-19 ёшли аёллар «*X*» ни ташкил этган. Шу йили 15-19 ҳар 1000 та аёлга нисбатан «*У*» фарзанд туғилган. Демак:

$$X_{2010}^{15-19} \bullet Y_{2010}^{15-19} = Z_{2011}^{15-19} \text{ га тенг.}$$

Ана шундай услуб билан ҳар бир ёш гуруҳида кейинги 2013 йилда туғилажак болалар сони аниқланади. Ҳар бир ёш гуруҳида туғилиши мумкин бўлган болалар сони аниқланиб, ҳаммаси қўшилади:

$$Z_{2011}^{15-19} - Z_{2011}^{20-24} + Z_{2011}^{25-29} + \cdots Z_{2011}^{45-49} = \sum Z_{2011}^{15-49}$$

Мазкур йўл билан 2013 йилда туғилиши кутилаётган болалар сони аниқланади.

Шу тариқа кейинги прогноз қилинаётган йиллар учун ҳам туғиладиган болалар сони аниқланади. Бунинг учун ёш гуруҳлари бўйича туғилиш коэффициентлари, туғилишдаги ўзгаришлар, ўлим ҳолатлари, миграция, аҳолининг репродуктив майлидаги ўзгаришлар ҳисобга олиниши керак.

Ҳозирги вақтда ёшни силжитиш усулида прогнозларни ҳисоблаб чиқиш тўлалигича компьютер дастурлари ёрдамида амалга оширилади. Масалан, Бирлашган Миллатлар ташкилоти мутахассислари томонидан яратилган DemProj ва Spectrum компьютер дастурлари аҳолининг сони ва таркиби прогнозларини дарҳол ҳисоблаб чика олади. АҚШнинг Цензлар бюроси томонидан яратилган RUP компьютер дастурлари бир йўла шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сони прогнозларини ҳисоблаб чиқиши мумкин.

11.4. Ўлимни истиқболли баҳолаш усуллари

Услубиёт жиҳатидан ўлимни истиқболли баҳолаш бошқа демографик прогнозларга нисбатан такомиллашган. Бу прогнозларни икки йўл билан амалга ошириш мумкин.

Улардан биринчисида ўлимнинг умумий даражаси прогнозлари янги туғилган гўдакнинг кутилаёган умр кўриш давомийлиги асосида баҳоланади. Кейин эса прогнозда қабул қилинган ҳар бир ёш даражаси бўйича ўлим даражаси прогноз қилинади.

Прогнозларнинг иккинчи усулида, аксинча, ёш гуруҳлари бўйича кўрсаткичларга аниқлик киритилади, сўнг унинг асосида янги туғилган гўдакнинг кутилаёган умр кўриш давомийлиги прогноз қилинади.

Аммо ҳар икки усулда ҳам прогнознинг биринчи босқичи, ўз навбатида қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1) кутилаётган умр кўришнинг ўртача давомийлиги ёки келажакда баъзи ёш гуруҳлари учун ўлим даражасини аниқлаш;

2) юқоридаги кўрсаткичнинг асос қилиб олинган сана билан прогноз учун қабул қилинган йил ўртасидаги тафовутини аниқлаш.

Прогнознинг иккинчи босқичи моҳият жиҳатидан маълум математик моделлар асосида прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишдан иборат техник вазифадир. Лекин биринчи босқич – кутилаётган умр кўриш ўртача давомийлигини аниқлаш мазкур вазифага ижодий ёндашувни талаб этади.

Кутилаётган умр кўриш ўртача давомийлиги ва ёш гуруҳлари учун ўлим даражасини аниқлашда қуйидаги усуллардан кўлланилади:

- экстраполяция;
- "ўлим қонуни" усули;
- ўхшашлик бўйича прогноз қилиш.

Мазкур усуллардан энг соддаси **экстраполяция**дир. Агар ушбу кўрсаткичнинг аввалги йиллардаги миқдори маълум бўлса, экстраполция усулининг баъзи математика моделлари ёрдамида яқин истиқболдаги прогнозларини ҳисоблаб чиқиш осон. Масалан, умр кўриш ўртача давомийлигини аниқлашда одатда мантиқий функция қўлланилади.

Ёш гуруҳлари бўйича ўлим даражасини прогноз қилишда (масалан, $x+n$ йил оралиғида nqx ўлиш эҳтимоли) танланган мезоннинг вақтга боғлиқлигини кўрсатадиган аниқлик киритувчи коэффициент бирор-бир математик усул ёрдамида аниқланади. Кейин ушбу коэффициент прогноз қилинаётган кўрсаткичга кўпайтирилади.

Кейин, зарурат бўлса, интерполяция ёрдамида унинг оралиқ саналар учун миқдори аниқланади. Ўлим даражаси ва кутилаётган умр кўриш ўртача давомийлигининг ҳисоблаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари ёшни силжитиш усули учун фойдаланилади.

Ўлимни истиқболли баҳолашнинг **"ўлим қонуни" усули** ўлим даражасининг киши ёшига боғлиқлигига асосланган[1]. "Ўлим қонуни" 300 йиллик тарихга эга бўлса ҳам у демографлар инглиз Л. Хелигман ва австралиялик Ж. Поллард номлари билан боғлиқ. Улар 1980 йилда таклиф этган ушбу усулда ҳаёт жадвалидан фойдаланилади. Бунда кишининг ҳаёт жадвалидаги x ёшида ўлиш эҳтимолига бир йил қўшилади, яъни бу:

$$x-1 \text{ йил } qx : (1 - qx)$$

формуласи бўйича яшаш эҳтимоли прогнозини чиқаради.

"Ўлим қонуни"да ўлимнинг ёшга боғлиқлиги ёш гуруҳлари бўйича таснифланади:

- гўдакликда ўлиш эҳтимоли;
- 15–40 ёшда ўлиш эҳтимоли;
- 40 ёшдан кейин ўлиш эҳтимоли.

"Ўлим қонуни" ёрдамида прогноз қилиш унинг кўрсаткичларини аниқлаш (Хелигмен-Поллард моделида улар тўққизтадир), кейин прогноз даврига экстраполяция қилиш, натижани "ўлим қонуни" формуласи бўйича ҳисоблаб чиқиш ва ниҳоят, ўлимнинг ёш гуруҳлари бўйича даражаси ҳамда умр кўриш ўртача давомийлигини аниқлашдан иборатдир.

"Ўлим қонуни" ёрдамида прогноз қилиш жиддий чегараланган бўлиб, уни амалиётда қўллашни **кийинлаштиради**. Шунинг учун ўлимни истиқболли баҳолашда ўхшашлик бўйича прогноз қилиш мақбулроқдир.

Ўлимни истиқболли баҳолашда **ўхшашлик бўйича прогноз қилиш** мақбул ҳаёт жадвали тизимини танлашга асосланган. Бу усулда муайян вақтда бирон-бир мамлакат ёки ҳудуд аҳолисининг ёши ва жинси бўйича ўлим кўрсаткичларининг шундай таксимоти танланадики, унга кўра, у истиқболли ҳисоб-китоб қилинаётган аҳолининг замонавий ўлим кўрсаткичлари, унинг истиқболдаги динамикасини аниқлаш учун энг мос тушадиган бўлиши керак. Ўлим сабабларининг таҳлилига асосланган кўрсаткичлар ёш-жинс динамикасининг истиқболли ҳисоб-китоблари, шунингдек, ўлим сабабларини қисман ёки тўлиқ йўқотилиш имкониятларини инобатга олиниши маълум ёшга

[1] Pollard J.H. Projection of Age Specific Mortality Rates // Population Bulletin of the Unatied Nations. 1987, №21/22.

етганлар учун ўртача ҳаёт давомийлиги неча йилга қисқариши ёки узайишини кўрсатиб берувчи миқдорий натижаларни олиш учун асос бўла олади.

Айрим ёш-жинс гуруҳлари учун ўлим кўрсаткичларининг истиқболли динамикаси бевосита миқдорий баҳолаш аҳолининг кутилаётган ўртача ҳаёт давомийлиги ва ўлим жадваллари кўрсаткичларидан бирининг таҳлили асосида амалга оширилади. Кўпинча бундай ҳолатларда ўлиб кетиш эҳтимоли (q_x) кўрсаткичи асосида у маълум ўлим сабабидан ўлимнинг камайиши (кўпайиши) ёки тўлиқ йўқ бўлиб кетиши самарасининг ҳисоб-китоблари қўлланилади.

Бунда хулосалар қуйидаги йўналишларда амалга оширилади. Агар прогноз учун танланган ёш-жинс гуруҳи (q_x) учун ўлим эҳтимоли ўлимнинг айрим сабаблари бўйича эҳтимоллардан $q'_x, q''_x, q'''_x, \ldots$ иборат бўлади, деб тахмин қилинса, бунда ушбу умумий эҳтимолни қисман эҳтимолларнинг йиғиндиси сифатида тасаввур қилиш мумкин:

$$q_x = q'_x + q''_x + q'''_x + \ldots + q^n_x$$

Ёш-жинс гуруҳлари бўйича аҳоли ўлимининг пасайишини ҳисоб-китоб қилиш юқорида келтирилган формула қатори А.Я. Боярский томонидан таклиф этилган ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$q'_x = q_x \left(\frac{1 - Q_x}{1 - 0.5 Q_x q_x} \right)$$

бу ерда: q'_x – муайян бир ўлим сабабидан вафот этишнинг пасайишини ҳисобга олган ҳолдаги х йилга тенг бўлган ёшдаги ўлим эҳтимоли;

Q_x – х ёшдаги барча ўлимлардан берилган ўлим сабабининг улуши;

q_x – ўлим жадваллари бўйича x йилга тенг бўлган ёшда ўлим эҳтимоли.

Прогноз учун қабул қилинган ҳар бир ўлим сабаби касаллик (ҳар 1000 беморга нисбатан) ва ўлим ҳолати асосида аниқланади.

Бундай усуллардан одатда ўлим даражаси юқори ва умр кўриш давомийлиги қисқа бўлган тараққий этмаган мамлакатларда ўлим даражасини прогноз қилиш учун қўллаб келинган.

Аммо америкалик демографлар П.К. Уэлптон, Х.Т. Элбридж ва Ж.С. Зигель 1947 йилда эълон қилган мақолаларида бундай усулни АҚШ миқёсида ҳам қўллаш мумкинлиги масаласини кўтардилар[1]. Улар

[1] Whelpton P.K., Elbridge H.T., Siegel J.S. Forecast of the Population of the United States 1947-1975 Wash., D.C., 1947. - P17-18.

АҚШ турли штатлардаги ёш гуруҳларидаги ўлим даражасини таққослаб, ўлим даржаси паст бўлган штатларнинг кўрсаткичлари бир неча йилдан кейин мамлакат миқёсида такрорланишини аниқлади. Мақола муаллифлари мазкур кўрсаткичларга асосланган ҳолда эркаклар учун кутилаётган умр кўриш ўртача давомийлиги – 68,4 ёш ва аёллар учун – 71,8 ёшни ҳаёт даражаси ва тиббиётнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда 2000 йил учун энг қуйи чегараси сифатида кабул қилиш мумкинлиги прогнозини чиқардилар.

Бундан бироз кейинроқ – 1952 йилда француз демографи Ж. Буржуа-Пиша ўлим 0 гача пасайиши мумкинми ва мазкур пасайишнинг чегараси борми, деган саволни ўртага ташлади. У мазкур саволга жавоб излаб, ўлим сабабларини икки: экзоген (ҳаёт шароитлари билан боғлиқ ташқи) ва эндоген (инсон ёшига кўра унинг организмидаги табиий ўзгаришлар билан боғлиқ ички) тоифага ажратди. Ж. Буржуа-Пиша ўлимнинг сабабларини кенгайтирилган олти гуруҳга таснифлаб ҳамда Норвегияга доир маълумотлардан фойдаланган ҳолда эркаклар учун кутилаётган умр кўриш энг катта давомийлигини – 76,3 ёш ва аёллар учун – 78,2 ёш, деб кўрсатди[1].

Инглиз демографи Б. Бенжамин эса 1980-йилларда ўлим таркибида сабаблар бўйича эҳтимол тутилган ижобий ўзгаришлар юзасидан қатор гипотезаларни илгари сурди. Бунинг учун у Англия ва Уэльсдаги ўлимга доир маълумотлардан фойдаланиб, эркаклар учун кутилаётган умр кўриш энг катта давомийлигини – 81,3 ёш ва аёллар учун – 87,1 ёш, деб баҳолади[2].

Энг мақбул ҳаёт жадвали асосида прогноз қилиш учун, энг аввало, Б. Бенжамин томонидан баён этилган ўлимга сабаб бўлувчи ҳар бир гуруҳда бунга қарши курашда эришилган юқори натижаларни акс эттирувчи мақбул ҳаёт жадвали танланади. Шундан кейин прогноз қилинаётган аҳоли энг мақбул ўлим ёшига етиши ва бу қачон содир бўлиши прогноз қилинади. Ўлим динамикасининг истиқболли ҳисоб-китобларида мазкур усулни қўллаш жуда мураккаб ҳисобланади. Амалиётда камдан-кам ҳолларда ҳаёт жадвалининг мос тушувчи тавсифини амалга ошириш мумкин. Чунки ўлимнинг ёш-жинс кўрсаткичлари муайян бир аҳолининг ёш-жинс таксимоти хусусиятларига боғлиқ ва бирон-бир ёш гуруҳидаги ўлим даражаси кейинги гуруҳдаги маълум ўлим даражасини олдиндан белгилаб

[1] Readings in Population Methodology. Volume 5. Population Models, Projections and Estimates. – Chicago, 1993. - P.17.

[2] Benjamin B. The Span of life // Journal of the Instute of Actuaries. 1982. Vol. 109. – P.319-340.

беради. Шунинг учун истиқболли ҳисоб-китоб қилинаётган аҳоли учун ҳақиқатда ўлимнинг ёш-жинс кўрсаткичлари ўртасидаги ўзгача боғлиқлик хос ўлим кўрсаткичи мос тушадиган бошқа аҳолини танлаб олиш мураккаб масала.

Аҳоли ўлим даражасининг прогнозларини аниқлаш учун ҳозир кенг қўлланилаётган усуллардан яна бири **эксперт баҳолаш**дир. У тиббиёт ва соғлиқни сақлаш мутахассисларининг аҳолининг ўлими ва касалланиши динамикасининг тахминий истиқболи ҳақидаги фикрини билиш, шу жумладан, инсон ўлимининг энг кенг тарқалган ва энг оғир сабабларига қарши кураш бўйича тадқиқот йўналишлари сифатида қўлланилади. Ушбу усулнинг мақбуллиги шундан иборатки, у айрим ёш-жинс гуруҳларида ёки айрим сабаблар бўйича ўлим оқибатида аҳоли кўраётган йўқотишларни баҳолаш нуқтаи назаридан прогнозлашни амалга ошириш имконини беради.

Бундай эксперт баҳолаш Ўзбекистонда яқин истиқболда ўлимнинг умумий коэффициенти мунтазам ортиб боришидан далолат беради (11.6-жадвал).

11.6-жадвал

Ўзбекистонда ўлим коэффициенти динамикасининг прогноз кўрсаткичлари (аҳолининг ҳар 1000 кишисига нисбатан, промилле)

Йиллар	Жами аҳолига нисбатан	Шаҳар аҳолисига нисбатан	Қишлоқ аҳолисига нисбатан
2011	5,5	6,7	4,8
2015	5,7	7,0	4,9
2020	6,4	7,4	5,2
2025	7,2	8,5	6,0
2025 йилда 2011 йилга нисбатан (+, -)	+ 1,7	+ 1,8	+1,2

Агар 2011-2025 йилларда республикада ўлимнинг умумий коэффициенти 1,7 пунктга кўпайса, шаҳар аҳолисида бу кўрсаткич – 1,8, қишлоқ аҳолисида эса 1,2 пунктга ортади. Бундай ҳолат мамлакат аҳолиси ёш таркибидаги нисбатнинг кекса ёш гуруҳига томон силжиши билан изоҳланади. Маълумки, қарияларда ўлим кўрсаткичи юқори ва бу, ўз навбатида, аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичининг кўпайишига олиб келади.

11.5. Аҳолининг оилавий таркибини прогноз қилиш

Кўпгина мамлакатларда, хусусан, Франция, Ирландия, Буюк Британия ва АҚШда **аҳолининг оилавий таркибини прогноз**

қилиш иккинчи жаҳон урушидан буён амалга ошириб келинмоқда. Аҳоли прогнозларининг мазкур тури прогноз учун қўлланилаётган ҳисоб-китоблар усули, белгиланган мақсад, зарур маълумотлар базасининг мавжудлиги билан фарқланади. Бундан ташқари, қўлланилаётган усуллар оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин. Маълум усулни танлашда статистика маълумотларнинг тўлиқлиги муҳим аҳамиятга эга.

Никоҳ-оила таркибини истиқболли ҳисоб-китоб қилиш усуллари авлодларнинг таҳлили ёки муайян бир вақтдаги аҳоли тавсиф-ларини кўриб чиқишга асосланган бўлиши мумкин. Бунда аниқ авлодларда жипс саф, шартли авлодларда эса демографик жадваллар усули қўлланилади.

Канадалик олим В. Иллинг оилалар сонини прогноз қилиш услубиётини ишлаб чиққан ва у қуйидагича амалга оширилади:

$$E_1 = E_0 + \overset{t}{E}(M_i - D_i''' - S_i + N_i'''),$$

бу ерда: Е – истиқболдаги оилалар сони;

E_0 – рўйхатга олиш маълумотлари бўйича оилалар сони;

M_i – никоҳлар сони;

D_i'' – никоҳда бўлганлар орасидаги ўлганлар сони;

S_i – ажралишлар сони;

N_i''' – t вақт давомидаги оилалар миграциясининг сальдоси.

Ушбу усул аҳолининг табиий ҳаракати хусусиятларини инобатга олишга асосланган. Унинг қўлланилиши келажакда никоҳ, ўлим, ажралиш, шу жумладан, прогноз қилинаётган даврда эмиграция ва иммиграция қилган оилаларнинг сонига нисбатан маълум бир гипотезаларни қабул қилиш ва ишлаб чиқилишини назарда тутади. Одатда, ҳисоб-китобларнинг ушбу барча таркибий қисмлари вақт давомида ўзгармас деб қабул қилинади, бироқ ушбу жараёнлар динамикасининг тенденциялари анча батафсилроқ ишлаб чиқилиши мумкин.

Бугунги кунда оилалар (уй хўжаликлари) таркиби ва миқдорини прогнозлаштириш услуби кенг қўлланиб келинмоқда. Ушбу усул биринчи марта 1930 йили АҚШда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида уй хўжаликлари прогнозларини ишлаб чиқишда қўлланилган. 1950-йилларда эса ушбу усул Европанинг кўпгина мамлакатларида қўлланила бошлади. Чунки бу пайтга келиб аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида аҳолининг (оила) таркиби ҳақида етарли даражада статистика маълумотлари йиғилган ҳамда улар тўлиқ ва ишончли бўлган.

Оила бошлиқлари коэффициентини ҳисоблаш усули бўйича аҳолининг оилавий таркибини прогноз қилиш нафақат истиқболдаги оилалар, балки уларнинг ўртача катталиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам олиш имконини беради. Ушбу усул ёрдамида аҳолининг аниқ ёш-жинс таркибининг келажакдаги оилалар ва уй хўжаликлари сони динамикасига таъсир кўрсатиш даражасини баҳолаш мумкин. Ёшлар ва жинслар бўйича оила бошлиқларининг (уй хўжаликлари) тақсимоти истиқболда оилаларнинг шаклланишига турли ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсирини кўриб чиқиш орқали таҳлилни чуқурлаштириш имконини беради.

Оила бошлиқлари коэффициентини ҳисоблаш усули бўйича оилавий ҳолатнинг ҳисоб-китоблари аҳолининг ёш-жинс таркиби ва миқдорини прогноз қилиш маълумотларига асосланган. Ушбу ҳисоб-китобларда, энг аввало, оилавий ҳолат бўйича ҳар бир ёш-жинс гуруҳларидаги аҳолининг истиқболдаги миқдори тақсимланиши ўрганилади. Бу тақсимлашни акс эттирувчи коэффициентлар ёрдамида амалга оширилади. Коэффициентлар қуйидагича ҳисобланади:

$$P_{i,j,k} = \frac{S_{i,j,k}}{S_{i,j}},$$

бу ерда: *i* - аҳолининг жинс гуруҳидаги миқдори;

j- аҳолининг ёш гуруҳларидаги миқдори;

S*ij*: *i*-жинс гуруҳидаги ва *j*-ёш гуруҳидаги шахсларнинг, k-оилали аҳолининг сони.

Ушбу коэффициентлар асосида аҳолининг оилавий ҳолати бўйича таркиби t йилдан кейин қуйидагича аниқланади:

$$S_{i,j,k}(t) = S_{i,j} \cdot P_{i,j,k},$$

бунда: *i* = 15–19 ёшдагилар, k=Х (бўйдоқлар);

20–24 ёшдагилар Б (никоҳда бўлганлар);

. . . . . .В (бевалар);

70 ёш ва ундан катталар Р (ажралишганлар).

Ҳисоб-китобларнинг иккинчи босқичи оила бошлиқларининг ёш, жинс ва оилавий ҳолати бўйича коэффициентларини аниқлашдир. Ушбу коэффициентлар оила бошлиқлари (уй хўжаликлари) сонининг $H_{i,j,k}$ ҳисоб-китоблар учун асос бўладиган худди ўша ёш-жинс гуруҳидаги ва рўйхатга олиш маълумотлари бўйича оилали аҳолининг сонига нисбати сифатида аниқланади. Бунда оила бошлиқлари (уй хўжаликлари)нинг келажакдаги сони t–йилдан кейин:

$H_{i,j,k}t = S_{i,j,k} \cdot h_{i,j,k}$ ни ташкил қилади.

Оила бошлиқларининг умумий сони оилаларнинг умумий сони билан мос тушади. Худди шундай йўл билан тўлиқ бўлмаган оилалар бошлиқлари ва якка яшовчиларнинг сони ҳисоблаб чиқилади.

Оилаларда яшовчи бошқа аъзоларнинг сони барча аҳолининг сони ҳамда тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган оилалар ҳамда ёлғиз яшовчиларнинг сонлари ўртасидаги фарқ сифатида келиб чиқади. Оила бошқа аъзоларининг сони истиқболда оилаларнинг ўртача катталигини ҳисоб-китоб қилишга ёрдам беради. Натижада оиланинг ўртача катталиги t-йилда қуйидагига тенг бўлади:

$$\overline{F}(t) = \frac{H(t) + M(t)}{H(t)};$$

бу ерда: Н – оила бошлиқлари (уй хўжаликлари) сони;

М – оила бошқа аъзоларининг сони.

Оила бошлиқлари коэффициенти усули орқали аҳолининг оилавий таркибини ҳисоб-китоб қилишдаги асосий услубий муаммо турли ёш-жинс гуруҳлари учун оилавий ҳолат бўйича ушбу коэффициентларнинг истиқболдаги динамикасини аниқлашдир. Шунинг учун оддийгина оилавий ҳолат бўйича аҳоли ҳисоб-китоблари, унинг ёш-жинс таркиби бўйича ҳам бир хил, деб тахмин қилиш мақсадга мувофиқ. Бу истиқболда аҳолининг оила турлари бўйича таркибидаги асосий ўзгаришларни тавсифлайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Демографик прогнозлаштириш деганда нимани тушунасиз?
2. Демографик прогнозлаштиришнинг қандай йўналишларини биласиз?
3. Аҳоли ҳаракатининг истиқболдаги кўрсаткичларини баҳолаш учун қандай усуллардан фойдаланилади?
4. Демографик прогнознинг қандай шакллари мавжуд?
5. Прогнознинг тасдиқланиши деганда нимани тушунасиз?
6. Демографик прогнозларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тушунтириб беринг.
7. Аҳоли сони ва таркибини прогнозлаштиришда қандай усуллар қўлланилади?
8. Когорт услубининг моҳиятини тушунтириб беринг.
9. Аҳоли ўлимини прогнозлаштиришда қайси усуллардан фойдаланилади?
10. Оилалар сонини прогноз қилиш қандай тартибда амалга оширилади?

Адабиётлар рўйхати

1. Борисов В.А. Демография: Учебник для вузов. 4-е изд. – М.: Нота Бене, 2004.
2. Бўриева М.Р. Демография асослари. – Тошкент, 2001.
3. Демография: Учебное пособие. /Под ред Глушкова В.Г., Симагин Ю.А. – М.: КноРус, 2010.
4. Денисова М.Б., Калмыкова Н.М. Демография. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010.
5. Лысенко С.Н. Демография. Учебно-практическое пособие. – М.: Вузовский учебник, 2010.
6. Медков В.М. Демография: Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2009.
7. Косов П.И. Основы демографии: Учебное пособие Берендеева А.Б. – 2-е изд, доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М., 2010.
8. Рыбаковский Л.Л. Методологические вопросы прогнозирования населения. – М., 1978.
9. Тихомиров Н.П. Демография: методы анализа и прогнозирования. Учебник. – М.: Экзамен, 2005.
10. Тожиева З.Н. Иқтисодий ва демографик статистика. – Т.: Университет, 2002.

12-боб. ДЕМОГРАФИК СИЁСАТ

12.1. Демографик сиёсатнинг мазмуни ва уни амалга ошириш услублари

Демографик сиёсат давлат органлари ва ижтимоий институтларнинг аҳолини такрор ҳосил жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги аниқ мақсадни кўзлаган фаолиятидир. Унинг таркиби сиёсий фаолият бошқа соҳаларида бўлгани каби икки муҳим ва ўзаро боғлиқ таркибий қисмлардан: демографик мақсадларни белгилаш ҳамда уларни амалга оширишдан иборат.

Демографик сиёсатнинг мақсади ва вазифалари, қоида бўйича, қонунлар, ҳукумат қарорлари, сиёсий ва стратегик дастурлар, жорий режаларда ўз ифодасини топади.

Демографик сиёсатнинг объекти – умуман мамлакат ёки унинг минтақалари аҳолиси, оилалар, уй хўжаликларидир.

Демографик сиёсатнинг асосий йўналишлари, одатда, қуйидагиларни қамраб олади:

• оила, она ва болаларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш;

• аёлларнинг оилавий вазифаларни бажаришларини ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

• аҳолининг касалланиши ва ўлим даражасини камайтириш, умр кўриш давомийлигини узайтириш учун зарур чораларни кўриш;

• аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш сифатини ошириш;

• аҳолининг жойлашиши, урбанизация жараёнларини такомиллаштириш;

• миграция жараёнларини тартибга солиш (12.1-расм).

Ушбу йўналишлар ижтимоий сиёсатнинг иш билан бандликни таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, касбий тайёргарлик, тураржой қурилиши, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, ногиронлар ва меҳнатга лаёқатсиз йўқларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби мақсад ва вазифалари билан мувофиқлаштирилиши керак.

Демографик сиёсатни ўтказиш қуйидаги шарт-шароитларга риоя қилишни талаб этади:

• демографик сиёсат стратегияси, мақсадлари ва вазифалари, белгиланган режаларни амалга ошириш муддатлари белгиланган яхлит концепциянинг мавжудлиги;

• қабул қилинган концепция барча тадбирларини молиялаштириш манбалари;

• демографик сиёсатни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ижтимоий институтлар.



12.1-расм. Давлатнинг демографик сиёсати

Давлатнинг демографик сиёсатини ўтказишда маъмурий-ҳуқуқий иқтисодий ва ижтимоий-психологик услублардан фойдаланилади.

Маъмурий-ҳуқуқий услубда аҳолининг такрор ҳосил бўлишини тартибга солишга қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органлари ва ижтимоий институтлар орқали таъсир кўрсатилади. Оила-никоҳ муносабатлари, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, гендер сиёсатига доир қонун ҳужжатлари, ҳукумат дастурлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иқтисодий услуб туғилиш даражасини оширишни рағбатлантириш, умр кўриш давомийлигини узайтиришга қаратилган шарт-шароитларни яхшилашни молиявий ресурслар билан таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини моддий жихатдан қўллаб-қувватлаш каби тадбирларни қамраб олади.

Давлатнинг демографик сиёсатини амалга оширишнинг **ижтимоий-психологик услуби** аҳолини **"демографик тарбиялаш"**, деб ҳам аталади. У фуқароларнинг оилага, оила таркибига, соғлом

турмуш тарзига муносабатини шакллантиришга йўналтирилган бўлади. Айниқса, ота-оналарнинг "демографик саводхонлиги"га катта эътибор берилади. Демографик тарбиянинг яна бир муҳим йўналиши аҳолининг демографик майлига таъсир кўрсатишдир. Демографик тарбиялаш, асосан, ижтимоий институтлар, таълим ва тарғибот муассасалари, оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади.

XVII асрдаёқ Франция Европада биринчилардан бўлиб ўз аҳолиси сони кўпайишини рағбатлантириш сиёсатини амалга ошира бошлаган. Бунга кўп жиҳатдан Франциянинг Германия билан 30 йиллик (1618-1648 йиллар) урушда катта талафот кўргани сабаб бўлган. XVIII асрда эса мануфактура ишлаб чиқаришининг кенгайиши билан ишчи кучига талаб кучайган ва саноати ривожланаётган давлатларда туғилишни кўпайтириш қўллаб-қувватланган.

XIX асрнинг охирги чорагида урушлар натижасида Германия ва Бельгияда ҳам катта йўқотишлар оқибатида аҳолининг жиддий равишда камайиши бошланди. Бу ушбу мамлакатлар ҳукуматларини туғилишни рағбатлантириш учун махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ундади. Айни пайтда соғлиқни сақлаш ва аҳолига оммавий тиббий ёрдам кўрсатиш давлат дастурлари қабул қилинди.

XX аср давомида турли давлатларда демографик сиёсатдаги устуворликлар маҳаллий шароит ва вазиятлардан келиб чиққан ҳолда ўзгариб турди. Лекин жаҳондаги барча мамлакатларга хос бўлган демография сиёсатининг икки энг муҳим йўналиши: соғлиқни муҳофаза қилиш ва ўлим даражасини камайтиришга инвестицияларни кўпайтириш ҳамда туғилишни давлат томонидан рағбатлантиришдан босқичма-босқич болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фарзандлар сонига боғлиқ равишда аҳолининг иқтисодий тенгсизлиги даражасини пасайтиришга ўтишни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Умуман, Иккинчи жаҳон урушидан кейин демографик сиёсатга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Бунда демографик жараёнларга икки хил ёндашувни кузатиш мумкин. Масалан, Франция уруш оқибатидаги демографик инқироз туфайли 1946 йилнинг ўзида оилада фарзанд туғилишини, айниқса учинча бола кўришни рағбатлантириш мақсадида оилаларга маблағ ажратиш тизимини жорий этди. 1960-1970-йилларда туғилишни рағбатлантириш чоралари кўпгина бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам жорий қилинди.

Шу билан бирга "учинчи дунё"да 1950-1960-йилларда "оилани режалаштириш" сиёсати амалга оширила бошлади. Бунга иккинчи жаҳон урушидан кейин давлат мустақиллигига эришган ривожланаётган мамлакатлардаги оила даражасида амалда тартибга солинмайдиган туғилишнинг ниҳоятда юқори даражаси билан боғлиқ "демографик портлаш" сабаб бўлди. Ушбу давлатларда аҳоли сонининг жадал суръатларда ортиши ривожланаётган миллий иқтисодиётлари учун жиддий муаммога айланди.

Иқтисодий ривожланишни мураккаблаштираётган аҳоли сони ортишининг жадал суръатларидан ташвишга тушган мамлакатларда туғилишни назорат қилиш сиёсати қўллаб-қувватлана бошлади. Ҳиндистон ривожланаётган давлатлар орасида биринчи бўлиб 1951 йилда оилани режалаштириш миллий дастурини расмий давлат сиёсати сифатида тасдиқлади. Бу ерда никоҳ тузиш ёши жиддий равишда узайтирилди, оилада тўрт аъзо бўлиш "Биз икки кишимиз – бизга икки бола" шиори остида кенг тарғиб қилинди.

1975 йилга келиб, Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг 34 мамлакатида туғилиш ва аҳоли сони ортиши суръатларини камайтиришга қаратилган оилани режалаштириш давлат дастурлари амал қила бошлади. Ривожланаётган давлатларнинг кўпчилиги туғилиш коэффициентини 1965-1970-йиллардаги 35,0-45,0 %дан 1985 йилгача 15,0-25,0 %га камайтиришни расмий максад сифатида белгилаб олди. Хусусан, Мисрда бу кўрсаткични - 24,0 %га, Ҳиндистонда эса – 25,0 %га пасайтириш режаланди. Бунинг учун, жумладан, Ҳиндистонда 1969-1974 йилларга 3.0 млрд.рупий маблағ ҳам ажратилди.

Хитой Конституциясида эса оилада режали фарзанд кўриш зарурлиги белгилаб қўйилди. Бу мамлакатда туғилишни режалаштириш бўйича қўмита ташкил қилинди, оилада фарзанд кўриш учун рухсат олиш тартиби жорий этилди. Шу билан бирга, никоҳ тузиш ёши узайтирилди, давлат демография сиёсатининг асосий шиори сифатида "Бир оилада – бир фарзанд" қабул қилинди. Хитойда 2002 йил сентябрида бу демография сиёсатига айрим ўзгаришлар киритилиб, фуқароларнинг 13 тоифасига иккинчи фарзанд кўришларига рухсат берилди.

Демография сиёсатига халқаро ҳамжамиятнинг ҳам эътибори кучайди. 1969 йилда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Аҳолишунослик соҳасидаги жамгармаси – ЮНФПА ташкил этилди. Мазкур жамғарма жаҳоннинг 140 тадан кўпрок мамлакатида фаолият юритмокда.

ЮНФПА 2015 йилгача бўлган муддатда ўз асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаб олган:

• репродуктив соғликни муҳофаза килиш соҳасидаги хизматлардан ҳамманинг фойдалана олиши учун зарур имкониятларни яратиш;

• ҳамма учун мажбурий бошланғич таълим жорий этилиши ва таълим соҳасида жинсий тенгсизликка барҳам берилишини таъминлаш;

•оналар ўлимини 75.0 %га камайтириш;

• болалар ўлимини камайтириш;

• умр кўриш ўртача давомийлигини узайтириш;

• ВИЧ *билан зарарланиш ҳолатларини* камайтириш.

Умуман, демография муаммолари Бирлашган Миллатлар ташкилотининг доимий диққат марказидадир. БМТ аҳолишунослик, шу жумладан, демографик, иктисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ўзаро муносабати муаммолари соҳасида тадқиқотлар олиб боради, давлатларга демографик дастурларни ишлаб чикиш ва амалга оширишда кўмаклашади, аҳолишуносликнинг турли масалалари бўйича умумжаҳон конференцияларини ўтказади.

*1970-йилларда она ва бола соғлигини муҳофаза килиш муаммо*сининг таркибий қисми сифатида ёндашган Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам оила аъзолари сонини тартибга солиш масалалари билан шуғулланиб бошлади.

Айни пайтда БМТ томонидан аҳолишунослик муаммолари бўйича мунтазам равишда халқаро анжуманлар ўтказиб турилмоқда. Жумладан, Мехико (1970), Аккра (1971), Токио (1972), Байрут (1973) ва Қохира (1973)да ўтказилган ана шундай халқаро конференцияларда аҳолишунослик соҳасидаги сиёсат – сиёсат ва ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларининг таркибий қисми бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

1994 йилда Қохирада бўлиб ўтган Аҳолишунослик бўйича умумжаҳон конференциясида кенг камровли 20 йиллик Ҳаракат дастури қабул қилинди[1]. Мазкур дастурда аҳолишунослик, иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш ўртасида ўзаро боғликка эришишга алохида эътибор каратилган. Шу билан бирга, эркак ва аёлларнинг тенглиги ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, репродуктив ҳуқук ва саломатлик муаммоларини ҳал этиш вазифалари белгиланган. Қохира Ҳаракат дастури, унинг максад ва вазифалари давлатларнинг демографик сиёсатини такомиллаштириш, мазкур йўналишда миллий дастурларни ишлаб чиқиш учун асос вазифасини ўтади.

---

[1] Global Population Policy database, 1991. ST/ESA/SER K/ 118. - United Nations. N.Y., 1992.

Узбекистонининг демографик сиёсати оила институтини мустаҳкамлаш, онанлик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг умр кўриш эҳтимолини ошириш ва ўлимни камайтиришга қаратилган. Мамлакатда бунинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонун, умуман 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат демография сиёсати мақсадларини ҳаётга жорий этишга йўналтирилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб демография масалаларига доир халқаро ҳужжатлар - БМТнинг Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклари тўғрисидаги, Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги ва бошқа халқаро конвенцияларга қўшилган.

Давлатнинг демографик сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистонда ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган мақсадли давлат дастурларининг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Саломатлик йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Соғлом бола йили" ва бошқа мақсадли давлат дастурлари туб моҳияти жиҳатидан худди шу мақсадларга йўналтирилган.

12.2. Туғилиш ва оила соҳасидаги демографик сиёсат

Туғилишни тартибга солиш демографик сиёсатнинг асосий йўналишларидан биридир. Юқорида қайд қилинганидек, давлатларнинг туғилишни тартибга солишга қаратилган сиёсатида икки хил ёндашув кузатилади.

Биринчи ёндашувга мойил мамлакатларда демографик ўтиш ҳали тугалланмаган ва туғилиш даражаси нисбатан юқори бўлиб, уларни асосан аҳоли сонининг ўсиш суръатларини камайтириш ва шу йўл билан мамлакат иқтисодиёти ва ресурсларига бўлган демографик босимни пасайтириш муаммоси ташвишга солади. Ушбу масалада энг фаол сиёсатни аҳолисининг сони жиҳатидан дунёда энг кўп ҳисобланган Хитой ва Ҳиндистон олиб боради. Бу мамлакатлар турли хил, жумладан, регрессив чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан аҳоли сони ортиши суръатларини иложи борича пасайтиришга уринмоқда.

Иккинчи ёндашув тарафдорлари иқтисодий жиҳатдан ривожланган, бироқ туғилиш даражаси ҳатто аҳолининг оддий такрор ҳосил

қилишишини таъминлашга қодир бўлмаган мамлакатлардир. Бироқ бу давлатлар ҳам туғилишни тартибга солиш сиёсатини амалга оширишда ўзаро фарқ қилади. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда туғилиш даражаси аҳолининг такрор ҳосил этилишини таъминлай олмаётганлигига қарамай, бу уларнинг ички ва ташқи манфаатлари ҳамда эҳтиёжлари учун етарли, деб ҳисобланади. Мазкур давлатларда фарзандлар кўриш шахснинг ва оиланинг хусусий иши, аҳоли сонининг ўсиши эса мамлакатга иқтисодий, ижтимоий ёки экологик фойда келтирмайди, деган фикр устун туради.

Италия, Ирландия ва баъзи бошқа мамлакатларда туғилиш даражасига таъсир кўрсатувчи чоралар кўришга босиқ муносабатда бўлишади. Бу мамлакатлар фарзандлар туғилишини тартибга солишни маънавий ва ахлоқий нуқтаи назардан мақбул эмас, деб ҳисоблайди ҳамда бу масалада кенг миқёсли ва аҳамиятли сиёсат олиб борил-майди. Бу мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳам, жамоатчилик фикри ҳам никоҳ-оила муносабатларига мутаассиб нуқтаи назардан ёндашади.

Айни пайтда юқорида қайд қилинган, ҳудуди, аҳолисининг сони, иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича ўзаро фарқланувчи, туғилиш масаласига икки хил қарашда бўлган бу давлатларнинг ўхшаш томонлари ҳам бор. Биринчидан, улардан бирортаси XX аср давомида улкан инсоний йўқотишларни бошидан кечирмаган, иккинчидан, демографик ўсиш зарурати билан бевосита боғлиқ стратегик (биринчи навбатда, геосиёсий ва иқтисодий) манфаатлари мавжуд эмас.

Франция, Белгия ва Германияда эса демографик сиёсатга XX асрдан бошлаб бутунлай ўзгача қарашлар устувор. Улар кетма-кет урушлар оқибатида катта инсоний талафотлар кўрди, миллий иқтисодиётлари барбод бўлди. Бундай шароитда ва аҳоли камайиб бораётган вазиятда иқтисодиётни тиклаш имкониятлари чегараланган эди. Шу билан бирга, ушбу мамлакатлар туғилишни рағбатлантириш демографик сиёсатини олиб боришда Европадаги ўз геосиёсий мавқеларини тиклаш мақсадини ҳам кўзларди.

Ўзбекистонда туғилиш соҳасидаги демографик сиёсат оналик ва болаликни муҳофаза қилиш билан бирга "Соғлом она-соғлом бола", тамойилига риоя этилиши, туғилишлар оралиғи замонавий тиббиёт тавсияларига мувофиқ бўлиши, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузилмаслиги каби мақсадларга қаратилган.

Умуман, турли мамлакатларда туғилишни тартибга солишга қаратилган демографик сиёсатни амалга ошириш усул ва воситаларини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

1. **Қонунчилик чоралари.** Туғилишни тартибга солишнинг ҳуқуқий чораларига никоҳга кириш энг кичик ёшини белгилаш, ажралиш, никоҳда ва никоҳ бекор қилингандан сўнг туғилган фарзандлар учун ота-оналарнинг масъуллиги ва ҳ.к.ларга доир никоҳ-оилавий ҳуқуқий меъёрлари киради.

Туғилишни тартибга солишнинг қонунчилик чоралари бўйича мамлакатларни ўзаро қиёслаш жуда мураккаб. Чунки оила кодекслари, оилага қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, ўзгартирилиши, бекор қилинишини турли мамлакатлардаги турлича тарихий анъаналар, диний эътиқодлар, миллий ўзига хослик, шунингдек, демографик сиёсатнинг устивордаги тажрибалари билан боғликдир.

Масалан, Ўзбекистонда амал қилаётган оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотининг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

2. **Иқтисодий чоралар.** Демографик сиёсатнинг ушбу чоралари болали оилаларга нафақа тайинлашдан ташқари, фарзандлари бор ёки фарзанд кўрган оилаларга (ота-оналарга) турли имтиёзлар беришни назарда тутади.

Туғилишни иқтисодий рағбатлантиришнинг асосий турлари қуйидагилардир:

А) Болали оилаларга бериладиган нафақалар:

• ойма-ой бериладиган нафақа ёки оиладаги болаларнинг сони, туғилиш кетма-кетлиги ва оиланинг умумий даромадига кўра белгиланувчи нафақа;

• фарзанд туғилиши муносабати билан бир марта бериладиган нафақа;

• ҳомиладорлик ва туғруқда қисман ёки тўлиқ ҳақ тўланувчи таътил;

• ҳомиладор аёллар, туққан аёллар ҳамда янги туғилган гўдаклар саломатлигини тиклашга қаратилган чора-тадбирлар.

Ойма ой тўланадиган ёки оилага белгиланувчи нафақалар. Ушбу нафақа тури энг кенг тарқалган бўлиб, уни белгилаш тартиби турли мамлакатларда ўзаро фарқ қилади. Масалан, Австрия ва

Данияда нафақа барча фарзандли оилаларга оиланинг даромадидан қатъий назар тайинланади. Франция ва Германияда нафақанинг миқдори оиланинг даромади ва фарзандлар сонига боғлиқ. Буюк Британияда оиладаги фарзандлар сонидан қатъи назар фақатгина кам даромадли оилалар нафақа олиш ҳуқуқига эга. Италия ва бошқа бир қанча мамлакатларда оила даромадининг юқори чегараси белгиланган бўлиб, шу миқдордан ортиқ даромад олувчи оилаларга нафақа берилмайди.

Ойма-ой тўланадиган нафақа миқдори оиладаги фарзандлар сонининг кўпайиши билан ортиб боради. Бунинг сабаби - кўпчилик мамлакатларда оилада фарзандлар туғилиши, уларни тарбиялаш ва маълумот бериш бўйича харажатларни иложи борича тўлароқ қоплаш давлатнинг бурчи эканлигини назарда тутади.

Нафақа олишнинг юқори чегараси турли мамлакатларда турлича бўлиб, у 16-18 ёшгача белгиланган. Кўпчилик мамлакатларда нафақа бериладиган ёш боланинг таълим олишининг давомийлиги билан боғлиқ (Масалан, Германия ва Голландияда - 27 ёшгача). Энг кўп миқдордаги оилавий нафақалар Бельгияда белгиланган (ўртача ойлик маошнинг 70,0 %гача). Бироқ бунда кўпроқ оиладаги фарзандлар сони эмас, оиланинг моддий таъминланганлик даражаси ҳисобга олинади. Оилага бериладиган нафақаларни молиялаштириш ҳамиша ҳам бюджет маблағлари ҳисобидан бўлмайди. Масалан, Австрияда оилавий нафақалар марказлаштирилган ҳолда ягона жамғарма томонидан тўланади. Бу жамғарма маблағлари қуйидаги манбалардан шаклланади:

- давлат ва маҳаллий бюджетдан ажратмалар;
- тадбиркорлар тўловлари;
- ҳудудлардаги аҳолининг сонига мутаносиб равишдаги тўловлар.

Бельгияда нафақалар миллий ижтимоий ҳимоя маъмурияти томонидан амалга оширилади. Жамғармалар тадбиркорлардан тушган тўловлар асосида шаклланади. Италия ва Люксембургда оилавий нафақалар ижтимоий суғурта жамғармалари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўзбекистонда вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ойма-ой тўланадиган нафақа фарзандлар 16 ёшга (умумтаълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётганларга -18 ёшгача) етганча тўланади. Нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади, ушбу муддат тугагач, ота-она янги муддатга нафақа тўлашни давом эттириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Оилага нафақа:

• бир болали оилалар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50,0 % миқдорида;

• икки болали оилалар учун – 100,0 % миқдорида;

• уч болали оилалар учун 140,0 % миқдорида;

• тўрт ва ундан кўп болали оилалар учун 175,0 % миқдорида белгиланади.

Республикада қуйидаги вояга етмаган болалари бўлган оилалар нафақалар олишда имтиёзли ҳуқукка эга:

• ногирон гўдакли (болали) оилалар;

• ота-онанинг иккаласи ҳам бўлмаган, болалар тарбияси билан эса қариндошлари шуғулланувчи оилалар;

• болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган оилалар;

• ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз бўлган, меҳнат органида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган оилалар.

Фарзанд туғилиши муносабати билан берилувчи бир марталик нафақа. Ўзбекистонда бола туғилганда берилувчи бир марталик нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида берилади. Иш ҳақига коэффициент қўлланилувчи туманларда нафақа ушбу коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ишлаётган аёлларга ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида таҳсил олаётган аёлларга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тегишлича иш ёки ўқиш жойидан тўланади. Ишламайдиган ва ўқимайдиган ота-оналарга бола туғилганда бериладиган нафақа ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади. Агар аёл ҳомиладорлик бўйича таътил даврида ишдан бўшаб, шу давр мобайнида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа олган бўлса, бир марталик нафақа умумий асосларда берилади. Бола ўлик туғилган ҳолларда нафақа тўланмайди.

Юқорида қайд қилинганлардан давлатнинг туғилишни рағбатлантириш сиёсати икки йўналишлидир. Биринчиси - ҳомиладорлик ва туғруқнинг соғлом кечиши учун барча шароитларни яратиш (ҳомиладорларни текшириш, туғруққача ва туғруқдан кейинги таътил, ҳомиладорларнинг иш ўринларини сақлаб қолиш ва ҳ.к.лар), иккинчиси давлатнинг болаларни парвариш қилиш, тарбиялаш ва уларга таълим беришда иштирок этишидир.

Ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътил ҳамда бу таътилга ҳақ тўлаш тартиби. Жаҳон амалиётида ҳомиладорлик ва туғрук учун таътил бериш тартиби турли давлатларда турлича бўлиб, бунда асосий фарқлар давлат ёки хусусий секторда иш билан банд бўлган аёллар

орасида кузатилади. Уларга бериладиган таътил давомийлиги тўловнинг миқдорлари ва молиялаш манбаълари ўзаро фарқ қилади. Одатда, давлат секторида ишловчи аёлларга узокроқ давом этувчи таътил ва кўпрок миқдорда компенсация тўловлари берилади. Бундай ҳолларда таътилга ҳақ тўлаш тўлиқ давлат бюджети маблағлари ёки ижтимоий ва тиббий суғурта, жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Хусусий секторда ишловчи аёллар эса маблағларни турли суғурта жамғармаларидан олади. Қатор мамлакатларда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътил ҳукуки, суғурта бадалларини тўлаш ва ҳомиладорликка қадар шу ишда канча муддат ишлаганлигига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистонда ҳомиладорлик ва туккандан кейинги даврлар таътили сифатида аёлларга туққанига кадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – 70 календарь кун) таътил берилади. Бу нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартиб-да меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади ҳамда кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини тамомлаган ва белгиланган тартибда ишга юборилган аёлларга ишни бошлагунга кадар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида нафақа аёл ишга келиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади. Ишни вактинчалик тўхтатиш ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил даврида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилган ҳолда, нафақа кўрсатилган давр тугагандан кейин аёл ишга чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Ходим йиллик таътилда ва болани парваришлаш учун таътилда бўлган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилганда, нафака ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилнинг вактинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлари учун берилади. Болани парваришлаш бўйича таътил даври учун нафақа таъриф ставкасидан (лавозим маошидан) ва таътил бошланишидан олдинги 12 ой мобайнида олинган мукофотларнинг ўртача ойлик суммасидан ҳисоблаб чикарилади. Бунда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган кунига бўлган тариф ставкаси жойларда белгиланган туман коэффициенти ва устамаларни ҳисобга олган ҳолда олинади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, шу жумладан, айрим ҳолларда, яъни меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор килингандан кейин бир ой ичида вактинча меҳнатга лаёқатсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган бўлса, нафақа яшаш

жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида берилади.

Ҳомиладор аёллар ва янги туғилган гўдаклар соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган чоралар. Бу гуруҳга кирувчи чора-тадбирлар кўпроқ соғликни сақлаш ва ижтимоий профилактик тавсифда бўлиб, туғилишни рағбатлантириш билан бевосита боғлиқ эмас. Бу чоралар ҳомиладорлик бўйича аёлларни ўз вақтида рўйхатга олиш ва қонун томонидан белгиланган тартибда текширувдан ўтиш заруратини назарда тутади. Бундай тадбирларнинг асосий мақсади ҳомила ва ҳомиладорлик патологияларини эрта аниқлаш, ҳомиладор-ликнинг кечиш мониторингини олиб бориш, ҳомиладор аёлларда кузатиладиган ижтимоий патологиялар – наркомания, алкоголизм ва бошқа касалликларни профилактика қилишдан иборат.

Б) ишловчи ота-оналар учун бериладиган солиқ имтиёзлари ҳамда уларга уй-жой учун ажратиладиган кредитлар ва субсидиялар:

Солиқ имтиёзлари. Солиқ имтиёзлари хилма-хил бўлиб, уларнинг турли мамлакатлар қўлланиши ўзаро фарқ қилади.

Солиқ имтиёзларини қўллашнинг умумий белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

• эр ва хотиннинг даромадларини алоҳида ҳисобга олиш;

• оилавий нафақалар (истисно ҳолатларни ҳисобга олмаганда) солиққа тортиладиган даромад миқдорига киритилмайди;

• тирикчилик ўтказишнинг энг кам миқдоридаги даромад солик-ка тортилмайди;

• оиланинг уй-жой шароитини яхшилаш учун сарфланувчи харажатлари қисман ёки тўлик солиқдан озод килинади;

• қатор ҳолатларда уй-жой солиғи камайтирилади (масалан, Германияда ҳар бир фарзандга 10,0 %дан);

• оилада боқувчининг зиммасига тўғри келадиган ҳар бир оила аъзосининг (боқиманда) ҳисобидан келиб чиққан ҳолда солиқ ставкалари камайтирилади.

Уй-жой сотиб олиш учун кредитлар. Туғилишни барқарорлаштириш ёки рағбатлантириш демографик сиёсатини олиб борувчи мамлакатларнинг кўпчилигида уй-жойни кредитлашнинг махсус дастурлари мавжуд эмас. Оилаларга уй-жой кредити берилган ҳолларда ҳам бу демографик мақсадларга эмас, балки оиланинг (оила аъзолари сонидан қатъи назар) тураржой шароитини яхшилашни кўзлаб амалга оширилади.

Фақат Данияда уй-жойни ижарага олиш учун субсидияларнинг энг кўп миқдори 15,0 % бўлиб, ҳар бир фарзанд учун яна 15,0 % миқдорда

қўшимча субсидия ажратилади. Масалан, иккита фарзанди бор оилага ажратиладиган субсидия миқдори 45,0 %ни ташкил этади.

Ўзбекистонда эса уй-жойга муҳтож ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари ажратилади. Бунда ёш оила харид қилинаётган тураржой қийматининг 25,0 %дан кам бўлмаган миқдордаги бошланғич бадалини тўлаши керак. Ёш оила доимий иш жойига ҳамда ўз фаолияти натижасидан олинадиган даромадга ёки бошқа расмий даромад манбаларига эга бўлиши, ёши 30 ёшдан ошмаган бўлиши керак.

Ипотекали кредитлашни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган кредит миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваридан ошмаган миқдорда белгиланади. Ёш оилаларга ипотека кредити 15 йилдан кам бўлмаган муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан ажратилади. Ёш оилаларга ипотека кредитлари бўйича йиллик фоиз ставкаси йилига кўпи билан 5,0 % миқдорида бўлади[1].

12.3. Ўлим даражасини камайтириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича демографик сиёсат

Инсон умрини узайтириш, аҳолининг турмуш сифатини ошириш, кишиларнинг соғлом ва фаол ҳаёт кечиришини таъминлаш асосий ижтимоий қадриятлардан бири ҳисобланади.

Аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш ва умрини узайтириш бўйича давлатнинг узоқ муддатли демографик сиёсатида унинг икки икки, ўзаро боғлиқ таркибий қисмлари бўлади. Биринчиси аҳоли саломатлиги ва ўлимнинг ёш-жинс бўйича шаклланиш тарихи ҳамда ҳозирги хусусиятлари ҳақида тасаввурларнинг мавжудлигидир. Ушбу масалага доир маълумотларнинг батафсил ва чуқур таҳлил этилишиши, кайта ишланиши ва умумлаштирилиши демографик сиёсатнинг ушбу йўналишдаги истиқболли дастурларни танлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ўлим даражасини камайтириш соҳасидаги демографик сиёсатнинг иккинчи таркибий қисми бу йўналишда белгиланаётган стратегик мақсад ва вазифалар тамойилларини аниқ белгилаб олишдир. Ушбу концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ўлим даражасини сезиларли камайтиришга эришган мамлакатларнинг тажрибаларини умумлаштирувчи "Саломатлик - барча учун" стратегиясида ўз аксини топган.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3878-сон Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 19-20-сон, 192-модда.

Мазкур давлатларнинг тажрибаси далолат берадики, инсонга фақат иқтисодий ривожланишга эришиш воситаси сифатида қараш керак эмас. Маълумки, узоқ йиллар давомида иқтисодий ўсишга эришиш инсон ва бутун жамиятни ривожлантиришга олиб келади, деб ҳисоблаб келинган. Бундай ёндашув асосида ишлаб чиқариш даромадларни кўпайтиради, юқори даромад эса, ўз навбатида, иқтисодий фаровонликни оширади, деган фикр ётган.

Аммо айрим мамлакатларнинг амалиёти ишлаб чиқариш ривожланиб бораётган шароитларда ҳам кишиларнинг турмуши оғирлашиши мумкинлигидан далолат берган. Ушбу давлатларда иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлишига қарамай тенгсизлик, кашшоқлик, умр кўриш давомийлигининг қисқалиги кўзга ташланган. Айни пайтда миллий даромадлари бу давлатлардагидан нисбатан паст мамлакатларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифати, шу жумладан умр кўриш давомийлиги улардан юқори бўлган.

Иқтисодий ўсиш ўз-ўзидан ресурслар адолатли тақсимланишни таъминланмаслиги ойдинлашган. Иқтисодий жиҳатдан бой, даромад даражаси юқори бўлган мамлакатларда жиноятчиликнинг ўсиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, турли касалликларнинг тарқалиши, аҳоли ижтимоий ҳолатининг ёмонлашиши каби салбий ҳодисалар кузатилган.

Натижада жаҳонда XX асрнинг 80-йиллари бошларига келиб, фақат иқтисодий ўсишнинг ўзи давлатлар тараққиётининг танҳо мезони бўла олмаслиги тўғрисидаги хулосага келинган. Иқтисодиёт бўйича 1998 йилги Нобель мукофотининг лауреати Амартия Сен 1989 йилда эълон қилинган "Ривожланиш - имкониятларини кенгайтириш сифатида" асарида ривожланиш жараёнини фақат моддий ёки иқтисодий фаровонликнинг ортиши нуқтаи назаридан эмас, балки инсон имкониятларини кенгайтириш жараёни сифатида таҳлил этган.

Унинг фикрича, жамиятдаги турмуш даражасини даромадларнинг ўртача даражасига қараб эмас, балки кишиларнинг ўзлари муносиб деб ҳисоблаган ҳаёт кечиришлари учун мавжуд имкониятлари бўйича баҳолаш лозим. Ҳиндистонлик иқтисодчи олим ижтимоий ривожланишнинг мақсади ишлаб чиқаришни чексиз кўпайтириш эмас, балки кишиларнинг билим эгаллашлари, узоқ умр кўришлари, касалликлардан холи бўлишлари, кўпроқ иш бажаришлари ва ҳ.к.лар учун имкониятлар яратишда, деб кўрсатган[1]. Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар ташкилотининг 1990 йилги Инсонни ривожлантириш биринчи глобал маърузаси "Халқларнинг ҳақиқий бойлиги – одамлар.

[1] Amartya Kumar Sen. Development as Freedom. 1999.

Ривожланишнинг асосий мақсади кишиларга узоқ, соғлом ва ижодкорона турмуш кечириш имкониятларини берувчи шарт-шароитларни яратишдир", деб бошланғани бежиз эмас.

Жаҳон мамлакатларида қадриятларнинг бундай ўзгариши ўлим даражаси ва умр кўриш давомийлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бирлашган Миллатлар ташкилоти маълумотларига кўра, кутилаётган умр кўриш давомийлиги ривожланаётган давлатларда 16 йилга ва ривожланган мамлакатларда 6 йилга олган. Жаҳонда беш ёшгача бўлган болаларнинг ўлими кўрсаткичлари ярмидан кўпроқ қисқарган.

Шу билан бирга аҳоли даромади юқори ва паст бўлган мамлакатларда кутилаётган умр давомийлигидаги фарқнинг ўртача катталиги ҳозир ҳам 19 йилни ташкил этади. Масалан, бугунги кунда Буркина Фасода туғилган одам Японияда туғилгандан 35 йил, Ҳиндистонда туғилган одам эса АҚШда тугилгандан 14 йил кам умр кўриши мумкин. Йигирма йил аввал Африка Сахарасининг жанубидаги минтакада туғилган одам бой мамлакатда туғилгандан 24 йил кам умр кўришига умид қилиши мумкин эди ва бу тафовут қисқариб борарди. Бироқ бугун бу борадаги фарқ 33 йилни ташкил этади ва аста-секин янада кўпаймоқда.

Бунга иқтисодиётдаги ўсишнинг пасайиши, ижтимоий кафолатларнинг камайиши билан бир қаторда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва касаллик даражасининг юқорилиги асосий сабаб бўлмоқда. Ўлим даражасининг ўсишига юрак-қон томир касалликлари, жароҳатланиш каби юқмайдиган касалликлар ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари юқумли хасталиклар сони ортиб бормоқда.

Ўртача умр кўриш давомийлигига бошқа, ҳарбий тўқнашувлар туфайли аҳоли ўртасида ўлимнинг кўпайиши, юзлаб ва минглаб кишиларнинг умрига зомин бўладиган кўлами кенг табиий офат ва катаклизмлар, кутилмаганда тарқаладиган эпидемия ва пандемиялар каби омиллар ҳам таъсир қилишини ҳам унутмаслик керак.

Саломатлик билан умр кўриш давомийлиги ўртасида тўғридан-тўғри ижобий боғланиш борлиги равшан: ижтимоий саломатликнинг юқори даражаси ўртача умр кўриш даражасининг юқори кўрсаткичларида ўз тасдиғини топади.

Саломатлик – инсоннинг турмуш тарзи, ҳаёт даражаси ва сифатининг кўрсаткичидир. Инсоннинг ўз саломатлигига кандай ёндашиши бевосита унинг саводхонлик даражасига боғлиқ. Яхши таълим олган аҳоли ўз саломатлигига нисбатан яхшироқ ёндашади, профилактика чораларини вақтида қўллайди, соғлом турмуш тарзини

йўлга қўяди, вактида касалликни аниклашга, ўз-ўзига биринчи ёрдам кўрсатишга, сифатли тиббий ёрдам олишга қодир бўлади.

Саломатлик ҳар бир инсон қатори ҳар бир жамиятнинг энг муҳим қадриятига айланмоғи керак. Ҳар бир мамлакат ўзининг аҳоли саломатлигига нисбатан ёндашувларни тубдан ўзгартириш имконини берадиган глобал стратегиясини белгилаб олиши лозим. Аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган стратегия барча манфаатдор ва масъул томонларнинг кенг кўламли тадбирларини ўзига қамраб олган тўрт поғонали ижро шаклига эга бўлиши лозимлиги тавсия килинади.

Инсоннинг саломатлиги, энг аввало, унинг ўзига боғлиқлиги яхши маълум. У ўз соғлиғи тўғрисида қайғуриши билан бирга соғлом турмуш тарзи қоидаларига амал килиши зарур. Аҳоли соғлом турмуш тарзининг асосчиларидан бири буюк ҳаким Абу Али ибн Сино бўлган ва у бундан минг йил олдин ушбу масалага бағишланган "Соғликни сақлаш ҳақида рисола" ёзган. У мерос қолдирган аксарият тавсиялар айни пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.



12.2-расм. Аҳоли саломатлигини яхшилаш учун манфаатдор ва масъул томонлар[1]

Мамлакатнинг соғлиқни сақлаш тизими жамият томонидан соғлиқни сақлашга йўналтирилган молиявий ресурслардан самарали фойдаланиши, тиббий хизмат сифатини ошириши, профилактик тадбирларига алоҳида эътибор қаратиши, соғлом турмуш тарзини карор тонтиришда ташаббускор бўлиши талаб қилинади.

Ҳукумат зиммасида профилактик, бирламчи ва шошилинч тиббий ёрдамни ривожлантириш, кишиларнинг ўз саломатликларини тиклаш,

[1] Инсонни ривожлантириш тўғрисида маъруза. Саломатлик - барча учун. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараккиёт дастури , 2006. 67-б.

соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаши учун имкон берадиган даромадларнинг ўсишини таъминлаш, экологик баркарорликни таъминлаш каби вазифалар юкланган.

Аҳоли саломатлигини яхшилашда халқаро институтларнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар эпидемиялар, даволаб бўлмайдиган ва даволаш қийин бўлган ижтимоий касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиш хавфини камайтириш, камбағал мамлакатлар ҳукуматларига аҳоли саломатлигини яхшилаш борасидаги ишларида ёрдам кўрсатишга даъват этилган (12.1-жадвал).

Гўдаклик, болалик ва ўсмирлик – инсон турмуш тарзининг, умуман, саломатлигининг шаклланишида жуда муҳим даврлардир. Чунки инсоннинг характери ва шахси айни шу даврда ҳар томонлама шаклланади. Мазкур ёшга доир соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосидан айнан маънавий ва ахлоқий етук, жисмонан бақувват ва соғлом болани тарбиялаш мақсади жой олиши лозим. Чунки ушбу ёшдаги гуруҳ шаклланишидаги мураккаблик шундан иборатки, улар салбий омиллар таъсирига берилувчан бўлади. Мазкур гуруҳда қашандалар, наркоманлар, ичкиликка бериладиганлар пайдо бўлиши эҳтимоли мавжуд. Мутахассисларнинг фикрича, сурункали хасталикларнинг салбий асослари ҳам айнан шу ёшда пайдо бўлади. Масалан, тадқиқотлар таҳлилидан маълум бўлишича, қон босимининг кўтарилиш хавфи, яъни мактабнинг бошланғич синфидаёқ болада бу касаллик аломатлари пайдо бўлиши мумкин.

Бу жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга астойдил ва комплекс ёндашувни тақозо этади. Ўзбекистонда ёшлар тарбияси ва соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги самарали чора-тадбирларни ўз ичига олган "Мактаб, Маҳалла, Оила" концепцияси доирасида бошланғич синфлар ўқитувчилари учун мазкур ёшдаги гуруҳлар учун тўғри овқатланиш, кун тартибига риоя қилиш, жисмонан чиниқишга оид масалаларни ўз ичига олган тадбирлар амалга оширилади.

Инсон шахсини шакллантиришда болалар боғчаси ва мактаб ёшидан болада спортга қизиқишни ўйғотиш муҳим ўрин тутади. Айни пайтда бу ёшда болалар шифокорларнинг доимий диққат-марказида бўлиши керак.

Кейинги босқич ҳаётга соғлом турмуш тарзини жорий қилишда инсоннинг ўз масъулияти ошиши билан аҳамиятли: бу ёшлик, етуклик (ўрта ёш), кейинчалик кексалик (қарилик) давридир. Согликни сақлаш тизими ва жамият одамларга соғлом турмуш тарзи ҳаётларида мустаҳкам ўрин эгаллашида ёрдам беради. Бироқ, ўзи учун, шунингдек, муайян босқичларда фарзандлари келажаги учун асосий масъулият

инсоннинг ўзига тушади. Кўплаб тадқиқотлар таҳлилига кўра, етук ва ўрта ёшдаги соғлом турмуш тарзининг самараси умрнинг анча олдинги даврларида кечирилган ҳаёт тарзига бевосита боғлиқ.

12.1-жадвал

Аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган тўрт поғонали стратегия

Поғона	Поғона субъекти	Манфаатдорлик	Жавобгарлик
Биринчи	Инсон	узоқ умр кўриш; яхши яшаш	соғлом турмуш тарзига амал қилиш
Иккинчи	Соғлиқни сақлаш тизими	жамият томонидан соғлиқни сақлашга йўналтирилган молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш; тизимдаги ишлар сифат ва самарасининг жамият томонидан эътироф этилишидан маънавий қониқиш	тиббий хизматлар сифатини ошириш; соғлиқни сақлашнинг профилактика усулига алоҳида эътибор қаратиш; соғлом турмуш тарзини шакллантиришда аҳолига ёрдам бериш
Учинчи	Ҳукумат	жамият равнак топишининг муҳим омили – аҳоли саломатлиги даражасининг юксалиши; самарасиз соғлиқни сақлаш тизимига сарфланаётган давлат харажатлари камайиши	профилактик, бирламчи ва шошилинч тиббий ёрдамни ривожлантириш; одамларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаши учун имкон берувчи даромадларнинг ўсишини таъминлаш; экологик барқарорликни таъминлаш
Тўртинчи	Халқаро институтлар	бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги тафовут туфайли жаҳонда сақланиб турган зиддиятни камайтириш; эпидемиялар, даволаб бўлмайдиган ва даволаш кийин бўлган ижтимоий касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиш хавфини камайтириш;	камбағал мамлакатлар ҳукуматларига аҳоли саломатлигини яхшилаш борасидаги ишларида ёрдами кўрсатиш; глобал экологик барқарорликни таъминлаш

Мамлакатда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишда 2001 йилда Жаҳон банки кўмагида амалга оширилган "Саломатлик-1" лойиҳаси тавсияларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида "Саломатлик институти"нинг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. "Саломатлик-1" лойиҳасининг бундай институтни ташкил этишдаги тавсиялари катта халқаро тажрибага асосланган.

Айни пайтда "Саломатлик" институти таркибида соғлом турмуш тарзини шакллантириш хизмати тармоғи ва тузилмаси - вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида 14 бўлим, 156 туман ва 15 шаҳар "Саломатлик маркази" ташкил этилган. Соғлом турмуш тарзи хизмати муассасалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла", "Оила" илмий-амалий маркази, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, Наркотикларни назорат қилиш миллий қўмитаси, оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Аҳоли турли гуруҳларининг саломатликни мустаҳкамлаш муаммо-ларига оид хабардорлигини ошириш учун Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларда болаларни гигиена қоидаларига ўргатиш дастури ишлаб чиқилган. Мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида саломатлик дарслари жорий этилган. Тиббиёт коллежлари учун «Соғлом турмуш тарзи» дарслиги, мактаб ўқувчилари учун «Шахсий гигиена ва санитария қоидалари» ўқув қўлланмаси чоп этилган. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Саломатликни мустаҳкамлаш ва ўлим даражасини камайтиришга йўналтирилган демографик сиёсатни амалга оширишда эпидемиологик жараёнларнинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиш, инсон умрини, унинг ҳаёти фаол ва соғлом даврини иложи борича узайтириш сингари узоқ муддатли стратегик мақсадлар билан бир қаторда кундалик вазифаларга ҳам доимий эътибор қаратилиши лозим. Бундай масалалар қаторига аҳолининг баъзи ёш-жинс, ижтимоий хавф даражаси юқори бўлган гуруҳлари (инсизлар, погиронлар, ёлғиз қариялар ва ҳ.к.лар) орасида ўлим ва касалланишнинг алоҳида сабаблари динамикасидаги салбий тенденцияларни енгиш зарурати киради. Бу вазифалар доирасида амалга ошириладиган дастурлар кўп жиҳатдан тезкор хусусиятга эга бўлса ҳам, кишиларнинг ҳаёти ва саломатлигини сақлаш бош стратегияси билан уйғун боғлиқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, саломатлик ва ўлим даражасининг салбий томонга ўзгариш ҳолатлари ушбу соҳадаги демографик сиёсатнинг бош стратегиясига зарур қўшимча чоралар киритишни талаб қилади.

Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда аҳоли умр кўриши давомийлигини узайтириш ва ўлим даражасини пасай-

тиришга қаратилган демографик сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш лозим:

• аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;

• аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш;

• аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишда профилактика тадбирларига устуворлик бериш;

• ишлаб чиқаришда меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш, касб касалликлари ва меҳнат жароҳатланишларга йўл қўймас-лик чораларини кўриш;

• аҳолининг санитария-гигиена маданиятини ошириш;

• экологик вазиятни соғломлаштириш чораларини кўриш;

• юқумли касалликлар тарқалишига йўл қўймаслик;

• аҳолининг хавф гуруҳлари – ногиронлар, кекса кишилар ва ҳ.к.ларнинг саломатлигини доимий назорат қилиб бориш ва зарур тиббий ёрдам кўрсатиш.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Демографик сиёсатнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Демографик сиёсатни ўтказишнинг қандай услубларини биласиз?
3. Демографик тарбиялаш деганда нимани тушунасиз?
4. Туғилиш соҳасида демографик сиёсатни ўтказишдан мақсад нимада деб ўйлайсиз?
5. Фарзандли оилаларга бериладиган ёрдам чоралари қандай гуруҳларга ажратилади?
6. Ўзбекистонда оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақаларнинг қандай турлари берилади?
7. Республикада ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қандай имтиёзлар берилган?
8. Ўзбекистонда ўлимни камайтириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Адабиётлар рўйхати

1. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009.

2. Бўриева М.Р. Демография асослари. – Тошкент, 2001.
3. Демография: Учебное пособие. /Под ред. Глушкова В.Г., Симагин Ю.А. – М.: КНОРус, 2010.
4. Демографическая политика: цели, принципы, приоритеты. /Под. ред. Л.Л. Рыбаковского. – М., 2000.
5. Денисова М.Б., Калмыкова Н.М. Демография. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010.
6. Лысенко С.Н. Демография. Учебно-практическое пособие. – М.: Вузовский учебник, 2010.
7. Медков В.М. Демография: Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2009.
8. Косов Н.И. Основы демографии: Учебное пособие. Берендеева А.Б. 2-е изд, доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010.
9. Харченко Л.Н. Демография. Учебное пособие. – М.: Омега-Л, 2009.
10. Щербаков А.И. Основы демографии и государственной политики народонаселения. Учебное пособие. – М.: Академический проект, 2005.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т.: Адолат, 2007.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. //http://www. lex.uz.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т.: Адолат, 2007.

1.5. Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон. 20-модда; 5-сон. 124-модда; 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон. 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 225-модда; 2009 й., 52-сон. 553-модда.

1.6. Ўзбекистон Республикаси "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонуни. //http://www.lex.uz.

1.7. Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонуни. //http://www.lex.uz.

1.8. Ўзбекистон Республикаси "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни. //http://www.lex.uz.

1.9. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни. //http://www.lex.uz.

1.10. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонуни. //http://www.lex.uz.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва маърузалари

2.1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон. 2009.

2.2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

2.3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: Ўзбекистон, 2010.

2.4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

2.5. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т. Ўзбекистон, 2011.

2.6. Каримов И.А. Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели. //Халқ сўзи, 2011 йил 27 ноябрь.

2.7. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

2.8. Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 февраль.

2.9. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош максадимиздир. //Халқ сўзи, 2012 йил 8 декабрь.

2.10. Каримов И.А. Бош максадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

2.11. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёрут келажагимизнинг асосий омилидир. //Халқ сўзи, 2013 йил 7 декабрь, № 240 (5914).

2.12. Каримов И.А. 2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш. барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // "Халқ сўзи" газетаси, 2014 йил 18 январь. №13 (5943)

III. Китоблар ва монографиялар

3.1. Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X. Demografiya: O'quv-qo'llanma.-T.: TDIU. 2011.

3.2. Абулқосимов Ҳ.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. Монография. – Т.: Тошкент молия институти, 2005.

3.3. Альперович, В.Д. Проблемы старения: демография, психология, социология. – М.: АСТ, 2004. - 352 с.

3.4. Антонов А.И. Социология семьи: учебник. - М.: ИНФРА-М, 2005. - 640 с.

3.5. Архангельский В.М., Иванова А.Е., Рыбаковский Л.Л., Рязанцев С.В. Практическая демография: Учебник. - М.: ЦСП, 2005.

3.6. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009.

3.7. Бахметова Г.Ш. Сбор и обработка данных о населении. – М.: Финансы и статистика, 2000.

3.8. Бедный М.С. Здоровье и продолжительность жизни. – М.: Знание, 1990.

3.9. Беккер Г. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории. /Пер. с англ., сост., научн. ред., послес. Капелюшников Р.И. –М.: ГУ ВШЭ, 2003.

3.10. Борисов В.А. Демография - М.: Издательский дом NOTA BENE, 2009. - 272 с.

3.11. Бреева, Е.Б. Основы демографии: учебное пособие. – М.: Дашков и К, 2008. – 386 с.

3.12. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет, 1997.

3.13. Бўриева М.Р., Эгамова Д. Дунё аҳолиси: ривожланиш жараёнлари. – Т.: Фан, 2008.

3.14. Вандескрик К. Демографический анализ. – М.: ИНФРА-М. 2005.

3.15. Дарский Л.Е., Тольц М.С. Демографические таблицы. Учеб. пособие. –М.: Макс Пресс, 2013.

3.16. Демография и статистика населения: Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: ФИНАНСЫ И СТАТИСТИКА, 2006. – 688 с.

3.17. Демография: учебник для вузов. /Под ред. Н.А. Волгина, Л.Л. Рыбаковского. – М.: Логос, 2005. – 280 с.

3.18. Демография: Учебное пособие. /Под ред Глушкова В.Г., Симагина Ю.А. – М.: КноРус, 2010.

3.19. Демография: учебное пособие. /Под ред. В.Г. Глушковой, Ю.А. Симагина. 5-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2010. – 288 с.

3.20. Демография: учебное пособие / коллектив авторов. Под ред. В.Г.Глушковой, Ю.А.Симагина. 7-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2013. – 304 с.

3.21. Денисова М.Б., Калмыкова Н.М. Демография. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 423 с.

3.22. Зарова Ф. Народонаселение и региональная экономика. /Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. –Т., 2009.

3.23. Заславская Т.И. Социальная экономика и экономическая социология / Избранные произведения: В 3-х тт. Т. 1. - М.: Экономика, 2007.

3.24. Клупт М. Демография регионов Земли / М. Клупт. – СПб.: ООО «Питер Пресс», 2008. – 346 с.

3.25. Лысенко С.Н. Демография. Учебно-практическое пособие. – М.: Вузовский учебник, 2010.

3.26. Максакова Л.П. Узбекистан в системе международных миграций. /Постсоветские трансформации: отражение в миграциях. /Под ред. Ж.А. Зайончковской и Г.С. Витковской. - М.: ИТ "АдамантЪ", 2009.

3.27. Медков, В.М. Введение в демографию: учебник для вузов - М.: Академический проект; Фонд «Мир», 2006. – 432 с.

3.28. Методология и методы изучения миграционных процессов: Междисциплинарное учебное пособие. /Под ред. Зайончковской Ж.А., Молодиновой И.П., Мукомеля В.И. – М.: Центр миграционных исследований, 2007.

3.29. Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1983.

3.30. Народонаселение: Энциклопедический словарь. – М., 1994.

3.31. Образование в Узбекистане: баланс спроса и предложения Доклад о человеческом развитии – 2007/2008. – Т.: ПРООН, 2007/2008.

3.32. Основы социальной экономики. /В.А. Каменецкий, В.П. Патрикеев. - М.: Экономика, 2010.

3.33. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. – Т.: Узбекистан, 2011.

3.34. Проблемы регулирования трудовой миграции: Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010.

3.35. Косов Н.И.Основы демографии: Учебное пособие. Берендеева А.Б. – 2-изд., доп и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010.

3.36. Переоделение барьеров: человеческая мобильность и развитие. /Доклад ПРООН о развитии человека. - М.: Изд-во «Весь мир», 2009.

3.37. Рахимова Н.Х. К изучению вопросов воспроизводства поколений // Население Узбекистана: 15 лет независимого развития. – Ташкент, 2007.

3.38. Региональная демографическая политика. /Под редакцией В.В. Елизарова и Н.Г. Джанаевой. - М.: МАКС Пресс, 2012. - 296 с.

3.39. Рыбаковский Л.Л. Концепция демографической политики. Методологические вопросы. – М., 2002.

3.40. Рязанцев С.В., Ткаченко М.Ф. Мировой рынок труда и международная миграция. Учебное пособие. –М.: Экономика. 2010.

3.41. Саградов, А.А. Экономическая демография: учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 254 с.

3.42. Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги мингйилликдаги асосий мақсади. – Тошкент, 2006.

3.43. Солиев А.С. ва бошқалар. Қишлоқ жойлар демографияси – Т.: Университет, 2005.

3.44. Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. /Материалы Республиканской научно-практической конференции. – Т., 2009.

3.45. Тихомиров Н.Н. Демография: методы анализа и прогнозирования. Учебник. – М.: Экзамен, 2005.

3.46. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши. Монография. – Т.: Fan va texnologiya. 2010.

3.47. Убайдуллаева Р.А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. – Т.: Фан, 2006.

3.48. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. – Тошкент, 2006.

3.49. Урбанизация в Центральной Азии: вызовы, проблемы и перспективы. - Т.: Центр экономических исследований, 2013. – 62 с.

3.50. Урланис Б.Ц. Эволюция продолжительности жизни. – М.: Статистика, 1978.

3.51. Харченко Л.П., Демография: Учебное пособие. - М.: Изд-во «Омега-Л», 2011. - 372 с.

3.52. Щербаков, А.И. Основы демографии и государственной политики народонаселения: учебное пособие для вузов. – М.: Академический Проект, 2005. – 208 с.

IV. Хорижий адабиётлар

4.1. Andrienko Y., Guriev S. Determinants of interregional mobility in Russia: evidence from panel data //Economics of Transition. 2004. 12 (1).

4.2. Artur W.B., Vaupel J.W. Some General Relationships in Population Dynamics // Population Index. 1984. Vol. 50(2).

4.3. Bennett N.G., Horiuchi Sh. Estimating the Completeness of Death Registration in a Closed Population // Population Index. 1981. Vol. 47(2).

4.4. Bongaarts J., Feeney G. On the Quantum and Tempo of Fertility //Population and Development Review. Vol. 24(2). 1998

4.5. Bourgeois-Pichat J. The Concept of a Stable Population: Application to the Study of Populations of Countries with Incomplete Demographic Statistics. Population Studies. N.Y.: United Nations, 1968.

4.6. Brass W. Methods for Estimating Fertility and Mortality from Limited and Defective Data. Chapel Hill, N.C.: University of North Carolina Press, 1975.

4.7. Bumpass L., Sweet J. National Estimates of Cohabitation: Cohort Levels and Union Stability // NSFH Working Paper. № 2. Center for Demography and Ecology, University of Wisconsin- Madison. 1989.

4.8. Caselli G., Vallin J., Wunsh G. Chapter 20. Population Models // Demography: Analysis and Synthesis / åd. par G. Caselli, J. Vallin, G. Wunsh. Vol. 1. N.Y. and L.: Academic Press, 2006.

4.9. Coale A.J. The Effects of Changes in Mortality and Fertlity on Age Composition //Milbank Memorial Fund Quarterly. 1956. Vol. 34 (1).

4.10. Davis S., Haltiwanger J. Measuring Gross Worker and Job Flows: NBER Working Paper. N5133. 1995.

4.12. Demography: Analysis and Synthesis; A Treatise in Population Studies / åd. by G. Caselli, J. Vallin, G. Wunsh. Vol. 1. N.Y. and L.: Academic Press, 2006.

4.13. Fertility Behavior in the Context of Development: Evidence from World Fertility Survey // Population Studies. No 100. N.Y., United Nations, 1987.

4.14. Gage T.B., Dyke B., MacCluer J.W. Estimating Mortality Level for Small Populations: an Evaluation of Pair of Two-Census Methods // Population Studies. 1986. Vol. 40(2).

4.15. Gibbs, J. The evolution of population concentration // Economic Geography. 1963. Guillard A. Elements de statistique humaine ou demographic compare. Paris, 1855.

4.16. Goodking D. On Substituting Sex Preference Strategies in East Asia: Does Prenatal Sex Selection Reduce Postnatal Discrimination?// Population Development Review. March 1996. Vol.22.

4.17. Graunt J. Natural and Political Observation Mentioned in a following Index, and Made upon the Bills of Mortality. By John Graunt? Citizen of London. With Reference to the Government Religion> Trade. Growth, Ayre, Difeales, and the feveral Chandes of the faid City London. MDCLXII.

4.18. Harris J., Todaro M. Migration, unemployment, and development: a two-sector analysis // American Economic Review. 1970, № 60.

4.19. Horiuchi S., Preston S.H. Age-Specific Growth Rates: The Legacy of Past Population Dynamics // Demography. 1988. Vol. 25(3).

4.20. Hoffman-Nowotny H.J, Demography and Sociology // Position of Demography Among Other Disciplines / Ed. by Zdenek Pavlik. Prague, 2000.

4.21. Isserman A.M. Economic-Demographic Modeling with Endogenously Determined Birth and Migration Rates: Theory and Prospects // Environment and Planning. 1985. Vol. 17.

4.22. Knox D., Schacht C. Choices in Relationships. An Introduction to Marriage and the Family. Saint Paul, N.-Y., Los Angeles, San Francisco, 1991.

4.23. Kohler H.-P., Vaupel J. W. Demography and its Relation to Other Disciplines // Position of Demography Among Other Disciplines / Ed. by Zdenek Pavlik. Prague, 2000.

4.24. Levels and Trends of Sex Differential in Infant, Child and Under-five Mortality Too Young to Die: Genes or Gender. United Nations. N.Y., 1998.

4.25. Massey D. S. Social structure, household strategies, and the cumulative causation of migration, Population Index, 56(1), 1990.

4.26. Measurement of Population According to Composition// Readings in Population Research Methodology. Volume 1. Basic Tools / Project Editors: D. J. Bogue, E.A. Arriaga, and D.L. Anderton. Chicago, 1993.

4.27. Pollard J.H. Projection of Age-Specific Mortality Rates // Population Bulletin of the United Nations. 1987. № 21/22.

4.28. Preston S.H., Keyfitz N., Shoen R. Causes of Death. Life Tablesfor National Populations. N.Y.-London, 1972.

4.29. Ravenstein E.G. The Laws of Migration // Journal of the Statistical Society of London, Vol. 48, No. 2. (June, 1885).

4.30. Selection Reduce Postnatal Discrimination? // Population and Development Review. March 1996. Vol. 22.

4.31. Shryock H.S., Sigel J.S. The Methods and Materials of Demography. – N.Y., San Francisco. London. 1973.

4.32. Shultz T. Human Capital, family planning and their etfects on population growth // American Economic Review. -1994.

4.33. Tabutin D. La Collecte des Donnees Demographiques. Methodes, Organisation et Exploitation. Liege: Ordina editions, 1994.

4.34. Waldron I. Factors determining the sex ratio at birth // Too young to die: genes or gender. United Nations, N. Y., 1998.

4.35. World Population Prospects. The 1998 Revision. Vol. I: Comprehensive Tables. U.N. N.Y., 1999.

V. Интернет ресурслари

5.1. http://www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат портали.

5.2. http://www.mineconomu.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг расмий сайти.

5.3. http://www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий сайти

5.4. http://www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитасининг расмий сайти.

5.5. http://www.migration.uz – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ташқи миграция масалалари бўйича агентликнинг расмий сайти.

5.6. http://www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги-нинг қонунчилик ҳужжатлари сайти.

5.7. http://www.ilo.org – Халқаро меҳнат ташкилотининг расмий сайти.

5.8. http://www.iom.int – Халқаро миграция ташкилотининг расмий сайти.

5.9. http://www.undp.uz – Бирлашган Миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастурининг (ПРООН) Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси сайти.

5.10. http://www.worldbank.org – Жахон банкининг расмий сайти.

5.11. http://www.edu.uz – Ўзбекистон таълим сайти.

Абдураҳмонов Қаландар Ходжаевич,
Зокирова Нодира Қаландаровна,
Шоюсупова Паргиза Тургуновна,
Габзалилова Вилера Турсуновна,
Абдураманов Хамид Худойбергенович,
Абдураҳмонова Гулнора Қаландаровна,
Шакаров Зафар Гаффорович

Демография

Дарслик

"IQTISODIYOT" – *2014.*

Муҳаррир
Мирҳидоятова Д.М.
Вахобова М.М.
Бобоева Н.С.
Мусаҳҳиҳ
Расулова С.С.

Лицензия AI № 240 07.10.2013 й. Теришга берилди 09.12.2013. Босишга рухсат этилди 16.01.2014. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 22,8. Ҳисоб нашр вараги 22,4. Адади 500 нусха. ___-сонли буюртма. Бахоси келишилган нархда

"IQTISODIYOT" нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.
100003. Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй.

60.7 Демография. Дарслик. К.Х. Абдурахмонов ва бошқалар. /Н.К. Зокирова, Н.Т. Шоюсупова, В.Т. Габзалилова, Х.Х. Абдураманов, Г.К. Абдурахмонова, З.Г. Шакаров. – Т.: "IQTISODIYOT", 2014. -364 б.

1. Абдурахмонов Қ.Х.,
2. Зокирова Н.К.,
3. Шоюсупова Н.Т.,
4. Габзалилова В.Т.,
5. Абдураманов Х.Х.,
6. Абдурахмонова Г.К.,
7. Шакаров З.Г.

ISBN 978-9943-4024-1-6

УЎК: 314(075)
КБК: 60.7

60.7
A139

ISBN 978-9943-4024-1-6